# TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYA

2022
4-son

ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-uslubiy jurnal



ISSN 2181-8274

*Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-uslubiy jurnal.*
*1996-yilda tashkil etilgan.*

Tahrir hay'ati raisi:
**Sh.U.Yakubov**
Oliy ta'limni rivojlantirish tadqiqotlari va ilg'or texnologiyalarni tatbiq etish markazi direktori

Tahrir hay'ati raisi o'rinbosari:
**M.X.Esanov**

Bosh muharrir:
**A.T.Eshmurodov**

Bosh muharrir o'rinbosari:
**A.A.Sabriyev**

Tahrir hay'ati a'zolari:
**L.R.Zaripov**
**A.A.Dadasheva**
**Sh.A.Rasulov**
**M.M.Inagamova**
**S.Q.Maxsumova**
**S.S.Samandarova**
**S.S.G'oziyev**
**O.N.Toshpulatov**

Jamoatchilik kengashi a'zolari:
**Q.X.Abduraxmanov**
**Sh.T.Qudratxo'ja**
**G.Sh.Rixsiyeva**
**Sh.S.Sirojiddinov**
**R.I.Xolmurodov**
**A.I.Toshpulatov**
**N.M.Jabborov**
**M.A.Raxmatullaev**
**T.Z.Teshabayev**
**M.Q.Sultonov**

Dizaynerlar:
**M.Yo'ldashev**
**Sh.B.Sobirov**

# TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYA

**Shaxzod Tursunov.**
"Yangi O'zbekistonda talaba yoshlarning vatanparvarlik va vatan tuyg'usini shakllantirish omillari" ....... 5

**Norposhshaxon Voxidova.**
"Bo'lajak o'qituvchilarni tarbiyaviy faoliyatga tayyorgarligini takomillashtirishning innovatsion texnologiyalari" ....... 7

**Olim Alimnazarov.**
"O'quvchilarning mustaqil ta'lim jarayonida innovatsion texnologiyalaridan foydalanish integratsiyasi" ....... 10

**Муниса Шаюсупова.**
"Фуқаролик жамиятини шакллантиришда демократик сайловларнинг роли ва аҳамияти" ....... 14

**Акром Тўрахонов.**
"Акмеологик ёндашув асосида чақириққача ҳарбий таълим йўналиши талабаларида жисмоний-тактик кўникмаларни ривожлантиришнинг педагогик модели" ....... 17

**Sarvinoz Raximqulova.**
"Milliy kostyum bezak elementlarining tayyorlash usullarini yaratish" ....... 20

**Комил Муҳаммадиев.**
"Тоғ тизмасига саёҳат уюштириш технологияси" ....... 24

**Sevara Bobonazarova.**
"Bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilarini tarbiyalashga akmeologik yondashuv" ....... 26

**Jasurbek Azamov.**
"Shanxay indeksi" asosida oliy ta'lim muassasalarining avtonomiya darajasi" ....... 29

**Шоҳида Болтаева.**
"Мустақил таълим машғулотларини ташкил этишда масофали ўқитиш технологиясининг аҳамияти" ....... 31

**Шокиржон Холматов.**
"Ўқув фаолиятида шахснинг ўз-ўзини ривожлантириши" ....... 34

**Gulnoza Berdiyeva.**
"Boshlang'ich sinf o'qituvchilarini aktdan foydalanish asosida kasbiy faoliyatni rivojlantirishning pedagogik ahamiyati" ....... 37

**Раҳмон Қодиров.**
"Бошланғич синф ўқувчиларининг танқидий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришнинг айрим масалалари" ....... 39

**Muassislar:**
*O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi,*
*Oliy ta'limni rivojlantirish tadqiqotlari va ilg'or texnologiyalarni tatbiq etish markazi*

**Manzil:** 100095, Toshkent shahri, Olmazor tumani, Shifo nur ko'chasi, 75-uy
**Telefon:** (71) 207-03-41
**e-mail:** rmxat@edu.uz

**Jurnal O'zbekiston Matbuot va axborot agentligidan 2014 yil 26 dekabrda 0506 raqami bilan ro'yxatdan o'tgan.**

*Jurnal har oyda o'zbek, rus va ingliz tillarida elektron shaklda chop etiladi.*

"Ta'lim, fan va innovatsiya" jurnali O'zbekiston Respublikasi Oliy attestatsiya komissiyasi Rayosatining 2015 yil 18 noyabrdagi 218/5-sonli qarori bilan 13.00.00 – PEDAGOGIKA FANLARI bo'yicha, 2018 yil 28 noyabrdagi 247/6-sonli qarori bilan 23.00.00 – SIYOSIY FANLAR bo'yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan.

"Ta'lim, fan va innovatsiya" jurnalidan ko'chirib bosish faqat tahririyatning roziligi bilan amalga oshiriladi. Maqolada keltirilgan faktlarning to'g'riligi uchun muallif mas'uldir. Tahririyat fikri mualliflar fikriga mos kelmasligi mumkin.

*Jurnalning to'liq matnini **esijournal.uz** rasmiy saytidan yuklab olishingiz mumkin.*

*Maqola va murojaatlarningizni **@esijournalbot** telegram bot'iga yuboring.*

**Rimma Djumabekova.**
"The implementation of digital communication tools in education" ........... 42

**Лочин Зарипов.**
"Кредит-модуль тизими асосида бўлажак технология ўқитувчилари касбий тайёргарлигига асосий ёндашишлар" ........................................ 44

**Dilnoza Nosirova.**
"Innovatsion yondashuvli voleybol o'yin texnikasining tasnifi" ................ 47

**Дилшод Турдибоев.**
"Математика таълим жараёнини халқаро баҳолаш тизими асосида ташкил қилишда дидактик тамойилларидан фойдаланиш" ......................... 52

**Latofat Botirova.**
"Katta maktabgacha yoshdagi bolalarda sog'lom turmush tarzini shakllantirishning o'ziga xos xususiyatlari" ............................................... 56

**Abror Inatov.**
"Talabalarning kasbiy kompetentligini shakllantirish samaradorligini oshirishda innovatsion ta'lim vositalaridan foydalanish" ............................ 58

**Дилафруз Каримова.**
"Олий таълим тизимида мустақил таълимнинг аҳамияти" ................. 62

**Игорь Ганчерёнок, Николай Горбачёв, Кундуз Ахмедова, Шахло Юсупова.**
"Дистанционое образование: Кредитно-модульный подход" ............... 64

**Nodima Oripova, Dilfuza Raxmatova.**
"Bo'lajak tarbiyachilarning vatanparvarlik hissini tarkib toptirishda ta'lim texnologiyalaridan foydalanish imkoniyatlari" .......................................... 71

**Bekzod Alimov.**
"O'zbekistonda ta'lim jarayonida o'rta asrlarda yashab ijod qilgan Markaziy Osiyo matematiklari merosidan foydalanish holati" ................................... 74

**Гулбаҳор Ишмуродова, Мафтуна Нуримова, Моҳинур Рахимова.**
"Уюшмаган ёшларни ҳунармандчилик соҳаларига оид қўшимча касбларга тайёрлаш" ............................................................................................ 77

**Тўлқин Маматалиев.**
"Олий таълим ташкилотларида масофавий таълим шаклини жорий этиш" ... 80

**Gulbahor Ishmurodova, Mohinur Raximova, Maftuna Nurimova.**
"Xalq hunarmandchiligi va amaliy san'at turlari, ulardagi umumiylik va farqlar" .................................................................................................. 84

**Феруза Мукумова.**
"Ўқувчиларнинг миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик қобилиятларини ривожлантириш усуллари" ........................................................ 87

**Хол Худайқулов, Раъно Эргашева.**
"Ўқувчиларга чет тилини ўргатиш орқали эстетик маданиятни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари" ........................................................ 89

**Ozodaxon O‘rinova.**
“Fanlararo aloqadorlik bo‘lajak kimyo o‘qituvchilarini kasbiy faoliyatga tayyorlashning samarali omili sifatida” ...... 93

**Алишер Сабриев.**
“Нишотийнинг “Ҳусну Дил” достони ва матншуносликнинг айрим масалалари” ................................................ 96

**Sevara Mingyasharova.**
“Kasbiy kompetensiyalarni rivojlantirishning pedagogik-psixologik imkoniyatlari” .................................................. 99

**Baxtiyorjon Alibayev, Doniyorjon Alibayev, Dinara Matyakubova, Dildora Yunusova.**
“Pedagogik konfliktlarning bartaraf etish tushunchalarini shakllantirishga yo‘naltirilgan jarayonning mazmuni” ..... 102

**Муниса Эркинова.**
“Нофилологик таълим йўналиши талабаларининг инглиз тилини ўрганиш сифат мониторинги” ................... 106

**Музаффар Джураев, Зилола Мустанова.**
“Пахта хомашёси ифлосликларининг классификацияланиши” ............................................................................ 110

**Tursunoy Bo‘riyeva.**
“Sharq allomalarining tabiiy-ilmiy bilimlarni shakllantirishga oid fikrlari” .............................................................. 112

**Сапура Ешанова.**
“Технология фани ўқитувчиларининг инновацион таълим технологиялардан фойдаланиш компетентлиги самарадорлигини ошириш масалалари” ........................................................................................................................ 115

**Ulug‘bek Eshquvvatov.**
“Talabalarning kreativ qobiliyatlarini rivojlantirish metodikasi” ............................................................................. 117

**Манзура Мирзаева.**
“Проблемы воспитания у дошкольников бережного отношения к природе в современной педагогической системе” ... 120

**Урол Айтувганов.**
“Талабаларнинг ижодий фикрлашини ривожлантиришда геометриянинг содда масалалари” .......................... 124

**Дилдора Кенжаева.**
“Шарқ мутафаккирларининг акмеологик қарашларидан талабалар компитентлигини ривожлантиришда фойдаланиш” ............................................................................................................................................. 127

**Даврон Жарқинов.**
“Вертикал интеграциялаш орқали олий техник таълим талабаларида ижодий ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантириш модели” ................................................................................................................................ 130

**Nazira Xamrayeva.**
“O‘quvchilarning intelektual qobiliyatlarini rivojlantirish” ......................................................................................... 133

**Nodira Raxmatova, Abdusalom Makamov, Muxtor Darmanov, Ilyos Normamatov, Azadaxon Imamxodjayeva, Naim Xusyenov, Jurabek Norbyekov, Umid Boyqobilov, Zabardast Buriyev.**
“Biotexnologik yangi g‘o‘za liniyalari asosida olingan murakkab gibrid kombinatsiyalarini orttirilgan NaCl ta’siriga chidamliligini aniqlash” ........................................................................................................................................ 135

**Гўзал Давурова.**
“Ҳарбий хизматчи аёлларда қарор қабул қилиш жараёнининг психологик хусусиятлари” .................................. 140

**Дилафруз Суфиева.**
“Институциональные основы гендерно-правовой экспертизы” .................................................................................. 142

**Шахноза Игамбердиева.**
"Бўлажак хорижий тил ўқитувчиларини ижодий ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантириш тизимининг амалиётдаги ҳолати" ........ 149

**Umida Uktamova.**
"Talaba qizlarda tazyiq va tajovuzga, zo'ravonlikka qarshi dunyoqarashni shakllantirishning pedagogik shart-sharoitlari" ... 152

**Зоир Шакиров, Саидахон Закирьяева, Шахноза Атаджанова, Рустам Абдиев.**
"Фосфат ва калий парчаловчи ризобактерия штаммларини буғдойнинг ўсиши ва ривожланишига таъсири" ...... 154

**Бонухон Умурзакова.**
"Бўлғуси хорижий тил ўқитувчилари медиамаданиятини ривожлантиришнинг маънавий моҳияти" ........ 157

**Гулнора Норматова.**
"Бошланғич таълимда фанлараро интеграцияни таъминлашда ўқитувчи касбий компетентлиги" ........ 161

**Умида Бованова.**
"Бошланғич синф ўқувчиларида табиий атроф-муҳитга ижобий муносабатни шакллантиришнинг педагогик йўллари" ........ 164

**Norposhshaxon Voxidova.**
"Bo'lajak o'qituvchilarni tarbiyaviy faoliyatga tayyorlashni takomillashtirish" ........ 168

**Sobirjon Abdullayev.**
"Integrativ yondashuv asosida talabalarda daxldorlik fazilatlarini rivojlantirish tamoyillari" ........ 172

**Тўйчи Ахмедов.**
"Халқ билан мулоқот давлат бошқарувининг самарадорлиги омили" ........ 174

**Хол Худойқулов, Маъруф Салимов.**
"Ўқувчида ватанпарварлик, миллий ифтихор, бурч ва масъулият туйғусини тарбиялаш орқали дастлабки ҳарбий офицерлик касбий компетентликни шакллантириш" ........ 178

**Sherzod Zarmasov.**
"Bo'lajak o'qituvchilarda kasbiy refleksiyani rivojlantirish pedagogik zarurati" ........ 183

**Бекмурат Пардаев.**
"Некоторые соображения о социализации школьников и ее педагогическом обеспечении" ........ 186


ISSN 2181-8274

# YANGI O'ZBEKISTONDA TALABA YOSHLARNING VATANPARVARLIK VA VATAN TUYG'USINI SHAKLLANTIRISH OMILLARI

**Shaxzod Tursunov,**
Samarqand davlat universiteti mustaqil tadqiqotchisi

***Annotatsiya***
*Ushbu maqolada talaba yoshlarimizda vatanparvarlik ruhining shakllanishi va rivojlanishini o'rganish davlat siyosati darajasiga ko'tarildi. Zero, yoshlarning maqsad va intilishlari, bilim darajasi, Vatan, xalq, millat oldidagi burchlari va vazifalarini qay darajada anglab yetganliklariga qarab mamlakat, millatining kelajagi qanday bo'lishi mumkinligini bemalol aytib berish mumkin. Talaba yoshlarni yuksak vatanparvarlik ruhida tarbiyalash, bu yo'lda asrlarga tengdosh milliy-madaniy merosimiz, qadriyatlarimiz, tariximiz sahifalaridan, an'analarimizdan samarali foydalanish maqsadga muvofiqdir. Maqolada vatanparvarlik va insonparvarlik to'g'risida, bularning murakkab va albatta, mislsiz hodisa ekanligi to'g'risida so'z yuritilgan.*
***Kalit so'zlar:*** *Vatanparvarlik ruhi, Vatan, Murojaatnoma, globallashuv, xalq, millat to'yg'usi, jamiyat, yondashuv, innovatsiya, yoshlar, tarbiya, ta'lim, ma'naviyat, insonparvarlik, jasurlik, to'garak.*

***Аннотация***
*Изучение формирования и развития патриотического духа у наших студентов поднялось до уровня государственной политики. Будущее страны и нации легко предсказать, в зависимости от целей и устремлений молодых людей, их уровня образования, понимания ими своих обязанностей и ответственности перед Родиной, народом и нацией. Целесообразно воспитывать студентов в духе высокого патриотизма, эффективно использовать страницы нашего многовекового национального и культурного наследия, ценностей, истории и традиций. В статье утверждается, что патриотизм и гуманность - явления сложные и, конечно, беспрецедентные.*
***Ключевые слова:*** *Дух патриотизма, Родина, Призыв, глобализация, люди, национальное чувство, общество, подход, новаторство, молодежь, воспитание, образование, духовность, человечность, отвага, кружки.*

***Annotation***
*The study of the formation and development of the patriotic spirit among our students has risen to the level of state policy. The future of a country and a nation is easy to predict, depending on the goals and aspirations of young people, their level of education, their understanding of their duties and responsibilities to the Motherland, people and nation. It is advisable to educate students in the spirit of high patriotism, to effectively use the pages of our centuries-old national and cultural heritage, values, history and traditions. The article argues that patriotism and humanity are complex and, of course, unprecedented phenomena.*
***Keywords:*** *Spirit of patriotism, Motherland, Call, globalization, people, national feeling, society, approach, innovation, youth, upbringing, education, spirituality, humanity, courage, circles.*

Mamlakatimiz mustaqillikka erishgandan so'ng yoshlarga vatanparvarlik tarbiyasi va targ'ibotini shakllantirishdagi munosabat tubdan o'zgardi. Yosh avlodning hayotda o'z o'rnini topishini ta'minlashga, ularda mavjud qobiliyatni to'la ro'yobga chiqarishga, jamiyatda fikrlovchi erkin shaxsni shakllantirishga, umumiy va maxsus bilimlar tayyorgarligiga esa ongli, fikrlashi sog'lom, zamonaviy dunyoqarashga ega, vatanparvarlik, milliy g'urur, fidoiylik fazilatlarini o'zida mujassamlashtirgan komil insonlarni tarbiyalashga qaratilgandir. Talaba yoshlarimizda vatanparvarlik ruhining shakllanishi va rivojlanishini o'rganish davlat siyosati darajasiga ko'tarildi. Zero, yoshlarning maqsad va intilishlari, bilim darajasi, Vatan, xalq, millat oldidagi burchlari va vazifalarini qay darajada anglab yetganliklariga qarab mamlakat, millatining kelajagi qanday bo'lishi mumkinligini bemalol aytib berish mumkin. Talaba yoshlarni yuksak vatanparvarlik ruhida tarbiyalash, bu yo'lda asrlarga tengdosh milliy – madaniy merosimiz, qadriyatlarimiz, tariximiz sahifalaridan, an'analarimizdan samarali foydalanish maqsadga muvofiqdir. So'nggi yillarda bu borada qator qarorlar qabul qilindi.

2017–2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasida [1] davlat va jamiyat qurilishi tizimini takomillashtirishning beshta ustuvor yo'nalishlaridan biri "Xavfsizlik, millatlararo totuvlik va diniy bag'rikenglikni ta'minlash hamda chuqur o'ylangan, o'zaro manfaatli va amaliy tashqi siyosat" qilib belgilangan. Mamlakatimizda talaba yoshlarda vatanparvarlik ruhini shakllantirish, tarbiyaviy ishlarini muvofiqlashtirish, yaxlit tizimga solish, olib boriladigan ishlarning natijadorligiga erishish chora-tadbirlari sust olib borilmoqda. Mahallalarda, ta'lim muassasalarda vatanparvarlik ruhini shakllantirish tarbiyaviy ishlarni prinsipial jihatdan yangicha (innovatsion) yondashuvlar asosida yo'lga qo'yish va tizimga solishda muhim ehtiyoj seziladi. Aynan mana shu aniq – tarixiy shart-sharoit, imkoniyat va ehtiyoj, milliy o'ziga xoslikning vatanparvarlik tuyg'ularida shakllanishi va tarbiyalanishini o'rga-

nish tadqiqot mavzusining dolzarbligini belgilagan omillardan hisoblanadi.

Davlat rahbarining 2017-yil 5-iyuldagi “Yoshlarga oid davlat siyosati samaradorligini oshirish va O‘zbekiston yoshlar Ittifoqi faoliyatini qo‘llab-quvvatlash to‘g‘risida”gi PF-5106-sonli, “O‘zbekiston Respublikasi oliy ta’lim tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish Konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi 2019-yil 8-oktabrdagi PF-5847-sonli Farmonlari, 2017-yil 28-iyuldagi “Ma’naviy-ma’rifiy ishlar samaradorligini oshirish va sohani rivojlantirishni yangi bosqichga ko‘tarish to‘g‘risida”gi, 2018-yil 5-iyundagi “Oliy ta’lim muassasalarida ta’lim sifatini oshirish va ularning mamlakatda amalga oshirilayotgan keng qamrovli islohotlarda faol ishtirokini ta’minlash bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi, 2018-yil 14-avgustdagi “Yoshlarni ma’naviy, axloqiy va jismoniy barkamol etib tarbiyalash, ularga ta’lim-tarbiya berish tizimini sifat jihatidan yangi bosqichga ko‘tarish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarorlari mamlakatimizda bu sohadagi islohotlarning tashkiliy-huquqiy asosini aks ettiradi. Jumladan, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldagi “O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha harakatlar strategiyasi to‘g‘risida”gi PF-4947-sonli Farmonida yoshlarda yangicha tafakkur madaniyatini shakllantirish masalasi o‘z ifodasini topgan bo‘lib, unda ijtimoiy sohani rivojlantirishning ustuvor yo‘nalishlari doirasida yoshlarga oid davlat siyosatini takomillashtirish masalasiga e’tibor qaratilgan. Bu borada jismonan sog‘lom, ruhan va aqlan rivojlangan, mustaqil fikrlaydigan, Vatanga sodiq, qat’iy hayotiy nuqtayi nazarga ega yoshlarni tarbiyalash, demokratik islohotlarni chuqurlashtirish va fuqarolik jamiyatini rivojlantirish jarayonida ularning ijtimoiy faolligini oshirish, yosh avlodning ijodiy va intellektual salohiyatini qo‘llab-quvvatlash va ro‘yobga chiqarish, bolalar va yoshlar o‘rtasida sog‘lom turmush tarzini shakllantirish, ularni jismoniy tarbiya va sportga keng jalb etish va boshqa vazifalar belgilangan.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 3-maydagi “Ma’naviy-ma’rifiy ishlar samaradorligini oshirish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi PQ-4307-sonli qarori mamlakatimizda ma’naviy-ma’rifiy ishlar ta’sirchanligini oshirish, ma’naviyat sohasidagi ichki va tashqi tahdid hamda xavf-xatarlarga qarshi samarali kurashish, jamiyatda mafkuraviy immunitetni mustahkamlash, davlat va jamoat tashkilotlarining bu boradagi faoliyatiga yaqindan ko‘maklashish maqsadida qabul qilindi. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti rahbarligida 2019-yil 19-martda “Yoshlar bilan ishlashni samarali tashkil etishda madaniyat, san’at, sport, axborot texnologiyalari, kitob o‘qishga qiziqishini oshirish bo‘yicha 5 ta muhim tashabbusni amalga oshirish to‘g‘risida” o‘tkazilgan videoselektor majlisida belgilab berilgan vazifalar ijrosini ta’minlash borasida oliy ta’lim tizimida ham yoshlarning madaniyat va san’at, sport, kompyuter texnologiyalari, kitobxonlikka jalb etish yuzasidan qator loyihalar amalga oshirilmoqda.

Ma’lumki, bugun dunyoda keskin kurash va raqobat hukm surmoqda, manfaatlar to‘qnashuvi kuchaymoqda. Globallashuv jarayonlari insoniyat uchun beqiyos yangi imkoniyatlar bilan birga kutilmagan muammolarni ham keltirib chiqarmoqda. Milliy o‘zlik va ma’naviy qadriyatlarga qarshi tahdid va xatarlar tobora ortmoqda. Aynan shulardan kelib chiqib, mamlakatimizda bo‘lib o‘tgan yirik tadbirlar – davlatimiz rahbarining Oliy Majlisga va xalqimizga Murojaatnomasi, O‘zbekiston yoshlarining birinchi forumi hamda Xavfsizlik kengashining kengaytirilgan yig‘ilishida ma’naviyat yo‘nalishidagi dolzarb vazifalar belgilab berildi.

Globallashuv sharoitida faqat o‘zini o‘ylash, mehnatga, oilaga yengil qarash, iste’molchilik kayfiyati turli yo‘llar bilan odamlar, ayniqsa, yoshlar ongiga singdirilyapti. Yoshlar tarbiyasida shu kabi muammolarni bartaraf etish uchun yosh avlodni tarbiyalash borasidagi ishlarni yanada takomillashtirish, ta’lim-tarbiya sifatini mazmun jihatidan yangi bosqichga ko‘tarish, o‘qituvchilik kasbining nufuzini oshirish maqsadida, shuningdek, 2017–2021-yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasiga muvofiq:

yuksak ma’naviyatli, qat’iy hayotiy pozitsiya, keng dunyoqarashga ega bo‘lgan fidoyi va vatanparvar yoshlarni tarbiyalash;

yoshlarni yot g‘oyalar ta’siridan himoya qilish, ularni milliy va umuminsoniy qadriyatlarga sodiqlik, diniy bag‘rikenglik va millatlararo totuvlik ruhida tarbiyalash [2] deb belgilangan.

Bu borada bugungi kunda oliy ta’lim tashkilotlarining pedagogik jaraynida sog‘lom muhitni shakllantirish, tarbiyaviy ishlar sifati va samaradorligini oshirish, talabalarning bo‘sh vaqtlarini namunali o‘tkazish, vatanparvarlik tuyg‘usini oshirishga qaratilgan turli xil tadbirlar-u uchrashuvlar, turli to‘garaklar faoliyatini yo‘lga qo‘yish, ular o‘rtasida sport turlari bo‘yicha musobaqalar tashkil etish, turli tanlovlar o‘tkazish an’anaga aylangan. Yoshlar o‘rtasida kitob mutolasi va kitobxonlik madaniyatini oshirish, ular orasida badiiy jihatdan yuksak intellektual saviyani o‘stirishga xizmat qiladigan kitoblarga bo‘lgan talablarni o‘rganish maqsadida turli xil tanlovlar, ma’naviy-ma’rifiy tadbirlar, to‘garaklar faoliyati, intellektual o‘yinlar yo‘lga qo‘yilgan.

Yosh avlodning ta’lim-tarbiyasi, vatanparvarligi, zamonaviy bilimlarni egallashi davlat siyosati darajasida hal qilinishi lozim bo‘lgan oldimizda turgan muhim vazifalardan biri hisoblanadi.

Yoshlarda vatanparvarlik va vatan tuyg‘usi qanchalik kuchli bo‘lsa, ularning ma’naviy kamolotga bo‘lgan ehtiyojlari ham mustahkam, barqaror bo‘ladi.


ISSN 2181-8274

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

*1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда).*

*2. S.Davletov O'zbekiston taraqqiyotining yangi bosqichida ma'naviy-ma'rifiy ishlarning ta'sirchanligi va samaradorligini oshirish masalalari – https://urdu.uz/uploads/global/19.01.2021.pdf*

*3. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Qarori 14.08.2018 y. PQ № -3907*

*4. O'zbekiston milliy entsiklopediya. –T.: Davlat ilmiy nashriyoti, 2-tom. 2001. 395-bet.*


# BO'LAJAK O'QITUVCHILARNI TARBIYAVIY FAOLIYATGA TAYYORLASHNI TAKOMILLASHTIRISH


**Norposhshaxon Voxidova,**
Toshkent davlat pedagogika universiteti Pedagogika kafedrasi professori



***Annotatsiya***

*Maqolada bo'lajak o'qituvchilarning tarbiyaviy faoliyatga tayyorlashga bo'lgan ehtiyoji sabablari bayon etilib, innovatsion yondashuv asosida bo'lajak o'qituvchilarning tarbiyaviy faoliyatga tayyorlash muammosining nazariy va amaliy holati tahlil etilgan, sohadagi mavjud muammolar hamda tarbiyaviy faoliyat jarayonidagi pedagogning professional pozitsiyalari tavsiflanib, tarbiyaviy faoliyatga tayyorlash modeli mazmuni aniqlashtirilgan.*



***Kalit so'zlar:*** *model, tahlil, tarbiya, innovatsiya, texnologiya, ta'lim, bosqich, samara, maxsus, uslubiy, kasb, takomillashtirish, natija, imkoniyat, tarbiyaviy faoliyat.*



***Аннотация***

*В статье излагаются причины необходимости подготовки будущих учителей к образовательной деятельности, анализируется теоретическое и практическое состояние проблемы подготовки будущих учителей к образовательной деятельности на основе инновационного подхода, описываются существующие проблемы в этой области и профессиональные позиции педагога в процессе образовательной деятельности, уточняется содержание модели подготовки будущих учителей к образовательной деятельности.*



***Ключевые слова:*** *модель, анализ, воспитание, инновации, технология, образование, этап, самобытность, специальный, методический, профессия, совершенствование, результат, возможность, воспитательная деятельность.*



***Annotation***

*The article outlines the reasons for the need to prepare future teachers for educational activities, analyzes the theoretical and practical state of the problem of preparing future teachers for educational activities based on an innovative approach, describes the existing problems in this area and the professional positions of the teacher in the process of educational activities, clarifies the content of the model of training future teachers for educational activities.*



***Keywords:*** *model, analysis, education, innovation, technology, education, stage, identity, special, methodical, profession, improvement, result, opportunity, educational activity.*


Respublikamizda so'nggi yillarda innovatsion yondashuv asosida bo'lajak o'qituvchilarni tarbiyaviy faoliyatga tayyorlash texnologiyalarini takomillashtirishning me'yoriy huquqiy asoslari yaratilmoqda. Mamlakatimizda "Jismonan sog'lom, ruhan va aqlan rivojlangan, mustaqil fikrlaydigan, Vatanga sodiq, qat'iy hayotiy nuqtai nazarga ega yoshlarni tarbiyalash, demokratik islohotlarni chuqurlashtirish va fuqarolik jamiyatini rivojlantirish jarayonida tarbiyaviy faoliyatga tayyorgarligi" [1] masalasiga ustuvorlik berilmoqda. Bu, o'z navbatida, innovatsion yondashuv asosida bo'lajak o'qituvchilarni tarbiyaviy faoliyatga tayyorlash texnologiyalarini takomillashtirishning pedagogik imkoniyatlarini kengaytiradi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi PF-60-sonli "2022–2026-yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida"gi, 2019-yil 29-apreldagi PF-5712-son "O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi Farmonlari, 2022-yil 21-iyundagi PQ-289-sonli "Pedagogik ta'lim sifatini oshirish va pedagog kadrlar tayyorlovchi oliy ta'lim muassasalari faoliyatini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi, 2018-yil 14-avgustdagi PQ-3907-son "Yoshlarni ma'naviy, axloqiy va jismo-

nan barkamol qilib tarbiyalash, ularni o'qitish va tarbiyalash tizimini sifat jihatidan yangi bosqichga ko'tarish chora-tadbirlar to'g'risida"gi, 2020-yil 6-noyabrdagi PQ-4884-son "Ta'lim-tarbiya tizimini yanada takomillashtirishga oid qo'shimcha chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarorlari hamda mazkur faoliyatga tegishli boshqa me'yoriy-huquqiy hujjatlarda ilgari surilgan g'oyalar bo'lajak o'qituvchilarni tarbiyaviy faoliyatga tayyorlash ijtimoiy zaruriyat ekanligi, mazkur jarayonni muvaffaqiyatli amalga oshirish uchun, eng avvalo, o'zlari zamonaviy ta'lim-tarbiya talablaridan xabardor bo'lishlari, innovatsion texnologiyalarni egallagan, axborot-kommunikatsiya vositalaridan foydalana olish ko'nikmalariga ega bo'lishlari ta'kidlanadi.

Shu bilan birga, ta'lim-tarbiya jarayoniga innovatsiyalarni tatbiq etish, bo'lajak o'qituvchilarni tarbiyaviy faoliyatga tayyorlashning mazmuni va maqsadini yangi talablar asosida talqin etishga ehtiyoj tug'diradi. Buning bir qator sabablari bo'lib, ularning ayrimlarini keltiramiz:

birinchidan, Yangi O'zbekistonni barpo etish jarayonida buyuk ma'naviyatimizni tiklash, sog'lom turmush tarzini barcha fuqarolar, eng avvalo, yoshlarga singdirish davlatimiz siyosatida ustuvor yo'nalish qilib belgilanishi, ijtimoiy hayotimizning barcha sohalaridagi kabi uzluksiz ta'lim tizimining oliy ta'lim bosqichida pedagogik faoliyatga tayyorlanayotgan bo'lajak o'qituvchilarni zamon va jahon andozalari talablariga uyg'un ravishda tayyorlash, malakasini oshirish, ularda yuksak ma'naviy madaniyat, axloq va ma'rifatparvarlik fazilatlarini shakllantirishni taqozo etadi;

ikkinchidan, yoshlarda Vatanga sadoqat, tadbirkorlik, irodalilik, mafkuraviy immunitet, mehr-oqibatlilik, mas'uliyatlilik, bag'rikenglik, huquqiy madaniyat, innovatsion fikrlash, mehnatsevarlik kabi muhim fazilatlarni bolalikdan boshlab tarbiyalashga ijtimoiy zarurat mavjud;

uchinchidan, milliy ma'naviyatimizni tiklash borasida olib borilyotgan ishlar, xalq ta'limining tubdan isloh qilinayotgani jamiyatimizda har tomonlama barkamol, sog'lom avlod tarbiyasiga katta e'tibor qaratilishi tendentsiyasini kuchaytiradi;

to'rtinchidan, innovatsion yondashuvlar asosida bo'lajak o'qituvchilarni tarbiyaviy faoliyatga tayyorlashga ijtimoiy zarurat ko'zga tashlanadi.

Innovatsion yondashuvlar asosida bo'lajak o'qituvchilarni tarbiyaviy faoliyatga tayyorlash muammosining nazariy va amaliy holatini tahlil etish bu sohada quyidagicha muammolar mavjudligini ko'rsatdi:

pedagogika oliy ta'lim tashkilotlarida innovatsion yondashuvlar asosida bo'lajak o'qituvchilarni tarbiyaviy faoliyatga tayyorlashga etarli darajada e'tibor qaratilmayapti;

o'quv rejalarda rivojlangan davlatlarnikiga nisbatan o'quv predmetlari ko'p;

o'quv rejadagi mavjud o'quv predmetlari mazmuniga innovatsion yondashuvlar singdirilmagan;

talabalarning o'rganilayotgan obyektlar haqidagi bilim, tushuncha, ko'nikma va malakalari bosqichma-bosqich mukammallashtirilib borilmaydi;

turli o'quv predmetlari ta'lim jarayonida ma'lum hajmdagi ayrim o'quv materiallarning takrorlanishi natijasi o'laroq talabalar o'quv-biluv faoliyatida ma'lum sustkashlik mavjud;

mehnat bozori talablaridan kelib chiqqan holda, tarbiyaviy faoliyat uchun zarur bo'lgan ba'zi bir innovatsion yondashuvlarning o'z vaqtida dasturlarga kiritilmaydi;

tarbiyaviy faoliyatni tashkil etish va unga tayyorgarlik ko'rishda innovatsion yondashuvlardan foydalanish hisobga olinmaydi;

moddiy-texnik va o'quv-uslubiy ta'minotning hozirgi zamon talablari darajasida emasligi;

pedagogik va ishlab chiqarish amaliyotida innovatsion yondashuv imkoniyatlaridan oqilona foydalanish mexanizmlari yaratilmagan;

innovatsion yondashuv asosida bo'lajak o'qituvchilarni tarbiyaviy faoliyatga tayyorlashga oid ishlanmalar amaliyotga joriy etilmagan.

Yuqorida ta'kidlangan fikrlar va boshqa nomutanosibliklarning oldini olish maqsadida biz tomonimizdan bir qator ishlar amalga oshirildi. Jumladan, oliy ta'lim muassasalarida tashkil etiladigan tarbiyaviy faoliyat mazmuni va o'quv rejasidagi "Umumiy pedagogika", "Tarbiyaviy ishlar metodikasi" va "Milliy tarbiya asoslari" kabi o'quv predmetlari mazmuniga innovatsion yondashuvlar singdirildi, talabalarning o'rganilayotgan obyektlar haqidagi tushunchalari, tasavvuri va o'zlashtirish darajalari bosqichma-bosqich mukammallashtirib borilib, o'quv materiallaridagi takrorlanishlar bartaraf etildi, tarbiyaviy faoliyat uchun zarur bo'lgan innovatsion yondashuvlar fan dasturlariga kiritildi, tarbiyaviy faoliyatni tashkil etish va unga tayyorgarlik ko'rishda innovatsion yondashuvlar hisobga olindi. Innovatsion yondashuv asosida bo'lajak o'qituvchilarni tarbiyaviy faoliyatga tayyorlash ta'limiy jarayonda pedagogik yondashuvlarni tizimlashtiradi va aniqlashtiradi. Bu holat ma'lum bir vaziyatda pedagogning muayyan usuldan foydalanishdan boshlab, aniq natijalarga erishishdagi shaxsga ta'sir etish roli va o'rnini belgilaydi. Tadqiqotda innovatsion yondashuv asosida bo'lajak o'qituvchilarda tarbiyaviy faoliyatni ta'minlashga xizmat qiluvchi quyidagi samarali usullar qo'llanildi.

"Fikrlarning uzluksiz estafetasi" usuli ma'lum bir g'oya, fikrni mantiqiy davom ettirishni nazarda tutadi. Talaba tarbiyaviy faoliyatni tashkil etish yuzasidan fikr bildirishi, fikrlarida oddiy xulosalardan tahliliy xulosalarga o'tish, asos keltirish talab etiladi. Bunda "Men tarbiyaviy faoliyatni tashkil etishga tayyorman...", "Men tarbiyaviy faoliyatni samarali tashkil etaman...", "Men tarbiyaviy faoliyat takshilotchisi sifatida faoliyat olib borishga tayyorman..." kabi fikrlarni aytib, har bir fikriga

asos keltirdilar. Masalan: “Men tarbiyaviy faoliyatni tashkil etishga tayyorman. Chunki men tarbiyaviy faoliyatni tashkil etish mazmuni, metod va shakllarini, bu jarayonda foydalaniladigan texnologiyalarni o‘zlashtirdim” kabi tarzda fikrlarini asoslaydilar.

“O‘z-o‘zini rag‘batlantirish” usuli “Fikrlarning uzluksiz estafetasi” usulining mantiqiy davomi sifatida xizmat qiladi. Bunda talabalar kichik guruhlarga bo‘lingan holda, ikkinchi guruh talabalari uchun jamoa bo‘lib savollar tayyorlashi hamda jamoa bo‘lib javob berishi nazarda tutiladi. Bu esa ularda jamoaviy muhokama qilish ko‘nikmalarini shakllantirishga xizmat qiladi. Bunda talabalar to‘rt guruhga bo‘linib, birinchi guruh “Tarbiyaviy faoliyatni tashkil etishning samarali texnologiyalari”, ikkinchi guruh “Tarbiyaviy faoliyatni tashkil etishga qo‘yiladigan didaktik talablar”, uchinchi guruh “Tarbiyaviy faoliyatni tashkil etishga zamonaviy yondashuvlar”, to‘rtinchi guruh “Innovatsion yondashuvlar asosida tarbiyaviy faoliyatni tashkil etish ” mazmunidagi fikrlarni himoya qiladilar.

“Rollar taqsimoti”. Bu usulda pedagogikada talaba shaxsiga muloqot makonini, talabalarning muloqoti va xulq-atvorini tartibga soluvchi qoidalarni yaratish imkonini beradi. Rollarni taqsimlashda talabalarning bilim-ko‘nikmalari darajasi hisobga olinadi. Bunda rollar quyidagi shaklda taqsimlandi “Pedagog-uslubchi”, “Mahoratli pedagog”, “Kreativ pedagog”, “Tajribali pedagog”, “Yosh pedagog”.

“O‘qituvchining o‘z ustida ishlashi” usuli. Muayyan maqsad asosida belgilangan vazifalarni bajarish jarayonidagi aloqa qoidalari va shakllari o‘zgarishini nazarda tutib, o‘qituvchining orqa fonga o‘tishi bilan izohlanadi. Bu usul vositasida talabalarning ichki sifatlari va qobiliyatlari bilan birga, ularga yuklatilgan vazifani mustaqil ravishda bajarish mas’uliyatini his qilish imkoniyati beriladi.

“Rollar almashinuvi”. Pedagogning o‘z vazifalarini talabalarning roli va funksiyalari bilan almashtirish bilan bog‘liq bo‘lib, bu vazifalar barcha guruh a’zolariga yoki alohida talabaga o‘tkaziladi. Hazil-mutoyiba, pedagogning shaxsiy namunasi, vaziyatning o‘zgarishi pedagogik texnologiyasida alohida o‘rin tutadi. Ulardan ta’lim jarayonida foydalanish ma’lum bir son bilan chegaralanmaydi. Har qanday vaziyat yangi usullarning paydo bo‘lishiga yordam beradi va o‘qituvchi faqat shu vaziyatga eng mos keladiganlarini tanlaydi va qo‘llaydi. Usullardan foydalanish har bir talaba uchun qat’iy individual yondashuvni talab etadi.

Bo‘lajak o‘qituvchilarni tarbiyaviy faoliyatga tayyorlashda tarbiya jarayonining butun tizimida talaba uchun ham, pedagog uchun ham alohida ahamiyatga ega. O‘z vaqtida va to‘g‘ri tanlangan usul bo‘lajak o‘qituvchilarga tarbiya vositasi sifatida bilvosita ta’sir ko‘rsatishga imkon beradi. Har bir pedagog bu masalani o‘z amaliy tajribasi yordamida hal etadi, ta’lim jarayonining aniq sharoitlariga mos bo‘lgan o‘zgartirishlar yoki tuzatishlar kiritadi. Biz mazkur usullarni bo‘lajak o‘qituvchilar bilan birgalikda maqsadga erishishni talab qiladigan, echilmagan yo‘l sifatida taqdim etdik. Boshqa o‘qituvchilar, tadqiqotchilar tomonidan foydalanilganda, bu umumiy va taniqli usullarga qaytish imkonini beradi.

Bo‘lajak o‘qituvchilar bilan tashkil etiladigan tarbiyaviy faoliyatda pedagog va talaba munosabatlarida professional pozitsiyalar o‘zgarishi va u o‘zaro ta’sirning o‘ziga xos shartlari bilan belgilanishi ham mumkin. Masalan:

1. “Kuzatuvchi” – bu talabalar jamoasining hayotini tashqi, xolis, bilvosita kuzatish.

2. “Maslahatchi” – talabalar jamoasining hayotini vaziyatli yoki tizimli kuzatish.

3. “Mentor” – talabalar hamjamiyati a’zolarining mahalliy taqsimlangan faoliyatiga, rasmiy qarorlar yoki qarorlar qabul qilish huquqisiz jalb qilish.

4. “Murabbiy” – talabalar jamoasining barcha a’zolari tomonidan qat’iy bajarilishi majburiy bo‘lgan qarorlarni qabul qilish huquqi.

Biz tadqiqot mobaynida innovatsion yondashuv asosida bo‘lajak o‘qituvchilarni tarbiyaviy faoliyatga tayyorlash texnologiyalarini takomillashtirishda: xalqimizning boy tarixi, ilmiy-madaniy merosi, milliy va umuminsoniy qadriyatlar bilan uyg‘un holda tashkil qilishga; tarbiyaviy tadbirlarning mohiyati, amalga oshirilgan ishlar va dasturlar mazmun-mohiyatini bo‘lajak o‘qituvchilarga etkazishga; ularda Vatanga muhabbat, uning taqdiriga daxldorlik, kasbga sadoqat hissini tarbiyalashga qaratilgan ishlarni amalga oshirishga, ta’lim-tarbiya jarayonlari hamda ma’naviy-ma’rifiy ishlarni kuchaytirish; ushbu yo‘nalishda amalga oshirilayotgan ishlar samaradorligiga erishish, ijtimoiy-ma’naviy muhit barqarorligini mustahkamlashga qaratilgan monitoring tizimini joriy qildik. Shu bilan birga, bo‘lajak o‘qituvchilarni tarbiyaviy faoliyatga tayyorlashning modeli takomillashtirildi. Taqdim etilgan model ikki bosqichli jarayon bo‘lib, ularning har biri, o‘z navbatida, uch bosqichdan iborat:

Birinchi bosqichda pedagogika fanini o‘rganish mobaynida tarbiyaviy faoliyatga tayyorgarlik amalga oshiriladi va u o‘z ichiga moslashtirish va nazariy-amaliy bosqichlarni oldi. Moslashuv bosqichi bo‘lajak o‘qituvchilarga tarbiyaviy faoliyat mohiyatini tushunishlari uchun sharoit yaratadi. Nazariy bosqichda: “Pedagogika nazariyasi va tarixi” fanining “Tarbiya nazariyasi” bo‘limi hamda “Tarbiyaviy ishlar metodikasi” fanlarini o‘zlashtirish asosida tarbiyaviy faoliyat asosiga doir ma’lumotlar, tarbiya jarayonining o‘ziga xos xususiyatlari, qonuniyatlari, paradigmalari, tarbiya usullari va shakllarini o‘rgandilar. Tarbiya jarayonining tarbiyaning boshqa tuzilmalari bilan bog‘liqligi, mazkur jarayon yaxlit tuzilma sifatida o‘z elementlari, mezonlari va diagnostikasiga ega ekanligi bilan tanishdilar.

Ikkinchi bosqichda tarbiyaviy faoliyatga tayyorgarlik

va unga doir bilimlarni mustahkamlash, umumiy madaniy tayyorgarlik amalga oshirildi. Bunda bo'lajak o'qituvchilarda tarbiya, tarbiyaviy faoliyat, tarbiyaviy faoliyatni tashkil etishga oid bilim, ko'nikma va malakalar shakllandi. "Innovatsion yondashuv asosida tarbiyaviy faoliyatni tashkil etish" nomli maxsus seminar tashkil etildi.

Uchinchi bosqich muammoli masalalar va vaziyatlar muhokama qilinishiga qaratilib, unda tarbiyaviy faoliyatga tayyorgarlik aynan nima uchun zarurligi, unda qaysi jihatlarga e'tibor qaratish zarurligi o'rganiladi.

Reproduktiv deb atalgan to'rtinchi bosqichda muammoli masalalar va vaziyatlarni muhokama qilish asosida talabalarda tarbiyaviy faoliyatni tashkil etishga doir tushunchalar kengaytirildi hamda mazkur faoliyatni tashkil etishga bo'lgan munosabatlar rivojlantirildi.

Beshinchi bosqich tarbiyaviy faoliyatni tashkil etishga oid bo'lajak o'qituvchi tomonidan qarorlarni qabul qilishni o'z ichiga oldi. Talaba aqliy vazifalarni bajarishda axloqiy va qadriyat yo'nalishlari asosida qaror qabul qilishga, shaxsiy e'tiqodlari, axloqiy pozitsiyasi va axloqiy tanlash malakalarini mustahkamlashga harakat qildi.

Oltinchi amaliy bosqichda talabalar amaliyot jarayonida tarbiyaviy faoliyatni professional tarzda amalga oshirish qobiliyatini namoyish etdilar. Ko'p bosqichli ta'lim tizimi bilan bog'liq holda, bizning o'rganishimiz tayyorgarlikning birinchi bosqichi bilan cheklandi.

Birinchi moslashuv bosqichi birinchi va ikkinchi kurslarda amalga oshirildi hamda "Pedagogika nazariyasi va tarixi" kursining mazmuniga asoslandi. Nazariy bosqich ikkinchi kursda o'quv yili mobaynida amalga oshirildi.

Ikkinchi bosqich uchinchi kurs davomida har ikki semestrni o'z ichiga oladi hamda "Tarbiyaviy ishlar metodikasi", "Pedagogik mahorat" kurslari mazmuniga asoslanadi. Mazkur bosqichlarning barchasi bir-biri bilan uzviy aloqada didaktikaning izchillik, tizimlilik, uzluksizlik tamoyillari asosida amalga oshirildi hamda samarali natijaga erishish imkonini berdi.

Bo'lajak o'qituvchilarning tarbiyaviy faoliyatni muvaffaqiyatli amalga oshirishlari uchun, eng avvalo, o'zlari zamonaviy ta'lim-tarbiya talablaridan xabardor bo'lishi, innovatsion texnologiyalarni egallagan, axborot-kommunikatsiya vositalaridan foydalana olish ko'nikmalari shakllangan bo'lishi va faoliyatga innovatsiyalarni joriy etishlari talab etiladi.

Xulosa o'rnida qayd etish joizki, innovatsion yondashuv asosida bo'lajak o'qituvchilarni tarbiyaviy faoliyatga tayyorlash jarayonida ijodkorlik, "o'zini o'zi boshqarish", erkinlik, tabiiylik, hayot bilan aloqadorlik, tarbiyaning uzluksizligi, tarbiya jarayonining yaxlitligi, tizimliligi va ma'naviy hamkorlik printsiplaridan foydalanish va pedagogik shart-sharoitlarni yaratish tarbiyaviy faoliyatning sifati va samaradorligi ta'minlashga xizmat qiladi.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

1. *O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldagi O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi PF-4947-sonli Farmoni.*
2. *Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Ҳ., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. Инновацион таълим технологиялари. – Т., 2015. – 208 б.*
3. *Ismoilova Z.K. Zamonaviy o'qituvchining pedagogik mahorati va pedagogi texnikasini oshirishda boshqaruv san'atidan foydalanish // Zamonaviy ta'lim. – T., 2020. – 7 (92)-son.*

## O'QUVCHILARNING MUSTAQIL TA'LIM JARAYONIDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH INTEGRATSIYASI

**Olim Alimnazarov,**
Termiz muhandislik-texnologiya instituti o'qituvchisi

***Annotatsiya***
*Ushbu maqolada kuzatuv, qiyosiy tahlil, modellashtirish, so'rovnoma metodlaridan foydalanib, o'quvchilarining mustaqil ta'limini tashkil etish jarayonida elektron ta'lim resurslaridan foydalanish metodikasini takomillashtirish masalalari ko'rib chiqilgan.*
***Kalit so'zlar:*** *Integratsiya, modernizatsiya, adekvat, empirik, kompetentlik, kreativlik.*

***Аннотация***
*В данной статье с помощью методов наблюдения, сравнительного анализа, моделирования и опроса рассматриваются вопросы совершенствования методики использования электронных образовательных ресурсов в процессе организации самостоятельного обучения студентов.*

***Ключевые слова:*** *Интеграция, модернизация, адекватный, эмпирический, компетентность, креативность.*

***Annotation***

*In this article, using the methods of observation, comparative analysis, modeling and survey, the issues of improving the methodology for using electronic educational resources in the process of organizing students’ self-study are considered.*

***Keywords:*** *Integration, modernization, adequate, empirical, competence, creativity.*

Professional ta’limda integratsiyaning ahamiyati shundaki, ta’lim jarayonida olingan bilimlarning amaliy natijalar bilan uyg‘unligini ta’minlash, ta’lim jarayonini axborotlashtirish, o‘quvchilarda kasbiy bilim, ko‘nikmalarini hamda ularning shaxsiy qobiliyatlariga yo‘naltirilgan kompetensiyalarini shakllantirish va shu bilan birgalikda, kelajakdagi kasbiy faoliyatlaridagi ko‘nikmalarini rivojlantirishda namoyon bo‘ladi. Bu borada, avvalo, shuni e’tiborga olish kerakki, biz ta’limning yangi turini ya’ni elektron ta’lim muhitidan samarali foydalanish jarayonlarini o‘quvchilarga aniq tushuntirib bermasdan, uni amaliyotga joriy etib bo‘lmaydi. Agar ushbu jarayondan maqsadli foydalanilsa, ta’lim jarayonining samaradorligi ta’minlanadi.

Bugungi kunda Respublikamizdagi professional ta’lim tizimini takomillashtirish bo‘yicha olib borilgan ishlar natijasida ta’lim jarayoni hamda innovatsion texnologiyalari integratsiyasini ta’minlashga alohida e’tibor qaratilmoqda.

Bu borada O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 6-sentabrdagi PF–5812-sonli “Professional ta’lim tizimini yanada takomillashtirishga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi hamda O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021-yil 29-martdagi 163-sonli “Professional ta’lim tizimida dual ta’limni tashkil etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi, shuningdek, boshqa me’yoriy-huquqiy hujjatlarda belgilangan vazifalar ijrosini ta’minlash maqsadida, o‘quvchilarda tanqidiy va ijodiy fikrlash, tizimli tahlil qilish, tadbirkorlik ko‘nikmalarini shakllantirish, ta’lim jarayonida kompetensiyalarni rivojlantirishga qaratilgan metodika va innovatsion texnologiyalarni joriy etish, ta’lim jarayonining amaliy ko‘nikmalarini shakllantirishga yo‘naltirish, bu borada ta’lim jarayonini rivojlangan davlatlar tajribasiga asoslangan ilg‘or pedagogik texnologiyalar, ta’lim dasturlari va zamonaviy moddiy texnik baza bilan ta’minlash kabi vazifalar belgilangan bo‘lib, bu jarayonlarda ta’lim integratsiyasi orqali innovatsion texnologiyalaridan foydalanish muhim ahamiyatga ega hisoblanadi.

Tadqiqot natijalarining ko‘rsatishicha, auditoriyadan tashqari ta’lim jarayonida innovatsion texnologiyalaridan foydalanish integratsiyasi, o‘quvchilarning mustaqil ta’limni tashkil etishlarining sifat va samaradorligini oshirishga yordam beradi hamda ularda kelgusi kasbiy faoliyat davrida qo‘llashi mumkin bo‘lgan kompetensiyalarini shakllanishini ta’minlaydi. Ushbu jarayonda, texnologik tayyorgarlikka yaxlit bir majmuiy tushuncha sifatida qaraladi, uning tarkibiy qismlari sifatida esa ta’lim jarayoni hamda innovatsion texnologiyalari integratsiyasini ta’minlashning didaktik imkoniyatlarini tatbiq etish hisoblanadi.

Integratsiyalashgan ta’limning asosini, bo‘lajak mutaxassis kadrlarni kasbiy faoliyatga tayyorlash natijalarini pedagogik tahliliy metodlar yordamida tadqiq qilish va aniqlangan muammolar bo‘yicha tegishli metodik tavsiyalarni ishlab chiqish, shuningdek, ta’lim integratsiyasini ta’minlashdir.

Demak, ushbu jarayonlarga e’tibor qaratadigan bo‘lsak, integratsiyalashgan ta’lim asosida, mazkur jarayonga tegishli bo‘lgan me’yoriy hujjatlar, elektron resurslar, jumladan, muhandislik dasturlari, taqdimot dasturlari, ta’limda foydalanish uchun mo‘ljallangan mobil dasturlari asosida bo‘lajak mutaxassis kadrlarni tayyorlashda, ularning ushbu dasturiy vositalar bilan ishlash kompetensiyalarini shakllantirish hamda undan kelgusi kasbiy faoliyatlarida foydalana olishlarini yo‘lga qo‘yish maqsadida auditoriyadan tashqari ta’lim jarayonini tashkil etish orqali o‘quvchilarda kreativ yondashuv qobiliyatlarini shakllantirish muhim ahamiyat kasb etadi. Ushbu jarayonda olib borilgan, tadqiqotlar professional ta’limda bo‘lajak mutaxassislarning kelgusi kasbiy faoliyatlariga tayyorlashda ta’limning an’anaviy shakliga qo‘shimchalar kiritish kerakligini ko‘rsatadi. Buning sababi shundaki, ta’limning an’anaviy shakli asosida o‘quvchilarda shaxsga yo‘naltirilgan ta’lim asosida kompetensiyalarini shakllantirish ancha mushkul jarayon hisoblanganligi sababli mazkur muammo bo‘lajak mutaxassislarning kasbiy faoliyatga tayyorgarligini rivojlantirish professional ta’lim tizimi uchun muhim jarayondir.

Demak, muhandislik-texnologiya ta’lim yo‘nalishlarida tahsil olayotgan professional ta’lim muassasalari o‘quvchilarining mustaqil ta’lim jarayonini tashkil etishlarida innovatsion texnologiyalardan foydalanishlari orqali integratsiyalashgan ta’lim muhitini ta’minlashning didaktik imkoniyatlarining quyidagi jihatlarini ko‘rsatib beradi:

- o‘quvchilarning texnologik tayyorgarligini rivojlantirishda ta’lim jarayoni hamda innovatsion texnologiyalar uyg‘unligini, ya’ni ularning ta’lim olayotgan mutaxassislik yo‘nalishlariga qo‘yilgan talablardan kelib chiqqan holda, elektron ta’lim resurslaridan foydalanib, mustaqil ta’lim jarayonini tashkil etishda integratsiyalashgan ta’lim muhitini ta’minlash;
- mustaqil ta’limni tashkil etish jarayonida elektron ta’lim resurslaridan foydalanib, integratsiyalashgan ta’lim muhitini ta’minlash metodikasini modernizatsiya

qilish.

Tadqiqot jarayonida o‘quvchilarning mustaqil ta’limni tashkil etishlarida innovatsion texnologiyalarning integratsiyalashgan ta’lim muhitida quyidagicha qo‘llanilishini ko‘rish mumkin:

- mustaqil ta’lim jarayonida aniq muammolarning yechimi topiladigan didaktik ta’minot sifatida;
- o‘quvchilar tomonidan bajariladigan mustaqil ta’lim topshiriqlarining sifat va samaradorlik darajasini oshirishni ta’minlovchi didaktik ta’minot sifatida;
- texnologik tayyorgarliklarini rivojlantiruvchi didaktik ta’minot sifatida.

Mustaqil ta’limni tashkil etish jarayonida aniq muammolarning yechimini aniqlashda didaktik ta’minot sifatida ta’lim jarayoni hamda innovatsion texnologiyalar integratsiyasi professional ta’lim muassasalarida mustaqil ta’lim doirasidagi bajarilishi kerak bo‘lgan topshiriqlardagi muammolarni maqbul yechimlarini aniqlash maqsadida foydalanish mumkin. Masalan, o‘quvchilar mustaqil ta’lim uchun berilgan topshiriqni Kompas 3D muhandislik dasturi yordamida loyiha topshirig‘ini bajarishlari va Prezi taqdimot dasturiy vositasi orqali namoyish qilishi kerak bo‘ladi.

Tadqiqotlar shuni ko‘rsatadiki, dastlab o‘quvchilar Kompas 3D muhandislik dasturi yordamida loyiha topshirig‘ini to‘laligicha to‘g‘ri bajaraolmaydilar. Buning sababi shundaki, avvalo, ularda ushbu muhandislik dasturidan foydalanish kompetensiyalari shakllangan bo‘lishi kerak. Buning uchun dastlabki qadam “Independent Education” web-sayti orqali Kompas 3D muhandislik dasturidan foydalanish bo‘yicha video darslar taqdim etildi.

Demak, topshiriqni muhandislik dasturlaridan foydalanib bajarishdan maqsad, birinchidan, loyihaning 2D proeksion tasvirini tuzish. Bu o‘quvchilarga alohida qismlarning shartli belgilari va geometrik o‘lchamlarini tahrirlashga imkon beradi; ikkinchidan, tuzilgan 2D proeksion tasviri asosida loyihaning 3D modelini yaratish. Bu orqali o‘quvchilarda proeksion tasvirlar bilan ishlashda muhim bo‘lgan 3D modeli haqida tasavvur shakllanadi; uchinchidan, loyihaning 3D modelini tajribada turli miqdordagi kuchlar ta’sirida sinash. Bu jarayonda loyihaning birikma detallari uchun materiallar, kuch miqdorlari va yo‘nalishlari tanlanadi; to‘rtinchidan, loyihani tajriba – sinov natijalari dasturning APM FEM qo‘shimcha tajriba paneli orqali natijalar olinadi va bu orqali o‘quvchilar berilgan topshiriq asosidagi loyihaning mustahkamlik shartlarini aniqlaydi; beshinchidan, ushbu loyihani Prezi taqdimot dasturiy vositasi yordamida namoyish qilish mumkin bo‘ladi. Natijada, o‘quvchilarda mustaqil ta’lim jarayonida topshiriq loyihasini ta’lim jarayoni hamda innovatsion texnologiyalar integratsiyasi asosida integratsiyalashgan ta’lim muhitini ta’minlash orqali ularda mazkur jarayonga mos ravishda kompetensiya shakllanadi. Bu esa bo‘lajak mutaxassislarning kasbiy tayyorlash metodikasini takomillashtirish imkonini beradi. Demak, taqdim etilgan g‘oyalar, mustaqil ta’lim jarayonida ta’lim jarayoni hamda innovatsion texnologiyalar integratsiyasidan foydalanish, o‘quvchilarning mustaqil ta’limni tashkil etish sifat va samaradorligini oshirishini ko‘rsatib beradi.

Mustaqil ta’lim doirasida berilgan topshiriqlarni muhandislik dasturlaridan foydalanib bajarishning muhimligi shundaki, loyihalash jarayoni bo‘lajak mutaxassis kadrlarda muhandislik bo‘yicha bilim, ko‘nikma va malakalarini shakllantirishga yordam beradi.

O‘quvchilarning texnologik tayyorgarligini rivojlantiruvchi elektron resurslari, jumladan: muhandislik dasturiy vositalaridan biri – Kompas 3Ddan foydalanib, mustaqil ta’limni tashkil etish jarayoni misolida ta’lim jarayoni hamda innovatsion texnologiyalar integratsiyasini ta’minlash orqali, ularning quyidagi bilim, ko‘nikma va malakalarini takomillashtiriladi:

- birinchidan, o‘quvchilar mustaqil ta’lim doirasida topshiriqlarni bajarishlari jarayonida sifat va samaradorlik darajasi oshadi, shu sababli, ushbu innovatsion texnologiyalarni ta’lim jarayonida foydalanish natijasida ularda mazkur jarayonga mos ravishda kompetensiya shakllanadi;
- ikkinchidan, boshlang‘ich jarayon, loyihaning umumiy tasvirini tuzish va maqbul variantini tanlay olish qobiliyatlarini shakllantirish bilan bog‘liq jarayondir.

Integratsiyalashgan ta’lim muhitida mustaqil ta’lim topshirig‘ini bajarish jarayoni quyidagi turli muammolarni tadqiq qilishni talab etadi:

- ta’lim jarayoni va innovatsion texnologiyalar integratsiyasidagi integratsiyalashgan ta’lim muhitining, bevosita mustaqil ta’lim topshiriqlarini bajarish sifat va samaradorligiga ta’siri bormi?
- agar bo‘lsa, unda mustaqil ta’limning qaysi bosqichida integratsiyalashgan ta’lim muhitidan foydalanish tavsiya etiladi, shu bilan birgalikda qanday topshiriqlarni samarali bajarish mumkin?

Birinchi muammoning yechimi turli qiyinchiliklar bilan bog‘liqdir. Bir tomondan, ushbu dasturiy vositalar bilan ishlash bilim, ko‘nikma va malakalari o‘quvchilarda shakllanadimi, boshqa tomondan, agar ularda ushbu muhandislik dasturiy vositasi bilan ishlash bilim, ko‘nikma va malakalari shakllangan bo‘lsa ham, savol tug‘iladi: O‘quvchilar tomonidan ushbu elektron resurslardan mustaqil ta’lim jarayonida foydalanish mantiqiy jihatdan maqsadlarga mos keladimi?

Tadqiqotlar shuni ko‘rsatadiki, mustaqil ta’lim jarayonida muhandislik dasturlari, taqdimot dasturlari hamda ta’limda foydalanish uchun mo‘ljallangan mobil dasturlardan foydalanib, ta’lim jarayonida innovatsion texnologiyalar asosidagi integratsiyasidan yordamchi elektron resurs sifatida foydalanish samarali natija va imkoniyatlarni ta’minlaydi.

Integratsiyalashgan ta’lim muhiti o‘quvchilar tomoni-

dan o'rganilayotgan amaliy dasturlar ularning kelajakdagi texnika va qurilish sohasidagi ilmiy faoliyati va jamiyatdagi istiqbollari bilan bog'liqligini ko'rsatibgina qolmay, balki sifatli ta'lim olish jarayonida raqobatbardosh shaxsni tayyorlash kerakligini namoyon qiladi.

Tadqiqotlar natijasida ko'zlangan maqsadlarni amalga oshirishda quyidagilar belgilab olindi:

- integratsiyalashgan ta'lim jarayonida shaxsga yo'naltirilgan ta'lim asosida o'quvchilarning kelgusi kasbiy faoliyatlari uchun zarur bo'lgan kompetensiyalari shakllantirilish metodikasini modernizatsiyalash;
- o'quvchilarning kasbiy bilim, ko'nikma va malakasini baholash jarayonining tarkibiy komponentlarini ishlab chiqish hamda mazkur jarayonlarga tatbiq etish;
- o'quvchilarning kelgusi kasbiy faoliyatida tasodifiy va ehtimoliy muammolarning mustaqil ravishda yechimlarini aniqlash bo'yicha zarur bo'ladigan kompetentligini ta'minlovchi funksiyalarni ishlab chiqish hamda mazkur jarayonlarga tatbiq etish.

Ta'lim jarayonida innovatsion texnologiyalarni qo'llashdan asosiy maqsad o'quvchilarda nafaqat odatiy, ya'ni kundalik muammoli holatlar, balki noodatiy holatlarda ham kreativ yondashuvlik qobiliyatlarini namoyon qilgan holda, mazkur muammolar yechimini aniqlashga qaratilgan bo'lishi kerak.

Integratsiya – sub'ektni, tabiiylikka asoslangan holda idrok etishiga qaratilgan tabiat qonunlarining birligi va umumiyligiga asoslangan, mohiyatni tashkil etishdir.

Umumiy qilib aytadigan bo'lsak, ta'lim integratsiyasi ta'lim jarayonidagi aniq vaziyatlar, mutaxassislikka tegishli bo'lgan bilimlarni o'rganish darajasiga qo'yilgan maqsadlarga erishishlari bo'lajak mutaxassis kadrlardan tushuntirish, tahlil qilish va boshqaruv qarorlarini qabul qilishda mazkur jarayonlarga mos ravishda shakllangan kompetentlikni talab etadi.

Kompetentlik – bu shaxsning kasbiy sifatlari hamda xususiyatlari bo'lib, bilim, ko'nikma va ularni amaliy faoliyat jarayonida qo'llash tajribalarini hamda mustaqil va kreativ yondashuv qobiliyatlarini mujassamlashtiradi.

Kasbiy bilim, ko'nikma va malaka negizida, kasbiy kompetentlik mavjud bo'lib, kasbiy kompetentlik deganda, kasbiy funksiyalarini muayyan odatiy hamda noodatiy vaziyatlarda qabul qilingan me'yorlar, normalarga mos ravishda bajarishga bo'lgan imkoniyatlarini belgilovchi tavsifdir.

Innovatsion ta'lim muhiti, ya'ni integratsiyalashgan ta'lim muhitida o'quvchilarning mustaqil ta'limni tashkil etishlarida elektron resurslardan foydalanish metodikasini takomillashtirish natijasida ta'lim jarayoni va innovatsion texnologiyalar integratsiyasini ta'minlash hamda bu orqali mustaqil ta'limning samaradorligini oshirishda quyidagilarga e'tibor qaratish kerak bo'ladi: o'rganiladigan axborot hajmining keng qamrovli ekanligi; noan'anaviy ta'lim traektoriyalarining variativligi; vazifalarni o'zlariga qulay bo'lgan joy, vaqtlarda kompyuter yoki kommunikatsion texnologiyalaridan foydalangan holda adekvat qilish orqali bajarish mumkinligi; mustaqil ta'lim natijalarini belgilangan me'yorlardan chetlashishga olib keluvchi va uning sifatini pasaytiruvchi texnologik, tashkiliy va kommunikativ ta'lim jarayonini avtomatlashtirish hamda bu orqali mazkur ta'lim jarayonini boshqarish zarur bo'ladi.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

1. *"Professional ta'lim tizimini yanada takomillashtirishga doir qo'shimcha chora – tadbirlar to'g'risida". O'zbekiston Respublikasi Prezidentining PF – 5812 – son Farmoni. Lex.uz. 06.09.2019 y. https://lex.uz/docs/4500926.*
2. *"Professional ta'lim tizimida dual ta'limni tashkil etish chora-tadbirlari to'g'risida". O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 163-son qarori. Lex.uz. 21.03.2021 y. https://lex.uz/docs/5346217.*
3. *Begimqulov U. Pedagogik ta'lim jarayonlarini axborotlashtirishni tashkil etish va boshqarish nazariyasi va amaliyoti. Toshkent: Pedagogika fanlari doktori ilmiy darajasini olish uchun yozilgan dissertatsiya, 2007.*
4. *Mamatov D. Elektron axborot – ta'lim muhitida kasbiy ta'lim jarayonlarini pedagogik loyihalashtirish. PhD dok.dis. –T.: 2017. – 150 b.*
5. *Muslimov N., Raximov Z., Xo'jaev A., Qodirov H. Ta'lim texnologiyalari. Darslik. –T.: "Voris" nashriyoti, 2019. – 337 b.*
6. *Qo'ysinov O., Alimnazarov O. The method of organizing independent education using Compass 3D software in educational process. International Journal of Early Childhood Special Education, https://www.int – jecse.net/abstract.php?id=1108. 2022. 2076 – 2085.*
7. *Qodirov B. "Distance model of teaching pupils of schools on the basis of electronic Educational environment". Electronic journal of actual problems of modern science, Education and training., 2020.*
8. *Sharipov Sh. O'quvchilar kasbiy ijodkorligi uzviyligini ta'minlashning nazariyasi va amaliyoti. Ped. fan. dokt....diss. –T.: 2012. – 264 b.*
9. *Зарипов Л.Р. Инновацион ёндашув асосида 5-7-синф ўқувчиларида технологик компетенцияларни шакллантириш методикаси. Дис. ... п.ф.ф.д. (PhD) – Т.:, 2020. – 141 б.*

# ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ДЕМОКРАТИК САЙЛОВЛАРНИНГ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ

**Муниса Шаюсупова,**
Тошкент давлат юридик университети мустақил тадқиқотчиси

***Аннотация***
*Ушбу мақолада демократик сайловларнинг фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги роли очиб берилган. Сайловларнинг мазмуни, моҳияти ва аҳамияти ёритилган. Шунингдек, фуқаролик жамияти тавсифи, унинг институтлари ҳамда уларнинг сайловлардаги иштироки таҳлил қилинган. Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексини янада такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.*
***Калит сўзлар:*** *сайлов, демократия, фуқаролик жамияти, фуқаролик жамияти институтлари, сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлар.*

***Аннотация***
*В данной статье раскрывается роль демократических выборов в формировании гражданского общества. Объясняются содержание, характер и значение выборов. Также анализируется описание гражданского общества, его институтов и их участия в выборах. Выдвинуты предложения и рекомендации по дальнейшему совершенствованию Избирательного кодекса Республики Узбекистан.*
***Ключевые слова:*** *выборы, демократия, гражданское общество, институты гражданского общества, политические партии, негосударственные некоммерческие организации.*

***Annotation***
*This article reveals the role of democratic elections in the formation of civil society. The content, nature and significance of the elections are explained. It also analyzes the description of civil society, its institutions and their participation in elections. Proposals and recommendations have been put forward for further improvement of the Electoral Code of the Republic of Uzbekistan.*
***Keywords:*** *elections, democracy, civil society, civil society institutions, political parties, non-governmental non-profit organizations.*

Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим мезонларидан бири – бу фуқароларнинг сиёсий жараёнларда, хусусан, давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этишида намоён бўлади. Мазкур фаолиятнинг самарали амалга оширилишида муҳим сиёсий жараён ҳисобланган сайловлар асосий ўринни эгаллайди [1, 4].

Эркин сайлов ва ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш принциплари, биринчи навбатда, ҳар бир шахснинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш бўйича конституциявий ҳуқуқи миллий давлатчилигимиз моделининг асосини ташкил этади. Сайловлар – бу мамлакатимизда амалда бўлган ҳуқуқий нормаларнинг нечоғлик демократик руҳда эканини намоён этадиган, демократик ҳуқуқий давлатнинг узвий белгиси, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишининг, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокининг асосий шакли бўлиб, ўта муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга масаладир [2, 18]. Адолатли сайловлар орқали демократик мезонлар амалга татбиқ этилади, халқнинг ишончли вакили ҳокимият тепасига келади, барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланади, орзу-умидлари рўёбга чиқади.

Сайлов халқ ҳокимиятчилигининг тимсоли бўлиб, энг аввало, ўзида жамият аъзоларининг, қолаверса, сайловчи – фуқаро манфаатини ифода этади. Сайлов истиқлолнинг олий неъмати сифатида ўзида нафақат миллий, балки умумэътироф этилган қадриятларни ҳам ифодалайди.

Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари одимлашда, хусусан, жамиятни янгилаш ва модернизациялаш, ижтимоий ҳаётни янада демократлаштиришда сайловларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлининг ҳозирги босқичида давлат ҳокимиятининг вакиллик органларини эркин, қонуний ва адолатли сайловлар асосида шакллантирилиши демократик жараёнлар ва янгиланишларнинг ижтимоий ҳаётда олий қадрият сифатида ифода этилаётганлигининг ёрқин намунасидир [3, 47].

Эркин сайловларни ўтказиш жараёнида қонунийлик, тенглик каби бир қатор умумий ҳуқуқий тамойилларга оғишмасдан амал қилиниши уларни муваффақиятли амалга оширишга ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга хизмат қилади.

Сайловлар демократик тараққиёт сари боришнинг муҳим воситаси ҳамда усули ҳисобланади. Сайловлар орқали халқнинг орзу-умидлари ва интилишлари рўёбга чиқади. Мамлакатдаги тинчлик, барқарорлик ҳукм суриши ва шахс, жамият, давлат хавфсизлигининг таъминланиши демократик сайлов тамойилла-

рининг қай даражада рўёбга чиқишига ҳам бевосита боғлиқдир.

Сайловлар кишилик жамиятининг бир неча асрлик тарихий ривожланиш маҳсули бўлиб, давлат ва жамиятнинг такомиллашган моделларини шакллантириш мақсадида пайдо бўлган институтдир. Ҳозирги даврга келиб дунёнинг аксарият мамалакатларида давлат ҳокимияти ва ўз-ўзини бошқариш органларини шакллантириш билан боғлиқ бўлган демократик сайловлар сиёсий тизимнинг ажралмас таркибий қисмига айланиб бўлди. Турли мамлакатлардаги ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг ривожланиш даражасини уларда ўтказиладиган сайловларга, сайловлардаги аҳолининг иштирокига, сайловларнинг савиясига кўра белгиланади [4, 2].

"Сайлов нимани англатади?" Бу саволга оддийгина жавоб берадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси мисолида, у давлат бошлиғи – Президентни, давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари – Олий Мажлис, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини халқ ва жамоатчиликнинг овоз бериш йўли билан шакллантириш жараёнидир. Сайлов серқирра ижтимоий-сиёсий жараён бўлиб, унинг бир қатор ўзига хос жиҳатларини кўриш мумкин. Масалан, сайлов – энг олий демократик қадрият. Дарҳақиқат, у давлат ҳокимиятини шакллантиришнинг энг мақбул усули сифатида бир неча йиллик, қолаверса, бир неча асрлик тарих синовларига дош бериб, ўзининг афзаллигини намоён этиб, инсоният томонидан тан олинди ва муайян қадр-қимматга эга бўлди. Шу боис у қадрланади. Сайловлар – бу халқ хоҳиш-иродасини билдиришнинг юридик ифодасидир. Албатта, сайловлар юридик шаклда амалга оширилади. У ҳаққоний, қонуний ва адолатли тарзда амалга оширилиши учун қонунчиликда белгиланган ҳуқуқ нормалари доирасида ўтказилиши лозим. Фикр ва хоҳиш-иродани билдиришнинг бир қанча шакли мавжуд, лекин сайлов фақатгина юридик шаклда амалга ошгандагина, ўзининг ҳақиқий моҳиятини намоён этади.

Сайловлар жамият ва давлат бошқарувига демократик усулда эришишининг ҳуқуқий воситасидир. Вакиллик органларини сайловларсиз шакллантиришнинг ўзи мумкин эмас. Сайловлар орқали давлат ҳокимиятини ташкил этиб, давлат ва жамиятни бошқариш энг тўғри ҳамда энг самарали усулдир. Чунки халқ, жамоа ўзини ким бошқаришини, унинг ҳаётида кимлар ижобий ўзгаришлар қилишини ўзи ҳал этиши муҳим аҳамиятга эга.

Сайловлар – бу фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга хизмат қиладиган демократиянинг даражаси ва кўрсаткичидир. Мазкур демократик жараён нафақат муайян номзоднинг сайланиши ёки тегишли давлат вакиллик органларининг шакллантирилиши билан чекланади, балки у фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини юксалтиришга, мамлакатдаги фикрлар хилма-хиллигини таъминлашга, инсонларнинг Ватан, она юрт тақдирига, ривожига, тараққиётига нисбатан дахлдорлик ҳиссини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Сайловлар демократик давлатда ҳокимият органларини шакллантиришга йўналтирилган энг муҳим сиёсий жараён ҳисобланади. Сайловлар натижасида сайловчилар томонидан ишонч билдирилган вакиллар давлат ҳокимиятида муносиб ўринларга эга бўладилар ва ўз сайловчиларининг манфаатларини ифода этишга ҳаракат қиладилар.

Фуқаролар томонидан муайян номзодга овоз берилиши, унга ўз вакили сифатида ишонч билдирилиши ва шахснинг давлат бошқарувида иштирок этиш билан боғлиқ бўлган муносабатини юқоридаги вакил орқали ифода этиши, яъни ўз тақдирини, келажагини тегишли номзод фаолияти билан боғлаши ва айнан ушбу мансабдор шахсни аниқлаш фаолияти сайловларнинг нечоғли муҳим ижтимоий-сиёсий жараён эканлигини намоён этади. Шунингдек, муайян мамлакатда бўлиб ўтаётган сайловлар, уларнинг демократик тамойилларга ҳамоҳанглиги, сайлов жараёнида фуқароларнинг иштироки ва фаоллигига қараб айнан шу давлатнинг ўзига ҳам баҳо берилади.

"Сайлов – демократия кўзгуси!" дея эътироф этилади. Дарҳақиқат, сайловларнинг адолатли ташкил этилиши ва амалга оширилиши, фуқароларнинг мазкур сиёсий жараёнда фаол иштирок этишлари ва ўз вакилларига эркин ва қонуний тарзда овоз беришлари, сайловлар натижасида парламентда ва вакиллик органларида муносиб номзодларнинг мандатга эга бўлишлари мамлакат ҳудудида демократиянинг шаклланганлигини, фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий онги ва маданиятининг юксаклигини ифода этади. Сайлов шундай жараёнки, у мамлакатда давлат бошқарувининг ташкил этилишини, давлат ҳокимияти ва фуқаролар ўртасидаги муносабатни қай даражада қарор топганлигини, халқнинг сиёсий маданиятини, мазкур ҳудудда мавжуд сиёсий хурфикрлиликни (плюрализмни) ва ўз навбатида, мамлакатдаги ижтимоий адолат, қонунийлик, тенглик, инсонпарварлик каби тамойилларнинг амалдаги ифодасини намоён этади.

Ўзбекистон Республикасида фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини янада кенгайтириш, уларнинг ролини, нуфузини юксалтириш масаласига давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ бугунги кунда жамият сиёсий тизимида, давлат бошқарувида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик институтларининг мавқеи юксалиб бормоқда.

Сайловлар фуқаролик жамиятининг муҳим мезонидир. Фуқаролик жамияти ҳуқуқ устувор бўлган, ҳуқуқ ва эркинликлари тўлиқ кафолатланган эркин фуқаролардан ташкил топган жамият бўлса, у ерда тенглик, ижтимоий адолат каби тамойиллар устунлиги тан олинса ва амалда бўлса, бундай жамият албатта эркин ва адолатли сайловлар асосида шаклланади. Сайловларсиз юқоридаги тамойиллар ҳам ўз моҳиятини йўқотади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик жамиятини шакллантиришдан иборат эзгу мақсадлари негизида қуйидаги манфаатлар мужассам:

биринчидан, фуқаролик жамияти ўз институтлари орқали шахснинг давлат ишларини бошқаришда иштирок этишини таъминлаган ҳолда, давлат вакиллик демократиясининг ва мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий тизимнинг асосини ташкил этишга эришади;

иккинчидан, Ўзбекистон халқи фуқаролик институтлари ва механизмлари, аввало, сайлов тизими орқали ўзининг сиёсий юксалиши ва ҳаётий муҳим миллий манфаатларини ифодалаши учун барқарор шарт-шароитлар яратмоқда;

учинчидан, фуқаролик жамияти шахс ва жамият, фуқаро ва давлат, этник ва конфессионал жамоалар, ижтимоий-демографик гуруҳлар ҳаётий муҳим манфаатларининг ўзаро мақбул мувозанатидан келиб чиққан ҳолда қурилади;

тўртинчидан, демократик жамият фуқароларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигига асосланган. Ўз навбатида, унинг ўзи турмушнинг барча соҳаларидаги ислоҳотлар жараёнида бундай фаолликнинг ўсиб боришини изчил рағбатлантиришга ҳаракат қилади ҳамда давлат ва жамият бошқарувида фуқароларнинг фаол иштирок этишига шароит яратади [5, 84].

Албатта, фуқаролик жамиятини барпо этишга фақатгина, ташкилий ва институционал механизмларни шакллантиришнинг ўзи билангина эришиб бўлмайди. Айнан шу механизмларни шакллантириш жараёнида демократик тамойилларнинг амалга оширилиши муҳим омил ҳисобланади. Бу борада эркин ва адолатли сайловлар асосий ўринга чиқади. Шу боис сайловлар демократиянинг муҳим белгиси, фуқаролик жамияти шакллантиришнинг асосий воситаси сифатида таърифланади.

Дарҳақиқат, фуқаролик жамиятини эркин ва адолатли сайловларни амалга оширмасдан барпо этиш қийин. Чунки фуқаролик жамияти – эркин фуқаролар, ҳуқуқ ва эркинликлари тўлиқ кафолатланган ва амалда таъминланган шахслар бирлашмаси ҳисобланади. Бундай жамоа вакиллари давлат ва жамият бошқарувида ҳам ўз сўзи ва фикрига эга бўлиб, унда мавжуд ҳокимиятни шакллантиришда фойдаланадилар. Бу айнан сайловлар ва референдумлар орқали амалга оширилади [6, 121].

Фуқаролик жамияти шахс ва жамият, фуқаро ва давлат, этник ва конфессионал жамоалар, ижтимоий-демографик гуруҳларнинг ҳаётий муҳим манфаатларининг ўзаро мақбул мувозанатидан келиб чиққан ҳолда қурилади. Фуқаролик жамияти ўз институтлари орқали шахснинг давлат ишларини бошқаришда иштирок этишини таъминлаган ҳолда, давлатда вакиллик демократиясининг амалга оширишга юқори даражада имкон яратади ҳамда мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий тизимнинг юксалишида етакчи рол ўйнайди ва уни таъминлайди. Бугун мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш, фуқаролик институтлари ва механизмлари, аввало, сайлов тизими орқали ўзининг сиёсий юксалиши ва ҳаётий муҳим миллий манфаатларини ифодалаши учун барқарор шарт-шароитлар яратмоқда.

Фуқаролик жамиятининг мазмун-моҳиятини ёритишга бағишланган кўплаб тадқиқотларда олимлар томонидан унинг бир қанча асослари кўрсатиб ўтилади. Улардан бири ва асосийси – демократик сайловлар ҳисобланади. Албатта, қонунга асосланган ҳолда ташкил этилган, эркин ва адолатли сайловлар давлат ҳокимиятини шакллантиришнинг демократик шаклидир. Қачонки бу мезон амалда ўз татбиғини топса, барча фуқаролар қонституциявий ҳуқуқи ҳисобланган сайловдан тўлиқ фодаланса, сайловларда эркин иштирок этса, ўз танловини қонуний тарзда амалга оширса, шундагина адолатли фуқаролик жамиятини қуришга эришамиз.

Фуқаролик жамиятининг муҳим белгиси – халқнинг давлат ва жамият бошқарувида тўлақонли иштироки ҳисобланади. Давлат ишларини бошқаришда фуқаролар иштироки бир неча шаклларда рўй беради. Аввало, Конституцияга мувофиқ, бу иштирок бевосита ҳамда вакиллар орқали амалга ошиши мумкин. Бевосита шаклларга: сайловлар, референдум, қонун лойиҳаларини муҳокама этишда қатнашиш, шунингдек, маҳаллий ҳокимият идоралари ва ўзини ўзи бошқариш органлари йиғинларида (маҳалла йиғинларида) иштирок этиш ва бошқалар киради. Вакиллар орқали бошқарувда иштирок этиш шакллари ҳам анчагина. Булар: Президент, Олий Мажлис ва Маҳаллий Кенгашларнинг депутатлари, давлат идоралари барча бўғинларидаги сайлаб қўйиладиган лавозимли шахслар ва ҳ.к. [7, 33].

Фуқаролик жамиятининг сиёсий заминини хилма-хил фикрлар, ғоялар, қарашлар ва мафкуралар ташкил этади. Булар ўз-ўзидан давлат ва жамият бошқарувида ўз инъикосини топади. Уларни амалга оширишнинг энг мақбул шакли бу, шубҳасиз, демократик сайловлардир. Сайловлар фуқароларнинг ўз манфаатини рўёбга чиқариш борасида ишонч билдирган муайян вакилни танлаш ва уни бошқарув

органига чиқаришга йўналтирилган фаолиятни акс эттирган сиёсий жараёндир. Бу серқирра жараённи фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларини амалга ошириш шакли сифатида баҳолаш мумкин.

Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлари доирасига, аввало, сайлов ҳуқуқлари киради. Зеро, сайловлар йўли билан давлат ҳокимияти идоралари шакллантирилади. Сайлов ҳуқуқи билан узвий ҳолда Конституция аҳолининг референдумда (умумхалқ овоз беришида) иштирок этишини ҳам назарда тутади. Конституциянинг 32-моддасига асосан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади.

Фикримизча, фуқаролик жамияти институтларининг сайлов жараёнларидаги иштирокини янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ. Чунки улар сайловлардаги очиқлик, ошкоралик ва қонунийликни таъминлашда муҳим роль ўйнади.

Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексига сайловларда фуқаролик жамияти институтлари иштирокига оид алоҳида боб киритилиши, ҳамда унда, асосан, нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирокининг ҳуқуқий механизмлари акс эттирилиши мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб айтганда, сайловлар ҳуқуқий давлатнинг асосини ташкил этади ва ўз навбатида, фуқаролик жамияти институтлари сайловларни янада адолатли ўтказилишини таъминлайди. Умуман, Ўзбекистондаги демократик ўзгаришлар, шунингдек, фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтларининг сиёсий-ҳуқуқий онгининг тобора ўсиб бораётгани сайлов тизимини янада такомиллаштиришга асосли манба бўлмоқда. Сайловчиларнинг электорал маданияти ва фаоллигини ошириш, сайлов институтига бўлган ишончни кучайтириш, аҳолининг фаол фуқаролик позициясини мустаҳкамлаш фуқаролик жамияти институтлари олдида турган долзарб вазифадир.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. *Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари. – Т.: "Адолат" миллий ҳуқуқий ахборот маркази 2021 й. – 29 б.*
2. *Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. – Т.: "Ўзбекистон", 2010. – Б. 35.*
3. *Парламент сайлови: миллий қонунчилик ва хорижий тажриба: илмий-амалий қўлланма // М.Абдусаломов ва бошқалар. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти нашриёти, 2019. 26-бет.*
4. *Жўраев Қ.А. Сайлов тизимини эркинлаштириш – демократик тараққиёт омили. Адолат. 2021 йил 6 май № 20 (825)*
5. *Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи // Х.Т.Одилқориев, И.Т.Тультеев, Ў.Х.Мухаммедов; проф. Х.Т.Одилқориевнинг умумий таҳрири остида. – Т.: 2005. – Б. 216.*
6. *Mikheev D. S., Dudko I. G., Mikheeva T. N. Public control in the mechanism of realization of the principle of local authority publicity //Mediterranean Journal of Social Sciences. – 2015. – №. 3 S7. – S. 41.*
7. *Одилқориев Х.Т. Конституция ва фуқаролик жамияти. – Т.: 2002. – Б. 115.*

# АКМЕОЛОГИК ЁНДАШУВ АСОСИДА ЧАҚИРИҚҚАЧА ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИДА ЖИСМОНИЙ-ТАКТИК КЎНИКМАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК МОДЕЛИ

**Акром Тўрахонов,**
Фарғона давлат университети мустақил тадқиқотчиси

***Аннотация***
*Мақола доирасида акмеологик ёндашув асосида чақириққача ҳарбий таълим йўналиши талабаларида жисмоний-тактик кўникмаларни ривожлантиришнинг педагогик модели ва таълим технологияси ишлаб чиқилган. Шунингдек, ҳарбий таълим муассасаси кадрлари орқали ўқувчи ёшларни Қуролли Кучлар хизматига, Ватан ҳимоясига ахлоқий-сиёсий, психологик, ҳарбий-техник ва жисмоний тайёрлашни ташкиллаш, унинг мазмуни, шакл ва услубларини ривожлантиришга оид тавсиялар берилган.*
***Калит сўзлар:*** *акмеологик, ижодийлик, ҳарбий-техник билим, жисмоний-тактик тайёргарлик, касбий маҳорат, профессионаллик, ҳарбий таълим.*

***Аннотация***

*В статье разработана педагогическая модель и образовательная технология развития физических и тактических навыков у курсантов различного военно-образовательного направления на основе акмеологического подхода. Также через личный состав военного учебного заведения были сделаны выводы по организации морально-политической, психологической, военно-технической и физической подготовки студентов и молодежи к службе в Вооруженных Силах, Национальном Собрании, разработке ее содержания, форм и методов.*

***Ключевые слова:*** *акмеологические, креативность, военно-технические знания, физическая и тактическая подготовка, профессиональные навыки, профессионализм, военное образование.*

***Annotation***

*The article developed a pedagogical model and educational technology for the development of physical and tactical skills in students of a different military educational direction on the basis of an acmeological approach. Also, through the personnel of a military educational institution, conclusions were made on the organization of moral-political, psychological, military-technical and physical training of students and young people for the service of the Armed Forces, the National Assembly, the development of its content, forms and methods.*

***Keywords:*** *acmeological, creativity, military-technical knowledge, physical and tactical training, professional skills, professionalism, military education.*

Чақириққача ҳарбий таълим йўналиши талабаларида жисмоний-тактик кўникмаларни ривожлантириш тизими инновацион ҳарбий таълим концепциясига асосланиб, жисмоний камолотга ва тактик тайёргарликка эга бўлиши, ёшларни Ватан ҳимоясига тайёрлаш борасида учраётган барча камчиликларни қатъий кўрсатиб бериши ва уларни тузатиш тадбирларини ишлаб чиқиши керак. "Айни вақтда халқаро терроризм ва экстримизм хавфининг тобора ортиб бораётгани, дунёнинг айрим минтақаларида қуролли тўқнашувлар давом этаётгани, таҳликали вазият сақланиб қолаётгани Ўзбекистоннинг барқарор ривожланишига таҳдид солмасдан қўймайди, албатта. Буларнинг барчаси олдимизда пайдо бўлаётган таҳдид ва хатарларга муносиб зарба беришга доимо тайёр бўлишни талаб этади"[1]. Бундай вазиятда чақириққача ҳарбий таълим йўналиши талабаларида жангавор-тактик кўникмаларни ривожлантириш талаб этади.

Талабаларда жисмоний тайёргарликни ошириш, жангаворлик руҳини ривожлантиришнинг энг самарали воситаларидан бири – бу таълим-тарбия тизимидир. Бизга маълумки, ота-боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму маърифат, таълим ва тарбияни инсон камолоти ва миллат равнақининг энг асосий шарти ва гарови деб билган. Таълим – жамиятнинг ислоҳ қилиш ва уни ташқи дунё учун янада очиқ ҳамда янги технология ва билимларга йўналтирилган жамиятга айланишнинг асосий омилидир. Миллатимизнинг эртанги куни қандай бўлиши, бугунги кунда таълим олаётган ёшларнинг қай даражада таълим-тарбия олиши билан боғлиқдир. Зеро, талабалардаги жисмоний-тактик тайёргарлик кўникмаларини ривожлантириш орқали ҳарбий хизматга, ўз Ватани – Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилишдаги бурчини бажаришга ҳар томонлама тайёрлаш ўқув юртлари педагогик жамоаларининг муҳим вазифаларидан биридир. Бу вазифани муваффақиятли равишда бажариш учун "Жисмоний-тактик тайёргарлик асослари" номли махсус фан яқиндан ёрдам беради [3,19].

"Жисмоний-тактик тайёргарлик асослари"нинг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

биринчидан, олий ўқув юртида ўқитилаётган бошқа фанлар билан узвий бирликда, талабаларни миллий ва байналминал руҳида тарбиялаш, уларни Ватан ҳимоясига доимо қўлда қурол билан шай бўлишларини таъминлаш;

иккинчидан, талабаларда фаол онгли, меҳнатсевар, Ватан учун жасоратга ва қаҳрамонликка тайёр ёш авлодни тарбиялай оладиган педагог ўқитувчи хислатларини ривожлантириш;

учинчидан, талабаларни жисмоний-тактик тайёргарликнинг назарий-амалий билимлари билан қуроллантириш, уларда умумий ўрта махсус касб-ҳунар колежлари ва академик лицейларида чақириққача ҳарбий таълим ўқитувчиси лавозимида ишлаш учун ўқув ва тарбиявий ишларни ташкиллаш ва ўтказиш, малака ва кўникмаларини шакллантириш.

Чақириққача ҳарбий таълим йўналиши талабаларида жисмоний тайёргарликни ошириш, тактик кўникмаларни ривожлантириш тизимини ташкил этиш учун маълум шарт-шароитларнинг мавжудлиги тақозо этилади [4,62]. Булар:

– ўқув юртида ташкил этилаётган таълим-тарбия жараёни юксак даражада уюштирилиши;

– жисмоний-тактик тайёргарликни ташкил этиш жараёнининг муваффақияти педагоглар ва талабалар жамоасининг савиясига боғлиқлиги;

– тактик тайёргарлик машғулотларининг режали, узлуксиз, тизимли бўлиши;

– талабаларни ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрларга, умумий тартиботга қатъий риоя этишга ўргатиш, зиммасидаги бурчни тўлақонли адо этишларига эътиборни қаратиш. Тарбиянинг ҳаётийлигини таъминламасдан туриб тарбия бераётган ёшларимиздан,

фарзандларимиздан қандайдир натижа кутиб бўлмайди. Фақатгина тўғри тарбияланган фарзандларимизда Ватанга, ота-онага, атрофдагиларга, муҳаббат, садоқат, меҳр ва оқибат қирралари шаклланади. Акс ҳолда, улуғ алломамиз Абдулла Авлоний таъкидлаганидек, инсон ўзини, оиласини, ўзи яшаб турган жамиятни ҳалокат ёқасига олиб келади ва кутилмаган фалокат юз беради. Бу жараён тарбиянинг ҳамма йўналишида рўй бериши мумкин. Буни биз ахлоқий, иқтисодий, жисмоний, айниқса, тиббий-гигиеник ва экологик тарбияларда ҳам кўришимиз мумкин. Яқин атрофимиздаги мамлакатларда бўлаётган сиёсий, иқтисодий, тиббий жараёнларда рўй бераётган фалокатлар бунга аниқ мисол бўла олади. Демак, бизнинг юртимизда тарбиянинг бугунги тақдири кеча яратилиб унга жуда мукаммал пойдевор яратилган экан, бу билан биз бугун ғурурланиш билан бир вақтда, жамиятда бугуннинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ана шу ота-боболаримиз яратиб кетган тарбия пойдеворининг устида бунёд бўлган тарбия деворини мустаҳкамлаб боришимиз зарур.

Жисмоний-тактик тайёргарлик тарбияси талабаларни Ватан ҳимояси ва ҳарбий мудофаага тайёрлаш, уларда фавқулодда ҳолатларда ҳарбий мудофаани ташкил этиш кўникма, малакасини шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараёндир. Жисмоний-тактик тайёргарлик тарбиясининг мақсади талабаларни Ватан ҳимояси ҳамда ҳарбий мудофаага тайёрлаш, уларда фавқулоддаги ҳолатларда ҳарбий мудофаани ташкил этиш кўникма ва малакаларини шакллантиришдан иборат бўлиб, мазкур жараёнда қуйидаги вазифалар амалга оширилади. Жисмоний-тактик тайёргарлик тарбиясини ташкил этишда ҳарбий таълим муассасаларида ўқитилиши йўлга қўйилган чақириққача ҳарбий тайёргарлик машғулотлари муҳим аҳамиятга эга [4, 28]. Талабалар ўртасида чақириққа қадар бошланғич тайёргарлик фани бўйича ўзлаштирилган назарий ва амалий билимларни намойиш этиш имконини берувчи мусобақанинг ташкил этилиши бу борада ижобий натижа бера олади. Шундай қилиб, жисмоний-тактик тайёргарлик тарбияси ижтимоий ҳодиса бўлиб, унинг мазмун-моҳияти шахсни ўраб турган жамият нормаларига, шу жамиятда қабул қилинган ва эъзозланадиган қадриятларга боғлиқ бўлади.

Шуни эътироф этиш лозимки, ҳозирга қадар ҳарбий таълим жараёнида талабаларда жисмоний-тактик тайёргарликни ривожлантириш механизмлари илмий-методик асосда ишлаб чиқилмаган. Шундан келиб чиқиб, қуйидаги масалалар қай даражада ечимга эга эканлигини аниқлаш мақсадга мувофиқдир:

1. Ҳар бир вилоят кесимида жисмоний-тактик тайёргарлик кўникмаларини ривожлантириш тизими қандай шакллантирилган?
2. Талабаларни жисмоний тайёргарлик, жангаворлик руҳида тарбиялаш тизимини такомиллаштириш муаммоларининг ечимлари қай даражада амалиётга жорий этилмоқда?
3. Талабаларни жисмоний тайёргарлик, жангаворлик руҳида ва юксак тактик тайёргарликда тарбиялаш тизимини такомиллаштириш қай даражада таҳлил этилмоқда?

Маълумки, ҳарбий таълим талабаларини юксак жисмоний тайёргарлик, жангаворлик руҳида тарбиялаш тизимини такомиллаштириш давлат тараққиёти, юрт тинчлигининг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Шу асосда таълим-тарбия мазмуни ва самарадорлиги такомиллашиб боради. Мазкур муаммога оид олиб борилаётган тадқиқотчилик кузатувларига мувофиқ педагогик тадқиқотнинг майдонга чиқиши учун:

– тегишли шарт-шароит (ижтимоий, иқтисодий, моддий-техник) ва ижодий муҳит (изланувчанлик ва ижодкорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш) яратиш;

– ҳарбий таълим йўналиши талабаларини жисмоний маданият, жангаворлик руҳида тарбиялаш самарадорлигини оширувчи дидактик материаллар сериясини ишлаб чиқиш ва уларни кенг кўламда амалиётга жорий этиш;

– илмий-амалий изланиш ва ташаббус асосида тўпланган янгилик ҳамда тажрибаларни узлуксиз ҳаракатдаги жараёнга айлантириш;

– ҳарбий таълим йўналиши талабаларини жисмоний маданият ва жангаворлик руҳида тарбиялаш ва юксак тактик тайёргарлигини ошириш тизимини такомиллаштириш асосида ижтимоий барқарорликни таъминлаш, ҳарбий соҳанинг етук кадрларини тарбиялаш имкониятига эга бўлиш мумкин. Бунинг учун, энг аввало, юқорида таъкидланганидек, тегишли шарт-шароит ва ижодий муҳит яратилиши зарур.

Талабаларда ҳарбий таълимга оид билим, кўникма ва малакалар самарадорлигини оширишда замонавий ахборот технологияларини жорий этишнинг назарий ҳамда амалий машғулотларини ишлаб чиқиш учун биз “Таълим тўғрисида”ги Қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ҳамда ДТСларида белгилаб берилган мезонларга амал қилдик. Мазкур диссертация ишини бажаришда “Чақириққача ҳарбий таълим йўналиши талабаларини жанговар-тактик тайёргарлигини ривожлантириш тизими” фанидан самарали фойдаланишнинг энг оптимал йўналишга талабаларнинг замонавий ахборот технологиялари ҳамда ҳарбий таълим борасидаги билимларини ривожлантириш орқали эришиш мумкинлиги илмий услубий жиҳатдан асосланди.

Инновацион таълим муҳитида чақириққача ҳарбий таълим йўналиши талабаларида жисмоний-так-

тик кўникмаларни ривожлантириш самарадорлигини оширишнинг зарурий шартларидан бири – мазкур жараённинг педагогик моделини ишлаб чиқиш ва таълим технологиясини ишлаб чиқиш орқали ташкил этишдир. Таълим амалиётида таълимий, педагогик, тарбиявий, ўқитиш технологиялари ажратиб кўрсатилади. Ҳозирги даврда содир бўлаётган инновацион жараёнларда таълим тизими олдидаги муаммоларни ҳал этиш учун янги ахборотни ўзлаштириш ва ўзлаштирган билимларни ўзлари томонидан баҳолашга қодир, зарур қарорлар қабул қилувчи мустақил ва эркин фикрлайдиган шахслар керак. Айниқса, ҳарбий соҳа кадрлари олдида янада масъулиятлироқ вазифалар юзага чиқмоқда. Бу эса уларни тарбиялаш тизимини такомиллаштиришни, жисмоний саломатлигини ошириш ва ҳарбий-тактик билимларини мустаҳкамлашни устувор вазифалардан бирига айлантирмоқда.

Чақириққача ҳарбий таълим йўналиши талабаларида жисмоний-тактик кўникмаларни ривожлантиришда "Жисмоний-тактик тайёргарлик асослари" модулини ўқитиш ва мазкур фан асосида курсант-талабаларда жисмоний-тактик тайёргарликка оид билим ва кўникмаларни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади [3,16].

"Жисмоний-тактик тайёргарлик асослари" модулини ўқитиш ва таълим технологиясини такомиллаштириш асосида талабаларда жисмоний-тактик кўникмалар ривожланади. Мазкур жараёнда курсант-талабаларда жисмоний куч ва иродани ривожлантириш, тактик тайёргарликка оид назарий ва амалий билимларни ошириш, амалий машғулотларни янгича кўринишда ташкил этиш орқали акмеологик ёндашувнинг имкониятлари синалади.

Акмеологик ёндашув асосида чақириққача ҳарбий таълим йўналиши талабаларида жисмоний-тактик кўникмаларни ривожлантириш махсус курснинг амалий машғулотларида қўллаш билан боғлиқ ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга жалб этиш яхши самара беради. Ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали салбий омилларга қарши туриш ва ундан ҳимояланиш малакалари таркиб топтирилади.

Хулоса қилганда, чақириққача ҳарбий таълим йўналиши талабаларини жисмоний-тактик тайёргарлигини ривожлантиришга қаратилган педагогик жараён муҳим аҳамиятга эга ижтимоий ҳодиса бўлиб, унинг мазмуни ва моҳияти шахсни ўраб турган жамият нормаларига, шу жамиятда қабул қилинган ва эъзозланадиган қадриятларга боғлиқ бўлади.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**


1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.*
2. *Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-том. – Т.: Ўзбекистон, 2020. – 440 б.*
3. *Бодалев А.А. Вершина в развитии взрослого человека: характеристики и условия достижения. – М.: Наука. 1998. – 195 с.*
4. *Усмонов К. Ўзбек халқи маънавий-ахлоқий меросида ҳарбий ватанпарварлик ғояларининг талқини. Фалс. док. (PhD) диссертация. –Тошкент, 2017.*


# MILLIY KOSTYUM BEZAK ELEMENTLARINING TAYYORLASH USULLARINI YARATISH


**Sarvinoz Raximqulova,**
Termiz davlat universiteti



***Annotatsiya***
*Ushbu maqolada Surxondaryo tarixi, uning madaniyati, qadriyatlari hamda boy kashtachilik an'analari, taqinchoqlarining xilma-xilligi, qo'llanish usullari hamda to'qilish sxemasi o'rganilgan. Shuningdek, kashtachilik, gilamdo'zlik, kabus, to'qish va kulolchilik kabi xalq amaliy san'ati va hunarmandchilik turlari to'g'risida ma'lumotlar keltirilgan.*



***Kalit so'zlar:*** *Gulband, Dardigazna, Kunguratlar, Djuzlar, Boboxur, Tamoqlov, Xapamat Umaya, Taqinchoq, Kauri.*



***Аннотация***
*В данной статье исследуется история Сурхандарьи, ее культура, ценности и богатые традиции вышивки, разнообразие украшений, способы их использования, схемы плетения. Есть также информация о народных искусствах и ремеслах, таких как вышивка, ковроткачество, кабус, ткачество и гончарное дело.*

***Ключевые слова:*** *Гульбанд, Дардигазна, Кунгуратлар, Джузлар, Бобохур, Тамоклов, Хапамат Умая, Такинчок, Каури.*

***Annotation***
*This article explores the history of Surkhandarya, its culture, values and rich traditions of embroidery, a variety of jewelry, ways of using them, weaving patterns. There is also information about folk arts and crafts such as embroidery, carpet weaving, qaboos, weaving and pottery.*
***Keywords:*** *Gulband, Dardigazna, Qunguratlar, Juzlar, Bobohur, Tamoqlov, xapamat Umaya, Taqinchoq, Kauri.*

Surxon vohasi o‘zbek xalqining ilk ajdodlari yashagan qadimiy madaniyat markazi bo‘lib, Xolchayon, Dalvarzintepada olib borilgan arxeologik qazishmalardan topilgan manbalarga asoslanib, miloddan avvalgi II ming yillik o‘rtalarida bu hudud aholisi o‘troq holida yashaganligi ilmiy jihatdan isbotlandi.

Surxon vohasi hududi qadimiy tarixga ega bo‘lib, ko‘plab manbalarda voha o‘tmishini aks ettiruvchi voqea-hodisalar haqida fikr yuritilgan. O‘tmish madaniyatini yaratgan ajdodlarimiz, ularning ijtimoiy-iqtisodiy turmush tarzi aks ettirilgan yilnomalar, tarixiy, adabiy-badiiy asarlar, dostonlar, rivoyatlar, xalq og‘zaki ijodiyoti namunalari saqlanib qolgan.

Elshunos olim O.A.Suxareva ta’biri bilan aytganda: “Kiyimning yuzaga kelishi va turlarining ko‘payishida kishilarning yashash tarzi, mehnati va iqlim sharoitidan tashqari, ularning madaniy rivojlanishi, estetik didlarining o‘sishi ham asosiy omillardandir”.

An’anaviy kostyum eng muhim va madaniy merosning o‘ziga xos qismi, chunki u an’analar, ekologik va estetik ideallarning barqarorligini, ijtimoiy, axloqiy me’yorlarni, shuningdek, dunyoga shaxsning qarashlarini, unda o‘zini o‘zi bilishni aks ettiradi. Surxondaryo aholisining kostyumi o‘zining rang-barangligi, o‘ziga xos bosh kiyimi, poyabzal va zargarlik buyumlari bilan boshqa mintaqalarnikidan farq qiladigan turli madaniyat va urf-odatlarga ega bo‘lgan (Qo‘ng‘irotlar, Juzlar) turg‘un va yarim ko‘chmanchi aholining ushbu mintaqasida yashash milliy libosni o‘ziga xos va betakror qiladi. Kiyim-kechakning ajralmas qismi zargarlik buyumlari bo‘lib, ular odamlarning tarixi va madaniyatini aks ettiradi, ular mavjudlik va madaniy-tarixiy aloqalarning ramziy modellaridan biri hisoblanadi. Surxondaryoda zargarlik san’ati unchalik rivojlanmagan.

Garchi “Xapamat” so‘zi tojik tilidan kelib chiqqan bo‘lsa ham, uni asosan qo‘ng‘irotlar kiygan. Bu atama “xapa” (xafa) va “band” (to‘sish, ajratish) degan ma’noni anglatadi. Ushbu zargarlik buyumlarining shakli ishlab chiqarish texnikasiga bog‘liq bo‘lib, asosan geometrik xususiyatga ega edi. Rangli munchoqlar qatorlari oq, qizil, sariq, ko‘k, qora, to‘qilgan, geometrik shakllar – romb, uchburchak, trapetsiyalar va hokazo. Chuqur ramziy ma’nolarga asoslangan oddiy ko‘rinadigan geometrik shakllar ortida odamlarning dunyo haqidagi mifologik tasavvurlari aks ettirilgan.

Xapamatlarning barcha turlari asosan uchburchak shaklida bo‘lgan, ularning himoya funksiyasi go‘yo Umay ma’budasi nomi bilan bog‘liq. Qadimgi turklarning qarashlariga ko‘ra, homiy ruhlar panteonida bu ma’buda alohida o‘rin egallagan. U dunyoviy mavjudotni – tug‘ilishni, nikohni va o‘limni aks ettirdi, bolalar va ularning onalariga homiylik qildi, u unumdorlik ma’budasi edi. Umayning ramzi uchburchak, oy, taroq, qaychi va o‘qdir. Yer belgilaridan biri – Rombus, shuningdek, unumdorlik ramzi hisoblangan.

Kauri chig‘anoqlari (lat. – Cepraea moneta) xapamatda muqaddas funksiyani bajarib, qadimgi davrlarga borib taqaladi. Qo‘ng‘irot qobiqlarning nomi “Janna Bosh” deb nomlanishi va ilonning boshi bilan o‘xshashliklariga ko‘ra, kaurining sehrli kuchi o‘tmishda O‘rta Osiyoning deyarli barcha xalqlari orasida mavjud bo‘lgan ilonga sig‘inish bilan bog‘liq deb taxmin qilish mumkin. Surxondaryoning qo‘ng‘irotlari hali ham yovuz ko‘z va qorong‘u kuchlardan asrash sifatida bolalar kiyimining orqasida ilon kashta qilmoqdalar. Ayol zargarlik buyumlarining yana bir turi – “gulband”, ba’zida bir-biriga bog‘langan past munchoqlardan iborat edi.

“Gulband” nomi “gul” so‘zidan kelib chiqqan bo‘lib, mahalliy aholining fikriga ko‘ra, qizilcha va qizamiq kasalligi degani, “band” esa to‘sish degan ma’noni anglatadi. Shuning uchun “gulband” kiyish qizilcha kasalligining oldini oladi deb ishonilgan. Gulbandning eng qiziqarli qismi – toshdan yasalgan tumor, ya’ni markazda joylashgan “bobohur”. Yosh ayollar buni oilaviy baxtning timsoli sifatida kiyib, oilaviy baxt va nikohni himoya qilganlar. Surxondaryoning an’anaviy zargarlik buyumlari semantikasini o‘rganish va tahlil qilish zargarlik buyumlari faoliyatining turli jihatlari mazmunini ochishga, arxeologik qatlamlarni aniqlashga yordam beradi. Ushbu mintaqaning zargarlik buyumlari janubiy O‘zbekiston aholisining an’anaviy kostyumini o‘rganish uchun qiziqarli mavzu.

Ushbu bezak turi bo‘yinga taqilmagan. xapamatni to‘y marosimlarda va undan so‘ng ko‘z tegishdan saqlash maqsadida taqilgan.

Surxondaryo ayollarining taqinchoqlari sxemasini ishlab chiqishda ularning to‘qilishiga e’tibor qaratdik. Taqinchoqlar har bir turi o‘zgacha mano kasb qilib qolmay, ular to‘qilishi, rang, shakli, naqshlarida murakkabligi bilan ham ajralib turadi. Bu taqinchoqlar to‘qilishi murakkab bo‘lishi bilan birga, ularni qayta tiklash qiyin bo‘lgan. Bu taqinchoqlar bir ipda to‘qilgan. Asosiy qismi bilan soc-

hiqchalari ham birga to'qilgan. Ularning biri uziladigan bo'lsa, ikkinchisiga ham ta'sir qilgan. Qayta tuzish qiyin bo'lgan, shuning uchun ko'p taqib yurisholmagan.

Taqinchoqlarni mayda munchoqdan tuzishgan. Mayda munchoqning teshigi maydaligi uchun ular to'qishda oddiy ipdan foydalanishgan. Shuning uchun bu taqinchoqlar tez uzuladigan bo'lgan. Men bu muammoni o'rganib, tahlil qilib chiqib, ushbu muammolarni hal qilishga harakat qildim. Bunda men taqinchoqlarni to'qishda katta munchoqlardan foydalandim. Katta munchoqlarning ip o'tadigan joyi ham katta bo'lganligi sababli to'qishda pishiq chidamli kanop iplardan foydalandim. Keyingi yumush – ularni shakllarga ajratib alohida to'qidim. Bunda asosiy qismi va sochiqlarini alohida to'qib oldim va natijada vaqtdan ham yutdik. Chunki asosiy qismidagi ranglar ketma-ketligiga, ular shaklining murakkabligiga asosiy diqqatimni qaratdim. Asosiy qismini to'qib bo'lib, ularga sochiqlar qilib to'qib chiqdim. Bunda to'qish ancha oson bo'ldi. Endilikda sitilib ketsa ham, qayta tuzish mumkin va asosiy qismi bilan sochig'iga ta'sir qilmaydi.

XIX asrda ayollarning bo'yin va ko'krak taqinchoqlari xilma-xil bo'lgan. Bu taqinchoqlar naqshi va to'qilish uslubi bilan bir-biridan farq qilgan. Masalan:

1. Tomoqqa taqadigan taqinchoqlar.
2. Ko'krak ustiga taqiladigan taqinchoqlar.

Tomoqqa taqiladigan taqinchoqlar "Tomoqlov" deb atalgan. Ko'krakkacha uzunlikda bo'lgan taqinchoqlarga: Xapamat, Gulbant, Dardig'azna deb yuritilgan.

Har bir taqinchoq turiga va rangiga qarab har xil turda to'qilgan.

Masalan: Xafamat taqinchog'i to'qilishi o'rtasidan boshlanib ikki yonga qaratib tugatilgan. To'qish davomida taqinchoqni uchidan to bo'yin qismidan to'qilib ketgan.

Surxondaryo taqinchoqlari juda xilma-xil bo'lganligi uchun to'qilish sxemasi ham murakkab bo'lgan. Hech kim sxemasini qilmaganligi uchun shu taqinchoqlarni sxemasi o'rganilib yangicha sxema va to'qish sxemasi tuzib chiqildi.

Taqinchoqlardan xapamat, gulband va dardig'aznalarni sxemasi qilindi.

Bu taqinchoq to'qilishi jihatdan juda murakkab bo'lgan ranglarining xilma-xilligi va shakllarning murakkabligi bilan boshqa taqinchoqlardan farq qilgan. Xapamatning 50 dan ortiq turi mavjud. Har bir rangi, to'qilishi, shakli va gullari bilan farq qilgan. Bu taqinchoq oldinlari bir butun qilib to'qilgan. Ko'p hollarda uning tik bo'lganligi uchun men taqinchoqni bo'lib to'qishni taklif etaman. Sababi agar bir qismi uzilsa, boshqatdan to'qishni iloji bor.

Ipga 7 ta yashil munchoq o'tkazilib, 1 ta yashil munchoq bilan birlashtiriladi. Birlashtirilganda ipning ikkala uchi bir qilinib o'tkaziladi. Shundan so'ng sxemaga qarab ranglari tanlab to'qilib ketiladi.

Birinchi sxema bo'yicha to'qilib bo'lingandan keyin iplar qarama-qarshi munchoqlarning ichidan o'tib, 3 ta munchoq olinib to'qish davom etadi. Bunda xapamatni tepa qismi to'liq to'qiladi, ost qismi qisqartirilib to'qilib ketadi. To'qish jarayonida tepa qismiga kelganda munchoq qo'shib to'qilib ketiladi. Ostki qismida esa ipning o'zi munchoqlarning ichidan munchoqsiz qaytarilib, keyin munchoq qo'shilib to'qiladi. To'qish jarayonida munchoqlarning shakliga va rangiga e'tibor berilishi kerak. Agar bitta rang ham adashsa, munchoq to'qilib bo'lganidan keyin bilinadi. Shuning uchun sxemaga qarab to'qilishi kerak bo'ladi.



1-rasm. Xapamat taqinchog'ining sxemasi.



2-rasm. Xapamat taqinchog'ining sxemasi.


ISSN 2181-8274

Xapamatning bir tarafi to'qilib bo'lgandan keyin ikkinchi tomoni ham xuddi shunday to'qiladi.

Taqinchoqning asosiy qismi to'qilganidan keyin uning osilib turadigan munchoqlari to'qiladi. Oldinlari munchoqlarning uchiga tangalar, kauri chig'anoqlari qo'shib ham to'qilgan. Ayrim turlariga hatto tugmalar va boshqa katta shaklli har xil munchoqlar ham to'qilgan. Bu turiga munchoqlarning o'zidan ikki qavat qilib to'qib bezak berilgan. Bunda uchburchak qismining uch qismidan 4 ta qora, 3 ta oq, 3 ta qizil, 2 ta sariq, 2 ta siyohrang va 3 ta sariq o'tkaziladi.

Siyohrangning ichidan ip o'tkazilganda sariq munchoqlar uchburchak shakliga kelib qoladi. So'ngra yana 2 ta sariq, 3 ta qizil, 3 ta oq munchoqlar o'tkazilib qora munchoqlarning ichidan o'tkaziladi. Yashil munchoqlarning ichidan o'tkazilib to'qish davom etadi.



3-rasm. Xapamat taqinchog'ining sxemasi.



4-rasm. Xapamat taqinchog'i.

Uch qismi to'qib bo'lingach xapamatni bo'yinga bog'lanadigan qismi to'qiladi. Ustki qismidagi munchoqlarning ichidan o'tkazilib to'qiladi. Boshlanishi 3 ta ko'k va 1 ta qora, 1 ta yashil Munchoqlarning ichidan ipning bir uchi chiqariladi. Ikkinchi uchi ko'k munchoqning o'zida bo'ladi. Iplar chiqarilgan har ikkala uchiga 3 tadan qora munchoq o'tkaziladi. Ikkala ip birlashtirilib, kerakli uzunlikka yetguncha qora munchoq o'tkaziladi.

To'qish davomida bo'yinning o'miziga joy qoldirilib to'qib ketiladi. Ikki yonidan munchoqlar uzun qilib to'qiladi. Qolgan qismiga kam munchoq olinib, iziga qaytarilib to'qilib tugatiladi.

Xulosa sifatida shuni aytish kerakki, Surxondaryo viloyati boy tarixga ega. Bu xalq ayollari qanchalik hunarmand va sabrli ekanligini ularning tikkan kashtalari va to'qiqan taqinchoqlaridan bilib olsak bo'ladi. Har bir libosi, taqinchog'i, kashtasi, bosh kiymi har bir buyumini chuqurroq o'rganishimiz, bu borada izlanishimiz va kelajak avlodga yetkazishimiz kerak. Tadqiqotlar natijasida Surxondaryo taqinchoqlarini yangicha texnologiya asosida to'qish usullarini yaratildi.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**


1. *Sodiqova Nafisa. O'zbek milliy kiyimlari. XIX–XX asrlar. – T.: Sharq, 2003 y. – 150 b.*
2. *Эльмира Гюлью. Садынебесные и сады земные. – М., 2013.*
3. *Binafsha Nodir. An'anaviy xotin – qizlar libosi. Moziydan Sado jurnali. – T., 2013.*
4. *Raxmatullayeva U.S., Raximqulova S.A. Surxondaryo kostyumida milliy elementlarning o'rni. O'quv-uslubiy qo'llanma. – T., 2021.*
5. *Абдуллаев Т.А., Ҳасанов С.А. Одежда узбеков (XIX-нач. XX вв.). – Т., 1978.*
6. *Жабборов И. Ўзбеклар. (анъанавий хўжалиги, турмуш тарзи ва этномаданияти). –Т., Шарқ. 2008.*
7. *Этнографические очерки материальной культура узбеков. (конец. XIX-начала XX вв.) –Т., 1981.*
8. *Турсунов С.Н., ПардаевТ.Р. Ўзбекистон тарихи ва маданияти – Сурхондарё этнографияси. – Т., 2006.*

# ТОҒ ТИЗМАСИГА САЁҲАТ УЮШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

**Комил Муҳаммадиев,**
Тошкент давлат транспорт университети доценти,
п.ф.б.ф.д (PhD)

***Аннотация***
*Мақолада саёҳат қилиш, экология, табиат, атроф-муҳитнинг одам организмига қандай таъсир кўрсатиши, пиёда юришнинг муҳим жиҳатлари ҳамда фойдали томонлари, амалий ва жисмоний хусусиятлари ҳақида тушунчалар бериб ўтилган. Мақола экология ва атроф-муҳит муҳофазаси учун муҳим аҳамият касб этади.*
***Калит сўзлар:*** *саёҳат, экология, табиат, атроф-муҳит, пиёда, жисмоний кўрсаткичлар, спортчи, экосаёҳат, тиббиёт.*

***Аннотация***
*В статье опубликованы путешествия, экология, природа, и как окружающая среда влияет на организм человека. Приведены важные аспекты и преимущества ходьбы, практические и физические характеристики ходьбы. Статья важна для экологии и охраны окружающей среды.*
***Ключевые слова:*** *путешествие, экология, природа, окружающая среда, пешеход, физические показатели, спортсмен, экотуризм, медицина.*

***Annotation***
*The article published travel, ecology, nature, and how the environment affects the human body. The important aspects and advantages of walking, practical and physical characteristics of walking are given. The article is important for ecology and environmental protection.*
***Keywords:*** *travel, ecology, nature, environment, pedestrian, physical indicators, athlete, ecotourism, medicine.*

Сайёҳлик дам олишнинг фаол тури, сайёҳларни табиат, тарихий обидалар ва табиий бойликлар билан таништиришнинг энг замонавий ва маданий усулларидан ҳисобланади. Сайёҳликни тўғри ташкил қилиш учун инсон организми билан боғлиқ бешта жисмоний сифат ривожланганлигини эътиборга олиш зарур. Буларга чаққонлик, тезкорлик, эгилувчанлик, чидамлилик ва куч сифатлари киради. Саёҳат ҳар доим ҳам спортчилар учун зўр иштиёқ билан ёндашиладиган спорт турларидан бири бўлиб келган. Амалий жиҳатдан бу спорт тури учун тайёргарлик кўриш ва йўналиш жойини танлаш талабаларнинг билим ва малакасига боғлиқ. Бу спорт тури билан аҳолининг барча қатламлари, йилнинг тўрт фаслида ҳам шуғулланиши мумкин. Бироқ экотуризм билан шуғуллanувчиларнинг жисмоний тайёргарлигига қўйиладиган умумий талаблар барча учун бир хил ва зарур.

Экосаёҳат билан шуғулланувчилар умумий тайёргарлик, ҳаракатланишда содир бўладиган қийинчиликларга мос махсус жисмоний тайёргарликка эга ҳамда организми совуққа, иссиққа, юқори намликка, кислород танқислигига тез мослашадиган, чиниққан бўлиши зарур.

Пиёда юришнинг нима учун энг фойдали машғулот эканлигига оид илмий далиллар шуни кўрсатмоқдаки, юриш тана учун энг табиий жисмоний жараён ҳисобланади. Шундай бўлса-да, аксарият одамлар имкон қадар камроқ пиёда юришга ҳаракат қилади. Инсоният камроқ юриш учун нималар ўйлаб топмади дейсиз: эскалаторлар, лифтлар, электросамокатлар, сигвей, автомобиллар ва ҳ.к. Ваҳоланки, илмий тадқиқотларнинг кўрсатишича, айнан пиёда юриш – умрни узайтириш учун жуда фойдали машғулот.

Тадқиқотчиларнинг илмий хулосаларига таяниб айта оламизки, жисмоний машқлар самараси уч омилга боғлиқ: интенсивлик, давомийлик ва машқларнинг умумий частотаси.

Нуфузли American Heart Association ва American College of Sports Medicine ташкилотлари ҳафтасига камида 5 марта, кунига 30 дақиқа пиёда юришни тавсия қилишади. Худди шу ташкилотларнинг югуриш учун тавсияси эса: ҳафтада 3 марта, 20 дақиқадан.

Пиёда юриш ва калорияларни йўқотиш. Масалан, 70 кг вазнга эга киши югуриш вақтида соатига тахминан 500-600 к.кал сарфлайди, худди шу одам пиёда юриш давомида соатига 250 ккал сарфлайди. Бошқача айтганда, ортиқча калорияларни йўқотиш бўйича ярим соатлик югуриш бир соат пиёда юришга тенг эканлиги исботланган.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам, калориялар устида ишлаш керак бўлса, яхшилаб ўйлаб кўриш лозим, 2-3 соат пиёда сайр қилган маъқулми ёки 1 соат югуриш. Охир-оқибат йўқотилган калориялар миқдори бўйича самара бир хил бўлади.

Олимларнинг пиёда юришнинг фойдаси ҳақидаги фикрларни Гиппократдан бошлаш мумкин, у тахминан 2400 йил аввал “Пиёда юриш – инсон учун энг яхши даво воситаси” деб айтган.

University College Londonнинг икки тадқиқотчи олими 1970 йилдан 2007 йилга қадар пиёда юришга доир барча тадқиқотларнинг метатаҳлилини ўтказ-

ган. Улар 4295 мақолани ўрганиб, улардан ишончлилик даражаси бўйича энг юқори ҳисобланган 18 тасини саралаб олган. Бу 18 тадқиқот умумий ҳисобда юрак касалликларидан жабрланмаган 459 833 кишини қамраб олган. Уларнинг бари 11,3 йил давомида назорат остида бўлган, ҳаммаси турли касалликлар, асосан юрак-қон томир тизими касалликлари (юрак хуружи, инсультлар, қон томирлари операцияси, ангиопластика, ангина ҳамда ўлим ҳолатлари)да кузатилган.

Пиёда юришнинг фойдаси бўйича қуйидагилар аниқланган:

- мунтазам равишда пиёда юриш юрак-қон томир касалликлари хавфини 31 фоизга камайтиради;
- кузатув йиллари давомида мунтазам равишда пиёда юрган кишиларда ўлим ҳолати эҳтимоли ўзини ортиқча уринтирмаган кишиларга нисбатан 32 фоизга кам бўлган.

Ҳарвард университетининг еттита кенг кўламли тадқиқоти метатаҳлилига асосан ҳам шунга ўхшаш хулоса ва рақамлар келтирилган:

- 10 269 нафар битирувчиси орасида кунига камида 9 миль масофага пиёда юрганлар (кунига 2 км. дан ортиқ) ўлим хавфи 22 фоизга камайган;
- тиббиёт соҳасида ишловчи 44 452 киши орасидан кунига камида 30 дақиқа пиёда юрган ходимларда юрак ишемик касалликлар хавфи 18 фоизга камайган;
- 72 488 тиббиёт ҳамшираси орасида ҳафтасига 3 соат пиёда юрган ходимларда юрак хуружи 35 фоизга, инсульт хавфи 34 фоизга кам бўлган.

Ушбу тадқиқотларда юрак-қон томир касалликларидан жабрланганлар истисно қилинган, бироқ бундай касалликка чалинганлар учун пиёда юришнинг фойдаси бормикан? Бу мавзуда ҳам кенг кўламли тадқиқот ўтказилган.

Олимлар 8 946 бемор иштирокида олиб борган илмий изланишлари натижасида шундай хулосага келишган: ҳафтасига 3 марта 30 дақиқа давомида бажарилган меъёрий жисмоний ҳаракат (пиёда юриш ёки велотренажерда шуғулланиш каби) юрак-қон томир касалликлари натижасида келиб чиқадиган ўлим хавфини 26 фоизга, бошқа барча касалликлар натижасидаги ўлим ҳолатларини эса 20 фоизга камайтирган.

Тадқиқотлардан аниқланишича, пиёда юриш ўлим ҳолатлари ва юрак-қон томир касалликлари хавфини камайтириш билан бирга, ақл заифлашуви (деменция) хавфининг камайиши, диабет, депрессия, йўғон ичак саратони, семизлик, бўғимлар касалликлари, эректиль дисфункция жараёнларига ижобий таъсир кўрсатади.

Пиёда юриш югуришдан нимаси билан яхшироқ? Агар шошаётган бўлсангиз, табиийки, югуриш пиёда юришдан афзалроқ. Бироқ бу икки машғулот ўртасидаги фарқ фақат тезликда эмас. Пиёда юриш вақтида камида бир оёқ ерда бўлади. Югуришда эса оёқ кўпинча ҳавода ҳаракатланади. Тезлик қанча юқори бўлса, югурувчининг ҳавода ўтказадиган вақти шунча кўп бўлади. Энг тез югурувчи спортчилар 45 фоиз вақтни “парвоз”да ўтказишади. Пиёда юриш вақтида жисмоний машқлар билан боғлиқ жароҳат олиш хавфи анча паст (1-5 фоиз), югуриш вақтида эса 20 фоиздан 70 фоизгача.

Канадалик тадқиқотчилар ўртача 64 ёшгача бўлган 17 нафар кишини оддий пиёда юриш, кучли жисмоний машқлар ва зинадан юқорилаш вақтида кузатишди. Маълум бўлишича, зина бўйлаб юқорига кўтарилиш энг кўп қувват сарфланувчи машғулотлардан бири экан – бунга оддий жисмоний машқлар комплексига нисбатан 50 фоиз кўп қувват сарфланади.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, кунига ўртача 8 қаватга кўтарилган кишиларда ўлим хавфи зинадан юқорига ҳаракатланмаган кишиларга нисбатан 33 фоизга камроқ қайд этилар экан.

Пиёда юришга доир тадқиқотлар бўйича муҳим савол: айнан пиёда юриш соғлиққа шундай фойда келтирганми ёки генетик жиҳатдан соғломроқ кишилар кўпроқ пиёда юришга мойилми?

Европалик олимлар тадқиқотларидан бирида бу масалага аниқлик киритган. Финландияда 16 минг нафар бир жинсли эгизаклар иштирокида катта тадқиқот ўтказилди. 1975 йилда старт берилган ушбу тадқиқотга оид 20 йиллик кузатувлар давомида 1253 киши вафот этган.

Ойига камида 6 марта 30 дақиқадан пиёда юрган кишиларда ўлим хавфи ҳеч қандай жисмоний машқ бажармаганларга нисбатан 43 фоизга кам бўлган.

Тадқиқот, шунингдек, масаланинг генетика билан боғлиқ жиҳатларига ҳам жавобни тақдим этади: эгизаклардан бири шуғулланиб, иккинчиси шуғулланмаса – уларнинг жисмонан фаолроғида ўлим хавфи 56 фоизга камроқ қайд этилган.

Тадқиқотларга кўра, пиёда юриш саломатлик, ҳаёт давомийлиги, қон босими учун жуда фойдали. Пиёда юриш инсонга деярли жароҳат етказмай, сезиларли даражада калориянинг парчаланишига имкон беради.

Биз тадқиқотимизда 15 километрли масофага пиёда юриб босиб ўтиш бўйича Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги “Чотқол” тоғ тизмасига саёҳат уюштирдик (1-расм).





**1-расм. Хўжакент – Чимён йўналиши бўйича саёҳат.**

Хулоса қилиб айтганда, юқорида талабалар билан олиб борилган илмий-амалий машғулотларимиз натижасидан маълум бўлдики, тоққа уюштирилган саёҳатлар давомидаги тушунтиришлар талабаларнинг атроф-муҳитга муносабати ва экологик маданияти ошишига ёрдам берди.


**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. *Muhammadiyev K.B. O'quvchilarni atrof-muhitga ehtiyotkor munosabatda bo'lishga tayyorlash nazariyasi va amaliyoti / o'quv qo'llanma. – T.: "Fan va texnologiya", 2014. – 170 b.*
2. *Muhammadiyev K.B. Talabalarni atrof-muhitga ehtiyotkor munosabatda bo'lishga tayyorlash nazariyasi va amaliyoti (jismoniy tarbiya va sport tizimida) – Toshkent: "Fan va texnologiya", 2015. – 126 b.*
3. *Муҳаммадиев К.Б. Жисмоний тарбия таълими жараёни самарадорлигини ошириш ва талабаларда экологик маданиятни ривожлантиришнинг назарий асослари. Монография. "Инновацион ривожлантириш нашриёти-матбаа уйи". – Т., 2021. – 413 б.*
4. *Turdiqulov E.O., Turdiqulov U. Markaziy Osiyoda ekologik ta'lim taraqqiyoti. – T.: "Fan", 2005. – 504 b.*
5. *Usmonxo'jayev T.S., Raximov M.M., Qudratov R., Meyliyev X.A., Rasulova T.R., Qurbonov S. Jismoniy tarbiya va sport mashg'ulotlari. – T.: "O'qituvchi", 2005. – 350 b.*


# BO'LAJAK BOSHLANG'ICH SINF O'QITUVCHILARINI TARBIYALASHGA AKMEOLOGIK YONDASHUV


**Sevara Bobonazarova,**
QarDU Maktabgacha ta'lim kafedrasi stajyor-tadqiqotchisi



***Annotatsiya***

*Ushbu maqolada akmeologiya tushunchasining mazmuni-mohiyati, shaxs hayotida akmeologik qarashlarning tutgan o'rni haqidagi fikr-mulohazalar jamlangan. Shuningdek, maqolada milliy ta'lim-tarbiya tarixidagi akmeologik qarashlardan talabalar kompetentligini rivojlantirishda foydalanish yo'llari bayon qilingan. O'zbek xalq og'zaki ijodi hamda sharq mutafakkirlarining ijodida ifodalangan akmeologik qarashlardan bugungi kun talablariga moslab foydalanish talabalar kompetentligini rivojlantirishda ahamiyatli ekanligi bayon qilingan.*



***Kalit so'zlar:*** *akmeoliya, shaxs, akmeshaxs, akmeologiya, kreativlik, kompetentlik.*



***Аннотация***

*В статье обобщены содержание и сущность концепции акмеологии, роль акмеологических взглядов в жизни человека. В статье также описаны способы использования акмеологических взглядов в истории отечественного образования в развитии компетенций учащихся. Было отмечено, что использование акмеологических взглядов, выраженных в фольклоре узбекского народа и в произведениях мыслителей Востока в соответствии с современными требованиями, важно в развитии компетенций студентов.*



***Ключевые слова:*** *акмеология, личность, акмеличностъ, акмеология, творчество, компетентность.*



***Annotation***

*The article summarizes the content and essence of the concept of acmeology, the role of acmeological views in human life. The article also describes the ways of using acmeological views in the history of national education in the development of students' competencies. It was noted that the use of acmeological views expressed in the folklore of the Uzbek people and in the works of Eastern thinkers in accordance with modern requirements is important in the development of students' competencies.*



***Keywords:*** *acmeology, personality, acme personality, creativity, competence.*

Mamlakatimizda hur fikrli, mutelik va jur'atsizlikdan xoli bo'lgan, o'z bilimi va kuchiga ishonib yashaydigan, mustaqil va erkin shaxsni tarbiyalash bugungi kunning dolzarb vazifalaridan biriga aylandi. Vatanimizning ulkan umidi bo'lgan yosh avlodni kelajakda bilimdon, mustaqil fikrlovchi, o'z Vatani va xalqini, oilasini sevuvchi insonlar qilib tarbiyalash bizning asl maqsadlarimizdan biri hisoblanadi. Ushbu maqsadga erishishda uzluksiz ta'limning boshlang'ich bo'g'ini bo'lgan maktabgacha va boshlang'ich ta'limni sifatli amalga oshirish talab etiladi. Bu esa o'z-o'zidan boshlang'ich sinf o'qituvchilariga yuklanadigan sharafli va mashaqqatli burch va vazifalardandir. Bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilarini tarbiyalashga akmeologik yondashuv ushbu maqsadni amalga oshirish uchun ayni muddaodir.

Bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilarini tarbiyalashga akmeologik yondashuvni amalga oshirishda Alisher Navoiy asarlaridan foydalanish biz kutgan natijaga erishishni kafolatlaydi. Chunki badiiy adabiyotning eng buyuk namoyandalaridan biri Alisher Navoiy asarlarida komil inson mavzusiga alohida to'xtalib o'tilgan. Jannatdan quvilgan Odam Ato avlodi yana poklanib, o'z asl vatani – Parvardigor huzuriga qaytishi kerak. Navoiy ana shu pozitsiyada turib islom, imon, tavhid, shariat va tariqat masalalarini qalamga oladi. Navoiyning butun ijodi komil inson targ'ibiga qaratilgan. Uning oshiqona g'azallarida ham komillik haqidagi so'z va ma'no ezgu niyat butun nazokati, shijoat, hasrat va hayrat, ba'zan biz qattiq sevgan, o'rgangan, ba'zan esa e'tibor bermagan manzaralar ifodasi bilan namoyon bo'ladi. Go'yo shoir komillikni ifodalashning, uni egallashning xilma-xil yo'lini topgan. Shu yo'llarning barchasi bilan oxirgi yagona maqsadi olam-u odamni benuqson ko'rishga intilib, bu haqiqatni o'zgalarga ham namoyish etishning uddasidan chiqqan.

Akmeologiya [yunonchadan akme – nimaningdir oliy darajasi + logos – fan, ya'ni cho'qqi haqidagi fan] – alohida odamni va odamlar birligini rivojlanish cho'qqisini va unga erishish sharoitlarini o'rganadigan fanlar to'plami.

"Akmeshaxs"ni shakllantirish Akmeologiya fanining tadqiqot obyekti hisoblanadi [1, 23].

XX asr o'rtalarida — B.G.Ananev [1, 11] akmeologiyani inson haqidagi fanlar tizimiga kiritdi. XX asrning 90-yillarida A.A.Derkach [2] va A.A.Bodaleva rahbarligida Rossiya Federatsiyasi Prezidenti huzuridagi Rossiya davlat xizmati akademiyasida birinchi professional faoliyat akmeologiyasi va psixologiyasi kafedrasi tashkil etildi.

Insonning akme yo'lida rivojlanish jarayoni bir necha etaplarni tashkil qiladi. Umumiy qilib aytganda, bu jarayon o'z-o'zini boshqarish va hayotga tayyorlashdan iborat bo'ladi. O'z-o'zini tayyorlash bu o'z-o'zini tarbiyalash va o'z bilimini oshirishdan iboratdir. O'z bilimini oshirish bu maxsus tashkil etilgan o'quv muassasalarida bilim, ko'nikma va malakalar egallashgina emas, balki o'ziga zarur bo'lgan maqsadlarini amalga oshirishdan iborat turmush saboqlaridan ham iboratdir.

Insonda ma'lum bilim, ko'nikma va malakalar va axloqiy sifatlar shakllangandan keyin unda o'z-o'zini namoyon qilish boshlanadi.

Insonda ma'lum bir hayot uchun zarur bilim, ko'nikma va malakalar, axloqiy sifatlar tizimi paydo bo'lgandan keyin uning o'z fikri yuzaga keladi va o'zi harakat qila boshlaydi. Mustaqil fikr paydo bo'lgandan keyin u o'zining bilim va professional mahoratini oshirish ustida ishlay boshlaydi. U yangiliklar yarata boshlaydi o'zini ijodkor sifatida namoyon qiladi, kasbiy mahorat sohasida yuqori cho'qqilarni egallay boshlaydi. Insonning yaratganlari sotsium tomonidan ma'qullanishi va qabul qilinishi lozim. Chunki yuqori darajadagi professionalizm yuqori baho olishi kerak. Afsuski, hamma vaqt ham shunday bo'lavermaydi.

Bu holat insonning o'z-o'zini shakllantirishi qanday boradi, qanday yo'llar bilan uning bilishning yuqori pog'onasiga ko'tarish mumkin kabilarni akmeologiya fani o'rgatadi. Demak, akmeologiya fani bilan buyuk mutafakkir Alisher Navoiyning maqsadi bir, ya'ni shaxsni har tomonlama rivojlantirib uni akmeshaxs darajasiga ko'tarish. Alisher Navoiy asarlarida ilgari surilgan g'oyalardan bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilarini tarbiyalashda zamon talablariga mos ravishda foydalanish ta'lim jarayoniga akmeologik yondashuvni ta'minlashga asos bo'la oladi.

Garchi bugungi kunda ham mamlakatimizda tarbiyaning eng oliy maqsadi akmeshaxsni shakllantirishdan iboratligi e'tirof etilayotgan bo'lsa-da, biroq akmeologiyaning tadqiqot obyekti bo'lgan "akmeshaxs" yani "yetuk shaxs"ni tarbiyalash masalasi butun dunyoni o'ylantirayotgan global masalalar qatoridan joy oldi.

Hozirgi davrda akmeologiya obyekti sifatida yetuk inson aqliy xarakteristikasi, kasbiy faoliyat mahorati belgilari, omillari, odam mahorati qabul qilingan. Akmeologiyaning fan doirasi tekshiruvlarini markaziy ko'rsatgichi bo'lib mahsuldorlik tushunchasini ochib beruvchi kasbiy faoliyat kategoriyasi ko'rsatiladi, shuningdek, samarador faoliyat akmeologiya fanining tushuncha apparatini tashkil qiladi. Akmeologiyada tadqiqot obyekti yetuk shaxsdir. Akmeologiya fani yetuk inson rivojlanishida obyektiv va subyektiv omillarni, shaxsiy hayoti jarayonida yuksaklikka erishishini o'rganadi. Akmeologiya katta odamlarning barcha yosh davrlarida ijodiy yetuk mutaxassis bo'lib shakllanishi va o'z kasbiy akmesiga erishish yo'llarini o'rganishda insoniy qadriyatlarga tayanadi. Akmeologiya ijodiy yetuklik qonuniyatlari va odam akmesiga erishishi haqidagi fan sifatida psixologiya va uning asosiy yo'nalishlari bilan o'zaro bog'langan.

Fikrimizcha, akmeshaxs – bu aqlan va ruhan yetuk, yuksak iste'dod va salohiyatga ega bo'lgan, ma'naviy boy, axloqan pok, jismonan sog'lom, nafosatli, jamiyatda o'z-

ligini tanigan, mustaqil fikrlaydigan, erkin, ijodkor, tashabbuskor, ishbilarmon, fidoiy shaxs.

Yuqoridagi talablarni amalga oshirish uchun:

- shaxsni aqliy, ma'naviy-axloqiy, hissiy-estetik, jismoniy rivojlantirish;
- ijodiy imkoniyatlarini namoyon etishga yo'llash;
- insonparvarlik munosabatlarini shakllantirish;
- yosh xususiyatlarini hisobga olgan holda, shaxsning individual o'ziga xosligini namoyon etishga sharoit yaratish;
- fuqarolik nuqtayi nazarining shakllanishiga erishish;
- hayotga, mehnatga, ijtimoiy ijodkorlikka tayyorlash;
- o'z-o'zini boshqarish, demokratik tamoyillarni anglash, Vatani va xalq oldida o'z mas'uliyati, burchini his etish kabi mezonlar asos bo'lib xizmat qiladi. Shaxsni axloqiy tarbiyalashda, avvalo, jamiyat talabiga mos holda axloqiy tushunchalar, qoidalar, his-tuyg'ular, e'tiqod va xulqiga doir ko'nikmalar va malakalarni shakllantirish muhim vazifa sanaladi.




**Shaxsni shakllantirishga akmeologik yondashuv**

Navoiy asarlari orasida tasavvuf axloqiga doir bir mashhur qit'a borki, uning ichki — botiniy mazmuni alohida diqqatga sazovor:

Kamol et kasbkim, olam uyidin
Sanga farz o'lmag'ay g'amnok chiqmoq.
Jahondin notamom o'tmak biaynih
Erur hammomdin nopok chiqmoq [3, 56-57].

Bu she'rda, yuzaki qaraganda, gap dunyodan biror kasbning boshini tutmay o'tib ketish yaxshi emasligi haqida ketayotgandek ko'rinadi. Aslida esa u, yuqorida aytib o'tganimiz – tasavvuf axloqshunosligining "kamol" tushunchasi bilan bog'liq. Navoiy hazratlari bu dunyoga kelib, Alloh inson uchun yaratgan barcha fazilat va ezguliklarni o'ziga kasb qilib olmagan, yuqtirmagan kishi tiriklik olamidan boshi quyi solinganicha chiqib ketadi, chunki dunyodan notamom, ya'ni komillikka erishmay o'tish xuddi hammomga kirib, yuvinmay chiqib ketish bilan barobar, deydi. Demak, ulug' mutafakkirning fikriga ko'ra, har bir inson bu dunyoda Xudo unga atab ne'mat sifatida yaratgan fazilatlar egasi bo'lmog'i, komillikka intilmog'i zarur, ana o'shandagina u o'z insonlik burchini bajargan, inson degan nomni oqlagan bo'ladi.

Buyuk mutafakkir Alisher Navoiyning "Mahbub ul-qulub" [4] asari, ayniqsa, temuriylar davri axloqshunosligi taraqqiyotiga katta hissa qo'shdi. Uch qismdan iborat bu asarda nafaqat tasavvuf axloqshunosligi va axloqining, balki butun musulmon Sharqi axloq ilmining nazariy muammolari ko'tariladi. Shuningdek, u pandnoma sifatida ham diqqatga sazovor.

"Mahbub ul-qulub"da komil inson masalasi ham o'ziga xos tarzda o'rtaga tashlanadi. Navoiy naqshbandiya sulukining axloqiy talablaridan kelib chiqib, o'z zamonasi bilan hamnafas bo'la oladigan va doimo komillikka intilib yashaydigan insonni axloqiy namuna deb biladi.

Buyuk mutafakkirimizning hayot yo'li, kelajak avlodga qoldirgan yirik ma'naviy merosi, asarlarida ilgari surilgan ma'naviy sifatlar va hayoti davomida aytganlariga o'zi bevosita amal qilib yashab o'tganligi bilan ham komil inson qiyofasida gavdalanadi. Shu jihatdan Alisher Navoiyning o'zi akmeshaxsning yorqin namunasidir.

Xulosa qilib aytganda, Alisher Navoiy shaxsi, buyuk mutafakkirning ma’naviy qarashlarini o‘zida mujassamlashtirgan asarlar sifatida bo‘lajak boshlang‘ich sinf o‘qituvchilarini tarbiyalashga akmeologik yondashuvda muhim manba bo‘lib xizmat qiladi.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

*1. Ананьев С.Г. Человек как предмет познания СПб. 2001.*

*2. Деркач А.А. Акмеология: личностьи и профессиональные развитие человека: Методолого – прикладные основы акмеологического исследования. – М., 2000.*

*3. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. – Т.: Ёзувчи, К.1. 1996. – 272 б.*

*4. Навоий, Алишер. Маҳбуб-ул қулуб (Қалблар севгилиси). – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. – 111 б.*

*5. Кенжаева.Д.Т. Баркамол шахс тарбияси асослари. – Т.: Фан, 2010. – 67 б.*

*6. Кенжаева.Д.Т. Ways to use the national-spiritual heritage of Eastern thinkers in the development of independent thinking of preschool children. Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry (TOJQI) Volume 12, Issue 4, Month 2021: 54-60*

*7. Нишонова С. Комил инсон тарбияси. – Т.: Истиқлол, 2003. – 224 б.*

## “SHANXAY INDEKSI” ASOSIDA OLIY TA’LIM MUASSASALARINING AVTONOMIYA DARAJASI

**Jasurbek Azamov,**
Qo‘qon davlat pedagogika instituti
Milliy g‘oya, ma’naviyat asoslari va
huquq ta’limi kafedrasi v.b., dotsenti yu.f.d (PhD)

***Annotatsiya***

*Ushbu maqolada oliy ta’lim muassasalarining avtonomligi va mamlakatning innovatsion faoliyati o‘rtasidagi ijobiy bog‘liqlik ko‘rsatilgan. AQSh innovatsion faoliyati natijalari bo‘yicha Shanxay indeksida yetakchi bo‘lgani uchun bu jadvalga kiritilmagan va bu davlatdagi oliy ta’lim tizimining o‘ziga xos jihatlari tahlil qilinganda, innovatsion faoliyat sohasida yetakchilik qilishiga yordam bergan birqancha omillarni keltiriladi.*

***Kalit so‘zlar:*** *“Shanxay indeksi”, oliy ta’lim muassasalarining avtonomiya darajasi, oliy ta’lim muassasalari Vasiylik Kengashi, Akkreditatsiya, audit yoki baholash.*

***Аннотация***

*В данной статье показана положительная связь между автономией вузов и инновационной активностью страны. Поскольку США являются лидером в шанхайском индексе по уровню инновационной активности, они не включены в эту таблицу, а при анализе специфики системы высшего образования в этой стране приводятся следующие факторы, которые помогли ей стать лидером – лидер в области инновационной деятельности.*

***Ключевые слова:*** *«Шанхайский индекс», степень автономии вузов, попечительский совет вуза, аккредитация, аудит или оценка.*

***Annotation***

*This article shows a positive relationship between the autonomy of HEIs and the innovation activity of the country. Because the USA is the leader in the Shanghai index in terms of innovative activity, it is not included in this table, and when analyzing the specific aspects of the higher education system in this country, the following factors are given that helped it to be a leader in the field of innovative activity.*

***Keywords:*** *«Shanghai Index», degree of autonomy of HEIs, HEI Board of Trustees, Accreditation, audit or assessment.*

Jadvalda oliy ta’lim muassasalarining avtonomligi va mamlakatning innovatsion faoliyati o‘rtasidagi ijobiy bog‘liqlik ko‘rsatilgan. AQSh innovatsion faoliyati natijalari bo‘yicha Shanxay indeksida yetakchi bo‘lgani uchun bu jadvalga kiritilmagan va bu davlatdagi oliy ta’lim tizimining o‘ziga xos jihatlari tahlil qilinganda, innovatsion faoliyat sohasida yetakchilik qilishiga yordam bergan quyidagi omillarni keltiriladi:




**1-rasm. "Shanxay indeksi" asosida oliy ta'lim muassasalari ko'rsatkichlari.**

AQShda oliy ta'limning markazlashgan tizimi yo'q. Oliy ta'limni tartibga solishda Federal hukumatning roli juda cheklangan. Amerika Qo'shma Shtatlarida olimlar va o'qituvchilar Fransiya yoki Germaniyada bo'lgani kabi davlat idoralari xodimlari hisoblanmaydi. Davlat va xususiy oliy ta'lim muassasalarini qarorlari tashqi vakolatli organlar tomonidan tasdiqlanishi talab qilmaydigan Vasiylik Kengashi boshqaradi. Oliy ta'limni davlat tomonidan moliyalashtirilishining qisqartirilishi tadqiqotlar uchun ajratiladigan moliyalashtirish va muvaffaqiyatli o'qituvchilar uchun raqobatning kuchayishiga olib keldi. Oliy ta'lim muassasalari deyarli barcha sohalarda bir-biri bilan raqobatlashadi. Professor-o'qituvchilar tadqiqotlarga ajratiladigan federal grantlar uchun raqobatlashishsa, talabalar stipendiyalari yoki ilmiy tadqiqot stipendiyalar uchun raqobatlashadilar. Shunday qilib, muvaffaqiyatli bo'lishiga qaramay, Amerika universitetlari erishilgan yutuqlardan mag'rurlanib, xotirjamlikka berilmadilar, aksincha, mudom raqobat muhitida qoldilar va bularning barchasi oxir-oqibatda universitetlarni o'z moliyaviy resurslaridan yanada samarali foydalanishga olib keldi. [1] AQShda oliy ta'lim muassasalari diversifikatsiyasi ma'qullanadi va sanoat tarmoqlari o'rtasidagi yaqin hamkorlikka alohida e'tibor qaratiladi.

Shanxay indeksiga ko'ra, Buyuk Britaniya ham innovatsiyalar sohasida yetakchi o'rinlarni egallaydi. Buyuk Britaniya oliy ta'lim tizimining xususiyatlarini quyidagicha umumlashtirish mumkin:

– ayrim istisnolardan tashqari, har bir oliy ta'lim muassasalari Vasiylik Kengashi tomonidan boshqariladi, uning qarorlari davlat roziligini talab qilmaydi;

– AQSh dan farqli o'laroq, Buyuk Britaniyada oliy ta'lim muassasalarini moliyalashtirishning deyarli 70 foizi asosan oliy ta'limning davlat sektoriga ajratilgan. Shu bilan birga, oliy ta'lim muassasalari boshqaruv qarorlarini qabul qilishda avtonomiyaning yuqori darajasini saqlab qoladi;

– Buyuk Britaniyada aksariyat universitetlar xususiy bo'lishiga qaramay, ularning ba'zilari hukumatdan moliyaviy yordam olishi mumkin. Buni 2005-yilda hukumat mamlakat biznes tuzilmalari bilan yaqindan hamkorlik qilayotgan tijorat oliy ta'lim muassasalari sektorini rag'batlantirishga o'tgani bilan asoslash mumkin. [2]

Shanxay indeksida yuqori ko'rsatkichlarni namoyon qilgan Yaponiya va Janubiy Koreya davlatlarida oliy ta'lim muassasalari rivoji va ularning innovatsion faoliyat rivojlanishidagi natijalarini quyidagicha tahlil qilish mumkin:

– Janubiy Koreya xususiy sektorining oliy ta'lim muassasalarini sarmoyalashdagi ulushi 1970-yildagi 30 foizdan 2010-yilda 75 foizga oshganligi aniqlandi. Hozirgi kunda Yaponiyada xususiy sektorning oliy ta'lim muassasalarini moliyalashtirishdagi ulushi 74 foizni tashkil etadi. Bundan tashqari, Yaponiyada aksariyat oliy ta'lim muassasalari xususiy bo'lib, ularning faoliyati avtonomiya tamoyillariga asoslanadi.

– Yaponiyada xususiy oliy ta'lim muassasalari yuqori avtonomiyaga ega va hukumat ularning avtonomiyaga doir huquq, vakolat va majburiyatlarini aniq ishlab chiqishi borasida muhim qadamlar qo'yilmoqda.

– AQSh, Germaniya, Yaponiya va Frantsiya oliy ta'lim tizimining umumiy xususiyati shundaki, bu mam-

lakatlarda Oliy ta'lim bo'yicha Kengash yoki vazirlik mavjud emas. Boshqa mamlakatlarda bunday tuzilmalar, odatda, davlat tomonidan oliy ta'lim uchun ajratiladigan mablag'larni moliyaviy boshqarish uchun javob beradi [3]. Bundan tashqari, ko'pgina mamlakatlarda oliy ta'lim Kengashi bilan yaqin hamkorlikda ishlaydigan baholash yoki sifatni ta'minlash agentliklari mavjud. Demak, turli mamlakatlarda oliy ta'lim muassasalarining avtonomiyasi uning samarador faoliyati va raqobatbardoshligi uchun juda muhimdir, ammo bu mamlakatlarda innovatsion faoliyatni rivojlantirishni ta'minlash uchun yetarli emas. Innovatsiyalarga qulay muhit yaratish uchun ilm-fan va biznes tuzilmalari o'rtasidagi aloqani mustahkamlash, bilim talab qiladigan biznesni shakllantirishga ko'maklashish kerak.

Shuningdek, oliy ta'lim muassasalari faoliyatini baholashda, ularning boshqaruv samaradorligini, natijalarining o'sish ko'rsatkichlaridagi barqarorlikni aniqlashda xalqaro reytinglarda baholash bilan birga ichki va tashqi akreditatsiya jarayoni ham muhim mahamiyat kasb etadi. Akkreditatsiya deganda davlat yoki xususiy organlar tomonidan barcha ta'lim muassasasida oliy ta'lim sifatini baholash yoki ularning belgilangan minimal mezonlar va standartlarga muvofiqligini rasman aniqlash maqsadida muayyan ta'lim dasturi amalga oshiriladigan jarayon tushuniladi. Baholash deganda butun oliy ta'lim muassasalari yoki u tomonidan taqdim etilgan o'quv dasturlarining samaradorligi va unumdorligini aniqlash uchun sifat va miqdorga oid axborotlarni tizimli yig'ish tushuniladi. Audit – bu belgilangan maqsad yoki vazifalarning bajarilish darajasini aniqlash uchun ta'lim muassasasi yoki dastur ko'rsatkichlarini o'rganish jarayonidir [4].

Daromadi yuqori bo'lgan mamlakatlar ta'lim sifatni ta'minlashni uchta mexanizmidan foydalanadilar (akkreditatsiya, audit va baholash), o'rta va kam daromadli mamlakatlar esa, asosan, akkreditatsiya yoki audit bilan cheklanadi. Aksariyat mamlakatlarda oliy ta'lim muassasalarida ta'lim jarayonining sifatini ta'minlash maqsadida akkreditatsiya, audit yoki baholash majburiyati qonun bilan belgilanadi.

Xulosa qilganda, avtonom, moliyaviy resurslar uchun raqobatlashuvchi oliy ta'lim muassasalari faoliyati yanada samaraliroq bo'ladi va aynan avtonomiya, raqobat uyg'unligi oliy ta'lim muassasalarini yanada rivojlantiradi. Agar avtonomiya raqobatdan mahrum bo'lgan muhitda berilsa, oliy ta'lim muassasalari o'z faoliyatining umumiy ko'rsatkichlarini yaxshilashdan ko'ra avtonom maqomidan boshqa maqsadlarda foydalanadi. Shu bilan birga, agar ular yetarli darajada avtonomiyaga ega bo'lmasa, oliygohlar o'rtasidagi raqobatni rag'batlantirishdan foyda yo'q. Shunday qilib, hozirgi davrda oliy ta'lim muassasalarining avtonomiyasi – nafaqat oliy ta'limda boshqaruvni demokratlashtirishni rivojlantirishning ko'rsatkichi, shu bilan birga, oliy ta'lim tizimining raqobatbardoshligini oshirishning ob'ektiv sharti hamdir.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**


1. *Khoon, K. A., R. Shukor, O. Hassan, Z. Saleh, A. Hamzah, and R. Ismail. 2005. "Hallmark of a World-Class University." College Student Journal (December).*
2. *De Boer, H., Huisman, J., & Meister-Scheytt, C. (2010). Supervision in "modern" university governance: Boards under scrutiny. Studies in Higher Education, 35(3), 317-333.*
3. *Jons, H., Hoyler, M., 2013. Global geographies of higher education: the perspective of world university rankings. Geoforum 46, 45e59.*
4. *Ngok K.-L., Lee M.H. Localization of higher education and its social consequences in China 1993–2007 //Journal of Asian Public Policy, 2009. – 2:1. – pp.57-73*


# МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАШҒУЛОТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА МАСОФАЛИ ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ АҲАМИЯТИ


**Шоҳида Болтаева,**
Термиз давлат университети



***Аннотация***

*Ушбу мақолада олий таълим муассасаларида аудиториядан ташқари мустақил таълимни ташкиллаштиришда масофали ўқитиш технологияси, талабаларнинг адабиётлар билан ишлаши ҳамда замонавий ахборот коммуникацион технологияларининг аҳамияти ҳақида фикр юритилади. Олий таълим муассасаларида аудиторияда ва аудиториядан ташқари мустақил таълим жараёнларини ташкиллаштиришда интернет тизимида топшириқларнинг бериб борилиши, бажарилган топшириқларни мунтазам назорат қилиб бориш ўқитувчи ва талабаларнинг фаоллигини янада оширади.*

***Калит сўзлар:*** *мустақил, таълим, математика, гуманитар, интерактив, метод, технология, инновация, интернет, ахборот, масофали, ўқитиш, педагогика, билим, кўникма.*

***Аннотация***

*В данной статье рассматривается значение дистанционных технология обучения, работы студентов с литературой, современных информационно-коммуникационных технологий в организации самостоятельного обучения в высших учебных заведениях. В высших учебных заведениях при организации процессов самостоятельного обучения в аудитории и вне аудитории, выдаче заданий в системе Интернет, регулярном контроле за выполненными заданиями повышается активность преподавателей и студентов.*

***Ключевые слова:*** *самостоятельное, образование, математика, гуманитарный, интерактивный, метод, технология, инновация, интернет, информация, дистанционное, обучения, педагогика, знание, умение.*

***Annotation***

*This article discusses the importance of distance learning technologies, the work of students with literature, modern information and communication technologies in the organization of self-study in higher educational institutions. In higher educational institutions, when organizing self-study processes in the classroom and outside the classroom, issuing assignments on the Internet and regularly monitoring completed assignments, the activity of teachers and students increases.*

***Keywords:*** *independent, education, mathematics, humanitarian, interactive, method, technology, innovation, internet, information, distance learning, pedagogy, knowledge, skill.*

Мамлакатимизда олий таълим тизимини янги босқичга кўтариш, таълим сифатини илғор халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш ва олий таълим билан қамров даражасини ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, кенг кўламда амалга ошириш ишлари олиб борилмоқда. Таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, миллий ва халқаро меҳнат бозори талаблари даражасида рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда муносиб ҳисса қўшувчи, замонавий билим ва педагогик технологияларни қўллаш кўникмаларига эга бўлган, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ҳамда соҳага илғор таълим технологияларини жорий қилиш орқали таълим соҳасини янада такомиллаштириш борасида тизимли тадбирлар белгилаб берилди. “Математика ҳамма фанларга асос. Бу фанни яхши билган бола ақлли, кенг тафаккурли бўлиб ўсади, исталган соҳада муваффақиятли ишлаб кетади”, – деб бежиз таъкидламади. Ҳақиқатан ҳам, математика фани инсон ақлини чархлайди, диққатини ривожлантиради, кўзланган мақсадга эришиш учун қатъият ва иродани тарбиялайди, алгоритмик тарзда тартиб-интизомлиликка ўргатади ва энг муҳими мулоҳаза юритишга чорлаб, тафаккурни кенгайтиради [7, 61].

Олий таълим муассасаларининг гуманитар факультетларида математика ўқитиш методик тизимини такомиллаштиришда мустақил таълим жараёнларини замонавий илғор хорижий технологиялар асосида ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Талабаларнинг мустақил билим олишлари учун бу технологиялардан фойдаланиш дарс самарадорлигининг ошишига, талабаларни интилувчан, замон билан ҳамнафас кадр бўлиб етишишига хизмат қилади [10, 116].

Ҳозирги кунда таълим жараёнида интерактив методлар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқишга эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Анъанавий таълимда талабалар фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологиялар уларни эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб таҳлил қилишларига, ҳатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади. Ўқитувчи бу жараёнда шахсни ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билан бир қаторда, бошқарувчилик, йўналтирувчилик функциясини бажаради.

Математик тушунчалар мазмунини, қоидаларни ва усулларни онгли ўзлаштириш орқали фикрлаш маданиятини эгаллаш, ахборотларни тушуниш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш, мақсадни қўйиш ва унга эришиш йўлларини танлаш; оғзаки ва ёзма нутқини асослаган ҳолда ўз фикрларини мантиқан тўғри, аниқ ва рационал ифодалаш; математиканинг асосий усулларини, жумладан, математик таҳлил ва моделлаштириш, назарий ва экспериментал тадқиқотлар усулларини касбий фаолиятга қўллаш компетенцияларига эришишдир [12, 625].

Шунинг учун олий таълим муассасаларида малакали касб эгаларини тайёрлашда замонавий ўқитиш методлари – интерактив методлар, инновацион технологияларнинг ўрни ва роли катта. Педагогик технология ва педагогик маҳоратга оид билим, тажриба ва интерактив методлар ўқувчи-талабаларнинг билимли, етук малакага эга бўлишларини таъминлайди.

Педагогик технологиянинг энг асосий негизи – бу ўқитувчи ва талабанинг белгиланган мақсаддан кафолатланган натижада ҳамкорликда эришишлари учун танланган технологияларига боғлиқ, деб ҳи-

соблаймиз. Яъни ўқитиш жараёнида, мақсад бўйича кафолатланган натижага эришишда қўлланиладиган ҳар бир таълим технологияси ўқитувчи ва талаба ўртасида ҳамкорлик фаолиятини ташкил эта олса, ҳар иккаласи ижобий натижага эриша олса, ўқув жараёнида талабалар мустақил фикрлай олсалар, ижодий ишлай олсалар, излансалар, таҳлил эта олсалар, ўзлари хулоса қила олсалар, ўзларига, гуруҳга, гуруҳ ва уларга баҳо бера олса, ўқитувчи эса уларнинг бундай фаолиятлари учун имконият ва шароит ярата олса, ана шу ўқитиш жараёнининг асоси ҳисобланади. Ҳар бир дарс, мавзу ўқув предметининг ўзига хос технологияси бор, яъни ўқув жараёнидаги педагогик технология – бу якка тартибдаги жараён бўлиб, у талабанинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, бир мақсадга йўналтирилган, олдиндан лойиҳалаштирилган ва кафолатланган натижа беришига қаратилган педагогик жараёндир.

Ҳозирги пайтда масофали ўқитишда қўйидаги асосий услублар кенг қўлланилмоқда:

- ўқитувчи ва бошқа талабаларнинг минимал иштирокида (“Мен ўзим ўқийман – ўзини ўзи ўқитиш”) таълим ашёлари, воситалари билан талабага таъсир орқали ўқитиш методлари;

- битта талабани битта ўқитувчи ёки битта талабани бошқа талаба билан (“бирга-бир” ўқитиш) ўзаро муносабатига (телефондан, овозли почтадан, электрон почтадан, икки томонлама чатдан фойдаланиш) хос бўлган яккалаштирилган ўқитиш методлари;

- ўқитувчи ёки эксперт томонидан талабаларга ўқув материални тақдим этиш (аудио ёки видеокассеталарга ёзилган, радио ёки телевидениядан ўқиладиган маърузаларни қўллаш), уларни электрон маърузаларга (мақолалар ёки улардан цитаталар йиғиш, талабаларнинг мунозараларига тайёрланадиган ўқув материаллар билан), электрон симпозиумлар билан тўлдириш методлари;

- ўқув жараёнининг барча иштирокчилари орасида (нафақат ўқувчи ва ўқитувчи орасида, балки талабаларнинг ўзлари орасидаги ўзаро интерфаол таъсир) ўзаро фаол таъсир (“кўпчилик кўпчиликни” ўқитиш) характерига эга бўлган методлар.

Масофали ўқитиш курсларининг бир нечта технологиялари мавжуд бўлиб, уларга комплекс “кейс-технологиялар”, корреспондентлик таълими, телевизион ва сунъий йўлдош каналлари, мобил технология, компьютерли тармоқ технологиялари мисол бўла олади. Таҳлилларга кўра, бугунги кунда кейс технологияси асосида ўқитиш биринчи ўринни эгаллаб турибди. Шунингдек, таълим тизимига компьютерли тармоқ технологияси ҳам жадал кириб келди [8, 320].

Масофали ўқитиш курсларининг биз таъкидлаб ўтган ушбу турларининг ҳар бири ўзининг ютуқ ва камчиликларига эга. Лекин уларнинг ичида компьютерли тармоқ технологиялари асосида масофали ўқитиш тизимини ташкил этиш ўзининг катта имкониятлари билан алоҳида ажралиб туради. Унинг негизи – Internet глобал тармоғи демакдир. Ўқув жараёнига интернет ва бошқа ахборот технологиялари хизматларидан фойдаланиш, талабалар билан синхрон ёки асинхрон мулоқотларни ташкил этиш борасидаги кўникмаларни шакллантириш талаб этилади.

Тармоқ технологиялари асосида масофали ўқитиш курсларининг ташкил этилиши тингловчиларга комплекс ўқув-услубий материалларни етказиб бериш билан бирга, ўқув жараёнини бошқаришга, шунингдек, тьюторлар ҳамда тингловчилар орасида семинарлар, консультацияларни ўтказиш, тингловчилар билимини назорат этишнинг мониторингини ташкил этиш имконини беради [6, 176].

Шунингдек, олий таълим муассасаларида аудиторияда ва аудиториядан ташқари мустақил таълим жараёнларини ташкиллаштиришда интернет тизимида топшириқларнинг бериб борилиши, бажарилган топшириқларни мунтазам назорат қилиб бориш ўқитувчи ва талабаларнинг масъулиятини янада оширади. Шу билан бирга, талабалар билимини баҳолашда шаффофликка эришилади. Талаба мустақил таълим жараёнида тўплаган балларини онлайн кузатиб боради.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон шароитида масофали ўқитиш орқали таълим бериш катта самара беради, деб ўйлаймиз. Айниқса, ҳозирги кескин ривожланиш даврида ўқитишнинг бу туридан кенг миқёсда самарали фойдаланиш лозим. Бу билан талабаларнинг мунтазам равишда фан билан шуғулланишлари, бўш вақтларида ҳам илм билан машғул бўлишларига эришилади.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**


1. *Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни. www. lex. uz.*

2. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон қарори. www. lex. uz.*

3. *Ш.М. Мирзиёев 2020 йил 31 январда Олимлар ва ёшлар билан ўтказилган учрашуви.*

4. *Болтаева Ш.О. Профессиально-педагогическая направленность курса математики для гуманитарных факультетов педвуза. “Гуманитарный трактат” Научный журнал о гуманитарных нуках. ISSN 2500-1159. Выпуск № 61, стр. 52-59, Кемерово 2019 год.*

5. *Boltaeva Sh.O. Skillfully activating the educational activities of students by pedagogue. ACADEMICIA An International*

*Multidisciplinary Research Journal ISSN(online): 2249-7137, 4 April, 2020 yil.*

6. *Boltaeva Sh.O, Bakhriddinova Y.B Lectures For Humanitarian Faculty Students And Its Effective Conduct The American Journal of Social Sciense and Edication Innovations ISSN-2689-100x, pages 174-179, 2020 y.*

7. *Болтаева Ш.О Педагогнинг ўқув жараёнини моҳирона фаоллаштириши "Таълим ва инновацион тадқиқотлар"илмий журнал ISSN 2181-1709 (P), саҳ.60-63, Бухоро 2021 йил.*

8. *Болтаева Ш.О, Бахриддинова Ю.Б. Гуманитар факультет талабалари учун маъруза дарслари ва уни самарали ўтказиш. UzACADEMIA ilmiy-uslubiy jurnali ISSN (E)-2181-1334, 1-jild, sah.: 297-330 Avgust 2020 yil.*

9. *Болтаева Ш.О. "Математик таълимни ривожлантириш ва ўқитиш истиқболининг муҳим масалалари" Педагогика ва психологияда инновациялар, 7 сон, 3 жилд, Тошкент -2020.*

10. *Болтаева Ш.О. "Замонавий ўқитувчи қандай бўлмоғи керак?" Uzluksiz ta'lim" ilmiy-uslubiy jurnal, Toshkent-2021*

11. *Boltaeva Sh.O. "The effectiveness of teaching mathematics to students of humanities" Education and science of today: intersectoral issues and development of sciences. DOI 10.36074//logos 20.05.2022.073, Cambridge, GBR, 2022 y.*

12. *Болтаева Ш.О. "Математик компетенцияларни ривожлантириш" SCIENCE AND INNOVATION халқаро илмий журнали // ISSN: 2181-3337. Тошкент, 2022. –№ 4. –Б. 624-630.*

# ЎҚУВ ФАОЛИЯТИДА ШАХСНИНГ ЎЗ-ЎЗИНИ РИВОЖЛАНТИРИШИ

**Шокиржон Холматов,**
ЎзДЖТУ немис тили амалий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси

***Аннотация***

*Ушбу мақолада биз ўқув фаолиятида шахснинг ўз-ўзини ривожлантириши ва талабаларнинг мустақил таълим олиши аҳамияти тўғрисида сўз юритамиз. Бунда биз кредит-модуль тизимидаги олий таълим муассасалари ўқув жараёнига ҳам тўхталиб ўтамиз.*

***Калит сўзлар:*** *Кредит-модуль тизими, мустақил таълим олиш, ўз-ўзини ривожлантириш, педагогик жараён, ўқув материали, талаба.*

***Аннотация***

*В данной статье мы поговорим о важности саморазвития и самостоятельного обучения студентов в учебной деятельности. При этом остановимся на учебном процессе высших учебных заведений по кредитно-модульной системе.*

***Ключевые слова:*** *Кредитно-модульная система, самостоятельное обучение, саморазвитие, педагогический процесс, учебный материал, студент.*

***Annotation***

*In this article we will talk about the importance of self-development and independent learning of students in educational activities. At the same time, we will focus on the educational process of higher educational institutions according to the credit-modular system.*

***Keywords:*** *Credit-modular system, Self-study, self-development, pedagogical process, educational material, student.*

Ўқув фаолиятида шахснинг ўз-ўзини ривожлантиришига салоҳияти нуқтаи назаридан эркинликни "тўсиқларни бартараф этишнинг ривожланган усули" сифатида ажратиб кўрсатган Э.В.Ильенковнинг фикрларига қўшиламиз. У агар инсон фаолият турини танлашда ("қолип" га кўра эмас, балки ўзига нисбатан) ҳамда фаоллик кўрсата олсагина, ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида ўз-ўзини ривожлантириши мумкин деб ҳисоблайди [13, 413].

Шахснинг ўз-ўзини ривожлантиришидаги эркинлик роли тўғрисида сўз юритганда XX асрнинг йирик ғарб мутафаккирларидан бири Э.Фроммнинг ёндашувига мурожаат қиламиз. У эркинликнинг икки ёқлама маъносини ажратиб кўрсатган, биринчиси – шахсни чекланганликка ва бегоналишишга олиб борувчи бошқа кишиларга тобеликдан эркинлик. Бундай эркинлик инсонни қашшоқлаштиради, уни заифлаштиради. Иккинчи маъно ижобий эркинлик бўлиб, бу "шахснинг салоҳиятларини тўла амалга ошишини англатади, унга фаол яшаш имконини беради..." [11, 77].

М. Бубер, ўз-ўзини ривожлантириши учун ўқитувчи ва шогирд ўртасидаги мунозара мазмунига шахсли маъно касб этадиган "Мен – Сен " шаклланган

муносабатлар тизимининг аҳамияти тўғрисида сўз юритганда айнан шундай эркинликни кўзда тутган эди [ 5, 49].

Ушбу йўналишдаги аниқ йўл “эркинлик педагогикаси”га ўтиш билан боғлиқ бўлиб, бунда ўқиш эркинлиги ҳамда ўзини эркин ижобий намоён этиш эркинлиги бирлашади. О.С.Газман таъкидлаганидек, эркинлик педагогикаси инсон ўз-ўзини яратишини, педагогика эса ижтимоий орзу-умидлардан келиб чиққан ҳолда, шахснинг шаклланиши учун фақат шароит яратишинигина кўзда тутади. Педагог ўз ролини эркин танлов шароитларида ўз шаклланиши вазифасини мустақил ҳал қилувчи шахс билан ҳамкорликда кўради [6,57].

Фикримизча, бу ёндошув шахсга ва унинг ўз-ўзини ривожлантиришга ишонч нуқтаи назарини ҳимоя қилади.

Шахснинг ўз-ўзини ривожлантиришига ҳақиқий қизиқиш, умуман, Россия педагогик анъаналарига хос бўлиб, бу, айниқса, XX асрнинг бошларида ёрқин намоён бўлди. Айнан шу даврда таълим жараёни шахснинг ўз-ўзини долзарблаштириши, ўз-ўзини белгилаши ҳамда ўз-ўзини ривожлантириши сингари асосий инсонпарвар қадриятларда яратилган.

1900 йили ўша даврнинг машҳур педагоги Ю.Айхенвальд томонидан мактабни олий қадрият сифатидаги инсонга буриш вазифаси қўйилган. Талабаларнинг шахсий мойилликларини аниқлашга ҳамда шахсга йўналтирилган таълим шароитларида уларнинг ўз-ўзини ривожлантиришига катта эътибор қаратилган. Умуман, қуйидаги ҳолатларни ўз ичига олган инсонпарвар парадигманинг ғоявий-назарий маркази шакллантирилган:

– талаба педагогик фаолиятни олий қадрият деб эътироф этиши;

– таълим талабанинг ўз-ўзини ривожлантириши ва ўзини намоён этишига йўналтирилганлиги;

– талабалар шахсининг мустақил таълим олиш фаолиятга киритилганлиги;

– талабаларнинг эркин ривожланишини таъминловчи шароитларни яратиш ва амалга жорий қилиш [4, 65].

Шундай қилиб, ўзига қадрли шахс, ўз ривожланиш мантиқига эга талаба шахси педагогик жараённинг негизи деб эътироф этилган, талабанинг ўрганиш фаолиятига алоҳида шароитлар яратиш эса қондирувчи натижаларга эга бўлиш учун ютуқларни жадал ўзи тафаккур қилишга, онгли тарзда мақсадли таҳлил қилишга имкон яратади, бу шахснинг ўз-ўзини ривожлантиришига туртки беради.

Мамлакатимиз педагоглари (Ш.А.Абдуллаева, К.А.Абульханова-Славская, Н.Н.Азизходжаева, В.И.Андриянова, А.Я.Арет, Р.Ш.Ахлидинов, У.И.Иноятов, Ш.Э.Курбанов, Х.Ф.Рашидов, Л.И.Рувинский, Э.А.Сейтхалилов, У.К.Толипов, Н.Шодиев, Ғ.Шоумаров, Г.Баходирова, Ф.Р.Юзликаев ва бошқалар) ўқув жараёнига фаолиятли тус беришга, талабаларнинг мустақил билим олишларига эътибор қаратганлар.

Таълим ташкилотлари таълимни ўз-ўзини ўқитиш ва ўз-ўзини ривожлантириш асосига қўйгандагина, энг тўла таъсирга эга бўлади деган ёндашувга қаттиқ ишонган П.Ф.Каптерев ўз қарашларини тўлиқроқ баён қилган. Инсоннинг шахсий ирсиятини ҳисобга олган ҳолда, ўз-ўзини ривожлантириши тўғрисидаги ғоя П.Ф.Каптеревнинг асарларидаги етакчи ғоялариден биридир. У инсон организми ва атроф-муҳитнинг ўзаро ҳаракати туфайли ўз-ўзини тарбиялайди деган хулосага келган. Олим инсоннинг асосий хусусияти – ташаббускорликни эътироф этган ҳолда, ўқитиш ва тарбия жараёнида ўз-ўзини ривожлантиришга белгиловчи роль деб қарайди: “Инсон ўз-ўзини ривожлантириш жараёнида яратилган мавжудотдир...” [9, 301]. Тадқиқотчи жамиятга педагогик жараён ҳам ўз ибтидосини бошлайдиган инсонни ўз-ўзини ривожлантириш сабаби сифатида қараган.

П.Ф.Каптерев педагогик жараён бу шахснинг мақсадга йўналтирилган ўз-ўзини такомиллаштириш ва организмнинг ўз-ўзини ривожлантириш жараёнидир. Шу аснода педагогнинг вазифаси талабанинг ўз-ўзини ривожлантиришини тўғрилаб туриш, такомиллашувида ёрдам беришдан иборат эканлиги тўғрисидаги фикрни илгари сурган. Такомиллаштириш жараёни табиий ривожланиш йўлидаги ғовларни бартараф этиш; мавжуд салоҳиятларни ривожлантиришда кўмаклашиш, нуқсонларни батратараф этиш ҳамда қимматли хусусиятларни такомиллаштиришдан иборатдир.

Инсоннинг ўз-ўзини ривожлантириши фаолиятдан ташқарида кетиши мумкин эмас, шу боис П.Ф.Каптерев талабаларни ўрганиш фаолиятга киритаётганда ундаги ўзликни, ички фаолликни, ташаббускорликни уйғотиш борасида сўз юритган.

Ўз-ўзини ривожлантириш ғояси эркинлик – инсонпарварлик йўналишида ҳам ўз аксини топган (В.Буткевич, К.Н.Вентцель, С.И.Дурылин ва бошқалар).

Ўз-ўзини ривожлантириш мазмунини К.Н.Вентцель ўзини энг тўла намоён этишда кўрган. Шу аснода талабанинг ривожи унинг мустақил ўрганиши ва ижодиёти маҳсули бўлиши лозим. Бунинг натижасида унга ўз шахсий мақсадини белгилаш ҳамда унга онгли тарзда эришишга келиш имконияти берилиши зарур. Педагогнинг фикрига кўра, талаба унинг шахсияти билан белгиланувчи қонунлар бўйича ривожланади ва демак, барча тизим учун ягона тарбия бўлиши мумкин эмас, тарбиячи ҳар бир шахсга ўзини намоён этишга кўмаклашадиган ўзига хос бетакрор тизимни топишга интилиши лозим [7, 52].

Бу фикрни давом эттирган ҳолда, шуни таъкидлаш мумкинки, агар шахс мақсадга йўналтирилган ўзини ўзгартириш заруратини англаса, шу аснода фаолият жараёнидаги режалаштириш, ўз-ўзини бошқариш ва ҳоказо ҳаракатларини амалга оширса, ўз-ўзини ривожлантиришнинг имкони бор, яъни алоҳида шароитлардаги ўқув фаолияти талабани ўз-ўзини ривожлантириш катализатори сифатида намоён бўлиши мумкин, талаба буни бажарган ҳолда ўз-ўзини ривожлантиришни амалга оширади.

Бизнинг замонимизда ўз-ўзини ривожлантириш муаммоси тўғрисида сўз юритганда замонавий таълимдаги инқирозли ҳолатга эътибор қаратиш зарур.

Таълимдаги вазиятни таҳлил қилган кўплаб олимлар турли соҳаларда инқироз юзага келаётганини эътироф этмоқдалар, масалан:

– замонавий оламда инсоннинг тикланиши ва мавжудлиги билан боғлиқ "инсон таълими" (Ю.В.Сенько);

– таълимда маданият танқислиги (В.Л.Зинченко) яқин вақтларгача инсон таълими маданият мазмунидан ташқарида юз берган, инсон маданият субъекти эмас эди. Таълим маданиятга эмас, балки "педагогик жараёнга киритилган ижтимоий тажрибага" йўналтирилган эди.

Ушбу ва бошқа вазиятларнинг намоён бўлиши таълимнинг издан чиқишига олиб келади. Бунинг оқибатида ўқитиш "қиёфасиз жараён"га айланди (СВ. Кульневич), яъни шахсдан ташқарида мавжуд бўлган талаба қиёфаси яратилди. Бу талаба ривожланишининг ички манбайи йўқолишига олиб келди. У боис таълим "ижодкорларни эмас балки, бегона ижрочиларни" тайёрлай бошлади. [6, 14].

Бу ҳолатлар талаба шахсига юз буришни кўзда тутувчи таълим жараёнининг бошқача босқичига ўтиш заруратини долзарблаштирмоқда. Шунга мувофиқ ўқув фаолиятини ўз-ўзини ривожлантириш, мустақил таълим олиш учун шароитлар яратишга йўналтириш зарур.

Бу нуқтаи назардан ўқув фаолиятининг асосий мақсадларидан бири касбий тикланиш ва ўз ҳаёт фаолияти субъекти сифатидаги талабанинг ўз-ўзини ривожлантириши бўлиб, у талабада ўқув ҳамда фаолиятнинг бошқа турлари ўз-ўзини ташкил этувчи субъекти сифатларини: танловга фаолликни, мустақилликни, онглилик, салоҳиятни кўзда тутади. Ўз фаолиятининг мақсадлари ва вазифаларини англаш ҳамда қабул қилишда намоён бўлувчи субъективлик кўриниши, қийинчиликларни бартараф этишда фаолликнинг намоён бўлиши кенгайиб бораётган ақлий ва касбий имкониятлар ва ҳоказолардан қониқишни ҳис қилишни талаба шахси ўз-ўзини ривожлантириш кўрсаткичи сифатида қараш мумкин.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**


1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.10.2019 й. "Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида" ПФ-5847 Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси 2019 йил 9 октябрь. www.lex.uz.*
2. *Вазирлар Маҳкамасининг "Олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ тизимни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 824-сон қарори. 31.12.2020*
3. *Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнига кредит-модуль тизимини жорий этиш тартиби тўғрисида низом. 31.12.2020*
4. *Айхенвальд Ю. И. Силуэты русских писателей/ Ю. Айхенвальд. – М.: «Республика», 1994.*
5. *Бубер Мартин. Я и ты. – М.: Высшая школа, 1993. – 42 с.*
6. *Беспалько В. П. Теория учебника: Дидактический аспект. – М., 1988. – 102, с.*
7. *Вентцель К. Н. Теория свободного воспитания и идеальный детский сад. – Изд. 4-е, вновь испр. и доп. – М. ; Пб. : Голос труда, 1923. – 160, с.*
8. *Газман О.С. Неклассическое воспитание. От авторитарной педагогики к педагогике свободы. – М.: МИРОС, 2002. – 296 с.*
9. *Каптерев П.Ф. Избранные педагогические произведения. – М.: Педагогика. 1982. – 704 с.*
10. *Усмонов Б., Хабибуллаев Р. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. – Т., 2020 й.*
11. *Фромм Эрих. Бегство от свободы. АСТ. 2017. – 257 с.*

*https://www.livelib.ru/author/180178/top-erih-fromm*

12. *Ўринов В. Ўзбекистон Республикаси олий taълим муассасаларида ECTS кредит-тодуль тизими: Асосий тушунчалар ва қоидалар.Қўлланма. 2020 й.*
13. *Ильенков Э.В. К вопросу о природе мышления (на материалах анализа немецкой классической диалектики). Диссертация на соискание ученой степени доктора философских наук. Москва, 1968.*



ISSN 2181-8274

# BOSHLANG'ICH SINF O'QITUVCHILARINI AKTDAN FOYDALANISH ASOSIDA KASBIY FAOLIYATNI RIVOJLANTIRISHNING PEDAGOGIK AHAMIYATI

**Gulnoza Berdiyeva,**
Shahrisabz davlat Pedagogika institutining o'qituvchisi

***Annotatsiya***

*Talabalar uchun ham AKTning foydali tomonlari juda ko'p. AKT o'quv dasturini o'rganishda talabalarga maksimal ta'sir ko'rsatish uchun ishlatilishi mumkin. AKT talabalarning kurs ishlarida muvaffaqiyatini oshirishga undaydi. AKTda barcha o'quvchilarni o'zlarining noyob intellektual salohiyatini rivojlantirishga va raqamli jamiyatning samarali a'zolari sifatida faoliyat yuritishga imkon beradigan umrbod ta'lim imkoniyatlarini taqdim etish uchun turli ko'nikmalar qo'llaniladi.*

*Maqolada ham boshlang'ich sinf o'qituvchilarining AKTdan foydalangan holda, kasbiy faoliyatini rivojlantirishda pedagogik xususiyatlari mulohaza qilingan.*

***Kalit so'zlar:*** *AKT, kurs ishi, intellekt, salohiyat, ilmiy faoliyat.*

***Аннотация***

*Есть преимущества ИКТ для студента, а также. ИКТ можно использовать для максимального воздействия на учащихся при изучении учебной программы. ИКТ поощряют успехи учащихся в курсовой работе. ИКТ использует ряд навыков для предоставления возможностей обучения на протяжении всей жизни, которые позволяют всем учащимся развивать свой уникальный интеллектуальный потенциал и функционировать в качестве продуктивных членов цифрового общества.*

*В статье рассмотрены педагогические особенности развития профессиональной деятельности учителей начальных классов с использованием ИКТ.*

***Ключевые слова:*** *ИКТ, курсовая работа, интеллект, потенциал, научная деятельность.*

***Annotation***

*There are benefits of ICT for the student as well. ICT can be used for maximum impact on students in learning the curriculum. ICT encourages student success in coursework. ICT uses a range of skills to provide lifelong learning opportunities that enable all learners to develop their unique intellectual potential and function as productive members of a digital society.*

*Pedagogical features in the development of the professional activity of primary school teachers using ICT were discussed in the article.*

***Keywords:*** *ICT, term paper, intelligence, potential, scientific activity.*

Boshlang'ich maktablarda AKT bilan bog'liq tadbirlar o'quvchilarda yuqori darajadagi qiziqish, motivatsiya va zavqlanishni keltirib chiqaradi. Talabalar o'z bilimlari uchun shaxsiy javobgarlikni o'z zimmalariga oladilar. AKT o'quv dasturlari o'rniga talabalarning umumiy rivojlanishini oshiradi. Talabalar umumiy topshiriqlar ustida juftlik yoki guruhlarda ishlashda hamkorlik qiladilar. Talabalar o'z javoblari bo'yicha darhol fikr-mulohazalarini olishlari, bir xil tushunchaning bir nechta ko'rinishlarini kuzatishlari va ushbu konsepsiya bilan o'zaro ta'sirini kuchaytirishlari mumkin. Talabalar o'rganayotgan ko'plab tushunchalar kompyuter o'yinlari, boshqotirmalar shaklida taqdim etiladi. Ammo aslida ular kelajakda foydali bo'lgan muhim ta'lim tushunchalarini o'rganishmoqda. Ushbu shaxsiylashtirilgan o'quv muhiti tufayli boshlang'ich maktablar paydo bo'ladi. Sinflarida kompyuterlar mavjud bo'lgan boshlang'ich sinf o'quvchilari erta yoshda texnologik dunyoning turli tomonlarini o'rganadilar. Bu ularga qarigan sari kompyuter bilan bog'liq bo'lgan ilg'or tushunchalar bilan qulay bo'lish imkonini beradi. Boshlang'ich maktab o'quvchilari matematik ma'lumotlardan foydalangan holda, grafiklar yaratishlari mumkin. Internetdan foydalanib, boshlang'ich maktab o'quvchilari buyuk san'atning fotosuratlariga kirishlari, muhim yozuvlarga kirishlari mumkin. Ular internet orqali butun dunyo bilan bog'lanadi.

O'zbekiston Respublikasining "Ta'lim to'g'risida"gi Qonuni va "Kadrlar tayyorlash milliy dasturi" yuksak umumiy madaniyatga, kasb-hunar ko'nikmalariga, ijodiy va ijtimoiy faollikka, mantiqiy mushohada qilish hamda ijtimoiy hayotdagi muammolaming oqilona yechimlarini topish mahoratiga ega bo'lgan, istiqboldagi vazifalarni odilona baholay oladigan kadrlar yangi avlodini shakllantirish, shuningdek, har tomonlama barkamol, ta'lim va kasb-hunar dasturlarini ongli ravishda mukammal o'zlashtirgan, mas'uliyatli fuqarolarni tarbiyalashni nazarda tutgan pedagogik g'oyani ilgari suradi [1, 51].

T.S. Nazarovaning qayd etishicha, pedagogik texnologiya 70- yillarning boshlarida AQShda yuzaga kelgan bo'lib, uning asoschilari taniqli olimlar B.Blum, D.Kratvol, N.Gronlund, J.Kerrol, J.Blok, L.Anderson va boshqalardir [2, 10].

Shunday qilib, AKTdan foydalanishning afzalliklarini ikki guruhga bo'lish mumkin: texnik va didaktik.

1. Texnik afzalliklari – tezlik, manevrlik, samaradorlik, fragmentlarni ko‘rish va tinglash qobiliyati va boshqa multimedia funktsiyalari.

2. Interfaol darslarning didaktik afzalliklari – mavjudlik effektini yaratish (“Men buni ko‘rdim!”), O‘quvchilarda haqiqiylik hissi, voqealar haqiqati, qiziqish, ko‘proq o‘rganish va ko‘rish, ishtirok etish istagi paydo bo‘ladi.

AKTning imkoniyatlari kengdir. Boshlang‘ich sinf o‘qituvchilari amaliyotiga AKTni joriy etish quyidagi yo‘nalishlarda amalga oshiriladi:

- multimedia kurslari
- Mantiqiy o‘yinlar
- Sinovlar, simulyatorlar
- Internet resurslari
- Elektron ensiklopediyalar
- Dars uchun taqdimot (darsning turli bosqichlarida foydalanish mumkin).

AKT imkoniyatlari:

– didaktik materiallarni yaratish va tayyorlash (topshiriq variantlari, jadvallar, diagrammalar, chizmalar, jadvallar va boshqalar);

– ta’lim va ta’lim natijalarini kuzatish uchun monitoring yaratish;

– matnli asarlar yaratish;

– elektron shaklda uslubiy tajribani umumlashtirish.

Zamonaviy darsni AKTdan foydalanmasdan tasavvur qilish qiyin. AKTdan darsning istalgan bosqichida foydalanish mumkin. Jumladan:

dars mavzusini ko‘rsatish;

dars boshida o‘rganilayotgan mavzu bo‘yicha savollar yordamida muammoli vaziyat yaratish;

o‘qituvchining tushuntirishiga qo‘shimcha sifatida (taqdimotlar, formulalar, sxemalar, chizmalar, videoroliklar va boshqalar);

talabalarni nazorat qilish kabi masalalarda samaralidir.

Boshlang‘ich maktabda turli darslarda AKTdan foydalanish o‘quvchilarning atrofdagi dunyoning axborot oqimlarida harakat qilish qobiliyatini rivojlantirishga imkon beradi; axborot bilan ishlashning amaliy usullarini egallash; zamonaviy texnik vositalardan foydalangan holda, axborot almashish imkonini beruvchi malakalarni shakllantirish mumkin bo‘ladi.

Kompyuter texnologiyalaridan foydalangan holda o‘tilgan darslar ularni yanada qiziqarli, o‘ychan va mobil qiladi. Deyarli har qanday material ishlatiladi, dars uchun ko‘plab ensiklopediyalar, reproduktsiyalar, audio hamrohliklarni tayyorlashning hojati yo‘q, chunki bularning barchasi oldindan tayyorlangan va kichik kompakt diskda mavjud.

AKTdan foydalanib dars o‘tish, ayniqsa, boshlang‘ich maktabda dolzarbdir. 1-4-sinf o‘quvchilari vizual-majoziy fikrlashga ega, shuning uchun o‘z ta’limini imkon qadar yuqori sifatli tasviriy materiallardan foydalanib, nafaqat ko‘rishni, balki eshitish, his-tuyg‘ularni va tasavvurni ham jalb qilish juda muhimdir. Bu yerda, aytmoqchi, bizda kompyuter slaydlari, animatsiyalarning yorqinligi va o‘yin-kulgilari mavjud.

Boshlang‘ich sinflarda turli darslarda AKTdan foydalanish o‘qitishning tushuntirishli tasvirlangan usulidan faollikka o‘tish imkonini beradi. Bunda, bola o‘quv faoliyatining faol sub’ektiga aylanadi. Bu talabalar tomonidan bilimlarni ongli ravishda o‘zlashtirishga yordam beradi.

Ta’lim muassasalarida ta’lim jarayoni sifatini ko‘rsatib beruvchi ilg‘or, har tomonlama ilmiy-metodik jihatdan asoslab berilgan uslublarning – yangi pedagogik texnologiyalarning maqsadi Respublikamizning ta’lim muassasalarida faoliyat ko‘rsatayotgan yosh pedagog kadrlarga zamonaviy pedagogik texnologiyalarni o‘rgatish, pedagogika va psixologiya fanlariga oid bilimlarini yanada mustahkamlash va olgan bilimlarini o‘quv-tarbiya jarayonida qo‘llay olishga o‘rgatish, shuningdek, ularga pedagogik mahorat sirlarini ochib berishdan iborat [4, 3].

O‘qituvchi uchun AKTning ahamiyati katta. O‘qituvchilar AKTdan ta’lim va o‘quv jarayoni sifatini oshirish uchun foydalanishlari mumkin. Ma’lumki, har bir o‘qituvchi ham o‘z fanidan dolzarb va to‘liq ma’lumot berishga qodir emas. AKT turli xil axborot manbalariga kirishni ta’minlash orqali bu bo‘shliqni to‘ldirishi mumkin. Shuningdek, u turli misollar bilan turli formatlarda to‘g‘ri ma’lumot beradi. AKTdan foydalangan holda, o‘qituvchilar talabalarning yuqori, ammo realistik umidlarini qondirishlari mumkin. Ular AKTning kundalik hayotdagi ahamiyatini tushuntirishga g‘amxo‘rlik qilishlari mumkin. O‘qituvchilar AKT orqali o‘rganishni turli o‘quv dasturlari sohalarida qo‘llash orqali keng miqyosda targ‘ib qilishlari mumkin. O‘qituvchilar katta hajmdan foydalangan holda, butun sinf uchun turli xil o‘qitish usullaridan foydalanishlari mumkin. Elektron ekran qurilmasi bilan o‘quv dasturlari sohalari va fanlari doirasida diagnostika, o‘rganishni qo‘llab-quvvatlash, mustahkamlash va kengaytirish vazifalarini taklif qiladigan individual talabaning ehtiyojlarini samarali qondirish uchun AKTga asoslangan materiallarni loyihalashlari yoki samarali o‘qitish uchun tijorat dasturiy ta’minotidan foydalanishda qo‘llashlari mumkin. Shuningdek, ular samarali o‘qitish uchun taqdimot yaratishlari mumkin. O‘qituvchilar so‘zni qayta ishlash dasturlaridan krossvordlar yoki so‘zlarni qidirish uchun foydalanishlari mumkin. Ular muhim tushunchalarni o‘rgatish uchun o‘quv video o‘yinlari va kompyuter dasturlaridan foydalana oladilar. Shuningdek, ular bolalarning davomatini oshirish uchun maxsus kasbiy mavzularni o‘z ichiga olishi mumkin. O‘qituvchilar avtomatik ravishda baholanadigan onlayn testlar va topshiriqlarni o‘rnatishi mumkin, bu esa tuzatishda ko‘p vaqtni tejaydi. Shundan so‘ng ular AKTdan foydalangan holda, natijani yaratishi mumkin. Shuningdek, ular talabalarga, ayniqsa V-VII standartlari talabalariga topshiriqlarga

kirishlari uchun veb-saytlar va onlayn portallarni o'rnatishlari mumkin. Umuman olganda, shuni aytish joizki, AKT kontentni taqdim etishda turli xillikni ta'minlaydi, bu esa o'quvchilarga diqqatni jamlashga, yaxshiroq tushunishga va boshqa hollarda mumkin bo'lmagan ma'lumotlarni uzoq vaqt saqlashga yordam beradi. Shuningdek, u o'quv jarayoni va talabalarni o'qishga ijobiy munosabatda bo'lishga undaydi.

Xulosa qilib aytsak, bugungi axborot davri kengayish jarayonida, shuning uchun maktab o'quv dasturida juda ko'p ma'lumotlar boyitilishi kerak. Asosiy tushuncha, shuningdek, yangi g'oyalar, innovatsiyalar, fikrlar va tadqiqot bilan bog'liq ma'lumotlar qulay shaklda yetkazilishi lozim. Bular orasida biz qaysi ma'lumotlarning asosiy bilimga asoslangan va qisqa bilimga asoslanganligini izlashimiz kerak. Talabani barcha ma'lumotlarni olishga majburlash, aksincha, talaba barcha bilim va ko'nikmalarni o'zi olishi kerak. AKTga asoslangan ta'lim boshlang'ich maktablarda o'z-o'zini o'rganish uchun muhim rol o'ynaydi. O'qituvchi tomonidan AKTdan unumli foydalanilsa, o'quv jarayoni sifati sezilarli darajada oshadi. Bu talabalarning haqiqiy umidlarini ham qondiradi. Umuman olganda, agar AKT boshlang'ich maktabda qo'llanilsa, bu o'qituvchilar, talabalar va ma'muriyat uchun foydali bo'ladi. Bu vaqtni, xarajatlarni va ishni kamaytiradi. O'zbekiston Respublikasi mustaqillikka erishgandan buyon ulkan islohotlar va taraqqiyot bosqichini bosib o'tdi. Ushbu taraqqiyot va bunyodkorlik yo'lida barkamol avlodning o'rni juda katta. Mamlakatimiz taraqqiyotining asosi ta'lim tizimining sifati va mukammalligi bilan bog'liq. Shu bois ta'lim sohasini tubdan isloh qilish, rivojlangan demokratik davlatlar darajasida, yuksak ma'naviy va axloqiy talablarga javob beruvchi yuqori malakali kadrlar tayyorlash milliy tizimini yaratishdan dolzarbdir.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**


1. *X. Ibragimov, Sh. Abdullayeva. Pedagogika nazariyasi (darslik). –T.: "Fan va texnologiya", 2008. – 288 b.*
2. *Т.С. Назарова. Педагогическая технология: новый этап эволюции. –Т., 1999. 199 б.*
3. *Zikiryayev A., Azimov I., Yo'ldoshev R. O'quvchilar bilimini tekshirishda innovatsion texnologiyalar. "Xalq ta'limi", 2001 y. №6, 98 b.*
4. *Shokirova H. Ta'limda innovatsion texnologiyalarning o'rni. Qo'llanma. –T.: Yangi asr avlodi, 2013. – 200 b.*


# БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ТАНҚИДИЙ ФИКРЛАШ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ


**Раҳмон Қодиров,**
Сурхондарё вилояти педагогларини
янги методикаларга ўргатиш миллий маркази



***Аннотация***

*Мақолада бошланғич синф ўқувчиларининг танқидий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш масалалари баён этилган. Дарсларда ўқувчиларда танқидий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш учун ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятининг натижаси дидактик жараённинг мақсади, ўқув материалининг мазмуни, ўқитиш шакл, метод ва воситаларининг тўғри ва оқилона белгиланганлиги ҳамда танланганлигига боғлиқлиги таҳлил этилган.*

***Калит сўзлар:*** *танқидий фикрлаш, ўқувчи фаолияти, ўқув материалининг мазмуни, ўқитиш шакли, методлари.*

***Аннотация***

*В статье рассматривается развитие навыков критического мышления у младших школьников. На уроках анализируются результаты деятельности учителя и учащихся по развитию у учащихся навыков критического мышления, цель дидактического процесса, содержание учебных материалов, правильное и рациональное определение и выбор форм, методов и средств обучения.*

***Ключевые слова:*** *критическое мышление, деятельность учащихся, содержание учебного материала, форма обучения, методика.*

***Annotation***

*The article discusses the development of critical thinking skills of primary school students. The lessons analyze the results of teacher and student activities to develop critical thinking skills in students, the purpose of the didactic process, the content of teaching materials, the correct and rational definition and selection of teaching forms, methods and tools.*

***Keywords:*** *critical thinking, student activity, content of teaching material, form of teaching, methods.*

Глобаллашув ва ахборотлар кўлами ниҳоятда кенгайиб бораётган ҳозирги даврда ахборий хуружларнинг жадаллашуви ўқувчиларнинг мазкур ахборотлардан ҳимоялана олиши, уларни тўғридан-тўғри қабул қилмасдан, танқидий ва креатив ёндашув асосида кўриб чиқишлари ва танқидий фикрлаш орқали ўзлари учун муҳим ва фойдали бўлганларини ажратиб олишларини талаб этади. Бу эса танқидий фикрлаш жараёнида кечади[1].

Ўрта мактаб ўқувчиларининг танқидий тафаккури – бу тарбия ва таълим жараёнида олинган ижтимоий ва индивидуал муҳим танқидий фазилатларнинг шахсий тизими [2]. Танқидий фикрлаш ўрта мактаб ўқувчилари шахсиятининг тузилишида муҳим ўрин тутади, уларни бартараф этиш учун ижтимоий амалиёт жараёнида қарама-қаршиликлар, хатолар ва камчиликларни билишга ёки очишга ҳисса қўшади, психологик тўсиқларни олиб ташлайди, конструктив танқидни тўғри қабул қилишни ва унга ишбилармонлик билан жавоб беришни ўргатади, фаол ҳаётий позицияни ривожлантиради. Мактаб ёшидаги танқидий фикрлаш – бу ўз-ўзини чуқур англаш, ўзини ўзи қадрлашни шакллантириш, ўзини такомиллаштириш истаги.

Таъкидлаш жоизки, таълим тизимида ўқувчиларнинг фикрлашини ривожлантириш ва бунда ўқитувчининг касбий компетентлилигини орттиришга доир тадқиқотлар педагог-олимлар Р.Джураев, Б.Ходжаев, О.Газман, Э.Зеер, Л.Тарита, Е.Казакова, Е.Александрова, М.Певзнер, А.Маслоу, А.Комбас ва бошқалар томонидан амалга оширилган [3].

Бошланғич синф ўқувчиларининг рефлексив мушоҳада юритиш, коммуникатив компетенциясини такомиллаштириш, самарали мулоқот технологиялари ва техникасига тайёрлашнинг илмий-педагогик ва амалий-технологик жиҳатлари М.Абдуллаева, А.Нурманов ва бошқалар, ақлий тарбия муаммолари ва уларни дарсларида амалга ошириш муаммолари Б.Мирзаҳмедов, Н.Мамадиёров, А.Абдуваҳобовлар томонидан тадқиқ этилган. Шу билан бирга, илмий манбалар таҳлили умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида бошланғич синф ўқувчиларида танқидий фикрлаш қобилиятларини шакллантириш масаласи бозор иқтисодиёти шароитида тўлақонли ўрганилмаган ва бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда етарлича ўз ечимини топмаганлигини кўрсатди.

Бир қатор педагог ва психологларнинг фикрича, "танқидий фикрлаш": воқеа-ҳодисаларни таҳлил қилиш учун қўлланиладиган ҳукмлар тизими бўлиб, у асосланган хулосаларнинг шаклланиши ҳамда баҳоларнинг вужудга келишига асос бўлади. Шунингдек, танқидий тафаккур қўлга киритилган натижаларни яхшилаган ҳолда, муайян вазиятларда қўллашни англатади; танқидий тафаккур олий даражада шаклланган тафаккурдир; танқидий тарбияга кўмаклашувчи восита, нутқ каби тушунчаларни изоҳлайди; айтиш жоизки, соғлом фикрни излаш ва ўзининг шахсий нотўғри тушунчаларидан воз кечишдир; танқидий фикрловчи шахс янги ғояларни илгари суради, янги имкониятларни кўра олади, муаммони ечиш учун нималар муҳимлигини англаш лаёқатига эга бўлади.

Замонавий психологияда ушбу концепциянинг бир нечта талқини бор, лекин умумий маъноси қуйидагича: "Танқидий фикрлаш – маълумот олиш ва ўз муносабатини шакллантиришдан бошланадиган мураккаб фикрлаш ва шахсий қарор қабул қилиш жараёнидир. Бу янги саволлар қўйиш, ўз фикрини ҳимоя қилиш учун далил топиш, таҳлил этиш ва хулоса чиқариш қобилиятидир" [4].

Танқидий фикрлай оладиган бола ҳар доим ўз нуқтаи назарини исботлай олади. Суҳбатдошининг фикрига рози ёки рози эмаслигини тушунтиришга қодир бўлади.

Танқидий фикрлаш ижтимоий амалиёт жараёнида қарама-қаршиликлар, хатолар ва камчиликларни билишга ёки очишга ҳисса қўшади, психологик тўсиқларни олиб ташлайди; конструктив танқидни тўғри қабул қилишни ва унга ишбилармонлик билан жавоб беришни ўргатади, фаол ҳаётий позицияни ривожлантиради.

Танқидий фикрлаш соҳиби муаммоларни ечишда қатъиятлилик кўрсатади. Ўзи ва ўзгаларнинг ғайриихтиёрий хатти-ҳаракатларини назорат қилади. Ўзгача ғоялар ва қарашларга бағрикенглик билан муносабатда бўлади. Муаммоларни ҳамкорликда ҳал этишга уринади. Суҳбатдошини диққат билан тинглайди. Атрофдаги ҳар қандай фикрни ҳурмат қилади. Ноаниқликларда бардошли бўлади. Муаммога турфа ракурслардан назар ташлайди. Фикрлар орасида кўп томонлама алоқа ўрнатади. Ўз нуқтаи назаридан бошқача бўлган қарашларга ҳам ижодий ёндашади. Муаммо ечимининг бирқанча имкониятларини кўриб чиқади. Аниқловчи саволларни ўртага ташлайди. Турли хулосалар чиқаради. Ўз фикрлари, кечинмаларига танқидий ёндашади ва уларни тўғри баҳолайди.

Башоратлар қилади, уларни асослайди, ўз олдига чуқур ўйланган мақсадлар қўяди. Ўз билимлари ва кўникмаларини турли вазиятларда қўллайди. Ахборотларни фаол тарзда идрок этади. Танқидий тафаккур салбий ҳукм ёки муносабатни эмас, балки турли-туман ёндашувларга нисбатан онгли нуқтаи назарни англатади.

Танқидий фикрлаш салоҳиятига эга бўлган ўқувчи қарорларнинг тўғри ёки нотўғрилигини фарқлайди. Улардан тўғри хулосалар чиқариб, ўқув фаолиятига тузатишлар киритади. Бу жуда муҳим сифат бўлиб, ўқувчи ўз тафаккури фаолияти давомида ўзини кузатади, ўзи чиқарган ҳукмларнинг оқибатини назорат қилади. Қабул қилинган қарорларнинг бошқалар то-

монидан маъқулланиши ва тан олинишини, таҳлил қилинишини истайди ҳамда ўз ҳақиқатларини асослашга тиришади. Мустақил, танқидий фикрловчи шахс ўз хатти-ҳаракатларининг мазмун-моҳияти ва оқибатларини чуқур англайди [5]. Ўқувчилар эркин фуқаролик жамиятида мустақил фаолият кўрсатиш, ностандарт тафаккур юритиш имкониятига эга бўлиб шаклланади.

Бошланғич синфлардаги ўқув жараёнидаги ўзига хослик, яъни ўқувчиларда танқидий фикрлашни шакллантиришда қуйидаги жараёнларга таянилади:

• ўқув жараёнида ўқувчилар олдига шундай вазифалар қўйиладики, уларнинг ечими мустақил фикрлашни талаб қилади;

• дарс жараёнида ўқувчилар маълум топшириқларни бажариш асносида муайян вазифаларни амалга оширишга йўналтирилади. Бу жараёнда ўқувчилар ўзаро фаол ҳамкорликка киришадилар;

• танқидий фикрлашга йўналтирилган ўқув жараёни натижалар, далиллар ва алоҳида фикрларни тўплашдан иборат бўлмай, шахсий хулоса чиқариш ва баён қилиш, ахборотларни қайта ишлашни назарда тутади;

• бундай дарсларда ўқитувчининг фаолияти натижалар самарадорлиги даражасини баҳолаш, фаол тадқиқотчилик ҳаракатлари орқали ўқитувчи ўқувчилар орасида баҳс-мунозарани ўрнатишдан иборат бўлади;

• танқидий тафаккур ўқувчилардан қўлга киритилган натижалар асосида мустақил хулосалар чиқаришни талаб қилади;

Бошланғич синфнинг ўқиш дарсларида тарбияланувчиларни танқидий фикрлашга йўналтиришда қуйидагиларга асосланиш мақсадга мувофиқ бўлади:

ўқувчидан ўз фикрини асослашни талаб қилиш; уларни зарур далилларни текширишга ундаш;

ўз далилларининг тўғрилигини текшириш учун экспертларга мурожаат қилишга йўналтириш; далилларни бевосита текширишга одатлантириш;

муқобил изоҳларни излаб топиш;

сезгиларга асосланган ҳолда, бошқа далилларни аниқлаш;

исботланмаган далилларнинг чалғитувчилик характерига эгалигини англаб етиш;

намунага асосланган ҳолда, ўз олдига муаммолар қўйиш;

амалий маълумотларнинг қанчалик унумли эканлигини тушуниб етиш;

маълумотларни танлаб таянишга одатланиш;

ўз хулосаларининг хатолиги ва аниқ эмаслигига иқрор бўлиш;

ҳар бир далилда табиийлик мавжудлигини тушуниш.

Ўқувчиларнинг танқидий фикрлаш жараёнини фаоллаштириш учун улар олдига қуйидагича топшириқлар қўйиш мумкин:

1. Дарсда ўтилган матн мавзусига яқин бўлган бошқа матнларни топинг.

2. Дарсда ўтилган матн воқелигига мос келадиган ҳаётий воқеликни айтиб беринг.

3. Характер хусусиятлари бир-бирига мос келадиган иккита қаҳрамоннинг ўзига хос жиҳатларини қиёсланг.

4. Матндаги воқеа ҳақидаги ўз нуктаи назарингизни асосланг.

5. Баҳс жараёнида ўз нуқтаи назарингизни ҳимоя қилинг.

Хулоса қилиб айтганда, ўқувчиларнинг танқидий фикрлашини шакллантириш муаммосининг ҳолати таҳлили шуни кўрсатадики, умумтаълим мактабларда бу масалага етарлича эътибор берилмаяпти. Ўқувчиларнинг танқидий тафаккури мақсадли равишда ривожланмайди, бунинг натижасида ўқувчиларда ҳодиса ва фактларни мустақил таҳлил қилиш, ўзини баҳолаш, башорат қилиш, муаммоли вазиятда мақбул танлов қилиш, нима эканлигини танқидий тушуниш қобилияти етарли даражада ривожланмайди.

Бошланғич синф ўқувчиларида танқидий фикрлаш – бу ўз-ўзини англаш, ўзини ўзи қадрлашни шакллантириш, ўзини такомиллаштириш истаги.

Ўқувчиларда танқидий фикрлашни шакллантириш бўйича махсус тизимли ишларга эҳтиёж бор. Ушбу тадқиқот ўрта мактаб ўқувчиларининг интеллектуал тайёргарлигини тўла-тўкис ўтказиш учун ўқувчиларни танқидий фикрлашга махсус тайёрлаш зарурлигини кўрсатади.

Бошланғич синф ўқувчиларида танқидий фикрлашни шакллантириш бўйича махсус йўналтирилган ишларнинг долзарблиги педагогик жараёнда онгни танқид қилиш ва ўзини танқид қилишнинг моҳияти, роли ва ўрнини аниқлаш зарурлигини келтириб чиқаради; ижтимоий фанлар курсини ва амалий мантиқ бўйича ихтисослаштирилган курсни ўқитиш жараёнида танқидий фикрлашни ривожлантиришни фаоллаштиришга имкон берадиган тизимни ишлаб чиқиш.

Танқидий фикрлашни шакллантиришнинг оптимал модели ва ўқувчиларда танқидий фикрлашни шакллантиришнинг сифат кўрсаткичлари диагностикаси таклиф қилинган.

1. Бошланғич синф ўқувчиларининг танқидий тафаккури – бу тарбия ва таълим жараёнида олинган ижтимоий ва индивидуал аҳамиятга эга бўлган танқидий фазилатларнинг шахсий тизими. Танқидий фикрлаш бошланғич синф ўқувчилари шахсиятининг шаклланишида муҳим ўрин тутади.

2. Шаклланиш жараёнини бошқаришнинг самарали воситаси, тадқиқот кўрсатганидек, одатий вазифалар мажмуи бўлган ва кундалик ҳаётда юзага келади-

ган муаммоли вазиятларни акс эттирувчи муаммоли вазифаларни эчиш учун техника ва усуллар тизимидан фойдаланиш ҳисобланади. Ўқув материалининг мазмуни, дарснинг жиҳозланиши, ўқитишнинг индивидуал хусусиятлари, ўқувчиларнинг тайёргарлик даражаси ва ўқитувчининг тайёргарлик даражасига қараб, танқидий фикрлашни шакллантиришнинг турли усуллари қўлланилади. Ўқувчилар танқидий фикрлаш маданиятининг ривожланиш даражаси шакллангач, ўқитиш усуллари мустақил иш йўналишида ўзгаради.

3. Бошланғич синф ўқувчиларида танқидий фикрлашни оптимал тарзда ривожлантириш учун ўқув жараёнини режалаштиришда шахснинг танқидий хусусиятларини ривожлантиришни таъминлаш керак. Бунда ўқитувчи фикрлашнинг мотивацион, мазмуни ва процессуал жиҳатлари бўйича махсус иш тизимини ҳисобга олиши керак.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**


*1. Абдулханова - Славская К.А. Деятельность и психология личности. – М.: Наука, 1980. – 335 с.*

*2. Абишев А., Хамидов А.А., Туманова Т.М. Категории мышления и индивидуальное развитие. – Алма-Ата, 1991. – 215 с.*

*Балтаева А.Т. Ўқувчиларда танқидий баҳолаш кўникмаларини шакллантиришда саволларнинг аҳамияти. // "Бошланғич таълимни компетенциявий ташкил этиш: назария ва амалиёт" мавзусида онлайн халқаро илмий-назарий анжуман. – Нукус: – 2020. –Б. 300–302.*

*3. Ходжаева Ф.О. Ўқувчиларни танқидий фикрлашга ўргатиш ва унинг муҳим жиҳатлари. / "Замонавий таълим" журнали/, 2017 йил, № 6, 43-47 б.*

*4. Бердимуродова М.М. Ўқувчиларда танқидий фикрлаш кўникмасини шакллантириш – долзарб педагогик муаммо сифатида. – М.:, "Интернаука", 47-3 (176) год: 2020.*


# THE IMPLEMENTATION OF DIGITAL COMMUNICATION TOOLS IN EDUCATION


**Rimma Djumabekova,**
Nukus City Secondary School No. 6 computer science teacher



***Abstract***

*There are several types of electronic trading platforms - for commercial customers, for placing government orders. The sites on which electronic transactions are performed by commercial customers are divided into specialized and multi-profile. Users, participants of the sites, held auctions and trades themselves can decide on which of the sites it is more convenient and profitable to work with. In addition, on a multiprofile resource the customer can act as a supplier, the seller - this is dependent on the scope of his activities, on the possibilities.*

***Key words:*** *multi-functional electronic trading platform, information flow, data flow, information flow objects, users, customers, suppliers.*

***Annotatsiya***

*Elektron savdo maydonchalarining bir nechta turlari mavjud: tijorat mijozlari uchun, davlat buyurtmalarini joylashtirish uchun. Tijorat mijozlari tomonidan elektron operatsiyalar amalga oshiriladigan saytlar ixtisoslashgan va ko'p profilliga bo'linadi. Foydalanuvchilar, saytlar ishtirokchilari, o'tkazilgan auksion va savdolar qaysi saytlar bilan ishlash qulayroq va foydali ekanligi to'g'risida o'zlari qaror qabul qilishlari mumkin. Bundan tashqari, ko'p profilli resursda mijoz yetkazib beruvchi, sotuvchi sifatida harakat qilishi mumkin. Bu uning faoliyati doirasiga, imkoniyatlariga bog'liq.*

***Kalit so'zlar:*** *ko'p funktsiyali elektron savdo maydonchasi, axborot oqimi, ma'lumotlar oqimi, axborot oqimi obyektlari, foydalanuvchilar, mijozlar, yetkazib beruvchilar.*

***Аннотация***

*Существует несколько типов электронных торговых площадок - для коммерческих заказчиков, для размещения государственных заказов. Сайты, на которых совершаются электронные транзакции коммерческими клиентами, делятся на специализированные и многопрофильные. Пользователи, участники сайтов, проводимых аукционов и торгов, сами могут решить, с каким из сайтов им удобнее и выгоднее работать. Кроме того, на многопрофильном ресурсе заказчик может выступать в роли поставщика, продавца - это зависит от сферы его деятельности, от возможностей.*

***Ключевые слова:*** *многофункциональная электронная торговая платформа, информационный поток, поток данных, объекты информационного потока, пользователи, заказчики, поставщики.*

Both suppliers and customers have significant advantages when working with electronic trading platforms. In particular, those who buy products or services significantly save time searching for a potential supplier, save their money for organizing purchases. Honest conduct of the transaction is observed, as the site administration provides for measures directed against unscrupulous suppliers. Auction in electronic form can have participants who at the time of its holding are in completely different corners of the world.

Customers and suppliers, he can quickly find the most interesting in the range and prices of bidding, does not spend money on the advertising company, sales are conducted openly and transparently. Also, you can sell your products from anywhere in the world and at any time - when a profitable buyer has appeared [1, 12].

As part of the implementation of trading platforms, you can use the Yii2 PHP-platform, which has a flexible architecture of construction, in which the user interface, data storage logic and control logic are separate components. Thus, the modification of any elements of the system is carried out with minimal influence on the overall structure of the trading platform, thereby providing savings for service. Also, Yii2 has a built-in integration module with third-party systems, which makes it possible to extend the web-resource with additional tools (for example, telephony, converters, calculation systems, etc.).

To provide a convenient interface and high performance for mobile devices on mobile devices, React Logic practices the integration of the system with the Twitter Bootstrap platform. The unique technology has shown itself well in the international market and is now actively used by the largest trading platforms from around the world.

The interface and structure of electronic trading platforms are individually developed for the customer's tasks and preferences. For example, the website of a trading platform can be equipped with special sections of information or functionality that will not only facilitate its promotion in the search networks, but will also is useful to users [2, 14].

The code and structure of electronic trading platforms developed by web-studio React Logic, by default provide search optimization on system Google, Yandex, Bing and Yahoo. Thus, in order to occupy a leading position in the search output, it is enough just in time to fill the trading platform with unique texts and purchase the reference mass.

Stages of development of trading platforms

The development of the electronic trading platform Uzsale.uz is planned to be implemented according to the User experience (UX) model, built on the basis of perception and reciprocal interaction of users with the web resource. Unlike traditional design, oriented to the perception of aesthetic qualities, the UX model involves working out the logic of the trading platform in order to stimulate the maximum number of conversions - transactions.

Highest standard of safety:

- Crypto protection and data encryption according to GOST:
- GOST 34.11-94;
- GOST 34.10-2001;
- GOST 28147-89;
- Working with the data center of the highest class Tier-4;
- Dual redundancy of all systems and communication channels;
- Solved problems;
- Excluding the possibility of corruption;
- Direct savings of budgetary funds through procurement activities through open, transparent competitive procedures;
- Centralization and unification of procurement processes;
- Increasing the level of efficiency of the purchasing department;
- Termination of financing of development of duplicating systems;
- Saving on the IT infrastructure.

Functionality of the projected electronic trading platform:

- 465 possible options for conducting procurement procedures;
- Integration with customer information systems including ERP, SRM, CLM, CRM, ECM and Workflow;
- Ready-made integration module with the website of the Chamber of Commerce of Uzbekistan;
- Centralized and delegated process management within a distributed structure with differentiation by roles;
- Rating system and compliance-control.

**REFERENCES:**


*1. Nasakin, R. Commercial Runet Today Text. / Nasakin R. // ComputerPress. 2005. – No. 10. – P. 72-76*

*2. Novomlinsky, L.A. Internet Commerce. Part I Text. / LA Novomlinsky. / Networks and communication systems. 1998. – № 8. – P. 116-123.*

*3. To'rayeva G. Ethnography of the peoples of Central Asia in the late XIX and early XX centuries on the example of Russian oriental studies // ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2020. – Т. 6. – №. 2.*

*4. Тураева Г. Ш., Джураев Х. Ф. Автоматическое системы управления процесса замеса теста на основе икс //будущее науки-2015. – 2015. – с. 329-332.*

# КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИ АСОСИДА БЎЛАЖАК ТЕХНОЛОГИЯ ЎҚИТУВЧИЛАРИ КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИГА АСОСИЙ ЁНДАШИШЛАР

**Лочин Зарипов,**
Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази бўлим бошлиғи,
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

***Аннотация***
*Мазкур мақолада олий таълимда кредит-модуль тизимининг жорий қилиниши ҳамда бўлажак технология ўқитувчилари касбий тайёргарлигига асосий ёндашишлар тўғрисида маълумотлар келтирилган. Технологик таълим йўналиши таълим дастурлари тузилиши ҳамда бўлажак технология фани ўқитувчилари эгаллаши лозим бўлган компетенциялар ҳақида сўз юритилган.*
***Калит сўзлар:*** *технология, инновация, техника ва технология, кредит-модуль, компетенция, касбий таълим, касбий мобиллик.*

***Аннотация***
*В данной статье представлена информация о внедрении кредитно-модульной системы в высшем образовании и основных подходах к профессиональной подготовке будущих учителей технологии. Обсуждается структура образовательных программ в сфере технологического образования и компетенции, которыми должны овладеть будущие учителя технологий.*
***Ключевые слова:*** *технология, инновация, техника и технология, кредитный модуль, компетентность, профессиональное образование, профессиональная мобильность.*

***Annotation***
*This article provides information on the introduction of the credit-modular system in higher education and the main approaches to the professional training of future technology teachers. The structure of educational programs in the field of technology education and the competencies that future technology teachers should master are discussed.*
***Keywords:*** *technology, innovation, technique and technology, credit module, competence, vocational education, professional mobility.*

Ўзбекистондаги барча соҳаларда ислоҳотларни амалга ошириш, одамларнинг дунёқарашини ўзгартириш, етук ва замон талабига жавоб берадиган мутахассис кадрларни тайёрлашни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Олий таълим жараёнларига рақамли технологиялар ва замонавий ўқитиш усулларни жорий этиш, ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, коррупцияга қарши курашиш, муҳандислик-техник таълим йўналишларида таҳсил олаётган талабалар улушини ошириш, кредит-модуль тизимини жорий этиш, ўқув режаларида амалий кўникмаларни оширишга қаратилган мутахассислик фанлари бўйича амалий машғулотлар улушини ошириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сонли Фармонларини алоҳида айтиб ўтиш лозим. Мазкур ҳужжатлар олий таълим ривожининг янги босқичига ўзига хос ҳуқуқий асос бўлди.

Олий таълим соҳасини ривожлантиришга доир бундай норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросидан келиб чиқиб, Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2020 йил 30 июндаги 357-сон буйруғи қабул қилинди. Шунга мувофиқ, 2020/2021 ўқув йилида республика олий таълим муассасаларининг 35 тасида ўқув жараёни кредит-модуль тизимида ташкил этилди. Бир ўқув йилида тўпланган тажриба кредит-модуль тизимини жорий этишда муҳим аҳамият касб этди. Албатта, таълим жараёнини жаҳон стандартларига мослаштириш кечиктириб бўлмайдиган жараён. Шундай бўлса-да, ҳар бир киритилаётган янгилик пухта тайёргарликни тақозо этди. Кредит-модуль тизимини жорий этиш босқичма-босқич амалга оширилди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2021 йил 16 июлдаги 311-сон буйруғи асосида 2021/2022 ўқув йилидан республикадаги барча давлат олий таълим муассасалари ва уларнинг филиалларида ўқув жараёни кредит-модуль тизими асосида ташкил этилди.

Ҳозирги кунда техника ва технологиянинг шиддат билан ривожланиши ёшларни техник ижодкор-

лик ҳамда ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларига қизиқтириш ишлари мактаб davриданоқ амалга оширилиши муҳим масаладир.

Педагогика олий таълим муассасаларининг "Технологик таълим" йўналиши ўқув дастурлари махсус, психо-педагогик ва методик тайёрлов таркиби умумтаълим мактабларининг технология фани талабларига мос бўлиши керак. Таълим олувчиларнинг технологик тайёргарлиги (меҳнатга тайёрлаш) методикасига алоқадор умумий масалалар Ш.С.Шарипов, Ў.Қ.Толипов, Н.А.Муслимов, О.А.Қўйсинов, Л.Р.Зарипов ва бошқа шу каби олимларнинг илмий ишларида кўриб чиқилган.

Кредит-модуль тизими асосида технология ўқитувчисини тайёрлаш ва касбий шакллантириш, технология фани ўқитувчиси педагогик фаолияти таркиби ҳамда унинг касбий талаблари 3 қисмни ўз ичига олади:

– касбий билим;
– педагогик маҳорат;
– шахсий фазилат.

Шунингдек, касбий фаолиятни моделлаштиришнинг методологик ёндашувларини таснифлашда (ижтимоий, педагогик, психологик), функсионал, динамик, тизимли таҳлиллар ва уларга мос моделларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Умумтаълим мактабларининг ўқувчиларни касб-ҳунарга ўқитиши жамият тузимидаги ўзгаришлардан олдинда бўлиш режимида ишлаши керак. Бу орада, педагог кадрларнинг касбий тайёргарлиги ҳақида сўз борар экан, умумтаълим тизимидаги юқори талабларга жавоб берувчи ва тез суръатларда ўзгарувчи ижтимоий-иқтисодий ҳолатларда самарали ишлай олувчи мутахассисларни тайёрлашга бўлган эҳтиёжни эътибордан четда қолдириш мумкин эмас. 2017 йилда умумтаълим мактабларининг дастурига "Меҳнат таълими" фани ўрнига интегратив таълим соҳаси бўлган "Технология" фани қўшилди. Аммо бу шунчаки дастурдаги бир фан номини бошқасига ўзгартириш эмас, балки инсон фаолиятининг барча соҳаларида вужудга келган янги технологиялар натижасида бутунжаҳон ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнидаги юз берган ўзгаришларнинг инсониятга қўйган талаби эди.

Натижада технология ўқитувчиси нафақат ўз фанидан турли шарт-шароит ва таълим муассасаларида дарс бера олиши, балки бошқа технология билан узвий боғлиқ бўлган фанларга ҳам эътиборини қарата олиши, касбий мобиллик ва политехник дунёқарашга, юқори даражадаги мулоқатга киришиш қобилиятига эга бўлиши керак эди.

2020 йилга қадар мамлакат олийгоҳларида бўлажак технология фани ўқитувчилари таълим соҳасининг ДТСга мувофиқ равишда "Технологик таълим" йўналиши ўқув режалари 5 та (гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар, математик ва табиий фанлар, умумкасбий фанлар, ихтисослик фанлар, қўшимча фанлар) блокдан иборат бўлган.

2021 йилдан бошлаб Республикамизда олий таълимга кредит-модуль тизими жорий қилингандан сўнг таълим йўналишлари ўқув режалари 2 та (мажбурий фанлар ва танлов фанлари) блокка ажратилди.

Шунингдек, олий таълим муасасаси битирувчиси умумий ва касбий компетенцияларга эгалик қилиши белгиланди.

Умумий компетенциялар битирувчиларнинг ижтимоий ва шахсий фазилатларини назарда тутади. Бу компетенциялар касбий фаолиятни маълум бир сифат даражасида амалга оширишни таъминлайди.

Касбий компетенциялар касбий фаолиятнинг маълум бир соҳаларига тегишли бўлади ва касбий фаолиятнинг асосий кўринишларини эгаллаш натижаси сифатида иштирок этади. Умумий ва касбий компетенциялар – бу маълум бир касбий соҳа фаолиятида эгалланган кўникмалар, билим ва тажрибалардан фойдалана олиш демакдир.

Маълум бир йўналиш учун мўлжалланган компетенциялар рўйхати таълим йўналишининг малака талаби томонидан белгиланади ва улар бирон бир йўналиш учун дастурни ишлаб чиқишда таълим муассасалари томинидан тўлдирилади, бунда йўналиш хусусиятлари инобатга олинади. Бугунги кунда жамиятда турли туман касб эгаларига эҳтиёж бор. Масалан, шифокор, қурувчи, рассом, ўқитувчи ва бошқалар. Аммо кундан-кунга биз "ҳамма ўз касбида ижодкор бўлиши керак" деган фикрни кўпроқ маъқуллаяпмиз. Шу тариқа мактабга қўйилган замонавий ижтимоий талаб, буйруқни бажарувчи эмас, балки яратувчи, креатив фикрловчи, ижодкор инсонларни етиштиришни тақозо қилмоқда. Шунга мос равишда педагогик олий таълим муассасаларининг муҳим вазифаларидан бири бу – ижодкор, турли туман методик ва амалий материалларни таҳлил қила оладиган, улардан энг мос ва тўғрисини танлай оладиган ва ўз ишини ривожланиб бораётган таълим талабларига мос бажарадиган ўқитувчиларни тайёрлашдир. Педагогик олий таълим муассасаси битирувчилари мустақил тарзда таълимнинг анъанавий ёки замонавий ёндашувларини баҳолаши, ижодий қўллаши керак. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш тизимига юқори талаблар қўйилмоқда. ОТМ битирувчиси тайёр билимлар мажмуасига эгалик қилибгина қолмай, янги маълумотларни топа олиши, уни қайта ишлаши ва янги шарт-шароитларда ундан фойдаланиши ва албатта, ўсиб келаётган авлодга ўз вақтида бу билим ва кўникмаларни ўргатиши керак.

ОТМ битирувчиларига айнан шуларни ўргатиши

ва уларнинг шахсий ривожланиши, ўз-ўзларини мукаммаллаштиришлари ва ўқитувчи касбининг профессионал эгалари бўлишлари учун шарт-шароитлар яратишлари керак. Буларга бўлажак ўқитувчиларни таълим жараёнида турли инновацион технологияларни қўллашлари орқали ўргатиш мумкин, дарҳақиқат, айнан замонавий технологиялар битирувчиларнинг касбий тайёрланиш сифатини оширади.

Мутахассисларнинг тайёргарлик сифати деганда, у ишлаши керак бўлган касбий муҳитнинг талабларига жавоб бериш даражаси тушунилади. Бозор муносабатлари мутахассисларга бўлган касбий талаблар даражасини кескин кўтариб юборди. Бу ҳолат олий таълим кўрсатаётган таълимий хизматлари сифатга мос келишини таъминлаш бўйича аниқ мажбуриятлар келтириб чиқарди.

Мутахассисларнинг таъкидлашларича, технология ўқитувчиларининг тайёргарлик сифати ҳаёт талабларидан сезиларли даражада ортда қолмоқда ва касбий билим, кўникма ҳамда сифатларни шакллантириш ўта долзарб масалага айланмоқда. Мавжуд технология ўқитувчиларини тайёрлаш тизими ўз олдимизга қўйган мақсадларимизга эришиш имконини бермайди, ҳар доим ҳам битирувчиларни замонавий маълумотларга бой ижодий меҳнатга тўлиқ тайёрламайди ва шунинг учун ҳам такомиллаштиришга муҳтож.

Аниқландики, касбий таълимдаги катта эътибор бўлажак педагогларни ўқитишда бўлажак технология ўқитувчиларини тайёрлашга қаратиш керак, чунки айнан шу мутахассислар ишлаб чиқаришдаги трансформацион фаолиятга тайёрлаш масалалари билан дуч келадилар. Технология ўқитувчиси нафақат ўз фанидан турли шарт-шароит ва таълим муассасаларида дарс бера олиши, балки, бошқа технология билан узвий боғлиқ бўлган фанларга ҳам эътиборини қарата олиши, касбий мобиллик ва техник-технологик дунёқарашга ҳамда юқори даражадаги мулоқотга киришиш қобилиятига эга бўлиши керак. Бунинг учун бўлажак технология ўқитувчиси ўз фанини турли таълим сифатини оширувчи таълимий технологияларни қўллаб ўқитишни билиши керак. Бундай шарт-шароитларда таълим олган шахс кенг техник-технологик дунёқараш ва касбий мобилликка эга бўлади.

Касбий мобиллик умумкасбий усуллар тизими ва уни ишлаб чиқаришнинг тегишли соҳаларидаги вазифаларни бажаришда самарали қўллаш ва бир фаолиятдан иккинчисига осонлик билан ўтишни англатади. Касбий мобиллик, шунингдек, умумлаштирилган касбий билимларнинг юқори даражасини, ўз касби бўйича турли вазифаларни бажаришнинг мақбул усулларини тезкор танлаш ва амалга оширишга тайёрлигини англатади.

Ишлаб чиқариш техника ва технологияларининг тез такомиллашаётган бир пайтида касбий мобиллик мутахассиснинг малака структурасининг асосий компоненти ҳисобланади. Республикамизда олий таълим сифатини ошириш ва касбий мобилликни ривожлантириш кредит-модуль тизимини жорий этишга имкон яратади. 2021 йилдан олий таълимда кредит-модуль тизимининг жорий қилинишининг асосий мазмуни жаҳоннинг ривожланган давлатлари таълим стандартларига мослаштиришдан иборат бўлган. Кредит-модуль тизимида нафақат фанларнинг мураккаблиги, аудитория соатлари юкламасини, балки талабанинг материални ўрганиш бўйича мустақил иши, шу жумладан, имтиҳонларга тайёргарлиги учун сарфланадиган вақтни ҳам ҳисобга олади. Талабанинг умумий ўқув юкламаси дастурни ўзлаштириш учун аудиторияда ва ундан ташқарида сарфлаган умумий вақтини ҳисобга олиши керак.

Кредитлар иш берувчининг талаба томонидан ҳар бир фан бўйича олган билим ва кўникмаларининг ҳажмини аниқлаш ва талабаларнинг академик мобиллик тизимини қўллаб-кувватлаш учун ҳам тенг равишда талаб қилинади. Кредитлар туфайли талаба узоқ вақт давомида бошқа ОТМларда ўқиш имкониятига эга бўлади, у ердан кредитларни олиб келади. Чет ОТМда тўпланган кредитлардан асосий ОТМ таълим ҳисобига ҳисоблаб чиқиш ва диплом бериш тўғрисида қарор қабул қилишда фойдаланилади.

Ўз навбатида, ҳар бир алоҳида ўқув курси ва таълим дастурининг бошқа компонентлари ўзларига мос аттестациялар билан биргаликда кредит бирликлари сифатида қаралиши мумкин. Бир семестр мобайнида талаба 30 кредит ва бир ўқув йилида 60 кредит йиғиши лозим. Кредит миқдорини ифодалашда каср сонлардан фойдаланилмайди.

Таълим дастурининг сифати кўп жиҳатдан уни шакллантиришда мазмунли ва таркибий устуворликларнинг тўғри жойлашишига боғлиқ. Ўқув курсларининг даражалари бўйича маълумотлари таърифи муҳим аҳамият касб эта бошлайди, турли фанларнинг юклама ҳажмини таълим дастурларининг турли даражаларида акс эттирилади. Ўқув режаларнинг тузилиши ва ҳар бир фаннинг тузилишини синф турлари бўйича аниқлаш бир хил даражада муҳимдир: аудитория (маъруза, семенар, амалий машғулот, лаборатория машғулотлари), аудиториядан ташқаридаги (рефератлар, курс ишлари, кутубхона кунлари, компьютер хоналарида ишлаш). Буларнинг бари кредит бирликларида акс эттирилиши керак. Кредит бирликлари ҳар бир ўқув курси, ҳар бир фанни, охир-оқибатда эса таълим дастурининг юкламасини ифодалайди.

Кредит-модуль тизими, авваламбор, таълимга бўлган талабни аниқлаш, талабалар сонининг ошиши, уларнинг юкламаларини назорат қилиш ва мустақил ишлашларига имконият яратиш учун жорий этилган.


ISSN 2181-8274

Кредит-модуль тизими таълим йўналишларининг ўқув дастури, ўқув режаси, дарс жадвали, талабаларнинг билимларини баҳолаш, ўқитувчиларнинг иш юкламасини аниқлаш ва бошқа шу каби фаолиятларини тартибга солиш имконини беради.

Умуман олганда, олий таълимда кредит-модуль тизимини жорий этиш технология ўқитувчиларини касбий тайёрлашда интеграл-модулли ўқитиш, ўқув жараёнини ташкил этиш ва режалаштиришни ўзгартиради ҳамда шунга мос равишда ОТМларда таълим сифатини ошишига хизмат қилади.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**


1. *Шарипов Ш. Ўқувчилар касбий ижодкорлиги узвийлигини таъминлашнинг назарияси ва амалиёти. Дисс. ... пед. фан. док. – Т., 2012. – 307 б.*
2. *Запипов Л.П. Инновацион ёндашув асосида 5-7-синф ўқувчилапида технологик компетенцияларни шакллантириш методикаси. Дис. ... п.ф.ф.д. (PhD) – Тошкент, 2020. – 141 б.*
3. *Зарипов Л.Р. Инновацион таълим шароитида ўқувчиларни технологик тайёрлаш // Педагогика журнали. 2019 йил. № 5. – Б. 92-98.*
4. *Гузеев В.В. Инновационные идеи в современном образовании // Школьные технологии. – 1997, – № 1*
5. *Кларин М.В. Инновации в обучении. Метафоры и модели: Анализ зарубежного опыта. – М.: Наука, 1997. – 224 с.*
6. *Қўйсинов О.А. Компетентли ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-педагогик ижодкорлигини ривожлантириш технологиялари: Педагогика фанлари бўйича докторлик (ДСс) дисс. – Тошкент, 2019. – 200 б.*


# INNOVATSION YONDASHUVLI VOLEYBOL O'YIN TEXNIKASINING TASNIFI


**Dilnoza Nosirova,**
Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti o'qituvchisi



***Annotatsiya***

*Maqolada innovatsion yondashuvli voleybol o'yin texnikasining mohiyati, mazmuni va xususiyati hamda zamonaviy voleybol turli o'yin malakalari va taktik kombinatsiyalarining mazmun-mohiyati atroflicha yoritib berilgan. Shuningdek, voleybol o'yini sport o'yinlarning ichida o'zining butun tananing harakatlanishi bilan, insonni mushohada qilishga undashi va shu bilan birgalikda, sportchilardan a'lohida texnikasi bilan ajralib turadi.*



***Kalit so'zlar:*** *texnika, taktika, o'yin malakalari, o'yin intizomi, temp, "to'lqin", eshelon, kres, to'pni uzatish, himoya, to'pni o'yinga kiritish, strategiya, bellashish, usullari, yuqoridan yon tomon bilan to'p kiritish, sakrab to'p kiritish.*



***Аннотация***

*В статье подробно освещены сущность, содержание и особенности техники игры в волейбол с инновационным подходом, а также содержание различных игровых навыков и тактических комбинаций современного волейбола. Также волейбольный вид спорта отличается внутриигровыми движениями всего тела, побуждением человека к мускульной деятельности и в то же время отличной техникой выполнения от спортсменов.*



***Ключевые слова:*** *техника, тактика, навыки игры, дисциплина игры, эшелон, крес, передача мяча, защита, ввод мяча в игру, стратегия, атакующий удар, методы, снизу, ввод мяча, прямой ввод мяча сверху, ввод мяча сбоку сверху, прыгающий мяч вход.*



***Annotation***

*The article covers in detail the essence, content and nature of the technique of the game of volleyball with an innovative approach, as well as the content of various game skills and tactical combinations of modern volleyball. Also, the volleyball game is distinguished by its movement of the whole body inside sports games, the ability to motivate a person to muscle, and at the same time from athletes with excellent technique.*



***Keywords:*** *technique, tactics, game skills, Game discipline, tempo, "wave", echelon, kres, ball transfer, defense, ball into the game, strategy, ball input, straight ball input from above, ball input from above with side to side, jump ball input.*


Voleybol o'z mohiyati, mazmuni va xususiyati bilan boshqa sport o'yinlaridan farq qiladi. Zamonaviy voleybol turli o'yin malakalari va taktik kombinatsiyalarga nihoyatda boy bo'lib, o'ta katta shiddat va tezlikda o'tadi. Binobarin, voleybolning yuqorida zikr etilgan o'ziga xos xususiyatlari o'yinchilardan mukammal takomillashgan

texnik mahorat talab qiladi. Musobaqa o'yinlarida texnik mahorat qanchalik keng va tashqi ta'sirlarga nisbatan mukammal shakllangan bo'lsa, shunchalik g'alabani qo'lga kiritish imkoni ko'p bo'ladi.

Voleybol o'yini texnikasi o'yinni olib borish uchun zarur bo'lgan harakat usullari majmuasidan iboratdir. Harakatlar texnikasi turli vaziyatlarda maqsadga muvofiq, samarali harakat qilish bilan baholanadi. O'yindagi har bir texnik usulni bajarish bir-biri bilan uzviy bog'langan harakatlanish tizimidan tashkil topadi. Harakat texnikasi harakat vazifalarini muayyan usul bilan hal qilish uchun zarur va yetarli bo'lgan harakatning dinamik va kinematik xususiyatlaridir (kuchlarning muayyan izchilligi, gavdaning ayrim qismlari o'rtasidagi muvofiqlik va shu kabilar) [1, 48].

Texnikaning asosiy qismi – ma'lum bir harakatdagi asosiy mexanizmning eng muhim va hal qiluvchi qismidir. Texnikaning asosiy qismini bajarish nisbatan qisqa vaqt oralig'ida katta kuch sarflanishi bilan ifodalanadi.

Texnikaning detallari – harakatning asosiy mexanizmini buzmaydigan ikkinchi darajali xususiyatdir. Texnika detallari turli sportchilarda turlicha bo'lib, bu ularning morfologik va funksional imkoniyatlariga bog'liq bo'ladi.

Texnik harakatlarni bajarishda harakatlarning vaqt jihatidan ma'lum bir fazalari farqlanadi. Odatda, harakatlarning uch fazasi: tayyorgarlik, asosiy va yakunlovchi fazalarini belgilab qo'yish mumkin.

Tayyorgarlik fazasining ahamiyati harakatning bosh fazada bajarish uchun qulay sharoit yaratishdan iborat. Bu sharoitlar yugurib kelish, sakrash, aylanma harakatlarni (to'siq qo'yganda, koptokni o'yinga kiritganda, hujum zarbasini berishda) bajarish bilan yaratiladi. Asosiy fazadagi harakatlar bevosita asosiy harakat vazifalarini hal qilishga qaratiladi. Biodinamik nuqtayi nazardan bu fazadagi eng muhim narsa harakatlantiruvchi kuchlardan tegishli vaziyatda, tegishli yo'nalishda samarali foydalanishdan iboratdir [3, 141].

Yakunlovchi fazadagi harakatlar gavda muvozanatini saqlash maqsadida so'nib boradi yoki keskin tormozlanadi. Voleybol juda dinamik o'yin bo'lganligi sababli voleybolchi turli texnik usullarni egallashi, o'yin vaziyatidan kelib chiqqan holda, ularni tanlay olishi va tez, aniq bajarishi lozim. Bu esa o'yinchining texnik mahoratini belgilaydi.

Yuqori texnik mahorat belgilari quyidagilar bilan ifodalanadi:

harakat usullarining aniq va samarali bajarilishi;

xalal beruvchi omillar (charchash, tashqi sharoitning salbiy ta'sirlari) mavjudligida harakatlarning bajarilish barqarorligi;

raqib harakatlariga qarab javob harakatlarini tanlash, ularni qayta qurish va bunda harakat qismlarini boshqara olish;

usullarning bajarilish ishonchliligi.

Voleybol taraqqiyotining har xil davrlarida texnik harakatlarni bajarish usullari, talablari, shakli, mazmuni o'zgaradi va takomillashib boradi. Texnik usullarning o'zgarishiga o'yin qoidalarining o'zgarishi, taktik harakatlarning takomillashuvi, o'yinchilar jismoniy tayyorgarligi darajasining o'sib borishi asosiy sabab bo'ladi. Hujum va himoyadagi o'yin dinamikasining o'sishi, harakatlar potensialining oshib borishi, hujum va himoyadagi kombinatsiyalar arsenalining kengayishi ham texnik usullarni yangilashga yoki qayta qurishga turtki bo'ladi [4, 34].

Shunday bo'lsa-da, o'yin texnikasida foydalaniladigan usullarning bundan-da samaraliroq imkoniyatlari yo'q deb bo'lmaydi. Malakali sportchilarning funksional va jismoniy imkoniyatlari o'yin texnikasiga yangi, ilg'or usullarni kiritish va uni ro'yobga chiqarish uchun istiqbol yaratadi.

O'yin texnikasini tasniflash – ularning shakli, mazmuni, qo'llaniladigan usullari nimaga mo'ljallanganligi, harakatlarning bir-biriga bog'liqligi, harakatlarning kinematik va dinamik tuzilishiga qarab ma'lum guruhlar va bo'limlarga ajratishdir.

Voleybol texnikasi ikkita katta bo'lim: hujum va himoya texnikalariga bo'linadi. O'z navbatida, yuqoridagi bo'limlar ham texnik usullarning shakli va mazmuniga ko'ra birqancha guruhlarga bo'linadi. Har bir guruhda texnik harakatlarning o'ziga xos bajarish usullari mavjud bo'ladi.

**Hujum texnikasi**

**Holatlar, harakatlanish, dastlabki holatlar**

Holatlar. Voleybol o'yinida o'yinchilar to'p bilan qisqa vaqt ichida harakat qilishlari lozim. Shu sababli u yoki bu o'yin sharoitida o'yinchi to'p bilan o'ynashi uchun yuqori tayyorgarlik ko'rishi talab etiladi. Shu maqsadda turli harakat usullarini bajarish uchun har xil holatlarni egallash kerak [5, 67].




**1-rasm. Sportdagi holatlar**

Hujum zarbasini berish va to'siq qo'yishda – baland (1 a-rasm), o'yinga kiritilgan to'pni qabul qilishda – o'rta (1 b-rasm), hujum zarbasini yoki to'siqdan pastlab qaytgan to'pni qabul qilishda – past (1 v-rasm) holatlar egallanadi. Bunda umumiy og'irlik markazining

holati navbatdagi harakatning xususiyatiga bog‘liq bo‘ladi. Shuni ham ta’kidlash o‘rinliki, o‘yinchining bo‘yi va uning koordinatsion qobiliyati umumiy og‘irlik markaziga sezilarli ta’sir ko‘rsatadi. Shuning uchun ham samarali turish holati shunday bo‘lishi kerakki, bunda umumiy og‘irlik markazi tezda tayanch chegarasidan chiqarilib, zarur harakatlanish va faoliyat ko‘rsatish imkoniyatini bera olsin.

Turish holatlari navbatdagi harakatlarning qo‘llanilish xususiyatiga qarab statik (o‘yinchining harakatsiz) yoki dinamik (asosiy tayanchni bir oyoqdan ikkinchisiga o‘tkazish bilan to‘pni qabul qilish, hujum zarbasini berish yoki to‘siq qo‘yishni kutishda) holatlarda bo‘ladi [7, 143]. Bu turish holatlarida qo‘llar bel barobarida, barmoqlar kaftlarga qaragan, gavda esa biroz oldinga egilgan bo‘ladi. Gavda erkin holatda bo‘lishi kerak.

Dastlabki holatlar. Dastlabki holatlar u yoki bu texnik usullarni bajarishga tayyorgarlik fazasini belgilaydi. Dastlabki holatlarni egallashning bajarilishi kutilayotgan harakatni bajarish uchun qulay sharoitni va harakatlanishni ta’minlashi darkor. Texnik usulning bajarilishidan qat’i nazar, dastlabki holatlar birmuncha statikligi bilan farqlanadi: to‘pni uzatishdan oldin (2 a-rasm), pastdan to‘pni qabul qilishda (2 b-rasm), to‘siq qo‘yishda (2 v-rasm) va hujum zarbasini berishda (2 g-rasm).

**Texnik harakatlar**



**2-rasm. Valeboldagi sportchi holatlari**

To‘p uzatish – bu texnik usul orqali hujumni tashkil qilish va amalga oshirish uchun qulay sharoit yuzaga keltiriladi. To‘pni: tayanch holatdan ikki qo‘llab, sakrab ikki qo‘llab, sakrab bir qo‘llab, orqaga yiqilib turib ikki qo‘llab uzatish mumkin. Oxirgi usuldan voleybolda kamdan-kam, keskin holat yuzaga kelganda foydalaniladi [8, 31].

Yo‘nalishi bo‘yicha to‘p uzatishlar (to‘p uzatuvchiga nisbatan) quyidagicha bo‘ladi: oldinga, o‘z ustiga, orqaga.

Uzunligi bo‘yicha: uzun – hududlar osha; qisqa – hududdan hududga; qisqartirilgan – hudud doirasida.

Balandligi bo‘yicha: baland – 2 metrdan yuqori, o‘rtacha – 2 metrgacha, past – 1 metrgacha. Yuqoridagi ko‘rsatkichlarga bog‘liq holda to‘pga sekin, tez va katta tezlanish beriladi. To‘pni to‘rga yaqin – 0,5 metrgacha va uzoq – 0,5 metrdan ortiq masofada berish mumkin.

To‘pni uzatish texnikasi dastlabki holat, qo‘lning to‘pga qarama-qarshi harakati, amortizatsiya va to‘pni yo‘naltirishdan iborat bo‘ladi. Dastlabki holatdan to‘p tomon harakatlangandan so‘ng voleybolchi vertikal holatda, oyoqlarining bukilish darajasi to‘p yo‘nalishining balandligiga va uchish tezligiga bog‘liq holda, oyoq kaftlari parallel yoki bir oyoq (asosiy qo‘lga nisbatan qarama-qarshi) biroz oldinda bo‘ladi. Qo‘llar oldinga chiqariladi, barmoqlar oval shaklini hosil qilgan bo‘ladi (3-rasm).

Qo‘llar to‘p bilan yuz tepasida to‘qnashadi. Bunda bosh barmoq asosiy yuklamani qabul qiladi, ko‘rsatkich barmoqlar esa zarba berishda asosiy bo‘ladi. O‘rta barmoq kamroq ravishda, nomsiz va jimjiloq asosan to‘pni yon tomondan ushlab turishga xizmat qiladi [9, 263]. To‘pga yo‘nalish berishda qo‘l, oyoq va gavda mushaklarining kuchlanishi o‘zaro birgalikdagi yaxlitlik bilan izohlanadi. Bunda gavdaning umumiy og‘irlik markazi birmuncha yuqoriga-oldinga ko‘chadi va gavdaning og‘irligi ikki oyoqning uchiga tushadi. Qo‘llar to‘pni uzatish oxirida to‘liq to‘g‘rilangan holatda bo‘ladi.

Murakkab hujum kombinatsiyalarini tashkil qilishda to‘p baland berilganda yoki to‘pning uchish vaqtini kamaytirish maqsadida sakrab to‘p uzatish usulidan foydalaniladi. Bu holatda qo‘llar bosh ustidan birmuncha baland ko‘tariladi va qo‘llarning faol ishlashi hisobiga sakrashning yuqori nuqtasidan to‘p uzatiladi.

Xuddi shu holatda qisqa to‘p uzatishda asosiy harakat qo‘l barmoqlarining faol ishlashi hisobiga amalga oshiriladi (4-rasm).

To‘pni orqa tomonga (mo‘ljalga orqa tomon bilan turganda) uzatishda o‘yinchi to‘pning tagiga kirib boradi. Bunda qo‘lning orqa kaft qismi bosh orqasigacha ko‘tariladi. To‘p uzatish qo‘llarni tirsak qismida bukib-yozish hisobiga bajariladi, gavda orqaga-yuqoriga harakatlanadi, bunda harakat umurtqa pog‘onasining ko‘krak va bel qismlarining bukilishi hisobiga bo‘ladi (5-rasm). Sakrab orqaga to‘p uzatish xuddi tayanch holatda orqaga to‘p uzatish kabi bajariladi.

To‘p uzatishning eng murakkab usuli bu sakrab bir qo‘l bilan to‘p uzatishdir. Bu usul to‘p to‘r ustiga




4-rasm



5-rasm

kelib qolgandagi murakkab sharoitda bajariladi. Bu holda qo'l tirsaklarda bukilib, oldinga chiqariladi (6-rasm). Kaftlar oldinga qaratiladi, barmoqlar bukilib, tarang holga keltiriladi. To'p uzatish tirsak bo'g'ining bukib-yozilishi hisobiga bajariladi.



6-rasm. To'pni uloqtirishdagi holatlar

To'pni kiritish. Bu texnik usul orqali to'p o'yinga kiritiladi. Bu usulning asosiy maqsadi to'pni raqib jamoasiga iloji boricha qiyin qilib berishdir. Shuning uchun bu usul hujum texnikasining vositasi hisoblanadi. To'pni kiritish dastlabki holatdan va uchta ketma-ket fazalar: tayyorgarlik (to'pni tashlash, qo'lni silkish), asosiy (zarba berish) va yakunlovchi (qo'lni tushirish va keyingi harakat) fazalardan iborat. Voleybolda pastdan to'g'ri, yuqoridan to'g'ri, yondan yuqoridan va sakrab to'g'ri to'p kiritish usullari mavjud.

Bu usullarni bajarishda to'pga zarba berish turli tarzdagi ketma-ketlikda bajariladi. Birinchi navbatda, to'pga aylanma harakat berish, so'ngra aylanma harakat bermasdan to'p kiritish (birmuncha murakkab bo'lganligi sababli) usullari o'rgatiladi yoki takrorlanadi.




7-rasm. To'pni kiritish

Pastdan to'g'ri to'p kiritish. O'yinchi oldinga engashib, oyoqlarini tizza qismida bukkan, bir oyog'ini (zarba beruvchi qo'lga nisbatan qarama-qarshi) oldinga chiqargan holatda turadi (7-rasm).

To'p tirsak qismida biroz bukilgan qo'l bel barobarida ushlab turiladi. To'p gavdaga nisbatan 20-30 sm oraliqda tashlanadi. Zarba berishda qo'l keskin ravishda orqaga harakatlantiriladi. Zarba pastdan yuqoriga-to'g'riga bajariladi. O'yinchi bir vaqtning o'zida orqa oyoqni to'g'rilaydi va gavdaning og'irligini oldingi oyoqqa o'tkazadi. Zarbadan so'ng qo'l harakati to'pni "kuzatib" borish bilan tugallanadi [11, 187]. Pastdan to'g'ri to'p kiritish aniqligi asosiy uchta omil bilan aniqlanadi: qo'lni silkish (zamax) yo'nalishi bilan – u keskin orqaga haraktlanishi kerak; to'p tashlash balandligi bilan – u baland bo'lmasligi kerak; to'pga zarba berish – u taxminan bel barobarida amalga oshirilishi zarur.

Yuqoridan to'g'ri to'p kiritish. O'yinchi to'rga qaragan holda yuqori holatni egallaydi (8-rasm).



8-rasm. Yuqoridan to'g'ri to'p kiritish

To'p ko'krak sathida ushlab turiladi, bir oyoq oldinga qo'yiladi (zarba beruvchi qo'lga nisbatan qarama-qarshi). To'p bir metr yuqoriga oldinga tashlanib, o'yinchi qo'lini yuqoriga-orqaga harakatlantiradi va zarba beruvchi qo'l – yelkasini orqaga-yuqoriga olib boradi. To'pga aylanma harakat bermasdan to'p kiritish usuli birmuncha murakkab usul hisoblanadi. Bu usulda quyidagi elementlarning bajarilishiga qat'iy amal qilish zarur (9-rasm). Bular: to'pning qoq o'rtasiga zarba berish; to'p tashlashning nisbatan pastligi (0,5 metrgacha); zarba beruvchi qo'lni orqaga nisbatan qisqa harakatlantirish; kuchli (tezkor), va "aldamchi" (sekin) zarbalar berish. Hujum zarbasini 2 yo'l bilan bajarish mumkin: to'g'ri (to'rga nisbatan to'g'ri turgan holda) va yon tomon bilan (to'rga nisbatan). 9-rasm.



9-rasm. Yuqoridan to'g'ri to'p kiritish elementlari

Yuqoridan yon tomon bilan to'p kiritish. Yuqoridan yon tomon bilan to'p kiritish usulida o'yinchi to'rga nisbatan yon tomon bilan oyoqlarini tizzadan bukkan holda turadi (10-rasm). To'p 1 metrgacha balandlikda yelka ustiga tashlanadi. O'ng qo'l bilan zarba berilganda, u pastdan orqaga harakatlanadi. Bunda yelka pastga tushirilib, gavdaning og'irligi o'ng oyoqqa o'tkaziladi. Zarba beruvchi qo'l orqadan yuqoriga yoy bo'yicha harakatlantirilib, zarba amalga oshiriladi. Gavda chapga buriladi va og'irlik kuchi chap oyoqqa ko'chiriladi. Bu harakat zarbaning kuchini oshirishga xizmat qiladi.



10-rasm. Yuqoridan yon tomon bilan to'p kiritish

Sakrab to'p kiritish. Hozirda sakrab to'p kiritish usuli keng qo'llanilmoqda. Bu usulning asosi orqa (himoya) hududdan hujum zarbasini berishga o'xshashligi sababli uning mohiyati quyiroqda yoritiladi.

Hujum zarbalari. Hujum zarbasi – jamoaning hujum harakatini yakunlovchi samarali usul hisoblanadi. Bu harakatlar to'rning yuqori qismidan balandda amalga oshiriladi. Chunki undan pastroqda amalga oshirilgan hujum harakatlarining samarasi juda pastdir.

Hujum zarbalari yo'nalishiga ko'ra quyidagicha farqlanadi: to'g'ri yo'nalish bo'yicha (bunda zarba berilgan to'p yo'nalishi hujumchining yugurib kelish yo'nalishiga mos tushadi) va yo'nalishni o'zgartirib (bunda zarba berilgan to'p yo'nalishi hujumning yugurib kelish yo'nalishiga mos tushmaydi).



11-rasm. Hujum zarbasi

To'pning uchish tezligiga qarab hujum zarbalari quyidagicha farqlanadi: zarba beruvchi qo'lni orqaga nisbatan qisqa harakatlantirish bilan kuchli (tezkor), kaftli (tezlanishli) va aldamchi (sekin). Hujum zarbasini to'g'ri (to'rga to'g'ri turgan holda) va yon tomon bilan (to'rga nisbatan) bajarish mumkin.

To'g'ri hujum zarbasi berish 4 fazada bajariladi: yugurib kelish; sakrash; to'pga zarba berish; qo'nish (11-rasm). O'z navbatida, bu fazalar ham birqancha mikrofazalarga bo'linadi. Yugurib kelish fazasida hujumchi ikkita asosiy vazimoduli hal etadi: balandroq sakrashga erishish va to'pning uchish tezligi, yo'nalishini to'g'ri aniqlash. Bunda hujumchi birinchidan, bir-ikki "qidiruvchi" qadamlar qiladi (to'p tezligi va yo'nalishini aniqlash maqsadida) va ikkinchidan, sakrash uchun yugurish tezligini oshiradi.

Maqolaning amaliy ahamiyati bevosita uning ilmiy yangiligi va muammosiga nisbatan ijodiy yondashuvdan kelib chiqadi. Empirik qo'llanma dasturini ishlab chiqish usullari, mazmuniy-statistik tahlil, o'ziga xos metodologik yondashuvlarning qo'llanilganligi voleybolga xos texnik usullarga o'rgatish texnologiyasini o'rganish yo'nalishiga o'ziga xos nazariy hissa bo'lib qo'shiladi. Shuningdek, unda qo'lga kiritilgan ilmiy tahlillar va nazariy xulosalar jismoniy madaniyat ta'lim yo'nalishlari bo'yicha o'quv rejasiga kiritilgan "Jismoniy tarbiya nazariyasi va uslubiyati", "Gimnastika va uni o'qitish metodikasi", "Yengil atletika va uni o'qitish metodikasi", "Sport va harakatli o'yinlari va uni o'qitish metodikasi" hamda "Sport menejmenti" kabi modullarni yangi ma'lumotlar bilan boyitadi.

Xulosa qilib aytganimizda, yosh voleybolchilarni tayyorlashda, ularni texnik usullarga o'rgatishda qo'llaniladigan zamonaviy va innovatsion texnologiyalarning aniqlanganligi oila va ta'lim muassasalarida bolalarning kasbiy yo'nalganligini to'g'ri tashkil etish uchun beriladigan tavsiyalarga asos bo'ladi.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**


1. *Ayrapetyans L.R., Pulatov A.A. Voleybol nazariyasi va uslubiyati. Jismoniy tarbiya institutlari va Oliy pedagogika bilim yurtlari uchun darslik. 2011. – 279 b.*
2. *Айрапетянс Л.Р., Годик М.А. Спортивные игры. // Монография. – Т.: Ибн Сино, 1991. – 160 с.*
3. *Айрапетянс Л.Р. Волейбол. // Учебник для высших учебных заведений. – Т.: Зар қалам. 2006. – 240 с.*
4. *Ayrapetyans L.R., Pulatov A.A., Isroilov Sh.X. Voleybol. // Oliy o'quv yurtlari umumiy kurs talabalari uchun o'quv qo'llanma. – T.: 2009. – 77 b.*
5. *Беляев А.В. Обучение технике игры в волейбол и её совершенствование. //Методическое пособие. – М.: Олимпия. Человек, 2008. – 54 с.*
6. *Бержо. Волейбол высшего уровня. // Автор перевода с французского языка Ю.Б.Чесноков. – М.: Олимпия. Человек, 2007. – 31 с.*
7. *Волков Л.П. Теория и методика детского и юношеского спорта. – Киев: Олимпийская литература, 2002. – 294 с.*
8. *Гарипов А.Т., Клещев Ю.Ю., Фомин Е.В. Скоростно-силовая подготовка юных волейболисток. // Методические рекомендатсии. – М.: ВФВ, 2009. – 45 с.*
9. *Годик М.А. Физическая подготовка футболистов. – М.: Терра-Спорт, 2006. – 272 с.*
10. *Железняк Ю.Д., Айрапетянс Л.Р., Пименов М.П., Кунянский В.А. Массовый волейбол (обучение, соревнования, судейство). – Т.: Ибн Сино, 1994. – 144 с.*
11. *Железняк Ю.Д., Петров П.К. Основы научно-методической деятелности в физической културе и спорте. // Учеб.пособие для студ. ВУЗов. – М.: Академия, 2002. – 264 с.*


## МАТЕМАТИКА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ХАЛҚАРО БАҲОЛАШ ТИЗИМИ АСОСИДА ТАШКИЛ ҚИЛИШДА ДИДАКТИК ТАМОЙИЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

## АННОТАЦИЯ


**Дилшод Турдибоев,**
Гулистон давлат университети доценти



***Аннотация***

*Ушбу мақолада халқаро баҳолаш стандартлари асосида таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этишда дидактик тамойиллардан фойдаланишнинг педагогик асосларини яратиш, дидактик ўқув материаллари, ўқув да-*

*стурларини яратишда халқаро баҳолаш мезонлари тамойилларидан фойдаланиш масалалари муҳокама қилинади. Шунингдек, математика бўйича янги ўқув адабиётларда табиатшунослик саводхонлиги, математик саводхонлик, танқидий фикрлаш, ўқиб тушуниш каби тамойилларни фаннинг мазмунига киритиш бўйича услубий тавсиялар берилган.*

***Калит сўзлар:*** *Халқаро баҳолаш, PISA, фан саводхонлиги, математик саводхонлик, танқидий фикрлаш, ижодкорлик ва ижодкорлик, қизиқувчанлик, ташаббускорлик, мослашувчанлик, етакчилик, АКТ саводхонлиги, ўқишни тушуниш, OESD, TIMSS.*

***Аннотация***

*В данной статье рассматривается создание педагогических основ использования дидактических принципов в организации образовательного процесса в общеобразовательных учреждениях на основе международных оценочных стандартов, использование принципов международных критериев оценки при создании дидактических учебных материалов, учебных планов и новой учебной литературы по математике, в этом естественнонаучная грамотность, математическая грамотность, критическое мышление даются методические рекомендации по внедрению таких принципов, как понимание прочитанного, в содержание математической науки.*

***Ключевые слова:*** *Международная оценка, PISA, естественнонаучная грамотность, математическая грамотность, критическое мышление, креативность и креативность, любознательность, инициатива, гибкость, лидерство, ИКТ-грамотность, понимание прочитанного, OESD, TIMSS.*

***Annotation***

*In this article, the creation of pedagogical foundations of the use of didactic principles in the organization of the educational process in general educational institutions on the basis of international assessment sermons, the use of the principles of international evaluation criteria in the creation of Didactic Educational Materials, educational plans and new educational literature in mathematics, in this, natural and scientific literacy, mathematical literacy, critical thinking, , methodological recommendations are given on the absorption of such principles as reading comprehension into the content of mathematical science.*

***Keywords:*** *International Assessment, PISA, natural and scientific literacy, mathematical literacy, critical thinking, creativity and creativity, curiosity, initiative, flexibility, leadership, ICT literacy, Reading Comprehension, OESD, TIMSS.*

Дунё глобаллашув шароитида ривожланиб бораётган бир даврда таълим соҳасини ривожлантиришнинг долзарблиги ортиб бораётганлигини кузатишимиз мумкин. IX асрнинг иккинчи ярмида "Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OESD)" томонидан дунё миқёсида юзага келган турли ижтимоий ва иқтисодий муаммоларнинг ечимини топиш мақсадида илмий изланишлар олиб борилди. Айниқса, ушбу ташкилот негизида дунё бўйича таълимнинг асосий бўғинларидан бири бўлган умумий ўрта таълим тизимини ривожлантириш мақсадида халқаро тадқиқот (PISA, TIMSS) мезонлари асосида таълим жараёнини ташкил қилиш бўйича тадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу OESD ташкилотининг умумий ўрта таълим тизимига эътибор қаратишининг боиси шундан иборатки, жамиятдаги ҳар қандай ташкилот учун рақобатбардош ва креатив фикрлайдиган кадрларни етиштириш мактаб таълимининг сифатига боғлиқдир [3, 4].

Хорижнинг ривожланган мамлакатларида ушбу халқаро тадқиқот мезонларини умумий ўрта таълим мазмунига сингдиришга катта эътибор қаратилган. Жумладан, Австралия, Канада, Германия, Франция, Италия, Япония, Корея, Португалия, Туркия, Полша ва бошқа давлатларда умумий ўрта таълим муассасаларида таълим жараёнини халқаро тадқиқот ўлчовлари асосида ишлаб чиқилган методикалар амалиётга татбиқ қилинган. Шуни айтиш лозимки, ушбу методикаларни ривожланган мамлакатлар қаторида республикамизда ҳам амалиётга жорий қилиш бўйича ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, умумий ўрта таълим фанларидан ўқув дастурлари, ўқув қўлланма ва дарсликларнинг янги авлодини яратишда ҳамда аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикасини такомиллаштиришни жорий қилиш бўйича чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида" № ПФ-5712-сонли Фармонининг 3-боб, 8-бандида Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш мақсадида ўқувчиларнинг ўқиш, математика ва табиий йўналишдаги фанлардан саводхонлик даражасини баҳолашга йўналтирилган муҳим вазифалар ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 декабрда "Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 997-сонли Қарорда халқ таълими тизимида халқаро баҳолаш дастурларидан фойдаланиш ва дастур тадқиқотларида иштирок этиш бўйича вазифалар асосида мазкур мақола долзарб аҳамиятга эга эканлигини кузатишимиз мумкин [1, 2].

Тадқиқот объекти сифатида умумтаълим муассасалари ўқитувчиларининг математика фанини

халқаро баҳолаш тизими асосида таълим жараёнини ташкил қилиш бўйича ўқув-меъёрий ҳужжатлар ва уларга қўйиладиган педагогик ва психологик талаблар асос бўлиб хизмат қилди.

Тадқиқот ишини олиб боришда изланиш мавзусига доир илмий тадқиқот ишлари, умумтаълим муассасалари учун ишлаб чиқилган ДТС, ўқув режа ва дастурлари, ўқув-меъёрий ҳужжатлари, ўқув- услубий адабиётлар ва дарсликлардан фойдаланилди.

Умумтаълим муассасаларида таълим жараёнини халқаро баҳолаш меъзонлари асосида ташкил қилишда дидактик тамойиллардан фойдаланишнинг педагогик асосларини яратиш бугунги кунда долзарб бўлган ва педагогик тадқиқотлар олиб бориш учун етарлича асос бўладиган жараёндир.

Дидактика – бу таълим ва тарбия жараёнини назарий асослаш дегани. Таълим жараёнини амалга оширишда хизмат қиладиган қонун-қоида, тамойиллар, таълиб бериш усуллари, таълим шакллари ва таълим технологияларини яратишнинг назарий жиҳатдан асослаш учун муҳим аҳамият касб этади.

Дидактик қонунлар ҳақида кўпгина философ ва педагог олимлар томонидан ишлаб чиқилган қуйидаги таълим ва тарбия қонунларини келтириб ўтишимиз мумкин.

Интеграция (ўзаро боғлиқлик) қонуни – таълим жараёнида иккита шахснинг ўзаро интелектуал ва руҳий муносабатларнинг ўзаро боғлиқликдаги ривожланиши. Ушбу қонун бўйича таълим жараёнида педагог ва ўқувчиларнинг ўзаро интелектуал муносабатларининг бир йўналишда фаол ҳаракатланиши назарда тутилади.

Машқ қилиш қонуни – ўқувчиларнинг бирор предмет бўйича ўзлаштирган билимини кўникмага, ундан сўнг малакага айлантириш учун фаол таълимий ҳаракат ва уни хотирада сақланиши таъминланишини назарда тутади.

Интенсивлик қонуни – ушбу қонун билимларни белгиланган босқичлар асосида тизимли равишда ўзлаштиришни назарда тутади.

Ассимиляциявийлик қонуни – Бу қонуният ўзаро таъсир реакциясини амалга ошириш жараёни ҳисобланиб, ўқувчилар фан бўйича ўзлаштирган билимларни такрорлаш учун таъсир реакциясини амалга ошириш жараёнидир.

Натижавийлик қонунида таъсир самарали бўлса, ўрганилган билим мустаҳкамланади, аксинча, таъсир сезилмаса, ўрганилган билим тезда унутилади.

Дунё олимлари томонидан педагогик соҳасида олиб борилган илмий тадқиқотлар, педагогик ва психологик тажрибалар, хулоса ва таҳлиллар натижасида яратилган таълим жараёнини амалга оширишнинг дидактик тамойиллари Я.А.Коменский томонидан яратилди.

Онглилик, фаоллик – ўқувчилар томонидан ўзлаштириш шарт бўлган билимларни онгли фикрлаш орқали ўқув фаоллик қобилиятлари тушунилади.

Кўргазмалилик – дидактиканинг бу тамойили ўқувчиларнинг ҳиссий қабул қилиш, абстракт фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш учун муҳим ҳисобланиб, кўргазмали материалнинг кўринишига қараб уни англаш тушунилади.

Тизимлилик ва мунтазамлилик – ўқувчиларга фан бўйича билимни узлуксиз ва интеграциялашган ҳолда, маълум бир тизим асосида бериш тушунилади.

Мустаҳкамлик – ўқувчиларга ўқув фани бўйича билимларни содда, тушунарли ва равон қилиб қайта такрорлаш имконияти асосида бериш тушунилади.

Тушунарлилик – ўқувчиларга билимни ҳаммабоп тилда тушуниш имкониятини содда танлаган ҳолда бериш тушунилади.

Илмийлик – ўқувчиларга билимни олдиндан улардаги ўзлаштирилган билимларга таяниб, фан бўйича билимни янгича нуқтаи назар ҳосил қилиб, ўқувчиларнинг новаторлик қобилиятини ривожлантиришга қаратилган ҳолда билим бериш тушунилади.

Назария ва амалиёт бирлиги – ўқувчиларга назарий билим бериш билан бир қаторда, олган назарий билимларини амалиётда қўллашга ўргатиш ва назария билан амалиёт бирлигини кўрсатган ҳолда билим бериш тушунилади.

Халқаро тадқиқот талаблари асосида умумтаълим фанлардан ўқув материаллари ишлаб чиқишда юқорида санаб ўтилган дидактик тамойилларга қўшимча сифатида қуйидаги тамойилларни эътиборга олиш муҳим ҳисобланади:

Табиий ва илмий саводхонлик – ўқувчиларнинг дунёдаги табиий ҳодисаларнинг рўй бериш қонуниятлари ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари, табиий офатларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларни бартараф қилишнинг илмий-назарий усулларини тақдим эта олиш қобилиятларини шакллантиришдир.

Математик саводхонлик – бу ўқувчиларнинг турли кундалик ҳаётда дуч келадиган муаммоли вазиятларда математик мулоҳаза юритиш, муаммони математик ифодалай олиш кўникмасини шакллантиришдир.

Танқидий фикрлаш – бу ўқувчиларнинг маълумотларни мустақил таҳлил қилиш асосида қарор қабул қилиш ва ўз фикрини мустақил баён қилиш кўникмасини шакллантиришдир.

Ижодкорлик ва креативлик – ўқувчиларни янги ғояларни яратиш, ўқувчиларнинг яратувчанлик қобилиятларни шакллантиришдир.

Қизиқувчанлик – ўқувчиларнинг ҳайётга ва фанга бўлган муносабати бўлиб, бунда ўқувчиларнинг интилиш, фаоллик, зеҳнлилик қобилиятларини шакллантиришдир.

Ташаббускорлик – ўқувчиларни амалий ҳаётга янги-


ISSN 2181-8274

ча дунёқараш ва ижодкорлик, креатив, ижтимоий фаоллик нуқтаи назардан таълим олиши назарда тутилади.

Мослашувчанлик – бунда ўқувчиларни ўзига ишонч, бошқалар билан интелектуал ва маънавий етук мулоқот қилиш, интерналлик, устунликка интилиш кўникмаларини шакллантириш тушунилади.

Етакчилик – ўқувчиларнинг ўзини ортидан эргаштира олиш, бошқарувчилик ва раҳбарлик қобилиятларини шакллантриш тушунилади.

АКТ саводхонлик – ўқувчиларни замонавий ахборот технологияларидан кундалик ҳаётдаги масалаларни ечишда фойдаланиш малакалари ва коммуникатив қобилиятларини ривожлантириш тушунилади. Бунда, ўқувчиларнинг қўйилган муаммони компьютер амалий дастуриларидан фойдаланиб ечиш малакаси шаклланади.

Ўқиб тушуниш – бу ўқувчиларнинг қўйилган масалани ўқиб, унинг мантиқий жиҳатдан тузилиши, мазмуни ва моҳияти, масаланинг шарт ва хулоса қисмларини ажратиш, масаладаги топиш керак бўлган шартни ўқиб тушуниш ва мантиқий хулоса юрита олиш кўникмасини шакллантириш тушунилади.

Тадқиқот ишимизда юқорида келтирилган тамойиллар асосида аниқ ва табиий фанлардан, дидактик ўқув материалларини ва янги ўқув адабиётларини(дарслик, ўқув қўлланмалар) яратиш халқаро баҳолаш (PISA, TIMSS) мезонлари талабини бажаришга асос бўлиб хизмат қилади [5, 6].

Ушбу жиҳатни кўриб чиқиб, таҳлил қилайлик:

Масала. Бемор қуйидаги тартибга бўйсинган ҳолда, даволаниш курсини қабул қилади:

Биринчи куни 5 томчи, кейинги куни олдинги кундагига қараганда 5 томчидан ортиқроқ дори қабул қилади. Бемор 40 томчи қабул қилиш нормасига етганидан кейин эса 3 кун давомида 40 томчидан қабул қилади. Сўнгра қабул қилиш кунини ҳар куни кетма-кетликда 5 томчидан камайтириб боради ва охирги куни эса 5 томчи дори қабул қилади. Агар ҳар бир флаконда 200 томчидан дори бўлса, бемор қанча флаконда дори сотиб олишига тўғри келади ?

Ушбу масалада кўриниб турибди-ки, тиббий, мантиқий, қизиқувчанлик, математик, иқтисодий ва ўқиб тушиниш тамойиллари мужассамлашган бўлиб, ушбу масала кундалик ҳаётимизда учрайдиган вазиятлардаги муаммоларни ўзи ичига олган.

Масала. Фазодан тушиб келаётган жисм биринчи сонияда 5 метр, кейинги ҳар бир сонияда жисм биринчи сониядагидан 10 метр кўпроқ юрди. Эркин тушиб келаётган тушиш бошлангандан сўнг, 5 сониядан кейин ерга тушса, баландлик масофаси неча метр?

Ушбу масалада табиий, мантиқий, қизиқувчанлик, математик ва танқидий ва ўқиб тушиниш тамойиллари мужассамлашган бўлиб, ушбу масала кундалик ҳаётимизда учрайдиган вазиятлардаги муаммоларни ўзи ичига олган.




Навбатдаги масала шарти қуйидагича, расмда тасвирланган графикда берилган маълумотларга кўра, иситилган сувнинг иситиш графиги тасвирланган. Бунда ўқувчилар қуйидаги саволларга жавоб бериши керак бўлади:

Биринчи, тўрт градус (иссиқлик даража) сувнинг ҳарорати неча градусга ўзгарган?

График бўйича охирги икки дақиқада сувнинг ҳарорати неча градусга тенг бўлган?

Ушбу масалада халқаро баҳолаш тамойилларининг кўргазмалилик, табиийи ва илмий саводхонлик, математик саводхонлик тамойиллари мазмунига сингдирилган.

Хулоса, математика фанидан дидактик ўқув материаллари ва янги ўқув адабиётлари яратишда дидактик тамойиллар билан бир қаторда, дидактик қонуниятлар ва халқаро баҳолаш тамойилларидан фойдаланиш, умутаълим муассасаларида математика таълим жараёнини халқаро баҳолаш мезонлари асосида ўқитиш методикасини такомиллаштириш имкониятини беради.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

*1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030-йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида" 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сонли Фармони.*

*2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 8 декабрдаги 997-сонли қарори.*

*3. PISA–2021 Mathematics Framework (second draft), 46th meeting of the PISA Governing Board, 5-7 November 2018 Prague, Czech Republic.*

*4. PISA Mathematics in 2021, An analysis of the center for curriculum redesign (CCR), 2016.*

*5. Implementing the Proposed Mathematics Framework: Recommendations for PISA-2021, Peggy G. Carr, Ph.D., Vice Chair, PISA Governing Board Associate Commissioner, National Center for Education Statistics (NCES) May 25, 2018.*

*6. Assessing Reading, Mathematics and Scientific Literacy: A framework for PISA 2009. OECD, 2009.*

# KATTA MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARDA SOG'LOM TURMUSH TARZINI SHAKLLANTIRISHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

**Latofat Botirova,**
QarDU Maktabgacha ta'lim kafedrasi o'qituvchisi

***Annotatsiya***
*Maqolada katta maktabgacha yoshdagi bolalarda sog'lom turmush tarzini shakllantirishning zaruriyati, pedagog-psixologlarning bolalarda sog'lom turmush tarzini shakllantirish muammosi bo'yicha olib borayotgan tadqiqotlari, sog'liqni saqlash darajalari, sog'lom turmush tarzining asosiy tamoyillari yoritilgan.*
***Kalit so'zlar:*** *texnogen, psixomatik (ruhiy-jismoniy) holat, valeologiya, ratsional ovqatlanish*

***Аннотация***
*В статье описывается необходимость формирования здорового образа жизни у детей старшего дошкольного возраста, исследования педагогов-психологов по проблеме формирования здорового образа жизни у детей, уровни охраны здоровья, основные принципы здорового образа жизни.*
***Ключевые слова:*** *техногенное, психоматическое (духовно-физическое) состояние, валеология, рациональное питание.*

***Annotation***
*The article describes the need to form a healthy lifestyle in children of senior preschool age, the research of educational psychologists on the problem of forming a healthy lifestyle in children, the levels of health care, the basic principles of a healthy lifestyle.*
***Keywords:*** *technogenic, psychomatic (spiritual-physical) state, valueology, rational nutrition.*

Sog'lom turmush tarzi muammosining dolzarbligi ijtimoiy hayotning murakkablashishi, texnogen, ekologik, psixologik, siyosiy va ijtimoiy xavflarning kuchayishi bilan belgilanadi. Ana shu maqsadda O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev 2020-yil 30-oktabrda "Sog'lom turmush tarzini keng tatbiq etish va ommaviy sportni yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PF-6099-sonli qarorini imzoladi.

Ushbu qarorda quyidagilar sog'lom turmush tarzini hayotga keng tatbiq etish va ommaviy sportni yanada rivojlantirishning asosiy yo'nalishlari etib belgilangan: aholi turli guruhlarining sog'lom ovqatlanishga bo'lgan ehtiyojlarini qondirishni ta'minlaydigan shart-sharoitlar yaratish, tarkibida tuz, qand va yog' miqdori ko'p bo'lgan hamda xamirli taom va shirinliklarni, non mahsulotlarini iste'mol qilishni qisqartirish, zararli odatlardan, xususan, alkogol va tamaki mahsulotlarini iste'mol qilishdan voz kechish yo'li bilan kasallikka chalinish, ortiqcha vazn holatlari (semizlik) va bevaqt vafot etishni kamaytirish [1].

Darhaqiqat, ushbu qaror mamlakatimiz fuqarolari salomatligini saqlash, jismoniy chiniqtirish, ommaviy sport tadbirlariga jalb etish hamda sog'lom turmush tarzi bo'yicha hayotiy ko'nikmalarni shakllantirish orqali har bir fuqaroda kasallikka qarshi kuchli immun tizimi paydo bo'lishini ta'minlash, zararli odatlardan voz kechish, to'g'ri ovqatlanish tamoyillariga amal qilish, tiklash va reabilitatsiya ishlari hamda ommaviy jismoniy faollik tadbirlarini tizimli va samarali tashkil qilish kabi masalalarga bag'ishlanadi.

Sog'lom turmush tarzi – ko'plab ichki va tashqi omillar, obyektiv va subyektiv sharoitlar, salomatlik holatiga ijobiy ta'sir ko'rsatadigan harakatlar natijasidir. Sog'lom turmush tarzi inson hayotining boshqa jabhalarini rivojlantirish, faol, uzoq umr ko'rish va ijtimoiy funksiyalarni to'liq bajarish uchun zarur shartdir.

Sog'lom turmush tarzi inson hayotining barcha asosiy shakllarida: mehnat, ijtimoiy, oilaviy, maishiy, dam olishda harakatlar majmuini amalga oshirishni anglatadi. Tor biologik ma'noda biz insonning tashqi muhit ta'siriga va ichki muhit holatining o'zgarishiga fiziologik moslashish qobiliyati haqida gapiramiz. Sog'lom turmush tarzi muammosini o'rganuvchi olimlar ushbu konsepsiyaga quyidagilarni kiritadilar:

1. Atrof-muhitni toza tutish, chekishni tashlash, spirtli ichimliklar, giyohvand moddalarni iste'mol qilmaslik;
2. Insonning to'g'ri ovqatlanishi va harakati;
3.Tana gigiyenasi.

Insonning ruhiy salomatligi sog'lom turmush tarzi tushunchasiga ham tegishli. Bu insonning quvnoq kayfiyati, xotirjamligi, faolligi bilan ifodalangan ruhiy farovonlik holati, to'liq psixologik faollik deb ta'riflanadi. Psixologik salomatlikning asosi ontogenezning barcha bosqichlarida to'laqonli aqliy rivojlanishdir. Ta'lim psixologik xizmatining eng muhim maqsadlaridan biri shunday rivojlanishni ta'minlaydigan psixologik-pedagogik sharoitlarni yaratishdir.

Ko'plab manbalarni o'rgangan holda, sog'lom turmush tarzining asosiy tamoyillari sirasiga quyidagilarni kiritdik:

1. Sog'lom turmush tarzining yaratuvchisi – biologik va ijtimoiy jihatdan faol mavjudot sifatida (individual va ijtimoiy) foydali ma'naviy yoki jismoniy faoliyat.
2. Yomon odatlardan voz kechish (alkogol, chekish,

giyohvand moddalar va zaharli moddalarni suiiste'mol qilmaslik).

3. Ratsional ovqatlanish tamoyillariga rioya qilish (sifat jihatdan muvozanatli – oqsillar, yog'lar, uglevodlar, vitaminlar, mikroelementlar va iste'mol qilinadigan mahsulotlarning miqdoriy va energiya qiymati, hayot jarayonida energiya sarfi).

4. Ratsional jismoniy faoliyat.

5. Inson hayotining barcha sohalarini tartibga soluvchi umuminsoniy normalar, axloq tamoyillariga rioya qilish va boshqalar.

Bolalar uchun sog'lom turmush tarzining obyektiv omillari orasida quyidagilar ajralib turadi:

- atrof-muhit sifati (havo, suv, tuproq holati), oziq-ovqat, uy-joy, kiyim-kechak;
- jismoniy tarbiya, sport majmualari va inshootlari (stadionlar, suzish havzalari, sog'lomlashtirish markazlari va boshqalar);
- sport jihozlari va boshqalarning mavjudligi.

Katta maktabgacha yoshdagi bolalar sog'lom turmush tarzi haqidagi g'oyalarni barqaror shakllantirish uchun barcha shart-sharoitlarga ega:

- aqliy jarayonlarda faol rivojlanadi, o'z-o'zini hurmat qiladi, mas'uliyat hissi o'sib boradi;
- jismoniy va funksional rivojlanishda ijobiy o'zgarishlar seziladi;
- bolalar to'g'ri pozitsiyani saqlab qolish va ko'rsatishga qodir bo'ladilar.

Bolalar uy vazifalarini mustaqil ravishda bajarishga qodir, o'z-o'ziga xizmat ko'rsatish ko'nikmalariga ega, o'yinda, jismoniy faollikning namoyon bo'lishida maqsadga erishish uchun irodali harakatlar qiladi. Katta maktabgacha yoshdagi bolalarning fiziologik holatiga ularning psixo-emotsional holati katta ta'sir ko'rsatadi, bu esa, o'z navbatida, aqliy munosabatlarga bog'liq. Shuning uchun olimlar katta yoshdagi maktabgacha yoshdagi bolalar uchun sog'lom turmush tarzining quyidagi jihatlarini aniqlaydilar:

- hissiy farovonlik: aqliy gigiyena, o'z his-tuyg'ularini yengish qobiliyati;
- intellektual farovonlik: insonning yangi sharoitlarda optimal harakat qilish uchun yangi ma'lumotlarni o'rganish va undan foydalanish qobiliyati;
- ma'naviy farovonlik: haqiqatan ham mazmunli, konstruktiv hayotiy maqsadlar qo'yish va ularga intilish qobiliyati;
- optimizm.

Katta maktabgacha yoshdagi bolalarni tarbiyalash va rivojlantirish bo'yicha dasturlarni tahlil qilish shuni ko'rsatadiki, katta maktabgacha yoshdagi bolalarning sog'lom turmush tarzi haqidagi g'oyalarini shakllantirishdan farqli o'laroq, ta'lim jarayonida yetakchi o'rinni jismoniy tarbiya egallaydi. Maktabgacha ta'lim tashkilotining katta maktabgacha yoshdagi bolalarning jismoniy rivojlanishiga bunday e'tibori bolalar tanasining xususiyatlariga bog'liq: bolaning bo'yi o'sadi, tana vazni oshadi, motor faolligi rivojlanadi.

Katta maktabgacha yoshdagi bolalarda sog'lom turmush tarzini shakllantirish uchun ular salomatligi, jismoniy rivojlanishini mustahkamlaydigan maxsus mashqlardan foydalanish lozim bo'ladi. Buning uchun maktabgacha ta'lim tashkiloti guruhlarida har kuni ertalabki mashqlar o'tkazilib boriladi. Bunday mashqlarning asosiy maqsadi bolalarda quvnoq kayfiyatni hosil qilish, sog'lig'ini yaxshilash, epchillik, jismoniy kuchni rivojlantirishdir. Bunday mashg'ulotlar musiqa bilan birga olib borilsa, yanada samaraliroq bo'ladi. Chunki musiqa bolaning hissiy rivojlanishiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi va ularning kun davomida yaxshi kayfiyatda bo'lishiga olib keladi.

Katta yoshdagi maktabgacha yoshdagi bolalarning sog'lom turmush tarzini shakllantirish uchun ochiq o'yinlar muhim ahamiyatga ega. Ular guruhda, maxsus mashg'ulotlarda, yurish paytida va ta'limiy faoliyatlar orasidagi oraliq intervallarda o'tkaziladi. Ochiq o'yinlar, albatta, musiqa mashg'ulotlariga kiritiladi. Katta maktabgacha yoshdagi bolalarning o'yinlari tarbiyachi-pedagog tomonidan, lekin ko'pincha bolalarning o'zlari tomonidan tashkil etiladi. Qoidaga ko'ra, bolalar kichik guruhlarda o'ynashadi. O'yinda quvonch, mustaqillik hissi katta yoshdagi maktabgacha yoshdagi bolalarni yanada ko'proq jismoniy faollikka intilish va sog'lom turmush tarzini tashkil etishga undaydi. Katta maktabgacha yoshdagi bolalarning sog'lom turmush tarzi haqidagi g'oyalarini shakllantirish jarayoni ularda toza-ozodalik va tartibni sevishni singdirish bilan chambarchas bog'liq. Har kuni ertalabki mashqlardan tashqari, katta maktabgacha yoshdagi bolalar bilan maxsus jismoniy tarbiya mashg'ulotlari o'tkaziladi. Bundan maqsad – bolalarni harakatlarning to'g'ri bajarilishini, tanani muvofiqlashtirishni rivojlantirishga va mustaqil vosita faolligini oshirishga qaratilgan turli mashqlarni o'rgatish. Mashg'ulotlar maxsus xonada musiqa jo'rligida o'tkaziladi. Harakatlarni rivojlantirish, katta maktabgacha yoshdagi bolalarning motor faolligini tarbiyalash yurish paytida amalga oshiriladi. Ko'pgina maktabgacha ta'lim tashkilotlarida bolalar vaqt o'tkazadigan yaxshi jihozlangan joylar mavjud. Har bir yurish muayyan tarkibga ega bo'lishi mumkin.

Shunday qilib, sayr qilish uchun tarbiyachi bir qator ochiq o'yinlarni, estafeta poygasini, guruhda u bilan keyingi ishlash uchun tabiiy materiallar to'plamini, musobaqa va hokazolarni rejalashtiradi. Katta maktabgacha yoshdagi bolalarning sog'lom turmush tarzi haqidagi g'oyalarini shakllantirish ularning hayoti va sog'lig'ini himoya qilish bilan chambarchas bog'liq. Bolaning hayoti va sog'lig'ini himoya qilish qoidalari maktabgacha ta'lim tashkilotlari xodimlari uchun maxsus ko'rsatmalar va uslubiy xatlarda belgilangan. Tashkilotda bolalar salomatligi doimiy ravishda tibbiy nazoratga olinib, uni mustahkamlash bo'yicha

profilaktika choralari ko'rilada. Bolalarni tarbiyalash bo'yicha kompleks dasturlarning mualliflari katta maktabgacha yoshdagi bolalarning sog'lom turmush tarzi haqidagi g'oyalarini shakllantirishga katta e'tibor berishadi: tozalik va aniqlik zarurati, xulq-atvor madaniyati va mustaqil jismoniy faoliyat va boshqalar. Dasturda shuningdek, gigiyenik madaniyat asoslarini tarbiyalash ko'zda tutilgan. Agar kichik guruhda bolalarni to'g'ri yuvinish, kiyinish va hokazolarga o'rgatilsa, katta maktabgacha yoshda bolalar sog'lom turmush tarzi haqidagi dastlabki g'oyalarni o'zlashtiradilar; jarohatlar bilan kurashishning ba'zi usullarini o'rganadilar. Katta maktabgacha yoshdagi bolalarning sog'lom turmush tarzi haqidagi g'oyalarini samarali shakllantirish faqat bolalar tashkilotining kun tartibiga qat'iy rioya qilgan holda amalga oshirilishi mumkin. Rejim – bu har bir bolaning to'liq jismoniy va aqliy rivojlanishiga qaratilgan bolalar hayotining qat'iy belgilangan, pedagogik va fiziologik jihatdan oqlangan tartibi. Katta yoshdagilar uchun ushbu yosh toifasidagi bolalarga mos keladigan o'z rejimi o'rnatiladi. Kundalik tartib bu nafaqat tartibga solinadigan o'yin-kulgi, balki shifobaxsh va tarbiyaviy ahamiyatga ega bo'lgan bolalarning maxsus tashkil etilgan hayoti. Kun tartibi bolalarni, birinchi navbatda, madaniy va gigiyenik odatlarni tarbiyalashga yordam beradi. Tengdoshlar va kattalar bilan muloqot qilish, bolalarni intizomli qilish, faol, mustaqil bo'lishga yordam beradi. Yurish va kunduzgi uyqu katta maktabgacha yoshdagi bolalarning sog'lom turmush tarzi haqidagi g'oyalarini shakllantirishga ijobiy ta'sir ko'rsatadi. Salomatlik qiymatidan tashqari, ular bolaning harakatlarini, uning jismoniy faolligini rivojlantirishga hissa qo'shadilar; dam olish va dam olish zonalarini yaratish; bolalarning asab tizimini mustahkamlash katta ahamiyat kasb etadi.

Xulosa sifatida ta'kidlash joizki, shaxsning qadriyat yo'nalishlari orasida sog'lom turmush tarziga g'amxo'rlik birinchi o'rinda turishi va tegishli xulq-atvor orqali amalga oshirilishini unutmasligimiz kerak. Ayniqsa, kishilarda sog'lom turmush tarzida amal qilishni maktabgacha yoshdanoq boshlash maqsadga muvofiq. Bu, avvalo, oila va jamiyat uchun har tomonlama sog'lom, ma'naviy yetuk insonlarni tarbiyalashga bo'lgan ishlar samaradorligini oshirishga xizmat qiladi.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

*1.O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 30-oktabrdagi "Sog'lom turmush tarzini keng tatbiq etish va ommaviy sportni yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PF-6099-sonli qarori. https://lex.uz/docs/-5077667*

*2. Виноградов, П.А., Душанин, А.П., Жолдак, В.И. Основы физической культуры и здорового образа жизни: Учебное пособие. – М.: Советский спорт, 1996. – 287 с.*

*3. Дерюгина М. Ю. Педагогические условия формирования здарового образа жизни учащихся: дис....пед. нау: – Москва, 2007. – 170 с.*

*4. Казин, Э.М. Основы индивидуального здоровья человека: введение в общую и прикладную валеологию. – М.: Владос, 2000. – 192 с.*

# TALABALARNING KASBIY KOMPETENTLIGINI SHAKLLANTIRISH SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA INNOVATSION TA'LIM VOSITALARIDAN FOYDALANISH

**Abror Inatov,**
Samarqand davlat universiteti

***Annotatsiya***

*Maqola informatika sohasidagi bo'lajak mutaxassislarning kasbiy kompetentsiyasini shakllantirish jarayonida innovatsion o'qitish vositalaridan foydalanish malakasiga bag'ishlangan. Ta'lim jarayonida talabalarning kasbiy kompetensiyasini shakllantirish samaradorligini oshirishda axborot tizimlari va texnologiyalari, internet va elektron axborot resurslaridan foydalanish usullari ko'rib chiqiladi.*

***Kalit so'zlar:*** *innovatsion ta'lim, kasbiy kompetentlik, innovatsion ta'lim vositalari, axborot tizimi, axborot texnologiyalari, internet tarmog'i, elektron axborot resurslari, innovatsion ta'lim metodikasi.*

***Аннотация***

*Статья посвящена проблеме использования средств инновационного обучения в процессе формирования профессиональной компетенции будущих специалистов в области информатики. Рассмотрены вопросы применения информационных систем и технологий, интернет и электронные информационные ресурсы для повышения эффективности формирования профессиональной компетенции студентов в учебном процессе.*

***Ключевые слова:*** *инновационное образование, профессиональный компетентность, средств инновационных обучения, информационная система, информационные технологии, интернет, электронные информационные ресурсы, методика инновационного обучения.*

***Annotation***

*The article is devoted to the problem of using the means of innovative education in the process of forming the professional competence of future specialists in the field of informatics. The issues of application of information systems and technologies, the Internet and electronic information resources to improve the efficiency of the formation of students' professional competence in the educational process are considered.*

***Keywords:*** *innovative education, professional competence, innovative learning tools, information system, information technology, Internet, electronic information resources, innovative learning methodology.*

Bugungi kunda barcha sohalar kabi ta'lim jarayonida ham axborot texnologiya vositalaridan samarali foydalanish muhim masalalardan biri bo'lib, ta'lim jarayonini axborotlashtirish uning moddiy texnik bazasini boyitish, o'quv jarayonida axborot-kommunikatsion texnologiyalari, internet tarmog'i va elektron axborot resurslari vositalaridan samarali foydalanish metodikasini ishlab chiqish zaruriyati paydo bo'lmoqda. O'z navbatida, bu jarayonni ta'limdagi eng muhim strategik yo'nalishlardan biri – ta'lim muassasalarining innovatsion faoliyati bilan bog'liq holda amalga oshirish lozim bo'ladi.

Innovatsion ta'limning samaradorligi shundan iboratki, uning qatnashchilari yaxlit tizimli bilimga ega bo'ladi va mustaqil ijodiy fikrlash qobiliyatlari rivojlanishi negizida informatika sohasidagi bo'lajak mutaxassislarning kasbiy kompetensiyaga oid boshlang'ich ko'nikmalari shakllantirilib, o'quv-tarbiyaviy jarayonini amaliyot bilan bevosita bog'lab olib borishni ta'minlaydi. Shuning uchun ham u o'qitishning rivojlantiruvchi yuqori samarali usullaridan biri hisoblanadi.

Ta'lim jarayonidagi innovatsion o'zgarishlar, tizimga har qanday yangilikning kiritilishi bevosita o'qituvchi faoliyatini yangilash va o'zgartirish orqali amalga oshirilishi ham atroflicha o'rganilgan [2]. Innovatsion ta'lim – bu uzluksiz ravishda yangiliklar asosida ishlash bo'lib, u uzoq vaqt davomida shakllanadi va takomillashib boradi, shuningdek, yangi ijtimoiy talablar bilan an'anaviy me'yorlarning mos kelmasligi yoki amaliyotning yangi shakllanayotgan me'yori yuzaga kelgan me'yor bilan to'qnashuvi natijasida vujudga kelgan qator muammolarni yechishga qaratiladi. Innovatsiyalar doimiy ravishda pedagogik faoliyatga yangiliklar olib kirish orqali ta'lim rivojiga hissa qo'shadi, pedagogik faoliyatga ijobiy ta'sir ko'rsatadi. Jumladan, bo'lajak mutaxassislar ham innovatsion texnologiyalardan o'z faoliyatlarida malakali mutaxassis sifatida foydalana olishlari uchun ma'lum bir ma'noda shu yo'nalish bo'yicha bilim, ko'nikma va malakalarga ega bo'lishi zarur.

Innovatsion ta'lim talabalarni egallayotgan bilimlarni o'zlari qidirib topishga, mustaqil o'rganish, tahlil qilish va olingan bilimlardan o'zlari xulosa chiqarish; talaba va o'qituvchi faoliyatiga o'zgarish, yangilik kiritish, o'quv jarayonida zamonaviy metodlardan to'liq foydalanishni, talaba bilan birgalikda faoliyat orqali ta'lim mazmuniga ta'sir ko'rsatadigan vositalarni o'z ichiga oladi.

Hozirgi kunda talabalarning kasbiy kompetentligini shakllantirish samaradorligini oshirishda innovatsion ta'lim vositalari axborot texnologiyalari, internet tarmog'i, elektron axborot resurslaridan samarali foydalanish ta'lim sifatini keskin oshishida, nafaqat ta'lim tizimini, balki jamiyatni axborotlashtirishda, respublika iqtisodiyotining rivojlanishida va jahon axborot muhitida respublikamiz o'zining munosib o'rniga ega bo'lishida muhim omil bo'lib xizmat qiladi.

Ta'lim jarayonida talabalarning kasbiy kompetentligini shakllantirish samaradorligi zamonaviy dasturiy ta'minotning tarkibi, sifati, undan dars jarayonida foydalanish o'rni, darajasi, usullari kabi omillardan iborat ko'rsatkichlar bilan ma'lum bir darajada aniqlanadi.

Talabalarning kasbiy kompetentligini shakllantirishda axborot texnologiyalaridan foydalanish sifat va miqdoriy jihatdan samarador hisoblanadi, agar u ta'lim jarayoni maqsadi va talabiga mos kelsa, ya'ni u qo'yidagilarni ta'minlasa:

– talabalarning o'quv jarayonida axborotlar, shu jumladan, elektron axborot resurslaridan foydalanish imkoniyati;

– talabalar uchun elektron axborot resurslar, ya'ni zamonaviy dasturiy vositalar, elektron o'quv adabiyotlari yetarliligi va foydalanish sifati samaradorligi;

– olinadigan axborotlarning to'liqligi, tezkorligi va ishonchliligi;

– axborotni izlash, olish, qayta ishlash va uzatishning qulayligi.

Ta'lim jarayonida talabalarning kasbiy kompetentligini shakllantirish samaradorligi ta'lim muassasasida o'quv-tarbiya jarayonini sifatli va optimal tashkil etish hamda quyidagi sifatlar bilan asoslanishi maqsadga muvofiq:

– agar elektron axborot resurslarni yig'uvchi, saqlovchi va axborot xizmatlarni ko'rsatuvchi elektron axborot tizim mavjud bo'lsa va u talab darajasida faoliyat ko'rsatsa;

– ta'lim sifatini boshqarish jarayonining asosiy qismi bo'lgan ta'lim muassasasining axborot muhiti sifatini tahlil qilish va baholash tizimi yaratilgan hamda fao-

liyat ko‘rsatayotgan bo‘lsa;

– talabalar uchun axborot muhiti internet tarmog‘i orqali boshqa axborot muhitlari elektron axborot resurslari bilan integrallashgan bo‘lsa;

– talabalarning zamonaviy axborot kommunikatsion texnologiyalari bo‘yicha savodxonligini shakllantirish va rivojlanish darajasiga moslashtirish maqsadida kompyuter savodxonligini oshirish usullari tashkil qilingan bo‘lsa;

– talaba va o‘qituvchilar foydalanishlari uchun mo‘ljallangan va turli ko‘rinishidagi elektron axborot resurslar mavjud bo‘lsa;

– o‘quv jarayonini tashkillashtiruvchi va o‘tkazuvchi zamonaviy axborot texnologiyalari, shu jumladan, elektron kataloglar, Internetda ishlash imkoniyati hamda global tarmoqlar bilan yuqori tezlikdagi muloqot vositasi mavjud bo‘lsa;

– ta’lim muassasasining lokal tarmoqlari zamonaviy dasturiy vositalar bilan ta’minlangan bo‘lsa.

Zamonaviy axborot texnologiyalari asosida talabalarning kasbiy kompetentligini shakllantirish samaradorligi oshirish quyidagi yo‘nalishlarda amalga oshiriladi:

– axborot-telekommunikatsion texnologiyalar o‘rganish ob’ekti sifatida, ya’ni yangi axborot texnologiyalar, ularning tarkibiy qismlar va foydalanish sohalari bo‘yicha umumiy tushuncha va malakalarga ega bo‘ladilar;

– axborot-telekommunikatsion texnologiyalar o‘qitish vositasi sifatida, ya’ni zamonaviy axborot va pedagogik texnologiyalar asosida bilim beriladi hamda ma’ruza, amaliy va laboratoriya mashg‘ulotlari kompyuterlarning zamonaviy dasturiy vositalari asosida tashkil etiladi;

– o‘quv jarayonini boshqarish vositasi sifatida, ya’ni ta’lim muassasasining barcha ish faoliyati, jumladan, o‘quv, ma’naviy-ma’rifiy va ilmiy tadqiqot ishlari samaradorligini oshirish uchun axborotlashtirish, tahlil va bashorat qilish tizimini yaratish vositalari o‘rgatiladi;

– ilmiy tadqiqot va pedagogik izlanishlar samaradorligini oshirish uchun zamonaviy axborot tizimlarini yaratish va tatbiq etish bo‘yicha bilim va malakalar shakllantiriladi.

Axborot texnologiyalari yordamida talabalarning kasbiy kompetentligini shakllantirish quyidagi afzalliklarga ega:

– talabalar bevosita ko‘rib bo‘lmaydigan jarayonlarni texnik vositalar yordamida kuzatadi, ya’ni vizual ko‘rish amalga oshiriladi;

– o‘quv materiallari chuqurroq va mukammalroq o‘zlashtiriladi;

– vaqt tejaladi;

– olingan bilimlar amalda qo‘llaniladi va talabalar xotirasida uzoq vaqt saqlanadi.

Axborot texnologiyalari yordamida o‘quv materiallarini obrazlar ko‘rinishida ifodalash talabalarning o‘qish-bilish jarayonining hamma komponentlariga u yoki bu tarzda ta’sir etishi mumkin. Bunda, ayniqsa, talabalarning o‘quv materiallarini qabul qilish, ma’nosini anglash, yodda saqlash, ularni qayta-qayta takrorlash imkoniyati mavjudligi kabi jihatlarini ko‘rsatish mumkin. Bundan tashqari, bu usul talabalarni o‘qishga nisbatan emotsional yondashishini rivojlantiradi va ularning ko‘p kuch sarf qilmasdan o‘quv materialini o‘zlashtirishga erishishlarini ta’minlaydi.

Zamonaviy axborot va kompyuter texnologiyalaridan foydalanib talabalarning kasbiy kompetentligini shakllantirishda asosiy e’tibor axborot resurslari va jamiyatning axborotlashuvi, internet tarmog‘idan axborotlar izlash va topish, ta’lim tizimida yangi axborot texnologiyalaridan foydalanish, axborot texnologiyalari asosida o‘quv-uslubiy va pedagogik-tadqiqot faoliyatlarini shakllantirish, ularning mavzularni o‘zlashtirishiga qaratilishi muhim hisoblanadi.

Ta’lim muassasalarida talabalar kasbiy kompetentligining rivojlanishini ta’minlaydigan, ijtimoiy talablarini qondirishga hamda talabalarni o‘z iqtidori, bilimi, malakasini namoyon qilishga yo‘naltirilgan, shuningdek, ularning madaniy, ta’limiy va ilmiy salohiyatini, ya’ni kompetentligini rivojlantirish va boshqarishga mo‘ljallangan axborot tizimini yaratish zaruriyati paydo bo‘lmoqda. Bunda zamonaviy axborot kommunikatsion texnologiyalari vositalari bilan amalga oshiriladigan har qanday muloqot ularni axborot tizimini kengaytirish, bilim egallash va mustaqil ta’lim olishi uchun sharoitlar yaratish, ta’lim-axborot resurslaridan o‘z kasbiy faoliyatida foydalanish, muloqotda bo‘lish, zarur ma’lumotlarni izlash va topish, tarmoqning turli ijtimoiy va ta’limga oid saytlarida ishlay olish, shu bilan birga, kasbiy kompetensiyasini rivojlantirish imkoniyatini beradi.

Ta’lim muassasalarida talabalarning kasbiy kompetentligini shakllantirishni takomillashtirishiga yo‘naltirilgan axborot tizimi – bu ta’lim sifatini ta’minlash va ta’lim jarayonining barcha sub’ektlari rivojlanishi, talabalarning mustaqil bilim olishi va ilmiy izlanish faoliyatiga kerakli sharoitlarni yaratishga yo‘naltirilgan axborot tizimidir.

Bunday turdagi axborot tizimi ta’lim tizimiga kompyuter texnikasi va telekommunikatsiyalarni joriy qilish sharoitida o‘z samaradorligini namoyish qila oladi. Ta’lim muassasalarida talabalarning kasbiy kompetentligini shakllantirish samaradorligini oshirishda zamonaviy kompyuter texnologiyalarining ta’lim tizimiga joriy qilinishi axborot tizimini rivojlantirish bo‘yicha quyidagi eng muhim imkoniyatlarni yaratadi:

– talabalarning ta’lim sohasida mustaqil ta’lim olish va o‘z ustida mukammal ishlash faoliyatini tashkil etishga yordam berish;

– bo‘lajak mutaxassislarni ilg‘or pedagogik tajribalarni o‘rganish, umumlashtirish va ish faoliyatida ulardan foydalanish;

– kasbiy faoliyat va boshqa sohalarga tegishli axborotlarni yig‘ish, saqlash va qayta ishlash;

– bilim va mahoratlarini yangilash hamda chuqurlashtirish;

– dars jarayonini yangi axborot va pedagogik texnologiyalar asosida tashkil etish.

Axborot tizimi talabalar, pedagoglar va ta’lim xodimlari uchun uslubiy muhit yaratish, kerakli axborotdan samarali foydalanish, zamonaviy axborot manbalaridan uslubiy yordam olish, o‘z faoliyati yuzasidan kerakli bilim, ko‘nikma va malakalarni shakllantirish uchun xizmat qiladi.

Bugungi kunda ta’lim muassasalarida talabalarning kasbiy kompetentligini shakllantirish samaradorligini oshirishda tarmoq texnologiyasi nafaqat axborotlarni uzatishda, balki muloqotda ham muhim rol o‘ynaydi. Lokal tarmoqni tashkil etish va Internetdan foydalanish o‘quv muassasasini axborotlashtirish jarayoni sifati hamda axborot-kommunikatsion texnologiyalarini dars jarayoniga joriy etishning samaradorlik darajasini oshiradi.

Ta’lim muassasasining lokal tarmog‘i muassasaning axborot-kommunikatsion texnologiyalari vositalaridan foydalanish ma’lumotlarni tezkor almashtirish imkonini beradi.

Internetga ulanish ta’lim jarayonida talaba va pedagoglarga nafaqat elektron pochta, balki World Wide Web (WWW) , arxiv faylarni yuklash xizmatidan, telekonferensiyalar va yig‘inlarda ishtirok etish, Internetda interfaol muloqot ta’lim-tarbiya jarayonini tashkil etish uchun zarur ma’lumotlar, shu jumladan, matnlar, ovozli xabarlar, videotasvirlarni almashtirish imkonini beradi.

Bo‘lajak mutaxassislarning ish faoliyati ko‘proq axborotlarni to‘plash, saqlash, qayta ishlash va uzatish bilan bog‘liq bo‘lganligi uchun, ushbu axborotlardan zamonaviy kompyuter va axborot texnologiyalari asosida samarali foydalana olish kasbiy kompetentligini mukammal egallash zarururiyati paydo bo‘ladi.

Talabalarning kasbiy kompetentligini shakllantirish samaradorligini oshirish jarayonini internet texnologiyalari asosida tashkillashtirish orqali quyidagilarga ega bo‘ladilar:

– noan’anaviy manbalar, ya’ni internet tarmog‘i va turli saytlardan foydalanib o‘qish va o‘rganish;

– mustaqil bilim olish, o‘z ustida ishlash, bilimini boyitish;

– o‘rganish va ishlash faoliyati sohalarini kengaytirish va yangi imkoniyatlarni yaratish;

– izlanuvchanlik, o‘ziga nisbatan talabchanlik va ijodiy qobiliyatlarini namoyon etish;

– jamiyatda va fan texnika taraqqiyoti natijasida ro‘y berayotgan voqea va yangiliklardan har doim xabardor bo‘lish hamda ulardan amaliy ish faoliyatlarida foydalanish.

Internet tarmog‘ining vositalari asosida talabalarning kasbiy kompetentligini shakllantirish samaradorligini oshirish natijasida quyidagi imkoniyatlar yaratiladi:

– talabalarda bilish ehtiyoji shakllanadi va ularning bilish faoliyati faollashadi;

– talabalarda fanni o‘rganishga qiziqishni va internet bilan ishlashni o‘rganishga bo‘lgan ishtiyoqni oshiradi;

– internetdan foydalanish bilan bog‘liq dunyoni ilmiy bilishning hozirgi zamon metodlari bilan tanishtiradi;

– ta’limda talabaning individuallik darajasini oshiradi va ijodkorlik qobiliyatini rivojlantiradi;

– materiallar mazmunining xilma-xilligini ta’minlaydi va ta’limda foydalaniladigan o‘quv materiallari doirasini kengaytiradi;

– ta’limda ko‘rgazmalilikni kuchaytiradi;

– o‘quvchilarning o‘z-o‘zini nazorat qilishi, ya’ni baholash jarayonining omillarini kengaytiradi va h.k.

Xulosa qilib aytganda, talabalarning kasbiy kompetentligini shakllantirish samaradorligini oshirishda innovatsion ta’lim vositalaridan foydalanish quyidagi imkoniyatlarni beradi:

– talabalarning fanni o‘rganishga bo‘lgan qiziqishini oshiradi;

– kompyuter bilan ishlashni o‘rganishga bo‘lgan ishtiyoqini oshiradi;

– kompyuterlardan foydalanish bilan bog‘liq dunyoni ilmiy bilishning hozirgi zamon metodlari bilan tanishtiradi;

– ta’limda talabaning individuallik darajasini oshiradi;

– talabalarning ijodkorlik qobiliyatini rivojlantiradi;

– materiallar mazmunining xilma-xilligini ta’minlaydi;

– ta’limda foydalaniladigan o‘quv materiallari doirasini kengaytiradi;

– ta’limda ko‘rgazmalilikni kuchaytiradi.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**


1. *O‘zbekistan Respublikasi Prezidentining Farmoni “2017–2021-yillarda O‘zbekistonni rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasi to‘g‘risida”. //7-aprel, 2017-yil.*

2. *R.Ishmuxamedov, M.Yuldashev. Ta’lim va tarbiyada innovatsion pedagogik texnologiyalar (ta’lim tizimi xodimlari, metodistlar, o‘qituvchilar, tarbiyachi va murabbiylar uchun o‘quv qo‘llanma) -T.: 2013. – 279 b.*

3. *Зеленецкая Т. О формировании компетентностей/ Т. Зеленецкая // Высшее образование в России. –2005. – №6. – С. 108-111.*

4. *Михелкевич В.Н. Инновационные педагогические технологии/ В.Н.Михелкевич, В.М. Нестеренко, П.Г. Кравцов. – Самара, 2001. – 88с.*

5. *Шамсутдинова Т. М. Формирование профессиональных компетенций студентов в контексте информатизации высшего образования // Открытое образование, 2013. № 6.*

# ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИНГ АҲАМИЯТИ

**Дилафруз Каримова,**
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Халқаро муносабатлар ва ижтимоий фанлар кафедраси
доценти, юридик фанлар доктори

***Аннотация***

*Ушбу мақолада олий таълим тизимида талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари, мустақил таълим тушунчаси, назарий асослари ва унинг бугунги кундаги аҳамияти тадқиқ этилган. Шунингдек, мақолада кредит-модуль тизимида талабалар мустақил таълимининг мақсади, вазифалари, функциялари, принциплари ва мустақил таълим самарали натижа бериши учун унга қўйилган талаблар ёритилган.*

***Калит сўзлар:*** *Олий таълим, мустақил таълим, талаба, кредит-модуль таълим тизими, таълим самарадорлиги.*

***Аннотация***

*В данной статье исследуются правовые основы организации самостоятельного обучения студентов в системе высшего образования, понятие самостоятельного обучения, теоретические основы и его значение на сегодняшний день. Также в статье выделены цель, задачи, функции, принципы самостоятельного обучения студентов в кредитно-модульной системе и требования к самостоятельному обучению для получения эффективных результатов.*

***Ключевые слова:*** *Высшее образование, самостоятельное обучение, студент, кредитно-модульная система обучения, эффективность обучения.*

***Annotation***

*This article explores the legal framework for organizing student self-study in the higher education system, the concept of self-study, the theoretical foundations and its significance today. The article also highlights the goal, objectives, functions, principles of self-study of students in the credit-modular system and the requirements for self-study to obtain effective results.*

***Keywords:*** *Higher education, self-study, student, credit-modular system of education, learning efficiency.*

Бугунги даврда ахборот ва янги технологияларнинг кучли оқими кун сайин ортиб бормоқда. Шу аснода инсониятнинг илмлилик даражаси ҳам ўсиб бормоқда. Статистик маълумотларга кўра, инсоният жамғариб бораётган билимлар кўлами ҳар 6-7 йилда икки баробарга кўпаймоқда[4, 27]. Аммо бошқа бир томондан олиб қарайдиган бўлсак, бундай кескин ўсиш мутахассисларнинг олган билимлари "эскириши"га олиб келади. Экспертларнинг таҳлилига қараганда, ҳар йили 15-20% билимлар амортизациясини кузатиш мумкин [4, 27]. Мана шундай факторлар таълим системасини замон билан ҳамнафас олиб бориш, бозор иқтисодиёти эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, инсоннинг бутун умрини қамраб олувчи узлуксиз таълимни жорий этиш ғоясини илгари суради. Ҳозирда таълим тизимига татбиқ этилаётган таълимнинг янги, замонавий концепцияси юртимизда азалдан тарғиб қилинган "Бешикдан то қабргача илм изла" деган пурмаъно қоидани ўзида мужассам этади десак, муболаға бўлмайди. Кредит-модуль тизимида эса талабаларнинг ҳар бири ўзининг қобилияти ва қизиқишидан келиб чиқиб индивидуал йўналтирилган таълим олиш ва бунда барча билан тенг имкониятларга эга бўлиши назарда тутилади.

Талабаларнинг мустақил таълим жараёнини тўғри ташкил этиш кредит-модуль тизимида замонавий таълим жараёнининг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Зеро, А.Мамфольд таъкидлаганидек: "Одамларга кераксиз билимларни бергандан кўра, уларга самарали билим олишларида кўмаклашиш зарур [1, 34]". Бугунги кун таълим тенденцияси ҳам талабани ўқитиш эмас, балки талаба ўқиши учун барча шарт-шароитларни яратиб беришни назарда тутмоқда. Яъни замонавий таълимдаги анъанавий "таълим бериш" парадигмасининг ўрнини янги "таълим олиш" парадигмаси эгаллаб бормоқда. Бунда талаба ўқитилаётган билимнинг пассив истеъмолчиси эмас, балки у олинган билимлар асосида фанга доир ҳар қандай масалада ўз позициясига эга, муаммони таҳлил эта оладиган, масалага танқидий ёндаша оладиган ва унинг ечимларини излай оладиган билимнинг актив ижодкорига айланади. Дарҳақиқат, инсоннинг мияси шундай тузилганки, у истамаган ва керакмас деб ҳисоблаган ахборотни тезда унутиш ёки қабул қилмаслик хусусиятига эга. Шу сабабли талабаларнинг қимматли вақтини беҳуда сарфламасдан, уларнинг ўз ташаббуслари асосида қизиқиш ва қобилиятларидан келиб чиққан ҳолда, мутахассисликлари доирасида ўқиб-изланишлари долзарб аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида таълим соҳасида олиб борилаётган модернизация ишларининг бир йўналиши сифатида таълим муассасаларида таълимни ташкил этишнинг кредит-модуль тизимини жорий этиш билан боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрда-

ги Фармони билан белгиланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”га кўра, мамлакатадаги олий таълим муассасаларининг 85 фоизи 2030 йилгача босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтиши режалаштирилган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 27 мартдаги “Олий таълим муассасаларида масофавий таълимни жорий этиш тўғрисида”ги 233-сон ва 2020 йил 10 апрелдаги “Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини масофавий таълим орқали самарали давом эттириш ҳамда 2019/2020 ўқув йилини якунлаш тўғрисида”ги 257-сонли буйруқ мамлакатимизда таълим тизимини такомиллаштиришга замин яратади. Ушбу туб ўзгаришлардан асосий мақсад – жамият учун фойдали, кун сайин ривожланаётган меҳнат бозорида рақобатбардош юқори малакали кадрларни етиштириб беришдир. Мазкур концепцияга эришишнинг устувор йўналишларидан энг муҳимлар қаторида профессионал таълимнинг узлуксизлиги, таълим сифатини ошириш, таълим тизимининг инвестицион жозибадорлигини таъминлаш, сифатли таълим барчани бирдек қамраб оладиган даражага олиб чиқишдан иборатдир.

Мустақил таълим ўқув жараёнининг муҳим ажралмас таркибий қисми бўлиб, у талабаларда мустақил билим олиш, мавзуни эркин таҳлил қилиш, тегишли масала бўйича ўз фикрига эга бўлиш, илмий тадқиқ этиш, эркин фикрлаш, муаммоли масалалар юзасида хулоса ва таклифлар ишлаб чиқа олиш ҳамда уларни амалиётга татбиқ этишга оид зарур билим ва кўникмалар шаклланишида катта аҳамиятга эга. Талабанинг мустақил иши ўқув режасида муайян фанни ўзлаштириш учун белгиланган ўқув ишларининг ажралмас қисми ҳисобланади. Талабанинг мустақил иши аниқ бир фандан ўқув режасида ва фан дастурида белгиланган билим, кўникма ва малаканинг маълум бир қисмини талаба томонидан фан ўқитувчиси маслаҳати ва тавсиялари асосида аудитория ва аудиториядан ташқарида ўзлаштирилишига йўналтирилган тизимли фаолиятдир. “Мустақил таълим” атамаси амалиётда кенг қўлланилса-да, бироқ ушбу тушунчага турли тадқиқотчилар турли хил таъриф берадилар ва ҳанузгача илмий педагогик адабиётларда ушбу тушунчанинг ягона таърифи мавжуд эмас. Бу эса мазкур тушунчанинг кенгқамровли эканлигидан дарак беради. Аммо илмий адабиётларда келтирилган барча таърифлар моҳиятан ягона мазмунга бориб тақалади: мустақил таълим – талабанинг муайян фан доирасида профессор-ўқитувчининг бевосита кўмагисиз мустақил равишда билим олишга қаратилган тизимли фаолиятидир. У талабадан ақлий ва амалий фаолиятни, диққатни бир жойга жамлашни талаб этади. Унинг натижаси эса нафақат талабанинг билим даражасини, балки унинг маҳоратини, истеъдодини хам намоён этади. У талабанинг ўзини-ўзи бошқариш, ўзини-ўзи фаоллаштириш, ўзини-ўзи ташкиллаштириш, ўзини-ўзи назорат қилиш каби психологик детерминантларини ривожлантиради.

Демак, мустақил таълим – талабанинг тегишли фан юзасидан ўқитувчининг топшириғи ва услубий раҳбарлиги асосида, аммо унинг бевосита кўмагисиз бажарадиган ўқув, ўқув-тадқиқот, илмий тадқиқот ишлари ҳисобланади.

Талаба мустақил ишининг асосий мақсади ўқитувчининг раҳбарлиги ва назорати остида талабада муайян ўқув ишларини мустақил равишда бажариш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришдан иборатдир [3, 111]. Шунингдек, мустақил таълим олишдан кўзланган мақсад талабалар бўлажак мутахассислик профили бўйича тадқиқий фаолият, ижодкорлик, мустақиллик, ташкилотчилик, масъулиятлилик кўникмаларини шакллантириш орқали фундаментал билим, профессионал малака ва кўникмаларга эга бўлишга эришишдир. Шу билан бирга, талаба мустақил ишини бажаришидан асосий мақсад – кафедра профессор ўқитувчиларининг бевосита раҳбарлиги ва назорати остида талабанинг семестр давомида фанларни узлуксиз ўрганишини ташкил этиш, олинган билим, кўникмаларни чуқур ўрганиб мустаҳкамлаш, келгусидаги дарсларга тайёргарлик кўриш, ақлий меҳнат маданиятини, янги билимларни мустақил равишда ишлаб чиқиш ва қабул қилишни шакллантириш ҳамда шу тарика юқори малакали рақобатбардош мутахассислар етишиб чиқишига эришишдан иборат [2, 7].

Мустақил таълимнинг вазифалари:

- талабаларнинг эгаллаётган назарий билим ва амалий кўникмаларини мустаҳкамлаш;
- назарий тайёргарликни кучайтириш ва кенгайтириш;
- махсус адабиётлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, илмий тадқиқот манбаларидан фойдаланиш кўникмасини ривожланитириш;
- янги билимларни эгаллашга бўлган интилиш, ижодий ташаббускорлик, мустақиллик, масъулият-

лилик, ташкилотчилик кўникмаларини ривожлантириш;

- мустақил фикрлаш, ўз шахсий ривожланиши устида ишлаш, ўз имкониятларини намоён эта олиш ва амалга ошира олиш кўникмаларини ривожлантириш;

- тадқиқ этиш маҳоратини шакллантириш;

- мустақил таълим жараёнидан тўпланган материал ва билимларни амалиётга, курс иши ва битирув малакавий ишларига, оралиқ ва якуний назорат имтиҳонларида татбиқ этиш кўникмасини ривожлантириш.

Мустақил таълимнинг функцияси:

- ривожлантирувчи (талабани ақлий меҳнат фаолиятини ошириш, ижодкорлик фаолиятини кенгайтириш, интеллектуал салоҳиятини бойитиш);

- информацион-таълимий (талаба учун аудитория машғулотларининг мустақил таълим билан ҳамоҳанг тарзда олиб бориш орқали ўқув фаолиятининг самарадорлигини ошириш);

- йўналтирувчи-рағбатлантирувчи (ўқув фаолиятининг мотивация ва стимул бериши);

- тарбиявий (мутахассислик, фуқаролик профессионал сифатларини шаклллантириш ва ривожлантириш;

- тадқиқий (профессионал-ижодий фикрлашнинг юқорироқ даражага кўтарилиши).

Мустақил таълимнинг асосини қуйидаги принциплар ташкил этади:

а) ижодий фаолият;

б) мақсадли режалаштириш;

в) шахсий-мустақил ёндошув.

Мустақил таълим – ҳар бир талаба учун ўқув жараёнининг мажбурий муҳим тарикибий қисми бўлиб, унинг ҳажми ўқув дастурида белгилаб берилади. Талабаларнинг мустақил таълим олиши самарали натижа бериши учун у бир қатор талабларга жавоб бериши керак:

1. Аудитория дарслари ва мустақил таълим мувозанатини тўғри тақсимлаш ва уларни ўзаро уйғунликда олиб бориш.

2. Талабанинг аудитория ва аудиториядан ташқари мустақил ишларини услубий жиҳатдан тўғри ташкил этиш.

3. Талабани зарур ўқув ва услубий материаллар билан таъминлаш.

4. Мустақил таълим устидан назорат олиб бориш ва мустақил ишни ижобий бажарган тақдирда, талабани рағбатлантириш чораларни кўриш.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**


1. *Проектирование учебно-методического обеспечения модулей инновационной образовательной программы: Методическое пособие / О. В. Акулова, А. Е. Бахмутский, Р. У. Богданова, О. Б. Даутова, Е. В. Пискунова, Н. Ф. Радионова, А. П. Тряпицына; Под ред. С. А. Гончарова. – СПб.: Изд-во РГПУ им. А. И. Герцена, 2007. – 159 с.*
2. *"Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар" таълим йўналишининг "Жаҳон иқтисодиёти" фанидан талабаларнинг мустақил иши бўйича услубий қўлланма. – Т.: ТИУ, 2017. – Б. 7.*
3. *Nazirov, M. (2020). Youth as a leading power of Uzbekistan. Light of Islam, 4, 107-116.*
4. *Карпенко М. П. Перспективы развития системы высшего об-разования на основе «Концепции вуза– 2030» / М. П. Карпенко //Вестник РЕАН. 2005. Т. 5. №3. С. 27–34*


# ДИСТАНЦИОНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ: КРЕДИТНО-МОДУЛЬНЫЙ ПОДХОД


**[1]Игорь Ганчерёнок, [2]Николай Горбачёв, [3]Кундуз Ахмедова, [4]Шахло Юсупова,**

[1]БНТУ, г. Минск, Республика Беларусь,

[2]Академия управления при Президенте Республики Беларусь, г. Минск,

[3]Национальный университет Узбекистана им. М. Улугбека, г. Ташкент, Республика Узбекистан,

[4]Каршинский государственный университет



***Аннотация***

*Актуализируется проблема реализации дистанционного образования с учетом кредитных технологий. Кредиты (зачетные единицы) впервые, на сколько нам известно, трактуются как количественная мера формируемых компетенций специалиста с высшим образованием. Таким образом, кредитно-модульная технология организации образовательного процесса трансформируется в технологию проектирования образовательных программ в рамках компетентностного подхода с возможностями их оптимизации.*



***Ключивие слова:*** *дистанционное образование, кредиты, компетентностный подход, оптимизация.*

***Annotatsiya***

*Maqolada kredit texnologiyalarini hisobga olgan holda masofaviy ta'limni amalga oshirish muammosi va dolzarbligi haqida to'xtalib o'tilgan. Kreditlar birinchi marta, biz bilganimizdek, oliy ma'lumotli mutaxas-sisning shakllangan vakolatlarining miqdoriy o'lchovi sifatida talqin etiladi. Shu munosabat bilan o'quv jarayonini tashkil etishning kredit-modulli texnologiyasi ularni optimallashtirish imkoniyatlariga ega bo'lgan maxsus yondashuv doirasida o'quv dasturlarini loyihalash texnologiyasiga aylantirilmoqda.*

***Kalit so'zlar:*** *Masofaviy ta'lim, kreditlar, kompitentli yondashuv, optimallashtirish.*

***Annotation***

*On the basis of credit technologies implementation of distance education is actualized. To the best of our knowledge the educational credits are treated as a quantitative measure of higher education competency. Thus, credit-module technology of educational process organization is transformed to technology educational programs design with optimization potential in the framework of competence approach. .*

***Keywords:*** *distance education, credits, competence approach, optimization.*

Глобальная коронавирусная эпидемия 20-х годов 21-ого века вынудила систему образования многих государств, включая Республику Беларусь, что называется, «рухнуть» в онлайн обучение [1]. Нельзя сказать, что это было для университетов чем-то совершенно экстраординарным, но, очевидно, неожиданным и значимым вызовом. Это было обусловлено весьма ограниченным временем тотального внедрения дистанционных технологий в традиционную образовательную практику, техническим сложностями, отсутствием апробированной единой для вуза цифровой образовательной платформы, неоднородностью в уровне цифровых компетенция профессорско-преподавательского состава и обучающихся, необходимостью обработки больших массивов цифрового контента образовательных курсов, отсутствием выверенной дидактики высшей школы в цифровом формате (необходимость очевидной трансформации «золотого правила» Яна Коменского: «все, что только можно предоставлять для восприятия чувствами, а именно: видимое для восприятия зрением, слышимое – слухом, запахи – обонянием, что можно вкусить – вкусом, доступное осязанию – путем осязания. Если какие-то предметы можно воспринимать несколькими чувствами, пусть они будут несколькими чувствами » (Коменский Я.А. Великая дидактика. // Избр. пед. соч. – М., 1982. – Т.1, с. 384).), необходимостью обеспечения должного качества образовательного процесса в наукоемких и практико-ориентированных направлениях подготовки специалистов с высшим образованием (например, инженерное, медицинское образование). В качестве трудностей, преодоление которых быстро переводит их в разряд конкурентных преимуществ вуза, отметим: ограниченные технические возможности (перегрузка серверов и т.д., например, в марте 2020 года каждый день электронным сервисом Zoom пользовались в среднем 200 млн человек), потеря системности (перенос ряда практических, лабораторных на более поздние сроки, комбинирование синхронных и асинхронных форм обучения (к которым относится и кредитные технологии, впервые представленные нами в системной форме на русском языке на ТЕМПУС-конференции в Ташкенте еще в 2003 г. [2]), временная неопределенность, сложности в реализация концепции «Университет 3.0», воспитательной работы со студентами, возросшие трудоемкость управления в вузе (озвученная заведующими кафедрами и деканами), нагрузка профессорско-преподавательского состава и др. Как результат, современное состояние высшей школы можно охарактеризовать как эволюцию сложной динамической (синергетической) системы (рис.1). При этом нынешнее состояние высшей школы международными экспертами GUNi (Global University Network for Innovation)) оценивается как "точка водораздела", а российскими учеными как некая точка растерянности. В рамках синергетического формализма [3-4] такое состояние системы высшего образования можно охарактеризовать как состояние бифуркации, в котором существует вероятность перехода системы в качественно новое состояние. В таком случае появляется возможность формирования «фильтра новизны», что весьма принципиально для такого достаточно консервативного социального института как университет. С другой стороны, появляется необходимость формирования нового видения высшей школы в стратегической перспективе в, том числе, в рамках предстоящей 3-ей Всемирной конференции ЮНЕСКО (3rd World Conference on Higher Education), где «инструментальной» темой ключевых направлений развития высшей школы выступает – изменения и инновации в управлении высшим образованием (рис. 2)




**Рис.1. Эволюция системы образования в синергетических координатах**




**Рис. 2. Приоритетные направления развития высшей школы на период до 2030 года (Global University Network for Innovation)**

Как видно из рис. 2 одним из приоритетных направлений является цифровизация высшей школы, которая включает дистанционное образование и соответствующие технологии. Эти направления приоритезированы и нормативными документами Беларуси и Узбекистана.

В «Концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года» выделен специальный раздел «внедрение цифровых технологий и современных методов в образовательный процесс», который включает в качестве мероприятия организацию образовательных программ на основе современных информационно-коммуникационных технологий.

По определению нового Кодекса Республики Беларусь «Об образовании» дистанционная форма получения образования представляет собой обучение и воспитание, предусматривающие преимущественно самостоятельное освоение содержания образовательной программы обучающимся и взаимодействие обучающегося и обучающих на основе использования дистанционных образовательных технологий. В качестве дистанционных выступают образовательные технологии, реализуемые преимущественно на базе технологий информационно-коммуникационных в рамках интегрированного информационного пространства при опосредованном (на расстоянии) взаимодействии обучающихся и преподавателей. Соответствующие Положения о дистанционной форме получения образования при реализации конкретных образовательных программ утверждаются Министерством образования. Им же определяется порядок и условия использования дистанционных образовательных технологий.

В соответствии со статьёй 207 Кодекса при реализации образовательных программ высшего образования в дистанционной форме получения образования в учебном году могут организовываться лабораторно-экзаменационные сессии, а также установочные сессии, которые проводятся в начале учебного года первого курса, что в какой-то мере приближает эту форму к заочному образованию. Вместе с тем, как показывает опыт (в том числе и обучение при пандемии), опосредованное взаимодействие обучаемых и обучающих характеризуется значительным повышением нагрузки на обучающих. Это связано с необходимостью более формализованной поддержки учебного процесса и большей конкретизации промежуточных заданий (сообщений) и консультаций [1]. При этом, как правило, нормирование и финансирование нагрузки профессорско-преподавательского состава в дистанционной форме получения образования пока недостаточно проработано.

Дело в том, что важным способом повышения мотивации внедрения дистанционного образования является возможность формирования для заинтересованных индивидуальных траекторий обучения, что является заманчивым для

интеллектуально сильных студентов и дает возможность слабым студентам заниматься в удобном для них темпе с одной стороны, а с другой – позволяет подстраивать процесс и программу обучения под потребности конкретных заказчиков. Для этого возможно формировать проблемно ориентированные группы обучаемых с близкими траекториями прохождения соответствующих курсов, повторно открывать те или иные тестовые задания, предоставлять доступ к учебным модулям, предназначенным для дополнительного изучения, проводить индивидуальные и групповые консультации. Кроме того, работая с разными по уровню подготовки студентами, преподаватель мог исключать или добавлять для них те или иные задания без ущерба для объективного оценивания результатов работы других обучающихся. Систематический же автоматизированный мониторинг учебного процесса, организованный с помощью инструментов системы дистанционного образования, мог бы решать вопросы промежуточного и итогового контроля знаний обучаемых с одной стороны, и оценивания нагрузки и загрузки обучающих – с другой. Это дало бы возможность и обучаемому, и обучающему по оперативному внесению изменений в сценарии и процесс обучения.

Новые образовательные нормы Кодекса представляют дистанционную форму обучения как самостоятельную. Поэтому для белорусской системы дистанционного образования и соответствующих учреждений, для обучающих и обучаемых следует разработать комплекс параметров, показателей и индексов, обеспечивающих решение следующих задач:

формирование и поддержка информационно-образовательной среды дистанционного обучения;

создание и сопровождение материально-технического обеспечения дистанционного обучения;

программное и технологическое обеспечение дистанционного обучения;

разработка и ведение образовательного контента (образовательных стандартов, электронных учебно-методических комплексов, электронных учебников и учебных пособий, практикумов

управление дистанционным обучением - планирование, нормирование, обеспечение, мониторинг и контроль взаимодействия обучаемого, учебного контента и преподавателей и документирования его результатов.

В рамках международного сотрудничества учреждений образования и реализацией образовательных программ в сетевой форме логично ориентироваться на уже действующие системы контроллинга и оценки дистанционного образовательного процесса.

Для организации контроллинга обучаемых и оценки эффективности их обучения в дистанционном режиме логично сориентироваться на систему «зачётных единиц», реализованную в университетах Европы. Суть системы ECTS заключается в обеспечения студенческой мобильности (European Credit Transfer and Accumulation System), то есть с возможностью перевода и получения образования в нескольких университетах, с гарантией трансформации из переводной в накопительную, как американская (United States Credit System – USCS) и английская (Credit Accumulation and Transfer System – CATS). Последние системы реализуют больший функционал, однако они относительно сложнее по структуре и уровням согласований, а также требуют существенных усилий по стандартизации.




**Рисунок 1 – Компоненты системы зачётных единиц**

Основными инструментами ECTS выступают: учебный договор (Learning Agreement), каталоги (программы) курсов (Course Catalogue), зачетная книжка (Transcript of Records). Следует отметить, что Европейская модель [5], а также азиатско-тихоокеанская модель в основном ориентированы на зачет кредитов с целью обеспечения академической мобильности, американская и английская – на накопление кредитов. Кредитно-зачетные системы европейских вузов отталкиваются от понимания кредита как единицы оценки трудозатрат на освоение образовательной программы. Кредитно-накопительные же системы определяют кредит как единицу оценки результатов (знаний, умений, навыков) и как результат – сформированных компетенций.

В кредитных технологиях выделяют два основных параметра: трудоемкость учебного модуля (курса) и результаты обучения. В тоже время принципиально важными являются и принципы, которые мы формализовали следующим образом:

1. Принцип «резонансности», т.е. каждый болонский цикл высшего образования рассматривается как «квантовая» 2 – ух уровневая система (см. рис. 3), для которой выполняется простая формула

<академическая степень>= ∑ Ki = $К_{резонансное}$,

где Ki – кредит. Другими словами, набрав определенную сумму кредитов ($К_{резонансное}$), студент получает искомую академическую степень. Таким образом, не надо избыточных знаний, их надо строго необходимое(оптимальное) количество.




**Рис. 3. Принцип резонансности в кредитной технологии.**

2. Принцип асинхронности процесса обучения, т.е. отсутствие строгой, заранее определенной для всех последовательности в получении кредитов (изучения курсов). Иногда термин асинхронный учебный процесс заменяют на термин «нелинейный». Но это далеко не одно и то же.

3. Принцип «перенормировки», т.е. переход от У=f(T) (советская модель) к У=f(K),

где У – академическая степень, Т – время, К - кредиты.

4. Принцип индивидуализации образовательной траектории, т.е. каждый студент выбирает свою индивидуальную образовательную траекторию

<академическая степень>=К1+К5+К9+…=К3+К8+Кm+…= Крезонансное.

5. Принцип технологичности, т.е. ориентация на массовое высшее образование, включая удаленные формы обучения и использование социальных сетей [6].

6. Принцип инвариантности, иными словами, утрачивается привязка к определенному периоду, физическому месту обучения. Однако при этом возникает вопрос признания, что предполагает реализацию технологии блокчейна [7].

7. Принцип конвертируемости, т.е. кредиты и оценки, «заработанные» в разных вузах признаются в этих вузах без особых ограничений.

8. Принцип оптимальности, когда оптимизируется затрачиваемые на образование ресурсы.

Значимость и потребность отработки национальных систем зачетных единиц обусловлена следующим:

формированием мобильного внутреннего рынка образовательных услуг; и широким выходом на внешние рынки;

адаптивностью к потребностям заказчиков с возможностью сетевого обучения и формированием уникальных специализаций (в том числе на стыке наук и направлений инженерии);

реализацией воспитательных аспектов в контексте академической свободы студента;

сравнением предметов учебных планов с планами зарубежных вузов при включенном обучении или учебных стажировках;

балансом обязательных и дисциплин по выбору; соотношением аудиторной и самостоятельной


ISSN 2181-8274

нагрузки студента;

формами контроля и оценкой знания на основе рейтинговой системы;

развитием международных учреждений высшего образования с высоким потенциалом интеллектуальной мобильности.

Следует отметить, что введение зачётных единиц ориентировано на обучаемых и приложение этой концепции к дистанционному образованию лишь увеличит нагрузку на обучающих. Поэтому необходима система-посредник, которая автоматически будет трансформировать различные оценки промежуточных и итоговых испытаний, используемые в конкретных взаимодействующих учреждениях образования. Поскольку программное обеспечение для дистанционного образования типа Moodle предоставляет такие возможности, следует смоделировать и реализовать соответствующие оценочные алгоритмы. При этом необходимо учесть возможности как динамического планирования загрузки обучаемых, так и планирования нагрузки обучающих.

При использовании дистанционного обучения с поддержкой средствами информационно-коммуникационных технологий для профессорско-преподавательского состава по данным специалистов Государственного университета управления (Российская Федерация) нормируются все виды учебной нагрузки аналогично очному обучению согласно традиционным подходам, но с учетом норм времени, требующихся для освоения специфичного инструментария дистанционного образования (презентации, анимация, гипертекст, тестирование и другие). Это должно регулироваться как системой соответствующих коэффициентов, так и классификатором единичных работ (операций образовательной технологии). Кроме того, следует учитывать поддержку преподавателями операций инструментальной разработки и технической поддержки учебного процесса учебно-вспомогательным персоналом.

Тогда формула расчёт семестровой учебной нагрузки преподавателей может принять следующий вид:

$$Z_j = \sum_i \frac{S_{ji}}{30} \times C_i \times (\alpha_i + \mathrm{a}\beta_{ji} + \gamma_{ji}),$$

где Zj - расчётное значение нагрузки j-го преподавателя в зачётных единицах;

Sji – количество студентов, записавшихся на занятия к j-му преподавателю по i-му предмету;

Ci – объём в зачётных единицах аудиторных занятий по i-му предмету;

αi – коэффициент, учитывающий тип предмета (0,8 – для общеобразовательных, 1,0 – для общепрофессиональных, 1,2 – для специальных);

βji – коэффициент, характеризующий освоение и использование специфичного инструментария дистанционного образования;

γji – коэффициент, характеризующий поддержку преподавателями операций инструментальной разработки и технической поддержки учебного процесса дистанционного образования.

Вместе с тем, примерная нагрузка ППС за семестр в зачётных единицах может быть следующей:

- профессор – 16 з.е.;
- доцент – 20 з.е.;
- старший преподаватель – 26 з.е.;
- преподаватель, ассистент – 30 з.е.

Кардинальные изменения структуры образовательной деятельности, вызванные развитием дистанционных образовательных технологий и формированием открытых образовательных электронных площадок, поддерживающих массовое использование электронного и онлайн обучения, определили актуальность реинжиниринга реализованной в высшем образовании системы нормирования труда. Проблемы несоответствия принципов оплаты труда профессорско-преподавательского состава и персонала, занятого в создании и эксплуатации средств компьютерного и дистанционного обручения, достаточно выразительно проявились во время пандемии, которая способствовала ускорению цифровой трансформации всей системы образования. Решение этих проблем предполагает, что на уровне нормативных правовых актов должен быть регламентирован ряд организационных процессов дистанционного обучения, включая вопросы образовательных контроллинга и аттестации; этики дистанционного обучения; нормирования и финансирования; структуры норм дистанционных занятий и консультаций, научной работы и др.

Нормирование нагрузки преподавателей при дистанционном образовании должно учитывать и формирование образовательного контента в виде электронных учебно-методических комплексов, содержащих:

- электронный учебник или курс лекций (в

том числе учебные презентации);

- электронные учебные пособия по отдельным модулям курса, ориентированные на конкретные специализации;
- электронный практикум с необходимой программной поддержкой;
- основные образовательные программы;
- методические указания по изучению дисциплин и выполнению контрольных и курсовых работ;
- набор тестов для самоподготовки, промежуточной и итоговой аттестации .

По нашим оценкам, традиционная система оценки и стимулирования учебного процесса и преподавателей не всегда способствует внедрению электронных образовательных технологий. В связи с этим считаем, что важным в оценивании деятельности преподавателя в рамках дистанционного образования должен стать «перенос центра тяжести» с учета отработки вмененного ему на проведение учебного процесса количества академических часов, на учет его деятельности, обеспечивающей студентам условия для эффективного усвоения знаний по изучаемой дисциплине и приобретения соответствующих компетенций в рамках часов или зачётных единиц, отводимых в соответствии с учебным планом обучаемым. Зафиксированная в соответствующих документах (рабочей программе и учебном плане) трудоемкость (в часах, зачётных единицах) конкретных видов учебной работы (лекции, лабораторные и практические работы, самостоятельная работа, тесты и другие) определяет с одной стороны трудоемкость их освоения обучающимися, а с другой - устанавливает эффективность трудозатрат преподавателя. Задача преподавателя состоит в обеспечении студентов контентом и инструментарием для успешного выполнения этой работы. Однако он должен быть достаточно свободен в своих решениях при выборе эффективных средств для её решения при условии обеспечения установленного уровня качества обучения. У преподавателя должны быть реальные и действующие стимулы по использованию новейших информационно-коммуникационных и образовательных дистанционных технологий для повышения эффективности своего труда.

Таким образом, реализация кредитно-модульной системы в рамках дистанционного образования требует формализации и нормативного регулирования соответствующей формы получения высшего образования, а, следовательно, и соответствующей научно-методической проработки. С другой стороны, кредиты (зачетные единицы) могут служить количественным инструментарием компетентностного подхода и масштабирования образовательных процессов формирования новых компетенций в парадигме образования через всю жизнь. Последнее позволяет проводить соответствующую оптимизацию затрачиваемых ресурсов.

**ЛИТЕРАТУРА:**


1. *Ганчеренок И.И. Вынужденная корона 2020: успехи и трудности дистанционных технологий современного университета. Материалы круглого стола//Вестник Университета Правительства Москвы. – 2020, №3. – С.59.*
2. *Кредитные технологии в высшем образовании/Автор и сост. И.И. Ганчеренок. – Минск: РИВШ БГУ. – 132с.*
3. *Ганчеренок, И.И. Подготовка научных кадров: синергетический подход/И.И. Ганчеренок//Известия Национальной академии наук Беларуси. Серия гуманитарных наук. – 2018. – Т. 63, №2. – С. 151-159.*
4. *Ганчеренок И.И. Образование в «точке растерянности» или бифуркации: ковариантная педагогика и фильтр новизны// Материалы Межд. онлайн научно-теоретической конференции «The Interaction of Science and Society – the Path to Modernization and Innovative Development». –Наманган, 2020. – С. 33-36.*
5. *Pastukhova, D.A. European credit system of education / D.A. Pastukhova // Научный результат. Сер. Технологии бизнеса и сервиса. - 2015. - Т.1, №3(5).- С. 30-36. - DOI: 10.18413/2408-9346-2015-1-3-30-36.*
6. *Ганчеренок И.И., Давыдовский А.Г., Чернявский Ю.А. и др. Образовательные технологии когерентного сопровождения развития цифровой экономики//Дипломатия Беларуси: прошлое и настоящее. Материалы научного семинара. Минск, 28 марта 2019 г. — Минск, 2019. — С. 21-26.*
7. *Ганчеренок И.И. и др. Компетентностный подход и блокчейновые технологии в современной системе образования//Мат. конф. «Организация образовательного процесса в учреждениях высшего образования: правовые и методические аспекты», 2018[Электронный ресурс]. – Режим доступа: http://www.institutemvd.by/components/com_chronoforms5/chronoforms/uploads/20181120114927_Goncharenok-Moroz-Belnitskaj.pdf. - Дата доступа: 01.04.2022.*

# BO'LAJAK TARBIYACHILARNING VATANPARVARLIK HISSINI TARKIB TOPTIRISHDA TA'LIM TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH IMKONIYATLARI

**Nodima Oripova,**
QarDU Maktabgacha ta'lim kafedrasi mudiri, p.f.n., dots.
**Dilfuza Raxmatova,**
Shahrisabz davlat pedagogika instituti magistranti

***Annotatsiya***

*Ushbu maqolada bo'lajak pedagoglarda vatnaparvarlik hissini tarkib toptirishda ta'lim texnologiyalaridan foydalanish imkoniyatlari yoritilgan. Shuningdek, maqolada ta'lim texnologiyalaridan foydalanish metodikasi keltirib o'tilgan.*

***Kalit so'zlar:*** *Vatan, vatanparvarlik, ta'lim texnologiyalari, burch, majburiyat, tashabbuskorlik.*

***Аннотация***

*В данной статье описаны возможности использования образовательных технологий в воспитании чувства патриотизма у будущих педагогов. Также в статье упоминается метод использования образовательных технологий.*

***Ключевые слова:*** *Родина, патриотизм, воспитательные технологии, долг, обязанность, инициатива.*

***Annotation***

*This article describes the possibilities of using educational technologies in raising a sense of patriotism among future teachers. The article also mentions the method of using educational technologies.*

***Keywords:*** *Homeland, patriotism, educational technologies, duty, obligation, initiative.*

Jahonda globallashuv jarayonlarining tezlashishi shaxsda vatanparvarlik hissini tarkib toptirishga bo'lgan e'tiborni kuchaytirishni talab etmoqda. Negaki bugungi davrning boshqa davrlardan keskin farqi jamiyatning axborotlashuvi natijasida yoshlarda vatanparvarlik hissining pasayishi bilan namoyon bo'lmoqda. Shu o'rinda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining quyidagi fikri diqqatga sazovor: "...yoshlarning ta'lim-tarbiyasi haqida gapirganda, ularning kitobga mehri pasayib, bolalarimiz ko'p vaqtini ijtimoiy tarmoqlarda o'tkazayotganini alohida ta'kidlamoqchiman... farzandlarimizning ongi, dunyoqarashi asrlar davomida sinovdan o'tgan, yuksak ma'naviyat manbai bo'lgan jahon va milliy adabiyotimiz asosida emas, balki biz uchun yot bo'lgan g'oyalarni yoshlarimiz ongiga singdirayotgan zararli axborotlar asosida shakllanishiga men mutlaqo qarshiman" [1, 469].

Darhaqiqat, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining ushbu fikri diqqatga sazovordir. Ya'ni jamiyatdagi axborotlarning asosiy iste'molchisi talaba yoshlar hisoblanadi, shu boisdan ularni axborotlardan maqsadli foydalanishga o'rgatish va ongi, dunyoqarashini asrlar davomida sinovdan o'tgan, yuksak ma'naviyat manbai bo'lgan jahon va milliy adabiyotimiz asosida shakllantirishimiz, vatanparvarlik tuyg'usini tarkib toptirishishimiz muhim sanaladi.

Bo'lajak tarbiyachilarda vatanparvarlikni shakllantirish, avvalo, didaktik jarayonning tizimli va maqsadga yo'naltirilgan holda tashkil etilishi, ta'limni shaxsga yo'naltirilganligi va insonparvarlik tamoyiliga ega bo'lishi bilan belgilanadi.

Talabalarda vatanparvarlik hissini tarkib toptirishda ta'lim texnologiyalarining quyidagi turlaridan foydalanish maqsadga muvofiq. Bular grafik organayzerlar, keyslar, interfaol metodlar, muammoli texnologiya va shaxsga yo'naltirilgan texnologiyalardir.

Xususan, grafik organayzerlar – dars jarayonida talabalarning fikr va diqqatini jamlashga, mushohada yuritishga, muammoning o'xshash va umumiy, farqli tomonlarini izlab topishga, mantiqiy o'ylashga o'rgatadi. "Baliq skeleti", "Qanday?", "Venn diagrammasi", "T-jadvali", "Insert jadvali", KWL/KWHL kreativ" texnologiyasi, SCAMPER strategiyasi shular jumlasidandir.

Dastlab talabalarga ushbu organayzerlarning qo'llanish bosqichlari va qoidalari eslatib o'tiladi. Chunki ular bevosita darslar jarayonida ushbu organayzerlardan foydalanib kelmoqdalar.

**"KWL/KWHL kreativ" texnologiyasi**

Texnologiyaning maqsadi: talabalarni biror bir muammo haqida keng va chuqur fikr yuritishga undash, muammoni yechishga qiziqish u'yg'otish hamda yangi ma'lumotlarni izlab topishga motiv hosil qilish, darsda kreativ muhitni hosil qilish.

Texnologiyada uchta diagramma mavjud bo'ladi, bular:

K – Men nimani bilaman;

W – Men nimani bilishim kerak;

L – Men nimani bildim.

Shuningdek, majburiy bo'lmagan "H" ustuncha (Men qanday o'qiyman?) ustuni ham qo'yilishi mumkin. Bunday holatda KWHL diagrammasi hosil bo'ladi. KWL diagrammasining birinchi ustuni:

K (Men nimani bilaman). Bunda talabalarning mavzu bo'yicha boshlang'ich bilimlari aqliy hujum usulini qo'llash orqali aniqlanadi.

W (Men nimani bilishni xohlayman (bilishim kerak) ustuni. Bunda talabalar mavzudan nimalarni bilib olish

mumkinligini aniqlaydilar.

N (Men qanday o'qiyman) ustuni. Talabalarga mavzuga doir ma'lumotni qayerdan izlashni rejalashtirishga ko'maklashadi. Bunda o'qituvchi talabalarga kerakli o'quv manabalarini taklif qiladi.

L (Men nimani o'rgandim) ustuni talabalar muammo ustida olib borgan ishlari tugatilgandan keyin to'ldiriladi. Bu yerda talabalar – W ustunida qo'yilgan savollarga javob berishadi. Shuningdek, ushbu ustunda talabalar mavzu doirasida bilib olgan qiziqarli ma'lumotlarni ham keltirishlari mumkin.

Ushbu texnologiya dars boshida talabalarga tarqatib berilishi va uning yakunida muhokama qilinishi mumkin. Chunki talaba dars boshida nimani bilishini va nimani bilishi kerakligini belgilab oladi, dars yakunida esa nimalarni bilganligini qayd etadi. Quyida ushbu texnologiyadan tajriba-sinov ishlari jarayonida qo'llanilganligiga misol keltirib o'tamiz.

**KWLgrafik organayzeri**

| K | W | L |
|---|---|---|
| **Men nimani bilaman** | **Men nimani bilishim kerak** | **Men nimani bildim** |
| 1. Vatanim tarixini, uning tabiatini, xalqimiz qadriyatlarini;<br>2. Yozma manbalarda vatanparvarlik g'oyasining yoritilishini;<br>3. Sharq allomalarining vatanparlik g'oyalarini. | 1. Boshqa xalqlarning vatanparvarlik g'oyalarini;<br>2. Yoshlarda vatanparvarlik hissini tarkib toptirishga to'sqinlik qiluvchi omillarni. | 1. Tarbiyachi-pedagoglar faoliyatida vatanparvarlik tuyg'usining muhim ekanligini;<br>2. Boshqa xalqlarning vatanparvarlik borasidagi qarashlari va g'oyalarini. |

Ushbu texnologiyaning kengaytirilgan holda, qo'llanishi esa quyidagicha bo'lishi mumkin. Ya'ni yuqorida ta'kidlaganimizdek, qo'shimcha ustunda talabalar o'zlari uchun muhim bo'lgan savollarga javob topishda qaysi manbalardan foydalanishlari mumkinligini qayd etadilar.

**KWHL grafik organayzeri**

| K | W | H | L |
|---|---|---|---|
| **Men nimani bilaman** | **Men nimani bilishim kerak** | **Men qanday o'qiyman** | **Men nimani bildim** |
| Men Forobiy, Ibn Sino, Beruniy, Alisher Navoiylarning vatan va vatanparvarlik haqidagi qarashlarini bilaman. | Men Yevropa mamlakatlari olimlarining vatanparvarlik haqidagi fikrlarini bilishim kerak. | 1.Internet manbalari;<br>2. Darslik va o'quv qo'llanmalar;<br>3.Gazeta va jurnallarga murojaat qiliman. | 1.Barcha davrlarda vatanning qadrlanishini;<br>2.Yoshlarda vatanparvarlikni shakllantirish yo'llarini. |

Bugungi kunda ta'lim texnologiyalarining keng qo'llanilayotgan turi – keyslar hisoblanadi. A. A. Abduqodirov keyslar haqida shunday deydi: "Keys – biror tashkilotdagi qandaydir aniq real vaziyatning yozma tavsifidir. Undan foydalanish mobaynida o'quvchilardan vaziyatni tahlil qilish, muammoning mohiyatini ko'rib chiqish, mumkin bo'lgan variantlarni taklif etish va ulardan eng maqbulini tanlash so'raladi" [2, 4].

Xuddi shunday talabalarga taklif etilayotgan keyslar ularning vatanparvarlik tuyg'usini shakllantirish yuzasidan tuzilgan bo'lishi va ularda vatanparvarlikni shakllantirishga xizmat qilishi lozim.

Demak, o'qituvchi bu jarayonda qo'yidagi ishlarni amalga oshiradi.

Tayyorgarlik bosqichi. O'qituvchi mavzuga oid muammoli vaziyatlarni tayyorlaydi va mavzuning

maqsadi, vazifalarini belgilab oladi.

Tanishtirish bosqichi. Ushbu bosqichda o'qituvchi talabalarni real vaziyatni jonli muhokamaga jalb qilish ishlarini amalga oshiradi.

Asosiy bosqich.

O'qituvchi talabalarni kichik guruhlarga (har birida 4-5 kishidan) ajratadi.

Guruhlar ishini tashkil etadi: guruh a'zolari tomonidan o'qigan materiallari qisqacha bayon etiladi va ular muhokama qilinadi, muammoli vaziyatlar aniqlanadi, ma'ruzachilar belgilab olinadi.

Munozaraning birinchi bosqichi – kichik guruhlarda muammoli vaziyatlar muhokama qilinadi, dalillar keltiriladi va yechimlar taklif etiladi.

Munozaraning ikkinchi bosqichi – tahlil natijalari taqdim etiladi, guruhlar o'rtasida muhokama o'tkaziladi, munozara natijasi tahlil qilinadi.

Yakuniy bosqich. Munozaralar natijasi yuzasidan yakuniy xulosa keltiriladi.

O'qituvchining umumiy xulosasi bayon etiladi.

O'qituvchi tomonidan baholanadi.

Shunday qilib, keyslar talabalarning vatanparvarlik tuyg'usini shakllantirish, ularda mustaqil bilim egallashga ishtiyoqni kuchaytirishga rag'batni hosil qiladi. Ayniqsa, talabalar mini keyslarni yechish jarayonida turli-tuman vaziyatlarga yuzma-yuz keladilar. Quyida talabalarga vatanparvarlikni shakllantirishga xizmat qiladigan mini keyslarni yechishni taklif qilish mumkin.

1-mini keys

Bir kuni darsga erta kelgan Mohinur fakultet o'quv binosida o'sadigan gultuvaklardan biriga Abdumannon ismli talabaning qo'lidagi mayda qog'oz qirqimlarini tashlayotganligini ko'rib qoldi. Shunda Mohinur Abdumannonga qarata: "Axir bu ishing yaxshi emas-ku, gul qurib qolishi mumkin. Undan ko'ra gulni tagini yumshatib, unga suv qo'ysang bo'lmaydimi?" – dedi. Buni kuzatib turgan talabalarning ayrimlari Mohinurni o'ziga bino qo'yganlikda va mijg'ovlikda ayblashdi. Bu fikrlardan keyin Mohinurda menga nima edi, nimaga ham Abdumannonga tanbeh berdim, degan fikr paydo bo'ldi.

Keysga savol-vazifa

1. Bunday vaziyatda Mohinur qanday yo'l tutishi lozim?

2. Talabalarning Mohinur haqidagi fikrlarini izohlang?

3. Mohinurning o'rnida siz nima qilgan bo'lardingiz?

Bu kabi keyslarni yechish orqali talabalar vatanparvarlikni shakllantirishga to'sqinlik qiladigan muammoli vaziyatlar bilan to'qnash keladilar va ularning yechimini izlab topish, bir nechta yechimlar orasidan eng to'g'risini ajratish, qaror qabul qilishga o'rganib boradilar. Ayniqsa, keyslarni pedagogik turkum fanlari yuzasidan tashkil etish maqsadga muvofiqki, bunda talabalar kelajakda pedagogik faoliyati uchun kerak bo'ladigan bilim, ko'nikma, malakani egallaydilar. Shuningdek, mini keyslarni yechish orqali talabalar pedagogik faoliyatda uchraydigan muammoli vaziyatlar, nizolar va ularni bartaraf etish yo'llarini o'rganadilar.

SCAMPER strategiyasi

Strategiyaning maqsadi: talabalarni kreativlikka undash, ularda fikrlar xilma-xilligini rivojlantirish hamda ularni eng to'g'ri va samarali yo'lni tanlashga da'vat etish.

Strategiyaning qo'llanilishi:

1. Talabalar kichik guruhlarga ajratib olinadi.

2. Ularga SCAMPER strategiyasi haqida ma'lumot beriladi.

3. SCAMPER strategiyasi aks etgan jadval har bir guruhga alohida tarqatiladi.

4. Talabalarga topshiriqni bajarish uchun aniq vaqt beriladi.

5. Berilgan vaqt davomida har bir guruh o'z variantini havola etadi va eng kreativ yondashuv g'oliblari taqdirlanadi.

Xulosa sifatida shuni ta'kidlash joizki, ushbu ta'lim texnologiyalari pedagogik turkum fanlari negizida talabalarda vatanparvarlikni shakllantirishga xizmat qiladi. Shu bilan birga, ular talabalarda darslarga nisbatan qiziqishni ortishiga, vatanga nisbatan sadoqati va ichki imkoniyatlarini ro'yobga chiqarishga yordam beradi.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**


1. *Мирзиёев Ш. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. –Т.: Ўзбекистон, 2017. – 490 б.*
2. *Абдуқодиров А.А. "Педагогика" ва "Психология"фанларидан кейслар ва улардан фойдаланиш услубиёти. –Т.: "Фан ва технологиялар", 2015. – 161 б.*
3. *Медетова Р.М. Научно-педагогические основы патриотического воспитания подросков на материалах краеведения: Автореф. дис. ... канд. пед. наук. – Т. 2005. – 23 с.*
4. *Khalilovna, O. N., Axmatjanovna, M. M., Kosimovich, N. U., & Botirovna, K. V. (2020). Main core and meaning of shaping professional faith. Journal of Critical Reviews, 7(2), 242-245.*
5. *Khalilovna, O. N., Lutfullayevna, B. L., Kosimovich, N. U., & Yusupovna, R. M. (2020). Historical studies in the pedagogical training and ways to improve vocational training. Journal of Critical Reviews, 7(3), 274-277.*
6. *Орипова, Н. Х., & Хаитова, Ю. С. (2016). Программа по воспитанию молодёжи в духе общенаtsiональных ценностей. Журнал научных публикаtsiй аспирантов и докторантов, (1), 47-49.*

| SCAMPER | Vazifalar | Savollar |
|---|---|---|
| Substitute (almashtirmoq/o'zgartirmoq) | Vatanparvar shaxsning sifatlarini aniqlang? | Bir qancha variantlar ro'yxatini tuzing va ulardan biriga ta'rif bering! |
| Combine (birlashtirmoq) | Vatanparvarlik va qadriyatlar birlashtirganda.... | Variantlarni keltiring va ulardan birini yoriting! |
| Adapt (moslashtirmoq) | Talabada qanday qilib vatanparvarlikni shakllantirish mumkin? | Variantlar ro'yxatini tuzing va talabalarda vatanparvarlik shakllanganda ular qanday o'zgarishlar bo'lishini izohlang! |
| Maximize/minimize (maksimallashtirmoq/ minimallashtirmoq) | Vatanparvarlikni qanday rivojlantirasiz? | Talabalarda vatanparvarlikni rivojlantirsh uchun bir qancha variantlarni keltiring va ulardan bir nechtasini izohlang! |
| Put to other uses (boshqasoha/usulda qo'llash) | Jamiyatda vatanparvarlikning o'rnini ko'rsating? | Variantlarni keltiring va ulardan birini yoriting! |
| Eliminate (oldini olmoq) | Shaxsda vatanparvarlikni shakllanishiga salbiy ta'sir ko'rsatuvchi omillar qaysilar? | Vatanparvarlikni shakllanishiga salbiy ta'sir ko'rsatuvchi omillarni keltiring va ularni asoslab bering! |
| Rearrange (qo'llanilishini o'zgartirish) | Talabalarda vatanparvarlikni shakllantirishga qiziqish uyg'otishning no'ananaviy usullarni aniqlang? | Variantlarni keltiring va ulardan birini yoriting! |

# O'ZBEKISTONDA TA'LIM JARAYONIDA O'RTA ASRLARDA YASHAB IJOD QILGAN MARKAZIY OSIYO MATEMATIKLARI MEROSIDAN FOYDALANISH HOLATI

**Bekzod Alimov,**
Chirchiq davlat pedagogika universiteti boshlang'ich ta'lim fakulteti
"Boshlang'ich ta'lim metodikasi" kafedrasi o'qituvchisi

***Annotatsiya***

*Ushbu maqola umumiy o'rta maktablarida matematika o'qitishda buyuk ajdodlarimizning matematika sohasida qoldirgan ilmiy meroslaridan foydalanish haqida so'z yuritilgan. Amaldagi matematika darslarida foydalanish uchun keltirilgan tarixiy ma'lumotlar tahlil qilingan. Oliy o'quv yurtlarida matematika kurslarini o'qitishda tarixiy ma'lumotlardan foydalanish taklifi berilgan.*

***Kalit so'zlar:*** *tarixiy ma'lumotlar, matematik olimlar, matematika o'qitish, darslik, matematik ta'lim, umumta'lim maktablari, oliy ta'lim muassasalarida matematik kurslarni o'qitish, meros taqsimoti, vasiyatnoma tuzish, savdo ishlari, adliya ishlari, algebraik ifodalar, birinchi darajali bir noma'lumli tenglamalar, tarixiy-genetik metod.*

***Аннотация***

*В данной статье речь идёт об использовании научного наследия, оставлённого нашими великими предками в области математики, в преподавании математики в общеобразовательных школах. Анализируются исторические данные, используемые на уроках прикладной математики. Предлагается использовать историческую информатsію при преподавании курсов математики в высших учебных заведениях.*


ISSN 2181-8274

***Ключевые слова:*** *исторические сведения, ученые математики, преподавания математики, математическое образования, общеобразовательные школы, преподавания математических курсов в высших учебных заведениях, распределение наследства, составление завещания, торговые дела, дела юстиции, алгебраические выражения, уравнения с одним неизвестным первой степени, историко-генетический метод.*

***Annotation***

*This article deals with the use of the scientific heritage left by our great ancestors in the field of mathematics in teaching mathematics in secondary schools. The historical data used in the lessons of applied mathematics are analyzed. It is proposed to use historical information when teaching mathematics courses in higher educational institutions.*

***Keywords:*** *historical information, mathematicians, teaching mathematics, mathematical education, general education schools, teaching mathematical courses in higher educational institutions, distribution of inheritance, drafting a will, commercial affairs, justice affairs, algebraic expressions, equations with one unknown of the first degree, historical genetic method.*

Tarixiy-ilmiy ma’lumotlarni matematikani o‘qitish jarayoniga jalb qilish g‘oyasi metodika ilmida yangilik emas. Bunday ma’lumotlarni maktab darsliklari mazmunidagi o‘quv materiallariga element sifatida kiritish haqidagi masala kleyn reformasi davridayoq muhokama qilingan. Bugungi kunda tarixiy-ilmiy ma’lumotlar nafaqat umumta’lim maktablari o‘quvchilari va oliy o‘quv yurtlari talabalari uchun matematikadan o‘quv qo‘llanmalarda keltirilmoqda, balki o‘quvchi va o‘qituvchilarning o‘zaro bog‘langan faoliyatlarida matematika o‘qitish mazmunini kengaytirishni aniqlovchi asosiy vosita, ya’ni matematika o‘qitishning maxsus metodi sifatida keng foydalanilmoqda. Ko‘pincha bu metodni metodik adabiyotlarda genetik yoki tarixiy-genetik metod deb atashmoqda [5,105].

Umumta’lim maktablari va oliy o‘quv yurtlarida matematikani o‘qitishda bu metodga murojaat darajasi turlicha. Matematik ta’lim tizimida tarixiy-genetik metod umumiy yaqinlashish yo‘li sifatida ishlatiladi. U o‘qitish mazmunini proeksiyalashning quyidagi barcha darajalarda amalga oshirilmoqda:

1) o‘quv predmeti darajasida;

2) o‘quv materiallari darajasida;

3) o‘quv jarayoni darajasida (o‘quvchilarni ularni o‘zlari uchun yangi ilmiy bilimni ochishga yetaklash usullarini aniqlash).

Biz ushbu jarayon, ya’ni matematika kurslarini o‘z tarixi bilan integratsiyalashuvi boshlang‘ich maktablar va umumta’lim maktablarida qanday darajalarda olib borilayotganini tasavvur qilish maqsadida quyidagi ikkita misolda keltirilgan darsliklarni o‘rgandik va o‘quv jarayoni bilan tanishdik.

1-мисол. Sh.A. Alimov, O.R. Xolmuhamedov, M.A. Mirzaahmedovларнинг 7-синф “Algebra” дарслигида ал-Хоразмий тўғ‘рисидаги ва бошқа тарихий маълумотлар қуйидагича киритилган.

1) I bob, Algebraik ifodalar; 1-§. Sonli ifodalar:

Algebra so‘zi buyuk o‘zbek matematigi va astronomi, vatandoshimiz Abu Abdulloh Muhammad ibn Muso al-Xorazmiyning, “Kitob al-muxtasar fi hisob al-jabr val-muqobala“ (“Al-jabr val-muqobala”) asaridagi al-jabr (lotinchasiga algebra) so‘zidan olingan. Bu asarda al-Xorazmiy dunyoda birinchi marta algebra fanini izchillik bilan bayon qilgan va al-Xorazmiyning rasmi yoniga “Abu Abdulloh Muhammad ibn Muso al-Xorazmiy (783–850) — buyuk o‘zbek matematigi va astronomi” korinishidagi yozuv bor [1, 6-7].

2) I bob, Algebraik ifodalar; 1-§. Sonli ifodalar:

Fransua Viyetning rasmi berilgan yoniga “XVI asrning taniqli matematigi Fransua Viyet (1540—1603) algebraga harfiy belgini kiritishning asoschisi hisoblanadi” korinishidagi yozuv bor [1, 15].

3) I bob, Algebraik ifodalar; I bobga doir mashqlar:

(Abu Rayhon Beruniy masalasi) Agar 10 dirham pul ikki oyda 5 dirham foyda keltirgan bo‘lsa, 8 dirham puldan uch oyda qancha foyda olish mumkin? [1, 32].

4) I bob, Algebraik ifodalar; Tarixiy ma’lumotlar:

Yurtdoshimiz buyuk matematik va astronom olim Abu Abdulloh Muhammad ibn Muso al-Xorazmiy (783–850) ning arifmetik (“Algorizmi hind hisobi haqida”) va algebraik (“Aljabr val-muqobala”) asarlari matematikaning rivojiga nihoyatda kuchli ta’sir ko‘rsatdi. Bu asarlar ko‘p tillarga tarjima qilindi, asrlar davomida matematikadan asosiy qo‘llanma bo‘lib xizmat qildi.

“Algorizmi hind hisobi haqida” risolasining XII asr boshidagi lotincha tarjimasi Angliyaning Kembrij universitetida saqlanadi. Al-Xorazmiyning bu asari tufayli Yevropaga o‘nli sanoq sistemasi kirib borgan.

O‘zbekiston Respublikasining birinchi Prezidenti I.A. Karimov o‘zining “Yuksak ma’naviyat – yengilmas kuch” asarida “Muhammad Muso Xorazmiyning o‘nlik sanoq sistemasini, algoritm va algebra tushunchalarini dunyoda birinchi bo‘lib ilm-fan sohasiga joriy etgani va shu asosda aniq fanlar rivoji uchun o‘z vaqtida mustahkam asos yaratgani umuminsoniy taraqqiyot rivojida qanday katta ahamiyatga ega bo‘lganini barchamiz yaxshi bilamiz”, – deb yozgan edi.

Xorazmiy algebrasi — “Al-jabr val-muqobala hisobi haqida qisqacha kitob” asarining arabcha nusxasi Oksford universitetining Bodleyan kutubxonasida saqlanadi. Risola uch qismdan iborat:

1) algebraik qism;

2) geometrik qism;

3) vasiyatlar haqidagi qism (Xorazmiy uni “Vasiyatlar kitobi” deb atagan). Al-Xorazmiy risolasida barcha

masalalarning bayoni va yechimlari so'zlar bilan beriladi, hech qanday belgilashlar, harfiy ifodalar ishlatilmaydi. Al-Xorazmiy yozadi: "... Men arifmetikaning oddiy va murakkab masalalarini o'z ichiga oluvchi "Al-jabr val-muqobala hisobi haqida qisqacha kitob"ni ta'lif qildim, chunki meros taqsim qilishda, vasiyatnoma tuzishda, mol taqsimlashda va adliya ishlarida, savdoda va har qanday bitimlarda va shuningdek, yer o'lchashda, ariqlar o'tkazishda, muhandislikda va boshqa shunga o'xshash turlicha ishlarda kishilar uchun bu zarurdir". Binobarin, olim o'zining bu asarini kundalik hayot talabi va ehtiyojlarini hisobga olgan holda yozgan [1, 34].

5) II bob, Bir noma'lumli birinchi darajali tenglamalar; 7-§. Bir noma'lumli birinchi darajali tenglamalarni yechish:

Al-Xorazmiyning "Kitob al-muxtasar fi hisob al-jabr valmuqobala" asaridagi al-jabr musbat hadlarni tiklash, ya'ni manfiy hadlarni tenglamaning bir qismidan ikkinchi qismiga musbat qilib o'tkazishni, val-muqobala esa tenglamaning ikkala qismidan teng hadlarni tashlab yuborishni bildirgan [1, 38].

6) II bob, Bir noma'lumli birinchi darajali tenglamalar; 7-§. Bir noma'lumli birinchi darajali tenglamalarni yechish, 39-bet:

| | |
|---|---|
| $-3x$<br>$5x - 7 = 3x + 11$<br>$+7$<br>$5x - 3x = 11 + 7$ | **AL-JABR:** $3x$, chapga $-3x$ bo'lib o'tasan!<br>$-7$, sen o'ngga $+7$ bo'lib o'tasan! |
| $4x - 5 + 2x = 4x + 8 - 5$<br>$2x = 8$ | **VAL-MUQOBALA:** chap va o'ng qismdagi<br>$-5$ lar-u, $4x$ lar, sizlar bilan xayrlashamiz! |

7) II bob, Bir noma'lumli birinchi darajali tenglamalar; Tarixiy ma'lumotlar:

Muhammad ibn Muso al-Xorazmiy "Al-jabr val-muqobala hisobi haqida qisqacha kitob" asarida kiritilgan "al-jabr", "val-muqobala" qoidalarini biz 7-§ da tenglamaning asosiy xossalari sifatida bayon qildik.

Algebrada uch xil sonlar bilan ish ko'riladi, deydi al-Xorazmiy. Ular:

– ildiz yoki narsa (tenglamadagi noma'lum son );

– kvadrat (mol) (noma'lumning kvadrati – );

– oddiy son (bunda natural son nazarda tutiladi).

Xorazmiy shu uch xil miqdorlar orasidagi bog'lanishlarni tahlil qiladi va quyidagi tenglamalarni yechish usullarini ko'rsatadi:

1) – kvadratlar ildizlarga teng;
2) – kvadratlar sonlarga teng;
3) – ildizlar songa teng;
4) – kvadratlar va ildizlar sonlarga teng;
5) – kvadratlar va son ildizlarga teng;
6) – ildizlar va son kvadratlarga teng [1, 52]..

Biz 7-sinfda faqat chiziqli tenglamalarni o'rganamiz banddagi tenglama. Qolganlari 8-sinfda o'rganiladi. Har qanday chiziqli yoki kvadrat tenglama "al-jabr", "val-muqobala" almashtirishlari natijasida yuqoridagi 6 ta tenglamaning biriga keltirilishi mumkin[3].

Yuqorida keltirilgan misollardan ko'rinib turibdiki, boshlang'ich va umumta'lim maktablarida matematika kurslarini o'z tarixi bilan integratsiyalashuvi jarayoni yetarli darajada intensiv amalga oshirilmoqda. Lekin bu borada oliy o'quv yurtlari matematika kurslaridagi holatni qoniqarli deb bo'lmaydi. Aslida matematika kurslarini o'z tarixi bilan integratsiyalashuvi jarayonini oliy o'quv yurtlarida osonroq va tezroq amalga oshirish mumkin edi.

Shu o'rinda Azlarov T., Mansurov H.larning Matematik analiz: Universitet va pedagogik institutlar talabalari uchun darsligining kirish so'zidagi mulohazalarini keltirib o'tishni ma'qul topdik: "Matematik analizning turli sohalarga tatbiq doirasi nihoyatda keng. Ammo shulardan eng muhimi, fikrimizcha, uning har xil matematik ob'ektlarni (irratsional sonlarni, funksiyalarni, xos va xosmas integrallarni) taqribiy hisoblashga qo'llanishidadir [2, 5]. Sirasini aytganda, analizning barpo bo'lishidagi asosiy manbalardan biri ham shudir. Bunday masalalar hozirga qadar ham analizning taraqqiyoti uchun xizmat qilib kelyapti. Shu mulohazaga tayangan holda, analizning taqribiy hisoblashlarga qo'llanishiga asosiy e'tibor berilgan". Naqadar ulug'vor va joyida aytilgan fikr, demak, biz matematik analizni al-Xorazmiyning taqribiy hisoblashlarga doir ishlarini o'rganishdan boshlashimiz kerak. Lekin amalda bunday emas [3, 306].

Endi biz bu boradagi jumladan oxirgi yillarda chop etilgan ayrim maqola va asarlarga qisqacha to'xtalib o'tamiz.

Kitobga al-Xorazmiyning Yevropada matematika ilmini rivojlanishiga ulkan ta'sir ko'rsatgan arifmetika va algebradan traktatlari kiritilgan: birinchisi pozitsion o'nli sanoq sistemasiga asoslangan arifmetikani boshlab berdi, ikkinchisi algebraning ilm-fan sifatidagi asosi hisoblanadi. "Algebra" so'zining o'zi "Al-jabr va al-muqobala" traktatining nomidan kelib chiqadi. Nashr yana al-Xorazmiyning zijidan olingan trigonometrik boblarni, ilmiy maqolalar va kengaytirilgan izohlarni ham o'z ichiga oladi.

832-yili abbosiylar sulolasidan bo'lgan Al-Ma'mun o'z mamlakati poytaxti Bog'dodda, Aleksandriyadagi qadimiy Muzeyga o'xshash, keyinchalik "Donishmandlar uyi" deb nomlangan ilmiy izlanish va o'quv markaziga asos soldi. Mazmuniga ko'ra "Donishmandlar uyi" bu o'z davrining Fanlar Akademiyasi edi. U yerda O'rta Osiyo va arab Sharqining turli hududlaridan ko'plab olimlar

ishlar edi, qadimiy qo'lyozmalarga juda boy kutubxona hamda maxsus qurilgan katta astronomik observatoriya ularning ixtiyorida edi. "Donishmandlar uyi" matematika, astronomiya, meditsina va ximiyani o'rganish markaziga aylandi.

"Donishmandlar uyi"ni o'z hayotining anchagina davrida "algebraning otasi" Abu Abdulloh Muhammad ibn Muso Al-Xorazmiy boshqardi. Aynan al-Xorazmiy tufayli Yevropa o'nli sanoq va raqamlar nimaligini bildi. Aynan u yer sharini birinchi bo'lib meridian va parallellarga bo'lishni taklif qildi. Shunday qilib, yerdagi har bir nuqtaning aniq koordinatalari, kenglik va uzoqlik paydo bo'ldi. Aynan al-Xorazmiy yerning birinchi ishonarli modeli, zamonaviy globus timsolini qurdi va bu mashhur italyan olimi Galileo Galileydan 700 yil oldingi davr edi [4, 328].

Biz o'rganayotgan davr IX-XII asr fan va madaniyatining ravnaqini Abu Rayhon Beruniysiz tasavvur qilish mumkin emas. Beruniy Xorazmda yashagan vaqtda hali juda yosh bo'lishiga qaramay, Kat shahrida muhim astronomik kuzatishlar o'tkazgan. Bu kuzatishlar uchun o'zi asboblar ixtiro qilgan. Beruniy 22 yoshida o'zi tug'ilib o'sgan vatanini tashlab ketishga majbur bo'ladi va avval Rayga, keyin Jurjonga keladi. Bu yerda mashhur tabib, astronom, faylasuf Abu Sahl Iso al-Masihiy bilan tanishadi va undan ta'lim oladi. "Yulduzlar haqidagi boshlang'ich bilimni tushuntirish kitobi" Beruniyning eng muhim asarlaridan biri. U qisqacha "Yulduzlar haqida ilm" yoki "Tafhim" nomlari bilan tanilgan. Bu asarni ba'zan "Astronomiya" yoki "Astrologiya" deb ham atashadi. Beruniyning kitobi astronom va astrolog bilishi kerak bo'lgan barcha boshlang'ich bilimlarni o'qitishga bag'ishlangan o'quv qo'llanma. Kitobda savol va javob tarzida matematika, geografiya, turli xalqlarning xronologiyasi, astronomiya va amaliy xarakterdagi qator savollar bayon qilingan. Shu bilan birga, astrolyabiyadan foydalanish qoidalari ham berilgan. U 530 ta savol va javob ko'rinishida ko'pchilikka tushunarli tilda yozilgan. "Yulduzlar haqida ilm" o'rta asrlarda keng tarqalgan. Muhimi, unda o'rta asrlar Sharq ilmlari – matematika asoslari, astronomiya, geografiya va xronologiya bilan tanishish mumkin.

Shunday qilib, matematik ta'lim sifatini oshirishda O'rta Osiyo matematiklari merosidan foydalanishning pedagogik asoslari (O'rta asr matematiklari meroslari misolida) mavzusini tadqiq qilish dolzarb masaladir.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

*1. Alimov Sh.A., Xolmuhamedov O.R., Mirzaahmedov M.A. Algebra 7-sinf uchun darslik. "O'qtuvchi" nashriyot-matbaaijodiy uyi. – T., 2017. – 192 b.*

*2. Азларов Т., Мансуров Ҳ. Математик анализ: Университет ва пед. институтлар талабалари учун дарслик: 2 қисмли. 1-қ.-Қайта ишланган ва тўлдирилган 2-нашри. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – 416 б.*

*3. Ал-Хорезми Мухаммад. Математические трактаты. – Т.: Фан, 1983. – 306 с.*

*4. Беруни Абу Райхан. Книга вразумления начатками науки о звездах / Вступ. статья, пер. с араб., и примеч. Б.А. Розенфелъда и А. Ахмедова // Избр.произведения. Т. VI. – Т.: Фан, 1975. —328 с.*

*5. Bachelard G. 1940. La philosophie du non: Essai d'une philosophie du nouvel espirit scientifique. Paris, Presse Universitaires de France. [Башляр Г. Философское отрицание: Опыт философии нового научного духа. В кн.: Башляр Г. Новый рационализм. М., Прогресс, 1987, с. 160-283.]*

# УЮШМАГАН ЁШЛАРНИ ҲУНАРМАНДЧИЛИК СОҲАЛАРИГА ОИД ҚЎШИМЧА КАСБЛАРГА ТАЙЁРЛАШ

**Гулбаҳор Ишмуродова,**
Қарши давлат университети доценти,
**Мафтуна Нуримова, Моҳинур Рахимова,**
Шаҳрисабз давлат педагогика институти
2-босқич магистрантлари

***Аннотация***

*Мазкур мақолада мактаб битирувчиларини, уюшмаган ёшларни миллий ҳунармандчилик касбларига йўналтириш, уюшмаган ёшлар ҳунармандчилик фаолияти, халқ ҳунармандчилигининг асосий йўналишлари, дурадгорлик ва тадбиркорлик касбларига тайёрлаш, бешик тайёрлаш ва мебель ишлаб чиқариш ҳамда сотиш билан шуғулланишда тадбиркорлик фаолиятининг мазмуни кўрсатиб ўтилади.*

***Калит сўзлар:*** *касб, ҳунар, тадбиркорлик, ёғочсозлик, дурадгорлик касби, уюшмаган ёшлар, миллий халқ ҳунармандчилиги.*

***Аннотация***
*В данной статье содержание предпринимательской деятельности показано в ориентации выпускников школ, неорганизованной молодежи сарланародно-ремесленные профессии, неорганизованной молодежи, промесленной деятельности, основных направлениях народных промыслов, столярно-предпринимательских профессий, подготовки колыбел и мебельного производства и продажа.*
***Ключевые слова:*** *профессия, ремесло, предпринимательство, деревообработка, столярное дело, неорганизованная молодеж, народные промыслы.*

***Annotation***
*In this article, the content of entrepreneurial activity is shown in the orientation of school graduates, unorganized youth to folk craft professions, unorganized youth, craft activities, the main areas of folk crafts, carpentry and entrepreneurial professions, the preparation of cradles and furniture production and sale.*
***Keywords:*** *profession, craft, entrepreneurship, woodworking, carpentry, unorganized youth, folk crafts.*

Ўзбекистон Республикасида ўқувчи ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш ва касбга тайёрлаш масаласи ҳамма вақт долзарб ҳисобланади. Маълумки, умумий ўрта таълимнинг асосий вазифаси инсонни ҳар томонлама ривожлантириш, ҳаёт ва меҳнат, касб танлашга ва келгусида касб-ҳунар сирларини ўргатишга тайёрлашдан иборат. Республикамизда касб-ҳунар таълими: элементар, ўрта махсус, касб-ҳунар; олий ва олий таълимдан кейинги таълим босқичларида амалга оширилади. Бошланғич (элементлар) касб-ҳунар таълими умумий ўрта таълим мактабларида, қисқа муддатли ўқув курсларида маълум тор ихтисосликни эгаллашга имкон беради. Ўрта махсус касб-ҳунар таълими умумий ўрта таълим негизида таҳсил олувчиларининг касб-ҳунарга мойиллиги, танлаган касби бўйича бир ёки бир неча ихтисосликни эгаллашни таъминлайдиган ўқиш муддати уч йиллик таълимдир [2, 13]. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими касб-ҳунар мактаблари, коллежлари ва техникумларида амалга оширилади.

Умумий ўрта таълим мактабларида бу вазифа умумтаълим фанлари доирасида ва технологик таълим дарсларида амалга оширилади. Умумтаълим фанлари мазмуни замонавий билимлар, ишлаб чиқариш соҳаси, техника ва технологиялардан олинишини ҳисобга оладиган бўлсак, ўқувчи ёшларни касбга тайёрлаш борасида етарли имкониятга эга эканлигини кўришимиз мумкин. Шундай бўлишига қарамасдан, ҳозиргача мактаб битирувчилари (16-30 ёшгача) орасида бирор бир касб ёки ҳунарни эгалламаган ёшлар ҳам учраб туради. Бу ёшларни маҳаллалар доирасида кўриб чиқиш, уларни аниқлаш ва ўзбек миллий ҳунармандчилик касб-ҳунарларига ўргатиш орқали ишсизликни камайтириш, аҳолининг бандлик даражасини таъминлаш лозим. Зеро, мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган вақт ичида ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, шижоатли ёшларни тарбиялаш борасида алоҳида тизим яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўзининг ёшлар бандлигини таъминлаш ва бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги нутқида (2021 йил 27 январь) қуйидаги фикрлар билдирилди: "Мамлакатимизда 30 ёшгача бўлган ёшлар сони 18 миллиондан зиёд. Бу – аҳолининг қарийб 55 фоизини ташкил этади. Замон талабларини илғаш ва амалга ошириш, соҳа ва тармоқларни олға бошлашда бу жуда катта таянч, бебаҳо хазинадир". Яна Шавкат Мирзиёев бу ишлар иккита муҳим йўналишда ташкил қилиниши зарурлигини кўрсатиб ўтдилар: "Биринчиси – ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, касб-ҳунарга ўқитиш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш бўлса, иккинчиси – ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишдир" [1].

Биз ўз тадқиқотимизни биринчи йўналиш бўйича олиб боришни мақсад қилиб қўйдик.

Иш билан банд бўлмаган ёшларимизни халқ ҳунармандчилик касбларига ўргатиш учун, аввало, ҳунармандчиликнинг асосий йўналишлари ва уларга оид касб-ҳунар ҳақида маълумотга эга бўлишимиз керак.

Ҳунармандчилик фаолиятида халқ ҳунармандчилигининг асосий йўналишлари деб қуйидагилар белгиланган: ганч ўймакорлиги, гиламчилик, газламачилик, тош ўймакорлиги, миниатюра, кандакорлик, темирчилик, тунукасозлик, косибчилик, миллий либослар тайёрлаш, бош кийимлар тайёрлаш, ёғоч ўймакорлиги, тикувчилик, каштадўзлик, зардўзлик, мусиқа асбоблари, кулоллик, чиннисозлик, қимматбаҳо металлардан ясалган заргарлик буюмлари, ўйинчоқлар, майда ҳайкалтарошлик буюмлари, чармсозлик, муаллифлик мебеллари, дурадгорлик, новдалардан буюмлар тўқиш, саватсозлик, шишасозлик, ҳажмли ва шаклли қолипларда қуйилган буюмлар, соатозлик, эмаллаш ишлари, эсдалик буюмлари, оддий металлардан миллий услубда тайёрланган тақинчоқлар, матога гул босиш, кигиз босиш [4, 256].

Юқорида санаб ўтилган ҳунармандчиликнинг асосий йўналишлари бўйича маҳсулотларни таъминлаш ва хизмат кўрсатиш ишлари ҳунармандчилик фаолиятининг асосий йўналишларидан эканлигини ҳисоб-

га оладиган бўлсак, ёшларимизни мазкур касбларга ўргатиш орқали ички бозорларимизни миллий маҳсулотлар билан тўлдириш, экспорт қилиш, туризимни ривожлантириш, қолаверса, ёшларимизни меҳнатсеварлик, инсонпарварлик ва миллий қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш мумкин бўлади.

Ёшларни қайси ҳунармандчилик касбларига ўргатган маъқул?

Дурадгорлик касби ва иш принципи ҳақида.

Дурадгорлик касби жуда қадимий касблардан бири ҳисобланади. Одамларнинг пайдо бўлиши билан ёғочлардан фойдаланиш, ёғочларга ишлов бериш ишлари қилина бошлаган. Одамлар ўзларига турли хил меҳнат ва ов қуроллари ясашган, эҳтиёжлари учун зарур бўлган буюмлар тайёрлай бошлашган. Ҳозир ҳам қайси соҳани олманг, дурадгорлик ишлари мавжуд. Шунинг учун бу касб фахрли ҳисобланади. Ёғоч материаллари дурадгорларнинг иш фаолиятидаги асосий хомашё бўлиб ҳисобланади. Табиатдаги дарахтларни кесиб, турли хил арралардан ўтказиб, тахта ва брус шаклидаги материаллар тайёрланади. Дарахтлар, асосан, кўндаланг ва бўйламасига арралаб кесилади. Кесишда буток, ёрик, дарахт ўзаги каби турли хил нуқсонлар ҳисобга олинади [5, 40].

Ёғоч материаллари икки хил хусусиятга эга:

1. Физикавий хусусияти: ранги, товланиши, зичлиги, электр ва иссиқлик ўтказувчанлиги, ҳиди.

2. Механик хусусияти: мустаҳкамлиги, юмшоқлиги, қаттиқлиги, эгилувчанлиги, сингдирувчанлиги, қайишқоқлиги ва шу кабилар.

Халқимизда дурадгорликка оид кўплаб касблар бор. Шулардан бири бешикчиликдир. Бешик тайёрлаш жараёнида ёғочга ишлов беришга оид қуйидаги ишлар амалга оширилади:

Бешик гардиши сув ичига солиниб, эгилади. Остки тахталари тайёрланади. Гардишлар орасига ўрнатиладиган даста СТД-120 маркали ёғочга ишлов бериш станогида тайёрланади. Тайёр бўлган қисмлар ўзаро бириктирилади.

Ҳозирги даврда тадбиркорлик фаолияти ҳар бир соҳага кириб келмоқда. Тадбиркорлик касби ҳам дурадгорлик касби сингари оммавийлишмоқда. Инсон яралибдики, ҳаётнинг ҳар бир кунида бир неча марта савдо-сотиқ ва мол айрибошлаш, умуман, иқтисод билан боғлиқ масалаларга, муаммоларга дуч келади. Тадбиркорлик нима? Тадбиркорлик ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, йўлга қўйиш, маҳсулот ишлаб чиқариш, уни сота билиш, сотилгандан тушган пулни жой-жойига сарфлай олишдир. Тадбиркор – бу ишлаб чиқариш ва тижоратнинг барча омилларидан бойлик яратиш учун фойдаланадиган одамдир. Бу анча кенг таърифга яратувчанликнинг кўпгина соҳалари билан шуғулланувчи одамлар тўғри келади. Тадбиркорларга қўйиладиган талаблар моддий бойликлар яратувчи бошқа одамларга қўйиладиган талабларга қараганда анча кенгдир. Масалан, сиз дурадгорсиз, дейлик. Сиз яшик, бешик, дераза ва бошқа жиҳозлар ясашга устаси фаранг бўлишингиз мумкин. Лекин агар сиз мебель тадбиркорлиги билан шуғулланишни бошласангиз, бу жиҳозларни ишлаб чиқаришдан ташқари савдо-сотиқ, маркетинг, бошқариш, ҳисоб-китоб, молиялаштириш, кадрлар иши билан шуғулланишингизга ҳам тўғри келади.

Тадбиркорлик нимадан бошланади? Замонавий шароитда тадбиркорликнинг барча турлари авж олмоқда. Кўпгина корхоналарнинг хусусийлаштирилиши ижобий таъсир кўрсатмоқда. Йирик давлат корхоналари ўрнига кичик, чаққон, ҳар қандай шароитга тез мослаша оладиган хусусий корхоналар пайдо бўла бошлади. Дурадгорлик буюмларни тайёрлаш учун қанча хомашё кетишини, уларга кетган сарф-харажатни, олинадиган фойда ҳисобларини аниқлаймиз. Буюмларга таннарх асосида сотиш учун баҳо белгилаймиз. Албатта, баҳо белгилаш бозорни ўрганиш, ундаги талаб ва таклифлар натижасида амалга оширилади. Масалан, бешик тайёрлаш учун юқорида кўрсатиб ўтилган маҳаллий материаллардан, яъни тол, терак каби дарахтлардан олинган ёғоч материалларидан фойдаланишимиз мумкин. Ёғоч материалларини жуда тежамкорлик билан ишлатишимиз керак.

Иқтисод билан иш юритишимиз эса кишини ҳалол меҳнати эвазига даромад олиши ва уни ақл-идрок, тежамкорлик билан зарурий жойларга ишлатишдир. Исроф – иқтисод ва тежамкорликнинг акси бўлиб, ўринсиз, фойдасиз ва хайрсиз ишларга пул ва мол сарф қилишдир. Шунингдек, савдо соҳасида жуда тўғрилик ва ҳаллоллик билан иш кўриш талаб қилинади. Сотувчида хос сўзамоллик, хушмуомалалик, ҳозиржавоблик, истараси иссиқлик каби умуминсоний хислатлар мужассам бўлиши керак.

Шундай қилиб, ёшларни халқ ҳунармандчилиги йўналишларидаги касб-ҳунарга ўргатиш уларнинг тарихий, маънавий ва маданий меросни ўрганишга, авайлаб асрашга, анъана ва маросимларини ҳурмат қилишга, умумбашарий аҳамиятга эга бўлган қадриятларни билиш ва унга ҳурмат билан муносабатда бўлишга ундайди. Халқ ҳунармандчилиги касбларини ўргатиш орқали халқнинг миллий руҳини, яшаш тарзини, анъаналарини тиклаш ва ривожлантириш имконияти туғилади, миллий қадриятлар, тарихий ёдгорликлар, халқ усталарининг бой меросини ўргатиш, улардан ўз амалий фаолиятида фойдаланиш кўникмалари мустаҳкамланади. Иш билан банд бўлмаган ёшлар маълум бир касб-ҳунарга ўргатилади, ишсизлик муаммоси бартараф этилади, миллий ҳунармандчилик замонавий элементлар билан бойитилади, ички ва ташқи бозорларимиз маҳсулотлар билан тўлдирилади ва аҳолининг истеъмолга бўлган эҳтиёжи қондирилади.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

*1. Мирзиеёв Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида ёшлар бандлигини таъминлаш ва бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектордаги маърузаси. Тошкент 2021 й.*

*2. Абдуқуддусов О.А. Касб-ҳунар педагогикаси. –Т.: ЎМКҲТТКМО ва ЎҚТИ, 2014. – 310 б.*

*3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. IV. Тартибот–Шукр / Таҳрир ҳайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ. Ўз. Рес. ФА Тил ва адабиёт институти. – Т., 2008. – 608 б.*

*4.Ishmuradova G.I. , Mirzayeva G.M., Mirzayev E.M. Xalq hunarmandchiligi va badiiy loyihalash. – Qarshi "Nasaf" NMIU, 2021. –343 b.*

*5. Қўйсинов О.А. ва б. "Меҳнат таълими методикаси, касб танлашга йўллаш" фанидан лаборатория машғулотлари. –Т.: ТДПУ, 2013. – 168 б.*

# ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ШАКЛИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ

**Тўлқин Маматалиев,**
Олий таълимни ривожлантириш
тадқиқотлари ва илғор технологияларни
татбиқ этиш маркази Назорат-ҳуқуқий бўлим бошлиғи

***Аннотация***
*Ушбу мақолада олий таълим ташкилотларида масофавий таълимни ташкил этиш, масофавий таълимнинг мақсади, тамойиллари ва вазифалари, масофавий таълимни ташкил этишга қўйиладиган талаблар, масофавий таълим сифати мониторинги ҳақида фикр юритилади.*
***Калит сўзлар:*** *автопрокторинг, асинхрон режим, масофавий таълимни бошқариш тизими, масофавий таълим, масофавий таълим жараёнининг иштирокчилари, масофавий таълим технологияси, синхрон режим, ўқув контенти.*

***Аннотация***
*В данной статье рассматривается организация дистанционного образования в высших учебных заведениях, цель, принципы и задачи дистанционного образования, требования к организации дистанционного образования, мониторинг качества дистанционного образования.*
***Ключевые слова:*** *автопрокторинг, асинхронный режим, система управления дистанционным обучением, дистанционное обучение, участники дистанционного образовательного процесса, технология дистанционного обучения, синхронный режим, образовательный контент.*

***Annotation***
*This article discusses the organization of distance education in higher education institutions, the purpose, principles and tasks of distance education, requirements for the organization of distance education, monitoring the quality of distance education.*
***Keywords:*** *autoproctoring, asynchronous mode, distance education management system, distance education, distance education process participants, distance education technology, synchronous mode, educational content.*

Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни фаол ривожлантириш, барча тармоқлар ва соҳаларда, энг аввало, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирги кунда таълим тизимида сезиларли ўзгаришлар рўй бераётганлиги кун сайин яққол кўриниб бормоқда. Бошқа таълим шакллари қатори, айниқса, масофадан таълим кенг қўлланилаётгатлиги ҳам қувончли ҳол.

Таълим олиш ҳуқуқи шахснинг асосий ҳуқуқларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари умумжахон декларациясига (1948 йил) асосланиб берилган ҳуқуқни амалга оширишнинг фаолият кўрсатаётган механизмини яратди. Таълим олиш ҳуқуқига тегишли халқаро ҳужжатлар (1960 йил 14 декабрдаги Таълим соҳасидаги камситишларга қарши кураш тўғрисидаги Конвенция [1] шуни эътироф этадики, "таълим" ибораси ўқитишнинг барча турларини ва босқичларини қамраб олади ва таълим олиш имконига эга бўлиш, таълимнинг даражаси ва сифати, шунингдек, таълим бериш шароитларини ўз ичига олади.

Таълим шакли ва босқичларининг кўп хиллилиги шахснинг эҳтиёжлари ва қизиқишларидан келиб

чиққан ҳолда, унинг таълим олиш ҳуқуқини иложи борича тўлароқ амалга оширишга имкон беради.

Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 9 декабрда имзоланган "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги [2] қонуни электрон таълим, шу жумладан, масофавий таълим ривожида туртки бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги "2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини "илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида ПФ-5953-сон Фармони [3] билан 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети, Тошкент давлат юридик университети ва Тошкент давлат педагогика университетида тажриба тариқасида босқичма-босқич масофавий ўқитиш шакли жорий этиш белгилаб қўйилди.

"Масофавий таълим" шаклини ривожлантириш, республика ва глобал таълимда ахборот ресурсларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, ахборот-таълим муҳитини такомиллаштириш билан узвий боғлиқдир [4].

Юртимиздаги бир қатор ўқув муассасаларида масофадан ўқитишни ташкил этиш борасида муайян тажрибалар тўпланган, бу эса замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, юксак сифат даражасида таълимни ташкил қилиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини [5] "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили"да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан соҳада самарали фойдаланиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 03.10.2022 йилдаги "Олий таълим ташкилотларида масофавий таълим шаклини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 559-сон қарори [6] тасдиқланди.

Олий таълим ташкилотларида масофавий таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги қарорда қуйидагилар назарда тутилган:

- ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш асосида талабанинг турар жойидан қатъи назар, унга таълим дастурларини ўзлаштириш учун имконият тақдим этиш;
- масофавий таълим шакли жорий этиш мумкин бўлмаган бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан белгилаш;
- масофавий таълим бўйича қабул параметрларини давлат олий таълим муассасаларида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан келишилган ҳолда, бўйсунуви бўйича тегишли вазирлик (идора), молиявий мустақиллик берилган давлат олий таълим муассасаларида тегишли олий таълим муассасасининг Кузатув кенгаши, нодавлат олий таълим ташкилотларида нодавлат олий таълим ташкилоти муассиси томонидан белгиланган тартибда тасдиқлаш ҳамда таълим жараёнини тўлов-контракт асосида амалга ошириш;
- масофавий таълимни махсус платформа ёрдамида ёки мавжуд платформалардан фойдаланган ҳолда ташкил этиш;
- масофавий таълимда бир ўқитувчига тўғри келадиган талабалар сони нисбатининг чекланган нормативларини 1:50 нисбатда белгилаш;
- масофавий таълим бўйича ўқув жараёнини давлат таълим стандарти, касбий стандартлар ва малака талаблари асосида ишлаб чиқилган ўқув режалари ҳамда ўқув дастурлари асосида амалга ошириш;
- масофавий таълимга талабаларни қабул қилиш ва ўқув жараёнини ташкил қилиш тартибини белгилаш, шунингдек, масофавий таълим сифати мониторингини ташкил этиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 3 октябрдаги 559-сон қарорига кўра:

- масофавий таълим шакли асосида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш учун 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15 июндаги Ф-60-сон фармойишига 1в-иловада кўрсатилган давлат олий таълим муассасаларига, 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб қолган давлат ва нодавлат олий таълим ташкилотларига рухсат берилади, фаолияти мазкур қарор қабул қилингунга қадар қонунчилик ҳужжатлари асосида ташкил этилган олий таълим ташкилотлари бундан мустасно;
- масофавий таълим шакли бўйича кадрлар тайёрлаш кундузги таълим шаклида тегишли бакалавриат таълим йўналиши ва магистратура мутахассислиги мавжуд бўлган олий таълим ташкилотларида йўлга қўйилади, ахборот-коммуникация технологиялари йўналишлари бундан мустасно;
- масофавий таълим шакли асосида кадрлар тайёрлашда бир бакалавриат таълим йўналишига қабул параметрлари 300 нафар талабадан, бир магистратура мутахассислигига 30 нафар талабадан ортиқ бўлмаслиги лозим. Шунингдек, мазкур талаб ахборот-коммуникация технологиялари йўналишларига нисбатан татбиқ этилмайди, талабалар сонини аниқлашда хорижий давлат фуқароси бўлган талабалар ҳисобга олинмайди;
- масофавий таълим шакли жорий этилган дав-

лат олий таълим муассасаларига Масофавий таълимни ташкил этиш ва ривожлантириш марказини ташкил этиш ҳуқуқи берилади. Шунингдек, Масофавий таълимни ташкил этиш ва ривожлантириш марказининг штат бирлиги молиявий мустақиллик берилган давлат олий таълим муассасаларида Кузатув кенгашлари томонидан, бошқа олий таълим муассасаларида бўйсинуви бўйича тегишли вазирлик ва идора билан келишилган ҳолда олий таълим муассасаси ректори томонидан белгиланади;

Марказ олий таълим муассасаларининг юридик шахс бўлмаган таркибий бўлинмаси ҳисобланади ва улар фаолиятини молиялаштириш олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Олий таълим ташкилотларида масофавий таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомда [7] қуйидаги бир қанча асосий тушунчалар келтириб ўтилган:

автопрокторинг — имтиҳон жараёнида талабанинг шахсини автоматик равишда аутентификациялаш, унинг хатти-ҳаракатлари ва нигоҳи йўналишини назорат қилиш, хонадаги товушларни таҳлил қилиш, видеодаги бузилишларни тузатиш ва ҳисоботлар тайёрлашга йўналтирилган дастурий тизим;

асинхрон режим — ўқув жараёни иштирокчиларининг Интернет жаҳон ахборот тармоғида бир хил бўлмаган вақтлардаги ўзаро алоқа режими;

масофавий таълим — талаба ва таълим берувчининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишига, интерактив аудио ва видеоконференциялар орқали маълум вақт орасида ўзаро мулоқотда бўлишига, электрон почта орқали тўғри ва тескари алоқа ўрнатишига, жумладан, хабарларни юбориши ва қабул қилишига мўлжалланган, билим ва кўникмаларни, ўқув дастурларини масофадан туриб ўзлаштиришга йўналтирилган таълим шакли;

масофавий таълимни бошқариш тизими — таълим жараёнини режалаштириш, бошқариш, амалга ошириш ва баҳолашда қўлланиладиган дастурий маҳсулот (электрон таълим платформаси);

масофавий таълим жараёнининг иштирокчилари — таълим ташкилотининг масофавий таълим шаклига қабул қилинган талабалар, профессор-ўқитувчилар ҳамда масофавий таълимнинг ташкилий-техник ва методик таъминотини амалга оширишга масъул шахслар;

масофавий таълим технологияси — талабаларга ўқув материалларининг асосий ҳажмини етказишни, талаба ва профессор-ўқитувчининг ўзаро интерфаол ҳаракатини таъминлаб берувчи, ўқув материалини ўзлаштириш бўйича мустақил ишлаши учун талабага имконият тақдим этувчи ахборот-коммуникация ва ўқитиш технологиялари;

синхрон режим — ўқув жараёни иштирокчиларининг Интернет жаҳон ахборот тармоғида реал вақтдаги ўзаро алоқа режими;

ўқув контенти — ўқув жараёнида талабаларнинг фойдаланиши учун мўлжалланган, масофавий таълимни бошқариш ахборот тизимига жойлаштирилган ўқув методик материаллар (ўқув режалари, ўқув дастурлари, маъруза матнлари, видеодарслар, тақдимотлар, топшириқлар, имтиҳон материаллари, ўқув адабиётлари).

Таълим тўғрисидаги Қонуннинг 38-моддасида таълим муассасаси ваколатига ўқув жараёни усуллари ва таълим технологияларидан, шу жумладан, масофавий ўқитиш технологияларидан фойдаланиш ва такомиллаштириш киради [8].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15 июндаги "Давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш жараёнларини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-279-сон қарори [9] билан давлат олий таълим муассасаларида уларнинг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, бакалавриат таълим йуналишлари бўйича масофавий таълим шакли жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15 июндаги Ф-60-сон фармойишининг 1в-илова [10]сига мувофиқ, 2022/2023 ўқув йилида давлат олий таълим муассасаларига бакалавриатнинг масофавий таълим шакли бўйича давлат буюртмаси асосида ўқишга қабул қилиш параметрлари бўйича 2022/2023 ўқув йилида давлат олий таълим муассасаларига бакалавриатнинг масофавий таълим шакли бўйича давлат буюртмаси асосида ўқишга қабул қилиш параметрларида Республика бўйича жами 3410 талаба қабул қилиниши белгилаб қўйилди.

"Олий таълим ташкилотларида масофавий таълим шаклини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 559-сон қарори билан тасдиқланган низомда масофавий таълимнинг мақсади, тамойиллари ва вазифалари ҳам кўрсатиб ўтилган.

Масофавий таълимнинг мақсади ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш асосида талабанинг турар жойидан қатъи назар, унга таълим дастурларини ўзлаштириш учун имконият тақдим этиш, талабаларнинг қизиқишлари, иқтидори ва эҳтиёжларига мувофиқ касбий салоҳиятини ривожлантиришдан иборат.

Масофавий таълим қуйидаги тамойиллар асосида ташкил этилади:

- иштирокчиларнинг интерфаоллиги;
- талабаларнинг идентификация қилиниши;
- янги ахборот-коммуникация технологияларини қўллашнинг педагогик мақсадга мувофиқлиги;
- таълим беришнинг очиқлиги ва мослашувчанлиги.

Низомда масофавий таълимни ташкил этишнинг асосий вазифалари қуйидагича:

- талабаларнинг масофадан туриб таълим олиш


ISSN 2181-8274

ва интеллектуал қобилиятларини ривожлантиришга бўлган эҳтиёжини қондириш;

- ўқув жараёнини ташкил этишнинг умумий, гуруҳ ва индивидуал шаклларининг уйғунлиги;
- кадрларнинг касбий даражасини ошириш ва уларнинг мустақил билим олишига кўмаклашиш;
- талабаларга мамлакатнинг ҳар қайси ҳудудида ва унинг ташқарисида таълим олишнинг тенг имкониятларини тақдим этиш;
- таълим хизматлари экспортини кенгайтириш орқали таълим тизимининг жозибадорлигини ошириш.

Низомнинг 3-бобида Масофавий таълимни ташкил этишга қўйиладиган талаблар кўрсатилиб ўтилган. Унга кўра:

- масофавий таълимни бошқариш бўйича дастурий таъминот "Learning Management System" (кейинги ўринларда — LMS) платформаси;
- Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланиш ва ундан фойдаланиш имкониятини таъминлайдиган ахборот-коммуникация инфратузилмаси;
- ўқув йили учун мўлжалланган ўқув контенти;
- ўқув режа ва дастурлардаги барча фанлардан масофавий таълим технологияларидан фойдаланиш орқали амалга ошириладиган, ўқув контентини қамраб оладиган электрон ўқув-методик мажмуалар, шунингдек, илмий ва ўқув адабиётларининг электрон базаси;
- санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ компьютер техникаси билан жиҳозланган алоҳида бино ёки аудиториялар;
- масофавий таълимнинг техник ва дастурий компонентлари ишлашини ва ривожланишини таъминлайдиган тегишли маълумот ва малакага эга муҳандис-техник ходимлар;
- юкламаси режадаги талабалар сонига мўлжалланган, таълим ташкилотига мулкий ёки камида 5 йил муддатга тузилган ижара шартномаси асосида тегишли бўлган, мамлакат ҳудудида жойлашган сервер қурилмаси;
- таълим ташкилоти тўғрисидаги барча ахборот, жумладан, ташкилот низоми ёки устави, ўқув режа ва дастурлар, педагог кадрлар ҳақида маълумот, академик календарь жойлаштирилган расмий веб-саҳифа.

Тартиб бўйича ўқув-методик ресурслар Ўзбекистон Республикаси давлат стандарти O'zDSt 36.2030 — "Электрон таълим" миллий тизимига киритиладиган электрон методик комплекслар ва бошқа таълим ресурсларига ягона талаблар"га мувофиқ бўлиши лозим.

Низомга мувофиқ, масофавий таълимда бир ўқитувчига тўғри келадиган талабалар сони нисбатининг чекланган нормативлари 1:50 нисбатда белгиланади.

Масофавий таълим беришга мўлжалланган ўқув режа ва дастурларда кўрсатилган фанлар ва амалиётларни тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясини муваффақиятли топширган битирувчиларга тегишли академик даража ва белгиланган намунадаги таълим тўғрисидаги ҳужжат берилади.

Таълим ташкилотларидаги масофавий таълим бўйича ўқув жараёни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан мониторинг қилиб борилади.

Ўқув жараёнининг мониторинги дарс машғулотлари ва назорат тадбирларини кузатиш ва таҳлил қилиш, сўровнома ўтказиш, фокус-гуруҳлар ташкил этиш, интервью олиш, натижаларни баҳолаш ва бошқа усулларда амалга оширилиши мумкин.

Мониторинг натижаларига кўра аниқланган камчиликлар олий таълим ташкилотлари томонидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ёки Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг тақдимномаси асосида бартараф этилиши мажбурий ҳисобланади.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**


*1. Инсон ҳуқуқлари умумжахон декларациясига (1948 йил) https://www.un.org/ru*

*1960 йил 14 декабрдаги Таълим сохасидаги камситишларга қарши кураш тўғрисидаги Конвенция https://lex.uz/docs/2686486.*

*2. Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 9 декабрда имзоланган "Электрон ҳукумат тўғрисидаги" қонуни, https://lex.uz/docs/2833860- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 49-сон, 611-модда; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.*

*3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги "2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида ПФ-5953-сон Фармони-https://lex.uz/docs/4751561 Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.04.2021 й., 06/21/6218/0398-сон, 01.05.2021 й., 06/21/6217/0409-сон, 30.12.2021 й., 06/21/45/1228-сон.*

*4. "Таълимни модернизациялашда масофавий таълим ва ўқув амалий машғулотларни мультимедиалар асосида ўтказиш технологияси" Декабрь 2020 Техника фанлари доктори, Палван Каландаров Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, https://www.researchgate.net/publication.*

*5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини /lex.uz/docs/ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон.*

*6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 03.10.2022 йилдаги "Олий таълим ташкилотларида масофавий таъ-*

*лим шаклини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 559-сон қарори Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 04.10.2022 й., 09/22/559/0884-сон*

*7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 03.10.2022 йилдаги "Олий таълим ташкилотларида масофавий таълим шаклини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 559-сон қарорига илова Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 04.10.2022 й., 09/22/559/0884-сон*

*8. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 23.09.2020 йилдаги ЎРҚ-637-сон https://lex.uz/docs/5013007 Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 12.10.2021 й., 03/21/721/0952-сон*

*9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15 июндаги "Давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш жараёнларини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-279-сон қарори.://lex.uz/uz/docs/-6070845?query=masofaviy%20ta%E2%80%99lim#sr*

*10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15 июндаги "2022/2023 ўқув йили учун давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида"ги Ф-60-сон https://lex.uz/docs/6069606*

# XALQ HUNARMANDCHILIGI VA AMALIY SAN'AT TURLARI, ULARDAGI UMUMIYLIK VA FARQLAR

**Gulbahor Ishmurodova,**
Qarshi davlat universiteti dotsenti;
**Mohinur Raximova, Maftuna Nurimova,**
Shahrisabz davlat pedagogika instituti
2-bosqich magistrantlari

***Annotatsiya***

*Texnologik kompetensiya o'qituvchi kasbiy tayyorgarligining muhim tarkibiy qismi bo'lib, nafaqat bilim, ko'nikma, me'yor va qadriyatlar tizimi, balki kelajakdagi texnologik ta'lim o'qituvchilarining kasbiy va shaxsiy rivojlanishi uchun texnologik vositalarning imkoniyatlarini ham o'z ichiga oladi. Xalq hunarmandchiligi va amaliy san'at haqidagi texnologik kompetensiyalar mazmunini aniqlab olish lozim. Maqolada texnologik ta'lim o'qituvchilarini tayyorlashda xalq hunarmandchiligi va amaliy san'at turlari, ulardagi umumiylik va farqlar to'g'risidagi ma'lumotlar, texnologik kompetensiyga berilgan ta'rif va ushbu mavzuga oid shakllantirilishi lozim bo'ladigan texnologik kompetensiyalar haqida to'xtalib o'tilgan.*

***Kalit so'zlar:*** *texnologiya, kompetentlik, kashtal, naqsh xalq hunarmandchiligi, amaliy san'at.*

***Аннотация***

*Технологическая компетентность является важной составляющей профессиональной подготовки педагога и включает в себя не только знания, умения, нормы и системы ценностей, но и возможности технологических средств профессионального и личностного развития будущих педагогов технологического образования. Необходимо определить содержание технологических компетенций о народных промыслах и прикладном искусстве. Этот процесс также представлен в статье при подготовке педагогов технологического образования, сведения о видах народных промыслов и прикладного искусства, их общих чертах и различиях, дается определение технологической компетентности и тех технологических умений, которые должны быть сформированы к данному сезону.*

***Ключевые слова:*** *технология, компетентность, вышивка, вышивка народные промыслы, прикладное искусство.*

***Annotation***

*Technological competence is an important component of the teacher's professional training and includes not only knowledge, skills, norms and value systems, but also the possibilities of technological tools for the professional and personal development of future teachers of technological education. takes It is necessary to determine the content of technological competences about folk crafts and applied art. This process is also presented in the article in the preparation of teachers of technological education, information about the types of folk crafts and applied arts, their commonalities and differences, the definition given to technological competence and the technological skills that should be formed for this season. Competences have been discussed.*

***Keywords:*** *technology, competence, embroidery, embroidery folk crafts, applied art.*

O‘zbekiston Respublikasi mustaqillikka erishgach, xalq hunarmandchiligini rivojlantirish borasida juda ko‘p ishlar amalga oshirilmoqda, bir necha qaror va qonunlar qabul qilindi. Bunda asosiy ko‘zlangan maqsad o‘zligimizni namoyon qilish, jahon xalqlari orasida o‘zimizni eng chiroyli, nafis, jozibali san’atimizni ko‘z-ko‘z qilish, asrlar davomida rivojlanib sayqal topib kelayotgan qo‘l mehnatiga yoki kichik mexanizatsiya vositasiga asoslangan faoliyat turlarimizni tanitish orqali jahon xalqlarida qiziqish uyg‘otish, qolaversa, ularni chet mamlakatlarga eksport qilishni yo‘lga qo‘yishdir. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Hunarmandchilikni yanada rivojlantirish va hunarmandlarni har tomonlama qo‘llab-quvvatlash to‘g‘risida”gi PF-5242 Farmonida ham xalqimizning boy madaniy merosi va tarixiy an’analarini to‘liq saqlab qolish, ko‘paytirish, milliy hunarmandchilik, xalq badiiy va amaliy san’atini yanada rivojlantirish, hunarmandchilik faoliyati bilan shug‘ullanuvchi fuqarolarni har tomonlama qo‘llab-quvvatlash bo‘yicha maqsadli va kompleks chora-tadbirlarni amalga oshirish, shu asosda aholi, ayniqsa, yoshlar, ayollar va kam ta’minlangan oilalar bandligini ta’minlash maqsadida hunarmandchilik sohasida bajarilishi lozim bo‘lgan bir qator vazifalar belgilab berilgan. [3, 3]

Oliy ta’lim muassasalarida Texnologiya o‘qituvchilarini tayyorlashda “Xalq hunarmandchiligi va badiiy loyihalash” fanidan texnologik kompetensiyalarni shakllantirish muhim ahamiyat kasb etadi.

Zamonaviy pedagogika va metodikaga oid adabiyotlarda texnologik kompetensiya tushunchasi quyidagicha talqin etiladi: Texnologik kompetentlik – kasbiy pedagogikani boyitadigan ilg‘or texnologiyalarni o‘zlashtirish, zamonaviy vosita, texnika va texnologiyalardan foydalana olishdir [3, 34].

Xalq hunarmandchiligi va amaliy san’ati ko‘plab avlod ustalari ijodining natijasi. U badiiy tuzilishi jihatidan bir xil va o‘zining milliy xususiyatlarida g‘oyat xilma-xil bo‘lib, ular hamma narsani material tanlashdan (ishlatishdan) tortib tasviriy shakllarni izohlashgacha namoyon bo‘ladi.

Qadim zamonlardan beri insoniyat o‘zini o‘rab turgan obyektiv (moddiy) dunyoni go‘zal qilishga intiladi. Shu maqsadda oddiy matolarga kashtalar, naqshlar tikiladi, kulolchilik buyumlari naqshlar bilan bezatiladi. Metall buyumlar jingalak shaklda quyilib, naqshinkor va turfa belgilar bilan qoplanadi. Naqsh, dekoratsiya obyektga qo‘llanib, u yanada chiroyli, boy va jozibali bo‘lib qoladi. U o‘zining utilitar (amaliy) asosiy tamoyilini, foydaliligini saqlab qoldi, ammo endi uni shunchaki hayratga solib, turistik diqqatga sazovor joy sifatida ko‘rsatishi mumkin. Bunday ob’ekt shunchaki foydali bo‘lganligi uchun emas, balki uning naqshliligi, bezatish mahorati, materialning nozikligi va nafisligi uchun ham qadrlandi.

VII asrning oxiri – VIII asrning boshlarida O‘rta Osiyoga islom madaniyatining kirib kelishi, badiiy bezak – naqqoshlik san’atining yanada rivojlanishiga sabab bo‘ldi. Mahobatli tasvirlardagi jonli mavjudotlar o‘rnini tabiat tasvirlari, o‘simliksimon va geometrik elementlar ishtirokidagi naqsh namunalari egalladi. Yangi-yangi g‘oyalar o‘zbek naqqoshligiga o‘z ta’sirini o‘tkazdi. Bino, buyum, kiyim, idish va qurollarning naqsh bilan bezatilishi jamiyat va davr talabi bo‘lib qoldi. Masjid, xonaqoh, madrasa, maqbaralarning jimjimador, hashamatli bo‘lishida naqshning ahamiyati beqiyos bo‘ldi. Arab yozuvlari o‘zlashtirilishi natijasida naqshli yozuv – xattotlik uslubi paydo bo‘ldi. Bu uslubda arab yozuvi naqshlar bilan birga chizildi [3, 22].

Keyinchalik, XIX asrda obyektiv dunyoning badiiy rivojlanishining ushbu sohasi “amaliy san’at” deb belgilandi. San’at va hunarmandchilik amaliy maqsadlarga xizmat qiladi va shu bilan birga, hayotimizni bezatadi, ma’lum bir hissiy kayfiyatni yaratadi.

Amaliy san’at, amaliy bezak san’ati – bezak san’ati sohasi; ijtimoiy va shaxsiy turmushda amaliy ahamiyatga ega bo‘lgan badiiy buyumlar tayyorlash va kundalik turmush ashyolari (asbob-anjomlar, mebel, mato, mehnat qurollari, kiyim-kechaklar, taqinchoqlar, o‘yinchoqlar va boshqalar)ni badiiy ishlash bilan bog‘liq ijodiy mehnat sohalarini o‘z ichiga oladi. Amaliy san’at asarlari ko‘z bilan ko‘rish, his etish va anglashga mo‘ljallangan. Amaliy san’at asarlari va buyumlari insonning moddiy muhitini go‘zallashtirishga, estetik boyitishga xizmat qiladi, ayni paytda, o‘zining ko‘rinishi, tuzilishi, xususiyatlari bilan insonning ruhiy holati, kayfiyatiga ta’sir etadi, bezatilgan narsalar hayotda foydalanilishidan tashqari badiiy qimmati bo‘lgani uchun ham qadrlanadi. Shuning uchun xomashyoning go‘zalligi va nafis xususiyatlarini namoyish etish, unga ishlov berish mahorati va usullarining ko‘pligi amaliy san’atda estetik ta’sirni oshiruvchi ahamiyatga ega faol vositalardir. Amaliy san’atda narsalarning nafisliligiga ikki usul bilan erishiladi:

1) shakli oddiy, jo‘n buyumlarga bezak ishlab badiiy qimmati oshiriladi:

2) shakli chiroyli qilib ishlanadi.

Narsalarning tuzilishi badiiy buyumlarning mujassamotida muhim rol o‘ynaydi. Xomashyoning go‘zalligi, qismlarning mutanosibligi, tuzilishining maromi buyumning ta’sirchan umumlashma qiyofasini ifodalovchi yagona vositalardir. Ta’sirchan mazmunli shakllar ko‘pincha taqlidan yaratilganda mazmuni ortadi. Buyumda hosil bo‘layotgan bezak uning obraz tuzilishiga ham sezilarli ta’sir etadi. Bezagi tufayli buyum amaliy san’at asariga aylanadi. Amaliy san’atda bezak yaratishda naqsh bilan tasviriy san’at (haykaltaroshlik, rangtasvir, ayrim hollarda grafika) qismlari (alohida yoki turlicha birikuvlari) keng qo‘llaniladi. Ba’zan naqsh yoki tasvir buyumlarni shakllantiruvchi asosga aylanadi (panjara guli, to‘r; gilam, mato gullari va hokazo). Amaliy san’at asarining uyg‘unligi, avvalo, badiiy buyumning badiiy va amaliy vazifasining yagonaligida, shakl va bezakning o‘zaro birikuvida, tasvir va buyum tuzilishida namoyon bo‘ladi. Bezakning shakl, tasvirning

buyum ko‘lami va xususiyati, uning amaliy va badiiy vazifasi bilan uyg‘unlashtirishning zarurligi tasviriy bo‘laklarni o‘zgarishiga, talqinda shartlilikka va narsa qismlarini o‘xshatib yaratishga olib keladi.

Hunarmand tomonidan materialni chuqur tushunish sizga dekorativ san’atning mukammal asarlarini yaratishga imkon beradi. Yog‘och va loy, tosh va suyak, teri va mo‘yna, somon va tok – bularning barchasi turli xil uy-ro‘zg‘or buyumlarida organik foydalanishga ega. Ular qimmatbaho materiallar bilan qalbakilashtirilmaydi, ammo tabiiy xususiyatlariga muvofiq qayta ishlanadi va bezatiladi. Shuning uchun oddiy loydan yasalgan sopol idishni chinni idishlar bilan yoxud kumushdan yasalgan idish bilan yasalgan mis idishni aralashtirib bo‘lmaydi.

Ushbu materialning tabiiy xususiyatlaridan foydalanish qobiliyati badiiy va texnik uslublarda mujassam bo‘lib, ular eng oqilona dizayn va mahsulotlarni naqshlar yoki chizilgan rasmlar bilan bezashga, bunda haqiqiy prototiplarni yaratuvchining jasur tasavvuriga uyg‘unlashtirishga imkon beradi. Shunday qilib, badiiy hunarmandchilikning an’anaviy turlari mamlakatimizning ko‘pgina xalqlari uchun rivojlangan: kulolchilik, to‘quvchilik, gilam to‘qish, kashtachilik, zardo‘slik, zargarlik, yog‘och o‘ymakorligi, metall va boshqa materiallarni badiiy qayta ishlash hisoblanadi.

Texnologik ta’lim o‘qituvchisining xalq hunarmandchiligi va amaliy san’at mavzusi bo‘yicha shakllantirilishi lozim bo‘ladigan ixtisosligiga oid texnologik kompetensiyalar.

**1-jadval**

| № | Fanga oid bilim va ko‘nikmalar | Fanga oid ko‘nikma va malakalar |
|---|---|---|
| 1. | Xalq hunarmandchiligi va amaliy san’atning yo‘nalishlari haqida ma’lumotga ega bo‘lishi; | Tarixiy ma’lumotlarga ega bo‘lishi, rivojlanish bosqichlarini bilishi; |
| 2. | Xalq hunarmandchiligi va amaliy san’atning milliy xususiyatlarini farqlay olishi; | O‘zbek xalq hunarmandchiligi va amaliy san’atning umimiylik va farqlarini ajrata olishi; |
| 3. | Xalq hunarmandchiligi va amaliy san’at sohasida qo‘llaniladigan mahsulotlar, xomashyolarni bilishi, asbob-uskuna va jihozlarni ishlata olishi; | Buyum ishlab chiqarish texnologik xaritasini ishlab chiqa olishi; |
| 4. | Buyum ishlab chiqarish ketma-ketligini bilishi; | Qo‘lda va kichik mexanizasiya vositalarida buyum ishlab chiqara olish ketma-ketligini o‘rganishi; |
| 5. | Buyum ishlab charishda pardozlash usullarini bilishi va zamonaviy elementlardan foydalana olishi. | Milliylik, zamonaviylik, jozibadorlik, o‘ziga xoslik. |

Xalq hunarmandchiligi va qo‘l san’atlari ustalarining mahsulotlarini tasniflashda material kabi muhim atributdan foydalanish tavsiya etiladi. Ushbu material xalq amaliy san’ati va uni qayta ishlash, bezatish va bezash usullariga bog‘liqdir. Badiiy buyumlarni ishlab chiqarishda ishlatiladigan materiallarga ko‘ra, ular yog‘ochdan, tuproqdan, metalldan, suyak va shoxdan, toshdan, keramikadan, shishadan, charmdan, ip va matodan, mo‘ynadan, plastmassadan yasalgan buyumlarga bo‘lingan.

Ishlab chiqarish usuli bilan badiiy buyumlar: quymakorlik, bolg‘a bilan ishlangan, jilosiz, maydalangan, kavsharlangan, galvanik, duradgorlik, buralgan, o‘ymakorlik, to‘qilgan, kashta tikilgan, puflangan.

Amaliy san’at va xalq hunarmandchiligi – odamlarning utilitar va badiiy-estetik ehtiyojlarini qondirish uchun mo‘ljallangan uy-ro‘zg‘or buyumlarini yaratish uchun ijodiy faoliyat turi. Amaliy san’at uchun materiallar metall, yog‘och, loy, tosh, suyak bo‘lishi mumkin.

Amaliy san’at va xalq hunarmandchiligi turli xil materiallardan va turli texnologiyalardan foydalangan holda buyumlarni tayyorlashni ko‘zda tutadi. Mahsulotlarni ishlab chiqarishning texnik va badiiy uslublari juda xilma-xildir: o‘ymakorlik, kashtado‘zlik, rasm chizish, zardo‘zlik, zargarlik va boshqalar. Amaliy san’atning asosiy o‘ziga xos xususiyati dekorativlikdir, bu tasavvur va bezak, uni yanada chiroyli, jozibali qilish istagidan iborat.

Amaliy san’at va xalq hunarmandchiligi milliy xususiyatga ega. Bu ma’lum bir etnik guruhning urf-odatlari va e’tiqodlaridan kelib chiqqanligi sababli o‘sha yerlik aholining hayot tarziga yaqin bo‘ladi.

Shunday qilib, Texnologik ta’lim o‘qituvchilarini tayyorlashda xalq hunarmandchiligi va amaliy san’at turlari, ulardagi umumiylik va farqlarni bilish katta ahamiyarga ega bo‘lib, o‘qitish jarayonida buni hisobga olish lozim.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

1. *Ishmuradova G. I., Mirzayeva G.M., Mirzayev E.M. Xalq hunarmandchiligi va badiiy loyihalash. Darslik. – Qarshi: Nasaf NMIU 2021. – 344 b.*

2. *Bulatov S. O‘zbek xalq amaliy bezak san’ati. – T.: “Mehnat” 1991. – 150 b.*

3. *Sh. L. Mamasoliyeva. Xalq hunarmandchiligi. O‘quv qo‘llanma. – Samarqand: SamDU nashri. 2021.– 220 b.*

# ЎҚУВЧИЛАРНИНГ МИЛЛИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИККА ОИД ИЖОДКОРЛИК ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ

**Феруза Мукумова,**
Термиз давлат университети ўқитувчиси

***Аннотация***
*Ушбу мақолада ўқувчиларнинг миллий ҳунармандчиликка оид ижодкорлик, яратувчанлик қобилиятларини ривожлантириш технологиялари ҳамда ижодкорлик ишлари масалалари ечими ва уларни режалаштиришлар, ўз навбатида, ўқувчилар ижодкорлик қобилиятини ривожлантиришнинг ташкилий-педагогик жиҳатлари ёритилган.*
***Калит сўзлар:*** *Креативлик, миллий ҳунармандчилик, кашфиёт, технологик масалалар, ташкилий масалалар.*

***Аннотация***
*В данной статье освещаются пути решения проблем творчества студентов, развития творческих способностей и их планирования, в свою очередь, организационно-педагогические аспекты развития творческих способностей студентов.*
***Ключевые слова:*** *Творчество, народные промыслы, открытие, технологические вопросы, организационные вопросы.*

***Annotation***
*This article highlights the ways of solving the problems of students’ creativity, the development of creative abilities and their planning, in turn, the organizational and pedagogical aspects of the development of students’ creative abilities.*
***Keywords:*** *Creativity, national crafts, discovery, technological issues, organizational issues.*

Замонавий миллий ҳунармандчилик тараққиёти, ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашдаги мақсади, вазифаси ва мазмунини бевосита қамраб оладиган ижодкорлик фаолияти билан тавсифланади. Бу фан, техника ва ишлаб чиқаришдаги ўзгаришларнинг уйғунлашиб кетиши натижасида фаннинг бевосита ишлаб чиқариш кучларига айланиб кетиши, меҳнат турлари ва мазмунининг ўзгариши билан боғлиқ. Унда яратувчан ижодкорликнинг аҳамияти ошиб кетганлиги билан асослаш ўринли. Бу эса ўқувчиларнинг яратувчан ижодкорлик қобилиятини ривожлантириш масаласига жиддий эътибор қаратишни тақозо этади.

Яратувчан ижодкорлик қобилиятини ривожлантириш узоқ ва мураккаб жараён бўлгани учун бу йўналишдаги ишларга ҳар бир фан ўқитувчиси ўз фаолиятининг биринчи куниданоқ катта масъулият билан қараши лозим бўлади. Миллий ҳунармандчиликда ўқувчилар яратувчан ижодкорлик қобилиятини ривожлантиришда асосий учта турдаги ижодкорлик масаласини ўзига қамраб олади.

1. Ҳунармандчиликда конструкция уйғунлиги масалалари. Бу масала:

а) буюмнинг мустаҳкамлиги, турғунлиги ва ишончлилигини оширишни;

б) зарарли таъсир ёки ҳодисани бартараф қилиш усулини;

в) буюмни тайёрлаш билан боғлиқ унинг шакли энг мувофиқ бўлишини, уларни мустаҳкамлаш, материалларни тўғри танлаш ва зарур бўлганда бошқасига алмаштириш каби ишларни тўғри аниқлашни;

г) буюмни ишлатишга қулай, эстетик юқори ва енгил бўлиши учун ўзгартиришлар киритишларни назарда тутади.

2. Технологик масалалар. Бу масала:

а) белгилаб олиш ва назорат қилишнинг энг мувофиқ усулларини танлашни;

б) қийин операцияларни бажаришни енгиллаштиришни, ортиқча зўриқиш, вақт ва материални тежаб ишлатишга имкон берувчи технологияларни танлашни;

в) ўзининг толиқмасдан ишлашини таъминловчи технологияларни танлашни;

г) буюмни танлаш сифатини яхшилашни таъминловчи операциялар бажариш технологияларинии танлашларни кўзда тутади.

3. Ташкилий масалалар. Бу масалалар:

а) меҳнатни мувофиқ ташкил қилишни;

б) иш жойини мувофиқ режалаштиришни;

в) қурол ва мосламалардан техника хавфсизлигига риоя қилган ҳолда фойдаланишни;

г) ишни бажариш усулларини такомиллаштиришларни назарда тутади.

Мазкур сўз юритилган ўқувчилар яратувчан ижодкорлик қобилиятларини ривожлантириш масалалари ўз навбатида уларни амалга оширишиинг ўзига хос режасини ишлаб чиқишни талаб қилади. Тажрибаларнинг кўрсатишича, ишни тўғри режалаштиришда қуйидаги омилларни эътиборга олиш лозим бўлади:

1. Зарур моддий-техник база билан таъминлаш (иш жойи, керакли асбоб-ускуналар, кўргазмали воситалар);

2. Ўқувчиларнинг қизиқиши, мойиллиги ва қобилиятига кўра тўгаракларга танлаб олиш;

3. Тўгаракда машғулот ўтказишнинг шакллари ва

усулларини мувофиқ ташкил қилиш (гуруҳий, звеноли, индивидуал, сўзлаб бериш, баён қилиш, намойиш қилиш, техник масала ечиш, ижодкорлик ўйинлари, тренинг, изланиш стратегияси ва ҳоказо);

4. Кўргазма, кўрик-танловлар ташкил қилиш ва якун ясаш.

Барча сўз юритилган ижодкорлик ишлари масалалари ечими ва уларни режалаштиришлар, ўз навбатида, ўқувчилар ижодкорлик қобилиятини ривожлантиришнинг ташкилий-педагогик жиҳатларини ўзида мужассамлайди. Ушбу ташкилий педагогик жиҳатлар доирасида ўқувчилар ҳар хил объектларда фаолият кўрсатадилар. Аммо улар учун ҳар хил бўлган техник ижодкорлик ишлари мазмуни ва бажарилиши кетма-кетлиги эса тахминан бир хилдаги босқичларни тақозо этади, бунга:

– қўйилган ижодкорлик масаласига оид манбаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш;

– буюмга оид чизма, эскиз, лойиҳалаш ишларини бажариш;

– буюмни тайёрлаш;

– эстетик жиҳозлаш;

– амалда синаб кўриш ва кузатилган нуқсонларни бартараф қилиш;

– ижобий натижаларни жамоатчиликка тақдим қилиш (мақола, танловга қатнашиш ва ҳоказо).

Юқорида баён этилганларга асосан ўқувчилар яратувчан ижодкорлик қобилиятларини ривожлантириш масалалари бош йўналишларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Замонавий миллий ҳунармандчиликка оид тамойиллар ҳақидаги билимлар билан ўқувчиларни қуроллантириш ва шу асосда фикрлашини кенгайтириш.

2. Ўқувчиларда билимларини миллий ҳунармандчиликка оид яратувчанлик масалаларини ҳал этиш учун қўллаш қобилиятини билим ҳамда тафаккурини ривожлантириш.

3. Энг кўп тарқалган ижодкорлик масалаларини ечиш усул ва тамойилларининг моҳиятини ўқувчиларда ҳосил қилиш.

4. Жамиятга хос шахсий маънавий сифатларни шакллантириш, ташаббускорлик, ўз ишига ишончлилик синчковлик руҳида қараш ва танқидий муносабатда ёндашиш.

Шундай қилиб, ўқувчиларнинг яратувчан ижодкорлик қобилиятини ривожлантиришнинг юқорида баён қилинган масала, режа ва усулларини ўқувчиларнинг ўзига хосликларига, улардаги тафаккур доираси ривожланганлиги даражасига мувофиқ келадиганини танлаш, ўқувчилар яратувчан ижодкорлик қобилиятини ривожлантиришни янада юқорироқ босқичга кўтариш имконини беради.

Ҳар бир инсон учун икки нуқта орасидаги масофа мавжуд, яъни туғилиш ва ёруғ оламни тарк этиш. Бунга тақдир дейилади. Ана шу икки нуқта орасидаги унинг яшаш тарзи ва фаолияти – бу ижодкорлик.

Инсон яшаш даврида ана шу ижодкорлик имтиҳонларидан доимо "аъло" баҳо билан ўтиб борсагина, ундан мерос сифатида жамиятнинг келажакда гуркираб ривожланиб тараққий этишини таъминловчи моддий ва маънавий бойликлар қолади. Бундай ижодкорликдан "аъло" баҳога мушарраф бўлиш даҳо, иқтидор, қобилият, талант, истеъдод соҳибларигагина насиб этиши тарихдан маълум. Уларнинг кашфиёт ва ихтиролари, ноёб фикр ва ўгитлари, ҳаёт тажрибалари авлодлардан авлодларга ўтиб, мангуликка муҳрланиб қолади. Ўқувчиларнинг креативлик қобилиятини ривожлантириш жараёни, аввало, юқоридаги "аъло" баҳо олишнинг мезонларини таҳлил қилишни тақозо этади. Қуйида ҳар бир инсоннинг ана шундай "аъло" баҳога лойиқ бўлишини таъминловчи мезон (уйқуда ётган имконият)лари ҳақидаги фикрларга эътиборни қаратамиз.

Деярли барча манбаларда, "Кашфиёт деб, инсоният билиш даражасини тубдан ўзгартириб юборишга олиб келувчи, моддий дунёда аввалдан мавжуд, лекин кишилар онги учун номаълум бўлиб келган ҳодисалар, хоссалар сир-асрорларига оид янгиликларини очиб бериш ва уларнинг қонуниятларини ўрнатишга айтилади" деб таъриф берилади .

Географик, археологик, полионтологик янгиликлар, топилган фойдали қазилмалар жойлари ва ижтимоий соҳаларга оид фан янгиликлари бундан мустасно.

Юқоридаги кашфиётга берилган таърифни умумий ҳолда бевосита даҳоликка ҳам тааллуқли дейиш мумкин. Аммо кашфиётга элтувчи асосий омил нима? Бу ҳақда Ог Мандино "... Қайси бир касб-ҳунар билан тирикчилик қилманг, ҳеч қачон, ҳеч қачон майда-чуйдаларга бефарқ қараманг. Майда-чуйдаларга бефарқлик сизга жуда қимматга тушиши мумкин. Фақат омадсиз ва ўртамиёна одамларгина майда-чуйдаларга эътибор бермайди", дейди. (Жаҳон адабиёти, № 7, 2009 й. Ог Мандино. Яхши яшаш сири).

Шу ўринда ўқувчида иснон миясидаги имкониятлар унинг ҳажмига боғлиқми, деган савол туғилиши табиий. Бу саволга жавоб учун қуйидаги далилларни келтирамиз. Неандертал одамнинг мияси ҳозирги одам (инсонлар) миясидан катта бўлган (Биласизми... "Фан ва турмуш" № 4,6-2009 й., 66-бет). Буюк ёзувчи Анатоль Франснинг мияси оғирлиги одатдагидан бир ярим марта енгил бўлган. Машҳур француз кашфиётчи олими икки фан соҳаси бўйича бир йўла фан доктори бўлган, қутуриш касаллигига илк бор даво топган Луи Пастер миясининг ярми ёшлигидаёқ қон қуйилиши оқибатида эриб кетиб бутунлай ишламай қолган. Шу ўринда О.Бальзакнинг "Улуғ даҳолар асрлардан ўзиб кетади, баъзи талантлар фақат йиллардангина олдин боришади" деганини алоҳида эътироф этиш лозим.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

*1. Қодиров Ҳ.Ш., Зарипов Л.Р. Электрон таълим тренажёри касбий тайёргарлик даражасини ошириш воситаси сифатида. Педагогика журнали. 2016 йил. № 2. 84-86 б.*

*2. Қўйсинов О.А. Касб таълими йўналиши бакалавр ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил таълимнинг илмий-методик асослари: Пед. фан. ном.... дисс. – Т.: ТДПУ, 2008. – 160 б.*

*3. Қўйсинов О.А., Қодиров Б.Э., Мукумова Ф.Х., Исматов А.М., Игамов С.С., Бобомуродова Л.Э. "Мактаб ўқувчиларининг ҳунармандчиликка оид таянч компетенцияларини ривожлантирувчи "Technology crafts" Web сайт" номли электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастур. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигининг муаллифлик гувоҳномаси. DGU 09642. 07.12.2020 й.*

*4. Қўйсинов О.А., Маматов Д.Н., Қодиров Б.Э., Мукумова Ф.Х., Арипова Д.Ф. "Техология фани бўйича "Полимер материалларга ишлов бериш технологияси" номли мактаб ўқувчилари учун электрон ўқув қўлланма" номли электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастур. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигининг муаллифлик гувоҳномаси № DGU 07861. 10.03.2020.*

*5. Зарипов Л.Р. Инновацион ёндашув асосида 5-7-синф ўқувчиларида технологик компетенцияларни шакллантириш методикаси. Дис. ... п.ф.ф.д. (PhD) – Тошкент, 2020. – 141 б.*

*6. Маҳмудов Ю.Ғ., Қодиров Э.Х. Ўқувчиларда ҳунармандчилик касбларига фанлараро қизиқишини шакллантириш. Услубий қўлланма. – Т.: Дизайн Пресс, 2011. – 32 б.*

*7. Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантириш. Монография. – Т.: Фан, 2004. – 128 б.*

*8. Норбўтаев Х. Миллий тафаккурни шакллантириш омиллари. // Таълим тизимида ижтимоий гуманитар фанлар. – Тошкент, 2007. – 3-сон. – Б 53-54.*

*9. Олимов Б.У. Меҳнат таълими дарсларида ўқитишнинг ноананавий усулари. Дисс.... пед. фан. ном. – Тошкент, 2008. – 146 б.*

*10. Пармонов А. Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида бадиий конструкциялаш элементларига доир билим ва кўникмаларни шакллантириш: пед. фан. ном.... дисс. – Т.: ТДПУ, 2006. – 160 б.*

# ЎҚУВЧИЛАРГА ЧЕТ ТИЛИНИ ЎРГАТИШ ОРҚАЛИ ЭСТЕТИК МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**Хол Худайқулов,**
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий унверситети
"Педагогика ва умумий психология" кафедраси профессори, п. ф. д.
**Раъно Эргашева,**
Бухоро вилояти педагогларни янги методикаларга ўргатиш миллий маркази
"Тилларни ўқитиш методикаси" кафедраси катта ўқитувчиси

***Аннотация***

*Ушбу мақолада умумтаълим мактабларида чет тилини ўқитиш орқали ёшларда эстетик маданиятни шакллантиришга алоҳида эътибор бериб, инсоний муносабатларндаги миллий қадриятлар, юксак онг, бурч ва масъулият сингари олижаноб фазилатларга эътибор бериш ва ҳар бир миллат маданиятини ҳурмат қилиш каби хусусиятларга амал қилган ҳолда, дунё миқиёсидаги анжуманларда, конкурс ва спорт тадбирларида қатнашиш орқали тил билиш маданиятига амал қилиш ва ўзаро самимий миллий маданиятга хос бўлган муомала маданияти ва нотиқлик санъатини шакллантириш назарда тутилади.*

***Калит сўзлар:*** *Тил билиш, эстетик маданият, муомала, муносабат, нотиқлик, самимийлик, ўзгалар маданиятини ҳурмат қилиш, миллий қадрият, урф-одат, расм-русмлар, эътиқод ва ҳурмат, эътироф, тарбия фазилатлари.*

***Аннотация***

*В данной статье уделяя особое внимание формированию эстетической культуры у молодежи путем обучения иностранному языку в общеобразовательных школах, обращая внимание на национальные ценности в отношениях между людьми, обращая внимание на благородные качества, такие как высокая сознательность, долг и ответственности, и уважая культуру каждого народа, во всем мире путем участия в конференциях, конкурсах и спортивных мероприятиях, призван следовать культуре владения языком и формировать культуру общения и искусство публичных выступлений, характерных для дружественная национальная культура.*

***Ключевыеслова:*** *Знаниеязыка, эстетическаякультура, поведение, отношение, красноречие, искренность, уважениек чужойкультуре, национальнаяценность, традиции, картины, вераиуважение, узнаваемость, воспитательныекачества.*

***Annotation***

*In this article, paying special attention to the formation of aesthetic culture in young people by teaching a foreign language in general education schools, paying attention to national values in human relations, paying attention to noble qualities such as high consciousness, duty and responsibility, and respecting the culture of each nation, world-wide by participating in conferences, contests and sports events, it is intended to follow the culture of knowing the language and to form the culture of communication and the art of public speaking characteristic of the friendly national culture.*

***Keywords:*** *Knowledge of language, aesthetic culture, behavior, attitude, eloquence, sincerity, respect for other people's culture, national value, tradition, paintings, faith and respect, recognition, educational qualities.*

Дунёнинг кўпгина таълим ва тадқиқот муассасаларида чет тилларни ўрганиш, замонавий ахборот воситаларидан фойдаланиш орқали ёшларга эстетик тарбия кўникмаларини шакллантириш, ёшларнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ошириш, ҳамда давлатимизнинг турли давлатлар билан халқаро алоқалари ўсиб, мустаҳкамланиб, кенгайиб бораётган бир пайтда эстетик маданият ва муносабатлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Замонавий илм-фан ривожланишини, одатда, халқаро тажрибалар асосида бу фикрларни ўзаро алмашинувсиз тасаввур этиш қийин. Хорижий тилларни билиш турли халқларнинг ўтмишига, маданиятига кириб бориш, уларнинг ҳозирги билимини, келажагини олдиндан кўра олиш, жаҳон маданиятига оид асарларни ўрганиш, эстетик онгни, гўзалликни шакллантириш, хориж ва миллий маданиятни қадрлашга ёрдам беради.

Бу эса, энг аввалло, ёш авлоднинг чет тилларни ўзлаштиришида муҳим роль ўйнайди. Шу муносабат билан умумтаълим мактабларида чет тилини ўқитиш, биринчи навбатда, таълим-тарбиявий жараёнларни ривожлантирувчи мақсадларга қаратилмоғи лозим. Таълим ва тарбиявий хусусиятларни ривожлантириш, уни мақсадларни амалга оширишида ўқувчиларнинг эстетик тарбия кўникмалари орқали замонавий таълим ресурсларини, амалий кўникма ва малакалар компетенцияларини эгаллаш жараёнида чет тилларни ўрганиш бўйича фанларнинг долзарб вазифалари амалга оширилади.

Мамлакатимизда таълим тизимида ёш авлодни тарбиялаш ва таълим бериш юзасидан улар барча ўқув фанларини ўрганиш билан таъминланмоқда. Мавзунинг илмий-назарий жиҳатларига тўхталиб, уни ҳар томонлама таъҳилил этар эканмиз, бу борада юртимизда олиб борилаётган ишлар мақсадга мувофиқдир. Ҳар бир ўқув фанининг таълим жараёнига қўшган ҳиссаси унинг самарадорлигига билан хизмат қилади. Умумтаълим мактаб таълим сифатини ривожлантириш миллий вазифа, умуммиллий ҳаракат бўлиши керак. Таълим соҳасида замонавий тизим яратиш, ўқитиш усуллари, эстетик тарбия кўникмаларидан, илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш, миллий анъана ва қадриятларга таяниш муҳим ҳисобланади. Умумтаълим мактабларида чет тилини ўрганиш усулларини, ҳозирги босқичда уни такомиллаштириш йўлларини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади. Ўзбекистоннинг барча ҳудудларидаги умумтаълим мактабларида чет тилини ўрганиш тажрибаси бу соҳани ривожлантиришда катта аҳамиятга эгадир.

Бу борада давлат миқиёсида қабул қилинган бир неча қарор ва фармонлар ўз аҳамиятига эгадир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги фармони, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон фармони, "Ўзбекистон Республикасида чет тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги [3, 47] қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси чет тилларни ўрганишни оммалаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирларни самарали амалга ошириш мақсадида қабул қилинга қарорлар, бу соҳага оид бир қатор бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Умумтаълим мактабларида чет тилини ўрганиш услублари бугунги кунда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у орқали эстетик одоб-ахлоқни шакллантириш, бу борада миллий маданиятимизга мос тарбиянинг алоҳида масалаларини ўрганиш, илғор тажриба ва анъаналардан фойдалаиб уни йўлга қўйиш ўқитувчилардан катта куч ва иштиёқ бўлишини талаб этади. Бу борада маҳаллий олимлардан Д. Р. Джуманова, О. В. Абдувалиева, Г. С. Собирова, Ғ. Ш. Тажибаев, Р. А. Зарипова, Д. А. Абидов, Ж. Ж. Жалолов, Т. К. Саттаров, Г. Т. Махкамова, Л. Т. Ахмедова, Р. А. Азизхонова, М. Ж. Джусупов, Д. У. Хошимова, Х. С. Муҳиддиноваларнинг олиб борган самарали тадқиқот ишлари эътиборга молик ва илмий аҳамиятга эга. Юқорида номлари эътироф этилган муаллифлар ўз ҳудудларидаги умумтаълим мактабларида чет тилини ўрганиш методикасини ёритиб бериш учун махсус вазифа қўймадилар, шу боис бу асарларда бизни қизиқтирган масалага ўқувчи-ёшларда эстетик тарбия ва маданият кўникмаларига урғу бериб, ўз ҳудудларидаги

миллий ва халқаро миқиёсида тан олинган гўзал қадриятларни тарғиб этиш ва юксак онглилик фазилатларини ўрганиш тақдим этилган ва бу маълумотлар алоҳида аҳамиятга эгадир.

Мавзунинг амалий жиҳатларига тўхталадиган бўлсак, бугун Ўзбекистон ёшлари жаҳон миқиёсидаги барча халқаро анжуманларда, тадбирларда ва жаҳон чимпионатларида доимий фаол бўлмоқдалар. Жаҳонда маданият ва санъат анъаналари доимий равишда ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, халқлар дўстлиги масалаларини ривожлантириш, тарихга, мозийга эътибор қилиш чет тилини билиш халқаро жараёнларга хизмат қилиб келган. Жумладан, жаҳон ҳамжамияти томонидан ўтказиладиган илмий анжуманлар, симпозиумлар, форумлар, халқаро кўрик танловлар ва спорт мусобақаларида чет тилини билиш маданият масалалари билан боғлиқ барча вазиятлар ва ҳолатлар алоҳида қадрланиши ва бу борада миллий эстетик қарашларимизга амал қилган ҳолда, ўзаро фикрлар олмашувини, бугунги кунда ўқувчиларни маънавий-эстетик тарбиялашнинг долзарблигини кўрсатади. Дунё микёсидаги глобаллашув жараёнида ёшлар онгини ўзгартиришга нисбатан бўлаётган мафкуравий таҳдидлар бугунги кунда миллий хусусиятларни ўзида акс эттирувчи ёшларни маънавий-эстетик тарбиялашнинг педагогик технологияларини замонавий тамойиллар асосида ўрганиш асосий педагогик муаммо ҳисобланади.

Шу туфайли бугунги кунда дунёнинг тараққий этган мамлакатларида бир анжуманлар ва тадбирларда ёшлар фаолдир. Масалан, ўзбек миллий рақс мактаблари ҳамда рақс марказлари фаолият кўрсатмоқда. Бу санъат дунёдга “Modulus” рақс санъати маркази (Москва), Аделаида-рақс санъати мактаби (Австралия), Париж миллий операси қошидаги хореография мактаби (Франция), Москва хореография академияси (Россия), Broadway Dance Center, The Boston Conservatory Broadway Dance Center, The Boston Conservatory (АҚШ). Мамлакатимизда миллий рақс санъатининг тарбиявий ролини янада ривожлантириш борасида кўлаб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида тарихан таркиб тоган ўзбек рақс мактаблари, жумладан, “Фарғона рақс мактаби”, “Хоразм рақс мактаби”, “Бухоро рақс мактаби”, “Сурхон рақс мактаби” асосида рақс жамоалари: “Сабо”, “Қуралай”, “Парвозли қизлар”, “Фантазия”, “Рақс завқи”, “Рақс ва олмос”, “Рақс сеҳри”, “Бухоро гузаллари”, “Маравид”, “Бухоро юлдузлари” фаолият кўрсатганлиги асослаб берилган [2, 8].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев “Лазги” халқ фестивалида (26. 04. 2022й. ) сўзлаган нутқида: “Маълумки, ҳар бир халқ ўзининг кўп асрлар давомида шаклланиб, сайқал топиб, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган маданий мероси билан ҳақли равишда фахрланади. Шу маънода улкан маънавий-эстетик хазинамиз ҳисобланадиган бой ва ранг баранг ўзбек рақс санъати халқимизга хос нафосат ва гўзаллик, эзгу орзу-интилишлар ёркин мужассам топгани билан катта аҳамиятга эга. Миллий рақс санъатимизнинг тарихини, унинг ўзига хос хусусиятларини чуқурроқ ўрганиш ва ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш бугунги кунда долзарб масалалардан ҳисобланади”, – деган фикрлари муаммонинг бугунги кундаги аҳамиятини ифода этади [2, 47].

Шунингдек, маънавий-эстетик тарбия тушунчасига “Ўқувчиларни маънавий-эстетик тарбиялаш замонавий жамиятнинг асосий муаммоларидан бири бўлиб, ёш авлод учун аниқ ижобий ҳаётий установкаларнинг шаклланиши, эстетик туйғу ва эстетик диднинг барча фаолиятларида устувор бўлишини таъминлаш ва уни инсоний муносабатларга сингдириб бориш, толерантлик, ватанпарварлик ҳиссини юксалтириш, асосий инсоний маънавий қадриятлар ҳақидаги ғояларини шакллантириш, жамиятда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил баҳо бера оладиган, ўз фаолиятини теварак-атрофдаги кишиларнинг манфаатларига мос равишда қура оладиган масъулиятли шахсни тарбиялашдан иборат бўлган педагогик жараёндир. Маънавий-эстетик тарбиялаш ўқувчи шахсининг барқарор маънавий-эстетик хусусиятлари ва сифатларини шакллантириш билан боғлиқ”, – деган эдилар [7, 74].

Шунингдек, спорт соҳасида ҳам Ўзбекистон дунёда ўз ўрни, ўз мавқеига эга бўлган мамлакат ҳисобланади. Яқинда Шахмат бўйича ёшларимиздан бир нечатаси жаҳонни лол қолдириб дунё ғолиблари бўлишди. Булар жаҳон халқлари олдида нафақат спортда, балки чет тилини билиши билан бирга, ўз маданий-эстетик хусусиятларини чиройли нотиқлик ва ўзга тиллар маданиятига хурмат билан ёндашиш қанчалик яхши йўлга қўйилганлиги билан барчани ҳурматини қозониш бизнинг маънавий етуклигимизни билдирди. Уларнинг эркин ингилиз, немис ва франсўз тилида гаплашиши нақадар гўзалликдир. Бу эса ҳар бир ўқувчи-ёшлардан чет тилини билиши нақадар зарурий эҳтиёж эканлигини билиши лозимлигини кўрсатади. Асосий мақсад ана шундай етук инсонларни шакллантиришдан иборатдир. Юртимизда бўлажак мутахассисларда чет тилини билиш билан бирга, ахлоқий-эстетик онгни юксак умуминсоний ва миллий ғоя тамойилларини инобатга олган ҳолда, шакллантириш зарурати барча таълим муассасаларида назарда тутилиши лозим.

Бу борада буюк Шарқ мутафаккирлари, жумладан ал-Бухорий, ал-Форобий ва, айниқса, Алишер Навоийнинг ахлоқий-эстетик тарбия борасидаги ғоялари ўз асарларида кенг ёритилган. Хусусан, Али-

шер Навоийнинг ахлоқий-эстетик тарбия борасидаги ғоялари, уларнинг мазмун моҳияти кенг ёритилган. Алишер Навоийнинг ахлоқий-эстетик қарашлари, эзгулик, ёвузлик, олижаноблик ва гўзаллик рамзи бўлган инсоннинг асосий ахлоқий-эстетик фазилатлари, хислатлари ва хусусиятлари, уларни шахсда юзага келтириш ва ривожлантириш йўллари кўрсатиб берилган.

Ахлоқий-эстетик тарбияга нафақат тегишли билим, хислат ва фазилатлар, балки этика ва эстетика даражасидаги гўзал, инсоний хатти-ҳаракатлар, амаллар, ишлар, хулқ-атвор сифатида қаралади. Ҳаётга кириб келаётган ёш ўқувчиларда чет тилини билиш билан бирга, ахлоқий-эстетик тарбиялаш ижтимоий-педагогик соҳани мўлжаллаган ҳолда, миллий-маданий меросдан олинган юқори ахлоқий ва эстетик-салоҳиятли манбаларда, ахлоқий-эстетик касбий-шахсий хислат, фазилат ва қобилиятларни шакллантиришга алоҳида эътибор берилган ҳолда ўргатилиши лозим [11, 229].

Ўқувчиларни ахлоқий-эстетик тарбиялаш – ўзининг ахлоқий-эстетик ривожланиши, камол топишига онгли равишда, шахсий, эмоционал-ижобий муносабат, ахлоқий-эстетик билим, тушунча ва тасаввурлар орттириши билан бирга, инсон фаолиятда зарур бўладиган ахлоқий-эстетик хислат, фазилат, ҳис-туйғу, хусусият ва қобилиятларни шакллантириш, ахлоқий-эстетик тарбия-шахсни камол топтиришнинг назарий-педагогик ва амалий асосларини, технологиясини, шаклини, усуллари, воситалари ва методикасини билиш, ўзини шахсий ва ахлоқий-эстетик комилликка етказиш ва шу билан бирга, касбий-шахсий ривожланиш мақсадларини кўра билиш ва англаши лозим бўлган, фанларни ўрганишда юксак ахлоқий ва эстетик аҳамиятга эга ўқув материалдан фойдаланиш, турли фаолиятда ўзининг ахлоқий-эстетик ютуқларини долзарблик даражасига кўтариш ва ижтимоийлаштириш, ўз-ўзига объектив баҳо бериш ҳар бир ёш учун зарурий фазилатдир.

Умумтаълим мактабларида чет тилини ўқитиш орқали ёшларда эстетик маданиятни шакллантиришга оид фикрларни хулосалаб шуни айтишимиз мумкинки, бу борада нафақат устозлар, балки ҳар бир ўқувчининг ўзи, ота-оналар, жамоатчилик, қолаверса, маҳалла ва ёшлар иттифоқи билан ҳамкорлик қилинса, кўзланган мақсадга эришиш натижалари юксак бўлади.

Шунингдек, ўқувчиларни чет тили ўқитиш орқали ахлоқий-эстетик тарбия технологияларига оид қуйидаги тавсияларни лозим деб биламиз:

- мазкур тарбиянинг тизимли-таркибий компонентларини ишлаб чиқиб ўқув машғулотларининг (маъруза, суҳбат, баҳс-мунозаралар, амалий машғулотлар, семинарлар) мавзули циклларида амалда фойдаланиш;
- ўқувчиларни ахлоқий-эстетик тарбиялашнинг усуллари, йўллари ва воситалари, шу жумладан, ноанъанавий ва инновацион усуллари алоҳида таҳлил қилинган ҳолда, амалий ишлар олиб бориш;
- турли педагогик вазиятларда ечиш билан боғлиқ ижодий топшириқлар ишлаб чиқиш ва ёшларни мустақил ўз устида ишлашга ўргатиш;
- "инсайт" вазият- ахлоқий-эстетик ечимни талаб этувчи муаммони тушунтириш ва ахлоқий низоли вазиятларда ечимини топиш.

Натижада, ўқувчиларни чет тили ўқитиш орқали ахлоқий-эстетик туйғулар шаклланади, уларда юксак ахлоқий-эстетик ҳиссиётлар ўз аксини топади.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

*1. Мирзиёев Ш. М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича "Ҳаракатлар стратегияси" тўғрисида фармони. –Т., Ўзбекистон, 2017, 248-бет.*

*2. Мирзиёев Ш. М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Лазги" халқ фестивалида сўзлаган нутқи. – Т.: "Халқ сўзи", 2022, 26-апрель.*

*3. Мирзиёев Ш. М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон "Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш тўғрисида"ги қарори. – Т.: Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 2021 й. 20-май.*

*4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон қарори.*

*5. Гальскова Н. Д. Теория обучения иностранным языкам: Лингводидактика и методика. – М.: Просвещениые, 2004 г. С-175.*

*6. Сабирова Ч. Педагогик фанларни ўқитишда талабаларни ахлоқий – эстетик тарбиялаш (Методик тавсиялар) – Т.: Адабиёт учқунлари, 2018. – Б. 54.*

*7. Худойқулов Х. Ж. Комиллик фазилатлари. –Т.: Инновация-Зиё, 2021 й. – Б. 248*

*8. Худойқулов Х. Ж. Толибнома. –Т.: Инновация-Зиё, 2020 й. –Б 322.*

*9. Худойқулов Х. Ж. Педагогика. Ўқув қўлланма. – Т.: Инновация-Зиё, 2020 й. – Б 280.*

*10. Сабирова Ч. Бўлажак ўқитувчиларни ахлоқий-эстетик тарбиялаш тамойиллари, омиллари ва шартилари. "Халқ таълими" журнали №1. – Т., 2012. Б. 80-82.*

*11. . Сабирова Ч. Тарихий хотира талабаларда ахлокий – эстетик тарбияни шакиллантиришнинг асосий омили сифатида. "ЎзМУ хабарлари" журнали №3. – Т., 2017. Б. 228-230.*

*12. Сабирова Ч. , Ходжаниязов С. У. Эстетические воззрения мыслителей Востока как методологическая основа эстетического воспитания молодёжи. "Вестник" журнал №2. Каракалпакского отделения Академии Наук Республики Узбекистан. – Нукус. 2009. С-42.*

**Электрон ресурслар:**

*1. https://president. uz/uz/ ;. www. lex. uz ; http://coolreferat. com/;*

*2. https://dic. academic. ru/dic. nsf/enc_colier/1968/ГУТЕНБЕРГ;*

*3. https://cyberleninka. ru ; http://sssr. regnews. org/doc/qq/sg. htm;*

*4. https://cyberleninka. ru/article/n/razvitie-kommunikativnyh-sposobnostey.*

*5. http://nauka-pedagogika. com/viewer/138709/a?#?page=30.*

# FANLARARO ALOQADORLIK BO‘LAJAK KIMYO O‘QITUVCHILARINI KASBIY FAOLIYATGA TAYYORLASHNING SAMARALI OMILI SIFATIDA

**Ozodaxon O‘rinova,**
Farg‘ona davlat universiteti kimyo kafedrasi o‘qituvchisi

***Annotatsiya***

*Maqolada bo‘lajak kimyo o‘qituvchilarini kasbiy faoliyatga tayyorlashda fanlararo aloqadorlikni amalga oshirishning ilmiy-metodik asoslari batafsil yoritilgan. Fanlararo aloqalar muammosining uchta: mazmundor, jarayonli va tashkiliy-metodik jihatlari asoslab berilgan.*

***Kalit so‘zlar:*** *fanlar aro aloqadorlik, kasbiy faoliyat , mazmundor, jarayonli va tashkiliy-metodik jihat, ta’lim mazmuni, pedagogik faoliyat.*

***Аннотация***

*В статье подробно описаны научно-методические основы междисциплинарной реализации подготовки будущих учителей химии к профессиональной деятельности. Обоснованы три аспекта проблемы междисциплинарных отношений: содержательный, процессуальный и организационно-методический аспекты.*

***Ключевые слова:*** *взаимосвязь дисциплин, профессиональная деятельность, содержательный, процессуальный и организационно-методический аспекты, содержание образования, педагогическая деятельность.*

***Annotation***

*The article describes in detail the scientific and methodological foundations of the interdisciplinary implementation of the preparation of future chemistry teachers for professional activities. Three aspects of the problem of interdisciplinary relations are substantiated: substantive, procedural, organizational and methodological aspects.*

***Keywords:*** *interrelation of disciplines, professional activity, substantive, procedural and organizational-methodical aspects, content of education, pedagogical activity.*

Bugungi fan rivojlanishining zamonaviy bosqichida fanlararo bog‘liqlik (integratsiya) ta’lim tizimini rivojlantirishning asosiy tamoyillaridan biri hisoblanadi. Shuni ta’kidlash joizki, bugungi kunda kimyo fani tabiat qonunlarini chuqur anglash asosida rivojlanmoqda. Fanlararo aloqadorlik muammosi – ta’lim muassasalarida fanlarni alohida o‘qitish joriy etilishi bilan yuzaga kelgan ancha uzoq tarixga ega muammodir. Uning boshida o‘tmishdagi Y.A.Komenskiy, J.Lokk, I.G.Pestalotssi va boshqa shu kabi mashhur pedagoglarning ishlari turadi. Maktab ta’limi mazmuni o‘quv jarayonida fanlararo aloqalardan kompleks foydalanish orqali amalga oshirilsa, yuqori samaradorlikka erishiladi. Shu nuqtai nazardan bo‘lajak kimyo o‘qituvchilarini kasbiy faoliyatga tayyorlashda fanlararo aloqalarni aniq pedagogik vazifalarni shakllantirishning asosiy omili sifatida yondashish lozim.

Universitetlarda bo‘lajak kimyo o‘qituvchilarning kasbiy faoliyatga tayyorlashda psixologik-pedagogik va metodik tayyorgarligini integratsiyalash zarur pedagogik sharoitlardan biri sifatida namoyon bo‘ladi. Oliy ta’lim muassasalaridagi pedagogik va psixologik fanlar majmui bilimlarni integratsiyalash bilan birga, insoniy qadriyatlar tizimini ham o‘zida mujassamlashtiradi. Amaliyotda pedagog yaxlit o‘quv-tarbiyaviy jarayonga sho‘ng‘igan o‘quvchining yagona, shaxsi bilan ish tutadi. Shu boisdan ham barcha psixologik-pedagogik fanlar, aniqrog‘i, gumanitar soha bilimlarining integratsiyasi, ya’ni birlashuvi juda zarurdir. Mazkur integratsiyada aynan peda-

gogika fani muvofiqlashtiruvchi ahamiyatga ega boʻlishi kerak, chunki u inson toʻgʻrisidagi barcha bilimlarni sintezlashi, pedagogik jarayon qonuniyatlarini aniqlashi, mazkur jarayonni tashkil etishning tamoyillarini ta'riflashi, shaxsning jismoniy va psixik rivojlanishi qonuniyatlari nuqtai nazardan kelib chiqqan holda, faoliyatning mazmuni, shakli va metodlarini belgilashi lozim.

Z.M.Onishkivning fikricha, pedagogika, psixologiya va metodikada fanlararo aloqalar omili sifatida pedagogik mazmun yotadi [1.96].

Boʻlajak kimyo oʻqituvchilarining kasbiy faoliyatga tayyorlashda fundamental nazariy bilimlar, texnologik bilimlar va tayanch kasbiy pedagogik bilimlarni oʻzaro integratsiyalash samarali natija beradi.

Talabalarni "oʻqituvchi" kasbiy faoliyatga tayyorlashda fan tayyorgarligi – bu boʻlajak oʻqituvchining kasbiy-pedagogik faoliyatini amalga oshirishga oid tayyorgarligi hisoblanadi.

Fanlararo aloqalar hodisasining didaktik kategoriya sifatida oʻrganilishi zarur, chunki unda mazkur kategoriyaning mazmun-mohiyati beriladi va uning funksiyalari (vazifalari) belgilanadi.

Tizimlilik tamoyilining koʻrinishi sifatida fanlararo aloqalar didaktika sohasidagi olim va pedagoglarning ishlarida oʻrganilgan: V.P.Bespalko, I.D.Zverev, V.N.Maksimova, P.I.Shukina, G.A.Ilina va boshqalar. X.B.Norboʻtayevning, Z.Sh.Toʻxtayevalarning dissertatsiya ishlarida fanlararo aloqalar tushunchasining koʻp ma'noga ega ekanligi metodik jihatdan tahlil qilingan. Bizningcha, ta'rifning bir yoqlamaligi shunda namoyon boʻlgan va u fanlararo aloqalarning umumpedagogik vazifalarini ajratib olish hamda amalga oshirish jarayonini qiyinlashtiradi.

Mualliflar fanlararo aloqalarning vazifalarini baholash borasida fikrlari mushtarak boʻlib, fanlararo aloqalar oʻquvchilarning aqliy dunyoqarashlarini kengaytirishi, yangi bilimlar olishga boʻlgan qiziqishlarining shakllanishi, yangi bilimlarga ega boʻlish hamda ulardan foydalanish borasida faolliklarining oshishiga xizmat qiladi deb hisoblaydilar.

Fanlararo aloqalarning gnoseologik jihatidan kelib chiqqan holda, umumiy ta'rifni V.N.Maksimova bergan. Olima ularga tabiatda, jamiyatda, oʻquv fanlari mazmunida amal qiluvchi rishtalar aks etishining didaktik sharti sifatida ta'rif beradi. Shu bilan birga, ayrim ishlarda fanlararo aloqalarni mustaqil didaktik tamoyil qatoriga qoʻshish tendensiyalari ham kuzatiladi [4, 78].

Fanlararo aloqalar muammosi uchta jihatni oʻz ichiga oladi: mazmundor, jarayonli va tashkiliy-metodik. Mazmundor jihatdan "fanlararo aloqalar oʻquv fanlari mazmunida tabiatda mavjud boʻlgan hamda zamonaviy fan orqali oʻrganilayotgan dialektik uzviylikni aks ettiradi, shu boisdan fanlararo aloqalarga fanlararo ekvivalent sifatida qarash lozim" [2,15]. Mazmundor jihatdan fanlararo aloqalarni ta'limning tizimlilik va izchillik tamoyilidan hosil boʻluvchi hamda boshqa didaktik tamoyillarning, xususan, faollik tamoyili namoyon boʻlishini kuchaytiruvchi didaktik shart sifatida belgilash ham mumkin.

Fanlararo aloqalar muammosining jarayonli kim ta'limi jarayonida ya'ni fanlararo bilimlarni egallash faoliyatini nazarda tutadi.

Rus pedagoglari va didaktikashunos olimlari (Y.K.Babanskiy, B.S.Gershunskiy, M.A.Danilov, Y.V.Yeliseyeva, I.D.Zverev, T.A.Ilina, V.N.Maksimova, M.I.Skatin) fanlararo aloqalarni yechimi oʻqitishning predmetli tuzilishining tizimliligi hamda turdosh fanlar mazmuniga asoslangan kompleksli psixologik-pedagogik muammo sifatida oʻrganishgan. A.A.Orlovning fikricha, "pedagogik tayyorgarlikning integrativligi pedagogik oliy ta'lim muassasalarida oʻqitiladigan barcha fanlarni pedagogizatsiyalashtirish orqali ifodalanadi" [6]. Ayrim tadqiqot ishlarida fanlararo aloqalarning oʻquvchilarda dialektik-materialistik dunyoqarashning shakllanishiga ta'siri masalasiga alohida e'tibor qaratilgan [2,15].

Tashkiliy-metodik jihat fanlararo aloqalarning oʻquvchilarning bilim va koʻnimalarni ega boʻlish usullarini oʻzlashtirishlari hamda turli xil mustaqil ishlarni bajarishlari davomida ulardan kompleksli foydalanishlari borasidagi ahamiyatini aniqlab beradi. Fanlararo aloqalar bilimlar va xatti-harakatlar usullarining qayishqoq va sermahsul tizimini shakllantirish vositasi sifatida xizmat qiladi [8, 71]. Fanlararo aloqalarning oʻqitish samaradorligini oshirish, oʻquv materiali takrorlanishining oldini olish va umuman olganda, oʻqitish jarayonini optimallashtirish vositasi sifatida oʻquv jarayoni uchun qay darajada ahamiyatli ekanligi aniqlangan. Fanlararo aloqalarning pedagogik hodisa sifatida tizimli yondashuvga urinishlar amalga oshirilgan, shuningdek, ularning oʻquvchilarda qator turdosh fanlar boʻyicha bilim va koʻnikmalar shakllanishiga ijobiy ta'siri tajribalarda isbotlangan.

P.R.Atutov, N.I.Babkin, Y.K.Vasilev, I.D.Zverev, T.L.Ilina, V.N.Maksimova, V.A.Polyakov, V.D.Simonenko, A.V.Usova, V.A.Cherkasov, V.N.Fyodorovalarning ilmiy tadqiqot ishlarida fanlararo aloqalarning ta'lim jarayonida bilim olishning umumiy metodlarini yoritib beradi, uning sintetik bilim olish shakli sifatida namoyon boʻlishi esa turli xil fanlar boʻyicha olingan bilimlar ichki shakllanganlik holatiga ega boʻlishi, ijodiy fikrlash jarayoniga xos boʻlgan bilimlarning integratsiyalanishi va umumlashtirilishi isbotlangan.

Integrativ ta'lim, tizimli va har tomonlama fanlararo aloqalar tufayli oʻqitish jarayonida oʻquvchilar ongida "xolisona va har tomonlama tasavvur, tabiat, iqtisodiyot, jamiyatga doir qarashlari tizimi shakllanadi" [8, 46-47].

Fan integratsiyasi jarayoni oliy ta'lim tuzilmasining barcha komponentlarida aks etadi: fanlararo aloqalar ta'sirida sifatli oʻzgaradigan bilimlar tizimiga; talabaning bilim olish faoliyati oʻziga xos xususiyatlarga ega boʻlgan koʻnikmalar tizimiga; turli xil fanlardan olingan


ISSN 2181-8274

bilimlar sintezi jarayoni orqali munosabatlar tizimiga [9, 66-70].Tadqiqotlar shuni ko'rsatdiki, turli xil fanlarni o'qitish oqilona ta'lim metodlaridan foydalangan hollarda katta samara beradi, fanlararo aloqalarni amalga oshirish xususiy tushunchalar, qonunlar va nazariyalar talabalarga umumiy tushunchalar, qonunlar va nazariyalarning xususiy holati sifatida yetkazish orqali ta'lim berish imkonini beradi va bu, o'z navbatida, ularni o'rganish uchun umumiy yondashuvni amalga oshirish uchun sharoit yaratadi.

Pedagogik tayyorgarlikning kasbiy sikl fanlari bilan aloqadorligi – integratsion jarayonlarning ikkinchi yo'nalishidir. Ular talabalarda predmetli hodisalar va qonuniyatlarning yaxlitligi, xilma-xilligi va o'zaro bog'liqligi to'g'risidagi tasavvurni shakllantirishga, shuningdek, bo'lajak pedagoglarda o'z faoliyatiga nisbatan kasbiy va ijodiy munosabatda bo'lish ko'nikmalarining shakllanishiga yordam beradi.

Pedagogik tayyorgarlikdagi fanlararo integratsiya muhim ahamiyatga ega bo'lib, ijtimoiy fanlar kursi talabalarning inson shaxsi kosmoplanetar mazmunini anglashda ifodalanadigan ular kasbiy tafakkurining yangicha paradigmasini rivojlantirishga qaratilgan bo'lmog'i lozim. Shu yo'sinda bo'lajak pedagogda ta'lim falsafasi hamda gumanitar maktabning zamonaviy maqsadlari to'g'risida tasavvur shakllanadi.

Kasbiy-predmetli fanlar pedagogik vazifa sifatida o'rganiladi, ya'ni bo'lajak pedagog o'zi mashg'ulot o'tadigan fanning mazmunidan xabardor bo'ladi, balki uning maktabda o'qitishning didaktik mazmunini ham o'zlashtiradi.

Xulosa o'rnida shuni ta'kidlash kerakki, nomutaxassislik yo'nalishdagi talabalarning pedagogik va metodik integratsiyasi nafaqat bo'lajak o'qituvchilarda kasbiy qadriyatlarning shakllanish uchun muhim. U pedagog metodologik madaniyatining o'zgacha darajasini ta'minlash, pedagogik bilimlar hamda uning inson haqidagi fanlar tizimidagi o'rni to'g'risidagi tasavvurlarni o'zgartirishga qodir [12, 167].

Talabalarni pedagogik faoliyatga tayyorlash ikki tomonlama jarayondan iborat. Bir tomondan, bu o'qitishning barcha ana'anaviy tamoyillari, metodlari va nazorat qilish turlaridan iborat bo'lgan o'quv jarayonidir. Ikkinchi tomondan, bu har bir talaba tomonidan individual tarzda bajariladigan mustaqil ta'lim olish jarayoni hisoblanadi. Agarda birinchi holatda pedagog bilan talabaning o'zaro hamkorlikdagi ish jarayoni nazarada tutilsa, ikkinchi holatda faqatgina talabaning faoliyati ko'zda tutilgan, ya'ni talabaning o'ziga bog'liq bo'lgan mustaqil faoliyatidir. Intensiv ta'lim sharoitlarida talabalar mustaqil ishining ulushi va ahamiyati sezilarli darajada oshadi, va bu, nazarimizda, qo'shimcha "O'qituvchi" malakasi bo'yicha talabalar pedagogik tayyorgarligidagi uchinchi xususiyat hisoblanadi.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**


1. *Норбўтаев Х.Б. Мактаб ўқувчиларида экологик тафаккурни табиий фанлараро синхрон ва асинхрон алоқадорликда ривожлантириш методикаси (биология, кимё, физика ўқув фанлари мисолида). Дисс. п.ф.д. (DSc). – Термиз, 2021 й. – 263 б.*
2. *Тўхтаева З.Ш. Касб-ҳунар таълимида фанлараро узвийликни таъминлаш методикаси. Дисс. автореф. п.ф.н., –Тошкент, 2012 й.–23 б.*
3. *Ismailova Z. et al. The use of innovation technologies in the formation of students' professional competences. International journal of ingenering and advanced technology (tm) Volume-9 lssue-1. October. 2019. – 1175 p.*
4. *Нагибина Н.А., Ипполитова Н.В. Методическая компетентность как составляющая профессиональной компетентности педагога. // Педагогическое образование, 2016. С. 44-46.*
5. *Новик, И. Р. Подготовка компетентного специалиста в системе высшего химико- педагогического образования для работы с одаренными учащимися [Текст]: моногр. / И.Р.Новик. – Н. Новгород: НГПУ, 2013. – 158 с.*
6. *Ўринова О. Бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлаш мазмуни // Педагогика ва психологияда инновациялар. 5-жилд, 1-сон. ISSN 2181-9513. Doi. Journal 10.26739/2181-9513. 2021 й. – B.66-70.*
7. *Ўринова О. Бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлаш мазмуни // Педагогика ва психологияда инновациялар. 5-жилд, 1-сон. ISSN 2181-9513. Doi. Journal 10.26739/2181-9513. 2021 й. –B.66-70.*
8. *Uljaevna, U. F., & Shavkatovna, S. R. (2021). Development and education of preschool children. ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL, 11(2), 326-329.*
9. *O'rinova, F. (2019). REPORT ON PROBLEMS IN THE PRE-SCHOOLS OF ORGANIZATIONAL PREVENTIVE CENTERS. Scientific Bulletin of Namangan State University, 1(11), 311-315.*
10. *Уринова, Ф. У., & Эркинова, Ш. Ё. (2013). Значение инновационной индивидуальной работы в повышении эффективности самостоятельной учебной деятельности студентов. Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук, (12-2).*
11. *Urinova F. A., Usmonova S. Y. Q. IN CONTINUOUS EDUCATION SYSTEM HUMANISTIC CHARAKTERISTICS OF PARTNERSHIP PEDOGOGY //Scientific Bulletin of Namangan State University. – 2019. – T. 1. – №. 12. – C. 317-322.*

# НИШОТИЙНИНГ “ҲУСНУ ДИЛ” ДОСТОНИ ВА МАТНШУНОСЛИКНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

**Алишер Сабриев,**
Олий таълимни ривожлантириш
тадқиқотлари ва илғор технологияларни
татбиқ этиш маркази етакчи мутахассиси

***Аннотация***
*Мақолада Муҳаммадниёз Нишотийнинг 1967 йилда нашр этилган “Ҳусну Дил” достони бир боб доирасида матншунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилинган. Шунингдек, ушбу нодир асарнинг матний тадқиқи, мукаммал нашри ва насрий баёнини шакллантириш борасида таклифлар ўртага ташланган.*
***Калит сўзлар:*** *абжад ҳисоби, сариъ, сакта, байт, мазмуний бутунлик, саҳиҳ.*

***Аннотация***
*В статье проанализировано с точки зрения текстологии поэма Мухаммаднияза Нишотий “Хусну Дил”, опубликованного в 1967 году, в примере одной главы данной поэмы. Также выдвинуты предложения по исследованию текста, совершенному изданию и формированию прозаической части этого великолепного произведения.*
***Ключевые слова:*** *счёт абджад, сари, скачок, бейт, целостность значения, достоверный.*

***Annotation***
*In this article was analyzed the epic poet “Husnu Dil” of Muhammadniyoz Nishotiy, editted in 1967, from point of view the textology in the example of one chapter. Also, the proposals regarding the research of the text, the perfect edition and the formation of the prose part of this rare work have been put forward.*
***Keywords:*** *abjad, sari, leap, beit, integrity of the meaning, reliable.*

Муҳаммадниёз Нишотийнинг “Ҳусну Дил” достони мумтоз адабиётимизнинг дурдона асарларидан бири бўлиб, унинг ёзилган йилини асарда келтирилган қуйидаги байтдан билиб олишимиз мумкин:

Муддати таърихини этсам баён,
“Хатми Дилу Ҳусн”дур, эй нуктадон[1].

Демак, асарнинг ёзилиш тарихи “Хатми Дилу Ҳусн” бирикмасида яширинган экан. 1967 йили Холид Расул ва Исҳоқ Ражабов томонидан нашрга тайёрланиб, “Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти”да Нишотийнинг “Ҳусн ва Дил. Лирика” номи билан босилган китоби сўзбошисида “Бундан (яъни, “Хатми Дил ва Ҳусн” бирикмасидан – А.С.) достон 1192 ҳижрий, 1771 мелодий йилда ёзилганлиги аниқ маълум бўлади” [1, 6] каби фикрга дуч келамиз. Ваҳоланки,1192 ҳижрий йилни мелодийга ўгирганда 1771 йил эмас, балки 1778 йил чиқади. Адабиётшунос Раҳмонқул Орзибеков ҳам мазкур тарих санасига оид байтдан асар 1192 ҳижрий, 1778 мелодий йилда ёзилган, деган хулосага келадилар [2, 107].

Бироқ “Хатми Дилу Ҳусн” бирикмасини абжад бўйича ҳисоблаб чиққанимизда 1192 эмас, 1198 рақами келиб чиқишига амин бўлдик. Чунки “ختم دل و حسن”даги ҳарфларнинг абжад ҳисоби қиймати қуйидагича: خ – 600, ت – 400, م – 40, د – 4, ل – 30, و – 6, ح – 8, س – 60, ن – 50. Булар ҳаммаси қўшилганда 1198 сони чиқади ва бу сон асарнинг ёзилган йилидир. Мелодийда эса бу 1784 йилга тўғри келади. Бизнингча, устоз адабиётшунослар “Хатми Дилу Ҳусн” бирикмасидаги –у (و) боғловчисини ҳисобга қўшмаганлар ва шу сабабдан 6 бирликда тафовут кўзга ташланмоқда. Модомики таъмиядаги “хатм” сўзи ҳам инобатга олинар экан, “Хатми Дилу Ҳусн” бирикмасини тўлалигича ҳисоблаш, яъни –у (و) боғловчисини ҳам тарих моддаси таркибида деб қараш лозимдир.

Бу асар ўтган асрнинг 60 йилларида фанга маълум бўлгани ва адабиётшунос олимларимиз томонидан бирмунча тадқиқ этилганига қарамай, достон ҳали деярли ўрганилган эмас. 1967 йилдан кейин достоннинг қайта нашр этилганлиги ҳақида маълумотга эга эмасмиз. Ҳар ҳолда, ундан кейинги нашрини учратганимизча йўқ. Мазкур нашр матнида эса қусурлар анчагина. Биринчидан, достоннинг ҳамд ва наът қисмлари киритилмаган (бу замон ва тузумнинг тақозоси, албатта!), демак, асар қайтадан тўлиқ нашрга муҳтож. Иккинчидан, асар матнида орфографик, лексик, пунктуацион ва имловий хатолар кўп.

Таниқли матншунос олим Ваҳоб Раҳмон ҳам ўзининг “Матн жумбоқлари” мақоласида “Ҳусну Дил” достонининг биз кўриб чиқаётган 1967 йилги нашридаги айрим камчиликлар, жумладан, икки сўзни бир сўз ҳолига келиб қолиши ҳолатлари учраши ва бу ҳо-

[1]Бу мисра 1967 йил “Ҳусн ва Дил. Лирика” номи билан нашр этилган манбада “Хатми Дил ва Ҳусн дур, эй нуктадон” тарзида келтирилганки, бунда вазннинг бузилганлигига гувоҳ бўламиз. Бу саҳв байтнинг мазмунига салбий таъсир кўрсатмаган бўлса-да, бизнингча, асар вазнига мувофиқ “Хатми Дилу Ҳусн”дур, эй нуктадон” кўринишида берилгани маъқул.

лат фикрни умуман издан чиқариб юбориши ҳақида гапиради ва қуйидаги байтни келтиради:

Гоҳ тутар заҳри балогоҳ нўш,
Гоҳ берур жону олур гоҳ хуш.

Ундан кейин, олим аслиятни шундай тиклайди:

Гоҳ тутар заҳри бало, гоҳ нўш.

Яна В. Раҳмон дейди: "Энди қуйидаги байтга диққатимизни қаратайлик:

Номадони сўзки эди ибтидо,
Айлади мафҳум они то интиҳо.
(Нишотий, "Ҳусн ва Дил. Лирика", 1967, 293-бет)

Бузилган сўзни китобхон маъносига қараб тиклаёлмайди. Шоир бундай демоқчи эди:

Номада не сўзки эди ибтидо..." [3, 271]

Дарҳақиқат, "Ҳусну Дил" достонини кўздан кечириш асносида шунга амин бўлдикки, 1967 йилги нашр матнида текстолог Ваҳоб Раҳмон қаламга олган ва шунга ўхшаш камчиликлар анчагина. Бизнинг ушбу мақоламиз ҳам айни шу муаммога бағишланган бўлиб, буни достоннинг "Хоразми пурразмдин ва мавлуди васлийси ул дайёри хушбазмдин демокининг достони" сарлавҳасидаги бир боби доирасида кўриб чиқамиз.

Мазкур бобда сўз чегарасини аниқлай билмаслик билан боғлиқ саҳвнинг қуйидаги кўриниши мавжуд:

Барча эди мусийи мўжиз низом,
Сомири особори соҳир калом. [1, 27]

Ушбу байтда иккита хатонинг қаватланиб келишига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Биламизки, араб графикасида катта ва кичик ҳарфлар фарқланмайди. Шунинг учун ҳам атоқли ва турдош отларнинг ёзувида тафовут йўқ. Лекин кирилл алифбосидаги имлода ҳам, лотин ёзувидаги қоидага биноан ҳам атоқли отлар, шу жумладан, кишиларнинг исмлари катта ҳарф билан ёзилиши шарт ҳисобланади. Шундай экан, Мусо алайҳиссаломнинг исмлари (Муси)ни бош ҳарф билан ёзишимиз лозим.

Иккинчи мисрада эса "каби", "-дек" қабилидаги кўмакчи ва қўшимчаларнинг маънодоши бўлмиш "-осо" "Сомирий"[2]дан ажратилиб, "бори"га қўшиб юборилган. Натижада "особори" кўринишдаги янги сўз вужудга келган. Аслида байт бундай берилса, тўғрироқ бўлар:

Барча эди Мусийи мўжизнизом,
Сомирийосо бори соҳиркалом.

Бундан ташқари, яна шундай лексик хатоларга дуч келишимиз мумкин:

Кимки шақийваш ани қилди баланд,
Кимки сайд айлади хору нажанд. [1, 25]

Асар сареъ баҳрининг сареъи мусаддаси матвийи макшуф (мавқуф) вазнида ёзилган бўлиб, унинг афоили: муфтаъилун муфтаъилун фоъилун (фоъилон), парадигмаси: – v v – / – v v – / – v – (– v ~) кўринишига эга. Юқоридаги байтнинг иккинчи мисрасида вазн бузилганининг ўзиёқ кишини сергаклантиради:

Кимки сай /д айлади хо/ру нажанд.
– v – / – v v – / – v ~

Вазндан ташқари, байтнинг мазмунига ҳам шикаст етган: "Кимки тубан бўлса, уни юксакка кўтарди ва кимки ов қилса хору ғамнок бўлди". Кўриниб турганидек, байтнинг маъноси ўта ночор ҳолатда. Араб графикасида айрим унли товушлар ёзувда акс этмаслигига эътибор берилмагани мазмуннинг тамоман ўзгариб кетишига сабаб бўлган. Иккинчи мисрадаги "сайд" сўзи "сайид" тарзида ифодаланса ва ўқилса, вазн ҳам тикланади, мазмун ҳам бутунлашади:

Кимки шақийваш ани қилди баланд,
Кимки сайид айлади хору нажанд.

Яъни: "Кимки тубан бўлса, уни юксакка кўтарди ва кимки олийнасаб бўлса, хору ғамнок айлади". Буни балки техник хато деб ҳам баҳолаш мумкиндир, лекин ушбу бобда бунга ўхшаш хато кўпгина учрайди. Чунончи:

Таъма учун шому саҳар нолишим,
Тифл киби бормоғу сўрмоқ ишим. [1, 26]

Бугунги кунда "таъма", "тама" тарзида параллел қўлланилаверадиган "кўзлаш", "умид қилиш" маъносидаги бу сўз ўтмишда (XVII асрда ҳам!) қатъий "тамаъ" тарзида ишлатилган. Ҳазрат Алишер Навоийнинг "Маҳбуб ул-қулуб"ларидаги 70-танбеҳда келтирилган машҳур:

Хорлиғлар боши тамаъ билгил,
Доимо "азза ман қанаъ" билгил, –

байтлари фикримиз далилидир. Лекин бу сўзни мисра бошида "тамаъ" тарзида ёзадиган бўлсак, вазнга путур етади. Кейин, "Тамаъ учун шому саҳар нолишим" мисрасида ғализлик мавжуд, ҳеч ким тамаъ илинжида, тамаъ истаб нола қилмайди. Зеро бирор нарсанинг илинжида бўлишнинг ўзи тамаъ ҳисобланади. Ўша "шому саҳар" исталган нарса тўъма, яъни егулик бўлиши мумкин:

Тўъма учун шому саҳар нолишим,
Тифл киби бормоғу сўрмоқ ишим.

Маъноси: "Озиқ-овқат учун шому саҳар нола чекаман, ишим ёш боладай кишилардан бориб таом сўрашдир..."

Яна бир мисол:

Кўрмаса эл сўзинги таҳсин учун,
Кўргай они нафи ила нафрин учун. [1, 29]

"Нафи" деган сўз луғатларда учрамайди, бугунги кунда "фойда" маъносида ишлатадиганимиз "наф" сўзи ҳам аслида "нафъ"дир ва мумтоз шоирларимиз

[2]Сомирий – Мусо алайҳиссалом даврида яшаган тарихий шахс. У олтиндан ясаган бузоқ ҳайкалчасидан сеҳр ёрдамида овоз чиқартириб, бани Исроилни диндан чиқаришга уринган фосиқ киши.

бу калимани айни шу кўринишда қўллашган. Кўрсатилган байтдаги "нафи" сўзини "нафй" (инкор, рад)га алмаштирсак, ўринлиислоҳ бўлади.

Қуйидаги байтда "аҳли хирад" бирикмаси "ақл хирад"га айланган:

Деди: — Бу сўз ақл хираддин эмас,
Аҳли хирад сўзини мундоқ демас. [1, 28]

Бугунги кун тилшунослик илми нуқтаи назаридан изоҳлайдиган бўлсак, "ақл" ва "хирад" сўзлари битишув йўли билан бирикмайди. XVII асрда ҳам, ундан олдин ҳам бирикмаган бўлса керак. Изофа орқали ҳам бириколмайди. "-у" боғловчиси билан боғланиши мумкин, фақат бундай ҳолатда "вов" (و) ҳарфи ёзилади.

Нишотий бу байтда радд ул-ҳашв илал-ибтидо – қайтариш санъати воситасида ифодани кучайтиришга, таъкидлашга уринган бўлса, биз тавтологиядан қочиб, "аҳли"ни "ақл" тарзида ўқиган бўлишимиз мумкин.

Қуйидаги байтда ҳам бир ҳарфнинг нотўғри ўқилиши байт мазмунига жиддий салбий таъсир кўрсатган:

Раҳматидин чунки имон ноумид,
Кесмагум алтофидин асло умид. [1, 28]

Байтдан чиқадиган мазмун: "Ҳақнинг раҳматидан имон ноумид, унинг лутфларидан умидимни асло узмайман". Имони ноумид бўлса-ю, киши умидвор, демак, шоирнинг йўли имонидан айро экан-да, деган хато хулоса келиб чиқмайдими? Балки, бу байт қуйидагича ёзилса, тўғри бўлар:

Раҳматидин чунки эмон ноумид,
Кесмагум алтофидин асло умид.

Энди бундаги "эмон" (эмасман) сўзи юқоридаги "имон"дан тамоман бошқа. Байт мазмуни: "Ҳақнинг раҳматидан ноумид эмасман, унинг лутфларидан умидимни асло узмайман". Тўғри, бу иккала сўз араб ёзувида бир хил, яъни "ایمان" тарзида ёзилади, аммо уни табдил қилаётганда байтнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб ифодалаш лозим.

Орфографик хатоларга назар ташлайдиган бўлсак, бунда ўқувчиларни чалғитадиган, ўйлантирадиган ва кўпинча китобхоннинг байт замирига етиб боришига халақит берадиган вазиятларга гувоҳ бўламиз. Масалан:

Баҳрда сув ўрниға бўлса мадод,
Сафҳаи афлок уза ёзсанг савод, [1, 26 ] –

Байтидаги "мадод" сўзи ўқувчини ҳайрон қолдириши табиий. Агар шу сўз аслидагидек "мидод" (сиёҳ) тарзида ёзилса, шоирнинг нима демоқчилигини дарҳол тушуниб оламиз:

Баҳрда сув ўрниға бўлса мидод,
Сафҳаи афлок уза ёзсанг савод.

Худди шундай ҳолат "хазро" (кўк, яшил) сўзининг "хузро" тарзида берилишида ҳам кузатилади:

Ё раб, ўшул арши муалло ҳақи,
Махзани сўз гунбази хузро ҳақи. [1, 29]

Мазкур бобни кузатар эканмиз, нотўғри ўқиш ёки сўзлар чегарасининг хато англашилиши натижасида байт мазмунининг тамоман тескари томонга ўзгариб кетганига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Чунончи, Нишотий Хоразмнинг саховатли, илму ҳунар бобида тенгсиз бўлмиш халқини васф қилиб келаётган бир пайтда томдан тараша тушгандай бўриёсидан "бўйи риёлуқ" келувчи шайхлар мазамматига дуч келамиз. Маъно изчиллиги бузилгани ўқувчини ҳайрон қолдиради. Мана ўша байт:

Шайхлари масжиду маъвосида,
Бўйи риёлуқ эди бўрёсида. [1, 24]

Ажабланарлиси шундаки, бундан кейинги байтда шоир:

Борчалари фонии мутлақ эди,
Сўзлари бошдин аёғи ҳақ эди, –

деб ўша бўриёсидан "бўйи риёлуқ" келадиган шайхларни мадҳ этади. Шундан ҳам билинадики, қайсидир сўз нотўғри ўқилган. Бу сўз, фикримизча, "риёлуқ"дир. Қўлёзмадаги "йо" ҳарфининг нуқтаси ўчиб қолган бўлса, уни матншуносларимиз "лом" деб ўқиган бўлишлари мумкин. Демак, "риёлуқ" сўзидаги "лом" ҳарфини асл ҳолатидагидек "йо" деб ўқисак, мазкур сўз "риё йўқ"га айланади:

Шайхлари масжиду маъвосида,
Бўйи риё йўқ эди бўрёсида.

Ана энди бу байт ўзидан олдинги ва кейинги байтлар билан бутунлик касб этмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Муҳаммадниёз Нишотийнинг "Ҳусну Дил" достони (айни 1967 йилги нашри) да қатор текстологик нуқсонлар кўзга ташланади. Демак, асарни матншунослик нуқтаи назаридан жиддий тадқиқ қилиб, унинг айрим камчиликларини тузатиш, тўғрироғи, имкон қадар достоннинг аслиятини тиклаш, танқидий матнини яратиш; мумтоз бадиият мезонлари асосида, шунингдек, муаллиф замондошлари ҳамда салафларининг асарлари билан қиёсий ўрганиш; атрофлича таҳлил қилиш ва ниҳоят, достонни табдил қилиб, унинг насрий баёнини кенг китобхонлар оммаси эътиборига ҳавола қилишдек шарафли ишлар бугунги кун ўзбек адабиётшунослигининг энг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**


1. *Нишотий. Ҳусн ва Дил. Достон. Шеърлар. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1967 й.*
2. *Orzibekov R. O'ZBEK ADABIYOTI TARIXI (XVII-XIX (I yarmi) asrlar). O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg'armasi nashriyoti. – Т.: 2006 й.*
3. *В. Раҳмонов. Мумтоз сўз сеҳри. – Тошкент: "O'zbekiston" НМИУ, 2015 й.*
4. *Alisher Navoiy. To'la asarlar to'plami. 10 jildlik. IX jild. –Toshkent: O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi G'afur G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2013-y.*

# KASBIY KOMPETENSIYALARNI RIVOJLANTIRISHNING PEDAGOGIK-PSIXOLOGIK IMKONIYATLARI

**Sevara Mingyasharova,**
Termiz muhandislik-texnologiya instituti o'qituvchisi

***Annotatsiya***

*Ushbu maqolada bugungi kunda jamiyatda amalga oshirilayotgan islohatlar talablariga to'la javob beruvchi, shuningdek, mehnat bozorida mutaxassislar malakasiga qo'yilayotgan talablar darajasida samarali faoliyat yurituvchi pedagog shaxslarni shakllantirishning kasbiy pedagogik-psixologik kompetensiyalarini rovojlantirish asoslari yoritilgan. Shu bilan birga, pedagogning kompetensiyasi qaysi mezonlar bilan belgilanishini o'rganish, kasbiy pedagogik kompetensiyalarning turlari, kasbiy mahoratni oshirish, kasbiy pedagogik mahoratni egallashda kasbga oid nazariy va amaliy bilimlarni egallash bo'yicha batafsil ma'lumotlar yoritib o'tilgan.*

***Kalit so'zlar:*** *Kasbiy kompetensiya, nazariya, pedagogika, metodika, bilim, malaka, ko'nikma, kasbiy mahorat.*

***Аннотация***

*В данной статье описаны основы развития профессиональных педагогико-психологических компетенций для формирования педагогов, полностью отвечающих требованиям реформ, реализуемых в современном обществе, а также эффективно работающих на уровне требований к квалификации специалистов в рынок труда. При этом развернута информация об изучении критериев определения компетентности педагога, видов профессионально-педагогических компетенций, повышении профессионального мастерства, овладении теоретическими и практическими знаниями по профессии при приобретении профессионально-педагогических навыков.*

***Ключевые слова:*** *Профессиональная компетентность, теория, педагогика, методика, знание, квалификация, умение, профессиональное мастерство.*

***Annotation***

*This article is carried out in today's society fully responsive to the requirements of the increasing reforms, as well as the demands placed on the qualifications of specialists in the labor market the basics of developing professional pedagogical-psychological competences for the formation of effective pedagogical persons at the level of. At the same time, detailed information on learning the criteria for determining the competence of a pedagogue, types of professional pedagogical competencies, improving professional skills, and acquiring theoretical and practical knowledge of the profession in the acquisition of professional pedagogical skills.*

***Keywords:*** *Professional competence, theory, pedagogy, methodology, knowledge, qualification, skill, professional skill.*

Mamlakatimizni 2017–2021-yillarda rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha "Harakatlar strategiyasi" doirasida o'tgan davr mobaynida davlat va jamiyat hayotining barcha sohalarini tubdan isloh etishga qaratilgan 300 ga yaqin qonun, 4 mingdan ziyod O'zbekiston Respublikasi Prezidenti qarorlari qabul qilindi. Shuningdek, inson huquqlarini ta'minlash, davlat organlarining hisobdorligi va ochiqligini kuchaytirish hamda fuqarolik jamiyati institutlari, ommaviy axborot vositalarining roli, aholi va jamoat birlashmalarining siyosiy faolligini oshirish bo'yicha tizimli ishlar amalga oshirildi.

Yurtimizda intiluvchan, faol, iqtidorli va yuksak ma'naviy-axloqiy fazilatlarga ega, zamonaviy bilim hamda kasblarni chuqur egallagan, bugungi va ertangi kunimizning hal qiluvchi kuchi bo'lgan yoshlarni voyaga yetkazish uchun barcha shart-sharoit va imkoniyatlar yaratilgan. Bugungi kunda fan va texnika rivoji ta'lim va uning natijalariga qo'yiladigan talablarni tubdan o'zgartirishni talab etmoqda. Shunga asosan, yangi avlod standartlarini yaratish pedagoglarning oldiga muhim vazifa qilib qo'yilmoqda. Hozirgi vaqtgacha yaratilgan davlat ta'lim standartlari tizimli-faoliyatli yondashuvga asoslangan, ya'ni ta'lim maskanlarining maqsadini bilim, ko'nikma va malakalarni o'zlashtirish tarzida aniqlashtirishdan iborat edi. Shu bois yangi davlat ta'lim standartlarini o'z-o'zini rivojlantirishga qaratilgan kompetent-faoliyatli yondashuvga asoslanishdan kelib chiqqan holda belgilash talab etilmoqda. Chunki oliy ta'limda tashkil etilayotgan o'quv-tarbiya jarayonining mohiyati tinglovchilarning ehtiyojlari va qobiliyatlarini rivojlantirish emas, balki bilimlarni axborot-verbal tarzda yetkazish, ko'nikma va malakalarni shakllantirishdan iborat bo'lib qolmoqda.

So'nggi besh yillik islohotlarning natijasida mamlakatimizda Yangi O'zbekistonni barpo etishning zarur siyosiy-huquqiy, ijtimoiy-iqtisodiy va ilmiy-ma'rifiy asoslari yaratildi. Shularni e'tiborga olgan holda, yurtimizning yanada rivojlanishi va yuksaklikka ko'tarilishi uchun ta'lim va tarbiyaga bo'lgan munosabatni o'zgartirishimiz kerak. Ya'ni yoshlarni ma'naviyatli va yetuk mutaxassis bo'lib yetishishi uchun hozirdanoq harakat qilishimiz kerak. Buning uchun o'qituvchining kasbiy kompetensiyasini rivojlantirish va uni amaliyotga qo'llashga katta e'tibor qaratishimiz lozim.

Avvalombor, kompetensiya tushunchasiga e'tibor qarataylik.

Kompetensiya (lotincha so'z bo'lib, erishaman, to'g'ri

kelaman ma'nolarini bildiradi) – sub'yektning maqsadni qo'yish hamda unga erishish uchun tashqi va ichki zaxiralarni samarali amalga oshirishga tayyorgarligi, boshqacha qilib aytganda, bu subyektning muayyan faoliyat obyekti bilan bog'liq muammolarni muvaffaqiyatli hal etishga doir shaxsiy qobiliyatidir. Bo'lajak o'qituvchining kasbiy kompetensiyasini shakllantirish pedagoglarni tayyorlashdagi murakkab muammolar qatorida o'ziga xos o'rin tutadi. Ayniqsa, ta'limni modernizatsiyalash bilan bog'liq islohotlarning joriy bosqichida kasbiy pedagogik faoliyatga moslashish muammosi yanada yaqqol namoyon bo'lmoqda. Bo'lajak o'qituvchilarni amaliy, psixologik, metodik, tadqiqotchilik turlari bilan bir qatorda o'qituvchining kasbiy kompetensiyasini shakllantirish bilan boyib bormoqda. Kasbiy kompetentlik tashxisi kasbiy shakllanishning mohiyatli xarakteristikalariga diagnostik, kommunikativlik, boshqaruv va proektiv o'quvlar guruhlarini kiritish lozim. Pedagogning bilish faoliyati ko'p jihatdan o'rganilayotgan narsalarning murakkabligi, dinamikasi, nostandartligi, ijtimoiy hodisalarni ajratib turadigan chegaralarning ta'siri, ularni izlash, noaniqlik bilan belgilanadi, bu esa kuzatuvchanlik, suhbatdoshning ichki dunyosini modellashtirish malakasini nazarda tutadi. Mazkur holda o'z-o'zini tartibga solish xususiyatlari o'z bilim va malakalarini doimo takomillashtirish zarurati, boshqa odamlarga qaratilgan o'z xatti-harakatini qat'iy muvofiqlashtirish uquvi bilan tavsiflanadi. [3, 174]

Kasbiy pedagogik kompetensiyalarni alohida turlarga ajratish maqsadga muvofiqdir: pedagogik faoliyatni zarur darajada amalga oshirish uchun yetarli ma'lumotga ega bo'lish; maxsus pedagogik kompetensiyaga ega bo'lish; Bundan tashqari, pedagogning o'z kasbiy darajasini munosib baholay olishi va mutaxassis sifatida o'z rivojlanishini belgilash qobiliyati ushbu turga bog'liq.

Ijtimoiy pedagogik kompetensiyaga ega bo'lish ijtimoiy vakolat darajasi pedagogning hamkasblari bilan munosabatlarni samarali qurishi, birgalikdagi harakatlarni rejalashtirish qobiliyatini belgilaydi

Ko'p bosqichli ta'lim tizimida, yangi standartlar va dasturlar doirasidagi ta'lim jarayonini eskirgan uslubiyat bo'yicha olib borilishiga yo'l qo'yib bo'lmaydi. Ta'lim tizimidagi keng qamrovli tarkibiy islohatlarni respublika pedagoglari ilg'or pedagogik texnologiyalarni o'zlashtirish va o'quv jarayoniga qo'llash bilan mustahkamlashlari zarur. Avval ta'kidlanganidek, buning uchun pedagoglarimizni o'quv jarayoniga texnologik yondashuvlarini o'rgatish talab etiladi, bu esa pedagogik texnologiyadan foydalanishdan tashqari, uni O'zbekiston madaniyati, an'analari va tajribasi bilan boyitishga olib keladi.

Kompetentlikni namoyish qilishga tayyorgarlik darajasini quyidagi mezonlar bo'yicha aniqlash mumkin: o'z-o'zini rivojlantirish va o'zini namoyon etish g'oyasi, kasbiy yo'l tanlash, turmush qurish, farzandli bo'lishga nisbatan qaror qabul qila olishga tayyorgarlik, o'z hayotiga javob berishga tayyorlik, hayot yo'lini mustaqil tanlash, kasb sohasida ko'nikishlar hosil qilishga tayyorlik va boshqalar.

O'qituvchining kasbiy kompetensiyasi – pedagogning faqatgina kasb va kasbiy faoliyatni amalga oshirish bilan bog'liq barcha ehtiyoj, qobiliyat, mahorat, bilish va qiziqishlarini ifodalaydi. Buning uchun u ijodiy izlanishlar jarayonini boshqarishga moyil bo'lishi; ijodiy izlanishlarning samaradorligi o'qituvchining pedagogik, psixologik va nazariy tayyorgarligiga bog'liq bo'lishini esda tutishi lozim. [6,128]

Talabalarga bilim berish o'qituvchining mas'uliyatli burchidir, deb Ibn Sino o'qituvchining shaxsiyati qanday bo'lishi kerakligi haqida quyidagi fikrlarni bildirgan: bolalar bilan muomalada bosiq, jiddiy bo'lish; beriladigan bilimni talabalar qanday o'zlashtirib olayotganiga e'tibor berish; ta'limda turli usul va shakllardan foydalanish; talabaning xotirasi, bilimlarni egallash qobiliyati, shaxsiy xususiyatlarini bilish; fanga qiziqtira olish; berilgan bilimlarning eng muhimini ajratib o'qitish; bilimlarni talabalarning yoshi, aqliy darajasiga mos ravishda berish; har bir so'zning bolalar hissiyotini uyg'otish darajasida bo'lishiga erishish zarur.

Pedagogik texnologiyaning o'ziga xos xususiyati shundan iboratki, unda o'quv maqsadlariga erishishni kafolatlaydigan o'quv jarayoni loyihalashtiriladi va amalga oshiriladi. Texnologik yondoshuv, eng avvalo, tasvirlash emas, balki loyihalashtirilgan natijalarni amalga oshirish imkonini beruvchi amaliy ko'rsatmali tuzilmada o'z ifodasini topadi. Maqsadga yo'naltirilganlik, oraliq natijalarni tashxisli tekshirib borish, ta'limni alohida o'qitish lavhalariga ajratish kabi usullar hozirgi kunga kelib qayta-qayta takrorlash mumkin bo'lgan ta'lim texnologiyasi g'oyasida mujassamlangan.

U asosan o'z ichiga quyidagi omillarni oladi: ta'limda umummaqsadning qo'yilishi; tuzilgan umummaqsaddan aniq maqsadga o'tish; o'quvchilarning bilim darajasini dastlabki (tashxisli) baholash.

Ta'limga texnologik yondashuv. Tarbiyalash texnologiyasi – nisbatan yangi atama bo'lishiga qaramay, rivojlangan mamlakatlarda keng tarqalgan. Tarbiyalash texnologiyasi yoshlar bilan tarbiyaviy ishlarning g'oyasi, mazmuni, tarkibini emas, balki bu sohadagi hukumat ishlab chiqqan maqsad va vazifalarni samarali amalga oshirish bilan shug'ullanadi. Tarbiyalash texnologiyasi mo'ljallangan tarbiyaviy maqsadga samarali erishuvni ta'minlovchi vositalar majmuasini ko'rib chiqadi. Shu bois professor-o'qituvchilar uchun har tomonlama rivojlangan yuqori intellektual va ma'naviy barkamol fuqaro shaxsini shakllantirishga qaratilgan talabalarni hukumat siyosatiga muvofiq tarbiyalash texnologiyalarini egallashi dolzarbdir.

Zamonaviy tarbiyalash texnologiyasi – har tomonlama yondashuvni amalga oshiradi va quyidagi majburiy talablarga rioya qiladi:


ISSN 2181-8274

Tarbiyalanuvchilarga uch yo‘nalish bo‘yicha ta’sir etiladi: tafakkuriga, sezgilariga va xulqiga. Shaxsning ma’lum sifatlari amaldagi tarbiyaviy ishlar majmui orqali hosil qilinadi. Bu ishlar yaqqol ko‘rinishdagi ko‘p yoqlik bo‘lishi, bir vaqtning o‘zida aqliy, jismoniy, xulqiy, estetik va mehnat tarbiyasini uzviyligi asosida olib borishi zarur. Har yoqlama yaxlit tarbiyaviy yondashuv tarbiyachining tizimli munosabatini va boshqaruvini taqozo qiladi. Boshqaruv tarbiya jarayonida ishtirok etuvchi tashqi va ichki omillarni va ularning o‘zaro ta’sirini inobatga olgandagina, muvaffaqiyatli bo‘lishi mumkin. Shu bois, u omillar haqida aniq tasavvurga ega bo‘lishi zarur. Respublikamizning taniqli olimlari ilmiy asoslangan, mintaqamizning ijtimoiy-pedagogik sharoitiga moslashgan pedagogik texnologiyalarni yaratish va ularni ta’lim-tarbiya amaliyotida qo‘llashga intilmoqdalar.

Kasbiy pedagogik faoliyatini takomillashtirish nazariyalariyalari quyidagilardan iborat:

a) pedagogik ijodning professionalligi;
b) tadqiqot texnologiyalari;
c) psixologik va pedagogik dizayn texnologiyalari;
d) psixologik va pedagogik hamkorlik texnologiyalari.

Kasbiy pedagogikaga muvaffaqiyatli tayyorgarlik ko‘rish uchun faoliyat va uni amalga oshirish, siz faoliyatning tuzilishini va uning obyektini bilishingiz kerak.

Kasbiy pedagogik mahorat amaliyot davrida yanada rivojlanadi va talabalarda bilim, amaliy ko‘nikma, malakalar tekshiriladi. Bo‘lajak pedagogni ijtimoiy-pedagogik faoliyati kasbiy mahorat rivojlanishida muhim o‘rinni bajaradi. Bu faoliyat qancha mazmunli va keng bo‘lsa, shuncha uning samaradorligi oshadi. Shuni alohida qayd etish lozimki, hech qanday oliy ta’lim muassasasi tayyor holda mahoratli pedagogni yetkazib bera olmaydi. Mahoratga erishishning eng samarali va to‘g‘ri yo‘li o‘z-o‘zini tarbiyalashdir. O‘z-o‘zini tarbiyalash usul va vositalari nihoyatda ko‘p, qolaversa, pedagogning o‘zi ijodiy soha hisoblanadi, o‘z ustida izlanishni talab etadi. [4, 56]

Ta’lim jarayonida fanlar bo‘yicha amalga oshiriladigan seminar, amaliy va laboratoriya mashg‘ulotlari nazariy bilimlarni mustahkamlashga hamda ularni ko‘nikmaga aylantirishgagina emas, balki ularni amaliy ish jarayonida qo‘llashga ham imkon beradi. Bunday mashg‘ulotlar tanlagan kasbi to‘g‘ri ekaniga ishonch hissini uyg‘otadi.

Oliy o‘quv yurtidan keyingi davrdagi o‘qituvchining kasbiy shakllanish jarayonida maktab rahbariyati, ayniqsa, ilmiy mudir hamda pedagogik jamoatchilik katta rol o‘ynaydi. Yosh o‘qituvchilarga tajribali o‘qituvchilarni biriktirib qo‘yish, ularning darslarini kuzatish, uslubiy ishlarga jalb etish maktab rahbariyatining asosiy vazifalaridan biri. O‘qituvchi o‘z kasbini sekin-asta o‘zlashtirib borishi bilan birga, ota-onalar o‘rtasida pedagogik bilimlarni targ‘ib etadi. Shu yo‘l orqali ham kasbiy shakllanishi takomillashib boradi.

O‘qituvchilik kasbini va pedagogik mahoratni egallash, maktab o‘qituvchilar jamoasiga kirishib, unda o‘z o‘rnini topib keta olishi yosh o‘qituvchining o‘ziga bog‘liq. Jamoaning yordamidan yuz o‘girmaslik, qiyinchiliklarga duch kelganda ruhan tushmay, o‘z xatolarini ko‘ra bilish va uni bartaraf etish uchun harakat qilish uning o‘qituvchi bo‘lib shakllanishidan darak beradi.

Shu bilan birga, o‘qituvchining kasbiy shakllanishi o‘z-o‘zini tarbiyalab borishga, o‘z ustida tinmay ishlashga va o‘z vaqtida malakasini oshirib borishga uzviy bog‘liq. Bularning hammasi kasbiy fazilatlarning ajralmas qismi hisoblanadi.

Pedagogik mahorat – o‘qituvchi ijodkorligining oliy namunasi bo‘lib, u yillar davomida shakllanadi. Uning yuksak mahoratni egallashi g‘oyat murakkab jarayon bo‘lib, pedagogika fanining eng dolzarb muammolaridan biri hisoblanadi. [7, 174]

O‘qituvchi kasbiga xos bo‘lgan ko‘pgina fazilatlar bilan birga, uning pedagogik mahoratni egallashi katta ahamiyatga ega. Yuqori pedagogik mahoratga ega bo‘lgan o‘qituvchigina o‘z kasbiga layoqatli, iste’dodli bo‘lishi mumkin.

Muvaffaqiyatli ishlash uchun har bir o‘qituvchi yuqori pedagogik mahorat va keng dunyoqarashga ega bo‘lishi kerak. Shundagina oz mehnat sarf qilib, katta natijaga erishadi, ijodkorlik uning hamisha hamkori bo‘ladi. Pedagogik ishga qobiliyatli, iste’dodli kishidagina pedagogik mahorat egasi bo‘lishi mumkin. Pedagogik faoliyatning samarali bo‘lishi uchun o‘qituvchi o‘z fanini chuqur bilishi, unga turdosh fanlar haqida ham tushunchaga ega bo‘lishi, o‘quv materialini o‘quvchilarga tushunarli qilib bayon eta olishi, o‘quvchilarda mustaqil ravishda faol fikrlashga qiziqish uyg‘otishi, o‘quvchilarning bilim, kamolot darajasi va ruhiyatini hisobga olishi, ularning nimani bilishlari va hali nimani bilmasliklarini tasavvur eta olishi lozim. Qobiliyatli, tajribali o‘qituvchi o‘zini o‘quvchining o‘rniga qo‘ya oladi, u kattalarga aniq va tushunarli bo‘lgan narsalarni o‘quvchilarga tushunilishi qiyin va mavhum bir narsa bo‘lishi ham mumkinligiga asoslanib ish tutadi. Shuning uchun u bayon etishning xarakter va shaklini alohida o‘ylab chiqadi hamda rejalashtiradi.[3,142]

Pedagogik mahoratni egallashda kasbga oid nazariy va amaliy bilimlarni egallash, pedagogik jamoa bilan doimiy muloqotda bo‘lish ijobiy natijalar beradi. Binobarin, bunday muhitda o‘zaro fikr almashish, shaxsiy mulohazalarni boshqalar tomonidan bildirilayotgan qarashlar bilan taqqoslab, ularning to‘g‘riligi, haqqoniyligiga ishonch hosil qilish, mavjud bilimlarni yanada boyitish, xato yoki kamchiliklarni aniqlash hamda ularni bartaraf etish yo‘llarini topish imkoniyati mavjud. Buyuk nemis pedagogi Adolf Disterverg pedagogning doimiy ravishda fanlarni mutolaa qilish bilan shug‘ullanishi haqida gapirib, shunday degan edi: “O‘qituvchi muntazam ravishda fan bilan shug‘ullanmog‘i lozim. Aks holda, u qurigan daraxt va toshga o‘xshab qoladi. Qurigan daraxt va tosh meva bera olmaganidek, kelajakda bunday o‘qituvchidan hech qan-

day natija kutib bo'lmaydi" [8, 25]. Bizga ma'lumki, ilg'or jamiyat fuqarosining, xususan pedagogning ma'naviy boyligi uning keng dunyoqarashi, teran fikrlash layoqati, savodxonligi, yuksak insoniy fazilatlarga boyligi bilan baholanadi. "Barcha illatlarning kelib chiqishi ilmsizlikdandir", degan edi yunon faylasufi Suqrot. Shunday ekan, yosh avlodning yuksak bilim va tafakkur sohibi bo'lishi uchun barchamiz javobgarmiz.

O'quv-tarbiya ishlari jarayonida talaba yoshlarni ijodiy fikrlashga, o'zgaruvchan vaziyatlarga o'rgatish, erkin raqobat asosida faoliyatni tashkil etish hamda talabalarni axborot texnologiyalari, elektron darsliklar, versiyalar va multimedialardan amaliy mashg'ulotlarda foydalanishi muhimdir. Bu esa talabalarda mustaqillik, erkin fikrlashni tarbiyalashni, o'quv faoliyatini tahlil qilishni, istiqbolda kasbiy mahorat va kompyuter savodxonligini orttirish bo'yicha rejalarini aniq belgilashiga erishishni ularning ichki ehtiyojiga aylantirish talab etiladi.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**


1. *Sh.M. Mirziyoyev // Milliy taraqqiyot yo'limizni qat'iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko'taramiz 1-jild. – T.: "O'zbekiston", 2017.*
2. *Sh.M.Mirziyoyev //"Buyuk kelajagimizni mard va oliy janob xalqimiz bilan birga quramiz". – T.: "O'zbekiston", 2017.*
3. *Azizxo'jayeva N.N.// Pedagogik texnologiya va pedagogik mahorat. – T., 2003. – 174 b.*
4. *Sh.S.Sharipov, N.Muslimov, M.Ismoilova.// "Kasbiy ta'lim pedagogikasi". Metodik qo'llanma. – T., 2005.*
5. *N.A.Muslimov.// Bo'lajak kasb-ta'limi o'qituvchisini kasbiy shakllantirish. – T.: Fan, 2004 y.*
6. *Muslimov N. va boshqalar. Kasb ta'limi o'qituvchilarining kasbiy kompetensiyasini shakllantirish texnologiyasi. – T.: "Fan va texnologiyalar", 2013. –128 b.*
7. *Azizkhojaeva N.N. Pedagogical technology and pedagogical skills. – T., 2003. – 174 p.*
8. *Muslimov N.A., Urazova M.B., Eshpulatov Sh.N. (2013). Technology for the formation of professional competence of vocational education teachers. - T .: Science and Technology Publishing House.*
9. *Каримова М.Н., Расулова З.Д. (2020). Использование учебных инструментов в развитии творческого мышления учащихся. Проблемы педагогики, № 5 (50), С. 19-22.*


# PEDAGOGIK KONFLIKTLARNING BARTARAF ETISH TUSHUNCHALARINI SHAKLLANTIRISHGA YO'NALTIRILGAN JARAYONNING MAZMUNI


**Baxtiyorjon Alibayev,**
Toshkent shahar Yunusobod tumani 122-maktab o'qituvchisi;
**Doniyorjon Alibayev,**
**Dinara Matyakubova,**
**Dildora Yunusova,**
Nizomiy nomidagi TDPU magistrantlari



***Annotatsiya***

*Mazkur maqolada ta'lim tizimida pedagogik konfliktlarni vujudga kelish sabablari va ularni bartaraf etish tushunchalarini shakllantirish borasida mulohazalar o'rin olgan. Pedagogik konflikt yoki konfliktologiya ijtimoiy hayotdagi ko'p uchraydigan holat hisoblanadi. Barcha ta'lim muassasalarida pedagogik konfliktlar vujudga kelishi haqida hamda ziddiyatli vaziyatlarni hal qilishning samarali usullarini topish jarayoni muhokama qilinadi.*



***Kalit so'zlar:*** *agressiya, mahalliy konflikt, pedagogik konflikt, kelishmovchilik, raqobat, rivojlanish, ziddiyat, g'azab, ruhiy holat.*



***Аннотация***

*В данной статье рассмотрены причины возникновения педагогических конфликтов в системе образования и формирование концепций их устранения. Педагогический конфликт или конфликтология – распространенная ситуация в общественной жизни. Будут рассмотрены педагогические конфликты во всех учебных заведениях и процесс поиска эффективных способов разрешения конфликтных ситуаций.*



***Ключевые слова:*** *агрессия, локальный конфликт, педагогический конфликт, разногласия, конкуренция, развития, конфликт, гнев, душевное состояния.*

***Annotation***

*In this article, the reasons for the emergence of pedagogical conflicts in the educational system and the formation of concepts for their elimination. Pedagogical conflict is a common situation in social life. Pedagogical conflicts in all education and the process of finding effective ways to resolve conflict situations will be discussed.*

***Keywords:*** *aggression, local conflict, pedagogical conflict, disagreement, competition, development, conflict, anger, mental state.*

Pedagogik konfliktologiya yoki konfliktlar yechimi sohasi yangi rivojlanib kelayotgan va taraqqiy etayotgan fan sohalaridan biri hisoblanadi. Konflikt – o‘zaro qarama-qarshi bo‘lgan ziddiyatli manfaatlar va munosabatlarning ochiq to‘qnashuvidir. Konfliktning yechimini topish – konfliktli vaziyatni yo‘qotish hamda u yuzaga keltirgan munosabatlarni to‘g‘ri yo‘lga solish bilimlari va ko‘nikmalari majmuidan iboratdir. [6, 9]

Ta’lim jarayonida o‘zining “men”ini hurmat qilishga odatlangan o‘quvchilar yoki talabalar o‘rtasida ziddiyatli munosabatlarning bo‘lishi tabiiy hodisa, lekin amaliy ko‘nikmaga, kuchli tayyorgarlikka ega bo‘lmagan pedagoglar yoki rahbarlar ham ziddiyatli munosabatlarning paydo bo‘lishiga sharoit yaratadi. Pedagogika va psixologiya fanlarini o‘rganishga va pedagogik konfliktni birgalikda hal qilishga imkon berishi mumkin. Ularning ikkalasi ham bitta umumiy jarayonni – insonning aqliy faoliyatini va uning xatti-harakatlarini o‘rganadilar. Bugungi kunda zamonaviy o‘qituvchi auditoriyaga ijtimoiy psixologik tayyorgarliksiz kira olmaydi. Shuning uchun o‘quvchilar o‘rtasida o‘zaro munosabatlarni o‘rnata olish, bolalar guruhida ijtimoiy-psixologik mexanizmlardan foydalanishni bilish kerak. Shaxsning shakllanishida u yashayotgan muhit, odamlar va jamiyatning roli juda katta. Chunki ijtimoiy muhitdagi turli hodisalar inson ongiga bevosita ta’sir qiladi va unda chuqur iz qoldiradi. Buni hisobga olgan holda, o‘qituvchi bolalar psixologiyasi va xarakterini o‘rganishi va shu asosda aniq va izchil ta’lim tizimini ishlab chiqishi kerak. Pedagog psixologiyada mavjud 4 ta temperamentni bilishi kerak, chunki bu tushunchalar ta’lim tizimidagi pedagogik konfliktlarning oldini olishda asosiy omil hisoblanadi. Ta’limning samarali bo‘lishi, avvalambor, o‘qituvchiga, uning bilim darajasiga, kasbiy tayyorgarligiga va pedagogik mahoratiga bog‘liq. O‘qituvchi ijodiy fikrlovchi: umuminsoniy va milliy qadriyatlarni, dunyoviy bilimlarni mukammal egallagan bo‘lishi, o‘z kasbi va bolalarni yaxshi ko‘radigan insonparvar, adolatli, talabchan, odobli, har bir o‘quvchisi ulg‘ayib kelajakda yaxshi inson bo‘lishiga ishonadigan, ularning barkamol shaxs, ishbilarmon kishi bo‘lib yetishishiga ko‘maklashadigan mutaxassis bo‘lmog‘i lozim. Pedagogik konfliktni yuzaga keltirmasligi uchun o‘qituvchi nozik psixolog va mohir pedagog bo‘lishi lozim. Tarbiyachi nazariy bilimlari va pedagogik sezgirligi vositasida o‘qituvchilar va o‘quvchilar bilan oson aloqaga kirishadi, maktabda va undan tashqarida birgalikdagi faoliyatni mohirlik bilan uyushtiradi, tarbiyalanuvchining fikri, tuyg‘usi va irodasini bevosita va bilvosita boshqarish san’atini egallagan bo‘ladi. [1, 28] Talaba xatti-harakatni asosan o‘qituvchi shaklida qabul qiladi. O‘qituvchi bir umr talaba uchun sevimli, ideal, namuna, bo‘lib qolishi kerak. Pedagogik konfliktlarning sabablari guruhdagi har bir shaxsning xulq-atvorida, shaxsga tegishli millat, xalq, mintaqa xususiyatlarida namoyon bo‘ladi. Konflikt har bir inson hayotining ajralmas qismi bo‘lib, inson erta bolalikdanoq o‘zi istamagan tarzda turli ziddiyat va nizolarga duch keladi. Konfliktli vaziyatlarning kelib chiqishi haqida bilishimiz kerak bo‘lgan narsa shundaki, konfliktlarning kelib chiqishida “konfliktogenlar” juda muhim rol o‘ynaydi.

Konfliktogen – konflikt uchun sharoit yaratish, nizolarni qo‘llab-quvvatlash deb tarjima qilinadi. Inson ulg‘aygan sari qarama-qarshiliklar murakkablashadi va shunga mos ravishda odamlarning hayotiy tajribasi soddalik, o‘ychanlik, jiddiylik tomon o‘zgaradi. Chunki u o‘z his-tuyg‘ularini nazorat qilishni, ularni ma’lum bir tarzda tartibga solishni, ularni boshqarishni o‘rganadi. Konflikt signallari konfliktning to‘liq namoyon bo‘lishidan oldin tomonlar o‘rtasida kelishmovchilik, inqiroz, tushunmovchilik, befarqlik, ajralish paydo bo‘lishini ko‘rsatadi. Konflikt signallariga e’tibor uning keyingi rivojlanishi uchun asos bo‘lib xizmat qiladi. Shuning uchun mojaroning signallarini bilish va ularga ehtiyotkorlik bilan munosabatda bo‘lish kerak. Agressiya va zo‘ravonlik o‘zaro bog‘liq tushunchalar bo‘lib, inson kayfiyatidagi tajovuzkor holatlarning o‘sishi va to‘planishi natijasida zo‘ravonlikka olib kelishi mumkin. Agressiya lotincha “hujum qilish” degan ma’noni anglatadi. Agressiya inson xarakterining tug‘ma va tabiiy elementidir, shuningdek, favqulodda vaziyatda insonning his-tuyg‘ularini boshqara olmasligi natijasida paydo bo‘lishi mumkin. G‘azab va shu kabi psixologik sharoitlar ziddiyatli vaziyatlarda aniq paydo bo‘lish uchun ajoyib imkoniyatga ega. Ta’lim va tarbiya ko‘p qirrali va murakkab jarayon bo‘lganligi sababli o‘quvchilar va o‘qituvchilar o‘rtasida ba’zi kelishmovchiliklar yuzaga keladi. Agar ularning oldini olmasa, kelishmovchiliklar nizolarga aylanadi. Shuning uchun ham ta’lim muassasalarida o‘qituvchi va o‘quvchilar o‘rtasidagi ziddiyatlarni bartaraf etishdan ko‘plab pedagoglar va psixolog tadqiqotchilar manfaatdor.

O‘zbekiston konfliktologiyasi hozirda mustaqil fan sifatida shakllanishining yakuniy bosqichini boshdan kechirmoqda. Mustaqillikning dastlabki yillarida konfliktologiya bilimlarining fanlararo paradigma konturlari belgilanib, tizimli evolyutsion yondashuv ularning asosi sifatida qabul qilindi. So‘nggi paytlarda konfliktologiya tarmoqlarini shakllantirgan xususiy (alohida) konflik-

tologiya fanlarida ushbu ilmiy muammo bo'yicha ko'plab qiziqarli va muhim tadqiqotlar olib borildi. Biroq, mahalliy konflikt ekspertlari hali konfliktlarning mohiyatini, ularning tasnifi, genezisi, tuzilishi va boshqalarni tushunishga umumiy yondashuvni ishlab chiqa olishmadi. Bunday yondashuv bir yoki undan ham yaxshiroq, bir nechta variantni muhokama qilish asosida ishlab chiqilishi mumkin. Sohaning bugungi kundagi dolzarb ahamiyatini hisobga olgan holda, nafaqat maxsus maktablar, balki mavjud ilmiy markazlar o'rtasidagi hamkorlikning dasturiy omillari ham jadal rivojlanmoqda. 1989-yili konfliktologiya bo'yicha Rossiya-Amerika dasturi yaratildi. Ushbu dastur doirasida konfliktlarni o'rganish va hal qilish instituti (CRI) ko'magida Peterburg konfliktlarni hal etish markazi yaratilib, u ham bilishga oid-nazariy, ham utilitar-amaliy muammolarni hal qilishga qaratilgan, ya'ni odamlarga konfliktlar bilan nima qilish kerakligini anglatishi, tushuntirishi, yordam berishi kerak edi. Mahalliy olimlar fikriga ko'ra, konflikt va undan himoyalanish davrning eng dolzarb muammosi bo'lib, uni hal qilish nafaqat muayyan bilim, balki u odamlarning masalalarni amalda konfliktsiz hal qilishga xohishi, istagini ifoda etadi [6, 17].

Konfliktologiya fani pedagogika, psixologiya, valeologiya, umumiy pedagogika, ma'naviyat va sotsiologiya fanlari bilan bevosita bog'liq bo'lib, bu fanlar bilan hamkorlikda faoliyat olib boradi va talabalarni har tomonlama tarbiyalaydi. Pedagogika fani ta'lim va tarbiya jarayonida o'rganiladi. Shuning uchun ham bevosita konfliktologiya fani orqali ta'lim jarayonida o'qituvchi va o'quvchi o'rtasidagi munosabatlardagi konfliktlarni o'rganamiz. Konfliktologiyaning pedagogik fanlari bir-birini to'ldiradi. Psixologiya kursida biz psixik jarayonlarni, psixologik holatlarni, shaxsning individual xususiyatlarini o'rganamiz. Agar o'qituvchi psixologiya kursini mukammal o'zlashtirsa, o'qituvchi va talaba o'rtasidagi ziddiyatlarga butunlay barham berilgan bo'lardi. Konfliktologiya ushbu fanlar bilan birgalikda o'qituvchi va talaba o'rtasidagi munosabatlarni, muloqot jarayonida ularning bir-birini tushunishini o'rganadi. Darsning samarali o'tkazilishi shundan iboratki, o'qituvchi o'quvchilarning mavzu bo'yicha erkin fikrlarini tinchlantira oladi. Insoniyat taraqqiyoti tarixi shakl va mazmunan bir-birini takrorlamaydigan shaxslar, guruhlar, qatlamlar va hodisalarga turlicha yondashuvlarning namoyon bo'lishi bilan tavsiflanadi. Turli madaniyatlar va yondashuvlar ijtimoiy hayot taraqqiyotining oqilona asoslarining paydo bo'lishiga, rivojlanish qonunining nazariy va amaliy mezonlarini shakllantirishga xizmat qiladi va shu bilan birga, turli xil ijtimoiy xavflar, tanazzullar, o'ziga xos shakllarning namoyon bo'lishiga olib keladi. Shuning uchun nizolar shakllari va turlarining o'ziga xos xususiyatlarini hisobga olgan holda, ular quyidagilar: nizolarning obyekti, maqsadi, oqibatlari va yo'nalishi, ularning namoyon bo'lish sabablari va oqibatlari, to'satdan, kutilmagan hodisalar, keskinlik vaqti, davomiyligi va darajasiga, konfliktlarning kelib chiqishi va uning ishtirokchilariga, ijtimoiy hayotni tashkil etish darajasiga, vaziyatni subyektiv idrok etishni hisobga olgan holda, turlarga ajratiladi. Agar konfliktning asosini tomonlarning ruhiy holati, shuningdek, ushbu holatga ko'ra konfliktli vaziyatdagi odamlarning xatti-harakatlari tashkil qilsa, konfliktlarni oqilona va hissiy turlarga bo'lish mumkin. Kuch bosimining darajasi mezon sifatida qabul qilinganda, bunday hollarda mojarolar qurolsiz (bojxona urushlari) va qurolli to'qnashuvlarga bo'linadi. Ular aslida turli miqyosdagi urush operatsiyalarini o'tkazishdan iborat. Agar konfliktlar darajasi mezon sifatida olinsa, konfliktlarning tajovuzkor va murosasiz turlari borligini aytish mumkin. Shuningdek, asosiy va asosiy bo'lmagan masalalar yuzasidan yuzaga keladigan nizolar ajratiladi. Ammo barcha ziddiyatlarni yagona universal sxemada jamlab bo'lmaydi. Masalan, kurash shaklidagi konfliktlarni hal qilish faqat tomonlardan birining g'alabasi bilan yakunlanishi mumkin, munozaralar toifasidagi konfliktda esa umumiy murosani tanlash mumkin.

Ochiq bahslar, odatda, o'qituvchi va talabaning ko'zi oldida sodir bo'ladi. To'qnashuv sodir bo'lgunga qadar ular to'liq pishib yetiladi. Bunday konfliktlar rahbariyat nazorati ostida bo'lganligi sababli ular ta'lim jarayoniga kam xavf tug'diradi va ularni boshqarish oson. Yopiq to'qnashuvlar juda xavflidir. Bunday bahslarni belgilangan vaqtda asta-sekin portlab ketadigan minaga o'xshatish mumkin. Agar konflikt hali "bajarilmagan" yoki ular boshqalarning ko'zidan yashiringan bo'lsa, boshqacha aytganda, ziddiyat o'qituvchi va o'quvchining "ichida" bo'lsa, bilingki, bu nihoyatda xavfli va uni boshqarish juda qiyin. Yopiq nizolar ko'pincha fitna, gijgijlash, nayrang, fisq-fasod ko'rinishidagi rivojlanish natijasida yuzaga keladi. Ular fitna va buzg'unchilikka qaratilgan bo'lib, yolg'on, uydirma, tuhmatli bayonotlar talabalar uchun asosiy qurol bo'lib xizmat qiladi. Ochiq nizolar ko'pincha nizo, qiyinchilikning rivojlanishi natijasida yuzaga keladi. Ular ochiq qo'ng'iroq, tovush, chaqiruvda ifodalanadi. Bunda o'qituvchilar o'ziga qarama-qarshi bo'lgan talabalarning qiziqishini o'z manfaatiga aylantirishga harakat qiladi.

Xulosa qilib aytganda, Konflikt muloqotning ekstremal shaklidir. O'zaro idrok noto'g'ri fikr va ishonchsizlik, salbiy his-tuyg'ular bilan buziladi. Buni anglash hissiy qo'zg'alishni oshiradi, istalgan narsaga erishish ehtimoli kamayadi. Tuyg'ular paydo bo'lgan obyektiv yoki subyektiv to'siqlarga qaratilgan. Manfaatlarning to'qnashuvi, xulq-atvor normalariga qarashlar shundan kelib chiqadi. Har qanday ijtimoiy konfliktning asosiy tarkibiy qismlariga, qoida tariqasida, konfliktning sub'ektlari, ular o'rtasidagi munosabatlar, shuningdek, uning sababchisi bo'lgan sub'ekt kiradi. Bu shaxs shaxsining shakllanishi, shakllanishining o'ziga xos katalizatoridir. Konfliktning asosiy ijobiy funksiyasi shundaki, u


ISSN 2181-8274

qarama-qarshilik shakli sifatida rivojlanish manbai hisoblanadi. Mojaro paytida odamlar munosabatlarning yangi darajasiga ko‘tarilishi mumkin. Mojaro uchun potentsial ijobiy imkoniyatlarning mavjudligi uning shaxs hayotidagi ehtimoliy halokatli rolini istisno etmaydi. Haqiqiy to‘qnashuvlarning aksariyati konstruktiv va buzg‘unchi funksiyalarni bajaradi. Subyekt-faollik yondashuviga ko‘ra, sub’ektlar har qanday konfliktning asosiy tarkibiy elementlari hisoblanadi. Ular qarama-qarshi tomonlar sifatida harakat qilib, o‘z harakatlari bilan konfliktning o‘zini keltirib chiqaradi, unga ma’lum mazmun va keskinlik beradi, uning borishi va o‘zgarishini belgilaydi. Konfliktning asosiy ishtirokchilari bir-biriga qarshi faol (hujum yoki mudofaa) harakatlarni bevosita amalga oshiradigan manfaatdor tomonlar yoki qarama-qarshi kuchlar, konflikt sub’ektlari hisoblanadi. Manfaatdor tomonlar har qanday mojaroning asosiy bo‘g‘inidir. Tomonlardan biri konfliktni tark etsa, u to‘xtaydi. Konfliktdagi xatti-harakatlar strategiyasi – bu konfliktga nisbatan shaxsning yo‘nalishi, ziddiyatli vaziyatda xatti-harakatlarning muayyan shakllariga o‘rnatilishi. Beshta strategiya mavjud: raqobat, hamkorlik, murosaga kelish, turar joy, qochish. Mojarolarda taktikalar, odatda, yumshoqdan qattiqqa o‘zgaradi. Mojaroni tugatish bilan bog‘liq yondashuv, odatda, tartibga solish (ta’sir) tushunchasi bilan, murosa va hamkorlik bilan bog‘liq yondashuv esa hal qilish konsepsiyasi bilan bog‘liq. Nizolarni hal qilishning kuch ishlatish usullariga tez-tez murojaat qilish quyidagi asosiy omillar bilan belgilanadi: tomonlar o‘rtasidagi muloqotdagi qiyinchiliklar, bir-birini noto‘g‘ri tushunish; tomonlar o‘rtasidagi ishonchning past darajasi; muzokaralar orqali emas, balki kurash orqali ko‘proq narsaga erishish mumkinligiga ishonch; qarama-qarshi tomonning kuchli harakatlariga javob hisoblanadi. Konfliktni hal qilish uchun unda xatti-harakatlar strategiyasini tanlash kerak. Shu maqsadda asosiy xulq-atvor strategiyalarini ko‘rib chiqish amalga oshiriladi. Lekin, albatta, strategiyalar va umumiy qoidalarni bilishning o‘zi yetarli emas, ularni to‘g‘ri va o‘z vaqtida qo‘llay bilish ham kerak.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**


1. *Olsson, Thomas; Martensson Katarina and Roxa, Torgny. Pedagogical competence. (manual). Swedish, Division for Development of Teaching and Learning, Uppsala University, 2010. – 234 b.*
2. *Abduqodirov A.A., Astanova F.A., Abduqodirova F.A. “Case study” uslubi: nazariya, amaliyot va tajriba. – T.: “Tafakkur qanoti”, 2012. – 134 b.*
3. *Axmedova M.T. Pedagogik konfliktologiya. O‘quv qo‘llanma. – T.: Adabiyot uchqunlari, 2017. – 320 b.*
4. *Ахмедова М.Т., Ахмедова Н.Э. Формирование гармонично развитого поколения в современных условиях. Сборник научно-методических статьей. – Т., 2011. – С. 109-111.*
5. *Баныкина С.В. Конфликт в современной школе: изучение и управление /С. В. Баныкина, Е. И. Степанов. – М.: Ком. Книга, 2006. – 184 с.*
6. *Karina V. Korostelina and Simone Lassig. History Education and Post-Conflikt Reconciliation. USA Canada. Routledge, 2013. – 256 b.*
7. *Бурдыгина Т.Н., Королёва Е.В., Юрченко П.Г. Проблемные ситуации в школе и способы их решения: практическое пособие. – М.: АРКТИ. 2006. – 234 с.*
8. *Ibragimov X., Abdullayeva Sh. Pedagogika nazarivasi. – T.: Fan va texnologiya, 2008. – 288 b.*
9. *Леонов Н. И. Конфликтология. – Москва-Воронеж, 2006. –232 с.*
10. *Степанов Е.И. Современная конфликтология: Общие подходы к моделированию, мониторингу и менеджменту социальных конфликтов: Учебное пособие. – М.: Издательство ЛКИ, 2008. – 176 с.*
11. *Xoliqov A. Pedagogik mahorat. – X: IQTISOD-MOLIYA, 2011. – 420 b.*
12. *Egamberdiyeva N.M. Ijtimoiy pedagogika. – T.: A.Navoiy nomidagi O‘zbekiston Milliy kutubxonasi nashriyoti, 2009. – 232 b.*
13. *Qodirov S., Qodirova N. Ma’naviy ustoz va shogird mas’uliyati. – T., 2006. – 56 b.*
14. *Qayumov B. E. Tarbiyada yoshlarni salbiy illatlardan himoyalash oila, maktab va mahalla faollarining asosiy vazifasi. Yoshlami oilaparvar, ota-onalikka tayyorlashda oilaning roli mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy anjuman materiallari. – T., 2013. – 224 b.*
15. *Hodiyev B. Yu., Boltabayev M. R. Oliy o‘quv yurtidagi tarbiyaviy ishlarga psixologik yondashuvlar. – T., 2009. – 119 b.*


**FOYDALANILGAN INTERNET SAYTLARI:**


1. *www.ziyonet.uz*
2. *www.eduportal.uz*
3. *www.pedagog.uz*
4. *www.natlib.uz*
5. *www.tdpu.uz*

# НОФИЛОЛОГИК ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎРГАНИШ СИФАТ МОНИТОРИНГИ

**Муниса Эркинова,**
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари
университети ўқитувчиси

***Аннотация***
*Мақолада олий таълимнинг нофилологик таълим йўналиши талабаларининг инглиз тилини ўрганиш сифат мониторинги натижаларидан ташқари чет тилини ўқитишни оптималлаштириш чора-тадбирлари ва ечимларини ўрганиш келтирилган. Чет тилини таълимни ташкил этиш ва мазмуний ҳолати бўйича умумий таҳлил ва бу жараённи назорат қилувчи муассасалар учун асос бўлган муаммолар аниқланди. Олий таълимнинг нофилологик таълим йўналиши талабаларининг инглиз тилини ўрганиш бўйича устувор йўналишлари белгилаб берилган.*
***Калит сўзлар:*** *нофилологик таълим, талаба, инглиз тили, сифат мониторинги, натижа, таълимни ташкил этиш, таълим мазмуни, таҳлил, муаммо, устувор йўналиш.*

***Аннотация***
*В статье представлены исследования мер и решений по оптимизации обучения иностранному языку, а также результаты мониторинга качества изучения английского языка студентами нефилологических вузов. Выявлен общий анализ состояния обучения иностранным языкам (организация и содержание обучения) и проблемы, лежащие в основе институтов, контролирующих этот процесс. Определены приоритеты обучения английскому языку студентов нефилологических вузов.*
***Ключевые слова:*** *нефилологическое образование, студент, английский язык, контроль качества, результат, образовательная организация, содержание образования, анализ, проблема, приоритетное направление.*

***Annotation***
*The article presents studies of measures and solutions to optimize foreign language teaching, as well as the results of monitoring the quality of English learning by students of non-philological universities. A general analysis of the state of teaching foreign languages (organization and content of teaching) and the problems underlying the institutions that control this process are revealed. The priorities of the developed basic model of teaching English to students of non-philological universities are determined.*
***Keywords:*** *non-philological education, student, English language, quality control, result, educational organization, content of education, analysis, problem, priority direction.*

Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигини тубдан яхшилаш, давлат ва жамиятни ҳар томонлама ривожлантиришни таъминлаш, барча соҳаларни модернизация қилиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш назарда тутилган стратегияда тил кўникмалари асосий ролни ўтайди [1]. Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи йўналишига мос равишда амалга оширилган мазкур тадқиқотда ижтимоий структурани ривожлантиришда таълим ва фанни ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-кувватлаш, чет тилларини чуқур ўзлаштириш, тилларнинг фанларга интеграллаштирилган ҳолда ўрганилишига алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистоннинг халқаро илмий ва таълим маконига интеграциялашуви шароитида чет тилларини, айниқса, халқаро мулоқот тили бўлган инглиз тилини ўрганиш ва ўргатиш нафақат фундаментал таълимнинг таркибий қисми, балки "талабаларнинг ҳаракатчанлигини кенгайтириш, битирувчиларнинг ички ва жаҳон меҳнат бозорларида рақобатбардошлигини ошириш воситаси"нинг бирига айланади [2, 5].

Нофилологик бакалавриат таълим йўналишларида чет тилларни ўқитиш ҳолати, педагогика таълим соҳаси бўйича кадрларни тайёрлайдиган олий таълим муассасаларида таълим бериш ва тала¬баларнинг ўзлаштириш кўрсаткичларини баҳолаш асосан анъанавий услубларда олиб борилаётган¬лигини кузатишимиз мумкин. Талабаларнинг олий таълим муассасасида таълим олиш даврида замо¬навий ўқув-услубий материаллар билан таъмин¬лаш ҳамда илғор хорижий технологияларни қўллаган ҳолда ўқув машғулотларини олиб боришнинг янада такомиллаштирилиши тақозо эти¬лади.

Ш.Рахимова нофилологик олий таълим муассасаларида инглиз тилини ўқитиш сифатини такомиллашти¬риш қуйидаги омиллар билан бевосита боғлиқлиги таъкидлайди:

"инглиз тилини биладиган юқори малакали янги авлод мутахассисларига эҳтиёжнинг ошиб бориши;

олий таълим муассасасига қабул қилинган биринчи курс талабаларининг инглиз тили бўйича саводхонлиги пастлиги;

талабаларнинг ўзга тилга хос коммуникатив компетенцияларни турли даражада ўзлаштирганлиги;

ўзга тилга хос коммуникатив компетенция¬ларни ўзлаштиришда талабаларнинг индивидуаллигини таъминлашга йўналтирилган ўқув-методик адабиётларининг етарли эмаслиги ва ҳ.к.” [3, 84].

Нофилологик таълим йўналишларида чет тилини ўқитиш сифатини оширишнинг самарали йўлларини излаш бир пайтнинг ўзида турли йўналишларда амалга оширилмоқда. Ушбу таълим йўналишлари инглиз тили дарсларида мулоқотнинг касбий ва ижтимоий соҳалари билан боғлиқликда талабаларни нутқий фаолиятга мақсадга йўналтирилган тарзда тайёрлаш асосий мақсад этиб белгиланган [4].

Фикримизча, олий таълим тизимининг нофилологик таълим йўналишларида чет тилини ўқитишда энг қийин бўлган нарса бу мураккаблиги, оғзаки асос ва ўқитишнинг шахсга ҳамда фаолиятга йўналтирилганлигидир.

Чет тилларни ўрганиш ва ўқитиш сифатини ошириш чора-тадбирлари доирасида “Нофилологик таълим йўналиши талабалари учун инглиз тилини ўрганиш сифати” мавзусида талабалар ўртасида социологик сўров ўтказилди.

Тадқиқот қуйидаги вазифаларни ҳал қилишга қаратилиши керак:

талабаларнинг чет тилларини ўрганишга бўлган қизиқиш даражасини аниқлаш;

ўқиш давомида олинган чет тили билимларининг талабаларнинг олдинги кутганларига мувофиқлигини текшириш;

ўқувчиларнинг умумий ва касбий йўналишдаги чет тили бўйича етарли билим билан таъминланганлигини аниқлаш;

кичик курс талабаларининг касбий йўналишдаги чет тилини ўрганишга тайёрлигини аниқлаш;

касбий йўналишдаги хорижий тилда ўқув жараёнини ташкил этишнинг афзалликлари ва камчиликларини ўрганиш;

чет тили ўқитувчилари ва талабалар ўртасидаги ҳамкорликнинг энг самарали шаклларини ўрганиш;

касбий йўналишда чет тилини ўргатиш даражаси бўйича талабаларнинг фикрини билиш;

талабаларнинг университетда олган касбий йўналишдаги чет тилини билишини ҳисобга олган ҳолда, илмий ишларда иштирок этишга тайёрлигини текшириш;

касбий йўналишдаги чет тили бўйича олган билимларини амалиётга жорий этишда иш тажрибасига эга бўлган талабаларнинг имкониятларини аниқлаш;

университетда олган касбий йўналишдаги чет тилини билишини ҳисобга олган ҳолда, талабаларнинг меҳнат бозорида ўзлари хоҳлаган ишни топиш имкониятларини ва уларнинг бошқа мутахассислар билан рақобатбардошлигини аниқлаш;

университетда олинган касбий соҳанинг чет тилини билишни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон ва жаҳон таълим ва меҳнат бозорларида талабаларнинг ҳаракатчанлиги истиқболларини аниқлаш.

Сўров нофилологик таълим йўналишларининг инглиз тили таълими мавжуд саккизта факультетнинг тўртта курси талабалари ўртасида ўтказилди. Талабалар умумий сонининг 59% суҳбатдан ўтказилди, улардан курслар бўйича:

1-курс – 65% (1053 талаба),

2-курс – 63% (994 талаба),

3-курс – 55% (819 талаба),

4-курс – 51% (540 талаба);

Олинган натижаларни таҳлил қилиб, иккала анкета саволларини учта блокка бўлиш мақсадга мувофиқдир:

X-1 барча курслар учун умумий саволлар,

XX-2 қуйи босқич талабалар учун махсус саволлар,

XXX-3 юқори босқич талабалари учун махсус саволлар.

X-1. Барча курслар учун умумий бўлган сўровнома саволлари

Юқорида айтиб ўтилганидек, талабаларга иккита сўровнома (1-2 ва 3-4 курслар учун) таклиф қилинди, уларнинг баъзи саволлари бир хил эди. Бу саволлар чет тили ва касбий йўналишдаги чет тилини ўрганишнинг мотивация, ўқув жараёнини ташкил этиш, ўқувчиларнинг ўз меҳнатсеварлиги ва эгаллаган билим даражасини баҳолаш каби жиҳатларини қамраб олди:

“Айтинг-чи, шахсан сиз учун чет тилини ўрганишга асосий мотив нима?”

Сўралган талабаларнинг аксарияти ҳар бир билимли шахснинг чет тилини билиш зарурлигини чет тилини ўрганишнинг шахсий мотивлари (30%) ва кейинги иш учун чет тилини билиш зарурлигини англаш (27%) деб ҳисоблайди. Сўровда қатнашганларнинг деярли бешдан бир қисми чет тили уларнинг дарсдан ташқари қизиқишларини қондириш воситаси эканлигини, 16 фоизи эса яхши баҳо ёки кредит олишни истаган мажбурий фан сифатида ўрганишини айтди. Курслар ва факултетлар бўйича сўров натижалари ушбу саволга жавобларнинг яқин нисбатини кўрсатади.

“Сиз инглиз тилини университетдан ташқари(курслар, репетиторлик)да ўрганасизми? Нега сиз инглиз тилини университетдан ташқарида ўқийсиз (ўрганишни режалаштиряпсиз)?”

Университетдан ташқарида 11% инглиз тилини ўрганади, респондентларнинг 23% эса уни ўрганишни режалаштирган, бу асосан университетнинг инглиз тили бўйича дастуридан (жавобларнинг 64% и) давом эта олмагани учун.

“Университетдан ташқарида бошқа чет тилини ўрганасизми?”

Талабаларнинг 5 фоизи инглиз тилидан (асосан немис, француз) ташқари, бошқа чет тилини ҳам университетдан ташқарида ўрганади, 12 фоизи уни ўрга-

нишни режалаштирмоқда.

"Сизнингча, факултетингизда чет тилини ўрганиш учун ажратилган соатлар сони..."

Талабаларнинг ярмидан кўпи чет тилини ўрганишга ажратиладиган соатлар сонини ошириш тарафдори бўлди. Респондентларнинг деярли учдан бир қисми ишларнинг ҳозирги ҳолатидан қониқиш ҳосил қилади. Биринчи курс (73%), учинчи курс (70%) ва тўртинчи курс (81%) талабалари соатлар сонини оширишга энг катта эҳтиёж сезмоқда.

"Инглиз тилидаги уй вазифасини тайёрлашга ҳафтасига неча соат сарфлайсиз?"

Сўровда қатнашган талабаларнинг кўпчилиги ҳафтасига бир соатдан кам (37%) ёки икки соатгача (36%) инглиз тилидан уй вазифасини тайёрлашга сарфлайди. Фақат 11% уйда инглиз тилида ҳафтасига икки соатдан кўпроқ ишлашларини айтишди. Респондентларнинг олтидан бир қисми, қоида тариқасида, уй вазифасини бажармасликларини яна бир бор тасдиқладилар.

Шуни таъкидлаш керакки, қуйи босқич талабалари учинчи ва тўртинчи курс талабаларига қараганда уй вазифаларига кўпроқ эътибор ва вақт ажратадилар, аммо бу фарқ унчалик катта эмас.

"Университетда ўқиш давомида инглиз тили бўйича билимингиз қандай ўзгарди?"

Респондентларнинг 76 фоизи университетда ўқиш давомида инглиз тили бўйича билимлари яхшиланганини айтишган, бироқ уларнинг ярмидан кўпи бу яхшиланишлар аҳамиятсиз эканини таъкидлаган. Талабалар ўзларининг муваффақиятларидан кўпроқ мамнун (47%). Суҳбатдошларнинг олтидан бир қисми инглиз тили бўйича билимлари умуман ўзгармаганини таъкидлашмоқда.

"Факултетингизда инглиз тилини ўқитиш даражасини қандай баҳолайсиз?"

Сўралган талабаларнинг 48 фоизи инглиз тилини ўргатиш даражасини юқори, 46 фоизи ўртача, 6 фоизи эса паст деб баҳолаган. Нофилологик таълим йўналиши талабаларининг 62% ўқитиш даражасидан энг кўп қониқиш ҳосил қилади.

"Мутахассислигингиз бўйича айрим фанларни чет тилида ўқитишни зарур деб ҳисоблайсизми?"

Респондентларнинг 55 фоизи алоҳида фанларни чет тилида ўқитишни зарур деб ҳисобламайди, 22 фоизи бундай имкониятни олқишлайди, 23 фоизи эса жавоб тўғрисида қарор қабул қила олмади.

XX-2. Қуйи босқич талабалар учун махсус саволлар:

"Мактабда олинган инглиз тилини билиш даражаси университетда ўқишни давом эттириш учун етарлими?"

Респондентларнинг 48 фоизи бу даражани етарли, 39 фоизи етарли эмас, деб ҳисоблайди.

XXX-3. Юқори синф ўқувчилари учун махсус саволлар:

"Факултетингизда инглиз тилини ўқитиш сизнинг мутахассислигингизга қаратилганми?"

3 ва 4-курс талабаларининг аксарияти (8%) факултетларида инглиз тилини ўргатиш ўз мутахассисликларига қаратилганлигини таъкидлайди. Респондентларнинг 5 фоизи улар билан рози эмас.

"Чет тилини билиш сизнинг мутахассислигингиз бўйича билимингизни чуқурлаштиришга ёрдам берадими?"

Инглиз тилини билиш мутахассислик бўйича билимларни чуқурлаштиришга ёрдам беришини респондентларнинг 34 фоизи тасдиқлайди, 43 фоизи буни рад этади. Ўз кўрсатмаларига кўра, нофилологик таълим йўналиши талабалари ўз касбий билимларини кенгайтириш учун чет тилидан энг кўп фойдаланадилар ("ҳа" – 78%).

"Касбингиз бўйича керакли маълумотларни топиш учун қандай хорижий тил манбаларидан фойдаланасиз?"

Талабалар ўз мутахассислиги бўйича керакли маълумотларни топиш учун фойдаланадиган чет тили ресурслари орасида энг оммабоп (жавобларнинг 45 фоизи) интернет ресурслари ҳисобланади. Қизиғи шундаки, етакчи фанлардан чет тилидаги ўқув қўлланма ва дарсликлардан талабалар, илмий газета ва журналлар, рисолалардан кўпроқ фойдаланмоқда. Афсуски, барча респондентларнинг 21 фоизи ва сўровда қатнашган талабаларининг 82 фоизи ўз мутахассислиги бўйича маълумот қидириш учун чет тили ресурсларидан фойдаланмасликларини таъкидладилар.

"Хорижий манбалардан олинган профессионал маълумотлардан асосан қандай фойдаланасиз?"

Талабалар асосан инглиз тили дарсларида, шу жумладан, иншо ёзишда қайта ишлаш учун чет тили манбаларидан олинган профессионал маълумотлардан фойдаланадилар. Учдан бир қисмидан озроғи ундан мутахассислик бўйича билимларини кенгайтириш учун фойдаланади.

"Чет тилини билиш даражангизни баҳоланг!"

Респондентларнинг 42 фоизи чет тилини билиш даражасини ўртача, 23 фоизи "ўртачадан юқори", 22 фоизи "ўртачадан паст", 6 фоизи ҳар бирини юқори ва паст деб баҳолаган.

"Сизнингча, факультетингизда олган инглиз тилини билишингиз келажакдаги касбий фаолиятингиз учун етарлими?"

Респондентларнинг 58 фоизи нофилологик таълим йўналишида олган инглиз тилини келажакдаги касбий фаолияти учун етарли эмас деб баҳолайди.

"Сизнингча, чет тилини ўзлаштириш даражангиз хорижда ўқиш учун зарур бўлган талабларга жавоб берадими?"

Респондентларнинг аксарияти инглиз тилини билиш даражасини хорижда ўқиш талабларига жавоб

бермайди (69%), бироқ, техник йўналиши талабалари бу ерда энг оптимистик кўринади (46%), табиий фан йўналишлари эса ишончнинг энг паст даражасини кўрсатади (84% уларнинг инглиз тили даражасини чет элда ўқиш учун етарли эмас деб ҳисоблайди).

Таъкидлаш жоизки, ўқитувчиларнинг кузатишлари ва жорий аттестация назорати кўрсаткичларига кўра, талабаларнинг тахминан 5 фоизи ўқув режасини тўлиқ бажармайди, шунинг учун сўров натижаларини таҳлил қилишда ушбу хатони ҳисобга олиш керак. Бироқ олинган маълумотлар талабалар муҳитининг энг онгли қисмининг фикрини акс эттиради ва нофилологик таълим факултетларида чет тилларини ўрганиш ҳолатини баҳолаш учун муҳим бўлган муайян тенденцияларни очиб беради.

Талабаларнинг катта қисми нафақат университетда, балки ундан ташқарида ҳам чет тилларини ўрганиш учун шахсий интилишга эга. Бироқ бу йўналишда кейинги ишларни амалга ошириш зарурати аниқ: талабалар ўзларининг касбий билимларини ёки илмий фаолиятини оширишга унчалик иштиёқманд эмаслар. Чет элда ўқиш истиқболлари кўпчилик талабалар учун жозибадор, аммо чет тилини ўрганишда муҳим омил сифатида аҳамиятга эга эмас.

Сўров натижалари техника йўналишининг инглиз тили кафедраси ишлаётган барча факултетларда инглиз тилини ўрганиш касбий йўналишга эга эканлигини тасдиқлайди. Бироқ талабалар ўзларининг касбий билимларини чуқурлаштириш учун ўзларининг чет тили бўйича компетенцияларидан камдан-кам фойдаланадилар, асосан чет тили ўқув дастури талабларини бажаришга эътибор беришади.

Умуман олганда, талабалар университетда ўқиш давомида инглиз тили бўйича билимлари яхшиланаётганини қайд этиб, чет тилини ўрганишга ажратиладиган соатлар миқдорини кўпайтириш тарафдори эканликларини билдиришмоқда, ўз дарсларида ва синфларда ишлашда тиришқоқлик йўқлигини англаб етмоқда. Ўқитиш даражаси улар томонидан юқори ва ўртача деб баҳоланади ва мактаб билимлари кўпинча университетда ўқишни давом эттириш учун етарли эмас. Талабалар асосан ўзларининг тил билиш даражасини “ўртача” деб баҳолайдилар ва университетда ўзлаштирилган инглиз тилини келажакдаги касбий фаолияти ёки чет элда ўқиш учун етарли деб ҳисобламайдилар.

Олинган маълумотлар техник йўналишнинг инглиз тили кафедралари томонидан ўқув-услубий материалларни ишлаб чиқиш ва янгилашда ҳамда нофилологик факултетларида инглиз тилини ўрганиш ва ўқитиш даражасини ошириш бўйича чора-тадбирларни режалаштиришда ҳисобга олинади. Социологик сўровлар ўтказиш тажрибаси уларнинг ўқитувчилар ва талабалар ўртасидаги ҳамкорлик шакли, ўқув жараёни сифатини баҳолаш учун ахборот манбаи ва сифатни бошқариш воситаси сифатидаги аҳамиятини тасдиқлайди.

Нофилологик олий таълим муассасаларида инглиз тилини ўқитиш сифатини оширишнинг коммуникатив индикаторларини аниқлаштириб олиш зарур.

Хулоса, нофилологик таълим йўналишларида чет тилларини ўрганиш сифатини ошириш мақсадида талабаларнинг билим олишга бўлган қизиқишини ошириш, чет тилини билишнинг ўрни бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш, битирувчиларнинг рақобатбардошлиги ва ҳаракатчанлигини амалга ошириш учун мотивацион ёрдам билан қўллаб-қувватланиши керак.

Келгусида олий таълимда тилларни ўқитиш ҳолатига таъсир этувчи омилларни ўрганиш бўйича социологик тадқиқотлар механизмларини ишлаб чиқишни давом эттириш, мавзули ўқув машғулотларини ўтказишни амалиётга татбиқ этиш, масалан, “Ўқув юртларида чет тилларни ўқитиш сифати – талабалар нуқтаи назаридан тил факултетлари”, “Ўқитувчи нуқтаи назаридан нофилологик таълим факултетларда чет тилини ўқитиш сифати”, “Олий таълим битирувчиларининг чет тилини билиш даражаси бўйича иш берувчилар” ва ҳоказо каби социологик мониторинг натижалари асосида чет тилларни ўқитиш сифатини яхшилаб бўйича тизимли ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

*1. https://lex.uz/docs/4168749*

*2. Гальскова Н.Д. Современная методика обучения иностранным языкам / Н.Д. Гальскова. 2-е изд., перераб. и доп. – М.: АРКТИ, 2003. –192 с.*

*3. Рахимова Ш.Б., Нофилологик таълим йўналишларида инглиз тилини ўқитиш сифатини баҳолашнинг илмий-методологик таҳлили//Замонавий таълим / Современное образование, 2019, 11(84)*

*4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таъ¬лим вазирининг 2018 йил 25 августдаги 744-сон буйруғи билан тасдиқланган “Педагогика” таълим йўналишлари ўқув режасидаги “Хорижий тил” фани ўқув дастури.*

# ПАХТА ХОМАШЁСИ ИФЛОСЛИКЛАРИНИНГ КЛАССИФИКАЦИЯЛАНИШИ

**Музаффар Джураев,**
Термиз давлат университети ўқитувчиси,
**Зилола Мустанова,**
Термиз муҳандислик-технологиялар институти магистранти

***Аннотация***
*Ушбу мақолада пахта хомашёси таркибидаги ифлосликларининг классификацияланиши ҳамда пахта хомашёсини ифлосликлардан тозалаш машиналарининг таҳлили ёритилган.*
***Калит сўзлар:*** *Пахта, хомашё, металл буюмлар, корхона, кўсак пўчоғи, ғўза чўплари, масса.*

***Аннотация***
*В данной статье описана классификация примесей в хлопковом сырье, а также проведен анализ машин для очистки хлопкового сырья от примесей.*
***Ключевые слова:*** *Хлопок, сырье, металлопродукция, предприятие, коробочки, коробочки хлопка, целлюлоза.*

***Annotation***
*This article describes the classification of impurities in raw cotton, as well as the analysis of machines for cleaning cotton raw materials from impurities.*
***Keywords:*** *Cotton, raw materials, metal products, enterprise, bolls, cotton bolls, cellulose.*

Тола ажратгичнинг (джин) мукаммал-бир тартибда меъёрли ишлашини таъминлаш ҳамда толада меъёрий миқдорда нуқсон ва ифлос аралашмалар бўлишига эришиш мақсадида пахта тошлардан, металл буюмлардан, органик аралашмалардан, шунингдек, ўлик жисмлардан тозаланади. Чигитли пахта керакли намликгача қуритилгандан кейин майда ва йирик хас чўплардан тозаланади. Оғир аралашмалар (тошлар, металл буюмлар, очилмаган ва ярим очилган пахта кўсаклар) ни тутиб қолиш учун, корхона ва цехлараро пневмотранспорт тизимининг сепараторлари олдида ўрнатиладиган чизиқли тоштутгичлар қўлланилади.

Пахтани ифлосликлардан тозалаш жараёни кўрсаткичлари тозалаш машинаси ишчи қисмларининг кўрсаткичларига боғлиқ.

Тозалаш машиналари пахтани майда ва йирик ифлосликлардан тозалайдиган машиналарга бўлинади. Пахтадан бегона аралашмаларни ажратиш жараёни самарадорлиги пахтанинг селекцион нави, саноат нави хусусиятларига, унинг намлик даражасига, толасининг узунлиги, йўғонлиги ва жингалаклик даражасига, ифлос аралашманинг пахтага илашиш қобилятига, ифлосликнинг умумий массаси, толали масса билан боғланиш ва бошқа кўрсаткичларга боғлиқ. (1-жадвал)

Пахта хомашёсини етиштирвчи ва уни қайта ишловчи Хорижий давлатларда пахта хомашёсини териб олиш тўлиқ механизациялашган. Республикамизда 90-95 % пахта қўлда терилиб келинар эди. Пахта саноатида ҳукумат қарорига асосан класстер тизимининг жорий этилиши (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 04.12.2021 йилдаги 733-сон) қўл меҳнатини камайтирган ҳолда, пахта теришни механизациялаш учун асос бўлди.

Бугунги кунга келиб машинада терилган пахта хомашёсини дастлабки ишлашдаги жараёнларни, муаммоларни ўрганиш долзарб бўлиб қолмоқда. Олимларимиз томонидан пахта хомашёсини машинада терилганда унинг таркибидаги ифлосликлар ва уларнинг турлари ўрганилган. Ўрганишлар натижасида пахта хомашёси таркибидаги ифлосликлар классификацияланган. (1-расм)

Йирик органик ифлосликлар (кўсак пўчоғи, ғўза чўплари ва барглари)дан тозалаш учун пахта хомашёсини қайта ишлаш жараёнида асосий ишчи органи аррали барабан бўлган тозалагичлардан фойдаланилади. Аррали тозалагич асосини аррали барабан, илдирувчи чўтка, колосникли панжара ва чўтка ажратувчи барабан ташкил этади [1]. Бугунги кунга келиб пахта тозалаш корхоналарида кенг қўлланиб келинаётган ЧХ-3М2 русумли пахта хомашёсини йирик ифлосликлардан тозалаш ускунаси пахта хомашёсини 2 та (аррали барабанли) секцияли барабанда тозалайди ва бу барабанлардан йирик ифлосликлар билан тушган пахта хомашёси бўлаклари битта регенерация барабанида тозаланиб ажратиб олинади ва асосий пахта хомашёси оқимига қўшилади. ЧХ-3М2 русумли тозалагичнинг технологик жараёнини кўриб чиқамиз. Тозаланмаган чигитли пахта валикли таъминлагичлар ёрдамида бир текисда қозиқчали титиш-тозалаш барабанига узатади, бу ерда чигитли пахта майда бўлакларга бўлиниб (титилиб) тўрли сирт устидан судраб ўтказиш ҳисобига майда ифлосликлардан тозаланади. Майда ифлосликлардан тозаланган чигитли пахта биринчи аррали барабанга узатилади. Чигитли пахтани арра сиртиги кўзғалмас чўтка илаштириб беради. Арра тишига илашиб ҳа-

ракатланётган чигитли пахта колосникларга урилиб тозаланади. Биринчи аррали барабанда тозаланган чигитли пахта ажратувчи чўткали барабанда ажратилиб тозалаш машинасидан чиқарилади ва кейинги жараёнга узатилади. Иккита аррали барабандан ажралган чиқиндига аралашиб кетган пахта хомашёси бўлаклари ярим цилиндрли пневмотаъминлагич ва аррачали бўлимдан иборат 1 РХ пахта регенераторида ажратиб олинади.

**1-жадвал. Пахтанинг саноат навларида ифлос аралашмаларнинг ва намликнинг миқдори**

| Пахтанинг саноат нави | Синфлар бўйича ифлос аралашмаларнинг массавий улуши ва намликнинг массавий нисбати меъёрлари, % кўпи билан | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | 1-синф | | 2-синф | | 3-синф | |
| | Ифлос аралашмаларнинг массавий улуши | намликнинг массавий нисбати | ифлос аралашмаларнинг массавий улуши | Намликнинг массавий нисбати | Ифлос аралашмаларнинг массавий улуши | Намликнинг массавий нисбати |
| I | 3,0 | 9,0 | 10,0 | 12,0 | 16,0 | 14,0 |
| II | 5,0 | 10,0 | 10,0 | 13,0 | 16,0 | 16,0 |
| III | 8,0 | 11,0 | 12,0 | 15,0 | 18,0 | 18,0 |
| IV | 12,0 | 13,0 | 13,0 | 17,0 | 20,0 | 20,0 |
| V | - | - | - | - | 22,0 | 22,0 |

Йирик органик ифлосликлар (кўсак пўчоғи, ғўза чўплари ва барглари)дан тозалаш учун пахта хомашёсини қайта ишлаш жараёнида асосий ишчи органи аррали барабан бўлган тозалагичлардан фойдаланилади. Аррали тозалагич асосини аррали барабан, илдирувчи чўтка, колосникли панжара ва чўтка ажратувчи барабан ташкил этади [1]. Бугунги кунга келиб пахта тозалаш корхоналарида кенг қўлланиб келинаётган ЧХ-3М2 русумли пахта хомашёсини йирик ифлосликлардан тозалаш ускунаси пахта хомашёсини 2 та (аррали барабанли) секцияли барабанда тозалайди ва бу барабанлардан йирик ифлосликлар билан тушган пахта хомашёси бўлаклари битта регенерация барабанида тозаланиб ажратиб олинади ва асосий пахта хомашёси оқимига қўшилади. ЧХ-3М2 русумли тозалагичнинг технологик жараёнини кўриб чиқамиз. Тозаланмаган чигитли пахта валикли таъминлагичлар ёрдамида бир текисда қозиқчали титиш-тозалаш барабанига узатади, бу ерда чигитли пахта майда бўлакларга бўлиниб (титилиб) турли сирт устидан судраб ўтказиш ҳисобига майда ифлосликлардан тозаланади. Майда ифлосликлардан тозаланган чигитли пахта биринчи аррали барабанга узатилади. Чигитли пахтани арра сиртиги қўзғалмас чўтка илаштириб беради. Арра тишига илашиб ҳаракатланётган чигитли пахта колосникларга урилиб тозаланади. Биринчи аррали барабанда тозаланган чигитли пахта ажратувчи чўткали барабанда ажратилиб тозалаш машинасидан чиқарилади ва кейинги жараёнга узатилади. Иккита аррали барабандан ажралган чиқиндига аралашиб кетган пахта хомашёси бўлаклари ярим цилиндрли пневмотаъминлагич ва аррачали бўлимдан иборат 1 РХ пахта регенераторида ажратиб олинади.

**1-расм Пахта хомашёси ифлоликларининг классификацияланиши**



**a) eaf-барг,** **b) Steam-шохча бўлакари,**
**c) Funiculi-ғужанаклар,** **d) Seed coat-чигит бўлаклари,**
**e) Shale-гул бўлаклари,** **f) Grass-ўт бўлаклари**
**g) Steck-ғўзапоя бўлаклари**

Таҳлиллардан шуни билиш мумкинки, пахта хомашёсини йирик ифлосликлардан тозаловчи тозалагичлар бир хил таъминлаш валиги, қозиқли барабан, ғалвир ёки пичоқли панжарадан, аррали барабан, илаштирувчи чўтка, колосникли панжара ва ажратувчи чўткали барабандан иборат.

Пахта хомашёсини тозалаш ускунасидаги ишлаб чиқариш жараёнида энг кам ейиладиган ишчи қисмлар таъминлаш валиклари, ғалвир ёки пичоқли панжаралар ҳисобланади. Экплуатация харажати юқори бўлган ишчи қисмларга эса (тез ейилувчан асосий ишчи қисмлар) илаштирувчи чўтка, аррали ва чўтка ажратувчи барабанлар пахта хомашёсини йирик ифлосликлардан тозалаш самарадорлигини белгилаб берувчи ва олинадиган тола синфига катта таъсир қилувчи ишчи қисмлар ҳисобланади. Бу эса ушбу ишчи қисмларни таҳлил қилиш кераклигини белгилайди.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**


*1. Пахта хомашёсини қайта ишлашнинг мувофиқлаштирилган технологияси, ПДИ-30-2012, –Т.: "Меҳнат", 2012 й.*

*2. Хакимов Ш.Ш. Пахта хомашёсини йирик ифлосликлардан тозалаш жараёнида тозалаш самарадорлигига таъсир этувчи омиллар // Тўқимачилик муаммолари. – Т., 2015, №3, б.14-17.*

*3. Зикриёев Э.З. Пахта хомашёсини дастлабки ишлаш. // –Т.: "Меҳнат", 2002 й.*

*4. Бородин П.Н., Мухамедов К.К. Модернизация пильчатого очистителя ЧХ-5 // Отчет темы 0003, ОАО НПЦ «Paxtasanoatilm», – Т., 2001 г.*

*5. Р.Бўриев, Қ.Жуманиязов, А.Салимов, Б.Кушакеев. Пахта сифатини аниқлаш. Ўқув қўлланма – Т., 2015 й.*


## SHARQ ALLOMALARINING TABIIY-ILMIY BILIMLARNI SHAKLLANTIRISHGA OID FIKRLARI


**Tursunoy Bo'riyeva,**
Qarshi davlat universiteti Maktabgacha ta'lim kafedrasi o'qituvchisi



***Annotatsiya***

*Ushbu maqolada ekologik tarbiyaning dolzarb muammo ekanligi va Sharq allomalarining tabiiy-ilmiy bilimlarga oid fikr va mulohazalari yoritilgan. Jumladan, yozma manbalar, Abu Nasr Farobiy, Al-Beruniy, Al-Xorazmiy, Abu Ali ibn Sino, Mirzo Ulug'bek, Mirzo Bobur asarlarida tabiatni asrashga pedagogik g'oyalar keltirilgan.*



***Kalit so'zlar:*** *tabiat, atrof-olam, ijod, dunyoqarash, sezgi, bilish, o'simlik, hayvon.*



***Аннотация***

*В данной статье экологическое образование является актуальной проблемой, а также освещаются взгляды и воззрения восточных ученых относительно естественнонаучных знаний. В частности, письменные источники, произведения Абу Насра Фараби, Аль-Беруни, Аль-Хоразми, Абу Али ибн Сины, Мирзы Улугбека, Мирзы Бабура представляют педагогические идеи по охране природы.*



***Ключевые слова:*** *природа, окружающая среда, креативность, перспективы, интуиция, знать, животное.*



***Annotation***

*In this article, environmental education is an urgent problem, and also highlights the views and views of Eastern scientists regarding natural science knowledge. In particular, written sources, works of Abu Nasr Farabi, Al-Beruni, Al-Khwarizmi, Abu Ali ibn Sina, Mirza Ulugbek, Mirza Babur represent pedagogical ideas on nature protection.*



***Keywords:*** *nature, environment, creativity, outlook, intuition, to know, plant, an animal.*


Hozirgi vaqtda ekologik tarbiya dolzarb masalalardan biri bo'lib turibdi. Yer yuzida aholi soni yil sayin o'sib bormoqda, tabiiy resurslarni iste'mol qilishning ko'lami kengayib, sur'ati ortib bormoqda. Insonning tevarak-atrofdagi muhit bilan o'zaro munosabati esa murakkablashmoqda. Odamlarning xo'jalik faoliyati natijasida butun biosfera o'zgartirilib, yer yuzidagi jonzot uchun yangi, o'zgartirilgan muhit yuzaga keldiki, u bugungi kunda butun o'simlik, hayvonlar, shuningdek, odamlarning yashashi uchun zararli bo'lib qolmoqda.

Shu sababli, atrof-muhitni muhofaza qilish va tabiat boyliklaridan unumli foydalanish masalasi hozirgi kunda butun insoniyat uchun tobora muhim ahamiyat kasb etmoqda. Shuning uchun ekologik masalalarni yaxshi anglab olish hamda ularni to‘g‘ri amalga oshirish jamiyatning va har bir kishining hayotiy zaruratiga aylanmog‘i lozim.

O‘zbekiston Respublikasi mustaqillikka erishgandan so‘ng o‘z milliy qadriyatlarini tiklash yo‘lida jamiyat hayotining har bir jabhasida sobitqadamlik bilan ish olib bormoqda. Shu jumladan, mamlakatimizda bir qancha ekologik qonunlar qabul qilingan. O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 50-, 54-, 55-, 93- va 100-moddalarida tabiatni muhofaza qilishga oid normalar bayon etilgan. Konstitutsiyaning 11-bobi 50-moddasida “Fuqarolar atrof-muhitga ehtiyotkorona munosabatda bo‘lishga majburdirlar” deb ko‘rsatilgan.

O‘zbekiston tabiatni muhofaza qilish sohasida bir qancha xalqaro tashkilotlar bilan hamkorlik qiladi va dasturlarda, jumladan, BMTning atrof muhit bo‘yicha dasturi (YUNEP)da ishtirok etadi. Shuningdek, mamlakatimizda tabiat va uning kompanentlarini muhofaza qilish to‘g‘risida qator qonunlar qabul qilingan.

Yosh avlod tarbiyasi va ularning tabiiy-ilmiy bilim va dunyoqarashini shakllantirish masalasi insoniyatni barcha davrlarda qiziqtirib kelgan. Insonlar doimo tabiatdagi hodisalar, ularning sodir bo‘lishi, fasllar o‘zgarishi, kun va tunning almashishi, hisob-kitobni bilishni istaganlar. Ular bu hodisalarga ba’zan qiziqsalar, ba’zan ulardan qo‘rqqanlar va ularni ilohiylashtirganlar. Shunday qilib insonlarning turmushda orttirgan tajribalari asosida tabiiy-ilmiy bilimlari shakllangan. Yozuvning paydo bo‘lishi tabiiy-ilmiy bilimlarning shakllanishida, ayniqsa, muhim o‘rin tutadi. Tabiiy-ilmiy bilimlar bilan shug‘ullanish va uning ilmiy asoslarini yaratish bizning mashhur ulug‘ bobokalonlarimiz Abu Nasr Farobiy [10, 224], Al-Beruniy [9, 488], Al-Xorazmiy [12, 464], Abu Ali ibn Sino [11, 182], Mirzo Ulug‘bek [12, 464], Mirzo Bobur [8, 286] kabilarning asarlarida batafsil yoritilgan. Ular o‘z asarlarida olamning paydo bo‘lishi, tabiat va uning o‘ziga xos jihatlari, yulduzlar harakati kabi tabiiy-ilmiy tadqiqotlarni olib bordilar.

Shaxs dunyoqarashini shakllantirish muammosining talablari yozma manbalar “Avesto” [3, 400], “Qur’oni Karim“ [13, 617]da ham o‘z ifodasini topgan.

Yozma manba “Avesto”da yoshlarning dunyoqarashini shakllantiruvchi muhim omil sifatida ilm-u ma‘rifat ilgari suriladi. Unga ko‘ra, “Har bir kishini shunday tarbiyalash zarurki, – deyiladi “Avesto”da, –u, avvalo, yaxshi o‘qishni so‘ngra yozishni o‘rganib, eng yuksak pog‘onaga ko‘tarilsin” [3, 400].

Tabiiy-ilmiy bilimlar rivojida Al-Xorazmiyning [12, 464] xizmatlari benihoya kattadir. U matematikada abstraktsiya tushunchasini kengaytirdi. Induktsiya yo‘li bilan umumiy yechim usullarini hal qildi va deduktsiya yo‘li bilan umumiy usullar yordamida turish xususiy masalalarni yechdi. Uning fan sohasidagi yutuqlari o‘rta asrlarda hukmronlik qilgan, din va sxolastik falsafaga zarba berdi. U Hindistonda kashf etilgan raqamlarni soddalashtirdi va birinchi bor arab tilida bayon etildi. Xorazmiy arifmetikaning algoritmlari bo‘lgan qo‘shish, ayirish, ko‘paytirish va bo‘lish qoidalarini yaratgan. Shuningdek, u turli “jins”dagi sonlarni ko‘paytirish algoritmini ham bergan. Masalan: minut, sekundlarni bir-biriga ko‘paytirish uchun, avvalo, ularni bir xil shaklga, ya’ni sekundga yoki minutga aylantirib olish kerakligini ko‘rsatgan. Xorazmiy matematikani nazariy rivojlantirish bilan birga, undan turmush masalalarini yechishda foydalangan.

Allomalardan Beruniyning [9, 488] qarashlari tabiiy-ilmiy dunyoqarashni shakllantirishda muhim ahamiyat kasb etadi. U dunyoqarashni asosi sifatida ilmni tilga oladi. U, avvalo, ilmni kishi hayotidagi tutgan o‘rnini alohida baholaydi. “Men g‘avvos-u, ilm bo‘ldi ummonim” deb o‘zi haqida gapiradi. “Donolarga ma’lumki, oltin-kumush ketadi, lekin ilm abadiydir”, – deb yozadi.

Beruniy insoniy fazilatlarida axloq, odobning o‘rnini atroflicha tahlil qiladi: Hakim va olimlar axloqidan ta’lim olish yaxshi xulqni turg‘izadi, yomon xulqni o‘ldiradi, rostgo‘ylik shirinligini totmagan yoki shirinligini totishni istamaydigan kishi uni sevmaydi, – deb yozadi. Ilmiy ishning, bilim olishning oliyjanoblik asosida bo‘lish, xudbinlikdan uzoq bo‘lishni quyidagicha izohlaydi: ilmlarning foydasi ochko‘zlik bilan oltin kumush to‘plash uchun bo‘lmay, balki u orqali inson uchun zarur bo‘lgan narsalarga ega bo‘lishdir”. To‘g‘riso‘zlikni ulug‘lab: “Agar so‘z to‘g‘ri va ta’sirli bo‘lsa, qamchi va qilich darkor emas”, – deb yozadi.

Ibn Sinoni esa dunyodagi tabiiy-ilmiy bilimlarning asoschisi sifatida tilga olsak bo‘ladi. U ilmni inson kamolotidagi o‘rnini yuqori baholaydi. U yoshlarga aqliy, jismoniy, nafosat, axloqiy tarbiya berishni va hunar o‘rgatish lozimligini ta’kidlaydi. “Tib qonunlari” asarida bolaning 6 yoshdan o‘qitish va tarbiyalash uchun muallimga topshirish haqida so‘z yuritiladi. U tib qonunlari asarida tinglab o‘simliklarni turga ajratadi, ularning dorivorlik xususiyatlarini sanab beradi. Kasalliklar va ularni davolash usullarini bayon etib, ilk bor kasallik qo‘zg‘ovchi mikroblar haqida so‘zlaydi [11, 182].

Yusuf Xos Hojibning “Qutadg‘u bilig” dostonida ham tabbiy-ilmiy bilimlar olinadi. U xususan, astronomiya va meditsina fanlari yuzasidan kengroq mulohaza yuritadi. Dostonning muqaddimasida yetti planeta (Sekantir-Zuhal-Saturn, Ung‘ay-Mushtariy-Yupiter, Ko‘rud-Mirrix-Mars, Yashiq-Quyosh, Savit-Zuhra-Venera, Orzu-Utorit-Merkuriy, Yalchiq-Oy) va 12 burj haqidagi alohida-alohida she’riy parchalar bitadi. Yusuf Xos Hojib Qadimgi Gretsiya va O‘rta Osiyoning mashhur olimlari kabi olamni to‘rt unsur (elementdan) – o‘t, suv, tuproq va havo yoki issiq sovuq, ho‘l va quruqdan iborat degan falsafiy qarashni ilgari suradi. U insonning sihati, yoshi, ovqati va jismoniy tarbiyasi haqida ham qimmatli mulohazalarini bayon etadi [12, 464]. Kishi yoshiga qarab hara-

kat qilmog'i, ovqat turlarini tanlamog'i, o'z organizmini suv, jismoniy tarbiya bilan chiniqtirib bormog'i lozim, bu narsa kasalliklarning oldini oladi. Bemor o'z kasali tufayli faqat dori bilangina emas, balki parhez tutish bilan ham shifolashga intilishi kerak.

Astronomiya fanini yangi taraqqiyot pog'onasiga ko'targan buyuk olim – bu Mirzo Ulug'bekdir. O'z kuzatishlarini yakunlab o'zining yirik asari "Ziji jadidi Ko'ragoniy (Yangi Ko'ragoniy yulduzlar jadvali)"ni yozadi. Bu asar nazariy kirish qism va 4 katta bobdan iborat. Kirish qismida "Din tumanday to'zg'ib ketadi. Podsholiklar yemiriladi, ammo olimlarning xizmatlari mangu qoladi", – deb yozadi [12, 464]. Shuning bilan insoniyat uchun fanning ahamiyatini yuksak baholaydi. Bu asarida Ulug'bek hindlar, greklar, eronliklar va boshqa xalqlarning kalendarlarini tanqidiy tahlil qilib, o'zidan oldin o'tgan Erotosfen, Gipparx, Ptolomey, Al-Battoniy, Ibn Yunus, Nasriddin Tusiy va boshqa astronomlarning muvaffaqiyatlarini orqada qoldirgan edi. Sayyoralar olamini o'rganishda, yil, hafta, kecha-kunduzni belgilashda mislsiz katta yutuqlarga erishdi. Ulug'bek yilni takomillashmagan asboblar bilan o'lchab hisoblashda atigi 58 sekundda xato qilgan (hozirgi zamon hisobi bo'yicha 1 yil – 365 kun 6 soat 9 minut 10 sekunddan iborat).

Ulug'bek tuzgan bu yulduzlar jadvali vaqt ustidan nazorat qilishda, kun, hafta, oy va yillarni to'g'ri belgilashda shahar va mamlakatlarning koordinatalarini aniqlashda muhim ahamiyatga ega bo'ldi.

Buyuk shoir, geograf, adib, tarixchi olim Boburning tabiiy-ilmiy dunyoqarashi bevosita insonparvarlik, ilm-ma'rifat bilan boyitilgan. Uning ko'p qirrali merosida tabiat tasvirining mohirona tasvirlanganligini ko'rishimiz mumkin. Qomusiy xarakterdagi "Boburnoma" [8, 286] kitobi ilmiy-tarixiy jihatdan muhim ahamiyatga ega bo'lib, unda tarix, geografiya, botanika va fanning boshqa sohalariga taalluqli qimmatli ma'lumotlar bor. Bobur ana shu solnomasida o'zi bo'lgan joylarning, jumladan, Hindistonning tabiiy manzaralarini ham, mahalliy aholining kiyinishi va urf-odatlarini ham, hayvonlari, qushlari hamda ularning qiliqlarini ham tasvirlaydi. O'zi tilga olgan narsalarni teran fikrli, o'tkir ko'zli rassom singari jozibali bayon qiladi.

Demak, yuqoridagi tahlil natijalaridan ko'rinadiki, har bir tarixiy taraqqiyot davrida yaratilgan barcha asarlarda yosh avlod tarbiyasida tabiiy-ilmiy dunyoqarashni shakllantirish masalasi dolzarb mavzu bo'lib kelgan. Buyuk allomalarimiz o'z asarlarida tabbiy-ilmiy dunyoqarashni shakllantirish omillari, hamda yosh avlod tarbiyasiga mas'ul bo'lgan shaxslarning burch va vazifalarini ham atroflicha tahlil qilib berganlar.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

1. *Mirziyoyev Sh.M. Tanqidiy tahlil, qat'iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo'lishi kerak. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2016-yil yakunlari va 2017-yil istiqbollariga bag'ishlangan majlisdagi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining nutqi // Xalq so'zi gazetasi. 2017-yil 16-yanvar, №11.*
2. *O'zbekiston Prezidenti Shavkat Mirziyoyev 2017–2021-yillarda O'zbekistonni rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha harakat strategiyasi. 7-yanvar 2017-yil.*
3. *Avesto. Tarixiy – adabiy yodgorlik. Asqar Mahkam tarjimasi. –T.: Sharq NMAK, 2001. – 400 b.*
4. *Avloniy Abdulla. Turkiy guliston yoxud axloq. – T.: O'qituvchi, 1992. – 160 b.*
5. *Al-Buxoriy, Abu Abdulloh Muhammad ibn Ismoil. Al-adab al-mufrad (Adab durdonalari). – T.: O'zbekiston, 1990. – 199 b.*
6. *Al-Buxoriy, Abu Abdulloh Muhammad ibn Ismoil. Hadis. Al-Jome' as-sahih (Ishonarli to'plam). 4 kitob. 1-kitob. – T.: Qomuslar Bosh tahririyati, 1991. – 550 b.*
7. *Amir Temur o'gitlari (to'plam) Tuzuvchilar: B.Ahmedov, A.Aminov. – T.: Navro'z, 1992. – 64 b.*
8. *Boburnoma. Mahmud Sa'diy, Najmiddin Komilov. – T.: O'qituvchi, 2008. – 286 b.*
9. *Beruniy, Abu Rayhon. Qadimgi xalqlardan qolgan yodgorliklar. Tanl.asarlar. – T.: Fan, 1 t. 1968. – 488 b.*
10. *Forobiy, Abu Nasr. Fozil odamlar shahri. Tuzuvchi M.Mahmudov. – T.: Xalq merosi, 1993. – 224 b.*
11. *Ibn Sino, Abu Ali. Tib qonunlari (Uch jildlik saylanma). – T.: Xalq merosi, 1-jild. 1993. – 182 b.*
12. *Ўзбек педагогикаси антологияси. Икки жилдлик. (–Тузувчи муаллифлар: К.Ҳошимов, С.Очил). –Т.: Ўқитувчи, 1995. – 464 б.*
13. *Qur'oni Karim. Tuzuvchi: Shayx Abdulaziz Mansur. – T.: Toshkent islom universiteti. 2007. – 617 b.*


ISSN 2181-8274

# ТЕХНОЛОГИЯ ФАНИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ КОМПЕТЕНТЛИГИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**Сапура Ешанова,**
Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти ўқитувчиси

***Аннотация***

*Мазкур мақолада инновация, инновацион таълим, педагогик инновациялар таърифлари келтирилган. Шунингдек, технология фани ўқитувчиларининг инновацион таълим технологиялардан фойдаланиш компетентлиги самарадорлигини ошириш масалалари очиб берилган.*

***Калит сўзлар:*** *технология, инновация, техника ва технология, педагогик инновация, таълимда инновация, компетенция, метод, восита.*

***Аннотация***

*В данной статье представлены определения инноваций, инновационного образования и педагогических инноваций. Также раскрываются вопросы повышения эффективности компетентности учителей технологии в использовании инновационных образовательных технологий.*

***Ключевые слова:*** *технология, инновация, техника и технология, педагогическая инновация, инновации в образовании, компетентность, метод, инструмент.*

***Annotation***

*This article presents the definitions of innovation, innovative education and pedagogical innovation. It also reveals the issues of increasing the effectiveness of the competence of technology teachers in the use of innovative educational technologies.*

***Keywords:*** *technology, innovation, technique and technology, pedagogical innovation, innovation in education, competence, method, tool.*

Узлуксиз таълим тизимининг асосий мақсадларидан бири ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялашдан иборат. Ушбу мақсад ва вазифаларни ҳал этиш умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган барча ўқув фанлари қатори технология фани дарслари ёш авлод тарбиясида муҳим ўрин тутади. Юртимизда таълим-тарбия тизимини модернизация қилишнинг асосий омилларидан бири – бу таълим жараёнига инновацион таълим технологияларини жорий этиш билан боғлиқ.

Луғавий жиҳатдан "инновация" тушунчаси инглиз тилидан таржима қилинганда ("innovation") "янгилик киритиш" деган маънони англатади. "Инновация" тушунчаси мазмунан аниқ ҳолатни ифодалайди.

Инновация – муайян тизимнинг ички тузилишини ўзгартиришга қаратилган фаолият.

"Ўзбекистон Миллий энциклопедияси"да кўрсатилишича, инновация қуйидагича мазмун ва тушунчаларга эга: "Инновация (ингл. "innovationas" – киритилган янгилик, ихтиро) –

1) техника ва технология авлодларини алмаштиришни таъминлаш учун иқтисодиётга сарфланган маблағлар;

2) илмий-техника ютуқлари ва илғор тажрибаларга асослангаан техника, технология, бошқариш ва меҳнатни ташкил этиш каби соҳалардаги янгиликлар, шунингдек, уларнинг турли соҳалар ва фаолият доираларида қўлланиши".

Инновацион таълим (ингл. "innovation" – янгилик киритиш, ихтиро) –таълим олувчида янги ғоя, меъёр, қоидаларни яратиш, ўзга шахслар томонидан яратилган илғор ғоялар, меъёр, қоидаларни табиий қабул қилишга оид сифатлар, малакаларни шакллантириш имкониятини яратадиган таълим. Инновацион таълим жараёнида қўлланиладиган технологиялар инновацион таълим технологиялари ёки таълим инновациялари деб номланади.

Педагог олим Л.Р.Зариповнинг таърифича: "Педагогик инновация – бу назарий жиҳатдан асосланган, мақсадга ва амалиётга йўналтирилган мазмун, метод, шакл ва воситалар мажмуаси. У макродаража, мезодаража ва микродаражаларда амалга оширилади. Макродаражадаги инновация бутун таълим тизимидаги ўзгаришларга дахлдор ва бу унинг парадигмалари ўзгаришларига олиб келади, мезодаражадаги инновация таълим муҳитидаги ўзгаришларга йўналтирилади, микродаражадаги инновацияда ўқув фани ёки фанлар блоки (масалан, технология ўқув фанининг янги мазмунини ишлаб чиқиш ёки таълим жараёнини тузилмалаштиришнинг янги усулларини, янги технологияларни, ўқитишнинг янги шакл ва методларини ишлаб чиқишга) эътибор қаратилади".

Инновацион ёндошув асосида ташкил этиладиган технологик таълимнинг биринчи йўналиши бу – амалий фаолиятнинг турли шаклларида назарий билимларни қўллаш асосида илмий технологик дунёқа-

рашни шакллантириш. Иккинчи йўналиши – амалий меҳнат кўникмаларини шакллантиришга қаратилган технологик таълим, учинчи йўналиши – ўқувчиларни доимий равишда ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш. Бунда ўқувчиларнинг ўқув-билиш, меҳнат ва ижтимоий фаоллигининг бирлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Технологик таълимнинг тўртинчи етакчи йўналишида меҳнат ва умумтехнологик тайёргарликнинг умумий асоси ҳисобланмиш билим, меҳнат фаолияти, кўникма ва малакаларнинг узвий бирлигини таъминлаш назарда тутилади.

Таълим инновациялари таълим соҳаси ёки ўқув жараёнида мавжуд муаммони янгича ёндашув асосида ечиш мақсадида қўлланилиб, аввалгидан анча самарали натижани кафолатлай оладиган шакл, метод ва технологиялардир. Таълим инновациялари "инновацион таълим" деб ҳам номланади.

Таълим тизимида инновацион таълим технологиялардан самарали фойдаланиш жараёнида, умумий ўрта таълим мактаби технология фани ўқитувчиларининг инновацион таълим технологиялардан фойдаланиш компетентлиги самарадорлигини ошириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Шу сабабли технология фани ўқитувчиларининг инновацион таълим технологиялардан фойдаланиш компетентлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Технология фани ўқитувчиларининг инновацион таълим технологиялардан фойдаланиш компетентлиги самарадорлигини ошириш жараёнида мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни эътиборга олган ҳолда, технология фанини бозор муносабатлари талаблари асосида ишлаб чиқиш зарур.

Технология фани ўқитувчиларининг инновацион таълим технологиялардан фойдаланиш компетентлиги самарадорлигини оширишда қуйидагилар муҳим ҳисобланади:

1. Инновацион таълим технология тўғрисида етарли маълумотларга эга бўлиш.
2. Технология фанига оид янгиликларни излаб топиш ва амалиётга жорий қилиш.
3. Таълим сайтларидан самарали фойдаланиб, керакли маълумот ва манбаларни ўқувчиларга ўргатиш.
4. Электрон дарслик ва мультимедиалардан амалий машғулотлар давомида самарали фойдаланиб ўқувчиларни креативлик қобилиятларини ривожлантириш.
5. Инновацион таълим технологиялардан фойдаланган ҳолда технология фанига оид турли тадбирларни амалга ошириш.

Инновацион ёндошув асосида ташкил этиладиган технологик таълимнинг биринчи йўналиши бу – амалий фаолиятнинг турли шаклларида назарий билимларни қўллаш асосида илмий-технологик дунёқарашни шакллантириш. Иккинчи йўналиши – амалий меҳнат кўникмаларини шакллантиришга қаратилган технологик таълим, учинчи йўналиши – ўқувчиларни доимий равишда ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш. Бунда ўқувчиларнинг ўқув-билиш, меҳнат ва ижтимоий фаоллигининг бирлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Технологик таълимнинг тўртинчи етакчи йўналишида меҳнат ва умумтехнологик тайёргарликнинг умумий асоси ҳисобланмиш билим, меҳнат фаолияти кўникма ва малакаларнинг узвий бирлигини таъминлаш назарда тутилади.

Инновацион таълим технологиялардан фойдаланиб технология фани дарсларини ташкил қилишда ўқитувчи янги-янги маълумотларга эга бўлади. Ўқитувчининг ўз соҳасига доир керакли маълумотларни эгаллашга ва мунтазам равишда таълим соҳасида амалга оширилаётган модернизациялаш жараёнлари билан танишиб боришига ва ўқитувчиларининг инновацион таълим технологиялардан фойдаланиш компетентлиги самарадорлигини ошишига олиб келади. Ўқитувчининг инновацион фаолияти эса педагогик жамоани ҳаракатга келтирувчи, олға ундовчи, бунёдкорликка рағбатлантирувчи куч сифатида намоён бўлиб, таълим жараёнининг сифатини кафолатлайди. Шу сабабли ҳар бир ўқитувчи инновацион таълим технологияларининг моҳиятини тўла тушунган ҳолда, ўз фаолиятига изчил татбиқ эта олиши зарур.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**


1. *Ўзбекистон миллий энциклопеияси. Зебунисо-Конигил / 4-том. Бош таҳрир ҳайъати аъзолари: М.Аминов ва б. – Т.: "Ўзбекистан миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2002. – 169-бет.*
2. *Шарипов Ш. Ўқувчилар касбий ижодкорлиги узвийлигини таъминлашнинг назарияси ва амалиёти. Дисс. ... пед. фан. док. – Т., 2012. – 307 б.*
3. *Зарипов Л.Р. Инновацион ёндашув асосида 5-7-синф ўқувчиларида технологик компетенцияларни шакллантириш методикаси. Дис. ... п.ф.ф.д. (PhD) – Тошкент, 2020. – 141 б.*
4. *Зарипов Л.Р. Инновацион таълим шароитида ўқувчиларни технологик тайёрлаш // Педагогика журнали. 2019 йил. № 5. – Б. 92-98.*
5. *Гузеев В.В. Инновационные идеи в современном образовании // Школьные технологии. – 1997, – № 1*
6. *Кларин М.В. Инновации в обучении. Метафоры и модели: Анализ зарубежного опыта. – М.: Наука, 1997. – 224 с.*

# TALABALARNING KREATIV QOBILIYATLARINI RIVOJLANTIRISH METODIKASI

**Ulug'bek Eshquvvatov,**
Termiz muhandislik-texnologiya instituti o'qituvchisi

***Annotatsiya***

*Mazkur maqolada innovatsion yondashuvli usullardan foydalanib talabalarning kreativlik qobiliyatlarini rivojlantirishning ba'zi jihatlari yoritib berilgan. Shuningdek, ushbu vazifani ta'lim berish jarayonini takomillashtirish, mashg'ulotlarning zamon talablari asosida tashkil etish orqali amalga oshirish mumkinligi to'g'risida ma'lumotlar keltirilgan.*

***Kalit so'zlar:*** *talaba, oliy, ta'lim, tarbiya, innovatsiya, yondashuv, usul, kreativ, qobiliyat, inson, aql, zakovat, muloqot, natija.*

***Аннотация***

*В данной статье освещены некоторые аспекты развития творческих способностей учащихся с использованием инновационных подходов. Также представлена информация о том, как можно реализовать эту задачу, улучшив учебный процесс и организовав обучение исходя из потребностей времени.*

***Ключевые слова:*** *студент, высшее, образование, воспитание, инновация, подход, метод, креатив, способности, человек, интеллект, Интеллект, общение, результат.*

***Annotation***

*This article highlights some aspects of the development of students' creative abilities using innovative approaches. Information is also provided on how this task can be realized by improving the educational process and organizing training based on the needs of the time.*

***Keywords:*** *student, higher, education, upbringing, innovation, approach, method, creative, ability, human, intelligence, intelligence, communication, result.*

Jahondagi globallashuv va ta'limning integratsiyalashuvi jarayonida ilm-fan, texnika va texnologiyaning tezkor rivojlanishi, maishiy turmush sharoitining yaxshilanishi, axborot-aloqa almashuvining takomillashuvi, shuningdek, kompyuter va murakkab texnikalar xizmatining ijtimoiy hayotning turli sohalarida ustuvor o'rin tutishi kuzatilmoqda. Bundan kelib chiqadiki, har bir sohada yuqori malakali mutaxassislar tayyorlash bugungi kunning dolzarb vazifalaridan biri hisoblanadi. Ushbu vazifani ta'lim berish jarayonini takomillashtirish, mashg'ulotlarning zamon talablari asosida tashkil etilishi va yuqori samara berishi kabi masalalarni hal etish orqali amalga oshirish mumkin.

Birinchi navbatda, kreativ qobiliyat mohiyatini aniqlab olishimiz kerak. Falsafiy nuqtayi nazardan qarasak, kreativlik – (lotincha: creo – ijod qilish, yaratish) – ijodiy qobiliyat, muammo yoki holatni boshqacha o'rganish ma'nosini bildiradi. Boshqacha aytganda, kreativ qobiliyat – turli holatlarni nostandart dunyoqarashda qabul qilish va ijodiy yaratuvchanlikka moyillikdir. Kreativ qobiliyat strukturasi bo'yicha olimlar tomonidan turli fikrlar bildirilgan. Masalan, F.Djakson, S.Messika va boshqa olimlar fikriga ko'ra, kreativlik qobiliyat yuqori motivasiya hamda boshqa omillar: bilimdonlik, fikrlash uslubi, shaxsning o'ziga xosligi, kognitiv va hissiy sifatlaridan aniqlanadi. T.B. Shiloning [1] takidlashiga ko'ra, kreativlik – fikrlashning kognitiv-intellektual ijodiy omili (tezkorlik, egiluvchanlik, originallik, ishlab chiqilganlik) va shaxsning individual omili (tavakkalchilik, murakkablik, qiziquvchanlik, tasavvurga egalik) tashkil etadi. Umumiy qilib aytsak, kreativlik strukturasi motivasion, samarador, intellektual, estetik, ekzistentsial, kirishuvchanlik, kompetentlik kabi kreativ sifatlarning o'ziga xos va noyob birlashmasidir.

Kreativlik tushunchasini ta'riflashning bir qancha usullari mavjud bo'lib, ulardan ko'pchilik olimlarning fikricha, bu muammoga yangi yondashuv orqali muammolarga innovatsion yechimlarni ta'minlaydigan xayoliy g'oyalarni taqdim etishdir. Bundan tashqari, u mavjud bilimlar bilan organik tarzda birlasha oladigan yangi yondashuv sifatida belgilanadi.

Bu barcha xususiyatlarga qo'shimcha ravishda, kreativlik qimmatli yoki har qanday ijobiy bahoga ega bo'lgan g'oyalarga olib kelishi kerak. Agar ijodiy g'oya amaliy bo'lmasa, u hech qanday qiymatga ega bo'lmaydi. Kreativlik yangi g'oyalarni yaratish yoki ma'lum elementlarni yangi narsaga qayta birlashtirishni o'z ichiga oladi, bu muammoga qimmatli yechimlarni beradi. Shuningdek, u motivatsiya va hissiyotlarni ham o'z ichiga oladi.

Kreativlik, umuman, inson aql-zakovatining o'ziga xos xususiyatidir. Bu esa, ayniqsa, muhandislar uchun juda ahamiyatli bo'lib, ularning faoliyatida duch keladigan kundalik vaziyatlarda, masalan, g'oyalarni birlashtirish, eslash, idrok etish, o'xshash fikrlash, o'z-o'zini

tanqid qilish kabilarda topish mumkin.

Bizga yangi g'oyalarni taqdim etishning turli usullarini ko'rsatadigan uch xil ijodkorlik mavjud:

- Ijodkorlikni birlashtirish – sinab ko'rilgan va sinovdan o'tgan g'oyalarning yangi kombinatsiyasi.
- Ijodkorlikni o'rganish – yangi g'oyalar tushunchalarni o'rganish natijasida hosil bo'ladi.
- Ijodkorlikni o'zgartirish – yangilarini yaxshilash uchun to'plam tuzilmalarini o'zgartirish.

Kreativ fikrlashning yana bir muhim jihati shuki, u innovatsiyalarda muhim rol o'ynaydi. Aslida, odamlar hatto kreativlik ham, innovatsiya ham bir-birini to'ldiruvchi faoliyat deb aytishadi. Ijodiy fikrga intilish innovatsiyaga olib keladi. Muammolarni hal qilishning turli usullarini izlash kreativ javoblarni olishga olib keladi. Kreativlikning innovatsiyaga aylanishi uchun to'g'ri tashkiliy madaniyat kerak. To'g'ri tashkiliy madaniyat shaxsiy va guruh ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirish uchun ijodiy jarayonlarni qo'llab-quvvatlaydi va imkoniyatlar yaratadi [2].

Kreativlikning ahamiyati shundaki, u odamlarni ijodiy fikrlash jarayoniga jalb qilishdan asosiy maqsad quyidagilardan iborat:

- Odamlarni chegarasiz fikrlashga majburlash.
- Biror narsaga qiziqish uyg'otish.
- Muammoning bir nechta yechimlari va muqobillarini ko'rib chiqish uchun faqat o'z tasavvuriga tayanish.

Kreativ fikrlash jarayonining natijalari qurilish sohasida, ayniqsa, muhimdir. Bugungi kunda texnologiya tez sur'atlar bilan rivojlanib borayotgan bir paytda muhandislar ijodkorlik va innovatsiyalar yaratish qobiliyatiga ega bo'lishlari lozim. Biz bilamizki, dunyoni rivojlantirish uchun doimiy raqobat kreativlikni xodimlarda, ish beruvchilarda, tibbiyotda, musiqada, dizaynda, o'yin-kulgi, umuman, hamma narsada ko'proq talab qilinadigan xususiyatga aylantirdi. Muhandislar muammoli vaziyatlarni tushunishlarini qanchalik ko'paytirsalar va muammolarga bir nechta yechimlarni topishni o'rganadilar; ular o'zlarini va jamoalarini kelajakda turli xil vaziyatlarda mumkin bo'lgan muqobil variantlarga tezroq tayyorlay oladilar.

Kreativlikni ko'plab ijodiy usullar orqali oshirish mumkin. Darhaqiqat, kreativlikni nafaqat oshirish, balki o'qish yoki texnik sohasiga yo'naltirish ham mumkin. Masalan, qurilish sohasidagi odamlar sifat menejmenti bilan solishtirganda turli xil ijodiy usullardan foydalanishlari mumkin.

Odamlar ongida kreativlikni oshirishga urinishlarni ikki turga ajratish mumkin:

- Shaxslarda kreativlikni oshirish uchun mos texnikalar haqida tasavvurga ega bo'lishi;
- Ishchi kuchining ehtiyojlariga mos keladigan kreativlikni oshirish usullari.

Bu ishni yo'l qurilishi korxonalarida faoliyat olib borayotgan xodimlar misolida ko'ramiz. Boshlang'ich darajada, ishchi guruhlarda ijodkorlikni oshirish, avvalambor, jamoani shakllantirishni kuchaytirmasdan turib, amalga oshirish mumkin emas. Bu guruh dinamikasini o'zgartiradi va ijodiy fikrlar va innovatsiyalar uchun yo'l ochadi. Guruh ijodkorligining barcha usullarini har bir shaxslarga muvaffaqiyatli qo'llash mumkin. Buning sababi shundaki, ijodkorlik individual shaxsning atributidir, ammo uni guruh yoki jamoada yanada samarali rivojlantirish mumkin, chunki odamlar o'zlarining ijodiy g'oyalarini ifodalash va unga asoslangan amaliy ish modelini yaratish uchun boshqa shaxslar bilan o'zaro munosabatda bo'lishlari kerak. Kreativlikni oshirish, qat'iy g'oyalarga alternativalarni o'rganish va tasavvurni rag'batlantirish uchun ishlatilishi mumkin bo'lgan sun'iy intellekt modellari, axborot tizimlari va boshqalar kabi kompyuterga asoslangan ijodkorlikni qo'llab-quvvatlovchi ko'plab vositalar mavjud.

Yo'l xo'jaligi korxonalari xodimlarining oldida turgan vazifalardan biri, bu avtomobil yo'llarini ekspluatatsiya qilish jarayonida yo'llardagi transport shovqinlarini kamaytirish hisoblanadi. Transport shovqinga qarshi kurash masalalari hozirda eng dolzarb masalalar qatoriga kiritilmoqda. Tadqiqotlarga ko'ra, uzoq vaqt davomida me'yor chegarasidan oshgan shovqin ta'sirida yashagan kishilar markaziy asab tizimi faoliyati buzilishidan aziyat chekadi. Ularda bedorlik, serjahllik, tez charchash, bosh og'rig'i kabi holatlarga duch kelishadi [3].

Avtomobil shovqinining ekspluatatsiya jarayonida kuchayishiga, avtomobil yo'llari harakat oqimida paydo bo'luvchi eng asosiy shovqin manbalari hisoblangan avtomobil dvigateli shovqini, transmissiyasi shovqini, aerodinamik shovqin va shina shovqini sabab bo'ladi [4].

Ushbu masalaga yo'l xo'jaligi korxonalarida faoliyat olib borayotgan xodimlardan optimal yechim taklif etish talab etiladi. Agar biz masalani arzon, qulay va tez fursatda brtaraf etishni hohlasak, avtomobilda shovqinni kamaytirish va unga qarshi kurash bo'yicha asosan shovqinni uning manbasida so'ndirishni amalga oshirishimiz kerak. Ya'ni shovqinli avtomobil qismlariga tovush yutuvchi materiallar qoplash choralari taklif etilmoqda. Bundan tashqari, avtomobil harakatlanayotganda chiqadigan shovqinni kamaytirish maqsadida metall kuzovlarning ichki sirtlariga to'zitkich yoki pnevmatik purkash qurilmasi yordamida zichlagichlar va shovqinga qarshi mastikalar purkash samarali natija beradi [5]. Avtomobillardan chiqadigan shovinni so'ndirish, uning konstruktsiyasida va yo'ldagi harakatini tashkil etish orqali amalga oshiriladi. Konstruktsiyaning o'zida shovqinni so'ndirish, shovqinli qismlarga va kuzoviga izolyatsiya materiallari qoplash, shuningdek, avtomobillarda polimer va kompozitsion materiallardan foydalanish [6] orqali shovqinni kamaytirish mumkin (1-rasm).



**1-rasm. Avtomobilni izolyatsiya qilish jarayoni**

Demak, biz transport shovqinini kamaytirsh uchun biror taklif berishimiz, hamda taklif etilayotgan g'oyamiz bo'yicha kreativlikni amalga oshirishimiz kerak. Bu jarayonda muhandislar tomonidan taklif etilayotgan yangi g'oyalar va ular o'rtasida yangi aloqalarni yaratish qobiliyati, mazkur muammolarni hal qilish qilish imkonini beradi. Ya'ni transport shovqini muhofazasini tashkil etishdagi eng samarali tadbir, shovqin chiqaruvchi manbalarning o'zida shovqinni so'ndirishdir. Avtomobil shovqin chiqaruvchi manbalari dvigatel, shovqin so'ndirgich, tarnsmissiya va boshqa omillarning muqobil variantini yaratish orqali shovqin muammosini bartaraf etish mumkin. Bunga elektromobillar, avtomobil kuzovini shovqin yutuvchi materiallar bilan qoplash, dvigatel yonish jarayonini takomillashtirish orqali erishish mumkin. Bundan tashqari avtomobil yo'llarida harakatni tashkil etish orqali shovqinni so'ndirishda transport oqimidagi avtomobillar harakatini optimmalashtirish orqali erishish mumkin. Transport shovqinini kamaytirishda, uni paydo qilgan omillarni o'rganish va ularni ishini samarali tashkil etish bilan shovqin muhofazasiga erishish, bu muammoni hal qilishda eng oqilona yechimlarni biri hisoblanadi. Bundan tashqari, shovqin yutuvchi va shovqin qaytaruvchi qurilmalar, konstruktsiyalarni yaratish samarali natija beradi.

Shunday qilib, mohiyatan kreativlik - bu asl g'oyalar tushunchasi va ularni amalga oshirish harakati. Creativity at Work asoschisi Linda Neymanning so'zlariga ko'ra, "Agar sizda g'oyalar bo'lsa va ular asosida harakat qilmasangiz, demak, siz tasavvurga egasiz, lekin ijodkor emassiz" [7]. Kreativlik shunchaki narsalarni bir-biri bilan bog'lashdir. Ijodkor odamlardan qanday qilib bir ishni qildingiz, deb so'rasangiz, ular aslida buni qilmaganliklarini, shunchaki nimanidir ko'rganlar va o'sha ishni takror bajarish mobaynida paydo bo'lgan. Bu ularga birozdan keyin ayon bo'ladi. Buning sababi, ular boshdan kechirgan tajribalarini bog'lash va yangi narsalarni sintez qilish imkoniyatiga ega bo'lishadi.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**


1. *Шило Т.Б. Структура креативности: современные взгляды на проблему. Тенденции развития психологии, педагогики и образования/Сборник научных трудов по итогам международной научно-практической конференции. – Казань, 2014.*

2. *Эшқувватов У. А. Талабаларда креатив қобилиятларни ривожлан-тиришнинг аҳамияти. // Таълим ва инновацион тадқиқотлар. Maxsus son. – Buxoro, 2021. B 372-377.*

3. *Шум на транспорте. Пер. с англ. К.Г.Бомштейна. Под ред. В.Е. Тольского, Г.В. Бутакова, Б.Н. Мельникова. – М.: Транспорт, 1995. – 368.*

4. *By Sanja Grubesa and Mia Suhanek "Traffic Noise". Submitted: January 29th 2020 Reviewed: May 20th 2020 Published: June 18th 2020 DOI: 10.5772/intechopen.92892*

5. *Avtomobillarning texnik ekspluatatsiyasi. O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi avtotransport oliy o'quv yurtlari talabalari uchun darslik sifatida tavsiya etgan. prof. Q.M.Siddiqnazarov umumiy tahriri ostida, – T.: VORIS-NASHRIYOT, 2008. – 560 b.*

6. *A. Azimov "Avtomobilsozlik sanoatida polimer va kompozit materiallardan foydalanishning samaradorlik ko'rsatgichlari", OOO "Academic Research", Vol. 1 No. 1, 2020, (DOI: https://doi.org/10.24411/2181-1385-2020-00010)*

# ПРОБЛЕМЫ ВОСПИТАНИЯ У ДОШКОЛЬНИКОВ БЕРЕЖНОГО ОТНОШЕНИЯ К ПРИРОДЕ В СОВРЕМЕННОЙ ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ СИСТЕМЕ

**Манзура Мирзаева,**
КарГУ, преподователь кафедры дошкольное образование

***Annotatsiya***
*Ushbu maqolada zamonaviy pedagogik ta'lim jarayonida maktabgacha yoshdagi bolalarning tabiatga ehtiyotkorona munosabatini shakllantirish muammosi va uning o'ziga xos jihatlari yoritib berilgan. Shuningdek, maqolada bolalarning tabiatga ehtiyotkorona munosabatini shakllantirish vazifalari, yo'llari va usullari bayon qilingan.*
***Kalit so'zlar:*** *ekologik ta'lim, maktabgacha yoshdagi bolalar, ehtiyotkor munosabat, didaktik o'yin, ekskursiyalar, yurishlar.*

***Аннотация***
*В данной статье рассматривается проблема формирования бережного отношения дошкольников к природе в процессе современного педагогического образования и ее специфические аспекты. Также в статье описаны задачи, пути и методы формирования бережного отношения детей к природе.*
***Ключевые слова:*** *экологическое воспитание, дошкольник, бережное отношение, дидактическая игра, экскурсии, походы.*

***Annotation***
*This article discusses the problem of forming a careful attitude of preschoolers to nature in the process of modern pedagogical education and its specific aspects. The article also describes the tasks, ways and methods of forming a careful attitude of children to nature.*
***Keywords:*** *environmental education, preschooler, respect, didactic game, excursions.*

«С юных лет родители учили нас сохронять в чистоте двор, окружающую среду. Наш народ издревле бережливо относился к земле, воде, природе. Неспроста бытует пословица «Срубил одно дерево-посади десять». Посадивший дерево человек считался благословенным. Когда рождался ребенок в семье в его честь сажали дерево. В XXII веке когда в мире высокими темпами развивается промышленность, на первый план выходит экологическая проблема. Мы должны оставить потомкам здоровую окружающую среду. Для этого нужно заботливо относиться к природе, действовать думая не только сегодняшним, но и о отдаленном будущем»,[1, 1] – сказал глава государства. С таким обращением к общественности выступил президент на видеоселекторном совещании по вопросам улучшения системы обращения с отходами и экологической обстановки, актуальными задачами реализации общенационального проекта "Яшил макон."

Президент подчеркнул, что самый важный вопрос – это повышение экологической культуры населения.

Важная роль в решении экологических проблем при¬надлежит системе образования. Это значит, что должно быть всеобщее эко¬логическое образование, целью которого является становление экологиче¬ской культуры личности и общества. Для дошкольной педагогики экологическое воспитание достаточно новое направление, призванное формировать основы экологической направленности личности, осознанно-правильному отношению к природным явлениям и объектам, к человеку как живому существу, к своему здоровью и окружающей средой. Формирование начал экологической культуры – это становление осоз¬нанно-правильного отношения:

- непосредственно к самой природе во всем ее многообразии;
- к людям, охраняющим и созидающим ее;
- к людям, создающим на основе ее богатств материальные или ду¬ховные ценности;
- к себе, как части природы;
- понимание ценности жизни и здоровья и их зависимости от состоя¬ния окружающей среды;
- осознание своих навыков рационального взаимодействия с приро¬дой.

Задачи экологического воспитания – это задачи создания и реализации воспитательно - образовательной модели, при которой очевидны проявления начал экологической культуры у детей, готовящихся к поступлению в школу.

Экологическое воспитание – это один из основных аспектов нравст¬венного воспитания. Ведь воспитание бережного и заботливого отношения ребенка к природе вырабатывает в нем те нравственные нормы, которые в дальнейшем станут мотивом, побудителем его активной деятельности, его поведениях.

Природа – неиссякаемый источник духовного обогащения ребенка. Дети по¬стоянно в той или иной форме соприкасаются с природой. Их привлекают зе¬леные луга и леса, яркие цветы, бабочки, жуки, птицы, звери, падающие хло¬пья снега, ручейки и лужицы. Разнообразный мир природы пробуждает у

детей живой интерес к природе, любознательность, побуждает их к деятельности. Однако, далеко не все может быть правильно понято детьми при самостоятельном общении с природой, далеко не всегда при этом формируется правильное отношение к растениям и животным. Ввести ребенка в мир природы, сформировать реалистические представления - знание о её объектах и явлениях, воспитать у маленького человека способность видеть красоту родной природы, любовь, бережное и заботливое отношение к ней – важнейшая задача экологического воспитания в дошкольном учреждении. Именно детский сад является первым звеном системы непрерывного экологического образования, поэтому неслучайно перед педагогами встает задача формирования основ экологического воспитания [3, 96].

Воспитание бережного и заботливого отношения к природе возможно тогда, когда дети будут располагать хотя бы элементарными знаниями о ней, овладеют несложными способами выращивания растений, ухода за живот¬ными, научатся наблюдать природу, видеть её красоту. На этой основе и формируется любовь детей к природе, родному краю, Родине [5, 112].

Любить Родину – значит любить родную природу, умело оберегать её. Каждый день мы бываем с детьми на прогулке, ходим мимо кустарников, деревьев, цветочных клумб, ухоженных добрыми и заботливыми руками, хо¬дим, порой, безучастные ко всему, что нас окружает. В век научно-технической революции очень важно научить детей видеть и понимать красоту окружающей природы, беречь и умножать её богатства. Рассказывая о природе детям, педагог, воспитатель открывает перед ними сказочный мир жизни растений и животных, учит любить и внимател¬но относиться к ним.

Экологическое воспитание детей старшей группы предполагает:

- воспитание гуманного отношения к природе (нравственное развитие);
- формирование системы экологических знаний (интеллектуальное развитие);
- развитие эстетических чувств (умение увидеть и прочувствовать красоту природы, восхититься ею, желание сохранить её);
- участие в посильной для этого возраста деятельности по уходу за растениями, животными, по охране и защите природы

Важнейшим условием успешной реализации комплексного подхода является создание среды, в которой взрослые личным примером демонстри¬руют детям правильное отношение к природе и активно, по мере своих воз¬можностей вместе с детьми участвуют в природоохранной деятельности. Формируя гуманное отношение к природе, педагог должен выделять главное, чтобы ребенок понял, что человек и природа взаимосвязаны, поэтому забота о природе это - забота о человеке, его будущем, а то, что наносит вред природе, наносит вред человеку, следовательно, действия, в результате которых разрушается общий для нас дом – безнравственны. Очень важно показать детям, что по отношению к природе они занимают позицию более сильной стороны и поэтому должны беречь её и заботиться о ней, а также уметь замечать действия других людей, сверстников и взрослых, давать им соответствующую нравственную оценку. Взрослые должны помнить о том, что зачастую небрежное, а порой и жестокое отношение детей к природе объясняются отсутствием у них необходимых знаний. Вот почему воспитание сопереживания и сострадания происходит в неразрывном единстве с формированием системы доступных до¬школьникам экологических знаний:

- представление о растениях и животных как уникальных и неповторимых живых существах, об их потребностях и способах удовлетворения этих потребностей;
- понимание взаимосвязи между живыми существами и средой обита¬ния, приспособленности растений и животных к условиям существования;
- осознание того, что все живые существа на Земле связаны друг с другом сложной системой связей и в то же время каждое из них имеет свою экологическую нишу, и все они могут существовать одновременно.

Длительное участие детей в уходе за животными помогают не только воспитывать чувство ответственности, любовь ко всему живому, но и расширять знания детей. Воспитание бережного отношения к природе, повышение уровня экологического развития детей во многом определяется степенью экологической грамотностью их родителей. Поэтому немаловажное значение имеет просвещение родителей в области охраны окружающей среды.

Действенная любовь, настоящая забота о природе возникает у ребенка лишь тогда, когда ежедневно перед ними пример отношения к природе взрослого.

Таким образом, бережное отношение к природе – одна из характеристик личностных качеств, входящих в формирование экологической культуры человека. Это качество проявляется в способности к самостоятельному анализу взаимодействия общества и природы, творческом мышлении в решении задач охраны природы. Экологическая воспитанность согласуется с высокими гражданскими и нравственными качествами: умением следовать принципам бережливости и экономии природных богатств, соблюдением моральных и правовых норм по отношению к природе.

Деятельность детей по изучению и охране природной среды направлена на овладение приемами при-

чинного и целевого мышления в области социальной экологии, приобретение опыта принятия экологических решений, внесение реального вклада в изучение и охрану природы.

Любое общество заинтересовано в сохранении и передаче накопленного опыта, иначе невозможно не только его развитие, но и само существование. Сохранение этого опыта во многом зависит от системы воспитания и образования, которая, в свою очередь, формируется с учетом особенностей мировоззрения и социально-культурного развития данного общества. Важной составляющей бережного отношения к природе является формирование у детей этических представлений о добре и зле, воспитание доброжелательного, заботливого отношения к живым существам. Дети часто слышат от взрослых: Не «обижай животное», не «трогай растение» и другое. Такими запретами не воспитать гуманной личности. Ребенок должен понять и усвоить этические нормы человеческих поступков, уметь предусматривать возможные последствия. Детям свойственно сначала оценивать поступки других, а в дальнейшем и собственные.

Поэтому дошкольников необходимо знакомить с этическими нормами касательно объектов окружающей среды, обсуждать поведение ровесников, поступки персонажей специально подобранных художественных произведений. Использование таких приемов содействует развитию у детей самокритичности, умение анализировать свои поступки, сравнивать их. Ведущую роль в экологическом воспитании детей играет формирование у них познавательного интереса к природе. Интерес, с одной стороны, является стимулом развития бережного отношения к природе, с другой - его результатом. Таким образом, воспитание бережного отношения к природе идет от углубления имеющихся интересов к формированию новых знаний, чувств, умений, а от них - к интересу на более высокой ступени.

Психологи считают, что интерес в своем развитии выражен различными стадиями: любопытство, любознательность, познавательный интерес, теоретический интерес. Особое место в формировании у дошкольников любви и бережного отношения к природе занимает развитие любознательности, которая характеризуется стремлением проникнуть за пределы увиденного, узнать неведомое. Этот процесс сопровождается удивлением, радостью, чувством удовлетворенности. В большинстве случаев дети самостоятельно не могут объяснить интересующие их явления природы, а потому, если взрослые не помогут им в этом помочь, то интерес к природе может угаснуть. Дети иногда ломают ветви деревьев, кустарников, разоряют муравейники и птичьи гнезда, мучают животных. Это объясняется тем, что у них вовремя не был поддержан интерес к окружающей природе и ее охране, не были сформированы нравственные чувства и природоохранные мотивы. Знания и навыки бережного и заботливого отношения к природе проявляются у дошкольников:

- в стремлении познать природу (живую и неживую);
- в чтении (слушании) книг о природе;
- в деятельности по защите природы;
- в изображении природы в рисунках, лепке, аппликации;
-в увлечениях, связанных с природой (изготовление поделок, коллекционирование).

Доступными средствами формирования интереса дошкольников к природе являются прогулки и экскурсии на природу; фенологические наблюдения; использование элементов исследовательской работы; изучение загадочных явлений природы; деятельность по оказанию помощи природе; чтение книг и просмотр видеофильмов о природе; проведение плановых и ситуационных бесед о природе и бережном отношении к ней.

Общеизвестно, что одним из наиболее эффективных являются игровые методы, поскольку в игре ребенок отражает свое отношение и переживания.

В жизни детей дошкольного возраста игра является ведущей деятельностью. Игра – это эмоциональная деятельность: играющий ребенок находится в хорошем расположении духа, активен и доброжелателен. Эффективность ознакомления детей с природой в большой степени зависит от их эмоционального отношения к воспитателю, который обучает, дает задания, организует наблюдения и практическое взаимодействие с растениями и животными. Поэтому первый момент, который объединяет два аспекта педагогики (игру и ознакомление с природой), заключается в том, чтобы «погрузить» детей в любимую деятельность и создать благоприятный эмоциональный фон для восприятия «природного» содержания.

Второй значимый момент связан с выработкой отношения детей к природе, которое в рамках экологического воспитания является конечным результатом. Психологи рассматривают игровую деятельность как проявление сложившегося у ребенка положительного отношения к тому содержанию, которое она в себе несет. Все, что нравится детям, все, что их впечатлило, преобразуется в практику игры. Поэтому, если дошкольники организовали игру на природоведческий сюжет (зоопарк, ферма, цирк и пр.), это означает, что полученные представления оказались яркими, запомнились, вызвали эмоциональный отклик, преобразовались в отношение, которое ее и спровоцировало. В свою очередь усвоение знаний о природе при помощи игры, вызывающей переживания, не может не

оказать влияния на формирование у них бережного и внимательного отношения к объектам растительного и животного мира. А экологические знания, вызывающие эмоциональную реакцию у детей, войдут в их самостоятельную игру, станут ее содержанием, лучше, чем знания, воздействие которых затрагивает лишь интеллектуальную сферу .

Игра и экологическое воспитание в некотором отношении противоположны: во время игры ребенок раскован, он может проявлять инициативу, совершать любые действия, от которых игра может быть лучше или хуже, но при этом никто не пострадает, т.е. он физически и морально не ограничен в этой деятельности. Познание природы, взаимодействие с ней требуют учета специфики живого организма и поэтому накладывают много запретов, ограничивают практическую деятельность ребенка .

Подбирая дидактические игры экологического содержания, необходимо обязательно продумывать цель и дидактическую задачу, определить место и роль игры в системе обучения и воспитания, проектировать саму игру и определять степень участия в ней всех детей, продумывать оказание помощи застенчивым детям

Дидактическим играм предъявлены следующие требования: яркость, эстетичность, многофункциональность. В процессе проведения дидактической игры нужно стараться поощрить выдумку, инициативу дошкольников, отмечать доброжелательное отношение детей друг к другу, а также положительное отношение к отраженным в игре явлениям и событиям.

Специфика дидактики, предполагает постепенное усложнение игр от группы к группе, подразумевает их вариативность. Если в младшей группе знакомство с дикими и домашними животными происходит в таких дидактических играх, как «Назови, кто это?», «Изобрази животного», «Узнай по голосу», и других, то в средней группе – в играх типа «Угадай, кто где живет?», «Помоги животному», «Большие и маленькие» и т.д. Дети старшего дошкольного возраста успешно справляются со следующими играми: «Зоопарк», «Логические цепочки», «Придумай про животное загадку», «Путешествие в Африку». Старшие дети разгадывают кроссворды, решают ребусы, проводят эксперименты, длительные наблюдения за животными и растениями, с удовольствием отвечают на вопросы разнообразных викторин. Часто игры экологического содержания возникают по инициативе самих детей, что говорит об их заинтересованности.

При использовании дидактических игр, как метода воспитания бережного отношения к природе, решаются следующие задачи:

- Формирование экологических представлений о мире животных;
- Формирование экологических представлений о растениях;
- Формирование экологических представлений об объектах и явлениях неживой природы;
- Формирование экологически бережного отношения к объектам природы

Таким образом, огромная роль в воспитании бережного отношения к природе у старшего дошкольника принадлежит педагогу, его методическому мастерству. Педагогу при организации экологического праздника необходимо, опираясь на специфику формы, целенаправленно формировать у детей оптимальный объем умений, концентрирующих внимание детей на главном, умение определять их эмоциональный характер для развития у детей способности к сопереживанию, эмоциональной и образной памяти.

**ЛИТЕРАТУРА:**


*1. Мирзиеева Ш.М. «Мы должны оставить потомкам здаровый окружающую среду». Обращение к общественности. https//kun.uz >news > 2022/02/02 .*

*2. Аксенова З.Ф. Войди в природу другом. Экологическое воспитание дошкольников. – М.: ТЦ Сфера, 2014. – 128 с.*

*3. Войтенко В. В. Ребенок – природа – здоровье. // Непрерывное экологическое образование: проблемы, опыт, перспективы. Материалы IV Межрегиональной научно-практической конференции. – Томск: ОГБУ РЦРО, 2013.*

*4. Веретенникова С.А. Ознакомление дошкольников с природой – М.: Просвещение, 2016. – 270 с.*

*6. Голубев И.Р. Окружающая среда и ее охрана / И.Р. Голубев, Ю.В. Новиков. – М.: Просвещение, 2012. – 192 с.*

*7. Горькова Л.Г. Сценарии занятий по экологическому воспитанию: Средняя, старшая, подготовительная группы / Л.Г. Горькова, А.В. Кочергина, Л.А. Обухова. – М.: ВАКО, 2016. – 240 с.*

# ТАЛАБАЛАРНИНГ ИЖОДИЙ ФИКРЛАШИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ГЕОМЕТРИЯНИНГ СОДДА МАСАЛАЛАРИ

**Урол Айтувганов,**
Термиз давлат университети мустақил тадқиқотчиси

***Аннотация***
*Мақолада талабаларнинг ижодий қобилиятлари хусусиятлари қаралади ва геометрияни ўқитиш жараёнида талабаларнинг ижодий фикрлашини ривожлантириш мумкинлиги ишлаб чиқилди. Геометриядан ижодий фикрлашни ривожлантирувчи содда масалалар келтирилди.*
***Калит сўзлар:*** *ижодий фикрлаш, ижодий қобилиятлар.*

***Аннотация***
*В статье рассматриваются особенности творческих способностей и представлены возможности развития творческого мышления студентов в процессе обучения геометрии. Были даны простые задачи, развивающие образное мышление из геометрии.*
***Ключевые слова:*** *творческое мышление, творческие способности, творческие вопросы.*

***Annotation***
*The article discusses the features of creative abilities and presents the possibilities for the development of creative thinking of students in the process of learning geometry. Simple tasks were given to develop imaginative thinking from geometry.*
***Keywords:*** *creative thinking, creative abilities, creative questions.*

Ижод мазмунини англамасдан турлича фикр ва қарашлар, назариялар мавжуд бўлса-да, ижодий қобилиятлар табиатини тушуниш қийин. Талабалик даври ижодий фикрлашни ривожлантириш учун қулай давр бўлиб, бу даврда талабаларга доимо таққослашни ўрганиш, тушунча, теорема, аксиома ва хоссалар орасидан масалани ечишга ёрдам берадиган жиҳатларини ажратиш, ўхшаш ва фарқли томонларини топиш, сабаб ва оқибат тобелиги каби ижодий топшириқларни бериш мақсадга мувофиқдир.

Ижод (креативлик, инглизча "creativity" — яратувчанлик) — бу таърифлаш мураккаб бўлган сўз. Агар инсон қандайдир бир ғайриоддий, шу билан бир вақтда, аҳамиятли ва фойдали нарса яратган бўлса, ижод деб аталади. Шундай қилиб, ижод жараён сифатида эмас, балки унинг оқибати орқали аниқланади. Ижод тушунчасининг ягона таърифи йўқлиги шу билан боғлиқки, одамлар "ғайриоддий", "яхши" ва "фойдали" деб нимани аташ мумкинлиги ҳақида ягона фикрга эга эмаслар, шу сабабли бу тушунчалар жуда нисбий. Қайси нуқтаи назардан қарашга боғлиқ. Бинобарин, нима учун ижод тутқич бермайдиган, сирпаниб чиқиб кетадиган муҳокама предмети эканлигини осон тушуниш мумкин. Бирон бир ғоя ёки қандайдир бир фаолият натижаси ижодий деб эътироф қилиниши учун, авваламбор, уни атрофидагилар ғайриоддий, яхши ва фойдали деб тан олишлари зарур. Яна шуни таъкидлаш лозимки, ижод тушунчасида вақтлар ўтган сайин муҳим ўзгаришлар рўй бермоқда. Гарднер ижодга берган таърифида яна бир шартни қўшди. У ижодий инсон албатта узлуксиз равишда ижодий масалаларни ҳал қилиши ва ижод маҳсулотларини яратиши шарт деб ҳисоблайди. Бу қўшимча шарт ижодий жараёндаги "омад" тушунчасини сиқиб чиқаради, чунки узлуксиз натижа ҳисобланаётганда фавқулодда ва жуда кам бажарадиган ҳаракатлар эътиборга олинмаслиги керак. Лекин биз қайси таърифни танлаб олмайлик, барибир барчамиз ижодга эҳтиёж сезамиз ва у ёки бу даражада ижод қиламиз. Ижодий фаолият бизнинг кундалик ҳаётимизни жозибалироқ қилади: фан ва санъатни ижодсиз тасаввур қилиб бўлмайди; ижодсиз математика ва бошқа фанлар тараққиётини тасаввур қилиш мумкин эмас. Биз ҳар доим мураккаб фикрни ифодалаганимизда ёки оқ қоғозни матн билан қорайтирганимизда ижод қиламиз. Агар биз шу ишни самарали ва ғайриоддий тарзда удаллай олсак, бизни расмона ижод кишиси деб аташ мумкин. Ҳозирги замон психологлари шундай хулосага келишдики, Эйнштейн, Мария Кюри ва Моцарт каби ижодий гигантларда "ҳеч қандай ғайритабиийлик" мавжуд бўлмай, уларнинг ижодини кундалик оддий жараённинг давоми деб қараш мумкин [1, 15].

Ижод – бу эркин ва қобилиятли шахснинг ўз устида ишлаш имтиёзидир. Аниқроқ қилиб айтганда, ижод – бу шахснинг мавжудлиги усулидир.

Ҳозирги кунда кўпгина изланувчилар ижодий ёндашувни "Муаммолар ечими" сифатида қараса, ижодий фикрлашни эса турли вазиятларда тўғри қарор қабул қилишнинг, янги ғоя пайдо бўлишининг муҳим воситаси сифатида қараймиз.

Л.С.Виготскийнинг фикрича, ҳар бир янги ғояни

яратиш учун фантазия керакдир, яъни фантазия бу инсонниг ўзига хос ҳиссий ва интеллектуал хислатидир.

Фантазия ёрдамида талаба келажагини кўра олади, бинобарин унинг ёрдамида уни яратиш ва амалга ошириш учун ижодий ёндашади.

Шуни айтиш лозимки, ижодий фикрлаш жараёни фикрлашнинг алоҳида тури билан, яъни ижодий кўтарилиш пайтида шаклланадиган интуицияга боғлиқдир.

Ижодий фаолият иккита жараёнда амалга оширилади:

1. Мавжуд маълумотларнинг ва муаммони ечишга зарур бўлган маълумотларнинг оптимал мослиги (ўқув маълумотлари муаммони ечиш учун зарур бўлган муаммодан озроқ бўлиши мумкин);

2. Машғулотларга ҳиссий муносабат билдириш [2,16].

Талабаларнинг ижодий фаолияти бошқаришининг муҳим масаларидан бири – бу фандаги янгилик муаммоси (масала ечиш жараёнида вужудга келадиган янги ғоялар), яъни бу орқали ўқитувчи фанни билиш асосида талабаларда масаланинг ижодий ечимини топиш учун муҳит ярата олади. Олий таълим муассасида талабанинг муҳим компетенциялардан бири – бу ўз касбининг устаси бўлиб чиқишида ва ўқишдан кейинги узлуксиз таълим жараёнида талабаларнинг имкониятларини аниқлайдиган билим олиш қобилиятидир.

Ҳозирги кунда тез эскириб қолаётган аниқ билимларни тўплашдан кўра ўқишни ўрганиш муҳимроқдир. Бундан ҳам муҳимроғи, ижодий фикрлашга асосланган билимларни мустақил эгаллаш компетенциясидир.

Олий таълимда ўқиш даврида махсус қобилиятлар алоҳида ривожланишга эга бўлади. Талаба илк бор бўлажак касбининг асосий қисмлари бўлган кўпгина фаолият турлари билан дуч келади, шунинг учун юқори курсларда мулоқотнинг диалог шаклига алоҳида эътибор бериш лозим бўлади. "Билим" бериш ҳар доимгидай фақат таълимнинг диалог шаклига хосдир, яъни ўқитувчи – талаба [5].

Ижодий фикрлаш, одатда, кимдир томонидан қўйилган масалани ечиш эмас, балки муаммони шакллантириш ва мустақил кўриш қобилияти ҳамдир. Ижодий фикрлашнинг муҳим психологик кўрсаткичларидан бири масаланинг ечимини топишга хизмат қиладиган, ундаги ёрқин ифодаланган ҳиссий қайғуриш ҳолатининг мавжудлигидир. Ҳиссий қайғуришнинг ўрни, айниқса, гўзаллик туйғуларининг ўзи масаланинг ечимини топишга онгли равишда йўналтиради.

Таниқли психиатр, невропатолог В.М. Бехтерев ёзадики, ҳатто машҳур шахсларда ҳам бошланғич ижодий фаолият маълум даражада тақлидга асосланган бўлади. Шунинг учун ижодни руёбга чиқариш нафақат табиий қобилиятга, балки тарбия орқали катта машқларни бажаришга, ақлий меҳнатга тайёрлайдиган маълум кўникмаларга ҳам боғлиқдир [1].

Ижод ва иқтидор ўз шахсига бефарқ эмас, иқтидорли шахс учун, биринчи навбатда, ўзи шуғулланаётган соҳа қизиқ ва муҳим бўлиши керак. М. Горький ёзади: "Иқтидор (талант) – бу ўз ишига муҳаббат. Иқтидор ўз ишига муҳаббат туйғисидан ривожланади, муҳими иқтидор – аслида, фақат ишга муҳаббат, иш жараёнига муҳаббатдир" [2].

Ушбу фикрлардан шуни аниқлаш мумкинки, талабанинг ижодий қобилиятини руёбга чиқиши унинг танлаган касбини ўзига ёқиши, уни қизиқишига боғлиқдир.

Таҳлил ва натижалар. Изланишларимиздан келиб чиқиб таъкидлашимиз жоизки, геометрияни ўқитишда тасаввур, интуиция, хаёлан билиш қобилиятини ривожлантириш имконини беради. Шахснинг бу каби сифатлари, унинг бўлажак касбий ижодий фаолиятида зарурдир. Ижодий фикрлаш масалаларни турли усуллар ва методлар билан ечилишини назарда тутади, бу эса талабанинг кейинчалик таклиф қилинган масалани ечиш методини танлашни амалга ошириш имконини беради.

**Масала**. Трапеция диагоналининг узунлиги 6 см ва 8 см бўлиб, улар ўзаро перпендикуляр. Трапеция ўрта чизиғининг узунлигини топинг.

Е ч и ш. **I усул.** *ABCD* трапеция берилган бўлсин (3.1-расм). *BC* ни ўнг томонга давом эттирамиз. $DK \parallel AC$ ни ўтказамиз. Равшанки *ACKD* параллелограм, унда $DK = 6$ см. Иккинчидан, $BD \perp DK$ чунки $BD \perp AC$ ва *BDK* учбурчак тўғри бурчакли, у ҳолда $BK = \sqrt{BD^2 + DK^2} = 10$ см. Бундан ташқари, $BK = BC + AD$. Маълумки, ўрта чизиқ ВКнинг ярмига тенг, яъни 5см.

Жавоб: 5 см.

**(3.2-расм)**







**(3.1-расм)**

**II усул.** $AD$ нинг давомида кесишувчи $CE \parallel BD$ ни ўтказамиз(3.2.-расм), бундан $DBCE$ нинг параллелограм эканлиги келиб чиқади. Пифагор теоремасига кўра $ACE$ учбурчакдан $AE$ ни ҳисоблаймиз($CE \parallel BD$, бироқ $BD \perp AC$, бундан $CE \perp AC$ келиб чиқади): $AE = \sqrt{AC^2 + CE^2} = \sqrt{6^2 + 8^2} = 10$ см. $AE = a + b$. бироқ ўрта чизиқ $\frac{a+b}{2}$ га тенг, яъни 5 см га тенг. Жавоб: 5 см.

**III усул.** Берилган трапециянинг ўрта чизиғи $MN$ бўлсин(3.3.- расм).

$MK \parallel BD$ ўтказамиз ва $N$ ва $K$ нуқталарни бирлаштирамиз. Иккинчидан, $NK$ кесма $ACD$ учбурчакнинг ўрта чизиғи, бундан $NK = \frac{1}{2} \cdot AC$ ва $NK = 3$см келиб чиқади. Шунга ўхшаш, $MK$ кесма $ABD$ учбурчакнинг ўрта чизиғи, бундан $MK = \frac{1}{2} \cdot BD$ ва $MK = 4$см келиб чиқади. Равшанки, $\angle MKN = \angle AOD$ (параллел кесмаларнинг кесишишидан ҳосил бўлган бурчаклар) ва $MNK$ учбурчак тўғри бурчакли. Бундан $\text{MN} = \sqrt{MK^2 + NK^2} = \sqrt{3^2 + 4^2} = 5$ см.

Жавоб: 5 см.







**(3.3-расм) (3.4.-расм)**

**IV усул.** Трапециянинг ўрта чизиқларини ўтказамиз (3.4-расм). $MPNQ$ нинг бурчаги тўғри бўлган параллелограм эганлигини исботлаш қийинт эмас, яъни томонлари 3 см ва 4 см бўлган тўғри тўртбурчакдир. Унинг диагонали $MN = PQ = 5$см (Миср учбурчаги). Жавоб: 5 см.

**V усул.** $AC$ кесмани $A$ нуқтага томон шундай давом эттирамизки, натижада $AM = OC$ бўлсин (3.5-расм). Худди шундай $BD$ кесмани $D$ нуқтага томон шундай давом эттирамизки, натижада $DN = BO$ бўлсин. Демак, $OMN$ катетлари 6 см ва 8 см бўлган тўғри бурчакли учбурчак бўлади. Пифагор теоремасига кўра $MN = 10$ см. $AE \perp MN$, $DF \perp MN$, $OK \perp BC$ ларни ясаймиз.




3.5-расм

$\begin{cases} \Delta AME = \Delta KOC, \\ \Delta DFN = \Delta BKO \end{cases}$ томони ва унга ёпишган иккита бурчагига кўра. Бундан $ME = KC$ ва $FN = BK$, яъни $MN = AD + BC = 10$ см келиб чиқади.

Ўрта чизиқ $\frac{AD+BC}{2} = \frac{MN}{2} = \frac{10}{2} = 5$. Жавоб: 5 см.

Хулоса қилиб айтганда, масалани фақат битта метод билан ечишда уларда ягона мақсад – тўғри жавобни топиш бўлади. Агар масалани ечишнинг бир неча методлари мавжуд бўлса, у ҳолда талабалар улар орасидаги энг рационалини танлашга ҳаракат қиладилар. Танлов ҳолати – юзаки ҳолат эмас, у кўплаб назарий маълумотларни билиш, уларни мазкур масаладаги ҳолатга қўллай олиш нуқтаи назаридан таҳлил қилиш укувини талаб қилади ва ҳ.к. Буларнинг ҳаммаси талабаларнинг ўқув фаолиятини фаоллаштиради, унга изланиш, ижодий характерни беради ва бунда уларнинг ижодий қобилиятини, мустақил фикрлашини ривожлантиради.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

*1. Погорелов А.В. Геометрия: учебник для 7-10 классов средней школы. – М.: Просвешение, 1991. – С 250.*

*3. Азизходжаева Н.Н. Педагогические технологии и педагогическое мастерство. Учебное пособие для магистратуры всех специальностей. – Т.: ТГПУ им. Низами, 2003. – С 192.*

*4. Виленский М.Я., Зайцева С.Н. Педагогические основы формирования опыта творческой деятельности будущего учителя. Учебное пособие. – М.: МГПУ, 1993. – С 217.*

*5. Жумаев Э.Э. Некоторые вопроси математического развития учащихся в обучении геометрии//Современный научный вестник. Научно – теорети ческий и практический журнал. г. Белгород, №57(196), 2013 йил. Б. 77-83.*

# ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ АКМЕОЛОГИК ҚАРАШЛАРИДАН ТАЛАБАЛАР КОМПИТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ФОЙДАЛАНИШ

**Дилдора Кенжаева,**
ҚДУ Мактабагача таълим кафедраси доценти, п.ф.н.

***Аннотация***

*Ушбу мақолада акмеология тушунчасининг мазмун-моҳияти, шахс ҳаётида акмеологик қарашларнинг тутган ўрни ҳақидаги фикр-мулоҳазалар жамланган. Шунингдек, мақолада миллий таълим-тарбия тарихидаги акмеологик қарашлардан талабалар компетентлилигини ривожлантиришда фойдаланиш йўллари баён қилинган. Ўзбек халқ оғзаки ижоди ҳамда шарқ мутафаккирларининг ижодида ифодаланган акмеологик қарашлардан бугунги кун талабаларига мослаб фойдаланиш талабалар компетентлилигини ривожлантиришда аҳамиятли эканлиги баён қилинган.*

***Калит сўзлар:*** *акмеолия, шахс, акмешахс, акмеология, креативлик, компетентлик.*

***Аннотация***

*В статье обобщены содержание и сущность концепции акмеологии, роль акмеологических взглядов в жизни человека. В статье также описаны способы использования акмеологических взглядов в истории отечественного образования в развитии компетенций учащихся. Было отмечено, что использование акмеологических взглядов, выраженных в фольклоре узбекского народа и в произведениях мыслителей Востока в соответствии с современными требованиями, важно в развитии компетенций студентов.*

***Ключевые слова:*** *акмеология, личность, акмеличностъ, акмеология, творчество, компетентность.*

***Annotation***

*The article summarizes the content and essence of the concept of acmeology, the role of acmeological views in human life. The article also describes the ways of using acmeological views in the history of national education in the development of students' competencies. It was noted that the use of acmeological views expressed in the folklore of the Uzbek people and in the works of Eastern thinkers in accordance with modern requirements is important in the development of students' competencies.*

***Keywords:*** *acmeology, personality, acme personality, creativity, competence.*

Мамлакатимизда ҳур фикрли, мутелик ва журъатсизликдан холи бўлган, ўз билими ва кучига ишониб яшайдиган, мустақил ва эркин шахсни тарбиялаш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бирига айланди. Ватанимизнинг улкан умиди бўлган ёш авлодни келажакда билимдон, мустақил фикрловчи, ўз Ватани ва халқини, оиласини севувчи инсонлар қилиб етиштириш бизнинг асл мақсадларимиздан бири ҳисобланади.

Жамият тараққиётининг барча даврларида ҳам

шахсни ҳар томонлама мукаммал қилиб тарбиялаш долзарб муаммо бўлиб келган. Ўзбек халқи бу борада бой тарихий тажрибага эга.

Ўқитувчи-муаллимларнинг шахсий ижтимоий сифатларига азалдан эътибор қаратиб келинган ва ҳар бир замон талабидан келиб чиқиб, педагогга қўйиладиган талаблар такомиллашиб, мураккаблашиб бораверган.

Касбий-педагогик компетентликка эга бўлишда ўз устида ишлаш, ўз-ўзини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Ўз-ўзини ривожлантириш вазифалари ўзини ўзи таҳлил қилиш ва ўзини ўзи баҳолаш орқали аниқланади. Ўз устида ишлаш - педагогнинг изчил равишда ўзининг касбий билим, кўникма, малака ва шахсий сифатларини ривожлантириб бориш йўлида амалий ҳаракатларни ташкил этиши кабилар муҳим саналади.

Ўз устида ишлаш қуйидагиларда кўринади:

- касбий БКМни такомиллаштириб бориш;
- фаолиятга танқидий ва ижодий ёндашиш;
- касбий ва ижодий ҳамкорликка эришиш;
- ишчанлик қобилиятини ривожлантириш;
- салбий одатларни бартараф этиб бориш;
- ижобий сифатларни ўзлаштириш.

Акмеология [юнончадан акме – ниманидир олий даражаси, логос – фан, чўққи ҳақидаги фан] – алоҳида одамни ва одамлар бирлигини ривожланиш чўққисини ва унга эришиш шароитларини ўрганадиган фанлар тўплами.

Етуклик даражасидаги катта одамни ўрганиш предмети бўлган фанни акмеология деб аталади.

"Акмешахс"ни шакллантириш Акмеология фанининг тадқиқот объекти ҳисобланади.

Акмеология фани нисбатан янги фан бўлганлиги сабабли унинг тадқиқот объекти бўлган акмешахсни шакллантириш бугунги куннинг долзарб муаммосига айланди.

Миллий таълим-тарбия тарихидаги акмеологик қарашлардан талабалар креатив фикрлашларини ўстиришда фойдаланиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир.

Бу фан замонавий таълим таълим олувчилар олдига қуйидаги вазифаларни қўяди:

- тезкор ўзгаришларга кўникиш, ҳаётий фаолият, шунингдек, мавжуд муаммоларни ҳал қилишда ўзлаштирган билимларини моҳирлик билан қўллай олиш;

- мустақил ва танқидий фикрлаш қобилиятига эга бўлиш, реал борлиқ ва юзага келувчи муаммолар моҳиятини англай олиш, замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда, муаммоларни бартараф этиш йўлларини излаб топиш;

- эгаллаган билимларни амалиётда қўллашнинг самарали усулларини топиш, янги ғояларни илғаб олиш ва ижодий фикрлаш;

- ахборот технологияларидан ўз вақтида самарали фойдалана олиш ва уларни қўллай билиш.

Демак, талабалар компетентлилигини ривожлантиришда унинг мустақил фикрлай олиш қобилиятига эга бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Шу боис таълим тизимида талабаларни фикрлашга, ўзлаштирилган билимларни мушоҳада қилишга ўргатиш зарурдир.

Шарқ мутафаккирларининг асарларида ёш авлодда юксак маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантириш, уларни баркамол шахс бўлиб вояга етказишга оид педагогик ғоялар, акмешахс тарбиясининг мазмуни, шакл ва методлари ўз аксини топган бўлиб, улар бугунги кунда ҳам муҳим педагогик қийматга эга. Ушбу асарларда инсон тафаккурини ривожлантириш, ақлий-ахлоқий етуклик ва жисмоний баркамоллик, эстетик маданиятни шакллантириш масалалари ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан ўз ечимига эга бўлган.

Халқ оғзаки ижоди намуналари бўлган достон, эртак, мақол ва халқ қўшиқларида, шунингдек, Юсуф хос Ҳожиб, Кайковус, Аҳмад Югнакий, Муслиҳиддин Саъдий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий ва бошқа мутафаккирларнинг акмеологик қарашлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналари билан танишиш чоғида ёш авлодда баркамол шахсга хос фазилатларни тарбиялашга жуда қадимдан алоҳида эътибор бериб келинганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Жумладан, халқ мақолларида ёшларда юксак инсоний фазилатларни шакллантиришга оид қарашлардан самарали фойдаланилган бўлиб, бу ҳолат, айниқса, панд-насиҳат мазмунидаги мақолларда маслаҳат, насиҳат, истак, буйруқ шаклларида қўлланилган. Масалан:

Ёмоннинг яхшиси бўлгунча,
Яхшининг ёмони бўл!

Қорамуғнинг донаси бўлгунча,
Буғдойнинг сомони бўл!

Қадрласанг қадринг ошар,
Қадрсиздан ҳамма қочар [1, 223].

Бу каби тарбиявий мазмунга эга панд-насиҳатларни халқ оғзаки ижодининг эртак, достон, айтишув, топишмоқ каби жанрларида кўплаб учратиш мумкин. Панд-насиҳат методи халқ оғзаки ижоди намуналари билан бирга таълимий-ахлоқий асарларда ҳам самарали қўлланилган.

Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" асари панд-насиҳат услубида ёзилган асар саналади, унда панд-насиҳат таркибида қиёслаш услубидан ҳам самарали фойдаланган. Асарда яхшилик била нёмонликни, ростлик билан ёлғончиликни, ёруғлик билан


ISSN 2181-8274

қоронғуликни, самимийлик билан қувликни, камтарлик билан такаббурликни, билимлилик билан жоҳилликни, сахийлик билан бахилликни ўзаро қиёслаш асосида уларнинг моҳияти очиб берилган.

Юсуф Хос Ҳожиб кишиларга муносабатда ўртамиёна йўл тутишни маслаҳат беради ва “Агар кишиларга ўртамиёна муносабатда бўлсанг, дўст душманга айланмайди”, – дейди [1, 343].

Улуғ мутафаккир Алишер Навоий ёшлигидан бошлаб илм олишга меҳр қўйганлиги сабабли замонасининг улуғ шоири, давлат арбоби бўлиб етишади. Аллома мавжуд фанларнинг барчасини ўрганиш инсон учун ғоятда фойдали эканлигини уқтиради ва бу борада амалий ҳаракатларни ташкил этади. Чунончи, ўзи ташкил этган “Ихлосия” мадрасаси ёнида мактаб очади, уни ўз вақфидан маблағ билан таъминлайди. Таълим олувчилардан илм ўрганишда қаттиқ интизом талаб этилган. Шунингдек, қобилиятли шахсни тарбияламаслик, унинг қобилиятини ривожлантирмаслик зулм билан тенглаштирилади: “Қобилиятлини тарбия қилмаслик зулмдир, қобилиятсизга тарбия ҳайф. Уни тарбия қилмаслик билан нобуд қилма, бунга тарбиянгни нобуд қилма” [2, 243].

Таълим-тарбия самарадорлигига эришиш мақсадида мактаб ва мадрасаларда ана шу талабларга риоя этилган, талабаларда юқорида таъкидлаб ўтилган жиҳатларни тарбиялаш учун “Тарбияи фикрия”, “Тарбияи тафаккурия”, “Тарбия ихлосия” каби методлар қўлланилган, улар талабаларни фикрлашга ўргатиб, тафаккурларини ривожлантириб, билимларни эгаллашга бўлган қизиқишларини оширган. Шунингдек, тафаккурни ривожлантиришда самарали бўлган илмий мунозара, шарҳли ўрганиш, муаммоларни ҳал этиш, кузатиш, савол-жавоб, билимларни синаш, кўргазмали тажриба каби услублар қўлланилган.

Ўтмиш таълим тажрибасида таълим услублари ҳар бир талабанинг қобилиятини намоён этишга, зеҳнини ўткирлашга, тафаккурини ривожлантиришга ёрдам берган. Натижада аъло, яхши, ўртача даражада ўзлаштирувчи талабалар ажратилиб, улар билан машғулотлар ҳам ўзига хос индивидуал тарзда олиб борилган.

Иқтидорли болаларга бериладиган билимлар ҳажми кўпайтирилиб, уларнинг адабиётлар билан мустақил шуғулланишига кўпроқ эътибор берилган. Иқтидорли талабалар мактаб ёки мадрасаларда талаб этиладиган билим ҳажмини ўзлаштириб, маълум синовдан ўтгач, ўқишни муддатидан олдин битириш имкониятига эга бўлганлар.

Ҳар бир ўқитувчи талабаларга умумий билимларни бериш билан бир қаторда, уларни санъат ва муаммоли масалаларни ечиш сирлари билан ҳам таништириб борганлар.

Ўтмишда муаллимлар ва мадраса мударрислари кўпроқ муҳокама ва мунозаралар уюштириб, матнни шарҳли-изоҳли ўрганиш методларига катта эътибор қаратганлар.

Муҳокамаларда аввал маълум воқеа-ҳодисалар юзасидан ҳукм чиқариб, сўнгра номаълум воқеа ва ҳодисаларни муҳокама этиш кўзда тутилган. Талабаларга аввал маълумотлар берилиб, сўнгра тўғри ва нотўғри маълумотларни бир-бирларидан ажратиб олишга имкон берувчи қобилият таркиб топтирилган.

Мадрасаларда дарс бериш учун таниқли олимларни таклиф этиш анъанаси шаклланган. Бу анъана XIV-XV асрларда Самарқанд мадрасаларида ҳам қўлланилган.

Мадраса талабалари олдиндан берилган муаммолар билан таништирилиб, муҳокама этилаётган муаммони қизғин мунозара асосида чуқур ўзлаштиришлари учун шароит яратилган.

Талабаларда зеҳнни тарбиялаш, уларнинг билимларини мустаҳкамлаш, тафаккур қобилиятларини мустаҳкамлаш, маълумотларни узоқ вақт эсда сақлаб қолишларига эришиш мақсадида чистон (топишмоқ) ларни ечиш, мувашшаҳлар ёзиш, ўрганилаётган муаммони шарҳлаш ва изоҳлаш каби усуллардан фойдаланилган.

Бу усуллар талабаларни рағбатлантирган, ўқишга, илм олишга бўлган қизиқишларини оширган.

Абдурауф Фитрат, айниқса, миллатпарварлиги, миллат вакилларининг ҳар томонлама камол топиши тўғрисида қайғурувчи олим, педагог, ёзувчи ва драматург сифатида ижод қилди. Аллома тилни миллатнинг шон-шарафи, ор-номуси дея эътироф этди. Адиб тилни кўз қорачиғидек сақлашга, бойитиш, тараққий қилдиришга эътибор имкониятлари негизида бойитиш ва тараққий эттириш мақсадга мувофиқ эканлигига урғу беради.

Фитратнинг “Оила ёки оила бошқариш тартиблари” асарининг иккинчи қисми фарзанд тарбиясига бағишланган. Унда баркамол инсон тарбиясида бадан тарбияси, ақлий тарбия, ахлоқий тарбия ҳақида фикр юритади.

Бадан тарбиясида болани гўдаклигидан бошлаб овқатланиши, уйқу, поклик, ҳаракатнинг фарзанднинг камолга етишидаги аҳамияти ҳақида фикр юритади. Шу билан бирга, ақлий тарбияни самарали ташкил этиш, бу жараёнда ташқи ва ички маълумотларни ёдда сақлаш ва хотирани мустаҳкамлаш, муҳокама юритиш кабилар алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлайди.

Ахлоқий тарбияда эса инсон феъли ва ҳаракатлари, майллари: бахт майли, фаолият майли, иззат-нафс, алоқа майли, бошқаларга меҳр-муҳаббат майли, ибрат олиб эътиборда бўлиш майли, билиш майли, гўзаллик майли, фазилатга муҳаббат, ирода

ва ихтиёр кабиларга эътиборни қаратади.

Абдурауф Фитрат оила тарбиясини самарали ташкил этишда қуйидаги шартларга амал қилиш зарур деб ҳисоблайди:

1) фарзандларнинг бадан ва фикрий тарбиясида сусткашлик қилмаслик;

2) ота-она фарзандларига ўз нуқсонларини билдирмасликлари;

3) болаларга ибратли кишилар ҳақида ҳикоялар сўзлаб бериш;

4) болаларнинг ўз ирода ва ақлига қараб ҳаракат қилишга эркинлик бериш [4, 91-92].

Демак, Шарқ мутафаккирларининг акмеологик қарашларида шахс томонидан ўзлаштирилиши зарур бўлган қуйидаги сифатлар: ақлий камолот (билим, заковат ва укувга эга бўлиш); ахлоқий камолот; жисмоний етуклик; гўзалликни ҳис этиш ва ўз-ўзини тарбиялаш, ўз устида ишлаш кабилар кўзда тутилган.

Хулоса қилиб айтганда, Шарқ мутафаккирларининг акмеологик қарашларидан талабалар касбий компетентлилигини ривожлантиришда фойдаланиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир.

Айниқса, асрлар давомида шаклланган акмеологик қарашлар бугунги кунга қадар ўз аҳамиятини йўқотмаган. Улардан таълим жараёнида энг замонавий метод ва усуллар билан уйғун ҳолда мақсадга мувофиқ фойдаланиш таълим-тарбия самарадорлигини оширишда янада муҳим аҳамият касб этади.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**


1. *Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг (Саодатга йўлловчи билим) /Транскрипция. Ҳозирги ўзбек тилига тавсиф ва нашрга тайёрловчи Қ.Каримов. – Т.: Фан, 1971. – 954 б.*
2. *Алишер Навоий. Маҳбуб-улқулуб (Қалблар севгилиси). – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. – 111 б.*
3. *Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – 160 б.*
4. *Абдурауф Фитрат. Оила ёки оила бошқариш тартиблари /Масъул муҳаррир: Д.А.Алимова.тарж.: Ш.Воҳидов. – Т.: Маънавият, 1998. – 112 б.*


# ВЕРТИКАЛ ИНТЕГРАЦИЯЛАШ ОРҚАЛИ ОЛИЙ ТЕХНИК ТАЪЛИМ ТАЛАБАЛАРИДА ИЖОДИЙ ҲАМКОРЛИК КЎНИКМАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МОДЕЛИ


**Даврон Жарқинов,**
Андижон давлат университети докторанти



***Аннотация***

*Мақолада моделлаштириш объекти сифатида олий техника таълим муассасалари талабаларида ижодий ҳамкорликни ривожлантириш жараёни, предметини эса уларда ижодий ҳамкорликни вертикал интеграциялашган таълимни ташкил этишнинг мазмуни ва методик тизими ташкил этди.*



***Калит сўзлар:*** *интеграция, ижодий ҳамкорлик кўникмалари, вертикал интеграциялаш, техник.*



***Аннотация***

*В качестве объекта моделирования в статье рассмотрен процесс развития творческого сотрудничества у студентов высших технических учебных заведений, предметом которого стала содержательно-методическая система организации вертикально интегрированного образования творческого сотрудничества.*



***Ключевые слова:*** *интеграция, навыки творческого сотрудничества, вертикальная интеграция, техника.*



***Annotation***

*As an object of modeling in the article, the process of developing creative cooperation in students of higher technical educational institutions, the subject of which was the content and methodological system of organizing vertically integrated education of creative cooperation.*



***Keywords:*** *integration, creative cooperation skills, vertical integration, technical.*


Олий таълим сифатига бўлган талаблар характери фақат фан, техника, технологияларнинг ривожига эмас, мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида ижтимоий-иқтисодий тизимлар мазмунида содир бўлаётган мураккаб ўзгаришларга ҳам боғлиқ бўлмоқда. Мутахассисларнинг юқори малакага эга бўлиши, биринчи навбатда, олий таълим муассасаси битирувчиси учун зарурдир, чунки унинг фаолияти

ижтимоий ҳаётда рақобатбардошлиги ҳамда меҳнат бозоридаги ўрни билан белгиланади. Шу билан бирга, битирувчиларимизнинг меҳнат бозорида ўз ўрнига эга бўлишини таъминлаш учун уларда ижтимоий тажриба малакасини шакллантириб боришимиз зарур. Шунинг учун ҳам мамлакат миқёсида, вилоятлар кесимида олий маълумотли мутахассисларга бўлган талабни, тармоқлар бўйича мутахассисларга бўлган эҳтиёжни ўрганиш ҳамда ижтимоий-иқтисодий тизимларда содир бўлаётган ўзгаришларга, тараққиёт мазмунига эътибор бериш зарур. Шу муносабат билан қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармони муҳим амалий ва назарий, тарихий аҳамият касб этади [1]. Ушбу ҳужжатда олий таълимни тубдан ислоҳ қилиш, мамлакатнинг ривожланиш стратегиясига мувофиқ малакали мутахассислар тайёрлаш тизимини ҳар томонлама такомиллаштириш, замонавий бакалаврлар ва магистрлар тайёрлаш ишини халқаро талаблар асосда ташкил қилиш вазифаси қўйилган. Олий таълим мамлакатнинг эртанги тараққиётини белгилаб берадиган, фуқаролик жамиятининг барча жабҳасини ислоҳ этишда ҳал қилувчи вазифани бажарадиган омил ҳисобланади.

Ғарб мамлакатларида вертикал интеграциялаш орқали олий техник таълим муассасаси талабаларида ижодий ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантиришнинг педагогик, психологик ва фалсафий жиҳатлари кўплаб тадқиқотчилар томонидан ўрганилган. Хусусан, хорижлик олмилар Ж.Мартин, Х.Бек, Ф.Дессауэр, С.Хокинг, Н.Виг, Ж.Эллюль, М.Хайдеггер, К.Ясперс, Д.Медоузларнинг тадқиқот ишларида мазкур муаммолар таҳлил қилинган [3,19].

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги олимларидан В.С.Степанов, В.Степин, М.И.Щадов, Ю.А.Чернегов, Н.Ю.Чернегов ва бошқаларнинг асарларида талабаларда ижодий ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантириш ижтимоий-педагогик жиҳатлари ҳам ёритилган.

Вертикал интеграциялаш орқали талабаларда ҳамкорликда илмий тадқиқотларни олиб бориш, қуйи босқич талабаларини юқори босқич талабалари томонидан илмий лойиҳаларни бажаришга йўналтириш ва бу орқали технологик тапраққтиётга доир билимларини чуқурлашиб боришига эришиш мумкин бўлади. Кўплаб олимлар техник тараққиётнинг икки ёқлама табиатини кўрсатишга ҳаракат қиладилар. Бир томондан, техника ва технологиянинг ривожланиши инсонга кўп сонли муаммолар ва вазифаларни ҳал қилиш имкониятини беради, аҳоли фаровонлигини таъминлайди. Бошқа томондан эса техник тараққиёт олдиндан айтиш ҳам, назорат қилиш ҳам мумкин бўлмаган кутилмаган салбий оқибатларнинг ўсишига олиб келади. Техник тараққиёт ўз ҳаракат мўлжалларига эга эмас, у қаёққа кетаётганини ҳеч ким билмайди. Шу туфайли ҳам унинг оқибатларини олдиндан кўра билиш мумкин эмас. Техник тараққиёт қанча кучли бўлса, унинг кутилмаган оқибатлари йиғиндиси ҳам шунча катта бўлади. Техника тараққиёти кучайиб боргани сари, у яратувчи зиддиятлар, тўсиқлар ва бўҳронлар сони ҳам кўпайиб боради. Хусусан, атроф муҳитнинг ифлосланиши, тикланмайдиган ресурсларнинг камайиши, потенциал хавф-хатарларнинг глобаллашуви шулар жумласидандир. Бинобарин, етказилган зарарни қоплашга ёки камайиб бораётган ресурсларнинг ўриндошини топиш учун тадқиқотларга ажратиладиган молиявий маблағларни муттасил равишда қайта ҳисоб-китоб қилиш талаб этилади. Шундай ҳисоб-китобдан кейингина техник ривожланиш маҳсулотининг реал қиймати, техника воситаларининг реал нархлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Масалан, кучли заҳарланишга сабаб бўлувчи техника тозалаш иншоотлари қуришни, саломатликни тиклаш марказлари ташкил этишни талаб қилади. Бинобарин, харажатлар умумий сметасига буларнинг қийматини ҳам киритиш талаб этилади. Демак, олий техник таълим муассасалари талабаларни техгнологик инновацияларни яратишга, ихтиролар қилишгагина тайёрлаш эмас, бу масъулиятни ўз зиммасига олган кадрларда юксак инсонпарварлик, унинг тақдирига жавобгарлик ҳиссини ҳам шакллантириш вазифаларини олмоқда [2,15].

Моделнинг мазкур тури олий техника таълим муассасалари талабаларида вертикал интеграциялашган таълимни ташкил этиш орқали ижодий ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантириш, шунингдек, тайёргарлик даражасининг бошланғич ва якуний ҳолати ўртасидаги фарққа эришишга имкон берувчи тадқиқ этилаётган жараёнларни акс эттиришга ёрдам беради.

Бозор иқтисодиёти муносабатларининг чуқурлашуви, такомиллашиши шароитида бўлажак мутахассисларда компетентлик, юқори касбий тайёргарлик, ўз касбига содиқлик, ўзгариб бораётган ижтимоий ҳаётга мослашувчанлик, мустақил ҳолатда мунтазам ўз билимларини ошириб бориш, доимий суръатда таклиф ва тавсиялар бера олиш, фаолиятини мустақил таҳлил қилиш каби хусусиятларни шакллантириш асосий вазифа ҳисобланади. Таъкидлаш лозимки, олий таълим жараёнининг сифати бевосита юқори малакали мутахассис тайёрланиши билан чамбарчас боғлиқдир. Чунки фуқаролик жамияти шароитида олий таълим инсон фаолиятидаги асосий ютуқлар ва ҳаёти барқарорлигининг муҳим омили сифатида гавдаланмоқда. Шу билан биргаликда, олий таълимда рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш нафақат профессор-ўқитувчилар, балки талабалар

учун ҳам мураккаб жараён ҳисобланади. Бунинг асосий сабаби шундаки, юқори малакали мутахассис тайёрлаш жараёни бўлажак бакалавр ва магистрларда касбий билимлар, кўникмалар, рақобатбардошликка оид шахс сифатларини, жиҳатларини шакллантиришни талаб қилади.




Бозор иқтисодиёти муносабатларининг чуқурлашуви, такомиллашиши шароитида бўлажак мутахассисларда компетентлик, юқори касбий тайёргарлик, ўз касбига содиқлик, ўзгариб бораётган ижтимоий ҳаётга мослашувчанлик, мустақил ҳолатда мунтазам ўз билимларини ошириб бориш, доимий суръатда таклиф ва тавсиялар бера олиш, фаолиятини мустақил таҳлил қилиш каби хусусиятларни шакллантириш асосий вазифа ҳисобланади. Таъкидлаш лозимки, олий таълим жараёнининг сифати бевосита юқори малакали мутахассис тайёрланиши билан чамбарчас боғлиқдир. Чунки фуқаролик жамияти шароитида олий таълим инсон фаолиятидаги асосий ютуқлар ва ҳаёти барқарорлигининг муҳим омили сифатида гавдаланмоқда. Олий таълимда рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш нафақат профессор-ўқитувчилар, балки талабалар учун ҳам мураккаб жараён ҳисобланади. Бунинг асосий сабаби шундаки, юқори малакали мутахассис тайёрлаш жараёни бўлажак бакалавр ва магистрларда касбий билимлар, кўникмалар, рақобатбардошликка оид шахс сифатларини, жиҳатларини шакллантиришни талаб қилади.

Бугунги тараққиёт техник соҳа мутахассисларидан ҳам ўз ишини чуқур билишни, ишбилармонликни, нostандарт қарорлар қабул қила оладиган, ташкилотчи шахс сифатларини шакллантиришни талаб қилмоқда. Қайд этиш лозимки, олий техник таълим муассасаларида юқори малакали мутахассисни тайёрлаш ўқув режаси мазмуни икки қисмдан иборатдир: бўлажак мутахассиснинг касбига доир билимларни эгаллашини таъминлаш ва ҳозирги замон мутахассиси учун зарур бўлган шахсий, ахлоқий, маънавий, ватанпарварлик, ишбилармонлик хусусиятларни шакллантириш. Ҳозирги даврда магистрлар ва бакалаврлар тайёрлаш ўқув дастурлари ўзининг илмийлиги, бўлажак мутахассислар учун зарурлиги, бевосита амалиёт билан боғлиқлиги, келажакдаги вазифаларни ечишга йўналтирилганлиги билан ажралиб туриши лозим. Бунинг учун олий техник таълимда вертикал интеграциялашагн таълим муҳитини шакллантириш, бу асосда қуйи босқич талабаларини дарсдан бўш вақтларида юқори босқич талабалари билан амалиёт ўташларига, ўзаро ёрдамлашиш асносида бири-бирига соҳага оид янгиликларни ўргатишларинига қаратилган таълим модели ва технологиясини ишлаб чиқиш талаб этилади.

Тадқиқотимизда моделлаштириш объекти сифатида олий техника таълим муассасалари талабаларида ижодий ҳамкорликни ривожлантириш жараёни, предметини эса уларда ижодий ҳамкорликни вертикал интеграциялашган таълимни ташкил этишнинг мазмуни ва методик тизими ташкил этди.

Олий техника таълим муассасалари талабаларида ижодий ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган педагогик тизимни моделлаштиришда қуйидаги функцияларнинг бажарилиши кўзда тутилди:

- методологик таъминот функцияси. Мазкур функцияни амалга ошириш меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва олий техника таълим муассасалари талабаларида ижодий ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантиришнинг назарий асосларини белгилаб берувчи ижтимоий буюртма билан боғлиқ;
- меъёрий-ҳуқуқий таъминот функцияси. Мазкур функция олий техника таълим муассасалари талабаларида ижодий ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантиришга доир фаолиятга жалб этиш тамойиллари, мазмуни, вазифалари, педагогик шарт-шароитлари, диагностик воситаларини аниқлашни тақозо этади;
- методик таъминот функцияси. Олий техника таълим муассасалари талабаларида вертикал интеграциялашган таълим асосида ижодий ҳамкорлик кў-

никмаларини ривожлантиришнинг методик (мазмуни, шакл, метод ва воситалари) шарт-шароитларини аниқлаштиришни талаб этади;

- амалий-татбиқий (эмпирик) функция. Мазкур функция қатор вазифаларни ҳал этишга имкон беради: олий техника таълим муассасалари талабаларида ижодий ҳамкорликни ривожлантиришга доир билим, кўникма, малака ва компетенциялар билан боғлиқликда қадриятга йўналтирилган установка ва барқарор мотивларни шакллантириш, тадқиқ этилаётган жараённи таҳлил этиш ва муайян тузатишлар киритиш; натижаларни баҳолаш ва таҳлил этиш ва ҳоказо. [4,27].

Хулоса шуки, олий техник таълим йўналиш талабаларининг вертикал интеграциялаш орқали ижодий ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантириш самарадорлиги маълум бир сифат ўзгаришларининг мавжудлиги орқали аниқланади.

Олий техник таълим йўналиш талабаларининг вертикал интеграциялаш орқали ижодий ҳамкорлик кўникмаларини ривожланганлик даражасини ташхис этишнинг таклиф этилган дастури асословчи босқичда синовдан ўтказилди ва ривожланганлик даражасини аниқлашга имкон берувчи таълимий тажриба-синов жараёнида фойдаланилди.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**


1. *Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармони. https://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-oliy-talim-tizimini-2030-yilgacha-riv-09-10-2019*

2. *Подласый И.П. Педагогика. – М.: ВЛАДОС, 1996. – С.432.*

3. *Массен П, Конгер Дж и др. Развитие личности в среднем возрасте. – Гродно: ГрГУ, 2018. – С. 318*

4. *Семушина Л.Г., Ярошенко Н.Г. Содержание и технология обучения в средних специальных учебных заведениях: Учеб. пособие для преп. учреждений сред. проф. образования. – М.: Мастерство. – С.150.*


## O'QUVCHILARNING INTELEKTUAL QOBILIYATLARINI RIVOJLANTIRISH


**Nazira Xamrayeva,**
Jizzax davlat pedagogika universiteti o'qituvchisi



***Annotatsiya***

*Ushbu maqolada o'quvchilarning individual psixologik qobiliyatlarini hisobga olgan holda, aqliy qobiliyatlarini rivojlantirish, o'quvchilarning intellektual va kognitiv tanlovlarda, olimpiadalarda, musobaqa va hokazolarda ishtirok etishga chuqurroq tayyorgarlik ko'rish zaruriyati to'g'risida ma'lumotlar keltirilgan.*



***Kalit so'zlar:*** *individual psixologik, texnopark, o'smirlar, intellektual, iqtidorli, loyihaviy o'qitish, muammoli ta'lim.*



***Аннотация***

*В данной статье представлена информация о необходимости развития умственных способностей учащихся с учетом их индивидуальных психологических возможностей, подготовки учащихся к участию в интеллектуально-познавательных олимпиадах, олимпиадах, конкурсах и т.п.*



***Ключевые слова:*** *индивидуально-психологический, технопарк, подростки, интеллектуальные, одаренные, проектное обучение, проблемное обучение.*



***Annotation***

*This article provides information on the need to develop the mental abilities of students, taking into account their individual psychological capabilities, preparing students to participate in intellectual and cognitive olympiads, olympiads, competitions, etc.*



***Keywords:*** *individual psychological, technopark, teenagers, intellectual, gifted, project-based learning, problem-based learning.*


O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 30-avgustdagi "Yoshlarni ilm-fan sohasiga jalb etish va ularning tashabbuslarini qo'llab-quvvatlash tizimini takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-4433-son qarorida iqtidorli yoshlarni aniqlash va ularni qo'llab-quvvatlash to'g'risida fikrlar bildirilgan. Yoshlarning ijodiy, intellektual va tadbirkorlik salohiyatini ro'yobga chiqarish, innovatsion g'oyalar, loyihalar va texnologiyalarni ishlab chiqarishga joriy qilish, iqtidorli talabalar, yosh olimlar va tadbirkorlarning innovatsion faoliyatini rag'batlantirish,

ilm-fan, ta’lim va ishlab chiqarish integratsiyasini kuchaytirish uchun zarur shart-sharoitlar yaratilmoqda. Shu bilan birga, yosh iqtidor sohiblarini innovatsion tadbirkorlik sohasiga tizimli jalb qilish bo‘yicha olib borilayotgan ishlar samaradorligini oshirish, shu jumladan:

iqtidorli yoshlarni ishbilarmonlar va etakchi olimlar bilan hamkorlikda ish yuritishi uchun yagona tizim yaratish va shu asosda ilm-fan sohasida yosh kadrlar etishtirish tizimining uzviyligini ta’minlash;

ilmiy tadqiqotlarni bajarish ishtiyoqiga ega iqtidorli yoshlarni qo‘llab-quvvatlash, amaliy va innovatsion tadqiqotlarni olib borishlariga imkon yaratish, yangi avlod yosh olimlarini tayyorlash bo‘yicha tizimli ishlarni amalga oshirish;

yosh olimlar tomonidan aniq vazifalarni hal etishga, ichki va tashqi bozorlarda talab yuqori bo‘lgan ilg‘or texnologik ishlanmalarni ishlab chiqishga qulay sharoitlar yaratish;

ilmiy-innovatsion akselerator va biznes-inkubatorlarni tashkil etish asosida tashabbuskor yoshlarni tadbirkorlik faoliyatiga yo‘naltirish;

yoshlarning startap loyihalarini xo‘jalik boshqaruvi organlari va davlat ulushi mavjud korxonalarni izchil rivojlantirish bo‘yicha zamon talablariga javob beradigan, tijoratlashtirish darajasi yuqori bo‘lgan mahsulotlar va xizmatlarni ishlab chiqarishga yo‘naltirish;

iqtidorli yoshlarni rivojlangan xorijiy mamlakatlarning nufuzli ilmiy markazlari, universitetlari, texnoparklari va ishlab chiqarish korxonalarida malaka oshirishlariga ko‘maklashish;

xalqaro va mahalliy darajada e’tirof etilgan tashkilotlar, universitetlar, ilmiy markazlar bilan yaqindan aloqalar o‘rnatish, ularning olimlari va mutaxassislari ishtirokida mahorat darslari, treninglar, shuningdek, dolzarb ilmiy-innovatsion yo‘nalishlar bo‘yicha konferensiyalar, seminarlar va tanlovlar o‘tkazish;

o‘quvchilarning individual psixologik qobiliyatlarini hisobga olgan holda, aqliy qobiliyatlarini rivojlantirish, o‘quvchilarning intellektual va kognitiv tanlovlarda, olimpiadalarda, musobaqa va hokazolarda ishtirok etishga chuqurroq tayyorgarlik ko‘rish zaruriyati bilan bog‘liq. Dastur o‘quvchilarning umumiy madaniyatini shakllantirishga, ularning ma’naviy-axloqiy, ijtimoiy, shaxsiy va aqliy rivojlanishiga ko‘maklashadi, ijodiy qobiliyatlarni rivojlantirish, o‘z-o‘zini rivojlantirish va o‘z-o‘zini takomillashtirishga qaratilgan.

Bolalar va o‘smirlarning intellektual, tashkiliy va kommunikativ qobiliyatlarini rivojlantirish bo‘yicha ishlarni intellektual dam olish, ijtimoiy va loyihaviy faoliyatiga kattalar va bolalarning birgalikdagi faoliyati orqali barcha intellektual va kognitiv tadbirlarning faol tashkilotchilari va ishtirokchilari sifatida kiritishdan iborat. Bu ishni amalga oshirishda quyidagi texnologiyalardan foydalaniladi [2, 56]:

muammoli ta’lim texnologiyalari (o‘quvchilarning ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirish, unda o‘qituvchi tafakkurning rivojlanish qonuniyatlarini bilishga asoslanib, o‘quvchilarning fikrlash qobiliyati va bilish ehtiyojlarini shakllantirish bo‘yicha maqsadli ishlarni olib borish uchun maxsus pedagogik vositalardan foydalanadi);

o‘yin texnologiyasi;

loyihaviy o‘qitish texnologiyalari (muayyan natijaga erishish uchun talabalarning mustaqil faoliyatini tashkil etish yo‘llari, qiziqish, o‘quvchining rivojlanayotgan shaxsini ijodiy o‘z-o‘zini anglash, unga qiziqish har qanday muammoni hal qilish jarayonida uning intellektual va jismoniy qobiliyatini, iroda va ijodiy qobiliyatini rivojlantirish);

tanqidiy fikrlashni rivojlantirish (qiziquvchanlikning namoyon bo‘lishi, tadqiqot usullaridan foydalanish, savollar tuzish, muntazam ravishda javob izlash, dalillarning sabablari va oqibatlarini ochib berish, umumiy qabul qilingan haqiqatlarga nisbatan shubha, nuqtai nazarni ishlab chiqish va mantiqiy dalillar bilan himoya qilish qobiliyati);

shaxsga yo‘naltirilgan yondashuv texnologiyalari (maksimal rivojlanish (oldindan belgilanganlarni shakllantirish emas) bolaning shaxsiy bilim qobiliyatlarini mavjud hayot faoliyati tajribasi asosida shakllantirish).

Intellektual o‘yinlar. Intelektual o‘yinlar o‘quvchilarning aqliy qobiliyatlarini rivojlantiribgina qolmasdan, ularning fikrlash, xulosalash, o‘z-o‘zini namoyish eta olish, o‘z fikrini erkin bayon eta olish, jamoaga kirishuvchanlik kabi xislatlarini shakllantiradi. Intelektual o‘yinlar nafaqat o‘qitishning amaliy yo‘nalishi kuchayishiga, balki o‘quvchilarning dars jarayonida o‘zlashtirayotgan nazariy bilimlarini mustaqkamlanishiga olib keladi [3, 47]. Ta’kidlash joizki, intelektual o‘yinlarni tashkil etishdan oldin bu jarayonga puxta tayyorgarlik ko‘rilishi lozim. Bunda asosiy e’tibor mashg‘ulot jarayonida qo‘llaniladigan intelektual o‘yinlardan mavzuga moslarini tanlash, mashg‘ulotning qaysi bosqichida ularni amalga oshirilishini belgilash, o‘yinning shartini o‘quvchilarga aniq tushuntirish kabilarga qaratiladi. Garchi, intelektual o‘yinlar yangi bilimlarni chuqur bermasa-da, darsning qiziqarli bo‘lishini ta’minlaydi. Boshlang‘ich sinf o‘quvchilarining ta’lim jarayonidagi nazariy bilimlarini yanada rivojlantirish, ularda mustaqil fikrlash, muammoga ijodiy yondashish layoqatlarini rivojlantirishda intelektual o‘yinlardan unumli foydalanish ijobiy samara beradi [4, 68]. Intelektual o‘yinlarning asosiy maqsadi – o‘quvchilarning dunyoqarashini kengaytirish, fikrlash qobiliyatlarini oshirish, bilim olishga bo‘lgan qiziqishlarini oshirishdan iborat. Quyida o‘quvchilarning intelektual qobiliyatlarini rivojlantiruvchi intelektual o‘yinlar haqida fikr yuritamiz.

“Hozirjavoblik” o‘yini. Ushbu o‘yinda o‘qituvchi o‘yin ishtirokchisining pedagogik bilim, tushunchalarini qay darajada o‘zlashtirib olganligini sinab ko‘radi. O‘yinning shartiga ko‘ra, boshlovchi tomonidan aytilgan pedagogik iboraning aksini o‘quvchi yoki talaba tomonidan aytilis-

hi zarur. O'yin jarayonida o'quvchi tomonidan aytilgan to'g'ri va noto'g'ri javoblar hisobga olib boriladi hamda reyting tizimi shkalasi asosida baholab boriladi [4, 107].

"Xotira mashqi" o'yini. Intelektual o'yinning bu turi o'quvchilar tomonidan o'zlashtirilayotgan bilimlarni mustahkamlanishida muhima hamiyat kasb etadi. Mazkur o'yinda o'qituvchi tomonidan ma'lum bir mavzu yoki bo'limga oid tushunchalar o'quvchilarga etkaziladi [5, 79]. O'quvchilar esa ma'lum bir vaqt (daqiqalar) orasida og'zaki yozma ravishda xotiralarga suyangan holda, ularni bayon etishlari zarur. Masalan: "Klasster" (tarmoqlanish) o'yini. O'yinning shartiga ko'ra, o'qituvchi ma'lum bir umumlashgan pedagogik tushunchani doskaga yozadi hamda o'quvchilarga mazkur tushunchani ifodalovchi xususiy tomonlarini aniqlash topshiriladi. Masalan: o'quvchi, maktab, bilim, amaliyot, pedagog kabilar.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

*1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Iqtidorli yoshlarni aniqlash va yuqori malakali kadrlar tayyorlashning uzluksiz tizimini tashkil etish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarori 18-son, 352-modda 3.05.2019 y.PQ-4306*

*2. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т., 2008. – 87 бет.*

*3. Mavlonova R. A. Raxmonqulova N. X, Voxidova N. X. "Pedagogika" Darslik, 2010-y.*

*4. Раҳматова Ф.А. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг математик тафаккурини такомиллаштиришнинг илмий-назарий асослари. Монография. – Т.: Фан ва технология, 2017. – 145 б.*

*5. Раҳматова Ф.А. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг математик тафаккурини такомиллаштириш. Пед. фан. фал. док. (PhD) ...дисс. – Чирчиқ: ЧДПИ, 2019. – 130 б.*

# BIOTEXNOLOGIK YANGI G'O'ZA LINIYALARI ASOSIDA OLINGAN MURAKKAB GIBRID KOMBINATSIYALARINI ORTTIRILGAN NaCl TA'SIRIGA CHIDAMLILIGINI ANIQLASH

**Nodira Raxmatova, Abdusalom Makamov,**
**Muxtor Darmanov, Ilyos Normamatov,**
**Azadaxon Imamxodjayeva, Naim Xusyenov,**
**Jurabek Norbyekov, Umid Boyqobilov,**
**Zabardast Buriyev,**
O'zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasi Genomika va bioinformatika markazi

***Annotatsiya***

*Maqolada g'o'za genotiplarining BC4F7 avlodining murakkab duragay kombinatsiyalarini o'rganish, morfobiologik belgilar bo'yicha o'sish sur'atlarini baholash va sho'rlanishning laboratoriya sharoitida (200 mM NaCl) yaratilgan ularning barqarorligiga oid ma'lumotlar keltirilgan. G'o'za o'simliklari rivojlanishining yuqori intensivligidagi sho'rlanish sharoitida g'o'za to'qimalarida salitsil kislotaning miqdori o'rganildi.*

***Kalit so'zlar:*** *salitsil kislotasi, NaCl, osmotik stress, stressga chidamlilik, suyuqlik xromatografiyasi.*

***Аннотация***

*В статье приводятся данные по изучению сложных гибридных комбинаций поколения BC4F7 генотипов хлопчатника, оценка скорости роста по морфо-биологическим признакам и их устойчивости созданных в лабораторных условиях засоления (200 мМ NaCl). Исследовано содержание салициловой кислоты в тканях хлопчатника, на условиях засоление разной интенсивности развития растений хлопчатника.*

***Ключевые слова:*** *салициловая кислота, NaCl, осмотический стресс, стрессоустойчивость, жидкостная хроматография.*

***Annotation***

*The article presents data on the study of complex hybrid combinations of the BC4F7 generation of cotton genotypes, an assessment of the growth rate by morpho-biological characteristics and their stability created in laboratory salinization conditions (200 mM NaCl). The content of salicylic acid in cotton tissues was studied, under conditions of salinization of different intensity of development of cotton plants.*

***Keywords:*** *salicylic acid, NaCl, osmotic stress, stress resistance, liquid chromatography.*

Samarali qishloq xo'jaligi mahsulotlarini ishlab chiqarishini ta'minlash uchun sug'orish muhim bo'lgan dunyoning ko'plab mintaqalarida sho'rlanish doimiy muammodir. Bunday holatlar sho'rga chidamli ekin navlariga ehtiyoj borligini ko'rsatadi. O'simliklarning sho'rlanishiga ta'siri va javob mexanizmlari [1, 2, 3] va tuzga chidamlilikning genetik xilma-xilligi [4] bo'yicha keng ko'lamli tadqiqotlar nashr etilgan. Ma'lumki, tuproqlarda tuzlar miqdorining ko'payishi ularning unumdorligini asta-sekin kamaytiradi. Bu muammoni hal etish ko'p jihatdan ratsional agrotexnik tadbirlarni ishlab chiqish va sho'rlanishga chidamli qishloq xo'jaligi ekinlaridan foydalanishga bog'liq. Bunday ekinlarni yetishtirish va ulardan foydalanish sho'rlanishning o'simliklarga ta'sirini va tuzga chidamlilik asosidagi fiziologik jarayonlarni tushunmaslik mumkin emas. Shuning uchun tuzga chidamlilikning fiziologik asoslarini o'rganish va sho'rlanishga chidamlilikni oshirish juda muhim yo'nalishdir. Sho'rlangan tuproqdagi o'simliklar suvni singdirishda qiyinchiliklarga duch keladi, natriy va xlor, karbonat anionlarining fiziologik va biokimyoviy jarayonlarga toksik ta'siri kuchli raqobat tufayli, zarur moddalarni yetkazib berishi buziladi. G'o'za nihollarining o'sishi va yashovchanligini cheklovchi eng muhim abiotik stresslar qurg'oqchilik, sho'rlanish, noqulay harorat va tuproq unumdorligining pastligi bilan bog'liq. Shulardan qurg'oqchilik va tuproq sho'rlanishi mamlakatimizda paxta yetishtirishda katta muammolarni keltirib chiqarmoqda. Sho'rlanish, asosan, tuproqdagi natriy miqdori ortishi bilan bog'liq. Alohida natriy tuzlarining ustun to'planishiga qarab, sho'rlanish sulfat, xlorid, soda yoki aralash bo'lishi mumkin. Na+ va CI- ionlari eng zararli ta'sirga ega. Sho'rlanish tuproqda past suv potentsialini yaratishga olib keladi, shuning uchun o'simlikka suv o'zlashtirilishi juda qiyin kechadi. Tuz stressi tufayli o'simliklarning mahsuldorligini yo'qotish hujayralardagi ion va osmotik muvozanatlardagi nomutanosiblik oqibatidir, deb ishoniladi [5]. Tuzlarning ta'siri ostida hujayralar ultrastrukturasining buzilishi, xususan, xloroplastlar tuzilishining o'zgarishi sodir bo'ladi. Osmotik stressni oldini olish uchun osmoregulyatsiya zarur. Ko'pgina paxtadagi stress tadqiqotlar, shuningdek, tuzga moslashish jarayonida auxin, sitokinin (CK), gibberellin (GA), abtsis kislotasi (ABA), etilen, brassinosteroid (BR), jasmonat (JA) va salitsil kislotasi (SA) kabi fitogormonlar ishtirok etishini tasdiqladi [6]. Salitsil kislotasi (SA) signalizatsiya oraliq mahsuloti va fitogormonning xususiyatlarini birlashtirgan stress metaboliti maqomiga ega [7, 8]. SA fotosintez, azot almashinuvi, prolin almashinuvi, glitsin betain ishlab chiqarish, stress sharoitida antioksidant himoya tizimi kabi muhim o'simlik fiziologik jarayonlarini tartibga solishda ishtirok etadi va shu bilan o'simliklarning abiotik stresslarga chidamliligini ta'minlaydi [11-12]. Buning uchun kelajakda SA tarkibini tahlil qilishdan tashqari, glisin betain, sorbitol, saxaroza va prolin kabi erigan organik moddalar darajasini aniqlashni rejalashtirmoqdamiz. Bundan tashqari, Na+ va (yoki) Cl- ning yuqori konsentratsiyasi fotosintezni to'xtatadi va o'simliklarning o'sishi sekinlashadi. Tuzlarning ortib borayotgan konsentratsiyasi oqsillarning ishini inaktiv qiladi, ularning sintezini to'xtatadi. Yuqori tuz konsentratsiyasining salbiy ta'siri birinchi navbatda o'simliklarning ildiz tizimiga ta'sir qiladi [9]. Shu munosabat bilan, turli usullar (fiziologiya, biokimyo, biotexnologiya usullari) kombinatsiyasi asosida o'simlik resurslarining noqulay abiotik sharoitlarga chidamliligini o'rganish va baholash zarurati tug'iladi. Shu munosabat bilan o'simliklarning stressga chidamliligini baholashda proteomika va metabolomika usullaridan foydalanish dolzarb va muhumdir. Genomika va bioinformatika markazining fundamental loyihalari doirasida selleksiya samaradorligini sezilarli darajada oshiradigan genlarni piramidalash texnologiyasidan foydalangan holda - qurg'oqchilik va sho'rlanishga chidamlilik uchun mas'ul bo'lgan genlarni bitta genotipga birlashtirish asosida, yuqori sifatli tolali, qurg'oqchilik va sho'rlanishga chidamli yangi g'o'za liniyalari va navlari yaratilmoqda [13,14]. Ayni paytda paxta seleksiyasi maydon birligidan olinadigan paxta tolasi hosildorligini oshirish va uning sifatini oshirish, pishib etish muddatini qisqartirish, o'simliklarning ishlab chiqarish qobiliyatini oshirish, bu esa mexanizatsiyalashgan holda yig'im-terim samaradorligini oshirish, chidamli paxta tolali, duragaylar yaratish, abiotik stress, kasallik va zararkunandalar hamda hasharotlar zararkunandalariga chidamli va keng spektrli gerbitsidlarga chidamli transgen liniyalarni yaratish, tolalarning tabiiy rangi har xil bo'lgan navlarni yaratish va boshqalar yaratish kabi yo'nalishlarda amalga oshirilmoqda. [15]. Tadqiqotimizning maqsadi ko'proq chidamli genotiplarni aniqlash uchun sun'iy ravishda yaratilgan sho'rlanish sharoitida SA tarkibini tahlil qilish asosida BC4F7 avlodining gibrid kombinatsiyalarini baholashdan iborat. Buning uchun morfologik xususiyatlariga ko'ra tanlangan namunalar tuz eritmasi (200 mM NaCl) bilan sug'orilgan va SA stress sharoitlariga chidamlilik ko'rsatkichlaridan biri sifatida aniqlangan tajriba qilindi.

Materiallar va uslublar:

Tajribada BC4F7 avlodining 25 duragay kombinasiyasi [Andijon-35 × (Andijon -35 × L-141) × (Andijon-35 × Saenr pena 85)] , marker usulida yaratilgan paxta DNK markerlari (BNL1604 va BNL1122) bilan murakkab kesishishi natijasida yaratilgan izogen chiziqlar bo'lgan bog'liq tanlov ishlatilgan. Shuningdek, duragaylar uchun nazorat sifatida 3 ta namuna (Andijon-35, Saenr Pena 85 va L-141 navlari) tahlil qilindi. Bu murakkab duragay o'simliklar uch yil davomida uch marta "Andijon-35" g'o'za navi bilan bekkrosslashdan o'tkazilib, har bir duragayda tola sifatli QTL lokusu DNK markerlari yordamida, tola sifati yuqori bo'lgan bekkross duragay o'simliklar

tanlab olindi. QTL lokuslari uchun geterozigotli BC3F1 gibrid o'simliklari o'z-o'zidan changlanadi va bu lokuslar uchun ajratilgan BC3F2 gibrid o'simliklari gomozigotli DNK markerlari bilan PCR skriningi orqali tanlangan. O'z navbatida keyingi avlod BC3F3 – BC3F4 o'simliklari morfobiologik va xo'jalik xususiyatlariga ko'ra alohida pitomniklarda o'rganilib, tolasi yuqori, hosildorligi yuqori, ertapishar namunalari individual tanlash asosida tanlab olindi.

Tadqiqot ob'ekti sifatida g'o'zaning Andijon-35 navi, Saenr Pena 85 va L-141 nav namunasi va ularni o'zaro murakkab duragaylash yo'li bilan yaratilgan izogen liniyalardan foydalanildi. Andijon-35 g'o'za navi (Gossypium hirsutum L.) serhosil va yuqori tola chiqimi bilan agroklasterlar uchun serdaromad nav bo'lib, 30 yildan buyon respublikaning vodiy viloyatlarida keng maydonlarda yetishtirib kelinadi. Biroq, mazkur navning tola sifati V tipga mansub bo'lib, tolasi paxta bozorida past narxlarga baholanadi. L-141 va Saenr Pena-85 g'o'za liniyalari yuqori tola sifat belgilari bo'yicha DNK marker belgisiga ega bo'lib, g'o'zaning MAS dasturida tola sifatini yaxshilashda keng qo'llaniladi. Shuningdek, Andijon-35 g'o'za navi bilan DNK marker belgisiga ega bo'lgan L-141 va Saenr Pena-85 liniyalari o'zaro murakkab duragaylashtirilib, tola uzunligi, tola pishiqligi va tola cho'ziluvchanligi belgilarini rivojlanishini ta'minlovchi QTL lokuslari DNK markerlari yordamida selektsiya qilinishi natijasida yaratilgan 25 ta izogen liniyalardan foydalanildi. Bunda dastlab Andijon-35 g'o'za navi L-141 va Saenr Pena-85 liniyalari chatishtirib, ikkita F1 duragay kombinatsiya yaratilgan va o'z navbatida bu duragaylar bir-biri bilan chatishtirilishi natijasida murakkab duragay F1[ (F1Andijon-35 x L-141) x (F1Andijon-35 x Saenr-Pena)] kombinatsiya olingan. Ushbu murakkab duragay kombinatsiya o'simliklari Andijon-35 g'o'za navi bilan uch yil davomida uch marotaba bekkross chatishtirilgan va har bir duragay o'simliklarda tola sifati bo'yicha QTL lokuslari DNK markerlari yordamida selektsiya qilinib, tola sifati yuqori bo'lgan bekkros duragay o'simliklar tanlab olingan. QTL lokuslari bo'yicha geterozigota bo'lgan BC3F1 duragay o'simliklari o'z-o'zidan changlantirildi va ushbu lokuslar bo'yicha segregatsiyalangan BC3F2 avlod duragay o'simliklari PTSR skrining qilinishi natijasida DNK marker belgilari gomozigotalashgan o'simliklar tanlab olingan. O'z navbatida, keyingi BC3F3 - BC3F4 avlod o'simliklari morfo-biologik va xo'jalik belgilari bo'yicha alohida ko'chatzorlarda tadqiq etilib, tola sifati yuqori, serhosil hamda ertapishar namunalar yakka tanlov asosida tanlab olingan.

Ish laboratoriya sharoitida olib borildi. Tuproqda urug'lanish standart texnologiya bo'yicha amalga oshirildi. Tuproq oldindan yuvilib quritildi va 70:30 nisbatda qum bilan to'ldirildi. Tajriba ikki xil variantda va uch takrorlashda o'tkazildi. Har bir takrorlashda beshta paxta chigiti ekildi. Kichik idishlar (250 g tuproq) har kuni 50 ml suv bilan sug'orildi, laboratoriyadagi harorat 25°S ni tashkil qildi. Tadqiqot 40 kun davomida olib borildi.

1-Variant: NaCl eritmasi (200 mM) bilan sug'orilgan ko'chatlar, lekin 10 kunlik vegetatsiya davrigacha, ya'ni 2 ta haqiqiy barg bosqichiga qadar bu vaqt davomida to'liq ildiz otishini ta'minlash uchun ular toza suv bilan sug'orildi.

2-Variant: nazorat (faqat toza suvda sug'orildi).

O'simlik barglari ekstraktidagi salitsil kislotasini aniqlashda Shimadzu Prominence LC20 yuqori bosimli xromatografida (Shimadzu Corp., Kyoto, Yaponiya) yuqori samarali suyuqlik xromatografiyasi yordamida amalga oshirildi, unga 5 kanalli 4 gradientli nasos LC20AD, degasser DGU-20A5R, diod-SPD-M20A matritsa detektori, CTO-20A ustunli termostat va 20 µL namunali halqali Rheodyne 7725i qo'lda injektor (Rheodyne, AQSh) kiradi.

Tahlil uchun o'rnatilgan talablar: kolonka – Zorbax Eclipse XDB C18 3,0x150 mm, don hajmi 3,5 mkm (Agilent, AQSH), kolonka Zorbax Eclipse XDB C8 2,1x12,5 mm (Agilent, AQSH), elutsiya rejimi - izokratik, mobil faza 25 % asetonitril (LC, Sigma-Aldrich uchun R Chromasolv) 0,05% fosfor kislotasi pH 2,5, oqim tezligi 0,5 ml/min, aniqlash fotometrik 235 nm/yoriq 4 nm, termostat harorati 40°S, kirish bosimi 9,5 MPa (95 bar), namuna hajmi 20 µl.

Salitsil kislotasining tarkibi 0,3125-5 mkg/ml kontsentratsiya oralig'ida salitsil kislotasining (standart) 5 ta eritmasini tahlil qilish ma'lumotlari yordamida olingan oldindan tuzilgan kalibrlash liniyasi bilan aniqlandi. Tepalik joylari va salitsil kislotasi kontsentratsiyasi o'rtasidagi korrelyatsiya koeffitsienti 0,9999 dan oshdi. Salitsil kislotasi miqdorini aniqlashda 200 mg quruq barg massasidan foydalandik. Ma'lumotlarni qayta ishlash, kalibrlash egri chizig'ini qurish va natijalarni chiqarish Shimadzu Lab Solutions dasturi yordamida amalga oshirildi

Natijalar va uning muhokamasi:

Paxta chigitlari 2022-yil 11-fevralda ekildi. Ayrim variantlarida 18-fevralda tajribalarda unuvchanlik kuzatildi. Urug'larning to'liq unib chiqishi esa, 28 fevralda barcha takrorlash va variantlarda qayd etildi. 19-23-fevralda barcha variantlar uchun barcha takrorlarda urug'kurtaklarning paydo bo'lish bosqichi qayd etilgan va o'sha kuni laboratoriya harorati 25-260C ni tashkil etdi.



**Rasm: Tadqiqot variantlaridagi 40 kunlik ko'chatlarning 200 mM NaCl eritmasi va toza suvda sug'orilgan ko'chatlarning umumiy ko'rinishi**

Shunday qilib, 28-fevralga qadar ikkinchi variantda g'o'zada 80% da birinchi 1-2 chin barg ochilgani aniqlandi. 26 martga kelib, haqiqiy barglar soni 4-5 donaga yetdi. Birinchi variantda, 40 kunlik tadqiqot davomida, laboratoriyada harorat allaqachon 290C ga ko'tarilgan bo'lsa-da, ko'chatlar haqiqiy barglarni hosil qilmadi.

Tajriba oxirida o'simliklar yig'ildi, tortildi, quritildi va SA tarkibini tahlil qilish uchun tayyorlandi. SA o'simliklarning asosiy abiotik stresslarga chidamliligini oshirishi ma'lum bo'lganligi sababli, biz ushbu gormonning murakkab genomik birikmaning izogenik chiziqlarida sintezi bilan qiziqdik.

SA ni aniqlash yuqori samarali suyuqlik xromatografiyasi yordamida amalga oshirildi. Buning uchun ekstraktsiyani tayyorlash jarayoni quyidagi usul bo'yicha amalga oshirildi. Paxta bargi to'qimalarining namunalarida erkin salitsil kislotasining miqdoriy tahlili HPLC tomonidan ilgari e'lon qilingan [10,16] asosi o'zgartirilgan usul bo'yicha dastlabki ekstraktsiya bilan amalga oshirildi. Buning uchun taxminan 200 mg (aniq tortilgan) quritilgan paxta barglarining maydalangan kukuni tortildi, 80 %-mi metanol (metanol: suv: sirka kislotasi: 80:19:1 (v)) eritmasidan 0,5 ml qo'shildi va 2-3 soat davomida vorteks uskunasida qoldiriladi. Cho'kma sentrifugalash yo'li bilan ajratildi va unga yangi ekstragentning ikkinchi qismi (0,5 ml) qo'shildi, chayqatildi va 12-16 soatga qoldirildi. So'ngra yana sentrifuga qilindi, supernatantlar birlashtirilib, vakuumli aylanma moslamada quritildi, 0,5 ml 15% li 0,05% sirka kislotasi bo'lgan suvli asetonitril, tebranish mikserida chayqatildi. Keyin yana santrifuga qilindi, supernatant ajratildi va LC20 suyuq xromatografida tahlil qilindi.

Tahlil shuni ko'rsatdiki, SA tarkibi sezilarli darajada farq qiladi va ularning sho'rlanishga chidamliligi bilan bog'liq natijalar tahlil qilindi (Diagramma 1-2).




**1-Diagramma: Tajriba variantidagi paxta o'simliklarida salitsil kislotasining to'planish dinamikasi (Andijon -35 navlari, shuningdek, Saenr Pena 85, L-141) va BC4F7 avlodining 25 ta kombinatsiyasi)**




**2-Diagramma: nazorat variantidagi paxta o'simliklarida salitsil kislotasining to'planish dinamikasi (Andijon -35 navlari, shuningdek Saenr Pena 85, L-141) va BC4F7 avlodining 25 ta kombinatsiyasi)**

NaCl (200 mM) eritmasi bilan o'simliklarni sug'orilgan tajribasida, SA ning eng yuqori miqdori 14,7 mkg/g gacha bo'lgan. Shu bilan birga, SA ning eng kichik miqdori (5,15 mkg/g) BC4F7 (52x28x52x19)_20 avlodining murakkab gibrid birikmalarida kuzatildi. Agar biz barcha eksperimental variantlar orasidagi SA miqdorini nazorat variantlari bilan solishtiradigan bo'lsak, SA ning eng kam miqdori L-141 navida (7,55 mkg/g), shuningdek, BC4F7 (52x28x52x19) gibrid kombinatsiyalarida ekanligi aniqlandi. BC4F7 (52x28x52x19) _20 avlod (5,15 mkg/g). Nazorat variantida toza suv bilan sug'oriladigan o'simliklar diagrammasidan ko'rinib turibdiki, SA ning eng yuqori miqdori An-Bayavut-2 (13,04 mkg/g) va Sulton (14,7 mkg/g) navlarida, shuningdek, gibrid kombinatsiyalarda BC4F7 (52x28x52x19)_1 (11,45 µg/g) avlodi.

Tadqiqot natijalari shuni ko'rsatadiki, biotexnologik kompleks duragaylari orasida BC4F7 avlod g'o'zasining 25 ta kombinatsiyasi nazorat variantlariga nisbatan salitsil kislotasi darajasi yuqori. Tajriba natijalariga ko'ra, toza suv bilan sug'orishning nazorat variantida SA miqdori biroz yuqoriroq ekanligi ma'lum bo'ldi.

Shunday qilib, tadqiqot natijalari shuni ko'rsatdiki, o'simliklar NaCl eritmalari bilan ishlov berilganda stressga chidamlilik ko'rsatkichi sifatida qabul qilingan SA tarkibi ularning biotexnologik genotipida sezilarli darajada oshadi, stress komponentining konsentratsiyasi ortishi bilan fitogormonning tarkibi oshadi.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**


1. *Ибрагимова С. С., В. В. Горелова, А. В. Кочетов, В. К. Шумный. Роль различных метаболитов в формировании стрессоустойчивости растений // Вестник НГУ. Серия: Биология, клиническая медицина. 2010. Том 8, выпуск 3. С. 98-104.*
2. *Hasegawa, P.M., R.A. Bressan, JC Zhu and HJ Bonert,. Molecular biology of salt stress response in higher plants.// Anya. Rev. Plant Physiol. 2000 Mol. Biol., 51: 463-499.*
3. *Pessarakli M., 2002. Physiological reactions of cotton (Gossypium hirsutum L.) to salt stress. In: Handbook of Plant and Crop Physiology, Pessarakli, M. (Ed.). 2nd ed., Marcel Dekker Inc., New York, USA, pp: 681-696.*
4. *Manns, R. and R. A. James, 2003. Screening methods for salinity tolerance: a case study of tetraploid wheat. Plant Soil, 253: 201-218.*
5. *Khan M. I. R., Syeed S., Nazar R., Anjum N. A. An insight into the role of salicylic acid and jasmonic acid in salt stress tolerance," in Phytohormones and Abiotic Stress Ttolerance in Plants, eds Khan N. A., Nazar R., Iqbal N., Anjum N. A. // Berlin: Springer; 2012, 277–300. 10.1007/978-3-642-25829-9_12.*
6. *Bello B., X. Zhang, C. Liu, Z. Yang, Z. Yang, Q. Wang, G. Zhao, F. Li. Cloning of Gossypium hirsutum sucrose non-fermenting 1-related protein kinase 2 gene (GhSnRK2) and its overexpression in transgenic Arabidopsis escalates drought and low temperature tolerance. //PLoS ONE, 9 (2014), p. e112269.*
7. *Saini P., et al. Reactive Oxygen Species (ROS): A Way to Stress Survival in Plants. In Abiotic Stress-Mediated Sensing and Signaling in Plants: An Omics Perspective, eds. Zargar S.M., Zargar M.Y.: Springer Nature Singapore Pte Ltd (Singapore). 2018.127–154.*
8. *Rajeshwari V., Bhuvaneshwari V. 2017. Salicylic Acid Induced Salt Stress Tolerance in Plants. Int J Plant Biol Res 5(3): 1067.*
9. *Hsiao T. C., Xu L. K. Sensitivity of growth of roots versus leaves to water stress: Biophysical analysis and relation to water transport.// Journal of Experimental Botany, 51 (2000), pp. 1595-1616.*
10. *Zhu J.K. Salt and drought stress signal transduction in plants //Annu. Rev. Plant Biol., 53 (2002), pp. 247-273.*
11. *Kushalappa, A.C.; Gunnaiah, R. Metabolo-Proteomics to Discover Plant Biotic Stress Resistance Genes. Trends Plant Sci. 2013, 18, 522–531.*
12. *Pichersky, E.; Lewinsohn, E. Convergent Evolution in Plant Specialized Metabolism. Annu. Rev. Plant Biol. 2011, 62, 549–566.*
13. *Дарманов М.М., Макамов А. Х., Тураев О. С., Туланов А. А., Камбурова В.С., Буриев З. Т., Абдурахмонов И. Ю. Улучшение признаков качества волокна средневолокнистого хлопчатника (g. hirsutum) с использованием мас технологии // Евразийский Союз Ученых (ЕСУ) # 8 (65), 2019. С. 7-11. DOI: 10.31618/ESU.2413-9335.2019.1.65.260*
14. *Mukhtor M. Darmanov, Abdusalom K. Makamov, Mirzakamol S. Ayubov , Naim N. Khusenov, Zabardast T. Buriev, Shukhrat E. Shermatov, Ilkhom B. Salakhutdinov, Khurshida A. Ubaydullaeva, Jurabek K. Norbekov, Maftuna M. Kholmuradova, Sardor E. Narmatov, Ilyos S. Normamatov and Ibrokhim Y. Abdurakhmonov . Development of Superior Fibre Quality Upland Cotton Cultivar Series 'Ravnaq' Using Marker-Assisted Selection // Front. Plant Sci., 24 May 2022 | https://doi.org/10.3389/fpls.2022.906472*
15. *Abdurakhmonov, Ibrokhim & Shapulatov, Umidjon & Shermatov, Shukhrat & Buriev, Zabardast & Abdullaev, Alisher & Kushanov, Fakhriddin & S.S.Egamberdiev, & Salakhutdinov, Ilkhom & Ubaydullaeva, H. & Makamov, Abdusalom & Darmanov, M.M. & Ayupov, M.S. & Norov, Tokhir & Tulanov, A.A. & Mavlonov, Gafurjon & Abdukarimov, A.. (2014). Achievements And Perspectives Of Cotton "Omics" In Uzbekistan. Conference: // 32nd International Cotton Conference BREMEN.At: https://baumwollboerse.de/en/cotton-conference/archive/;https://baumwollboerse.de/wp-content/uploads/2015/11/Vortrag-Abdurakhmonov.pdf/ Volume: 32*
16. *Khan MI, Fatma M, Per TS, Anjum NA, Khan NA. Salicylic acid-induced abiotic stress tolerance and underlying mechanisms in plants. Front Plant Sci. 2015 Jun 30;6:462. doi: 10.3389/fpls.2015.00462. PMID: 26175738; PMCID: PMC4485163.*

# ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИ АЁЛЛАРДА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

**Гўзал Давурова,**
Жиззах давлат педагогика университети тадқиқотчиси

***Аннотация***
*Мақолада олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган бўлиб, ҳарбий хизмат фаолиятида касбий фаолият олиб бораётган ҳарбий хизматчи аёлларнинг қарор қабул қилиш жараёнининг психологик хусусиятлари ҳамда қабул қилинган қарор самараси, шахсий қадриятлар, касбий ва ҳаётий тамойилларга асосланиши, уларнинг шаклланганлиги раҳбар фаолиятининг мазмунини ташкил этиши ҳақида фикрлар юритилган.*
***Калит сўзлар:*** *қарор қабул қилиш, ҳарбий ҳизматчи аёл, психологик хусусисятлар, психологик омиллар, тадқиқот натижалари.*

***Аннотация***
*В статье представлены результаты исследования психологических особенностей процесса принятия решений женщин-военнослужащих, занимающихся профессиональной деятельностью на военной службе, и результаты принимаемых решений, исходя из личностных ценностей, профессиональных и жизненных принципов, а их формирование составляет содержание деятельности руководителя.*
***Ключевые слова:*** *принятие решений, женщина-военнослужащая, психологические особенности, психологические факторы, результаты исследования.*

***Annotation***
*The article presents the results of the research, the psychological features of the decision-making process of military servicewomen who are engaged in professional activities in the military service, and the results of the decisions made, based on personal values, professional and life principles, and their formation constitutes the content of the leader's activity. held.*
***Keywords:*** *decision making, military service woman, psychological characteristics, psychological factors, research results.*

Қарор қабул қилиш муаммосини психологик жиҳатдан таҳлил қилиш, ўз навбатида, тадқиқотчилар олдига ҳам мураккаб вазифаларни қўяди. Бунда ҳозирги ёшларда мустақил қарор қабул қилишни шакллантириш, бугунги кун ёшларида ҳар томонлама, жумладан, жисмонан, руҳан ҳамда маънан соғлом тафаккурни шакллантириш шиддат билан ривожланаётган даврда ҳар бир шахс олдига улкан бир маъулиятни қўяди. Шу жумладан, биз ўрганаётган қарор қабул қилиш муаммосига доир узоқ хорижда назарийдан амалийга томон йўналган илмий изланишларни кўришимиз мумкин.

Қарор қабул қилиш инсон фаолиятининг барча турлари учун хос бўлган ҳодисадир. Масалан, қарор-натижа, нимадандир хулоса чиқармоқ, қарор қилмок, ҳукм; қарор қилмоқ – фикрлаб, бирон-бир хулосага келмоқ, муайян хатти-ҳаракат қилиш зарурияти; нимадир ҳакида ҳукм чиқармоқ ҳисоб-китоб қилиш натижасида изланган нарсани аниқлаш; қарорга эришмоқ-фикрлаш, шубҳаланиш, иккиланишлардан кейин хатти-ҳаракатнинг қандайдир услубини танлаш; нимадир қилишга журъат этиш. Қарор-мақсадга эришиш учун биргаликда фаолият юритиш, мувофиқлаштириш ва рағбатлантиришни амалга ошириш йўли акс этган директив ҳужжат. Қарор бошқарув органи ёки раҳбарнинг шундай ҳужжатидирки, унда нафақат мақсад белгиланади, балки қатор вазифалар шакллантирилган, бажарилиш муддати кўрсатилган, ижрочилар кўзда тутилиб, ресурслар (меҳнат, моддий, молиявий) ажратилган, жавобгарлик белгиланган бўлади.

Қарор қабул қилиш – инсон хатти-ҳаракатининг энг мақбулини топишга қаратилган ҳаётий муҳим инсоний фаолият. Инсон хулқ-атворидаги қарор танлаш ва қабул қилиш натижаси бўлган хатти-ҳаракат унинг охирги заруриятини трансформация бўлиш занжирининг сўнгги босқичидир. Бошқача айтганда, инсон нимани хоҳласа, ўшани қила олиши мумкин, лекин унинг хоҳишлари чегарасиз эмас; инсонлар у ёки бу нарсаларни ўйлаганлиги учун эмас, балки нимани дир қилиши керак бўлгани учун қиладилар.

Маълумки, ҳарбий хизматчи аёлларда қарорларнинг стандарт вариантлари мавжуд эмас ва уларни алгоритмик тарзда қабул қилиб ҳам бўлмайди. Бу эса қарор қабул қилишда субъектив, психологик омилларнинг роли жуда юқорилигини кўрсатади. Тўғри, ҳарбий хизматчи аёлларда қарор қабул қилиш жараёнини енгиллаштирувчи тўплаган қоидалар, амаллар ва методлар мавжуд. Лекин ҳар ким ўз тажрибасидан биладики, қарор қабул қилиш жараёнида формаллаштирилмаган, субъектив, ҳатто кўпинча интуитив омилларнинг роли жуда катта бўлади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, қарор қабул қилиш ҳам бошқарув назарияси, ҳам ижтимоий пси-

хология нуқтаи назаридан тадқиқот предмети бўлиб ҳисобланади. Шундай экан, ҳарбий бошқарув жараёнида ҳарбий хизматчи аёлларда қарор қабул қилиш функцияси жараёнини таҳлил этиш иккита асосий, бир-биридан жуда фарқ қилувчи, лекин ўзаро жуда боғлиқ иккита соҳани: ташкилий ва психологик соҳани ўз ичига олади. Қарор қабул қилишга қатор ташкилий омиллар бевосита таъсир кўрсатадики, улар қабул қилинган қарорнинг сифатини белгилаб беради. Булар: қарор қабул қилиш муҳитининг ноаниқлиги, мураккаблиги ва динамиклиги.

Шундай қилиб, қарор қабул қилиш ҳаётнинг шахсий тажрибаси, шахс сифатларининг болаликда шаклланиши ва ривожланиши, инсон қадр-қимматининг юксалишига ёки ёмонлашувига олиб келадиган ижтимоий ва психологик шарт-шароитларнинг таъсири билан белгиланади. Қарор қабул қилишга нисбатан рационал тарзда ёндашишда қарор қабул қилиш жараёни алоҳида босқичларга ажратилиб амалга оширилади. Бу босқичлар қуйидагилардан иборат: 1) муаммонинг қўйилиши: янги шарт-шароит, муаммонинг пайдо бўлиши, вазият, ма¬салага алоқадор маълумотларнинг тўпланиши, муаммога таъриф бериш; 2) масаланинг ечимини топиш (вариантлари): иш принципига оид талаблар ва чекланишларни белгилаб олиш, вазият, масалага алоқадор маъ¬лумотларнинг тўпланиши, масаланинг ечимини топиш (вариантлари); 3) ташкилий масала юзасидан маълум бир қарорга келиш: масала ечимининг турли вариантларидан бирини танлаб олиш мезонларининг ишлаб чиқилиши, масала ечимининг турли вариантларини танлаб олиш, қабул қилинган қарорнинг натижаларини баҳолаш, якуний вариантни қабул қилиш; 4) қабул қилинган қарорнинг ижро этилишини таъминлаш ва жараёнга баҳо бериш: қабул қилинган қарорнинг ижро этилиш режасини тузиш, режани амалга ошириш устидан назорат ўрнатиш, ялпи жараёнга баҳо бериш, янгича шарт-шароитнинг вужудга келиши.

Шу жиҳатдан олиб қаралганда, ҳарбий хизмат фаолияти жараёнидаги аёл хизматчиларнинг қарорларни қабул қилиш жараёнини шакллантириш учун етарлича шарт-шароитларнинг мавжудлиги, уларнинг касбий фаолият жараёнида иш унумдорлигининг ошиши ва жамоада позитив кайфиятни ҳосил қилишига шароит яратиб беради. Албатта, бу каби сифатларнинг шаклланишига ҳарбий хизматчи аёллардаги ижтимоий-психологик хусусиятлар ёрдам беради. Ҳарбий хизматчи аёлларда қарор қабул қилиш жараёнининг психологик хусусиятлари ва уни амалиётда қўллашнинг психологик нуқтаи назардан тадқиқ этилишига ҳам хизмат қилади.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳозиргача психология фанида ягона умумлаштирувчи психологик қарорлар қабул қилиш назарияси мавжуд эмас, бироқ қарор қабул қилиш шароитида одамларнинг хулқ-атворини тавсифловчи ва изоҳлайдиган вазият ишлаб чиқилган. Ушбу масалани кўриб чиқишда методологик ёндашувнинг асосини аниқлашга уринишдан аввал психология ва унга оид фанларда тўпланган барча маълумотларни, уларнинг ҳаётий ва илмий тажрибасини синаб кўриш зарурлиги қарор қабул қилиш муаммосига турли хил ёндашувларнинг мавжудлигини кўрсатади. Бу эса тегишли фанларда ва илмий тенденцияларда параллел равишда мавжуд бўлиб, ўз қарор қабул қилиш истиқболларини ўрганади.

Ҳарбий хизматчи аёлларда қарор қабул қилиш – бу мураккаб жараён, у мумкин бўлган имкониятларни тушуниш учун ахборотни излаш ва қайта ишлашни, янги ёки креатив ечимларни топиш учун масалаларни ечишни ўз ичига олади. Қарор қабул қилиш кўпинча ўзаро келишишга тайёрлик билан боғлиқ, яъни оила аъзолари ёки дўстлари билан келиша олмай қолганда иккала томон учун яхши бўладиган ечимга келишдан иборат. Шунингдек, бу бошқа инсоннинг фикрини тўғри деб қабул қилишга тайёрликни ҳам ўз ичига олади. Қабул қилинган тўғри қарорлар кўникмасини доимий чархлаб бориш лозим. Ҳарбий хизматчи аёлларга конструктив қарор қабул қилиш имконини бериш ва ўз хатоларидан сабоқ олишга ўргатиш уларда шахслилик сифатлари таркиб топишига таъсир этади.

Ҳарбий психология соҳасида тадқиқотлар олиб борган психолог Ч.Насриддиновнинг таърифича, психологик тайёргарлик – ҳарбий хизматчи ва ҳарбий жамоаларда жанговар вазифаларни бажариш учун зарур бўладиган психологик сифатларни шакллантиришга йўналтирилган махсус чора тадбирлар тизимидир.

Айнан психологик тайёргарликнинг йўқлиги ҳарбий хизматчи аёлларда саросимага тушиш, ўзини бошқара олмаслик, ўзини йўқотиб қўйиш, қўполлик, дағаллик, қонунни бузиш, жиддий касбий бузилишларга йўл қўйиш каби ножўя хатти-ҳаракатларни келтириб чиқариши мумкин.

Шварцнинг фикрича, қарор қабул қилиш ўзида энг яхши альтернатив танлов ўртасини тартибга солиш натижасини ташкил қилади. Қарор қабул қилиш нафақат одамнинг ақлий соҳаси, балки у ёки бу хулқ-атвор соҳаси ёки субъектнинг хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ. “Қарор қабул қилиш жараёни-онгли жараён бўлиб, мақсадни олдиндан аниқ билиб олиш, дастлабки муаммоли вазиятни тузиш, энг яхши альтернатив вариантларни ишлаб чиқиш ва аниқ методлардан фойдаланиш” демакдир.

Бошқарувдаги субординация ва координация муносабатлари ташкилот миқёсидаги вертикал ва горизонтал алоқаларни ажратиш заруратини туғдиради. Демак, вертикал алоқалар ўзаро итоатдаги ходимлар ўртасида юзага келувчи муносабатлардан иборат бўлса, горизонтал алоқалар ўзаро координацияни, яъни тизимнинг

тенг ва мустақил қисмлари ўртасидаги муносабатларни назарда тутади. Бундан ташқари, бошқарув муносабатлари ўзининг расмий ва норасмий кўринишига ҳам эга. Ташкилот персоналига таъсир этиш услубларини уч гуруҳга бўламиз: маъмурий, моддий ва маънавий шаклларда таъсир этиш. Буларнинг ҳар бирида маълум психологик мазмун намоён бўлади ва бошқарув психологияси, фан сифатида, бу чораларнинг ходимга таъсирчанлик имкониятини тадқиқ этади. Бундай таъсир этиш тадбирлари орасида ходимларни мотивациялаш, яъни бажарадиган меҳнатга иштиёқ уйғотиш масаласига катта эътибор қаратилади.

Баъзи тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ўта юқори интеллект юксак раҳбарлик малакаларини амалга оширишга халақит берар экан. Шундай дейишнинг асосларидан бири – қарор қабул қилишда ҳаддан ташқари ақл ишлатиш бу жараённи янада чўзиб юбориши мумкин. Шунинг учун бошқа бир қатор тадқиқотчилар, раҳбарда назарий ақлдан кўра, амалий ақл ривожланган бўлиши керак деган тўхтамга келишади

Юқоридаги келтирилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, қарор самараси шахсий қадриятлар, касбий ва ҳаётий тамойилларга асосланади, уларнинг шаклланганлиги раҳбар фаолиятининг мазмунини ташкил этади. Қабул қилинган қарорнинг ижросини таъминлаш, ходимлар ва ташкилот фаолиятини ташкил этиш, назорат ва ходимлар фаолиятини рағбатлантириш жараёнлари ҳам мулоқот орқали амалга ошади. Конструктив қарор фаолиятининг асосий қисмини мулоқот жараёни ташкил этади.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**


1. *“Ўзбекистон Республикаси президенти ҳузуридаги давлат бошқарув академиясида бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 8 августдаги ПФ-5139-сон Фармони. https://lex.uz.*
2. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 3 октябрдаги ПФ-5843-сон Фармони. https://lex.uz.*
3. *Ajzen I. The social psychology of decision making //Social psychology: Handbook of basic principles. – 1996. – С. 297 - 325.*
4. *Alison L., Thompson L. Military maximizers: examining the effect of individual differences in maximization on military decision-making //Personality and Individual Differences. – 2020. – Т. 163. – С.110.*
5. *Bandura A. Self-efficacy. The exercise of control / A. Bandura. – New York: Freeman and Co.,1997. – 604 p.*
6. *Beach L.R., Connolly T.The psychology of decision making: People in organizations. – Sage Publications, 2005. – 131 p.*
7. *Britt T. W. Military Life: Military performance. – ABC-CLIO, 2006. – Т. 1. – 248 p.*


# ИНСТИТУЦИОНАЛЬНЫЕ ОСНОВЫ ГЕНДЕРНО-ПРАВОВОЙ ЭКСПЕРТИЗЫ


**Дилафруз Суфиева,**
Независимый соискатель
Ташкентский государственный юридический университет



***Аннотация***

*В данной статье рассматриваются институциональные основы гендерно-правовой экспертизы. В частности, с учетом мнения различных научных школ дается анализ понятия институциональных основ как системной категории, так и в разбивке на отдельные составляющие, включая организационный, структурный характер. Приводится сведения о становлении, развитии и совершенствовании институциональных основ гендерно-правовой экспертизы через призму эволюционировано государственных органов и негосударственного сектора, непосредственно ответственных и вовлеченных в процесс продвижения гендерной политики.*



***Ключивие слова:*** *гендерно-правовая экспертиза, институт, институциональная основа, организационная структура, Комитет женщин Узбекистана, Государственный комитет семьи и женщин, национальные механизмы, гендерная политика.*



***Аннотация***

*Ушбу мақолада гендер-ҳуқуқий экспертизанинг институционал асослари муҳокама қилинади. Хусусан, турли илмий мактабларнинг фикрларини ҳисобга олган ҳолда, институционал асослар тушунчаси тизим категорияси сифатида ҳам, алоҳида таркибий қисмларга, шу жумладан ташкилий, таркибий табиатга бўлинган ҳолда таҳлил қилинади. Гендер-ҳуқуқий экспертиза институционал асосларини шакллантириш, ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича маълумотлар гендер сиёсатини илгари суриш жараёнида бевосита масъул бўлган ва иштирок*

*этувчи ривожланаётган давлат органлари ва нодавлат сектори фаолияти орқали кўриб чиқилади.*

***Калит сўзлар:*** *гендер-ҳуқуқий экспертиза, институт, институционал асос, ташкилий тузилма, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Оила ва аёллар масалалари давлат қўмитаси, миллий механизмлар, гендер сиёсати.*

***Annotation***

*This article discusses the institutional foundations of gender legal expertise. In particular, taking into account the opinions of various scientific schools, an analysis is given of the concept of institutional foundations both as a system category and broken down into individual components, including organizational, structural nature. Information is provided on the formation, development and improvement of the institutional foundations of gender legal expertise through the prism of the evolved state bodies and the non-state sector, directly responsible and involved in the process of promoting gender policy.*

***Keywords:*** *gender-legal expertise, institute, institutional framework, organizational structure, Women's Committee of Uzbekistan, State Committee for Family and Women, national mechanisms, gender policy.*

В Законе Республики Узбекистан «О гарантиях равных прав и возможностей для женщин и мужчин» один раз используется слово «институциональный» в разъяснении понятия «Временные специальные меры по обеспечению реализации гендерной политики», которые представляют собой меры правового, организационного и институционального характера, принимаемые государственными органами для устранения неравенства полов, достижения конкретных целей по обеспечению фактического или основополагающего равенства женщин и мужчин [1].

Как мы видим здесь упоминаются три основных компонента гендерной политики – правовые меры, организационные меры и институциональные меры.

Институциональные меры предполагают создание, поддержание и развитие определённых общественных институтов. При этом под «институтом» понимается словесный символ для лучшего описания группы общественных обычаев. Наличие институтов означает существование в обществе преобладающего и устойчивого способа мышления или действия, который стал привычкой для определённых социальных групп или обычаем для народа. Примеры: «институт права», «институт собственности». Одним из вариантов распространения институциональных форм является структура органов исполнительной государственной власти, непосредственная задача которых – практическая реализация целей правительства [10].

В данном разделе рассмотрим институциональные основы гендерно-правовой экспертизы.

Институциональная теория в настоящее время является перспективным направлением в исследовании влияния институтов на изучаемую проблематику.

Зарождение институциональной теории произошло в конце XIX в. в США с появлением научных трудов основоположников институционализма Т.Веблена, У.Митчелла, Дж.Коммонса. По мере развития теории появляются различные подходы, отражающие предпочтения своих представителей [10].

Основные идеи неоинституциональной теории вытекают из двух замечательных положений, содержащихся в статьях Дж.Мейера и Б.Роуэна «Институционализированные организации: формальная структура как миф и ритуал» (1977) и Ди Маджио и Пауэлла «Еще раз «о железной клетке»: институциональный изоморфизм и коллективная рациональность в организационных полях» (1983). Ими были выделены основные фундаментальные принципы неоинституциональной теории. Во-первых, организации и институты являются порождением общества (socially constructed). Во-вторых, организации и институты постоянно воспроизводятся (reenacted). Это заключается в том, что структура и правила воспроизводятся людьми так же, как в театре воспроизводятся роли (reproduced dramaturgically) [10].

Следует отметить, что появление институционального подхода связано с усложнением структуры общества, разрастанием представлений о социальных явлениях, о материальных и нематериальных объектах, с помощью которых развиваются отношения между людьми [11].

Не случайно первые научные разработки в этой области происходили в экономике и социологии, где применение институционального подхода было востребовано по вполне объективным причинам [12].

Разрозненность многих аспектов жизни требовала их надлежащего структурирования, приведения к определённому общему знаменателю, который позволял бы разграничивать как области знания, так и методы, используемые для их получения. Постепенно выработались критерии для образования и развития социальных, экономических, политических институтов [13].

“Bizda zo'ravonlik holatlari bor, yo'q emas. Bunday holatlar ichkarida bo'ladi, bu haqda hech kim ochiq aytmaydi. Oilada bo'lgan holat haqida chiqib gapirmaslik bizda stereotip bo'lib qolgan. Hatto maslahat olish ham yo'q. Bizda ayollar va erkaklar teng, xotin-qizlarga zo'ravonlik bo'yicha hech qanday muammo yo'q, deyilardi.

Tanzila Norboyeva takidlashicha, zo'ravonlik deganda, faqatgina tana jarohati yetkazish tushunilmaydi. Talaba qizlar zo'ravonlik nimaligini bilmasligi ham mumkin. Tengdoshlari o'rtasida, o'qituvchilari tomonidan tazyiq va zo'ravonlik o'tkazilishi, ishxonada jamoa rahbari tomonidan ayol xodimning hech bir sababsiz ishdan bo'shatilishi, iqtidori bo'lsa ham, lavozimning ko'tarilmasligi va hokazo bunga misol bo'la oladi. Bu ham ruhiy zo'ravonlik bo'lishi mumkin. Yoki ayol o'z do'sti tomonidan ruhiy bosim ostiga olingan bo'lishi ehtimoli ham bor.

Hozirgi kunda oliy ta'lim pedagoglari har bir yo'nalishda tahsil oladigan talaba qizlar hamda talaba kelinlar hayot tarzini inobatga olgan holda, ularning har tomonlama shart-sharoitlarini o'rganib chiqishni o'z zimmalariga olishgan. Ya'ni pedagoglar tomonidan talaba qizlarning dunyoqarashini shakllantirishda ularga bir qancha ma'lumotlar hamda zo'ravonliklardan himoyalanish qonun-qoidalarini tutishintirib borishadi. Shuningdek, talaba- qizlarni ta'lim jarayonida tazyiq va tajovuzga qarshi dunyoqarashni shakllantirishda axloq ilmini ham singdirish muhim.

“Ma'naviyatimiz sarchashmalari: “Milliy istiqlol” va “Ma'naviyat asoslari” kurslari uchun o'quv qo'llanma” muallifi A.Choriyev axloq ilmi va axloqiy madaniyatni quyidagicha tavsiflaydi: “Axloq – sizning ziynatingiz”, “Axloq – ijtimoiy munosabatlarning bir ko'rinishi, kishilar o'rtasida tarkib topadigan o'zaro bog'liqlik va aloqalar majmuasidir”. Shundan kelib chiqqan holda, talaba qizlarda tazyiq va tajovuzga qarshi dunyoqarashni shakllantirishning pedagogik imkoniyatlarini takomillashtirish asosiy maqsadimiz hisoblanadi. Afsuski, talaba qizlarning orasida dunyoqarashi tor, axloqiy, estetik didi, turmush madaniyati past, ya'ni demokratiyasini rivojlantira olmaydigan qizlarimiz ham bor. Dunyoqarash – dunyoga va insonning undagi o'rniga, o'z atrofidagi voqelikka va o'z-o'ziga munosabatiga bo'lgan umumiy qarashlar tizimi, shuningdek, bu qarashlarga asoslangan odamlarning e'tiqodlari, bilish va faoliyat tamoyillari tajribasi, bilimi, mavfkurasi bilan bog'liq.

Ularning dunyoqarashini shakllantirishda ilm-fan, adabiyot va san'at, xalq ta'limi, axloq, xullas, ma'naviyati qanchalik yuksalsa, jamiyatning aqliy va ruhiy salohiyati, ijodkorlik imkoniyatlari, iqtisodiy va ma'naviy salohiyati shunchalik o'sadi. Yuksak ma'naviyat jamiyatning o'z mavjudlik holatidan qoniqmaslik hissini, uni mudom takomillashtirishga undaydi. Talaba qizlarning ma'naviyati qanchalik yuksalsa, ijtimoiy munosabatlari shu qadar insoniylashadi, ezgulik va insonparvarligi, demokratik tamoyillari, inson huquqlari va erkinliklari qaror topadi. Yuksak ma'naviyatli, qat'iy hayotiy pozitsiya, keng dunyoqarashga ega bo'lgan fidoyi va vatanparvar talaba qizlarni tarbiyalash – ommaviy axborot vositalari, kino, teatr va musiqa san'atida talaba qizlar o'rtasida xalqimiz ma'naviyatini, milliy istiqlol g'oyasini targ'ib qilishga, bugungi islohotlarning mohiyatini yoritishga qaratilgan. Shunga ko'ra, talabalar dunyoqarashini shakllantirish va rivojlantirish uchun ular jahon mamlakatlari hamda O'zbekistonda bo'layotgan voqealardan xabordor qilib boriladi.

Biz pedagoglar oliy ta'lim yurtlarida tahsil olayotgan har qanday talaba qizlarga yordam qo'lini cho'zmog'imiz lozim. Ularning o'z fikrlarini to'liq bildira olishlariga hamda oilada bo'ladimi, o'qishda bo'ladimi, o'z o'rnilari borligini his etishlariga yordam berishimiz lozim.

Xulosa qilib ayta olamizki, jamiyatimizda bo'layotgan bunday ishlarga barchamiz birdek ma'sullik hissini tuygan holda yondashishimiz, o'zimizni chetga olmasligimiz kerak. Bunday holatlarning oldini olish maqsadida maktablarda, mahallalarda ta'lim muassasalarida o'quvchi yoshlar va talaba qizlarga oilada va jamiyatda ayollarning o'rni, haq-huquqlari to'g'risida kengroq mazmundagi tushuntirish ishlari olib borilmoqda. Talaba qizlarda tazyiq va tajovuzga qarshi dunyoqarashni shakllantirishning pedagogik imkoniyatlari, shuningdek, mazkur masala bugungi kunning dolzarb muammosi sifatida qaralishi ilmiy nazariy jihatdan bilimlar berilib, talaba qizlarga yoritib berilgan. Shuningdek, talaba qizlarni yot g'oyalar ta'siridan himoya qilish, ularni milliy va umuminsoniy qadriyatlarga sodiqlik, diniy bag'rikenglik va millatlararo

totuvlik ruhida tarbiyalash, ma'naviy dunyoqarashlarini boyitish muhim ahamiyat kasb etadi. Umuman olganda, talaba qizlar jamiyatda, turmushda, ish joylarida, ta'lim muassasalarida va boshqa joylarda o'z hurmatini oshirish, tazyiq va zo'ravonlik hollarining oldini olishda o'ziga bo'lgan ishonchini oshirish bosh maqsaddir.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**


1. *O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 2-fevral, PF-5325-sonli "Xotin-qizlarni qo'llab-quvvatlash va oila institutini mustahkamlash sohasidagi faoliyatni tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Farmoni. Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi 2018-yil 2-fevral. www.lex.uz.*
2. *Choriyev A. Ma'naviyatimiz sarchashmalari: «Milliy istiqlol» va «Ma'naviyat asoslari» kurslari uchun o'quv qo'llanma. – Qarshi: Nasaf, 2004. – 92 b.*
3. *Jamoldinova.O.R Yoshlar sog'lom turmush madaniyatini rivojlantirishda uzviylik va uzluksizlik tamoyillari amal qilishining pedagogik mexanizmlarini takomillashtirish. P.f.d. darajasini olish uchun yozilgan diss. –Toshkent: JDPI, 2015. – 100 b*
4. *Uktamova U. (2020). Talabalarning ma'naviy-axloqiy tarbiya orqali ekologik madaniyatni shakllantirish. Nashrlar arxivi "Beanist" ASPI.*
5. *Uktamova U. (2020). Qizlarning qarashlarini rivojlantirishda tajovuzkor xatti-harakatlar. Evrosiyo olimlar ittifoqi (ECU), № 10 (79) / 2020 hajmi 1, seriyalar.*
6. *Uktamova U. (2020). Talaba qizlarni oila mustahkamligiga erishishga tayyorlash. Arxiv Nauchnix Publikatsiy JSPI.*
7. *Rasulova D. (2020). Qizlarni sog'lom turmush tarzi asosida tarbiyalashning ahamiyati. Arxiv Nauchnix Publikatsiy JSPI.*
8. *"Xotin-qizlarni tazyiq va zo'ravonlikdan himoya qilish to'g'risida" O'RQ-561-son.*
9. *Internet saytida. https://uz.wikiaro.ru/wiki/Violence*


# ФОСФАТ ВА КАЛИЙ ПАРЧАЛОВЧИ РИЗОБАКТЕРИЯ ШТАММЛАРИНИ БУҒДОЙНИНГ ЎСИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ


**Зоир Шакиров,**
**Саидахон Закирьяева,**
**Шахноза Атаджанова,**
**Рустам Абдиев,**
Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Микробиология институти



***Аннотация***

*Фосфат ва калий парчаловчи, ҳамда малекуляр азотни ўзлаштириш хусусиятига эга турли хил авлодларга мансуб ризобактерия штаммларини буғдойнинг ўсиши ва ривожланишига таъсири вегетацион тажрибаларда ўрганилди. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида, Rahnella aquatilis 9, 10, 13, 15 штаммлар билан инокуляция қилинган "Tanya" буғдой навининг ўсиши ва ривожланиши кучайиб, назоратга нисбатан 49,1-66% га, Enterobacter cloacae 5, 8, 11, 17 штаммлари билан ўсимликларнинг биомассаси эса 52,9-63% гача ошиши кузатилди.*

***Калит сўзлар:** ризобактерия, фосфат ва калий парчаловчи, малекуляр азотни ўзлаштиривчи, ўсиш ва ривожланиш, биомасса, буғдой.*

***Аннотация***

*В вегетативных опытах изучали влияние штаммов ризобактерий, принадлежащих к разным родам, фосфат и калиймобилизующих и фиксаторов молекулярного азота, на рост и развитие пшеницы сорта «Tanya». В результате исследований рост и развитие пшеницы при инокуляции штаммами Rahnella aquatilis 9, 10, 13, 15 увеличились на 49,1-66% по сравнению с контролем, а биомасса растений, инокулированных штаммами Enterobacter cloacae 5, 8, 11, 17 увеличилась до 52,9-63%.*

***Ключевые слова:** ризобактерии, фосфат и калиймобилизующие, фиксаторы молекулярного азота, рост и развитие, биомасса, пшеница.*

***Annotation***

*Effects of rhizobacteria strains belonging to different genera with properties of phosphate and potassium decomposition and molecular nitrogen assimilation on the growth and development of wheat were studied in vegetative experiments. As a result of the research, the growth and development of «Tanya» wheat variety inoculated with strains of Rahnella aquatilis 9,*

*10, 13, 15 increased by 49.1-66% compared to the control, and the biomass of plants with strains of Enterobacter cloacae 5, 8, 11, 17 increased by 52.9-63%.*

***Keywords:*** *rhizobacterium, phosphate and potassium mobilizing, molecular nitrogen fixer, growth and development, biomass, wheat.*

Маълумки, кўпчилик ассоциатив бактериялар ўсимликларнинг ўсишини жадаллаштирувчи хусусиятларга эга. Сўнгги 40 йил ичида ўсимликлар ўсишини жадаллаштирадиган микроорганизмлар учун PGPR (Plant Growth Promoting Rhizobacteria – ўсимликларнинг ўсишини рағбатлантирувчи бактериялар) тушунчаси ишлатилган. Ҳозирги вақтда ўсимликларнинг ўсишини рағбатлантирувчи бактерияларнинг экологик аҳамияти ҳақида жуда кўп маълумотлар тўпланган. Ўсимликларнинг ўсишининг жадаллашиши қуйидаги сабабларга кўра юзага келади: ушбу бактериялар томонидан ўсимлик патогенлари келтириб чиқарадиган касалликларнинг тўхтатилиши [1-2], илдизга колонизация бўлиш учун патоген микроорганизмлар билан рақобат [3-4], эримайдиган фосфатларни [5-6] ўсимлик томонидан ўзлаштириладиган шаклларга айлантириш; ауксинлар [6-7], гиббереллинлар [8], цитокининлар [9] каби физиологик фаол моддалар ишлаб чиқариш; ўсимлик тизимининг қаршилигини фаоллаштириш [10]. Шунингдек, PGPRлар ўсимликлар томонидан осмотик стрессни ўтказишни осонлаштириши аниқланган [11]. PGPRларга Bacillus sp., Paenibacillus sp., Klebsiella sp., Pseudomonas sp., Enterobacter sp., Azospirillum sp. ва бошқа микроорганизмлар авлодлари киради.

Фосфор илдизнинг ўсиши ва ривожланишини рағбатлантирувчи ва ўсимликларни қурғоқчиликка чидамлироқ қилувчи асосий озуқа элементидир. Шоли ризосферасига Bacillus megaterium biovar phosphaticumнинг киритилиши тупроқ таркибидаги фосфатларнинг эримайдиган манбаларидан ўсимликлар ўзлаштириши мумкин бўлган фосфор ҳосил бўлишига ёрдам берган [12]. Нўхат ризосферасидан ажратилган Enterobacter asburiae PSI-3 фосфатни парчалаш хусусиятига эга бўлиб, қийин эрийдиган минерал фосфатларни эритиш учун глюкурон кислотасини ишлаб чиқариши аниқланган [13]. Фосфорга бой тупроқлардан Bacillus amyloliquefaciens FZB24 ёрдамида фосфор юқори миқдорда ўзлаштирилиши ва бу буғдой ўсимликларининг жадал ўсишини таъминлаши кузатилган [6].

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, тадқиқот мақсади маҳаллий фосфат ва калий парчаловчи ҳамда малекуляр азотни ўзлаштириш хусусиятига эга турли хил авлодларга мансуб ризобактерия штаммларини буғдойнинг ўсиши ва ривожланишига таъсирини ўрганишдан иборат бўлди.

Тадқиқот объекти сифатида Rahnella, Enterobacter, Escherichia, Pantoea ва Pseudomonas авлодларига мансуб маҳаллий ризобактерия штаммлари ва “Tanya” буғдой нави уруғларидан фойдаланилди.

Вегетацион тажрибалар уч такрорийликда олиб борилди. Олинган натижаларни статистик ишлов беришда Стьюдент критериясидан фойдаланиб, ўртача арифметик қиймат, стандарт четлашиш, ишончлилик интерваллари аниқланди. Анализ натижалари MS Excel 2010 ва Statistica лицензион дастурли стандарт пакетлар ёрдамида ҳисобланди [14].

Ризобактерияларнинг буғдойни ўсиши ва ривожланишига таъсири ўрганиш тадқиқотлари вегетацион тажрибаларда олиб борилди. Буғдой ўсимлигини ўстириш учун ўзаро нисбати 1:1 бўлган вермикулит ва қум аралашган субстрат аралашма тайёрланди. Субстрат аралашманинг ҳар килограммига 5 граммдан $Ca_3(PO_4)_2$ ва $KAlSiO_4$ тузлар қўшилиб ўсимликлар учун озуқа муҳит тайёрланди. Вегетацион тажрибалар “Tanya” буғдой нави уруғларида олиб борилди. Буғдой уруғлари фаол Rahnella, Escherichia, Enterobacter, Pantoea ва Pseudomonas авлодларига мансуб бактерия штаммлари суспензиясида 5 мин. ишлов бериб, субстрат аралашма солинган 600 мл полиэтилен стаканларга экилди. Ўсимликлар бир ой мобайнида очиқ ҳаводa 60-80% намликда ўстирилди.

Олинган натижалар шуни кўратдики, турли авлодларга мансуб ризобиал штаммлар билан инокуляция қилинган буғдой ўсимликларининг биомассаси турлича ошиши кузатилди (жадвал, расм). Жумладан, R. aquatilis 9, 15, 13, E. cloacae 11, 17 ва P. chlororaphis 21 турларга мансуб штаммларининг самарадорлиги юқори бўлиб, назорат ўсимлик биомассасига нисбатан мос равишда 59,9; 61,7, 66,0, 60,3; 63,0; 60,6 % гача ошди. R. aquatilis 10, E. cloacae 5, 8, 14, P. kilonensis 26, 32, штаммлари билан инокуляция қилинган ўсимликларнинг биомассаси эса назорат ўсимлигига нисбатан 49,1-57,6% га ошганлиги кузатилди. Ўсимликларни инокуляция қилиш, умуман олганда, барча вариантларда буғдой илдизларининг ривожланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатиб, юқори биомасса ҳосил қилган ўсимликларнинг илдиз тизими биомассаси назоратга нисбатан 21,2-35,7% гача ошганлиги аниқланди.

Ушбу вегетацион тажрибаларда буғдой ўсимлиги ризобактериялар билан инокуляция қилинганда яхши ривожланиб назорат ўсимликларга нисбатан юқори биомасса ҳосил қилиши аниқланди. Бунинг асосий сабабларидан бири, ўсимликлар бактерияларнинг атмосферадан молекуляр азот ўзлаштириши ҳисобига азот билан ҳамда $Ca_3(PO_4)_2$ ва $KAlSiO_4$ тузларини мобилизация қилиши ҳисобига эса фосфат ва калий билан таъминланган.

жадвал

**Фосфат ва калий мобилизация қилувчи ризобактерия штаммларининг "Tanya" буғдой навининг ўсиши ва ривожланишига таъсири**

| Бактериялар | Ўсимликнинг қуруқ биомассаси, мг | Илдизнинг қуруқ биомассаси, мг | Инокуляция-нинг самарадорлиги, % |
|---|---|---|---|
| *Escherichia hermannii* 1 | 90,7 ±12,3 | 78,7±9,3 | 22,2 |
| *Enterobacter cloacae* 2 | 98±13,2 | 69,7±7 | 32,0 |
| *Rahnella aquatilis* 3 | 105,2±28 | 71±9,5 | 41,7 |
| *Rahnella aquatilis* 4 | 96,5±12 | 73,2±9,3 | 30,0 |
| *Enterobacter cloacae* 5 | 117±9,8 | 97±8,9 | 57,6 |
| *Enterobacter cloacae* 6 | 110,2±21,9 | 68,7±10,2 | 48,2 |
| *Enterobacter cloacae* 7 | 99±7,6 | 92±14 | 33,4 |
| *Enterobacter cloacae* 8 | 113,5±13,5 | 81,7±10,5 | 52,9 |
| *Rahnella aquatilis* 9 | 118,7±12,9 | 117±14,1 | 59,9 |
| *Rahnella aquatilis* 10 | 110,7±23,9 | 89,2±11,5 | 49,1 |
| *Enterobacter cloacae* 11 | 119±10,6 | 93,5±11,6 | 60,3 |
| *Enterobacter cloacae* 12 | 103,2±8,8 | 93,2±7,5 | 39,0 |
| *Rahnella aquatilis*13 | 123,2±22 | 104,5±8,5 | 66,0 |
| *Enterobacter cloacae* 14 | 115,75±17,1 | 111±6,4 | 55,9 |
| *Rahnella aquatilis* 15 | 120±23,2 | 96,5±10 | 61,7 |
| *Rahnella aquatilis*16 | 97,2±8,6 | 94±14,9 | 30,9 |
| *Enterobacter cloacae*17 | 121±20,1 | 87,7±4,7 | 63,0 |
| *Pantoea agglomerans* 20 | 96,7±3,3 | 86,5±10,7 | 30,3 |
| *Pseudomonas chlororaphis* 21 | 119,2±25,2 | 78,5±7,5 | 60,6 |
| *Pantoea agglomerans* 22 | 108,2±14,8 | 66±10,2 | 45,8 |
| *Pseudomonas kilonensis* 26 | 115,2±12,7 | 83±3,9 | 55,2 |
| *Pseudomonas kilonensis* 32 | 115±17,6 | 90,5±9,8 | 54,9 |
| Назорат | 74,2±6,5 | 86,2±11,5 | - |




**Расм. Фосфат ва калий парчаловчи ризобактерияларнинг "Таня" буғдой навининг ўсиши ва ривожланишига таъсири**

Н- назорат, 1- Rahnella aquatilis15, 2- R. aquatilis 9, 3- R. aquatilis 13,
4- Enterobacter cloacae 11, 5- E. cloacae17, 6- Pseudomonas chlororaphis 21, 7- E. cloacae 5, 8- E. cloacae 14.

Шундай қилиб, вегетацион тажрибаларда ризобактерияларнинг буғдойнинг ўсиши ва ривожланишига таъсири ўрганиш натижасида, R. aquatilis 9, 10, 13, 15 штаммлари билан инокуляция қилинган “Tanya” буғдой навининг ўсиши ва ривожланиши кучайиб назоратга нисбатан 49,1-66% га, E. cloacae 5, 8, 11, 17 штаммлари билан инокуляция қилинган ўсимликларнинг биомассаси эса 52,9-63% гача ошганлиги кузатилди. Ўрганилган маҳаллий ризобактерия штаммларидан буғдойни ўсиши ва ривожланишини жадаллаштирадиган бактериал ўғитлар яратишда фойдаланишга тавсия қилиш мумкин.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**


1. *Khabbaz S.E., Ladhalakshmi D., Babu M., Kandan A., Ramamoorthy V., Saravanakumar D., Al-Mughrabi T., Kandasamy S. Plant growth promoting bacteria (PGPB) - a versatile tool for plant health management. Can. J. Pestic. Pest Manag. 2019,1(1), P. 1–25.*
2. *Bashan Y., de-Bashan L.E. Microalgae growth-promoting bacteria. A novel approach in water science; A micro review. In Proceedings of the Sixth International PGPR Workshop on Plant Growth Promoting Rhizobacteria, Calicut, India, 5–10 October 2003. P. 53–58.*
3. *Benizri E., Baudoin E., Guckert A. Root colonization by inoculated plant growth-promoting rhizobacteria. Biocontrol Sci. Technol. 2001. 11. P. 557–574.*
4. *Bruto M., Prigent-Combaret C., Muller D., Moënne-Loccoz Y. Analysis of genes contributing toplant-beneficial functions in plant growth-promoting rhizobacteria and related Proteobacteria. Sci. Rep. 2014. 4. P. 6261.*
5. *Deepshikha T., Rajesh K., Vineet S. Phosphate solubilising microorganisms: role in phosphorus nutrition of crop plants Agricultural Review. 2014. Vol. 35. P. 159–171.*
6. *Talboys P.J., Owen D.W., Healey J.R., Withers P.J., Jones D.L. Auxin secretion by Bacillus amyloliquefaciens FZB42 both stimulates root exudation and limits phosphorus uptake in Triticum aestivum. BMC Plant Biol. 2014. 14. P. 51.*
7. *Kudoyarova G.R., Vysotskaya L.B., Arkhipova T.N., Yu K.L., Galimsyanova N.F., Sidorova L.V., et al. Effect of auxin producing and phosphate solubilizing bacteria on mobility of soil phosphorus, growth rate, and P acquisition by wheat plants. Acta Physiol. Plant. 2017. 39. P. 253.*
8. *Saravanakumar D., Samiyappan R. ACC deaminase from Pseudomonas fluorescens mediated salineresistance in groundnut (Arachis hypogea) plants. J. Appl. Microbiol. 2007. 102. P. 1283–1292.*
9. *Ortíz-Castro R., Valencia-Cantero E., López-Bucio J. Plant growth promotion by Bacillus megaterium involves cytokinin signaling. Plant Signal Behav. 2008. 3. P. 263–265.*
10. *Zhang L., Khabbaz S.E., Li H., Wang A., Abbasi P.A. Detection and characterization of broad-spectrumanti-pathogen activity of novel rhizobacterial isolates and suppression of Fusarium crown and root rot diseaseof tomato. J. Appl. Microbiol. 2015. 118. P. 685–703.*
11. *Niu X., Song L., Xiao Y., Weide Ge W. Drought-tolerant plant growth-promoting rhizobacteria associated with foxtail millet in a semi-arid agroecosystem and their potential in alleviating drought stress. Front. Microbiol. 2017. 8. P. 2580.*
12. *Kumar R.M., Murthy A.G.K., Subbiah S.V., Mishra B. Effect of phosphorus solubility bacteria (PSB) indifferent rice based cropping systems. In Proceedings of the Sixth International PGPR Workshop on PlantGrowth Promoting Rhizobacteria, Calicut, India, 5–10 October 2003. P. 157–158.*
13. *Gyaneshwar P., Parekh L.J., Archana G., Poole P.S., Collins M.D., Hutson R.A., Kumar G.N. Involvementof a phosphate starvation inducible glucose dehydrogenase in soil Phosphate solubilisation by Enterobacter asburiae. FEMS Microbiol. Lett. 1999. 171. P. 228–229.*
14. *Larkin M.A., Blackshields G., Brown N.P., Chenna R., McGettigan P.A., McWilliam H., Valentin F., Wallace I.M., Wilm A., Lopez R., Thompson J.D., Gibson T.J., Higgins D.G. Clustal W and Clustal X version 2.0. Bioinformatics, 2007. V. 23. P. 2947-2948.*


## БЎЛҒУСИ ХОРИЖИЙ ТИЛ ЎҚИТУВЧИЛАРИ МЕДИАМАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МАЪНАВИЙ МОҲИЯТИ


**Бонухон Умурзакова,**
Фарғона давлат университети мустақил тадқиқотчиси



***Аннотация***
*Мақолада бўлғуси хорижий тил ўқитувчилари медиамаданиятини ривожлантиришнинг маънавий моҳияти ҳақида сўз боради. Мақола мавзусининг долзарблиги ҳар қандай инновацион янгиликларни жорий этишда миллийлигимиз ва менталитетимизга таяниш муҳим аҳамиятга эга эканлигидир.*



***Калит сўзлар:*** *фанлараро ҳамкорлик, медиамаданият, ахборот майдони, ОАВ, миллий ғоя, маънавият, менталитет.*

***Аннотация***
*В статье рассказывается о мануальном характере развития медиакультуры будущих учителей иностранных языков. Актуальность темы статьи заключается в том, что при внедрении любых инновационных инноваций важно опираться на свою национальность и менталитет.*
***Ключевые слова:*** *междисциплинарное сотрудничество, медиакультура,информационное пространство, СМИ, Национальная идея, духовность, менталитет.*

***Annotation***
*The article talks about the moral potential of the development of the mediamadanity of future Foreign Language teachers. The relevance of the topic of the article lies in the fact that our nationality and mentality rely on in the introduction of any innovative innovations.*
***Keywords:*** *interdisciplinary cooperation, mediamadanism, information field, Media, national idea, spirituality, mentality.*

Бўлғуси хорижий тил ўқитувчиларида медиамаданиятни шакллантириш узлуксиз жараён бўлиб, у яқин, ўрта ва узоқ муддатли мақсадларни қамраб олади ва ҳар бир ёш қалбида албатта муайян мақсад-муддао бўлишини тақозо қилади. Бўлғуси хорижий тил ўқитувчиларида аниқ ва реал мақсадга йўналган ахборот маданиятини шакллантириш эҳтиёж, қизиқиш, шарт-шароит уйғунлигига асосланади. Бундай ахборот маданияти талабалардаги ижобий ахборот асосидаги тасаввур ва тушунчаларнинг бир бутунлиги ҳамда шу асосдаги дунёқарашни тўғри шакллантириш жараёнининг ҳосиласидир. Талабаларда ахборот маданияти тамойилларини тарбиялашнинг асосий мақсади жамиятнинг йирик ижтимоий тарбия масканларида, хусусан, ёшлар тарбиясининг муҳим объектлари ҳисобланган ўқув муассасаларида, шу қаторда, медиамаконда, айниқса, телевидениедек фаол ахборот тарқатиш воситасида ёшларнинг маънавий-ахлоқий дунёқарашига самарали ижобий таъсир кўрсатишга хизмат қилади [1]. Айни пайтда у:

- бўлғуси хорижий тил ўқитувчиларида хатарли ахборотга нисбатан иммунитетни ривожлантиришга шароит яратиш;
- ёт ғояларнинг зарарини намойиш этиш ва тушунтириш, ахборот профилактикасига доир тушунчалар ҳосил қилиш;
- ёт ғояларга мойилликнинг вужудга келиш сабабларини тушунтириш;
- ўз эътиқоди учун масъулиятни ошириш;
- турли хил ёмон иллатлар моҳиятини тушунтиришда ёшдаги ўзгариш даврларига алоҳида эътибор бериш ва бу борадаги ахборот тарбиясининг таъсирчанлигини таъминлаш;
- ахборотнинг маълум ёш босқичига мос бўлишига эришиш;
- ақидапарастликдан соғлом эътиқоднинг афзаллигини кўрсатиш асосида бўлғуси хорижий тил ўқитувчиларига дунёвийлик даҳрийлик эмаслигини уқтириш;
- тарбиянинг интерфаол усулларини қўллаш;
- бўлғуси хорижий тил ўқитувчиларининг асосий инсоний маънавий қадриятларни англаши ва ўзлаштиришига эришиш;
- бўлғуси хорижий тил ўқитувчиларида қарор қабул қилиш, танқидий фикрлаш, салбий муҳит таъсирига қарши туриш, ҳиссиётларини жиловлаш кўникмаларини ҳосил қилиш, асосида медиа хуружларига нисбатан иммунитет хусусиятларини ўстириш;
- бузғунчи ва ёт ғояларни рад этишнинг афзаллигини ўсмирлар онгига сингдириш орқали уларда ўз-ўзини тарбиялаш туйғусини шакллантиш каби вазифаларни бажаришга хизмат қилади.

Буларнинг барчаси, бир томондан бўлғуси хорижий тил ўқитувчиларида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг маданий омилларини такомиллаштиришнинг ниҳоятда муҳимлигини кўрсатади, иккинчидан эса бу жараённинг самарадорлигини таъминлаш уларда ахборотлардан фойдаланиш ва уни қабул қилиш маданиятини ўстиришдаги долзарб вазифалардан бири эканидан далолат беради. Бу борада, аввало, таълим муассасаларидаги факультетлар ва кафедралар, ахборот ресурс марказлари манбалари, матбуот, телевидение ва медианинг бошқа шаклларидан ахборот тарбияси минбари сифатида фойдаланишни давом эттириш зарур. Ўз навбатида, бу бўлғуси хорижий тил ўқитувчиларининг ҳуқуқий саводхонлиги ва маданиятини юксалтириш асосида уларни ахборот хуружларига қарши курашиш малакаларини ошириш механизмининг самарали ишлашига хизмат қилади [2]. Мана шундай омиллар натижасида ахборот маданияти шаклланган талабалар ўз олдига узоқ, ўрта ва яқин мақсадларни қўйиб, уларга эришишни ўрганадилар ва уларда шахсий ва жамият манфаатлари уйғунлигига асосланган дунёқараш шаклланади.

Таъкидлаш жоизки, бу борадаги медиамаданияти бўлғуси хорижий тил ўқитувчилари учун ахборот хавфсизлигининг ўзига хос ҳимоявий ўзаги бўлиб, у мустақил фикриш қобилиятига бошловчи маънавий кучларга илҳом бериб туради. Айни пайтда, медиа маданият бўлғуси хорижий тил ўқитувчиларининг ўз билими ҳамда маънавий қарашларини амалиётга татбиқ этиши жараёнида таркиб топади. Шунинг учун ҳам бўлғуси хорижий тил ўқитувчиларининг ахборот маданиятини шакллантиришда уларнинг ўз

ғояларидан, билимларидан фойдалана олишга ўргата борилиши, ўз мустақил фикрларини бемалол тўлиқ намоён қила олишлари учун маънавий рағбатлантириб бориш яхши самара беради. Мана шундай ёндашув асосида ҳар бир талабада муайян ахборотнинг мазмун ва моҳиятини англаш, таҳлил қилиш, бу соҳадаги фаолиятини режалаштириш ва амалга ошириш кўникмалари пайдо бўлади. Шу маънода медиа маданияти ҳар бир талоабанинг мустақил фикрлаш ва ҳаракат қилишига муайян маънавий асос вазифаларини бажаради.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида ҳам ёшларда медиамаданиятга оид билим ва кўникмаларни шакллантиришга доир кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, олимларидан А.Журин, А.В.Шариков, К.Э. Разлогов, Н.Б.Кириллова, А.П.Короченский, С.Н.Пензин, А.В.Шариков, В.Михайловский, А.Андреев, Н.Нурмеева, В.Солдаткин кабилар ахборий таҳдидлардан ҳимояланиш ва жамиятда ахборот хавфсизлигини таъминлаш механизмларига оид илмий изланишларни олиб борганлар.

Ўзбекистонда медиа маданияти шакллантириш ва ахборий таҳдидларга қарши курашиш масалаларини олимлардан Я.Маматова, С.Сулайманова, У.Бегимқулов, Б.Ходжаев, У.Ёзиева, О.Давлатов томонидан тадқиқ этилган. Мазкур мауммоларнинг фалсафий, ҳуқуқий, социологик жиҳатларини М.Қуронов, Н.Жўраев, И.Саифназаров, А.Мухторов, А.Абдумаликов, Ж.Мухаммадиев томонидан ўрганилган.

Бўлғуси хорижий тил ўқитувчиларида медиамаданиятини шакллантириш, айниқса, бугунги глобаллашув даврида ўта зарурга айланмоқда. Медиа орқали келаётган ғарб ёшларига тааллуқли ахборотлар оқимининг хавф-хатарлари “кўзгу”сида яққол намоён бўлмоқда [3,15]. Бу ҳақда проф. М.Қуронов ўзининг “Одамлар орасида” мақоласида ушбу жараённинг бугунги кундаги Америкадаги ҳолатини таҳлил қилиб, америкалик олим Макдауэлл Джошнинг фикрларини мисол қилиб келтиради: яъни, Америка Қўшма Штатларида ҳар 30 минутда:

- 29 нафар ўсмир ўзини ўлдиришга қасд қилмоқда;
- 57 нафари уйидан қочиб кетяпти;
- 14 вояга етмаган қиз отаси номаълум бола туғмоқда;
- 19 ёшга кирмаган 23 нафар қиз аборт қилдирмоқда.
- Ҳар йили:
- 275 минг нафар вояга етмаган ўсмир қиз туғмоқда (отаси номаълум);
- 418 минг нафар 19 ёшга кирмаган қиз аборт қилдиряпти;
- ҳар иккинчи ўсмир 15 ёшдан 19 ёшгача бўлган даврда жинсий алоқага киришяпти;
- тахминан 2 миллион нафарга яқин бола 13–14 ёшида фаол жинсий алоқага киришмоқда;
- ҳар 10 эркакдан 8 нафари, ҳар 10 аёлдан 7 нафари жинсий алоқани вояга етмасдан бошламоқда;

Бу тахлит турмуш тарзи тарғиб этилаётган ҳозирги даврда ёшларимизни тўғри тарбиялаш муаммоларини ҳал этишга қаратилган чора тадбирларни ишлаб чиқиш жараёнида оила ва олий таълим муассасаси ҳамкорлиги етарли мувофиқлаштирилмаётган, бунинг оқибатида талабаларнинг ижтимоий фаоллиги етишмаётган бир пайтда, айниқса, долзарб аҳамият касб этмоқда. Айни пайтда, бўлғуси хорижий тил ўқитувчиларида медиамаданиятни шакллантиришда улар орасида соғлом муҳитни яратиш, миллий руҳ ва турмуш тарзини ҳисобга олиш лозим. Бу жиҳатдан, медиа маданиятни шакллантириш жараёни ушбу муаммога комплекс ёндашишни тақозо қилишини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ислоҳотлар жараёни тобора чуқурлашиб бораётган ҳозирги даврда талабалар тарбияси билан боғлиқ эзгу ғояларининг туб моҳиятини чуқур англаш, қўлга киритилган натижаларни ёшлар маънавий муҳитига сингдириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борадаги тамойилларни замон талаблари асосида ислоҳ қилиш, ёш авлодни маънавий-руҳий ҳамда жисмонан соғломлаштириш жараёнига самарали ва таъсирчан воситалар жорий этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу жиҳатдан медиамаданиятнинг ҳар бир талабани эзгу ғоялар асосида, умумий маслак руҳида тарбияланганлик даражасини таъминлашдир. Шу маънода бу борадаги ахборот маданияти ҳар бир талаба онги ва шуурида тарихан таркиб топган миллий қадриятларимиз, асрий анъаналар, урф-одатларга таянган ҳолда, миллий манфаатларимизга содиқлик ғояларини сингдириш, бу жараённинг ижтимоий механизмлари ва тамойилларини ўрганишни тақозо этади. Ахборот маданияти асосланадиган мавжуд вазият, ютуқ ва муаммолар таҳлил қилиниб, зарур илмий тавсиялар, фаразлар ишлаб чиқилиши ва уларга оммабоп, тушунарли тилда ёзилган китоб ва рисолалар, тарбиячилар, муаллим ва ўқитувчилар, зиёлилар учун махсус ўқув қўлланмалари тайёрланиши мақсадга мувофиқ. Бу бир томондан ҳар бир талабанинг ушбу йўналишдаги манбалар ва илмий тавсияларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади. Иккинчидан, медиа мадания амалиётида ижодий қўлланилади ҳамда муайян даражада ёшлар орасида олиб бориладиган тарғибот ва ташвиқот ишлари мазмуни, шакли, воситаси ва методларини белгилайди.

Бўлғуси хорижий тил ўқитувчиларида медиамаданиятни шакллантириш узлуксиз жараён бўлиб, таълим давом этар экан, унинг шиддатли суръати туфайли медиамайдон ва медиа таъсир олдига қўйиладиган янги-янги талаблар ҳам вужудга келаверади.

Мутахасислар фикрича, ушбу талабларни самарали адо этишда тинимсиз ўзгариш ва янгиланишни тақозо этадиган медиамаданиятни яратиш учун мунтазам иш олиб бориш зарур. Бу борада суҳбат, учрашув, маданий-маърифий тадбирлар, ОАВ бўйича чиқишлар, интеллектуал шоулар ташкил қилиш ва бунда ижодий жамоалар давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш амалий натижага олиб боради [4, 69]. Айни пайтда, намунали олийгоҳлар тажрибасини оммалаштириш ҳам бу жараённинг самарасига хизмат қилади. Шу билан бирга, давлат ва жамоат ташкилотлари орқали чоп этилган маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия ҳамда медиамаданиятга оид қўлланмалар ва рисолаларни оммалаштириш ҳам бу борадаги имкониятларни кенгайтиради [5, 392].

Бўлғуси хорижий тил ўқитувчиларида медиамаданиятни шакллантиришда оммавий ахборот воситалари, айниқса, кўнгилочар, ёшлар нашрлари катта таъсир кучига эга. Уларда талабаларнинг севимли "идеаллари", улар орзусидаги идеал шахслар ҳақида турли хабарлар берилади. Бироқ баъзи ҳолларда улар томонидан миллий-маънавий қадриятларимизга мос келмайдиган қарашлар, ғоялар ҳам айтилади. Бу эса бўлғуси мутахасисларнинг дунёқарашини тўғри шаклланишида муҳим омил бўлади.

Бугунги кун толиби илмларининг дунёқараши ва тафаккури ва у асосидаги медиамаданияти телевизион каналларнинг янгидан-янги имкониятлари, видеотехника, компьютер ва интернет тармоғи кенгайиб бораётган бир шароитда шаклланмоқда. Ўз навбатида, бу ҳозирги глобаллашув шароитида медиа тизимлари ва технологиялари орқали кўплаб ахборот хуружи ва оммавий маданият хавфи кучайиб бораётган бир жараёнда намоён бўлмоқда [6, 17]. Бу жараёнда турли интернет-кафе, компьютер клублари, компьютер ўйинларини ташкил қилаётган шахслар талабаларни доимий мухлисга айлантириш учун медианинг барча имкониятларидан фойдаланмоқдалар. Хилма-хил кайфият уйғотувчи ахборотлар орқали амалга оширилаётган ғоявий бузилишлар натижасида турли салбий ҳолатлар содир бўлмоқда. Ана шундай таҳликали вазиятнинг олдини олиш учун тезкор чоралар асосида медиамаданиятни шакллантириш учун масъул бўлган мутахассис ёки тил ўқитувчисининг кундалик фаолият дастурига киритилиши лозим бўлган энг муҳим вазифасидир. Бизнинг фикримизча, ушбу қайд этилган муаммоларни ҳал этиш ишлари қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилиши лозим:

- бўлғуси хорижий тил ўқитувчиларида медиамаданиятни шакллантиришда хорижий тилни ўргатувчи фанлар билан ижтимоий-гуманитар ва ахборот хавфсизлигига оид фанлар ҳамкорлигини яратиш;
- олий таълимда "Ахборот хавфсизлиги" фанини ўқитиш ва бу орқали ҳаётга нисбатан оқилона ва эҳтиёткорона муносабатда бўлиш кўникмаларини шакллантириш ҳамда ўқитишнинг таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш лозим;
- бўлғуси хорижий тил ўқитувчиларида медиамаданиятни шакллантиришнинг педагогик жараёнини норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва илмий-услубий материаллар билан тўла ҳажмда таъминлаш;
- олий таълим тизими талабаларида медиатаълим ва у асосидаги медиамаданиятни шакллантиришнинг ягона концепцияси ва стратегиясини ишлаб чиқиш мақсадида илмий-услубий ва амалий фаолият марказини ташкил этиш;
- таълим муассасаларида талабаларнинг медиамаданиятини шакллантиришга оид анжуманлар, кўргазмалар, конкурслар ва бошқа тадбирларни тизимли равишда амалга ошириб бориш;
- талабаларнинг медиамаданиятини шакллантиришга қаратилган таълим, тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга оширишда кўргазмали воситалар, ўқув ва илмий адабиётларнинг аҳамиятини эътиборга олиб, махсус ахборот-ноширлик марказларини ташкил этиш;
- талабалар медиамаданиятини шакллантиришга оид билимларни оширишда ижтимоий фанларни ўқитиш учун юқори малакали педагог кадрларни ҳамда медиатаълимнинг барча жиҳатлари юзасидан замонавий билимларга эга бўлган мутахассисларни тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш ва бошқалар.

Бўлғуси хорижий тил ўқитувчиларининг медиамаданиятини ривлжлантиришга қаратилган ва юксак ахборот таълимини йўлга қўйишнинг замонавий талаблари жамиятимизнинг бугунги тараққиёт босқичида ва ҳаётнинг барча жабҳаларида муҳим омил ҳисобланади. Мутахасислар таъкидлаганидек, "бу жараёнда мураккаб масалаларни ижодий ҳал қилишга қодир ва ўзининг касбий фаолияти натижаларини моделлаштириш қобилиятига эга, амалиётда ва мустақил иш жараёнида ўз фикрига эга бўлган ва муаммолар ечимини топишда фаоллик кўрсата оладиган ёш, юқори интеллектуал маҳорат ва юксак иқтидорга эга мутахассисларга бўлган талаб табиий равишда ошиб бормоқда" [7]. Айни пайтда, дунёдаги энг ривожланган мамлакатлар қаторига кириш йўлидан ривожланиб бораётган янги Ўзбекистон учун ана шундай мутахассислар жуда зарур бўлиб, бундай ёш кадрларни тайёрлаш эса, ўз навбатида, таълим-тарбия тизимини мунтазам такомиллаштириш жараёнини янада оптималлаштиришни тақозо қилади [8]. Буларнинг барчаси, бугунги кунда таълим муассасаларида илмий салоҳиятни мустаҳкамлаш, илм-фанни янада ривожлантириш ниҳоятда долзарб вазифалардан бирига айланганидан далолат беради.

Рақамлаштириш ва ахборотни сақлаш жараёнининг оддийлиги, шунингдек, турли қурилмалар воси-

тасида маълумотга эга бўлиш, интернетда инсонлар учун қулай бўлган ахборот ресурсларини кўпайтириш имконини берди. Болалар ва ёшлар турли иловалардан яхши фойдалана олгани сабабли, интернетдан ўзининг манфаати йўлида фойдаланади ва бир вақтнинг ўзида ундан ҳимоясиздир ҳам. Интернетдан фойдаланишнинг реал дунёда бўлгани каби маълум хавфи ҳам мавжуд. Улардан ҳимояланишнинг энг яхши усули ёшларга интернетдан фойдаланиш жараёнида юзага келадиган шундай хавфларни бошқаришни ўргатишдир. Шу маънода Ўзбекистонда ёшларда медианинг салбий таъсирларига қарши иммунитетни ҳосил қилиш, медиа ва ахборот хавфсизлиги кўникмаларини шакллантириш борасида ўқув-тарбия тизими юзага келмоқда. Мамлакатнинг барча таълим муассасаларида ташкил этилган ахборот-ресурс марказлари, шунингдек, ўқув жараёнига киритилган муайян (“Миллий истиқлол ғояси”, “Ахборот-психологик хавфсизлик”, “Ахборот хавфсизлиги асослари”) фанлар бўлғуси хорижий тил ўқитувчиларига мулоқотнинг амалий кўникмаларини шакллантириш ва ахборотни медиаконтент тармоғида тарқатиш имконини беради [9, 25]. Шу боис бундай фанларнинг амалий ҳамкорлиги жуда муҳим саналади.

Хулоса қилиб айтганда, бўлғуси хорижий тил ўқитувчиларида медиамаданиятни шакллантириш орқали соғлом фикрловчи ва ўз позициясига эга кадрларни тарбиялаш, улар орасидаги медиатаълим ва медиамаданиятни шакллантиришда оила, олий таълим ва фанлараро ҳамкорлик методологиясини таъминлаш бу борадаги ишларни олиб боришнинг энг таъсирчан омилларидан бири бўлиб ҳисобланади.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**


1. *Тайлақова Ш. “Ўқувчи-ёшлар маънавиятини оммавий ахборот воситалари асосида такомиллаштириш (телекўрсатувлар, радиоэшиттиришлар ва интернет хабарлари мисолида)”. Педагогика фан д-ри дисс. – Т., 2018. – 189 b.*
2. *Талаба ёшлар ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда ҳуқуқий тарбиянинг ўрни. http://fikr.uz/blog/TKTI/16605.htm14 ноябрь 2017*
3. *Алимов К., Баҳрамов А. Таълим жараёнида замонавий ахборот технологиялари. –Т.: Ўқитувчи, 2001. – 260 b.*
4. *Ахборот-психологик хуружларидан ҳимоя қилиш технологиялари. Ўқув-услубий мажмуа. –Т.: Ўзбекистон Миллий университети, 2014. – 346 б.*
5. *Юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизими – Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шарти // Республика илмий-амалий конференция материаллари (Тошкент, 2013 йил 27 май). – Т.: ЎзМУ, 2013. – 392 б.*
6. *Ғуломов С. ва бошқ. Ахборот тизимлари ва технологиялари. –Т.: Шарқ, 2000. – 210 б.*
7. *“Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш - мамлакатни барқарор тараққий этгириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти” мавзуидаги халқаро конференция материаллари. – Т., 2012. – 315 бет.*
8. *Баркамол авлодни тарбиялашда паст савияли “оммавий маданият” салбий таъсирининг олдини олиш. Маъруза матни/ Муаллифлар жамоаси. –Т., 2013. – 185 б.*
9. *Маматова Я, Сулайманова С. Ўзбекистон медиатаълим тараққиёти йўлида. Ўқув қўлланма. –Т.: “Extremum-press”, 2015. – 210 б.*


# БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА ФАНЛАРАРО ИНТЕГРАЦИЯНИ ТАЪМИНЛАШДА ЎҚИТУВЧИ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИ

**Гулнора Норматова,**
Сурхондарё вилояти педагогларини янги методикаларга ўргатиш миллий маркази катта ўқитувчиси

***Аннотация***

*Мазкур мақолада бошланғич таълимда фанлараро интеграцияни таъминлашда ўқитувчининг касбий компетентлигини ривожлантириш йўллари ва ўзига хослиги қаламга олинган. Шунингдек, мақолада ўқув-тарбиявий жараённи интергациявий лойиҳалашда ўқитувчиларни психологик-педагогик ва методик тайёрлаш, ўқув вазифаларини ҳал этишда фанлараро уйғунликни таъминлаш борасидаги қимматли тавсиялар берилган.*

***Калит сўзлар:*** *бошлангич таълим, фанлараро интеграция, ўқитувчи касбий компетентлиги, ўқув-тарбиявий жараён, лойиҳалаш, методик тайёрлаш, ўқув вазифа, фанлараро уйғунлик.*

***Аннотация***

*В данной статье обозначены пути развития профессиональной компетентности учителя в обеспечении межпредметной интеграции в начальном образовании, ее уникальности. Также в статье даны ценные рекоменда-*

*ции по психолого-педагогической и методической подготовке к интерактивному проектированию учебного процесса, обеспечению междисциплинарной гармонии при решении учебных задач.*

***Ключевые слова:*** *начальное образование, межпредметная интеграция, профессиональная компетентность учителя, образовательный процесс, проектирование, методическая подготовка, учебная задача, межпредметная гармония.*

***Annotation***

*In this article, the ways of developing the teacher's professional competence in the provision of interdisciplinary integration in primary education, and its uniqueness, are outlined. Also, the article provides valuable recommendations on psychological-pedagogical and methodical preparation for interactive design of the educational process, ensuring interdisciplinary harmony in solving educational tasks.*

***Keywords:*** *primary education, interdisciplinary integration, teacher's professional competence, educational process, design, methodical training, educational task, interdisciplinary harmony.*

Бугунги глобаллашув ва ахборотлашган жамиятда узлуксиз таълимнинг ҳар бир босқичида мамлакат тақдири ҳар жиҳатдан мукаммал билим ва дунёқарашга эга, рақобатбардош ва малакали кадрлар тайёрлаш ишига долзарб масала сифатида қаралмоқда. Янги Ўзбекистон узлуксиз таълим тизими олдида турган муҳим вазифалардан бири касбий фаолияти давомида ўз салоҳиятидан максимал даражада фойдалана оладиган, профессионал ва ижтимоий фаол бўлган малакали мутахассисларни тайёрлаш ҳисобланади [1]. Бу эса бўлажак бошланғич таълим ўқитувчиларининг касбий компетентликларини самарали шаклланишини таъминловчи педагогик шарт-шароитлар, бевосита ва билвосита таъсир этувчи омилларни аниқлаш муҳимдир.

Бугун бутун дунёда тайёрланаётган кадрларнинг касбий компетенцияларини шакллантиришда интеграл ва ностандарт ёндашув устунлиги яққол кўзга ташланмоқда. Нуфузли халқаро экспертлар томонидан профессионал кадрларни тайёрлашдаги анъанавий ёндашув етарли самара бермаётгани, шу муносабат билан касбий ва шахсий компетенцияларнинг ўрни ва аҳамиятини, билим ва малакаларнинг ўзгарувчан меҳнат бозоридаги талаб ва эҳтиёжларга нисбатан дитерминантлик даражасини аниқлаш бугунги кун педагогикасининг асосий вазифаси эканлиги эътироф этилмоқда [2].

Белгиланган муаммоларни бартараф этишни таъминлайдиган шартлардан бири – бу интегратив ёндашув асосида таълим сифатини такомиллаштиришдир.

Бошланғич таълимда фанлараро интеграцияни таъминлашда ўқитувчининг касбий компетентлигини ривожлантириш йўллари ва ўзига хослиги белгилаш, ўқув-тарбиявий жараённи интергациявий лойиҳалашда ўқитувчиларни психологик-педагогик ва методик тайёрлаш, ўқув вазифаларини ҳал этишда фан ичида ва фанлараро уйғунликни таъминлаш борасидаги муаммони ўрганиш қимматли илмий аҳамиятга эга.

Бугунги кунда педагогик амалиётда “ўқитувчининг касбий компетентлиги” тушунчасини аниқлашда ягона ёндашув мавжуд эмаслиги боис “касбий компетентлик” тушунчаси аниқ белгиланган таърифга эга эмас. Ўқитувчининг касбий компетентлиги тушунчаси соҳага оид адабиётларда қуйидагича талқин қилинган: “ўқитувчининг маълум бир қадриятлар, ғоялар ва педагогик онгни ташувчиси сифатида унинг педагогик фаолияти, педагогик алоқаси ва шахснинг шахсиятини белгиловчи зарур билим, кўникмаларга эга бўлиши” [3, 62].

А.К.Маркова касбий компетентликни атрофлича таҳлил қилиб, қуйидагича таърифлайди: “Касбий компетентлик – касбий билим, кўникмалар, касбий психологик ҳолатлар, касб талаб қиладиган муносабатлар, касбий билим ва кўникмаларни эгаллашни таъминловчи шахсий хусусиятлар каби таркибий қисмлардан иборат тизимдир” [4, 9].

Бошланғич таълим ўқитувчисининг касбий фаолияти хусусиятларини ўрганиш бизни соҳа вакиллари учун қуйидагилар хослиги тўғрисидаги хулосага келдик:

кичик мактаб ёшидаги бола тўғрисида, унинг психофизиологик хусусиятлари тўғрисида билимлар тизимига эга;

гуманитар ва табиий илмий фан соҳаларидаги ахборотлар ташувчиси ҳисобланади;

бошланғич таълимнинг замонавий вариатив дастурларини эркин тушунади; бошланғич таълим фанларини ўқитишнинг турли методлари ва усулларини эгаллаган (полиметодик саводхонликка эга);

бошланғич таълим ўқувчилари учун инсонпарварлик идеали (намунаси) ва ривожланган эмпатиянинг профессионали ҳисобланади.

Мавжуд ишлар таҳлили бизга бошланғич таълим ўқитувчиси касбий компетентлиги структурасидаги қуйидаги компонентларни ажратиш имконини берди: психологик-педагогик, касбий, методик ва шахсий компетентлик.

Компетентлик ўқув жараёнида олинган билим, кўникма ва малакалар йиғиндиси ёки атроф-муҳит билан ўзаро муносабатлардаги муваффақият даражаси ҳисобланади. Касбий компетентликни ўқитиш билан эмас, балки фаолият билан боғлаш янада ўринлидир.

Бошланғич таълим ўқитувчисининг фанга оид

компетентлигининг асосий тавсифлари қуйидагилар ҳисобланади: бошланғич таълим ўқитувчиси учун математика, табиатшунослик, замонавий она тили ва адабиёт фан соҳалари учун зарур билим ва кўникмаларининг мавжудлиги, уларни қўллаш кўникмалари.

Бошланғич таълим ўқитувчиларини методик тайёрлашнинг муҳимлиги ва хусусияти махсус (фанга оид) психологик-педагогик ва методик билимларни интеграциялашдан иборатдир.

Фикримизча, замонавий бошланғич синф ўқитувчилари ушбу вазифаларни ҳал этиш учун ташкилий жиҳатдан ҳам, мазмуний жиҳатдан ҳам бошланғич таълимнинг интегратив характерини, ўзининг бўлажак касбий фаолиятининг интегратив йўналганлигини аниқ ҳис қила олиши зарур. Бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий тайёргарлигида интеграциялаш зарурати унда касбий компетентликни шакллантириш самарадорлигини белгилаб берувчи асосий шартлардан бири ҳисобланади. Бошқача айтганда, интегратив ёндашув нуқтаи назаридан кўриб чиқилгандагина бошланғич синф ўқитувчиларининг методик тайёргарлиги самарали бўлади.

Таълимда интеграция масалалари республикамиз педагог олимлари Э.О.Турдиқулов, Р.Ҳ.Джураев, О.Абдуқуддусов, О.И.Авазбоев, Ў.Қ.Толипов, Н.Ҳурбоев; Р.Ғ. Сафарова ва бошқалар томонидан кенг ўрганилган [5].

Интеграция – "тарқоқ, бўлак-бўлак, айрим-айрим ҳолдаги нарсаларни бир бутун, яхлит, тизимлашган ҳолатга келтириш, табиат ҳақидаги бир бутун билимлар мажмуаси, турли фанларга оид билимларни ягона мақсадни ҳал этишга йўналтиришдир. У оламнинг яхлитлиги (бир бутунлиги)ни ифодалайди" [5, 25].

Фанлараро алоқалар билимга иштиёқни уйғотади, фанга қизиқишни кучайтиради, билимларни чуқурлаштиради, касбий қизиқишларнинг шаклланишига ёрдам беради. Таълимдаги интеграция ўқувчи шахсини ҳар томонлама ва яхлит ривожлантириш, қизиқишлар, мотивлар ва билимга бўлган эҳтиёжларни ривожлантириш учун зарур бўлган ривожланиш функциясини бажаришга имкон беради. Бундай дарслар ўқувчиларнинг салоҳиятини ривожлантиради, атрофдаги воқеликни билишни рағбатлантиради, мантиқий фикрлаш, мулоқот қобилиятларини ривожлантиради.

Бошланғич таълим тизимида ўқитиладиган фанлар мазмунини фан ичида ва фанлараро уйғунлиги таъминлаш, ўқув вазифаларини ҳал этишда ўзаро алоқа ва ўзаро бир-бирини тўлдиришга интилиш билимларни интеграциялаш деб баҳолаш мумкин. Бу қуйидагиларни кўзда тутади:

ёшларни политехник ривожлантириш, уларни иқтисодий, экологик ва тадбиркорлик билимларини ҳисобга олган ҳолда, материалларни, энергияни ва ахборотни ўзгартиришнинг замонавий ва истиқболли технологиялари билан таништириш, умуммеҳнат малакалари ва кўникмаларини эгаллаш;

ўқувчиларни ижодий ва эстетик ривожлантириш;

ўқувчилар томонидан ҳаёт учун зарур бўлган, шу жумладан хулқ маданияти ҳамда меҳнат фаолияти жараёнида конфликтларсиз мулоқот малака ва кўникмаларнинг эгалланиши;

ўқувчиларга ўзига асосланган касбни танлаши учун ўз-ўзини англаш, касблар дунёсини ўрганиш, касбий фаолият элементларининг амалий тажрибасини эгаллашни таъминлаш.

Педагогик амалиётдаги органик интеграция жараённинг самарадорлиги нафақат "ўқув мазмунининг таркибий боғланишларига, балки педагогик тизим субъектларининг имкониятлари, қизиқишлари, мотивлари ва ҳатто кайфиятларининг ўзаро таъсирига ҳам боғлиқлигини ҳисобга олишни талаб қилади" [6, 57]. Шу билан бирга, ўзаро таъсирнинг қарама-қарши табиати ҳам ижобий, ҳам салбий ёки нейтрал натижаларга тенг даражада олиб келиши мумкин. Агар биз таълим мазмунининг таркибий жиҳатдан мақсадга мувофиқ ташкил этилган алоқаларини инсоннинг келажакдаги ёки истиқболли соҳага йўналтирилган энергия захираси билан бирлаштирсак, ўзаро таъсирнинг моҳияти тўлиқ очиб берилиши мумкин. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, педагогик тизимларда мақсад ва шароитлар гўё ташқаридан яратилади, лекин улар ўқитувчи ва унинг ўқувчиларини ўз мақсадларига ундашлари керак, бу эса, ўз навбатида, ўзаро ўзгариш ва ривожланишни умумий интилиш билан бирлаштирилади.

Бошланғич таълим ўқув машғулотларида таълим интеграциясининг кўрсаткичларидан бири уни амалга ошириш даражалари: фан ичидаги алоқалар, фанлараро алоқалар, яхлитлик ҳисобланади.

Фан ичидаги алоқалар даражаси ўқувчиларда маълум бир ўқув фани доирасида таянч билим, кўникма ва малака шаклланади.

Бошланғич таълим ўқув машғулотлари интеграциясининг кейинги даражаси – фанлараро алоқалар даражаси. Фанлараро алоқалар даражаси умумкасбий фанлар интеграциясини кўзлайди. Бу даражада ўқув фанларининг интеграцияси ўқув предмети базасида амалга оширилади, лекин бунда ўзаро таъсирдаги предметларнинг ҳар бири ўз концептуал асосларини сақлаб қолади.

Бошланғич таълим дарсларида интеграциянинг яхлитлик даражаси юқори даражаси бўлиб, бу фаолиятда ўқувчиларда касбга йўналтириш, масалаларни ечишда танқидий ва мантиқий фикрлаш ўзлаштириш ва билимларни амалий ва мустақил қўллаш кўникмалари шакллантирилади.

Демак, педагогик интеграция кенг маънода интегратив ва педагогик фаолиятни амалга ошириш шароитида кўп қиррали инсон яхлитлигини риво-

жлантириш жараёни ва натижасидир. Шу билан бирга, ривожланиш – бу шахснинг жисмоний, ақлий ва маънавий хусусиятларининг прогрессив ўзгариши жараёни, шакллантириш – инсонда жисмоний, руҳий ва руҳий неоплазмаларнинг пайдо бўлиши, нисбий барқарорлик, аниқлик ва тўлиқликнинг жисмоний, ақлий ва маънавий янги шаклланишларини эгаллаш.

Хулоса қилиб айтганда, бошланғич таълимда педагогик фаолиятнинг қайси даражаларида, қандай шаклда педагогик интеграция амалга оширилмасин, унинг якуний натижаси бошланғич мактаб ёшидаги боланинг шахсиятида сифат ўзгаришлари бўлади.

Интеграциялашган таълим муҳити, нафақат, чуқурлашган билимлар уйғунлашувини таъминлайди, балки дунёнинг яхлит манзарасини тасаввур қилиш, уни билиш ва тушуниш учун ҳам имкон қолдиради.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**


1. *"Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. – Тошкент: 2017 йил 8 февраль.*
2. *Санақулов С. Профессионал таълимда "юмшоқ" компетенциялар (Soft Skills)ни жорий этишнинг долзарб масалалари. 2020 №1, Kasb-hunar ta'limi. 7-бет.*
3. *Коджаспирова Г.М. Педагогический словарь. – М.: Издат. центр «Академия», 2000.*
4. *Маркова А.К. Психология профессионализма. – М., 1996. – 308 с.*
5. *Турдиқулов Э.О. Ҳозирги замон табиийт фанлари мазмуни ва уларни интеграциялаб ўқитиш муаммолари// Фанларни интеграциялаб ўқитишнинг педагогик шарт-шароитлари: Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: ЎзПФИТИ., 2007. – Б.*
6. *Интернет-журнал «Науковедение» ISSN 2223-5167. http ://naukovedenie. ru/ Научной статьи по наукам об образовании, автор научной работы – А.И.Ивонина, О.Л.Чуланова, Ю.М.Давлетшина.*


# БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ТАБИИЙ АТРОФ-МУҲИТГА ИЖОБИЙ МУНОСАБАТНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ЙЎЛЛАРИ


**Умида Бованова,**
Тошкент амалий фанлар университети ўқитувчиси



***Аннотация***

*Мазкур мақолада бошланғич синф ўқувчиларида табиий атроф-муҳитга ижобий муносабатни шакллантиришда педагог олимларининг экологик маданиятни ошириш ва уни таълим-тарбия жараёнига татбиқ этиш йўлларининг ўзига хослиги, шунингдек, бошланғич синф ўқувчиларида теварак-атрофга ижобий муносабатни шакллантиришда керакли бўлган тавсиялар кўрсатилган.*



***Калит сўзлар:*** *бошланғич синф ўқувчиси, атроф-муҳит, экологик муаммо, экологик таълим-тарбия, экологик маданият, фикр, маънавият, мактаб, экологик таълим, экологик мувозанат.*



***Аннотация***

*В данной статье показана уникальность способов ученых-педагогов повышения экологической культуры и применения ее в образовательном процессе при формировании положительного отношения к окружающей среде у учащихся начальных классов, а также даны необходимые рекомендации по формированию положительного отношения к окружающей среде, среди учащихся начальных классов.*



***Ключевые слова:*** *младший школьник, окружающая среда, экологическая проблема, экологическое образование, экологическая культура, мышление, духовность, школа, экологическое образование, экологический баланс.*



***Annotation***

*This article shows the uniqueness of the ways scientists-teachers improve environmental culture and its application in the educational process in the formation of a positive attitude towards the environment among primary school students, and also gives the necessary recommendations for the formation of a positive attitude towards the environment. among primary school students.*



***Keywords:*** *junior schoolchild, environment, ecological problem, ecological education, ecological culture, thinking, spirituality, school, ecological education, ecological balance.*

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида экологик хавфсизликни таъминлаш бўйича муҳим ҳуқуқий, ташкилий ва ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Шу муносабат билан, экология, атроф-муҳит муҳофазаси, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш, чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш, бу йўналишдаги давлат бошқаруви ва назорат тизимини такомиллаштириш мақсадида, шунингдек, "2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини va ПФ-5024-сонли "Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони [1] қабул қилинди. Атроф-муҳит муҳофазаси нафақат давлат органларининг вазифаси, балки ҳар бир шу жамият фуқаросининг бурч ва мажбуриятидир. Атроф-муҳитга бўлган муносабат экологик таълим-тарбия орқали олинади. Экологик таълим-тарбия мактабгача таълим тизимидан бошланиб, ҳаётни сўнгги дақиқаларигача давом этади.

Атроф-муҳитга, табиатга нисбатан меҳр-шафқатли ва адолатли бўлишга ўқитишнинг, ўргатишнинг ўзигина катта фойда келтирмайди, албатта. У билимлар амалда ишлатилиши, қўлланилиши лозим.

Бошланғич синф ўқувчиларининг самарали экологик таълимини ташкил этиш уларга атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, уни тоза сақлаш ва бойлигини кўпайтириш имкониятини беради. Бу жараён соғлом ҳаёт кечириш ва келажак авлодларга экологик тоза муҳитни қолдириш, экологик таълим ва табиатни муҳофаза қилиш, аввало, миллатнинг келажак авлодларини ҳимоя қилишни англатади.

Шу боисдан ҳам С.У.Кистаубаев тўғри таъкидлаганидек, "Экологик таълим учун масъул бўлган муассасалар фаолиятининг изчиллиги ва узлуксизлигини таъминлайдиган ҳар томонлама педагогик ва дидактик технологияни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун потенциал имкониятларни излаш" муҳимдир [2, 26].

М.К.Ширинов фикрича, "Бошланғич синфларда экологик тарбия дарс ва дарсдан ташқари вақтларда амалга оширилади. Дарсдан ташқари вақтларда ўқувчиларни табиат қўйнига, табиат музейларига саёҳатга олиб чиқиб, шанбаликлар, суҳбатлар, эрталиклар ўтказиш жараёнида экологик тарбия шакллантирилади. Дарс жараёнида ўқувчилар экологик тарбияни ўқитувчи ҳикояси ҳамда дарсликларда ўз ифодасини топган мавзулар орқали оладилар" [3, 72]. Шунинг учун аҳолини экологик тарбиялаш соҳасидаги давлат сиёсати ваколатли давлат органларининг экологик таълими учун шароит яратишга ва шахснинг умумий ва экологик маданиятини шакллантириш бўйича давлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштиришга қаратилган.

Экологик таълимдан кўзланган асосий мақсад эса экологик таълимдан самарали фойдаланиш, ўқувчи-ёшларни юксак экологик таълим руҳида тарбиялаш, уларни экологик маданиятини мустаҳкамлаш ва атроф-муҳитга соғлом муносабатни шакллантириш тенденцияларини тўғри ташкиллаштириш ва шу асосида мамлакатимизнинг гўзал табиатини муҳофаза қилиш, ундан оқилона фойдаланиш тизимини самарали ташкил этишдан иборатдир.

Экологик маданият – умуминсоний ва миллий маданиятнинг ажралмас қисми бўлиб, у ижтимоий муносабатлар, ахлоқий қадриятлар, жамиятнинг атроф-муҳит билан ўзаро таъсири нормалари ва усулларини ўз ичига олади, жамоат онги ва ахлоқида экологик билим, шунингдек, онгни шакллантириш учун мерос бўлиб қолади. Шу сабабли экологик маданиятни юксалтириш асосида соғлом турмуш тарзига, жамият маънавиятининг ўсишига, барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётга, мамлакат ва шахснинг экологик хавфсизлигига ҳисса қўшадиган ёшларни тарбиялаш жуда муҳим. Шу маънода М.С. Ўринбоева шундай деган эди: "Инсон ва жамият атроф-муҳитни, умуман, табиий ва ижтимоий ресурсларни асраш ва муҳофаза қилишга масъулдир. Бунга фақат одамларни экологик этика ва маданият соҳасида тарбиялаш орқали эришиш мумкин. Шахснинг экологик ахлоқий маданиятини тарбиялаш жамият тараққиётини таъминловчи энг муҳим омил, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, мавжуд экологик муаммоларни ҳал этишнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Шунинг учун ҳам экологик этика ва маданиятни тарбиялаш масаласи инсоният ҳаётига, шу жумладан, Ўзбекистон халқи ҳаётига таҳдид солаётган муаммоларни ҳал этишнинг муҳим йўлларидан биридир" [4, 54].

Бошланғич синф ўқувчиларида экологик маданиятни шакллантириш жуда мураккаб жараён бўлиб, у турли усуллар ва воситалардан комплекс тизимли бир вақтда фойдаланишни талаб қилади. Бинобарин, таълим жараёнида кишиларнинг экологик маданиятини ошириш жараёнини икки йўналишга бўлиш мумкин: биринчиси, ўзини бевосита ҳис қила оладиган экологик маданиятни шакллантириш, табиатнинг ўзига хослиги ва гўзаллигини оқилона англаш, ёш мактаб ўқувчилари орасида табиатни севишга ўргатиш; иккинчиси – табиатни акс эттирувчи маънавий-ахлоқий, маданий омилларнинг моҳияти, мазмунини билиш орқали экологик маданиятни ривожлантириш. Бу, ўз навбатида, табиатни оқилона идрок этишни ривожлантириш зарурати бўлиб, буни барча фанлар экологияси талаб қилади. Бу вазифа жамиятдаги таълим жараёнига муқобил қарашларнинг назарий ва амалий жиҳатларини умумлаштириш ва

уни барча йўналишларда доимий равишда амалга оширишни назарда тутади.

Бугунги кунда ёшлар ўртасида экологик маданият жиҳатларини шакллантириш, унинг намоён бўлиш шакллари ва ниҳоят, амалиётда намоён бўлиши катта назарий ва амалий аҳамиятга эга. Ёшларнинг экологик маданиятининг табиати уларнинг экологик вазиятни тушунишида, унинг мазмунини тушунишида, ижтимоий ҳаётдаги кўринишларига муносабатида намоён бўлади. Ёшлар ўртасида экологик маданиятнинг шаклланиши мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичига қадам қўйгани, ривожланган демократик давлатлар қаторидан ўрин эгаллагани билан узвий боғлиқдир. Шу билан биргаликда, Ватанимиз сарҳадларидаги экологик вазиятнинг ҳимояси фақат Давлат ташкилотларининг вазифаси эмас, балки кенг жамоатчилик ва ёшларнинг ҳам ишидир.

Ўзбекистон ҳудудидаги экологик вазият ва уни янада яхшилаш учун доимий мониторинг қилиниши мамлакатимиз ёшлари манфаатлари нуқтаи назаридан стратегик масалалардан биридир. Ушбу жараён табиий ресурслардан унумли фойдаланиш, қазиб олинаётган маъданларнинг истеъмолчиларга йўқотишларсиз етказилиши, уларни қайта ишлашда замонавий технологиялардан кенг ва унумли фойдаланиш самарадорлигини таъминлашни талаб қилади. Мазкур масала ёшларнинг экологик маданияти билан боғлиқ бўлиб, унинг хусусиятларидан бири иқтисодиётнинг ривожланишини ҳисобга олган ҳолда, тараққий этган мамлакатларнинг табиий ресурслардан фойдаланиш тажрибасини ўрганиш имкониятларини яратади. Шунингдек, ўқувчиларнинг экологик маданиятини шакллантириш иқтисодиёт тармоқларини жадал ривожлантириш ва мавжуд ер, сув ва биологик ресурслардан фойдаланишни янада такомиллаштиришда ўз аксини топади. Табиий ресурслардан самарали фойдаланиш мунтазам суратда экологик жараён билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий асоснинг такомиллашувини талаб қилади.

Муаммога бундай ёндашув экологик масалаларнинг глобаллашуви, минтақаларда табиий ресурслардан фойдаланиш жараёнида вужудга келаётган муаммолар ечими билан чамбарчас боғликлигидир.

Бошланғич синф ўқувчилари ўртасида экологик маданиятни шакллантириш уларнинг экологик онги, таълим-тарбияси, маънавий-маърифий йўналишлари билан боғлиқ. Шунинг учун жамият тараққиётининг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий соҳаларини экологизация қилиш тамойилларига, ҳуқуқий нормаларга риоя қилингандагина буни амалга ошириш мумкин. Экологик маданият ана шу онгли инсон фаолияти экологик эҳтиёжга айлансагина шаклланади. Ўқувчиларнинг экологик маданияти ўз-ўзидан шаклланмайди. Бу жараён унинг билим даражаси, ижтимоий-экологик муаммоларни таҳлил қила олиши, табиий муҳитга муносабати, экологик доираси ва дунёқарашининг кенглиги билан ўлчанади. Бошланғич синф ўқувчиларининг экологик маданияти ҳуқуқий, эстетик, ахлоқий, сиёсий, иқтисодий маданият билан ўзаро боғланганлигини шу нарса билан изоҳлаш мумкинки, бу маданият шакли билан бевосита ёки бавосита алоқада бўлмаган бирон-бир ижтимоий ҳодиса йўқ.

Бошланғич синф ўқувчиларининг экологик маданияти – бу жараённи шакллантиришда уларнинг фикрлаш тарзи табиатни муҳофаза қилишнинг маънавий, ахлоқий, ижтимоий-тарихий анъаналарини, яъни тарихийлик, ирсият тамойилларини қанчалик яхши ўзлаштирганликлари билан ўлчанади. Шунингдек, бу жараён ўқувчиларнинг маънавий-маърифий фаолияти билан узвий боғлиқ. Ушбу фаолият атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, одамлар саломатлиги билан боғлиқ. Шунинг учун экологик маданиятнинг моҳияти ва мазмуни инсон ва табиат бирлигини чуқур англаш, инсон ҳаёти ва фаолияти билан ташқи муҳит ўртасидаги ички ҳуқуқий ва зарурий алоқаларнинг чинлигини англаш, унга амал қилиш жараёнида намоён бўлади.

Бошланғич синф ўқувчиларининг экологик маданияти экологик сифат ва фазилатларни тарбиялаш йўлларининг ривожланганлик даражасида, биосфера мувозанати ҳақидаги илмий-назарий билимларнинг амалиётда табиатни муҳофаза қилишнинг мақсад ва вазифалари билан боғлиқлигида намоён бўлади. Бу маданият шаклининг чинакам ғоявийлиги, маърифийлигининг бошқа фактори бу экологик тафаккурининг умумбашарий қадриятларини нечоғлик ўзлаштиришларига боғлиқдир. Шу боисдан ҳам бугунги кунда ёшларнинг экологик онги ва маданий ривожланиш даражаларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишнинг аҳамияти жуда катта. Чунки ишлаб чиқаришда янги техника, технология ва хом ашёлардан фойдаланиш, экологик рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқиш зарурияти тадбиркорларни кенгроқ ва чуқурроқ экологик фикрлашга мажбур этади. Уларни экологик онгнинг назарий даражасида фикрлашга ўргатиш биосферанинг экологик мувозанат қонунларини билишга асосланган турли илмий ғоялар, назариялар, тамойиллар, моделлар, аниқ дастур ва режаларни яратишга олиб келади. Уларни кенг халқ оммасига трансформация қилиш, яъни барча аҳоли қатламларига оддий ва тушунарли қилиб етказилиши миллий экологик тафаккур тарзини шакллантиради. Бу жараёнда миллий тарбия алоҳида аҳамият касб этади.

Аслида “Миллий тарбия қуйидагиларда намоён бўлади:

миллий қадриятлар асосида олиб бори¬лувчи

аниқ бир мақсадга йўналтирилган фао¬лият;

умуминсоний тарбиянинг ҳар бир халққа хос шакли; в) халқнинг манавиятини сақловчи восита;

миллат фарзандларини ҳар томонлама ривожлантиришнинг анъанавий манбаи ва ҳ.к" [5, 27].

Экологик маданий фаолиятнинг зарурий шарти – бу ҳар бир инсоннинг табиат ва жамият келажаги учун масъулиятини англашдир. Шу билан бирга, маданий қадриятлар ўзаро боғлиқ иккита функцияни бажаради, яъни инсоннинг субъектив имкониятларини объектив зарурат билан боғлайди, шахсий ва жамоат манфаатларини уйғунлаштиради. Шунга кўра, экологик маданият, бир томондан, инсоннинг табиатни норационал ўзгартиришидан иборат, ирода эркинлигини чегараловчи, иккинчи томондан, табиатни муҳофаза қилувчи фаолиятини рағбатлантирувчи омилдир. Яъни шахснинг ижобий фаоллигини таъминловчи ижтимоий ҳодиса сифатида қаралиши керак. Буларнинг ўзаро бирлиги инсон экологик маданий фаолиятини бошқаришнинг зарурий асоси саналади [7]. Шунингдек, бу омиллар табиат муҳофазаси талабларини ўзида мужассамлаштиради ва шахснинг экологик хатти-ҳаракатларини комплекс бошқариш имкониятини яратади. Экологик маданиятнинг жамият тараққиётига таъсири масаласи илмий адабиётларда кенг ёритилган, муқобил қарашлар мажмуи пайдо бўлган.

Экологик маданиятнинг асосий вазифаси – бошланғич синф ўқувчиларини табиатга экологик муносабатда тарбиялаш ва уни умумий таълимнинг ажралмас қисмига айлантиришдан иборат. Шу боис, бир томондан, турли жамиятлардаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ривожланиш даражасини маълум маънода табиатга маданий муносабат мезони билан аниқлаш мумкин. Бошқа томондан, у экологик таълим жараёнини ўстириш орқали уни ҳимоя қилиш манфаатларига бўйсунади.

Экологик барқарорликни таъминлаш мақсадида инсонпарварлик ғояларига асосланган инсон маънавиятини шакллантириш, сиёсий-ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, табиатга ўз-ўзини ҳурмат қилиш ва ҳаётга меҳр-оқибатни инсон онги ва дунёқарашида мужассамлаштириш ижобий натижа беради. Экологик мувозанат бўлмаган ерда тинчлик, осойишталик, ҳотиржамлик бўлмайди, аҳоли фаровон ҳаёт кечира олмайди, эркинлик чегараланади, қонунларга амал қилиш, инсонлардаги жипслашиш, ҳаётга бўлган қизиқиш сусаяди, инсонлар ўртасида ўзаро меҳр-оқибат йўқолади, давлатнинг сиёсий, ҳуқуқий структураси издан чиқади.

Экология соҳасидаги тадқиқотларнинг умумий мақсади табиат ва инсон муносабатларини уйғунлаштириш ҳисобланмоқда. Бу жараёнда илмий билимлардаги трансформация, яъни илмий билимлар тизимининг янги мураккаб тизимга ўтиши янги истиқболларни юзага келтирмоқда. Зеро, фандаги трансформация (объект, субъект, ўзаро таъсир ва боғланишларнинг кучайиши, билимлар миқдори, турларнинг кўпайиши, билим бериш, ўзлаштириш ва сақланиш) даги ўзгаришларни кузатар эканмиз, унинг инсон ва атроф-муҳит ўртасидаги муносабатлар билан уйғун ҳолда ривожланганлигига гувоҳ бўламиз. Натижада, бу уйғунлик инсон ва табиат ўзаро таъсирини ўрганишдаги фанлараро тадқиқотларда ўз ифодасини топади. Ана шундай илмий изланишларда табиат ва инсон муносабатларига турлича ёндашувлар пайдо бўлди. Бу ёндашувларнинг жуда кўпчилигида инсон ҳам табиатнинг бир бўлаги бўлиб, унинг табиатга муносабати ўзгариб ва ривожланиб бориши кўрсатилади.

Дарҳақиқат, инсон ва табиат ўзаро таъсиридаги эволюция диалектик характерга эга бўлиб, бу ўзаро таъсирнинг яна қуйидаги турлари алоҳида қайд этилади: табиатга фақатгина классик методлар ёрдамида таъсир этиш мумкин бўлган оддий объект сифатида қараш; иккинчи тури – табиатга диалог субъекти сифатида қараш. Аммо бундай ўзаро таъсир чуқур характерга эга эмаслиги туфайли исталган вақтда тўхтаб қолиши мумкин; учинчиси – инсон ва табиатнинг эволюцион даражаси бўлиб, инсон ва табиат бир-бирига қарама-қарши, бир хил нарса эканлигини эътироф этади ва бу ҳозирги кунда инсон ва табиатни асрашнинг асосий йўли сифатида ишлаб чиқилмоқда ва тушунилмоқда.

Умуман олганда, экологик муаммоларнинг олдини олишда экологик таълим ва тарбиянинг роли муҳимдир. Экологик таълимнинг асосий мақсади – бошланғич синф ўқувчиларининг табиатни муҳофаза қилиш ва атроф-муҳит муаммоларига онгли муносабатини шакллантиришдир. Ёш авлод замонамизнинг экологик муаммоларини ўрганиш билан чекланиб қолмаслиги керак. Улар мавжуд экологик муаммолар оқибатларини олдиндан кўра билишлари ва ўз фаолиятларини шунга қараб ташкил этишлари зарур. Бунинг учун биз қандай қилиб билим излашни ва унга эргашишни ўрганишимиз керак.

Экологик маданият умумбашарий маданиятнинг бир қисми бўлиб, экологик муаммоларнинг инсоният ҳаётидаги ва унинг узоқ йиллик ривожланишидаги аҳамиятини чуқур англаш ва табиий муҳитни муҳофаза қилишдир. Юксак маънавиятли ва экологик маданиятли кишилар қуйидагиларга риоя қилишлари лозим: атроф-муҳит ва жамият узвийлигини ҳис қилиш, табиатга онгли муносабатда бўлиш, атроф-муҳитнинг ифлосланишини олдини олиш, унинг ресурсларидан тежамли фойдаланиш ва келгуси авлодларга қолдириш, миллий анъаналарни билиш, ақлли, завқли, зийрак, маънавий, сиёсий, ҳуқуқий, экологик маълумотли, мулоқот маданиятига эга бўлиш ва ҳ.к.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги даврнинг умумий тенденцияси аҳолининг барча қатламлари, хусусан, ёшларнинг янгича экологик маданиятга эга бўлиб борётганлигини кўрсатмоқда. Бунда икки тенденция ўзига хос омиллар таъсирида амалга ошмоқда: биринчиси, экологик вазиятнинг ҳозирги ҳолати, табиатни муҳофаза қилиш амалиётининг характери кишиларда объектив равишда, янгича экологик маданият талабларига амал қилишни тақозо қилмоқда. Чунки жаҳон миқёсида авж олаётган экологик вазиятда саёз фикрлаш ҳалокатга олиб келади; иккинчидан, аҳолининг барча қатламлари, айниқса, ёшларнинг экологик маданияти фаол субъектив омилга айланади.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**


1. *"Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. – Т.: 2017 йил 8 февраль.*
2. *Кистаубаев С.У. Шахс экологик дунёқарашини шакллантиришда миллий қадриятларнинг роли. – С., 2019. – 147 с.*
3. *Ширинов М.К. Ўқувчиларга экологик тарбия беришда баҳс-мунозарали дарсдан фойдаланиш технологияси. //Замонавий таълим / 2016, 9. –Б.198.*
4. *Ўринбоева М.С. Табиатга экологик муносабатларнинг маънавий-ахлоқий тамойиллари ва мезонлари. «Science and Education» Scientific Journal. May 2020. –Б. 594. www.openscience.uz.*
5. *Хошимов К., Очил С. Ўзбек педагогика антологияси. Педагогика олий ўқув юртлари талаблари учун қўлланма. – Т.: "Ўқитувчи", 2010. – 298-б..*
6. *Ғайбуллаев О.М. Ўзбекистон мустақиллиги шароитида ёшлар эстетик тафаккурининг ривожланиш масалалари. Фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. – С., 2005. – 161 б.*


# BO'LAJAK O'QITUVCHILARNI TARBIYAVIY FAOLIYATGA TAYYORGARLIGINI TAKOMILLASHTIRISHNING INNOVATSION TEXNOLOGIYALARI


**Norposhshaxon Voxidova,**
Toshkent davlat pedagogika universiteti
Pedagogika kafedrasi professori



***Annotatsiya***

*Maqolada mamlakatda bo'lajak o'qituvchilarni tarbiyaviy faoliyatga tayyorlashda innovatsiyalardan foydalanish zaruriyati, yangilikka intiluvchan, innovatsion faoliyat bilan shug'ullana oladigan pedagog kadrlarni tayyorlash mazmuni bayon etilishi bilan birga, auditoriya mashg'ulotlarida innovatsion texnologiyalaridan foydalanish asosida samarali natijalarga erishish imkoniyatlari bayon etilgan.*



***Kalit so'zlar:*** *innovatsiya, ART texnologiya, ta'lim, standart, samara, maxsus, uslubiy, natija, imkoniyat, tarbiyaviy faoliyat.*



***Аннотация***

*В статье излагается необходимость использования инноваций в подготовке будущих педагогов к образовательной деятельности в стране, а также излагается содержание подготовки педагогических кадров, которые стремятся к инновациям, могут заниматься инновационной деятельностью, а также возможности достижения эффективных результатов на основе использования инновационных технологий в аудиторных занятиях.*



***Ключевые слова:*** *инновация, арт-технология, образовательная, стандартная, эффективная, специальная, методическая, результат, возможность, образовательная деятельность.*



***Annotation***

*The article outlines the need to use innovations in the preparation of future teachers for educational activities in the country, and also outlines the content of the training of teaching staff who strive for innovation, can engage in innovative activities, as well as the possibility of achieving effective results based on the use of innovative technologies in classroom classes.*



***Keywords:*** *innovation, art technology, educational, standard, effective, special, methodical, result, opportunity, educational activity.*

Mamlakatimizda bo‘lajak o‘qituvchilarni tarbiyaviy faoliyatga tayyorlashga oid innovatsiyalarni joriy etishning yaxlit tizimini yaratish, yangilikka intiluvchan, innovatsion faoliyat bilan shug‘ullana oladigan pedagog kadrlarni tayyorlash masalasiga alohida ahamiyat berilmoqda. Yuksak texnologiyalar asosida dunyo miqyosida raqobatbardosh zamonaviy kadrlarni tayyorlash ishlarini samarali tashkil etish yo‘lida aniq harakatlardan biri O‘zbekiston Respublikasi Qonunchilik palatasi tomonidan 2020-yil 7-aprelda qabul qilingan “Innovatsion faoliyat to‘g‘risida”gi Qonun hisoblanadi [1].

Oliy ta’lim tashkilotlaridagi tarbiyaviy faoliyatni tashkil etishdagi vazifalaridan biri bo‘lajak o‘qituvchilarni tarbiyaviy faoliyatga tayyorlashga qaratilgan chora-tadbirlarning samaradorligini ta’minlashdan iborat bo‘lib, uni muvaffaqiyatli amalga oshirish uchun mavjud yo‘nalishlarni rivojlantirish, takomillashtirish zarur.

Bugungi kunda pedagog kadrlarni tayyorlayotgan oliy ta’lim tashkilotlarida tarbiya jarayonini tashkil etishda tarbiyaviy tadbirlarning yangicha mazmunini shakllantirish yuzasidan innovatsiyalarni, pedagogik texnologiyalar va uslublarni joriy etish tizimini ishlab chiqish hamda amaliyotga tatbiq etish tarbiya jarayonini takomillashtirishning muhim omilidir. Zero, innovatsion yondashuvlar asosida bo‘lajak o‘qituvchilarni tarbiyaviy faoliyatga tayyorlash ta’lim-tarbiya jarayonining ajralmas qismini tashkil etadi. Unga singdirilgan tarbiya g‘oyalari, axloqiy me’yorlarni egallash umumqabul qilingan qoidalar asosida bexato sodir bo‘ladi.

Innovatsion texnologiyalar tarbiya jarayoni yo‘nalishi va talaba-o‘qituvchi tandemining o‘zaro aloqasini o‘zgartiradi, tarbiya mazmunini takomillashtirishga yordam beradi, milliy qadriyatlarga, qomusiy olimlarning asarlariga muhabbat uyg‘otadi, talabalarning qiziqishini, xulq-atvorini baholashning yangi mezonlarini, ma’naviy-axloqiy sifatlarini shakllantiradi. Bu esa bo‘lajak o‘qituvchilarni tarbiyaviy faoliyatga tayyorlashning zaruriy shart-sharoitlarini yaratadi.

Ta’limda pedagogik innovatsiyalarning muayyan usullari, vositalari, yo‘l-yo‘riqlarisiz tarbiya jarayonini takomillashtirishda muhim o‘rin tutadi. Shu jarayonda yangi talablar bilan bog‘liq holda modernizatsiyalashgan texnologiyalar yangilik hisoblanadi.

Bo‘lajak o‘qituvchilarni tarbiyaviy faoliyatga tayyorlashda tarbiya texnologiyalaridan foydalanishda samarali natija olish uchun tadqiqotchi F.T.Esanboboyev fikriga ko‘ra: “Bo‘lajak o‘qituvchilarga pedagogik texnologiya asoslari haqidagi nazariy bilimlarni berish; pedagogika fanidan ma’ruza, seminar mashg‘ulotlarini amaliy treninglardan foydalanish asosida ularda texnologiyalardan foydalanish ko‘nikma va malakalarini shakllantirish; bo‘lajak o‘qituvchilarda tarbiyaviy tadbirlarni tashkil etishga nisbatan ijodiy va texnologik yondashuvning qaror toptirish uchun zarur shart-sharoitlarni yaratish (tadbir tashkil etiladigan xonalarni tematikaga ko‘ra jihozlash); pedagogika fanidan ma’ruza, seminar mashg‘ulotlarini noan’anaviy tarzda va maxsus loyiha asosida tashkil etish borasidagi tajribalarni targ‘ib etish; pedagogika fanidan ma’ruza, seminar mashg‘ulotlarini texnologik yondashuv asosida doimiy tashkil etilishiga erishishga ahamiyat berish”, kerak.

Sh.T.Xalilova esa talabalarda axloqiy madaniyatni shakllantirishga qaratilgan motivatsion: o‘z-o‘zini tarbiyalash, o‘z-o‘zini shakllantirish, kasbiy faoliyatda o‘zini namoyon etish, ularni harakatga undovchi motivlar, maqsadli ustanovkalar; mazmunli: shaxs axloqiy madaniyatining mohiyati haqidagi bilimlar, axloqiy madaniyat tuzilishi to‘g‘risidagi tushunchalar, xalq an’analari, urf-odatlari, etnoetikani bilish; jarayonli (protsessual): insonlar bilan muloqot qilish ko‘nikma va malakalari; axloqiy normalar asosida o‘z xatti-harakatlarini nazorat qilish malakasi; etiket va etnoetika qoidalariga rioya qilish ko‘nikma va malakalaridan iborat bo‘lgan uch bosqichli tarbiya texnologiyalarini tavsiya etadi [2, 151].

Tadqiqotchi Z.T.Saliyeva tavsiya etgan talabalarda ma’naviy madaniyatni rivojlantirishning besh bosqichli blok-modulli texnologiyasining birinchi bosqichida ma’naviy madaniyatga xos sifatlarni taqdim etish va namoyish qilish, ikkinchi bosqichida uning mazmunini taqdim etilgan fazilatlar bilan o‘zaro ta’sirga kirishish – munosabat, baholash; o‘z tajribasiga, o‘zining fazilatlar tizimiga kiritish yoki inkor etish deb belgilab, uchinchi bosqichni fazilatlarni faoliyatda namoyon etish, faoliyatni namoyon etish nomli to‘rtinchi bosqich mazmunini esa ma’naviy madaniyatga ijobiy munosabat, xulq-atvorni faoliyat va muloqotning real hayotiy sharoitlariga kiritish deb belgilaydi. Uning shakllarini esa individual, guruhli, ommaviy, hasharlar, ekskursiyalar, marafonlar, tanlovlar, sayllar, musobaqa, rag‘batlantirish, loyiha, o‘yinli vaziyat, ijtimoiy loyihalar deb ko‘rsatadi.

V.V.Selivanovning fikrlari Z.T.Saliyeva g‘oyalariga hamoang bo‘lib, u ham tarbiya jarayonini amalga oshirish ko‘p bosqichli ekanligini ta’kidlaydi. Unga ko‘ra, tarbiya texnologiyalari: xulqning ma’lum shakliga ijobiy munosabatda bo‘lishga odatlantirish; maqsadga muvofiq xatti-harakatlarni amalga oshirish; xulqning jamiyatda qabul qilingan shakli haqida tasavvurni shakllantirish va mustahkamlash; xulq-atvor normalari tarbiyalashga qaratilgan harakatlar; tushunchani o‘zlashtirish kabi bosqichlarda amalga oshirish.

Mavjud adabiyotlarda ilgari surilgan fikrlar, tadqiqot natijasi asosida quyidagi xulosalarni beramiz: pedagogik va axborot-kommunikatsiya texnologiyalari ta’lim-tarbiya jarayoni sifatini oshirishi uchun pedagogik texnologiyalardan foydalanish tarbiyaviy faoliyatni tashkil etish, uni loyihalash, maqsadga yo‘naltirish hamda natijani kafolatlashga xizmat qiladi.

“Kichik guruhlarda ishlash” texnologiyasi “Ma’naviy-axloqiy tarbiya” mavzusini o‘rganish jarayonida qo‘llanildi. Bu jarayon talabalar bilan mustaqil ish mazmuniga

interfaol o'quv topshiriqlarni kiritish hamda talabalarda o'zaro muloqot, o'zgalarni tinglash, jamoada ishlash va o'z-o'zini namoyon qilishga o'rgatish ishida o'z samarasini berdi. Metodik jihatdan to'g'ri tashkil etilgan kichik guruhlardagi faoliyat barcha ishtirokchilarga hamkorlik, shaxslararo muloqot (xususan, faol metodlarni egallash, umumiy echim ishlab chiqish, qarama-qarshiliklarni bartaraf etish) bo'yicha ko'nikmalar yaratish imkonini berdi. Tajriba-sinov ishining borishida kichik guruhlardagi ishlarni qiyin bo'lgan ma'lum bir muammoni hal qilish kerak bo'lganda foydalanish samarali ekanligi aniqlandi. Xususan, seminar mashg'ulotlarida "Matbuot" usulidan foydalanish maqsadga muvofiq bo'ladi. Bu usul talabalarga bahs-munozarali va aniq shaklda shakllantirish va munozarali masala bo'yicha o'z fikrlarini bildirishga yordam beradi. Odatda, "matbuot" usuli quyidagi bosqichlardan iborat: talabalarning bayonotlari: "Men ishonaman" (nuqtayi nazar); "Chunki" (mantiqiy); "Masalan" (misol, faktlar va dalillarni keltirib chiqarish); "Shunday qilib, ishonaman" (natijalar).

Ba'zi didaktik holatlarda ma'lum bir professional muammo haqida qisqacha gapirishni o'rgatadigan "mikrofon" usulini qo'llash o'rinli bo'ladi. Shartli ob'ekt ("mikrofon") bir talabadan boshqasiga o'tadi, har bir kishi o'z savollariga javob berish yoki o'z fikrini yoki pozitsiyasini ifodalash uchun tezkor, qisqa gapirishga imkon beradi. "Matbuot" usulidan foydalanish qoidalari: faqat "ramziy" mikrofonga ega bo'lgan kishi gapiradi; hech qanday javob izohlanmaydi va baholanmaydi; agar kimdir gapirsa, boshqalar to'xtatish, gapirish yoki izoh berishga haqli emas; muammoni muhokama qilish jarayonida talabalarga xayoliy "mikrofon" oldida so'z beriladi, agar guruhning o'z nuqtayi nazari yoki kontsentrlangan fikri talabalarning guruhlarda o'zlarining zaif tomonlari yoki umumiy tomonlarini hisobga olishlari eng mantiqiy va lakonik o'zaro ta'lim otlarini ifodalashi, shu bilan birga, ushbu texnologiyadan foydalanganda uning afzallik va kamchilik jihatlarini e'tiborga olish kerak (jadvalga qarang).

**1-jadval**

**Guruh va juftliklarda (diadalarda) ishlashning afzalligi va kamchiliklari**

| **Afzalligi** | **Kamchiliklari** |
|---|---|
| Pedagog o'qituvchilarni o'quv muammolarini hal qilishda faol ishtirok etishga yordam berib, vaqtni oqilona taqsimlash imkoniyatini qo'lga kiritadi. | Doimiy faoliyat ko'rsatadigan o'quv-pedagogik mexanizm sifatida o'zaro ta'limni tashkil etish. |
| Pedagog talabalar intizomi bilan bog'liq qiyinchiliklarni bartaraf etishga kamroq vaqt sarflaydi. | O'zaro o'rganish jarayonini nazorat qilish va natijalar har doim ham samarali emas. |
| O'zaro fikr almashish tajribasiga ega bo'lgan talabalar o'qituvchiga katta hurmat bilan munosabatda bo'ladilar, zavq bilan ishlaydilar, o'qishga bo'lgan qiziqish darajasi va bilim motivatsiyasi ortadi. | Guruhlarda ishlaganda ko'p muvaffaqiyatsizlikka erishgan talabalarning bilimlarini to'g'rilash kerak, bu esa qo'shimcha vaqt va pedagogik sa'y-harakatlarni talab qiladi. |

Ta'limda geymifikatsiya o'yin texnologiyasi. Geymifikatsiya (gamification) termini birinchi marta 2002-yili amerikalik dasturchi va ixtirochi Nik Pelling tomonidan ishlatilgan bo'lib, bu atama 2010-yilga kelib juda ko'plab sohalarida mashhur bo'ldi va bugungi kunda u (biznes, xodimlarni boshqarish, sog'liqni saqlash, ta'lim) turli xil vazifalarni hal qilishning maxsus usulini belgilash uchun ishlatilib kelinmoqda.

Geymifikatsiya bu – o'yin elementlaridan o'yin bo'lmagan sharoitda foydalanish bo'lib, o'yinning elementlari ta'lim jarayonni yanada qulay va quvnoq qiladi. Geymifikatsiyadan foydalanish miyaning o'ylashga, fikrlashga javob beradigan ma'lum bir qismini faollashtirish bilan bog'liq bo'lib, odatiy darslar davomidagi talabalarning xato qilish va tanqiddan qo'rqish kabi stressini yo'qotadi hamda kayfiyatni yaxshilab, guruh bilan ishlashga imkon beradi. Bu esa, o'z navbatida, o'quv materialini muammosiz o'zlashtirish va mustahkamlash imkoniyatini ta'minlaydi.

Geymifikatsiya o'yini Pensilvaniya universiteti professori Kevin Werbach onlayn ta'lim loyihasi doirasida geymifikatsiya o'yinining barcha elementlarni inobatga olgan holda, uning uch qatlamli shartli piramidasini taklif etdi. Unga ko'ra, piramidaning: yuqori darajasi dinamika, o'rta darajasi mexanika va pastki qismi-komponentlardan tashkil topgan (rasmga qarang).




**1-rasm. Kevin Werbachning o'yin elementlari piramidasi**

**1-jadval**

**Nik Pelling geymifikatsiyani boshqa o‘yinlar bilan solishtirib, uning avzallik jihatlarini quyidagicha tasniflaydi:**

| Taqqoslash ko‘rsatkichlari | An’anaviy o‘yinlar | Rolli o‘yinlar | Ishbilarmonlik o‘yinlari | Stimulyatorlar | Geymifikatsiya |
|---|---|---|---|---|---|
| O‘xshashlik | yo‘q | ha | yo‘q | yo‘q | yo‘q |
| Qoidalarning majudligi | ha | yo‘q | ha | ha | ha |
| Maqsadning mavjudligi | ha | yo‘q | ha | ha | ha |
| Tuzilishi | ha | yo‘q | ha | ha | ha |
| Haqqoniyligi | yo‘q | yo‘q | ha / yo‘q | ha/ yo‘q | ha |
| Tizimliligi | yo‘q | yo‘q | yo‘q | ha/ yo‘q | ha |

Jadvaldan ko‘rinadiki, geymifikatsiya o‘yin texnologiyalari maqsad va vazifalari qoidalarining o‘z tuzilishiga egaligi, maqsad va qoidalarning majudligi, o‘ziga xos tuzilish, haqqoniylik va tizimliligi bilan boshqa o‘yinlardan ustunlik qiladi.

Kevin Werbachning Piramida qoidasiga ko‘ra, o‘yinning quyidagi dinamika, mexanika va komponent qatlamlari mazmuni tasnifini ko‘rib chiqamiz:

Dinamika: cheklovlar; tuyg‘ular; munosabatlar. Mexanika: chorlov, musobaqa, vaziyat, teskari aloqa, rag‘bat, yutuq holatlari. Komponentlar: yutuqlar, liderlar reytingi, ballar. O‘yin davomida ishlab chiqilishi va baholanishi mumkin bo‘lgan kompetensiyalar: jamoada ishlay olish qobiliyati va bir-biri bilan muloqot qilish qobiliyati; tarixiy davrlarni, ismlarni, atamalarni bilish; savolga tez va aniq javob berish qobiliyati; ijodiy fikrlash ko‘rsatish qobiliyati; boshqa talabalar tarixi bilim olish; kursdoshlarini o‘yinda faol ishtirok etishga undash.

“Dinamika” qatlami o‘yinning “grammatikasini” ifodalovchi o‘yinning yuqori darajadagi, konseptual elementlari bo‘lib, uning yashirin tuzilishi, taassurotlar va tajribalarni tizimli va izchil uyg‘unlashtiradi. Bu qatlamda ayrim cheklovlar mavjud bo‘lib, o‘yin mazmuni asosida qarorlar va muammolarni ishlab chiqishni talab etadi. Bunda o‘yin cheklangan doiraga ega, ammo hali tajriba va yoki taassurotlarni boyitish uchun etarli hissiy elementlarning mavjudligi bo‘lajak o‘qituvchilarning mazkur faoliyatga qiziqishlarini orttiradi.

Bu qatlamning xronologiya (hikoya) elementi – o‘yin qismlarini izchil bir butunlikka birlashtiruvchi tuzilmasi hisoblansa, rivojlanish elementi esa talabning o‘zi o‘zlashtirgan bilimi darajasini nisbatan yaxshilash va uni yanada ko‘proq o‘rganish, rivojlantirish imkoniga ega ekanligini his qilishidir.

“Mexanika” qatlami o‘yin faoliyatini natijaga olib boruvchi harakatlarni ifodalab, uning ichiga: chaqiruv-tablarning maqsadlariga intilishlarini; butkul-tasodifiy o‘zgarishlar va ularning parametrlarini; musobaqa, kooperatsiya, qayta aloqa: ayni damda, talaba mavzuni o‘zlashtira olyaptimi yoki yo‘q, resurslarni o‘zlashtirish: bunda talabaga imkoniyat o‘qituvchi tomonidan yaratiladi yoki talabaning o‘zi mavjud imkoniyatni ko‘ra biladi, rag‘batlantirish, javob berish yo‘llari, yutuqli holatlarga egalik ushbu qatlamning xarakterli xususiyati bo‘lib, undagi musobaqa elementlari, qaytar aloqani rag‘batlantiradi.

“Komponent” qatlami o‘yinning dinamikasi va mexanikasini ko‘rsatib, quyidagi bo‘limlardan iborat bo‘ladi: natijalar, kollektsiyalar, yangi kontentlarning ochilishi, sovrinlar va taqdirlashlar, liderlar reytingi, darajalar, ballar, kvestlar, ijtimoiy aloqalar, guruhlar va virtual tovarlar.

O‘yin piramidasi komponentlarining mohiyati kontseptsiyaning yuqori darajalari bir yoki bir nechta quyi darajalar elementlari bilan to‘ldirib turilishi zarurligini anglatadi.

“Lateral fikrlash” texnologiyasi – bu texnologiya bo‘lajak o‘qituvchilarni tarbiyaviy faoliyatga ijodiy yondashuvga yo‘naltirib, mustaqil fikrlash qobiliyatini rivojlantirishga yordam beradi. U “kreativ fikrlash”, “nostandart fikrlash”, nuqtayi nazar o‘zgarishi va “g‘oyalarni ijodiy topish” jihatdan ustuvor vertikal fikrlashni kengaytiradi. Lateral fikrlashning didaktik maqsadi, muammoli masalalarni echishda bo‘lajak o‘qituvchilarni mustaqil fikrlash va ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirishdan iborat. Metodik maqsadi esa ma’lumotlarni qayta ishlashning an’anaviy, odatiy usullaridan farqli bo‘lgan yo‘llar orqali alternativ, ijodiy, nostandart g‘oyalar yoki takliflarni yaratish hisoblanadi. Tadqiqotda “Lateral fikrlash” texnologiyasidan “Tarbiyaviy ishlar metodikasi” fanidan “Men maktabning ma’naviy ma’rifiy ishlar tashkilotchisiman” mavzusida insholar ko‘rik tanlovi tashkil etildi. Ko‘rik tanlovlar natijasida talabalar tarbiyaviy faoliyatni tashkil etishga oid o‘zlarining kreativ g‘oyalarini ifodaladilar, tegishli xulosalar chiqardilar.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

*1. O'zbekiston Respublikasining "Innovatsion faoliyat to'g'risida"gi O'RQ-630 Qonuni // Qonunchilik palatasi tomonidan 2020-yil 7-apreldagi qabul Qonuni. 2020-yil 24-iyul. – T., 2020.*

*2. Xalilova Sh.T. Jahon tillarini o'rganish jarayonida talabalarda axloqiy madaniyatni shakllantirishning pedagogik asoslari: Ped. fanl. d-ri ... Dis. – T., 2008. – 310 b.*

*3.Гуслова М.Н. Инновационные педагогические технологии. – М.: Академия, 2010. – 288 с.*

*4.Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М. Педагогик технологиянинг тадбиқий асослари: Ўқув қўлланма. – Т.: Фан, 2006. – 264 б.*

# INTEGRATIV YONDASHUV ASOSIDA TALABALARDA DAXLDORLIK FAZILATLARINI RIVOJLANTIRISH TAMOYILLARI

**Sobirjon Abdullayev,**
Farg'ona davlat universiteti mustaqil tadqiqotchisi

***Annotatsiya***

*Bugungi zamonning talabi loqaydlikni emas, daxldorlikni talab etmoqda. Ijtimoiy mas'uliyatni anglash va makonga mansublikni his etadigan avlodni tarbiyalash va bu makonni qadrlaydigan, himoya qiladigan, vatanparvar shaxslarni yetishtirish ham dolzarb vazifalardan biridir. Shu ma'noda, mazkur maolada yoritilgan masalalar ahamiyatlidir.*

***Kalit so'zlar:*** *daxldorlik, milliy tarbiya, vatanparvarlik, mafkura, ma'naviyat, mehribonlik, e'tiqod, komil inson, o'z-o'zini tarbiyalash, savdo urushlari.*

***Аннотация***

*Требование сегодняшнего времени требует участия, а не равнодушия. Одной из актуальных задач является воспитание поколения, понимающего социальную ответственность и чувствующего чувство сопричастности к космосу, а также воспитание патриотически настроенных личностей, ценящих, оберегающих и оберегающих это пространство. В этом смысле вопросы, затронутые в этой статье, важны.*

***Ключевые слова:*** *актуальность, национальное воспитание, патриотизм, мировоззрение, духовность, доброта, вера, совершенный человек, самовоспитание, торговые войны.*

***Annotation***

*The demand of today's time demands involvement, not indifference. One of the urgent tasks is to raise a generation that understands social responsibility and feels a sense of belonging to the place, and to raise patriotic individuals who appreciate, protect and protect this place. In this sense, the issues covered in this article are important.*

***Keywords:*** *relevance, national education, patriotism, ideology, spirituality, kindness, faith, perfect person, self-education, trade wars.*

Bugungi kunda O'zbekistonning yangi taraqqiyot bosqichida jamiyatda loqaydlik va boqimandalik dunyoqarashini yo'qotishda daxldorlikni shakllantirish dolzarb vazifalardan biriga aylanmoqda. Chunki jamiyatda daxldorlikni shakllantirmasdan turib, ijtimoiy birdamlikni, mas'uliyatni rivojlantirib bo'lmaydi. Zero, "hozirgi kunda dunyo shiddat bilan o'zgarmoqda. Insoniyatning taqdiri va kelajagiga tahdid solayotgan xavf-xatarlar tobora kuchayib bormoqda. Jahon miqyosida shafqatsiz raqobat, turli ziddiyat va qarama-qarshiliklar, savdo urushlari g'oyat keskin tus olmoqda. Mana shunday murakkab sharoitda biz faqat xalqimizning aql-zakovati, bukilmas irodasi va salohiyatiga, o'z kuch va imkoniyatlarimizga tayanib, ayni vaqtda dunyo hamjamiyati bilan hamkor bo'lib, dadil oldinga borishimiz shart" [1, 126].

Hozirgi kunda hukumatning yagona maqsadi insonparvar, fuqarolik jamiyatini barpo etish, shuningdek, ijtimoiy-iqtisodiy hamda madaniy rivojlanishning yuqori bosqichlariga ko'tarish, jahon hamjamiyati safidan munosib o'rin egallashga yo'naltirilgan ezgu maqsadlarni amalga oshirishga xizmat qiladi. Ushbu maqsadlarni ijobiy natijaga ega bo'lishi, eng avvalo, yosh avlodga ilmiy bilimlar asoslarini puxta o'rgatish, ularda keng dunyoqarash hamda tafakkur ko'lamini hosil qilish, ma'naviy-axloqiy sifatlarni shakllantirish borasidagi ta'limiy-tarbiyaviy ishlarni samarali tashkil etishga bog'liqdir. Zero, yurtning porloq istiqbolini yaratish, uning nomini keng yoyish, yurtni rivojlangan mamlakatlar qatoridan joy egallashini ta'minlash yosh avlodni yetuk kadr, malakali mutaxassis qilib tarbiyalashga hamda ijtimoiy mas'uliyatni va daxldorlikni singdirishgaga bog'liqdir.

Tadqiqotchi E.Shermanov fikricha, "daxldorlik vij-

don bilan bog'liq fazilat bo'lib, unga ko'ra, inson o'zini jamiyatning bir parchasi deb biladi. Daxldorlik – jamiyat yutug'idan quvonib, kamchiligini bartaraf etish yo'lidagi xatti-harakatlarda ham namoyon bo'ladi. Jamiyatning har bir a'zosi o'zini mamlakatning buguni va ertangi istiqboli uchun daxldor deb bilsa, har bir xatti-harakatida o'sha tuyg'uni his qilib faoliyat yuritsa, o'sha mamlakatning buguni va ertangi kuni porloq bo'ladi" [6, 11].

Tadqiqotchi Akbar Dushayev daxldorlik tushunchasini tadqiq etib, quyidagi fikrlarni ilgari suradi: "Daxldorlik tuyg'usi bilan yashaydigan insonlar o'zlaridagi ma'naviy fazilatlarni boshqalarga ifoda etishga qodir bo'ladi (Luqmoni Hakimning o'z o'g'liga nasihatlari) [4]. Ular o'zlaridagi bor ijobiylik va ezgu sifatlarni boshqalarga ifoda etibgina qolmay, mayoq kabi ularning qalbi, ruhiyati (psixologiya) va tafakkurini (gnoseologiya) ma'rifat ziyosi bilan yoritadi (Ahmad Farg'oniy, Ibn Sino, Ahmad Yassaviy, Najmiddin Kubro, Bahouddin Naqshbandiy va boshqalar) [2, 56]". Demak, uning fikricha, ilm va ma'rifatni biz ham ezgulik yo'lida daxldorlik tuyg'usi bilan ulashishimiz, nafaqat nazariy bilimlar, balki ijtimoiy, iqtisodiy taraqqiyotga, mamlakatimizning kelgusi istiqboli va xalqimiz farovonligiga yanada xizmat qiluvchi ishlab chiqarish, innovatsion texnologiyalar (texnomadaniyat) va vositalar, ixtirolar, shuningdek, tadbirkorlik asoslarini ham keng tatbiq etishimiz muhim hisoblanadi.

Daxldorlik hissi jamiyatning kelajakka ishonchini ta'minlovchi muhim omil hisoblanadi. Hozirgi yoshlarda va kelgusi avlodda o'z davlati, xalqining tarixini shak-shubhasiz bilish bilan bir qatorda, jahon tarixi va madaniyati yutuqlarini chuqur o'rganish zarurligini tushunish va anglash hissini tarbiyalash ham ustuvor vazifalardan biridir.

Har bir insonda millati, xalqi, Vatani, imoni, e'tiqodiga nisbatan daxldorlik tuyg'usi bo'lishi uchun, avvalo, o'sha insonda milliy o'zlik bo'lishi lozim. Milliy o'zlik bo'lgan taqdirda jamiyat hayotidagi fikrlar, g'oyalar, qarashlar va nazariyalarning insonparvarlik jihatlari ortib boraveradi. Bunda o'zlikni anglashning ilk kurtaklari qanday dunyoga keladi? Avvalo, ma'lum bir inson tafakkurida muayyan fikr tug'iladi, fikr kengayib, chuqurlashib, ildiz otadi. Natijada u endi oddiy fikr emas. O'zining ta'sir doirasiga ega, ijtimoiy ong va ijtimoiy muhitga kirib boruvchi to'lqinlari mavjud, g'oyaviy-mafkuraviy konseptual asos bo'ladi. So'ng ijtimoiylashgan fikrning bu darajasi jamiyatni birlashtiradi. Jamiyatni birlashtirishga qodir bo'lgan bunday konseptual asos "qudratli g'oya"dir. Endi esa birlashgan kuch bilan yakdil, yagona maqsad sari harakat qiluvchi, o'z mafkurasini amalga oshirishga kirishgan millat, xalqning taraqqiyot sari odimlashi intensiv tus oladi. Negaki, nomidan bilishimiz mumkinki, u birlashgan kuch, ya'ni a'zolarining har biri, hattoki har bir individ yoinki har bir alohida olingan turli darajadagi elementar qobiliyat va iste'dod egasi bo'lgan vakili ham modomiki, o'sha birlashgan kuchga taalluqli, o'z millat va xalqining rivojlanishi uchun ishtirok etmoqda ekan, demak, u bevosita daxldorlik tuyg'usi bilan qurollangan, ma'naviy qiyofaga ega bo'lgan shaxsdir.

Tarixdan ma'lumki, daxldorlik insonlar hayotida muhim tanlovni amalga oshirish va bu orqali yuksak mas'uliyatni namoyon qilish jarayoni hisoblanagan. O'zbekiston davlati hududida yashagan xalqlarning uch ming yillik tarixiga nazar tashlaydigan bo'lsak, aksariyat hollarda bosqinchilar zulmi ostida yashaganligi ma'lum. Bunday jarayonni asrlar davomida kechishi natijasida odamlarda befarqlik va loqaydlik, "och qornim – tinch qulog'im" naqlini shakllanishiga olib keldi. Biroq, bugungi zamonning talabi boshqacha, u loqaydlikni emas, daxldorlikni talab etmoqda. Ijtimoiy mas'uliyatni anglash va makonga mansublikni his etadigan avlodni tarbiyalash va bu makonni qadrlaydigan, himoya qiladiganlarni yetishtirish ham dolzarb vazifalardan biridir.

Avesto ta'limotida ham inson, jamiyat va tabiatga axloqiy munosabatlar bolalarning yoshligidan o'rgatib borilgan. Asosan 7 yoshga to'lgan bolalar tarbiya jarayonida "men zardushtiylik diniga sodiq bo'lishga va'da beraman, men yaxshi fikrlar, yaxshi so'zlar, yaxshi ishlarga ishonaman... Zardushtiylikda ma'rifat va bilimning kuchiga qattiq e'tiqod qilinadi va jamiyat hayotida ham oqibat natijada ma'rifat yutib chiqadi, deb hisoblanadi. O'sha davrda yoshlarning faqat sihat-salomat va jismonan baquvvat bo'lishi haqidagina emas, balki ilm-u ma'rifat olishi va ma'naviy sofligi, yaxshilik, ezgulik xislatlarini egallashlari to'g'risida ham g'amxo'rlik qilishgan. Asosan bolalarda axloqiy, mehnatsevarlik, rostgo'ylik, saxovatlilik fazilatlarini tarbiyalashga muhim ahamiyat berilgan" [3, 22].

O'zbekistonning yangi rivojlanish jarayonida islohotlar fuqarolar o'rtasidagi befarqlik kayfiyatini yo'qotishga qaratilishi zarur, chunki fuqarolik jamiyatining mohiyati fuqarolar o'rtasidagi jipslik, birdamlikdan iborat, ya'ni bir fuqaroning ikkinchi bir fuqaro, jamiyat, Vatan taqdiriga befarq bo'lmasligidan iboratdir. Boshqacha qilib aytganda, "Odamlarda fuqarolik ma'naviyati, daxldorlik fazilati shakllangan taqdirdagina fuqarolik jamiyatini qurish mumkin bo'ladi, – deb yozadi falsafa fanlari doktori F.Nabiyev. – Zero, bir fuqaro boshqa bir fuqaroga uning taqdiriga nisbatan befarq bo'lsa, har qanday yaxshi qonunlar ham ishlamaydi" [5, 69]. Shunday ekan, jamiyatimizning yangi rivojlanish bosqichida fuqarolik jamiyatini qurish sharoitida ijtimoiy daxldorlik fazilati juda ahamiyatli sanaladi.

Fuqarolik jamiyatini qaror toptirish xalqimizning ma'naviy fazilatlari yuksalishiga bog'liq. Biroq globallashuv sharoitida ma'naviyatning sayozlashuvidek ulkan muammo yuzaga kelmoqda. Terrorizm, missionerlik, diniy ekstremizm, "ommaviy madaniyat", gedonizm, eskapizm, daunshifting, loqaydlik, befarqlik, axborot

xuruji va oilaning global inqirozi kabi illatlarning paydo boʻlayotgani shular jumlasidan. Ularning barchasiga yoshlar tarbiyasidagi xato-kamchiliklar, maʼnaviyatning qashshoqlashuvi, ijtimoiy daxlsizliklar sabab boʻlmoqda. Fuqarolik jamiyati shakllanishi jarayonida daxldorlik tarbiyasiga yetarli darajada e'tibor qaratilmaslik oqibatida shunday jarayon yuz bermoqda.

Bugungi kunda yoshlarni turli gʻoyaviy tahdidlardan, terrorizm va eksrtemizm xavfidan himoya qilish dolzarb vazifalardan biridir. Bu borada ularni gʻoyaviy tarbiyalash, ularda ijtimoiy daxldorlik fazilatlarini rivojlantirish ham muhim ahamiyat kasb etadi. Shu bois global raqobat muhitida, madaniyatlararo munosabatlar zoʻriqib borayotgan bunday sharoitda maʼnaviy-mafkuraviy ishlarni zamon talablari asosida tashkil etish quyidagilarga bogʻliq:

- aholining asosini tashkil etuvchi yoshlarni turli mafkuraviy xurujlardan himoya qilish;
- talaba-yoshlarda hayotga ongli munosabatini shakllantirish;
- atrofimizda yuz berayotgan voqea-hodisalarga daxldorlik hissini oshirish;
- diniy ekstremizm, xalqaro terrorizm, "rangli inqiloblar", "erkinlik va demokratiyani olgʻa siljitish" doktrinasini zoʻrlik bilan joriy etish oqibatida xalqaro maydondagi ziddiyat va qarama-qarshiliklar kuchayib borayotgan bir vaziyatda oʻzimizning kelajak strategiyamizni aniq belgilab olish;
- mafkuraviy tahdidlarni aynan nimaga qaratilganligini har tomonlama anglab olish va keng jaoatchilikka yetkazish;
- davlatimiz suvereniteti, tinch va osoyishta hayotimizga xavf tugʻdirishi mumkin boʻlgan tajovuzlarga qarshi izchil kurash olib borish;
- mamlakatimizda mafkuraviy jarayonlarning amaliy ishlari va ijobiy natijalarini talaba-yoshlarga tushuntira bilish;
- ijtimoiy daxldorlikni hayotdagi oʻrni va ahamiyatini hayotiy misollar bilan izohlab berish.

Xulosa qilganda, bugungi globallashuv sharoitida jahonda koʻplab mamlakatlarda ijtimoiy birdamlikning yoʻqolishi, insonlarda daxldorlik fazilatini yoʻqolib borishi orqali terrorizm, missonerlik, diniy ekstremizm, "ommaviy madaniyat", gedonizm, eskapizm, daunshifting, loqaydlik, befarqlik, axborot xuruji va oilaning global inqirozi kabi illatlarning paydo boʻlmoqda. Ularning barchasiga yoshlar tarbiyasidagi kamchiliklar, maʼnaviyatning qashshoqlashuvi sabab boʻlmoqda.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:**

1. *Mirziyoyev Sh.M. Milliy tiklanishdan – milliy yuksalish sari. 4-tom. – T.: Oʻzbekiston, 2020. – 200 b.*
2. *Dushayev A. Daxldorlik tuygʻusi va shaxs maʼnaviy qiyofasi// Academic Research in Educational Sciences. Vol. 1 No. 1, 2020. (www.ares.uz)*
3. *Yoʻldoshev J, Hasanov S. Avestoda axloqiy ta'limiy masalalar. – T.: "Oʻqituvchi", 1992. – 180 b.*
4. *Nabiyev F. Fuqarolik jamiyati sharoitida mafkuraviy immunitetni kuchaytirishda maʼnaviyatning oʻrni. Globallashuv. Ommaviy madaniyat, milliy gʻoya//Ilmiy-amaliy maqolalar toʻplami. – T.: "Maʼnaviyat", 2009.69-73.*
5. *Shermanov E.U. Oʻsmirlarda islohotlarga daxldorlik fazilatini rivojlantirish. Pedagogika fanlari boʻyicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi avtoreferati. – Samarqand, 2020. – 187 b.*

# ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ ОМИЛИ

**Тўйчи Ахмедов,**
Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва
илғор технологияларни татбиқ этиш маркази бўлим бошлиғи,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

***Аннотация***

*Ушбу мақолада Ўзбекистонда халқ билан мулоқот қилиш, улар билан маслаҳатлашиш жараёни таҳлил этилади. Ўзбекистонда 2017–2021 йилларда халқ билан мулоқот тизимининг янги босқичи бошланди. Давлат ва жамият ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан халқнинг фикрлари ва таклифлари инобатга олина бошлади. Мақолада замонавий давлатчилик даврида бошқарувда қўлланилаётган цивилизацион услублар ёритилади.*

***Калит сўзлар:*** *Ўзбекистон, халқ, маслаҳат, кенгаш, мулоқот,ислоҳот, бошқарув, таклиф, муҳокама, қонун, қарор, давлатчилик.*

***Аннотация***

*В данной статье анализируется процесс общения и консультаций с людьми в Узбекистане. В 2017–2021 годах в Узбекистане была запущена новая система коммуникации с населением, и в процессе принятия решений учитывались мнения и предложения населения по актуальным вопросам общества и государства. В статье обсуждаются цивилизационные методологии, используемые в управлении.*

***Ключевые слова:*** *Узбекистан, население, консультации, общение, реформа, управление, предложение, обсуждение, указ, государственное управление.*

***Annotation***

*This paper analizes the process of communitation and consultation with people in Uzbekistan. A new system of communication with population was launched in 2017–2021 in Uzbekistan and opinions and suggestions of population on crucial issues of society and state was taken into account in the decision-making process. Civilisational methodologies employed in governance are discussed in the paper.*

***Keywords:*** *Uzbekistan, population, consultation, communication, reform, governance, suggestion, discussion, decree, statecraft.*

Буюк мутафаккир Аҳмад Дониш айтганидек: “... подшоҳларнинг фуқароларга мушфиқлиги ва меҳрибонлиги ўз давлати ва салтанатининг ободонлиги демакдир” [1, 62-63]. Бу бежизга эмас. Бугун ислоҳотларнинг марказида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, уни рози қилиш устувор вазифа сифатида белгиланган. Инсон қадри, унинг шаъни, ғурури, дахлсизлиги, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва бошқа ҳуқуқлари тўла таъминланган жамиятда яққол кўринади. Инсонни рози қилиш аслида мана шундай эҳтиёжларни тўла таъминлашни назарда тутади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев айтиб ўтганидек, “...аввало, инсон, унинг ҳақ-ҳуқуқлари ва бахт-саодати давлат сиёсати, барча давлат органлари фаолиятининг энг устувор мақсади бўлиши лозим. Жамият қурилиши ва давлат сиёсати ана шу ғояга таяниши ҳамда “Давлат – инсон учун” тамойили асосида ташкил этилиши даркор” [2, 67]. Шу боисдан Янги Ўзбекистонда “Ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик” асосий тамойилга айланди. Халқ билан бамаслаҳат иш қурилса, ислоҳотларнинг бориши ва якунларидан уни доимо хабардор қилиб турилса, қийинчиликларни яширмасдан, ҳаётнинг энг оғир жиҳатлари ҳам очиқ ошкор этилса, бундан асло ютқазмаймиз, аксинча – фақат ютамиз [4, 382].

Халқ билан мулоқот қилиш орқали улар билан маслаҳатлашиш, муҳокамаларни ташкил этиш, давлат ва жамият бошқарувида ҳар бир фуқаронинг иштирокини таъминлаш замонавий давлатчиликнинг муҳим сиёсий қадрияти ҳисобланади. “Раҳбар афкор омма билан ошкора мулоқотда бўлиши зарур. Бундан уларнинг ўзи ҳам, жамият ҳам, давлат ҳам манфаатдор бўлиши муқаррар” [5, 130-131]. Демократия давлат ҳокимияти билан халқ ўртасидаги масофа қанчалик қисқарса, шунчалик кучга тўлади ва ҳаётбахш самарасини кўрсатади. Бугунги даврда ахборот технологияларининг ривожланиб бораётганлиги ҳисобидан халқ билан кенгашишнинг цвилизацион имкониятлари кенгайиб бормоқда. Мамлакат ҳудудининг катталиги қайсидир ҳудуддаги муаммоларни эътибордан четда қолдириш учун асос бўлмайди: оммавий ахборот воситалари ёки ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари ҳар қандай оғир ҳудуддаги муаммоларни ҳукуматга етказа олади. Яъни бугунги кунда муаммоларни яширишнинг иложи йўқ. Давлат имкон даражада халқ билан яқинлашув асосида уларнинг ичига кириб бормоқда, муаммолар мантиғини рационал ечиш чораларини ишга солмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганидек: “...ҳар қайси раҳбар ҳудуддаги ҳақиқий аҳволдан тўла хабардор бўлади, ишида унум ва самарага эришади. Албатта, бугунги кунда одамларни қандай масала ва муаммолар ўйлантираётгани, ташвишга солаётганини яқиндан билишда ёрдам берадиган очиқ манбалар, ахборот тармоқлари кўп. Айниқса, телевидение, матбуот, Интернет ҳаёт нафасини, таъбир жоиз бўлса, ҳар бир соҳанинг “юрак уриши”ни аниқ-равшан ҳис қилишда муҳим аҳамиятга эга. Шахсан ўзим оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда берилаётган янгиликлар, улар орқали билдирилаётган долзарб фикрлар, жамоатчиликнинг диққат-эътиборини тортаётган воқеа-ҳодисалар билан имкон қадар бевосита танишиб боришга ҳаракат қиламан. Бир сўз билан айтганда, замонавий ахборот технологиялари ривожланган бизнинг давримизда реал ҳаётдан бутунлай узилиб қолиш мумкин эмас. Шунга қарамасдан, халқ билан турли кўринишдаги, дейлик, бу режадаги тадбир бўладими ёки маҳалла, туман, қайсидир муассасага кутилмаган ҳолатда кириб бориш орқали бўладими, умуман, бевосита мулоқот ҳамиша керак, деб ҳисоблайман” [3, 47].

Халқ билан мулоқот қилиш инсон қадрининг улуғлашни ўзига хос ифодаси бўлди, дейиш мумкин. Чунки халқнинг фикрини эшитиш унга берилган эътиборнинг юксак намунаси. Жамиятда инсоннинг ўрни бор эканлигини ҳис қилиши учун таъсирчан омиллардан бири дейиш мумкин. Шу боисдан 2017–2021 йилларда давлат ва жамият бошқарувини самарали ташкил этиш учун халқ билан мулоқот тизимининг замонавий имкониятларидан унумли фойдаланилди. Халқ билан мулоқот тизимининг ташкилий-институ-

ционал асослари яратилди. 2016 йилдан ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси ва 2017 йилда таркиб топган Халқ қабулхонаси давлат ва халқ ўртасидаги барча даражадаги барьерларни йўқотди, аҳолининг тўғридан-тўғри мурожаат қилишга, ўз таклифларини билдиришга имконият яратди. Айнан мазкур тузилмалар негизида давлат ҳокимиятининг барча тузилмалари фаолиятида халқ билан ишлаш мезони мутлақо ўзгарди. 2020 йилда Президент виртуал қабулхонаси ва халқ қабулхоналарига 1 миллион 196 минг 370 дан зиёд мурожаат келиб тушган. Бу ойига 99,7 мингта, 1 кунда 3,2 мингта дегани. Президент Админстрацияси ва давлат ҳокимиятининг бошқа органлари томонидан 93 марта оммавий қабуллар ташкил этилган. Мазкур қабулларда 26,9 минг нафар мурожаатчиларни ўйлантираётган 27,7 мингдан зиёд масалалар ўрганилди. Улардан 18 минг 720 дан зиёдига ечим топилган. 8,3 мингдан зиёд мурожаат бўйича асослантирилган ҳуқуқий тушунтиришлар берилган бўлса, 588 та масала қўшимча ўрганиш учун назратга олинган. Битта оммавий қабулда ўртача 300 га яқин масала кўриб чиқилган, ўртача 201 масала ҳал қилинган [6, 21]. Йилдан-йилга мурожаатлар билан ишлаш тизими такомиллашиб борди.

Яна бир муҳим ўзгариш – ҳар бир ҳужжат қабул қилинишида унинг лойиҳаси бўйича кўплаб таклифларни олинаётгани халқнинг қарорлар қабул қилишдаги иштирокини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлаётганини кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти: "Халқ – қонунларнинг том маънода ягона манбаи ва муаллифи ҳисобланади" ҳамда "Барча муҳим қарорлар бевосита халқ билан мулоқот асосида, жамоатчиликнинг фикрини ҳисобга олган ҳолда қабул қилинади" тамойилларини амалга ошириш бўйича ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда" [2, 69], деганда халқнинг қонунлар қабул қилишда ва муҳим қарорлар қабул қилишдаги бетакрор ролини яна бир бор эътироф этган ҳолда, бунинг учун давлат томонидан амалга оширилаётган ўзгаришларни уқтириб ўтди. 2022 йил 11 февралда йўл ҳаркати хавфсизлиги масаласи бўйича ўтказилган видеоселекторда ҳам Президент: "Қонунчиликка киритиладиган ҳамма янгиликлар депутатлар, экспертлар ва жамоатчилик билан бамаслаҳат ишлаб чиқилади", деб алоҳида таъкидлади [7]. Қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан ошириш давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналиши сифатида белгиланиб, туб ўзгаришлар амалга оширилди. Хусусан, қонун лойиҳаларини жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш тартиби жорий этилди. Қонунчилик палатасининг 2015 йилда эски йилдан қолган 15 та, йил давомида кўрган қолган қонун лойиҳалари 44 та, жами 59 та, 2016 йилда эски йилдан қолган 10 та, йил давомида кўрган қолган қонун лойиҳалари 51 та, жами 61 та, 2017 йилда эски йилдан қолган 11 та, йил давомида кўрган қолган қонун лойиҳалари 136 та, жами 147 та, 2018 йилда эски йилдан қолган 28 та, йил давомида кўрган қолган қонун лойиҳалари 145 та, жами 173 та, 2019 йилда эски йилдан қолган 28 та, йил давомида кўрган қолган қонун лойиҳалари 149 та, жами 177 та кўриб чиқилган [8, 30].

Аҳолининг маҳаллий бюджетдан маблағ ажратиш жараёнидаги иштирокини таъминлаш, уларнинг таклифлар билдириш имконияти яратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги "Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-5072-сонли Қарори асосида 2021 йилнинг 1 июлидан бошлаб жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга ажратиладиган туман ва шаҳарлар бюджетлари қўшимча маблағларининг энг кам миқдорини 10 фоиздан 30 фоизга ошириш белгилаб қўйилди [9]. Натижада 2021 йил давомида фуқаролар томонидан "Очиқ бюджет" ахборот порталига 5651 та таклиф киритилди. Ушбу таклифларга 74111 та овоз берилди. Энг кўп овоз тўплаган 152 та таклиф ғолиб деб топилди. Уларнинг асосий қисми ички йўлларни таъмирлаш билан боғлиқдир. Умумтаълим мактабларини таъмирлаш ва моддий-техника базасини ривожлантиришга доир таклифлар эса 28 та. Ана шундай ижтимоий аҳамиятга эга таклифлар жойлардаги долзарб масалаларни ҳал этишда қўл келмоқда [10]. 2021 йилда "Ташаббусли бюджет лойиҳаси" лойиҳасига 41 мингдан ортиқ таклиф келиб тушган бўлса, 1,1 миллион аҳоли овоз беришда иштирок этди. Овоз бериш якунларига кўра, умумий қиймати 407,1 миллиард сўм бўлган 1 594 та таклиф ғолиб топилди. 2022 йил биринчи ярим йиллик учун 69 700 та ташаббусга жами 6 718 133 та овоз йиғилган. Улар орасидан 2215 та ташаббус ғолиб деб топилди. Ажратилган маблағ миқдори 1115,83 млрд сўм. "Очиқ бюджет" портали орқали фуқаро рўйхатга ўтган ҳолда онлайн овоз беради ва фақат бир марта таклиф киритиши ҳамда овоз беришига рухсат берилган. Ҳар бир туман ва шаҳарнинг ўзида энг кўп овоз тўплаган таклифлар миқдоридан келиб чиққан ҳолда, ғолиб аниқланади. Таклифлар қанчалик кўп овоз тўпласа, ютиш имконияти шунчалик ортади [11].

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2022 йил 28 январь куни "2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги Фармонни ҳамда 2022 йил – "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурини имзолади. Мазкур Фармон лойиҳаси 2021 йилнинг 30 декабридан 2022 йилнинг 15 январь кунига қадар 2022-2026.strategy.uz, regulation.gov.uz ва jamoatchilik.uz порталлари орқали кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилди. Муҳокама дав-

рида Фармон лойиҳаси аҳолининг кенг қатламларига босма ва электрон оммавий ахборот воситалари орқали етказилди. Ижтимоий тармоқлар орқали Фармон лойиҳасининг мазмун-моҳияти билан таништирилди. Республика ва маҳаллий нашрларда мунтазам материаллар жойлаштирилди. Жумладан, республикадаги оммавий ахборот воситалари, веб-сайтлар, ижтимоий тармоқларда 3600 га яқин материаллар эълон қилинди, телерадиоканалларда қарийб 1700 та кўрсатув ва эшиттиришлар эфирга узатилди. Шу билан бирга, жуда катта аудиторияна эга бўлган "Facebook" ва "Telegram" каби ижтимоий тармоқ каналларида 1600 га яқин материаллар жойлаштирилди. Бундай кенг қамровли тушунтириш, тарғибот ишлари ва аҳолини фаолликка ундовчи ташвиқот жараёни натижасида Фармон лойиҳасига жами 17535 та таклиф билдирилди. Шундан 7137 та таклиф "Инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш" йўналишига, 564 та таклиф "Мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш" йўналишига, 1116 та таклиф "Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш" йўналишига, 7395 та таклиф "Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш" йўналишига, 225 та таклиф "Маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш" йўналишига, 892 та таклиф "Миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда, умумбашарий муаммоларга ёндашиш" йўналишига, 206 та таклиф "Мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очиқ, прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб бориш" йўналишига таллуқли [12]. Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида 2022 йил 26 январь куни давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳалари қамраб олинган кенгайтирилган видеоселектор йиғилишида айтиб ўтилган Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси ва уни 2022 йил – Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йилида амалга оширишга оид давлат дастури ижросини ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди. Ушбу видео селекторда Давлат раҳбари: "Давлат – инсон учун" деган эзгу ғояни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини бевосита халқимиз билан маслаҳатлашиб, одамларимизнинг фикр ва таклифлари асосида ишлаб чиқдик", деб алоҳида эътироф этди [13]. Албатта, мазкур таклифларнинг мазмун-моҳияти бир-биридан фарқ қилади. Кўпгина таклифлар лойиҳадаги нормаларни қўллаб-қувватлаш (8000 та), умумий характердаги масалалар (6000 дан ортиқ) билан боғлиқ. Қонучиликда ва лойиҳада белгиланган масалалар бўйича 1000га яқин, аниқ масалаларга 1000 дан ортиқ таклифлар билдирилган. Бундай таклифлар чуқур ва ҳар томонлама кўриб чиқилди. Фармон лойиҳасига қарийб 100 та концептуал, 200 дан ортиқ аниқ характерга эга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилишига асос бўлди. Хусусан, аҳоли томонидан билдирилган таклифларнинг инобатга олиниши натижасида тараққиёт стратегияси лойиҳасида назарда тутилган мақсадлар сони 94 тадан 100 тага кўпайди [12]. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Президенти: "Одамларимизнинг дастур муҳокамасидаги фаоллиги, уларнинг ислоҳотларга бўлган ишончи ва дахлдорлиги ортиб бораётгани халқимиз юртимиздаги ўзгаришлар жараёнини, ташаббусларимизни қўллаб-қувватлаётганидан яна бир бор далолат беради", деди. Давлат раҳбари муҳокамаларда фаол иштирок этган барча фуқароларга чуқур миннатдорчилик билдирди [13].

Хулоса қилиб айтганда, халқ билан маслаҳатлашиш, улар билан кенгашиш тўғри қарор қабул қилишнинг муҳим омили. Ўзбекистон Республикаси Президенти ушбу тамойилнинг давлат бошқарувидаги ифодасини амалда кўрсатмоқда. Жойларда одамлар билан учрашувлар, ҳақиқий ижтимоий-иқтисодий ҳолат билан танишиш тўғри қарор қабул қилиши учун муҳим асос бўлаётганини жамоатчиликка очиқ айтмоқда. Демак, халқнинг мурожаатлари нафақат ижро этилмоқда, балки мурожаат асосидаги муаммоларнинг тизимли ечиш учун ҳам керак бўляпти. Сайлов жараёни халқ билан кенгашишнинг муҳим шакли. Ўзбекистон давлатчилигида сайловлар узоқ асрлардан бери ўтказилмоқда. Аммо ҳар бир фуқаронинг сайлов ҳуқуқини қўлга киритганлигига кўп бўлгани йўқ. Аслида сайлов цензини қўлга киритиш ҳам барча масала ҳал бўлди дегани эмас – халқнинг сайловлардаги иштироки ҳисобга олиняптими ёки йўқлиги муҳим аҳамиятга эга. Шундан келиб чиқиб, Янги Ўзбекистонда сайлов орқали халқ билан кенгашиш сиёсий ислоҳотларнинг муҳим йўналишидир, дея оламиз. Аҳолининг сайлов жараёнидаги фикрлари инобатга олинмоқда. Буни халқаро ташкилотларнинг сайлов бўйича билдирган хулосаларидан ҳам билиш мумкин.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. *Аҳмад Дониш. Наводирул вақое. –Т.: Фан, 1964. –Б. 62-63.*

2. *Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Т.: Ўзбекистон, 2021. –Б. 67.*

3. *Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда. –Т.: O'qituvchi, 2021. –Б. 47.*

4. *Каримов И. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. 5-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1997. –Б. 382.*

5. Каримов И. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1999. –Б. 130-131.

6. Ўзбекистонда 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси натижалари. Factbook. –Т.: Baktria press, 2021. –Б. 21.

7. Қонунчиликка киритиладиган ҳамма янгиликлар депутатлар, экспертлар ва жамоатчилик билан бамаслаҳат ишлаб чиқилади — Президент// https://xs.uz/uzkr/post/qonunchilikka-kiritiladigan-hamma-yangiliklar-deputatlar-ekspertlar-va-zhamoatchilik-bilan-bamaslahat-ishlab-chiqiladi-prezident

8. Учинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг фаолияти тўғрисида ахборот. –Т., 2019. –Б. 30.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги "Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-5072-сонли Қарори// https://xs.uz/uzkr/post/zhamoatchilik-takliflari-izhtimoij-ahamiyat-kasb-etyaptimi

10. Иброҳимов И. Жамоатчилик таклифлари ижтимоий аҳамият касб этяптими?// https://xs.uz/uzkr/post/zhamoatchilik-takliflari-izhtimoij-ahamiyat-kasb-etyaptimi

11. Қоржовов А. Ташаббусли бюджет адолат ва шаффофликнинг муҳим воситаси // Янги Ўзбекистон. – 2022 йил 5 апрель. –№. 67(589).

12. Ўзбекистон Республикаси Президенти "2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги Фармонни имзолади//Ўзбекистон Республикаси Президенти "2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги Фармонни имзолади (strategy.uz)

13. Президент матбуот котибининг расмий телеграм канали//https://t.me/Press_Secretary_Uz


# ЎҚУВЧИДА ВАТАНПАРВАРЛИК, МИЛЛИЙ ИФТИХОР, БУРЧ ВА МАСЪУЛИЯТ ТУЙҒУСИНИ ТАРБИЯЛАШ ОРҚАЛИ ДАСТЛАБКИ ҲАРБИЙ ОФИЦЕРЛИК КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИКНИ ШАКЛЛЛАНТИРИШ


**Хол Худойқулов,**
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
"Педагогика ва умумий психология" кафедраси профессори, п.ф.д.,
**Маъруф Салимов,**
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
"Педагогика ва умумий психология"кафедраси мустақил тадқиқотчиси



***Аннотация***

*Ушбу мақолада ўқувчида ватанпарварлик, миллий ифтихор, бурч ва масъулият туйғусини тарбиялаш орқали дастлабки ҳарбий офицерлик касбий компитентлигини шаклллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари, ҳарбий ватанпарварлик, миллатлараро бағрикенглик, толерантлик тафаккурини ҳамда ижодий фикрлашни ривожлантириш масалалари, унга боғлиқ бўлган ҳис-туйғуларига ҳам тааллуқли жараёнлар ҳақида тўхталиб, барқарорлик, мустаҳкамлик туфайли миллат, элатнинг фикрлардан келиб чиққан ҳолда, айтиш мумкинки, миллий-ифтихор бирлиги, бирдамлик туйғусини, тарбиялашни, энг аввало, миллатнинг тарихидан, маданиятидан, урф-одат, анъаналарини тушунтиришдан бошламоқ лозимлиги кўрсатилган.*

***Калит сўзлар:*** *ватанпарварлик, миллий ифтихор, бурч ва масъулият, тарбия ҳарбий офицерлик, касбий компитентлик, ўзига хос хусусиятлари, ҳарбий ватанпарварлик, миллатлараро бағрикенглик, толерантлик , ижодий тафаккур, ижодий фикрлаш.*

***Аннотация***

*В данной статье рассмотрены особенности формирования начальной профессиональной компетентности военного офицера путем воспитания у курсанта чувств патриотизма, национальной гордости, долга и ответственности, вопросы воспитания воинского патриотизма, межнациональной толерантности, толерантного мышления и творческого мышление, и процессы, связанные с родственными чувствами. Ввиду устойчивости и силы нации, исходя из мнений народа, можно сказать, что необходимо начать воспитание национально-гордого единства, чувства солидарности, прежде всего, от разъяснения истории, культуры, обычаев и традиций нации.*

***Ключевые слова:*** *патриотизм, национальная гордость, долг и ответственность, подготовка военного офицера, профессиональная компетентность, отличительные черты, военный патриотизм, интернациональная толерантность, творческое мышление,.*

***Annotation***

*This article discusses the features of the formation of the initial professional competence of a military officer by educating a cadet's feelings of patriotism, national pride, duty and responsibility, the issues of educating military patriotism, interethnic tolerance, tolerant thinking and creative thinking, and the processes associated with kindred feelings. In view of the stability and strength of the nation, based on the opinions of the people, we can say that it is necessary to start cultivating a proud national unity, a sense of solidarity, first of all, from explaining the history, culture, customs and traditions of the nation.*

***Keywords:*** *patriotism, national pride, duty and responsibility, training of a military officer, professional competence, distinctive features, military patriotism, international tolerance, tolerance, creative thinking, creative thinking.*

Жаҳонда ҳарбий таълим соҳасида замонавий билим, илғор хорижий тажрибалар, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш асосида бўлажак офицерларнинг касбий компетентликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Халқаро миқёсда ҳарбийларнинг компетентлик даражасини ривожлантириш ва баҳолаш стратегик аҳамият касб этиб, ҳарбий таълим тизимини модернизациялаш, ижтимоий муҳит талабларига интеграциялаш, компетенцияларга асосланган давлат таълим стандартларини жорий этиш, мактаб таълим муассасаларида таълим жараёни самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи илғор инновацион механизмларни ишлаб чиқишни бугунги давр тақозо этмоқда.

Жаҳонда бўлажак офицерларнинг халқаро стандартлар асосида касбий компетентликни ривожлантириш, уларда стратегик аҳамиятни, ҳарбий ватанпарварлик, миллатлараро бағрикенглик, толерантлик тафаккурини ҳамда ижодий фикрлашни ривожлантириш масалалари бўйича илмий тадқиқотлар ишлари олиб борилмоқда. Мактаб ўқувчиларида бўлажак офицерларнинг касбий компетентликни ривожлантириш механизмларини шакллантириш орқали, ҳарбий таълим тизимини модернизациялаш, энг илғор инновацион ёндашувларга асосланган давлат таълим стандартларини жорий этиш, ўқув жараёнига замонавий педагогик технологияларни тадбиқ этиш ва ахборот-коммуникация технологияларнинг имкониятларидан кенг кўламда фойдаланиш янги таълим сифат даражасига кўтаришни талаб этмоқда.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ҳарбий ислоҳотлар туфайли Қуролли Кучларимиз учун юқори малакали мутахассисларни, юксак интеллектуал, маънавий-ахлоқий салоҳиятга эга бўлган офицер кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Айни вақтда, айтиш жоизки, кўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, ҳарбий кадрларни тайёрлаш тизими замон талабларига етарлича тўлиқ жавоб бермайди. … ҳарбий ўқув юртларида замонавий шарт-шароитларни хўжакўрсинга эмас, аксинча, курсантларимиз ва тингловчиларимиз таълим соҳасида энг илғор, инновацион билим ва кўникмаларга эга бўлиши зарурлигини давр кўрсатади. Мана шу бизнинг асосий мақсадимиз [1, 24].

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам “мактаб таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми, суверенитети, ҳудудий яхлитлигини муҳофаза қилиш, фуқаролик, миллатлараро ва конфецияларaро тинчлик ҳамда тотувликни мустаҳкамлаш, давлатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг жанговар қудрати ва салоҳиятини ошириш” [2,16] каби муҳим вазифалар белгиланган.

Инсоннинг руҳияти фақат унинг кайфиятга боғлиқ эмас, балки унинг моҳияти, биринчи навбатда, маънавияти билан белгиланади. Инсон фаолиятида онглилик устувор, ҳал қилувчи функцияга эга. Шу жиҳатдан инсоннинг руҳий кечинмаларини, ҳис-туйғуларини унинг маънавиятидан ажратиб қараш мумкин эмас. Инсон ҳаётидаги руҳий ҳолатлар маънавият билан боғлиқ равишда юзага келади ва унга фаол таъсир ҳам этади.

Бу фикрлар тўла маънода инсоннинг миллий бирлик, бирдамлик, ҳамкорлик, ҳамдардлик, ҳамжиҳатлик масъулият туйғусини тарбиялаш орқали дастлабки ҳарбий офицерлик касбий компетентликни шакллантириш билан боғлиқ бўлган ҳис-туйғуларига ҳам таалluқлидир. Шу туйғунинг борлиги, барқарорлиги, мустаҳкамлиги туфайли миллат, элат уюшган ижтимоий куч сифатида тарих саҳнасига чиқади ва ривожланади. Худди шу сабабли ҳам барча даврларда кишиларда миллий бирлик, бирдамлик туйғусини шакллантириш комил инсон шахсини тарбиялашнинг муҳим томонларидан биридир.

Миллий бирлик ифтихор туйғусини ёшларда шакллантириш жуда катта ижтимоий куч бўлган ва жамиятнинг муҳим ижтимоий қатламини ташкил этувчи бу қисмини бошқариш, тарбиялаш, меҳнатга, ижодга чорлаш учун кенг шарт-шароитлар яратади. Бу эса миллий ифтихор, бурч ва масъулият туйғусининг шаклланишига замин яратади. Миллат истиқболини англаш эса миллий бирлик туйғуси шаклланишига олиб келади. Миллий бирлик туйғуси этник мансубликнигина эмас, балки унинг истиқболини, манфаатларини англаш, шу сифатларни рўёбга чиқариш учун бирликда ҳаракат қилишга интилишдир. Миллий ифтихор бирлик туйғуси, миллий онг ривожланиши даражаси билан белгиланади.

Ёшларда ифтихор, миллий бирлик, масъулият туйғусини тарбиялаш орқали дастлабки ҳарбий офицерлик касбий компитентликни шакллантиришда қуйида-

ги муаммоларга эътибор бермоқ мақсадга мувофиқдир. "Миллий бирлик, бирдамлик туйғуси гносеологик жиҳатдан инсоннинг воқеликни англаши, фаолият ва қобилияти билан боғлиқдир. Англаш бу бирор нарсани ёки ҳодисанинг моҳиятини билиш, унга ишонч ҳосил қилиш, уни эътиқодга айлантириш, ўз фаолиятида унга таянишдир. Шу маънода олганимизда англаш муайян билимни билишдир. Бу фикрлардан келиб чиққан ҳолда, айтиш мумкинки миллий ифтихор бирлиги, бирдамлик туйғусини, тарбиялашни, энг аввало, миллатнинг тарихидан, маданиятидан, урф-одат, анъаналарини тушунтиришдан бошламоқ керак" [7,10].

Англаш ҳақида кўпгина тадқиқотчилар ўз фикрларини айтиб ўтганлар.

Англашнинг асосида инсоннинг ўзини ижтимоий муносабатлар тизимида эканлигини билиши ётади. Бу ўриндаги асосий гап, инсон англаш орқали ўзининг бошқалар олдидаги бурчи ва масъулиятини билишидир. Бу жараён инсон ўзи мансуб бўлган ижтимоий этник бирликни англаш билан боғланганида миллий бирлик, бирдамлик туйғуси сифатида намоён бўлади.

Миллий бирлик, бирдамлик, масъулият туйғусини тарбиялаш орқали дастлабки ҳарбий офицерлик касбий компитентликни шакллантиришда ҳаётий тамойилларнинг асосий кўринишларидан бири бўлиши билан бирга, мураккаб жараён ҳамдир. Ҳаётда муайян ҳис-туйғу билан боғланмаган бирор-бир ҳолат бўлмайди. Ўзимизнинг бир кунлик, ҳатто бир соатлик умримизни таҳлил қилсак, жуда кўплаб ўй-фикрлар, мақсадлар, хатти-ҳаракатлар, айтилган, эшитилган сўзлар таъсирини кўплаб ҳис-туйғу кечинмалар таъсирида бўлганимизни кўрамиз.

Ҳар бир шахс ўз ватанини, миллатдошини бошқалардан кўпроқ севиши, ўз ҳаёти ва истиқболини биринчи навбатда юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги билан боғлаши ижтимоий, табиий ҳолатдир. Ижтимоий жиҳатдан бу ҳис-туйғу кундалик ҳаёт эҳтиёжи ва тажрибаси натижасида шаклланади. Табиий жиҳатдан эса инсон қонига она сути билан кирган фазилат ҳамдир. Инсон ҳар қанча байналминалчилик руҳида тарбияланса ҳам, ўз миллатининг манфаатлари, қадр-қиммати, дарду ҳасрати унинг руҳиятига яқинроқ бўлади.

Миллий бирлик, масъулият туйғусини тарбиялаш орқали дастлабки ҳарбий офицерлик касбий компетентликни шакллантиришда инсон ҳаёти, жамият тараққиётидаги ўрни ва аҳамияти ҳам шу омил билан белгиланади. Мана шу ижтимоий-руҳий ҳолатни таълим-тарбия жараёнида диққат марказида тутмоқ айни муддаодир.

Бошқа миллатларни қанчалик ҳурмат қилсак ҳам, ўз миллатимизга мансуб кишиларнинг қиёфаси, юриш-туриши илиқ аттракция ҳолатини юзага келтиради. "Ёшликда бошқа миллат вакилларига уйланган ёки турмушга чиққан йигит ва қизлар ҳам кексайган сари руҳан ўз миллатдошларини қўмсай бошлайдилар ва маълум даражада ўкинч ҳисси улуғворлик қила боради. Бу ҳам инсон психологиясида унинг хоҳиши ва истагидан ташқари рўй берадиган руҳий жараёндир. Бу ҳолат, айниқса, миллий руҳиятда миллий бирлик, масъулият туйғусини тарбиялаш орқали дастлабки ҳарбий офицерлик касбий компитентлигини шакллантиришда бирдамлик туйғусида ҳам яққол намоён бўлади" [10, 26].

Демак, миллий бирлик, бирдамлик билан боғлиқ таълимий ва тарбиявий ишларни амалга оширишда муаммонинг мана шу томонини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик айни муддаодир. Ҳозирги даврда ёшларда миллий бирлик ва бирдамлик, масъулият туйғусини тарбиялаш орқали дастлабки ҳарбий офицерлик касбий компитентликни шакллантиришда миллатимиз, мамлакатимиз ҳаётида рўй бераётган тарихий бурилиш палласида юзага келган вазифалар билан ҳам бевосита боғлиқдир. Миллий бирлик этник бирликнинг ўзини сақлаб қолиш ва ривожланишининг асосий шартларидан биридир. Лекин миллат мустамлакачилик асоратига тушиб қолган, унинг ижтимоий, маънавий, иқтисодий ҳаётида бўҳтонлар кучайган, мустақиллик учун курашлар кенг қулоч ёйган, ёш мустақил миллий давлатни ривожлантириш, олдинги бўҳтонларга барҳам бериб тараққиётни янги босқичга кўтариш учун ҳаракат бошланиб кетган даврларда ёшларда миллий бирлик ва бирдамлик, масъулият туйғусини тарбиялаш орқали дастлабки ҳарбий офицерлик касбий компетентликни шакллантиришда ватанпарварлик туйғусини кучайтириш, айниқса, катта аҳамиятга эга. Ана шундай масъулиятли даврларда миллий бирлик ва бирдамликни мустаҳкамлаш масаласи миллий истиқлол ғояси ва мафкурасида ҳам ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

"Миллий бирлик, миллатнинг ўзини ўзи англамасдан туриб, миллий онг даражасида ифодаламаган тарзда тасаввур қилиб бўлмайдиган ҳодисадир. Миллий ўзликни англаш эса миллатни, бошқа миллатлар ўртасида ўз ўрнини, аҳамиятини, қадрини ҳис қилмасдан, уни тасаввур қила олмасдан юзага келмайди. Миллат олдида турган хилма-хил эҳтиёжлар ва манфаатлар унга тегишли бўлган кишиларни бирлашишга ва курашишга олиб боради" [12, 42].

Миллий бирлик, масъулият туйғусини тарбиялаш орқали дастлабки ҳарбий офицерлик касбий компитентликни шакллантиришда ижтимоий-педагогик ҳодиса сифатида миллий ғурур, миллий ифтихор, миллий дид, миллий ўзини ўзи англаш каби томонларни ўзида мужассамлайди. Бу кечинмалар миллатнинг онгли ҳаётида маълум бир маъно касб этиб унинг ҳаёт образида, мақсадларида, эҳтиёжларида, манфаатларида ўз аксини топади.

Миллий бирлик, масъулият туйғусини тарбиялаш

орқали дастлабки ҳарбий офицерлик касбий компетентликни шакллантириш жуда серқирра ижтимоий-психологик ҳодиса бўлиб, унга қуйидагича таъриф бериш мумкин. Миллий бирлик – бу ҳар бир миллатга тегишли бўлган ички ва ташқи омиллар асосида пайдо бўлувчи кишиларнинг ижтимоий-психологик кечинмалари, яъни ҳис-туйғулари ва интилишлари бирлигидир.

Ҳар бир миллат ўзининг дунё миллатлари қаторидаги ўрнини билиши, давлат қудратини ташқи муносабатларда кўра олиши каби томонлар миллатда ва миллатни ташкил этувчиларда чин ватанпарвар инсон сифатида ўзлигини англашга олиб келади. Бу эса миллий кайфиятда, масъулият туйғусини тарбиялаш орқали дастлабки ҳарбий офицерлик касбий компитентлигини шакллантириш миллий характернинг намоён бўлишида, миллатни эгаллаган ютуқларидан фахрланиш ҳисси шаклланган миллий ғururда, миллий мансубликни ҳис қилиш ва қадрлашда, миллатни намоён қилувчи темпераментда, борлиққа нисбатан муносабатларда акс этадиган миллий дидда яққол кўзга ташланади. Буларни эса миллат ўзини ўзи англамасдан туриб акс эттириши мумкин эмас.

Миллатнинг ўзлигини англаши орқали ижтимоий установкалар шаклланади. Бу ердан кўриниб турибдики, миллий ўзини ўзи англаш таркибига ижтимоий ҳодиса бўлган установка кириб кетади ва миллий манфаатларни англаш орқали хатти-ҳаракатларга ундайди. Ҳар бир миллатга мансуб инсон ўз малакалари, билимлари, дунёқарашларидан келиб чиққан ҳолда, руҳий ҳолатларни ўзида акс эттириш орқали миллат манфаатлари негизида бирлашишга интилади [12, 51].

Ҳарбий таълим жараёнини модернизация қилишнинг истиқболли йўналиши бўлажак офицерлар касбий компетентликни ривожлантиришнинг самарали механизмларини аниқлаш ва амалиётга жорий этиш билан боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, мактаб ҳарбий таълим муассасаларида бўлажак офицерларнинг назарий билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш орқали касбий тайёргарлик даражасини ошириш, креатив тафаккур тарзини қарор топтириш мазкур соҳадаги замонавий тенденциялардан бири сифатида қаралмоқда.

Назарий манбалар таҳлили шуни кўрсатдики, касбий компетентлик ва уни ривожлантириш муаммоси кўплаб тадқиқотчиларнинг илмий изланишларида турли йўналишларда ўрганилган. Мазкур тадқиқотларнинг аксарияти “билиш” концепциясини амалга оширишга асосланган бўлиб, уларда битирувчиларнинг когнитив фаоллик даражасини ривожлантиришга хизмат қилувчи билим ва кўникмаларнинг маълум бир жамланмаларини ўзлаштириш белгиланган.

Юқорида тилга олинган тадқиқотчиларнинг фикрларига таянган ҳолда, ушбу атама мазмун ва моҳиятини изоҳлашда қуйидаги хулосага келдик: “Компетентли офицер – юксак ҳарбий, касбий билимларни ўзида мужассамлаштирган, юқори даражада интеллектуал салоҳиятга эга, мукаммал жисмоний тайёргарликдан ўтган, ғоявий жиҳатдан шаклланган, замонавий ҳарбий техника ва қуроллардан мақсадли фойдалана оладиган, ўз халқига, Президентига мислсиз садоқатли, Ватан шаъни ва қадр-қимматини доим ҳимоя қилувчи, кимга ва нима учун хизмат қилаётганлигини тўлиқ англаб етган профессионал шахсдир” [15, 38].

Олий ҳарбий таълим муассасаларида бўлажак офицерларнинг касбий компетентликни такомиллаштириш даражасига сезиларли таъсир этувчи асосий омиллар (ҳарбий-педагогик, технологик, диагностик ва касбга тааллуқли) тизимли таҳлил асосида аниқланди. Инсоннинг муҳим хизмат вазифаси (бўлажак ҳарбийнинг психологик ва ахлоқий тарбиянинг юқори даражаси, маънавий-ахлоқий, кучли ирода ва ватанпарварлик фазилатлари, мулоқотчанлик, ижодкорликнинг зарур даражада ривожланганлиги ва бошқалар) шулар жумласидандир. Белгиланган асосий омилларнинг ўзаро боғлиқлиги ва таъсирининг баҳоланиши бўлажак ҳарбийлар ўртасида касбий билимларни такомиллаштириш учун зарур педагогик ва психологик шарт-шароитларни яратишни таъминлайди.

Шу нуқтаи назардан, бўлажак офицерларнинг касбий билимларини такомиллаштириш бир қатор зарур педагогик ва психологик шартларни вужудга келтиради. Булар: замонавий фанлар бўйича махсус билим, кўникма ва малакаларни эгаллашларида юқори даражадаги мотивацияни шакллантириш;

- бўлажак офицерларнинг мустақил ўзлаштириш фаолиятини фаоллаштириш имконини берувчи усулларни қўллаш;
- ҳарбий-касбий хизмат кўрсатишда муҳим шахсий сифатларини фаол ривожлантириш усул ва воситаларидан тўғри фойдаланиш;
- ташкилий бошқарув вазифаларини, турли касбий топшириқларни ва тезкор-тактик вазиятларни ҳал қилиш тажрибасини эгаллашда амалий тайёргарликнинг устуворлиги;
- замонавий усуллар ва дидактик воситалар, шунингдек, ахборот-коммуникатцион технологиялар ва симуляцион дастур воситаларининг имкониятларидан самарали фойдаланиш;

Шу боисдан, бўлажак офицерларнинг касбий компетентликни такомиллаштириш юзасидан таҳлил этилди ва замонавий ёндашувлар асосида такомиллаштирилди [15, 52].

Маълумки, сўнгги йилларда мамлакатимизда ҳарбий таълим тизимини, ҳарбий илм-фанни такомиллаштириш, замонавий талаблар ва жаҳон стандартларига мослаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу туфайли, махсус педагогик-психологик шаро-

итларга мослаштирилган, масъулият туйғусини тарбиялаш орқали дастлабки ҳарбий офицерлик касбий компетентликни шакллантиришга хизмат қилувчи креатив технологияларга асосланган методика таклиф этилди. Ушбу методика мазмунида бўлажак офицерлар касбий компетентликни ўқув ва аудиториядан ташқари ишлар жараёнида муаммоли маърузалар, ижодий семинарлар, илмий лаборатория машғулотлари, амалий машғулотлар, симуляция ва моделлаштириш орқали ҳамда интегратив-ижодий топшириқлар тўплами воситасида, шунингдек, "Буюк саркардалар ҳарбий маҳоратини ўрганиш бўйича Марказ" фаолиятини ташкил этиш асосида такомиллаштиришни кўзда тутилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ўқувчида ватанпарварлик, миллий ифтихор, бурч ва масъулият туйғусини тарбиялаш орқали дастлабки ҳарбий офицерлик касбий компитентликни шаклллантиришда қуйидаги хулосаларга тақдим этилди:

1. Ўқувчида ватанпарварлик, миллий ифтихор, бурч ва масъулият туйғусини тарбиялаш орқали дастлабки ҳарбий офицерлик касбий компитентликни шаклллантиришданинг бугунги таълим тизимидаги ҳарбий таълим сифатини замонавий ёндашувлар асосида такомиллаштириш зарурлигини кўрсатди.

2. Бунга таъсир этувчи асосий омиллар (ҳарбий-педагогик, технологик, диагностик ва касбий) тизимли таҳлил асосида такомиллаштиришни тақазо этади.

3. Мактаб ўқувчисида ватанпарварлик, миллий ифтихор, бурч ва масъулият туйғусини тарбиялаш орқали дастлабки ҳарбий офицерлик касбий компитентликни шаклллантириш ва бошқариш асосида компетенциялар моделини ишлаб чиқиш самарали ёндашувлардан эканлигини кўрсатиш;

4. Мактаб ўқувчида ватанпарварлик, миллий ифтихор, бурч ва масъулият туйғусини тарбиялаш орқали дастлабки ҳарбий офицерлик касбий компетентликни такомиллаштиришга қаратилган механизмлари ҳарбий таълим талаблари асосида илмий-назарий жиҳатдан асосланиши лозим.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

